

АСҚАД МУХТОР



ОПА-
СИНГИЛЛАР

РОМАН

ЎЗБЕҚИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1955



Биринчи боб

Найманча — азалдан косиблар маҳалласи. Эски шаҳарнинг бу чекка маҳалласини Бўзчигузар ҳам дейишади.

Бўзчилик буердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб. Аёли чарх йиғирса, эркаги бўз тўқирди. Ота ўлиб, боласига дўкон-дастгоҳ мерос қолмаса, одамлар: «гадо бўлар экан, шўрлик», деб бош чайқашарди. Буернинг бола-чақаси, тили чиқиб, аввал билган сўзи — арқоқ блан тароғу найча блан моки; она қорнидаёқ, «шусиз хор бўласан» деб биров ўргатиб қўйгандай, бола эсини таниши блан шу касбга ёпишар эди.

Лекин Найманчада етти пушти бўзчи ўтганлардан ҳам ҳали белбоққа ёлчиган косиб чиққан эмас. Одамни очдан ҳам ўлдирмайдиган, қашшоқликдан ҳам чиқармайдиган бу касб ҳақида халқ аломат гаплар тўқиган. Болалигидан савағич чангини ютиб, қирққа кирмай ўп-каси тешилиб ўлган оталар бўзчи тақдирини билатуриб болаларига ҳамон шу касбни мерос қолдирар эдилар.

Бу касбнинг руҳий азобини айтакурманг. Узининг «таги-тахти»га бино қўйган одамлар бу ҳунар отини ҳақорат ўрнида ҳам ишлатардилар — «фалончи бўзчининг невараси-да, қаёққа ҳам борарди» дегандай гапларни бировнинг «таги паст»лигига катта далил қилиб гапирардилар.

Ез кунлари Найманчанинг кўчалари тўпикдан чанг бўларди. Бу чанг бутун маҳаллани — томларни ҳам, деворларни ҳам, сувсизликдан қақраб қолган яккам-дуккам дарахтларни ҳам бирхилдаги жонсиз, оқитш ранга бўярди. Оқишлиги савағич тўзонидан. Бу тўзон одамларнинг

юз-кўзини, кийим-бошини, сархови нураган деворлар оша кўринган ҳовли юзларини ҳам қопларди. Шаҳар четига чиқадиган торкўчалар туйнукдай кўринарди. Ҳамма нарса фақат тупроқнинг ўзидан ясалгандай...

Ҳар дарахтнинг ширасини сўриб ҳаётини сўлдирадиган қурти бўлганидек, Найманчанинг ҳам танасида ўз текинхўрлари бўлган. Буерда бўзчининг сиқиб сувини ичган неча-неча вофурушу саррофлар ўтган, Мўминвофуруш, Миртолипсарроф деганларни маҳалланинг қариялари ҳали-ҳали билади.

Кўкмачитнинг нар'ёғида, қақроқ чўлда кўк тўқайдек, яккаю ягона чорбоғ бор. Бу Қудратиллахўжавофуруш хонадони — Найманча танасидаги қуртнинг сўнгги уяси эди.

Мана етти йилдирки Найманчанинг томирига сув етиб, қуриган дарахтга жон кирди. Маҳалла кўкариб обод бўлганича йўғу, лекин одамларнинг руҳи яшарди. Қосиб бўзчиликнинг ҳам меҳнат эканини билди. Сўнгги қуртнинг уясига ниш санчилди. Қудратиллахўжавофурушнинг оти Қудратиллахўжанефмон¹ бўлди.

Октябрьнинг шарофати блан дадил, тетик бўлиб қолган қосиблар «тишинг синдими, бўри!» дегандай, унинг юзига тик қарайдиган бўлишди.

Лекин ниш еган вофуруш ҳадеганда жон бериб қўя-қолмади. Бўзчиларнинг кўпи «Қизил тўқимачи» артелига кетиб қолгандан кейин, бўнак тарқатишдан наф' чиқмай, Тошкентдаги Шайхонтаҳур даҳалик Сайдвоққос деган чопонфурушнинг ускунасини сотиб олиб келтирди-да, Найманчанинг мозорга туташган чеккасида, Қўштегирмон йўлидаги карвонсаройга бинойидек устахона қўндириб олди. Ҳали хотин-қизлар артельлари очилганича йўқ эди, бўзчи аёллар, айниқса, қосибларнинг беваларидан беш-ўнтаси шунга кириб ишлайбошлади.

Сув қуриб, Қўштегирмон аллақачон йўқолиб кетган, оти қолган эди холос, энди бўлса оти ҳам қолмади — у ерни Қудратиллахўжанефмоннинг йигирув-тўқув устахонаси дейишади. Устахонага борадиган йўл илгарилар тегирмонга, карвонсаройга қатнайдиган катта арава йўл бўлгани учун чанги тўпиқдан эмас, роса тиззадан. Устахонага дамбадам тойпахта олиб ўтадиган аравакаш ём-

¹ «Нэпман» сўзининг бузилган шакли.

фирдан нураб паст-баланд, қинғир-қийшиқ бўлиб кетган гувала деворлар тепасидан Найманчанинг бутун авра-астарини кўриб ўтади, ҳовлиларда чарх йигириб, пахта саваб ўтирган қизларга тегишган бўлиб, ашгуласини мавритидан бурун авжга кўтаради, ҳуда-беҳудага шовқин солиб отини чўқлайди. Шу йўлдан пастлаб кетаверишда, маҳалла хонадонлари тугагач, кўчанинг ўнг юзида яхлит кетган пастаккина узун бино кўрасиз. Янги қамиш босиб лой блан сувалган томининг нишаби ҳовли томонда. Деразасиз кўча деворига чалакам-чатти оҳақ чапилган — уни маҳалланинг бошқа биноларидан ажратиб турадиган жойи ҳам мана шу оқланганлигию кейин, бесўнақай чўзилиб кетганлиги. Икки юз қадамча чўзилган. Кейин, ҳаммиша ланг очиқ турадиган дарвоза келади. Дарвоза тагида саратонда ҳам қуримайдиган, кўмкўк пўпанак босган кўлмак бор. Кўлмакнинг икки томонида ўпқондек чуқур арава изи; ўртасида эса бир вақтлар бу ерда кўприк бўлганини билдирадиган чирик тахта бошини чиқариб турипти, уни кўқон араванинг кўпол ғилдираги ўйноқлатиб кетган бўлса керак. Уша тахмин қилинган кўприкнинг ўнг биқинида тарвақайлаб ўсган қари тут бор, арава ўтадиган томондаги шилиниб оқариб кетган, тара-шадай қуруқ, чайир шохларига тутам-тутам пахталар илашиб қолган.

Ичкарида, дарвозанинг тўғрисида узун кетган олди очиқ бостирма. Ҳали тойпахтаси туширилмаган четан арава ёнида, қийшайиб ётган ғилдираксиз бричкага боғлоғлик жийрон от ерда тезагига аралашиб кетган кўк бедани ҳафсаласизлик блан ҳидлаб, дамбадам пишқириб қўяди.

Устахонага эшик олдидаги арқонга илинган қизил, сариғ, сурранг, бинафшаранг ип калавалари тагидан бош эгиб кирилади. Қоронғи даҳлиздан икки ёнга эшик. Чап эшикдан чархчилар, найчақашлар ишхонасига — «йигирув цехи»га кирилади. Бу эшикдан доим ундай оппоқ гард, ўнг эшикдан эса доим бирхил, тинимсиз шақир-шуқур овоз чиқиб туради.

Ўнг эшик очилганда қулоқларни қоматга келтирадиган шақир-шуқур яна зўраяди. Буер «тўкув цехи», бўзчилар тили блан айтганда — дўконхона. Ғишт ётқизилган бу хонанинг деразаси йўқ, фақат мойли қоғоз ёпиштирилган тепатуйнукдан жиндак ёруғ тушиб туради. Тўққизта дастгоҳнинг ҳарбирининг устида шунақангги тепа-

туйнук бор. Сариг, мойли қоғоздан зўрға ўтган заиф нур тўқучи аёлларнинг танда устидаги қўлларигагина тушади.

Тўққиз аёл ҳаммаси ишда — оёқлари тепкида, қўллари тасма ғалтак блан дастакда.

Дастгоҳлар орасидаги йўлак бўйлаб, ерда ётган синиқ можию эски найчаларни оёғи блан чет-четга суриб, бир эркак юрипти. У дўконхонанинг дам у учига боради, дам бу учига келади. Аҳ'ён-аҳ'ёнда бирор дастгоҳ ёнида тўхтаб, тандадан арқоққа тортилиб рангбаранг товляниб турган ипга ирвоқ бармоқларини тегизиб кўради, ба'зан эса барзангтошни канопидан кўтариб, тўқучи аёлга қарашган бўлади.

Юзлари сал совуқда ҳам кўкариб кетадиган, ранги заҳил, қисиқ кўзлари доим қипқизил, қош ўрнида бирнеча сариг тук ўсган бу кўса одамдан бўзчи хотинлар қочмайдилар ҳам, афтидан, кўпинча унинг дўконхонада бор-йўқлигини ҳам пайқамайдилар. Қудратиллахўжавофуруш устахонасида якка-ягона бўлган бу эркакни хотинлар ўзига гапирганда «уста» деб, орқаваратдан эса «Қилтириқмахсум» деб атайдилар. Бу унинг лақабими, ростакан исми — ҳечким билмасди. «Уста» бундай исмига ўзи ҳам кўникиб кетган эди. Уни, асли юғучи бўлган дейишди. Ушанда у ўзини «юғучи» ёки «мурдашўй» эмас, улғуворроқ ном блан, я'ни арабчасига «ғассол» деб аташларини яхши кўрар экан. Кейин, Абдуражаб қассоб деган бир важоҳатли чол қазо қилиб, исқот кўтарилганида пир-эшон ҳазратлари ҳузурида шу чолнинг «гуноҳларини сотиб олиб» бандан эзгуликдан э'тиборли мулкдорлар доирасига аралашабошлаган экан. Қассобдан текин қолган (гуноҳи блан қўшиб олингани учун текин) мулк унга Қудратиллахўжавофуруш блан яқинлашишга, кейин-кейин унга гумашта бўлиб олишга имкон берди. У гумашталикини жуда ўрнига келтирди: бойнинг мулкига путур, ўзига зарар етказмаслик учун астойдил жон чекди. Муболага эмасу, бой блан гаплашганида ҳатто унинг қулоғига озор етказиши мумкин бўлган «р» ҳарфини ичига ютиб гапирди:

— Буюсинла, тақсий. . :

Қилтириқмахсум кейинги вақтда жуда камгап бўлиб қолди; афтидан, бу хотинларга яхши гапирай деса — яхши гапи йўқ, ёмон гапирай деса — кўрқади. Бўзчи хотинлар совет қонунига мувофиқ саккиз соат ишлаб, ишига яраша ҳақ оладиган бўлганларидан бери дўкон-

хонада бундай «ишбоши»нинг кераги йўқлиги ҳаммага аён эди. Шундай бўлса ҳам, Қудратиллахўжанефмоннинг «уста»си ҳамон шу ерда; у ўзининг кераксизлигини, бўзчи хотинларнинг яширин нафратини пайқаб турса ҳам, хира пашша сингари, дастгоҳлар орасида бедана юриши блан йўрғалагани-йўрғалаган эди.

Хотинлар Қилтириқмахсумнинг бу юришидан, айниқса Онахоннинг дўкон-дастгоҳи атрофида кўп айланиб, ба'зан хотинларнинг майда-чуйда гапига яширинча қулоқ солишидан, кейинги вақтда унинг «вазифаси ўзгариши»ни пайқайбошладилар. Мана ҳозир ҳам у Онахоннинг дастгоҳи олдига келиб, ингичка бармоғини гула тишига тегизди-да, Онахоннинг кўзига кўзи тушгандан кейин тупугини култ этиб ютиб, яна қайтиб кетди. Бирпасдан кейин тагин келди, арқоққа қўл узатмоқчи эди, Онахон қайрилиб қарагач, доим суюқ тумов бўлиб юрадиган бурнини икки бармоғи орасига олиб «соғиб» ташлади-да, яна кетди.

Қилтириқмахсум чархчилар ишхонасига ўтиб кетганда, кетидан эшик ёпилиши блан арқоқларнинг шақиршуқури бирин-кетин тинди. Дўконхонадагиларнинг энг ёши, энг шўхи ҳисобланган Ҳожияхон бундай пайтларда биринчи бўлиб ишдан тўхтарди. «Бирпас кулишиб олайлик, қизлар» дерди у. (Кампиру жувон ҳаммани «қизлар» деб аташ устахонада раом эди.) Ҳожияхон бўз тўқишни энди ўрганган, ўнг қўли тасма ғалтакни тортса, чап оёғи тепкини босолмас, ўнг оёғи тепкини босса, чап қўли гулани жуфтлолмас эди. Шунинг учун ишдан дарров зерикар, қулай пайт келиши блан шўхлигини бошлар эди.

Унинг ёнида Қумри деган хотин ишларди. Еноқ суяги кенг, сўйлоқ тиш бу хотин Ҳожияхон блан доим сирдош, кўпинча у блан ниманидир пичирлашгани-пичирлашган эди. Қилтириқмахсум чиқиб кетгандан кейин Ҳожияхон навотини тортиб, кунтахтадан турди-да, пешона сочини сылаб хотинларга қаради:

— Мунча тез юради-я, қизлар?

Шунда Қумри унинг қулоғига бирнима деб пичирлади. Бирдан қийқириқ-кулги кўтарилди. Пичирлаб айтилган гапни ҳамма тушунди шекилли, бутун дўконхонада кўтарилган қаҳқаҳа ишлаб турган битта-ярымта дастгоҳнинг шақир-шуқурини ҳам босиб кетди.

— Рост, қизлар,—деди Қумри очиқчасига ўтиб,—

вофуруш Қилтириқмахсумни ўша вақтдаёқ ахта қилдирган дейишади...

Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Ҳатто, бурчакдаги дастгоҳда ишлайдиган камгап Рузвон хола ҳам жилмайиб қўйди ва кулги босилгандан кейин бошқаларга танбиҳ берган бўлди:

— Мунча хор қилдинглар лаҳатга киргурни, жувон ўлмагурлар!..

Қийқириқ-кулгига қўшилмаган Рузвон хола аслида Қилтириқмахсумни буердагиларнинг ҳаммасидан кўра қаттиқроқ ёмон кўрарди. Ҳарсафар, унинг хомгўшгудай қизил, қошсиз кўзларига кўзи тушиши блан холанинг оғир юрак яраси янгиланар, қон йиғлаган қайғули кунни ёдига тушар, яна «Вой муродим, якка чинорим!..» деб фар'ёд қилгудай бўлар эди.

Қилтириқмахсум бирвақтлар, Қудратиллахўжавофурушнинг гумаштаси бўлиб юрганида, Найманчадаги косибларга унинг бўнагини улашар, кейин ҳар жумада келиб «иш»ни (тўқилган бўзни) талаб қилар, я'ни «симкор ундирар» эди. Бўнак бергани келганда илонни инидан чиқаргудай мулойим бўлар, симкор ундиргани келганда эса ўлик-тиршкни фарқ қилмас эди.

Рузвон холанинг эри марҳум Султонбўзчи саксонга кирганида ҳам ўз ҳунарининг миришкори ҳисобланар, Найманчада Султонбўзчининг чопонлик олачабўзи жуда машҳур эди. Ҳунармандни жуда танлаб иш кўрадиган Қудратиллахўжавофуруш ҳам унга бўнак юбортирди. Қилтириқмахсум эшик қоқиб келиб, хўжайинининг «қўли гулларга ихлоси» ҳақида бетиним жилмайиб, узундан-узоқ гапиргандан кейин (у ўша вақтларда ҳозиргидек эмас, жуда сергап эди), Султонбўзчини унатди, ҳатто арзонгина қирқинчи бурам фаранг ипни қаердан харид қилишни ҳам ўзи айтиб берди.

Шу-шу бўлдию, Султонбўзчи Қудратиллахўжавофурушнинг тузоғига илинди, Қилтириқмахсум ҳар жумада келиб бир той олачабўз кўтариб кетадиган бўлди. Лекин чолнинг қарзи кўпаяборди, бунинг устига саломатлиги кетиб, жума сайин симкор узилмай қолаверди. Қилтириқмахсумнинг ҳам авзойи ўзгарди, бора-бора тошдай қотди: кириб келиши блан оғзидан салом-алик ҳам чиқмай, нуқул заҳар сочадиган бўлди. «Дўконинингги аравага ортиб кетаман, чорвоғинингги сотдираман»дан бошқа гапни билмай қолди.

Султонбўзчи ҳар жумани юраги безиллаб кутар, кўкраги қисиши, кўзи ожизлигига қарамай, зах дўқонида кечалари блан шам ёқиб бўз тўқиб чиқар эди. Лекин чолнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Танда ўрашга, барзангтош кўтаришга мажоли етмас, ба'зан ўпкаси қисиб, ўтирган жойида кўкрагини новотга қўйиб анчагача бошини кўтаролмай қолар эди.

Эртага жума деган куни кечаси Рузвон хола пақирчада найча кўтариб дўқонга кириб қолди. Қараса чоли арқоққа юзи блан мукка тушиб ўтирипти. Кампир унинг бошини кўтарди — чолнинг юзида қон йўқ эди.

— Кириб ётақолинг, отаси, рангингиз қочипти.

— Йўқ, эрта жума... азонда яна келади... — деди чол титроқ қўлларини гула дастагига узатиб.

— Келса-келар, лаҳатга киргур, олса чорвоғни оладими?..

— Дўқонни... дўқонни ортиб кетаман, деяпти, кампир.

Бўзчи учун дўқонсиз қолиш — гадо халтасини бўйинга осиб блан тенг эди. Отадан қолган шу қўлдастгоҳ чолкампирни умр бўйи боқди. Бунинг устига, чорвоғ блан дўқон вофуруш боқимандасининг ярмини ҳам қопламас эди. Чолкампир, қарзни узолмай ўтиб кетсак, биттаю битта ўғлимиз Эргаш бойга умрбод мути' бўлиб қолади, деб ўйлар, бу фикрни бир-бирига айтмаса ҳам, ҳарқайсиси ўзича ўйлаб, даҳшатга келар эди. Буларнинг ҳаммасини дарров кўнглидан ўтказган Рузвон хола чолни ортиқ қистамади, фақат шамни баландроқ қилиб қўйди-да, ҳужрага кириб кетди.

Кириб ётгандан кейин Рузвон хола анчагача эри ҳақида ўй сурди. Кейинги пайтларда ба'зан унга қаттиқ гапирганларини эслаб ўзини койиди, умрининг аччиқ-чучугини бирга тотган қадрдонига раҳми келиб, эртадан унга ширин сўз блан тасалли бериш, эртами-индин маҳалла хотинларини чахсонга чақириб ишини енгиллатиш, азонда туриб чопонини яхшилаб ямаб қўйишни аҳд қилди.

Тун. Эргаш ҳам келмади. У аллақайси қишлоқда даволзон тожикларга шогирд тушган, ҳафта-ўн кундагина белига уч-тўрт танга пул туғиб келиб чолкампирни қувонтириб кетар эди. Рузвон хола уни бугун орзиқиб кутди, назарида бугун ўғли келмаса сра бўлмайдигандек эди. Лекин келмади. Ташқаридан арқоқнинг сийрақкина

шақир-шуқир эшитилар эди. Рузвон хола турли ўй аралаш шу заиф овозни тинглаб ётиб, пинакка кетиб қолди. . .

Тонготарда уни дағал шовқин уйғотди.

— Чорвоғингни сотаман, дўконингни ортиб кетаман! Қудратиллахўжабой ўз мурувватини оёқ-ости қилганларни маймундай ўйнатиб келган. Жонингни суғуриб олади!

Кампир овозни таниди. Қараса чол уйда йўқ. Апилтапил кийиниб дўконга чиқди. Қилтириқмахсум думи гажак чиёндай бўлиб остонада турарди.

Султонбўзчи худди кечагидай, арқоққа бошини қўйганича ўтирипти. Тепатўйнуқдан ёруғ тушиб қолганига қарамай, ёнида охирлаб қолган шамнинг заиф шу'ласи милт-милт ёнарди. Қилтириқмахсум кампирни кўриши блан бояғи гапни такрорлаб олдинга бир интилган эди, шам ўчди. Тонг ёруғида чолнинг бўзга мукка тушган оппоқ юзи кўринди. Оппоқ. . .

Рузвон хола оёғига биров бирдан болта чопгандай тиз чўқди, чап қўли чолининг елкасидан сидирилиб ерга тушди:

— Е раббим. . .

Қилтириқмахсум, бу аччиқ товуш елкасига тепки бўлиб теккандай, дўкон эшигидан отилиб чиқди. Унинг кетидан, тонг ёруғида Султонбўзчи ҳовлисидан аччиқ фар'ёд кўтарилди: «Номуродим! Якка чинорим! . . .»

...Қизлар қаҳқаҳаси давом этар, Рузвон хола ичида бу аччиқ кулгини қувватлагани ҳолда, жилмайиб қизларга танбиҳ берган бўлар эди.

Қираверишдаги якка-ягона атлас дўконинда Назокат деган хушбичим жувон ишларди. У сочпопугига осилтирган чўлписини жиринглатиб юрар, иккала қошини туташтириб қалин ўсма қўяр, ҳатто устахонада ҳам кўп вақтини ўсма тортиш блан ўтказар, кунтахтанинг тагида пиёла синиғига эзиғлиқ ўсмаси доим шай эди. Назокат Норматпаранг деган ўзига тўқ қосибнинг Намангандан тушириб келган ёш хотини бўлиб, эри ҳозир ўз уйда қалами дўкон тутади дейишади. Норматпаранг Қудратиллахўжабой блан азбаройи қалинлитидан, Найманчада биттаю битта атласчи бўлган Назокатни бойнинг ўз илтимоси блан корхонага берганмиш.

Назокат хотинларнинг бугунгидай хушчақчақ гурунгларига қўшилиб, ҳузур қилиб кулар, лекин суҳбатга ара-

лашса, қизиқ гап айтаман деб «пайровдан чиқиб кетар» эди. Афтидан у хотинлар кулгисининг асл мазмунини фаҳмамас, шунчаки шўхлик деб ўйлар эди. Шунинг учун, ба'зан тилига келган гапи кулгили бўлса ҳам, мазмуни хотинларнинг ра'йига тўғри келмай, жавобсиз-қолар, туппа-тузук авж олиб турган қаҳқаҳа чўққа сув сепгандай босилиб қола қолар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Моки-я, моки,— деди Назокат,— нуқул Онахонга гиргиттон бўлади, жигаридан урганми дейман. . .

Бу гапга ҳечким кулмади. Ҳамма, ҳечким блан иши йўқдай бир ме'ёрда секин ишлаётган Онахонга қаради. Рузвон хола Онахоннинг иззат-нафсига тегиши мумкин бўлган бу гапдан ғижиниб, Назокатни еб ташлагундай хўмрайди. Ҳамма ўзини ўнғайсиз сезиб, бир ишга қўл урган бўлди.

— Уйиндан ўт чиқазасан, жувон ўлмагурлар,— жовради Рузвон хола мокида чувалган ипни тиши блан «қирт» этиб узиб.

Лекин Онахон бу гапларга бепарво, ўз ўйи, ўз иши блан банд эди.

У тўрдаги даройидўкон деб аталадиган энг катта дастгоҳда ишлар, сарпинка нусха кўйлақлик тўқир, у вақтларда нодир нусха ҳисобланган, фақат миср ипдан бўладиган бу энлик матани шу даройидўкондагина тўқиш мумкин эди. Онахон бу дўконда ишлайоладиган камдан-кам чеварлардан бири, Найманчада эса биттаю битта ноёб бўзчи ҳисобланар эди. Қудратиллахўжа учун даройидўкон блан Онахон ҳам биру, қолганларнинг жам'и ҳам бир, шунинг учун хўжайин кўпинча Онахоннинг ра'йига қарар, ундан қўрқар эди. Унинг учун Онахоннинг ўзидан ҳам кўра бўзчи хотинларнинг Онахонга бўлган ҳурмати даҳшатлироқ эди. Бойнинг бу заиф томонини пайқаган Қилтириқмахсум ҳам хўжайин даргоҳига келганида, устахона ишларидан ҳам аввал Онахоннинг кайфияти, айтган гаплари, хотинлар блан нималар ҳақида сўзлашгани тўғрисида тиз чўкиб ма'лумот берадиган бўлган эди. Онахоннинг эски шаҳарда очилган хотин-қизлар клубига қатнайдиган бўлганини эшитиб ваҳимага тушган бой Қилтириқмахсумни устахонанинг бошқа ишларидан бутунлай холос қилиб, фақат Онахонга ай-ғоқчи қилиб қўйди. Қилтириқмахсумнинг «вазифаси узгаргани» шу эди.

Онахон уч газлик арқоққа мугизмокини шундай қулочкашлаб отар эдики, мокининг чодир пештомонига тушиб қолмагани ҳаммани ҳайратда қолдирарди. Шунинг учун хотинлар кўпинча унинг дўкони атрофига тўпланиб, танглайларини тақиллатишиб, ишини тамоша қилишар эди. Лекин кейинги вақтларда бундай тўпланишларнинг «иш тамоша қилиш» ма'носи йўқолиб кетди. Хотинлар, қайтага, Онахон ишдан тинган пайтларда тўпланадиган бўлишди.

Ҳозир, хотинларнинг ҳаммасини қизиқтирадиган ўшандай одатдаги гурунгни бошлаш учун зап қулай пайт келдию, лекин Онахон ишдан тинмаяпти. Қумри блан Ҳожия бир нимани пичирлашди, Қумри қизни нимагадир қўярда-қўймай қистайди, қиз эса негадир ийманади. Охири у нимчасининг чўнтагидан бир парча оқ қоғозни, дўконнинг аллақасерига беркитиб қўйган жимжилоқдек кемтик қаламни топиб олди-да, секин Онахон томонга юрди. Рузвон хола бирнимани тушунгандек унинг кетидан ма'ноли қилиб қия қараб қолди.

Ҳожияхон қоғоз блан қаламни кўрсатиб бирнима пичирлаганда Онахон ишини тўхтатиб, ёқимли кулди, қиз бўлса қипқизариб ерга қаради. Қиз боланинг кўнглини дарров пайқайдиган Рузвон хола бу ҳаракатларни ертагидан кузатиб, ҳамма гапни тушуниб турар, лекин қувонганини билдирмас эди. Ҳожияхон Рузвон холанинг фрунзечи қизил аскар ўғли Эргашвойга «ширин-шакар» хат ёздириб олмоқчи. Бундай хатни фақат Онахонгина кўнглидагидай қилиб ёзаоларди. Онахон хотин-қизлар клубида саводини чиқарипти, деган гапни эшитганидан бери қизнинг дарди-хаёли шу эди. Анчагача юраги дов бермай юрдито, Қумрининг қистови блан ахири бугуш жур'ат қилди. «Ҳечким билмасин» деди Ҳожия жимжилоғини тишлаганича ердан кўзини олмай. Рузвон хола буларнинг ҳаммасини қулоғи блан эмас, дили блан эшитиб, фаҳмлаб турипти. «Чиройлик қилиб, китобдагидай келиштириб ёзинг, нима дейишни... ўзингиз биласиз». Қиз уялганидан Онахонга ортиқ қаролмай, бирдан қайрилди-да, югурганича ўрнига борди. Қизарган юзини қаёққа яширишни билмасди, унинг қизларга хос чиройли ҳаракатлари Рузвон холанинг оналик қувончини ошқора қилиб қўйди. Кампир нима қилганини ўзи ҳам пайқамай, тез бориб ёшли кўзларини қизнинг олмадай қизил юзига босди.

— Бўйгинангга онанг қоқиндиқ...

Кейин Эргашвойнинг номини тилгд олиб, ростакамига йиғлаб юборди.

Ҳожияхоннинг шу иши баҳона бўлдию, ҳамма дўконларда мокилар тинди. Гап-сўз ҳам тинди. Рузвон хола блан Ҳожияхон қилиб қўйган ишларидан уялгандай, икковлари икки ёққа — иш жойларига бориб, ердан бош кўтармай бирнима блан овора бўлган бўлдилар. Онахон уларнинг она-болалик меҳридан завқланиб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикканча, қўлини иягига қўйиб ўтирарди.

Ташқарида ип оҳорлаётган хотинларнинг ўзаро гапи, чархларнинг гув-гувлаб айланиши, савағичларнинг гуп-гупи эшитиларди. Тепатуйнуқларни чанг булути қоплаб, дўконхона қоронғилашди.

— Нимани ўйлаясиз, Онахон қизим?— деди Рузвон хола анчадан кейин, секин товуш блан.

Ҳамма ўйчан ўтирган Онахонга қаради. Онахон бошини кўтарди:

— Мен сиздан сўрамоқчи эдим, хола, сиз-чи, сиз нимани ўйлаясиз?

Рузвон хола аста юриб келиб, Онахоннинг қаршисидаги дўкон поясига суянди.

— Ростини айтсам, Онахон қизим, кўнглим яримта... Нимадандир кўнглим тўлмаяпти. Қандайдир бошқача ишлашни тусаяпти одам... Сиз ҳам шунақамисиз?

— Вой, бу — иш бўлмай нима экан?

Бу гапни бурчакдан туриб айтган Назокат томонга ҳечқим қарамади. Хотинлар аста-секин юриб Рузвон хола турган жойга тўпланабошладилар. Онахон, одатдагича, ўртага тушиб қолди. Энди ҳамма ундан гап кутаётганини биларди.

— Мен ҳам шунақаман, хола. Иш... ростакам иш қилгинг келади киши. Тўғри, илгарилар ишимиз бўйни-миздан боғлаб бировнинг қўлига қул қилиб тутқазар эди.

— У меҳнат эмас, заҳмат эди, болам.

— У заҳматли меҳнат эди. Бу, ҳозиргимиз бўлса... меҳнатнинг қуруқ ўзи...— Онахон жим қолди.

Лекин хотинлар гапнинг давомини кутардилар.

— Учинчи хили ҳам бор, у — ҳузурли меҳнат. Кўнглиг ана шунисини тусаяпти,— деди Онахон.

— Ана шунисини айт, болам, шунисини айт.

— Ана шунисини айтинг, Онахон,— деди Қумри ҳам барзангтошдан тушган яримга ғиштга чўққайиб ўтириб.

Ёш Ҳожия олов кўзларини чарақлатиб Онахонга тикилган эди. Сўлкавойини жириинглатиб Назокат ҳам яқинлашди:

— Меҳнат бўлгандан кейин ҳаммаси ҳам бир гўр-да, — деди у.

— Оқибати-чи?— деди Онахон.

— Оқибати? Оқибати — муллажиринг-да. Ишласанг — еганинг олдингда, емаганинг кетингда. Ишламасанг — икки қўлинг бурнингда.

— Ана шу-да: пул! Биз ҳозир фақат пул деб ишляпмиз.— Онахон жаҳли чиққандай гапирди, лекин у Назокатнинг гапнинг учини топиб берганидан хурсанд эди.— Аммо пулдан кўра қимматроқ нарсалар бор. Сиз тўқиган анави хонатлас қаёққа кетади, Назокатхон? Қудратиллахўжанинг базозлик растасига боради. Биз тўқиган матанинг пулини Қудратиллахўжанефмон даста даста қилиб сандиғига тахлайди. Бордию мана шу мата капратипга чиқса-чи?

— Ҳайтовур, болам, ўшанда шу пуллар ўзимизнинг косиб ҳукуматнинг ғазнасига тушади-я!— деди Рузвон хола ўзи топган фикрга ўзи ҳайрон бўлиб.

Хотинлар бир-бирларига қараб олишди. Назокат бир-нима демоқчи эди, Қумри нос отиб, «сен жим тур, гапнинг қизиғи чиқаяпти» дегандай қўл силтади.

— Ана ўшанда,— деб давом этди Онахон,— меҳнатингнинг оқибатини кўрасан, кўнглинг ўсади, ҳузур блан ишлайсан, бу — пулдан кўра афзалроқ...

— Вофуруш матани капратипга берақолармиди?!

Назокатнинг луқмалари ҳечкимга ёқмай, э'тиборсиз қолаётган эди, бу гапи хотинларни ўйлатиб қўйди. Рузвон хола ерга тикилиб қолди, Қумри Назокатга ўқрайди, Ҳожияхон бармоғини тишлади.

Лекин Онахон бу гапга парвосиз қаради, қайтага чеҳраси очилди.

— Вофуруш матани капратипга бермайди, буниси рост.

— Бўлмаса ҳузурли меҳнат деганинг нима бўлди, болам?

— Уни биз бошқа жойдан топамиз.

Бундай суҳбатларга кам аралашадиган Анзираткам-пир (уни «Шукуркампир» ҳам дейишарди) бир чеккада

чўнқайиб ўтириб, чувалиб кетган мокуси блан овора эди.

— Еш умрга кўхистон гулистондир, қари умрга гулистон ҳам гўристондир...— чўзиб мингиллади у ўз-ўзи-ча.— Ешлик шу экан-да, қирғоққа чиқиб олдим дегунча осмонни ҳавас қилади.

— Сиз-чи, Анзират хола, орзу-ҳавасингиз йўқми?— сўради Ҳожия.

— Шоптоли қоқидек буришиб, эски маҳсидек шалвираб қолибмизу, бизга ким қўйипти, болам. Шунисига ҳам шукур.

— Ҳай, Шукуркампир, мучалингиз тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилганмисиз, нима бало, сра эл бўлмайсиз-а?— деди Рузвон хола.

— Бир оёғим тўрда-ю бир оёғим тўрда, ажал деган рўдапо эшикнинг тирқишидан мўралаб турипти-ю, қолган беш кунимга шукур қилмай, яна орзу-ҳавас қилайми, айланай овсин?

Рузвон хола тутоқиб кетди:

— Овсин деманг, ажал оғзингиздан мўралаяпти, гапингиздан кафан ҳиди гупиллайди-я... Қўйинглар шуни, қизлар, гапир, Онахон айланай, ўзинг гапир.

— Онахон ўзининг гапига илҳақ бўлиб турган хотинларнинг кўзларига бир сидра қараб чиқди-да, гўё улардан нимагадир розилик олгандай, чеккада чўққайиб ўтирган Анзиратгагина қараб гапирди:

— Биз артельга кетамиз.

— Вой ўлай,— деди Назокат юзини қўли блан тўсиб,— эркаклар блан бирга ишлагани-я?

Хотинлар савол назари блан Онахонга тикилиб қолишган эди, Рузвон хола ўрндан туриб қўлини пахса қилди:

— Мана шу лаҳатга киргур Қилтириқмахсумнинг юзини кўрмайманми ишқилиб, майлига...

— Йўқ,— деди кула-кула Онахон,— хотин-қизлар артели очилади.

Хотинлар чувиллаб кетишди. Ҳожия Онахоннинг юзидан ўпиб қочди. Қумри бўлса, «Норматпаранг сени ўлса ҳам артельга юбормайди, бузуққа чиқаради» деб, бояги ёқимсиз луқмалари учун Назокатдан ўч олабошлади. Бу гаплар Назокатга айил ботди.

— Бормаганим бўлсин!— деди у қичқириб.— Бой ота ҳам сенларни қўшқўллаб узатиб қўяқолмас!..

— Ҳа, бу бўрининг шунақа қилиши ҳам бор-а,— деди Рузвон хола Онахонга қараб.

Онахон гап бошлаганда шовқин яна тинди.

— Тўғри, бўри. Аммо тиши синган бўри. У блан менинг гапим лўндагина бўлади. Лекин, бир лекини борки, беш-ўнта хотин блан артель очилақолмайди. Артель катта бўлади — юзлаб хотин-қиз керак. Бутун умид — мана шу Бўзчигузар хотинларида. Ана ўшаларни орқамиздан эргаштираолсак бўлгани.

Онахон ишга тушмоқчи бўлиб, тандага ўгирилиб ўтирди, хотинлар гапнинг давомини кутар эдилар.

— Шу артельни очишни ҳукумат айтганми ахир, қизим? Ундоқ бўлса бормайдиган эсипаст бор эканми?

— Жўраҳон опам айтган!..

— Вакила опамизнинг ўзлари-я?..

Ўз дўконлари олдига кетаётган хотинлар бу номни эшитиб, яна Онахон томонга қарадилар. Суҳбат янгидан бошланадиган бўлиб эдию, шу пайт эшик очилди — тоқисини бошидан баланд кўтариб шақиллатганича Қилтириқмахсум кириб келди. Бу — иш вақтининг тамом бўлгани эди. . .

Бўзчи, чархчи, найчакаш хотин-қизлар «цех»лардан чиқиб, қоронғи даҳлизнинг бурчагидаги паранжи уюмини улашакетдилар.

— Анзират, мана бу сеникими?

— Бандаги ямоқ бўлса меники.

— Сочвонимни олворинг, Ойниса кеннойи!

Қумри эски сочвонини Назокатнинг оёғи остидан топипти шекилли, қоронғи бурчақда иккови талашакетди.

— Нега оёқости қиласан, жувон ўлгур! — деди Қумри эркакча дўриллаган овоз блан. — Сўлқовойингни шартта юлиб олиб юзингга солайми!

Шовқин бўлиб кетди. Назокатнинг шаллақилик блан чинқиргани эшитиларди:

— Ҳа, оҳоринг тўкилдими, қўтир жомашов!..

Хотинлар анчагача шу таҳлитда шовқин-сурон блан уймалашиди. Ҳожия бўлса, Онахон блан Рузвон хола-нинг паранжисини зўрға топиб, тўпдан отилиб чиқди. . .

Иккинчи боб

— Собир мастеровойнинг беваси. . .

Онахонни шундай деб аташарди. Хотин кишини оти блан чақириш унга керагидан ортиқ ҳурмат билдириш-

дай бўлиб туюладиган замонларда қўйилган бу ном беш-олти йилдан буён, аксинча, Найманчада энг э'тиборли ном бўлиб кетди.

Онахон турадиган муюшдаги мана бу кўримсизгина лойсувоқ уй маҳалла хотин-қизларининг кўз тиккан жойи бўлиб қолди. Бировлар унга қувонч, умид блан, бировлар бўлса хавотир блан қараб ўтади. Очиқ хотинлар, ба'зан эса сочини калта қирқтириб бошига қизил дурра ўраган жувонлар келиб кетадиган бу уйга Қудратилла-хўжа ҳам бепарво қарайолмайдиган бўлди. Шаҳар хотин-қизлари орасида Жўраҳон-вакила деб ном чиқарган очиқ хотиннинг келиши бўлса айниқса шариат пешволарининг ваҳимасини оширди.

Аслида, бу уйда ваҳимақиладиган ҳечгап йўқ. Унда Собир мастеровойнинг беваси ўзининг икки қизчаси блан етти йилдан бери эл қатори бирнав' тирикчилик қилиб келаяпти.

Онахоннинг устахонада бўз тўқиб топганини икки қизчаси рўзғорда учма-уч қилиб, бинойидек уй тутишади. Уйлари фақиргина бўлса ҳам, ҳовли-жойлари ҳамиша ойнадек. Турсуной блан Башорат ҳар кун ичи-ю йўлакларни супуриб-сидириб, ҳаммаёқни саранжом-сариништа қилиб, қозон осиб, оналарини ишдан кутишади.

— Ойижон, дастурхонни ёзайми?— деди Башорат ўчоқбошидан туриб.

Онахон эндигина ишдан келиб, обдастадаги муздек сув блан юз-қўлини юваётган эди. Қизчасининг овози блан бирга, кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди. Муздек сув, ғамхўр қизчасининг меҳрибон товуши ва бу лаззатли таом ҳиди онанинг кўнглини очди, ҳорғин ва негадир ўйчан кўринган юзида табассум балқиди.

Она ишдан қандай ўй, қандай ташвиш блан қайтмасин, шу қизчаларини кўрибоқ кўнгли ёзилар, янги чиройли кунлар туғилаётганини, қандайдир абадий сўлмас ёшлик чечак отаётганини ҳис қиларди, бу ҳиснинг ўз қизчаларигагина боғлиқ эмаслигини, атрофидаги турмушга, кейинги вақтда ўзида туғилган ўй ва орзуларга, одамларда, дугоналарида, клубдаги гурунгларда сезилаётган янгиликларга боғлиқ эканини ҳали ўзи англаб етмасди.

Онахон уй ишига камдан кам қарайди. Даст'ёр бўлиб қолган қизлари, айниқса катта қизи Башорат уш

кўпдан бери рўзгор ташвишидан қутқазган. Бугун ҳам, кундагидай, қизчаларини севиб-қучиб, тайёр овқат, тайёр жойга, сандал ўрнидаги бўз дастурхон ёзилган хонтахта ёнига меҳмондай оёқ буклаб ўтирди. Иссиқ овқат тўла косани тагидан қозон сочиқ блан кўтариб келаётган Турсуной ҳовлининг қоқ ўртасига келганда «вой!» деб чинқириб юборди. Косани ташлаб юборай деганида қаёқдан-дир пайдо бўлган Башорат югуриб келиб яланғоч қўли блан овқатни шартта олди-да, хонтахтага элтиб қўйди. Турсуной латтани ерга ташлаб, кўзини юмиб бармоқларининг учини тишлаганича жойида анча туриб қолди. Кейин қизлар қаққақлаб кула-кула оналари ёнига келиб ўтиришди.

Башорат бу йил ўрик гулида ўнбешга кирди. Унинг юз-кўзи отасига тортган эди: қошлари қуюқ, қалтин; юм-юмалоқ ёноқлари ҳамиша қизил; ниҳоятда пишиқ, тўла ва бақувват гавдаси ҳам худди юзидай юмалоқ, шунинг учун ҳам онасининг нимчасини кийганда қўлтиқ чокидан йиртмай қўймасди. Башоратнинг сақичдай қора сочи қуюқ бўлса ҳам калта, ўрганида диккайиб турар эди.

Турсуной ундан икки ярим ёш кичик бўлса ҳам, сочи белига тушар, эски духоба нимчасининг орқасини ярқиратиб юборган эди. Турсуной нимранггина узунчоқ юзи, учли яяги блан онасига ўхшаб кетарди. У маржон, исирға, узук тақишни бировлардан кўриб ҳавас қилар, лекин интичка кўкимтир томирлари билиниб турган бўйни ва қўлларига бу зийнатлар ярашиб тушмас эди. Опаси кўп кулар, ҳар ишни тез ва шатир, беэҳтиёт қилар, шунинг учун ҳам уйда бирор идиш-товоқ синса албатта ундан кўришар эди. Турсуной бўлса ёшига ярашмаган даражада ўйчан, ҳарнарсадан тез ва узоқ вақтгача та'сирландиган қиз эди.

Ба'зан Башорат томга гўзапояга, ёки болохонага тараша учун чиққанида, шоти буёқда қолиб ўзини шундоқ пастга ташлаб юборарди. У буни жўрттага, синглизини қўрқитиш учун қиларди. Бундай пайтларда Турсуной бир четда кўзини юмиб, анчагача ҳушига келолмай турарди.

Башорат овқатни ўғил болалардай тез, апир-шапир ичиб, ҳаммадан олдин тугатди-да, бир ҳафтадан бери қайта-қайта ҳижжалаб ўқиган эски газетасини тоқчадан олиб яна столга ёзди. Овқатдан кейин қўлга газета олишини у Ефим тоғалар оиласида ўрганган эди. Бир томони яхлит

мақола, кейинги бети э'лонлар блан тўлган бу русча газетани онаси ўтган ҳафта хотин-қизлар клубидан олиб келган, Башорат уни ҳар ўтирганда сарлавҳасидан тортиб то босмахона адресигача ўқиб чиқар, ҳарфлар уриштирилганида сўз чиққанидан хурсанд бўлиб яна бошидан тушаберар эди.

— Ма... мастер... мастерские... и... имен... и... — деб ғўнғиллади Башорат ўзидан-ўзи, кейин:— Ленина!.. — деб юборди сра тутилмасдан ва қора кўзларини чароқлатиб ойисига, синглисига қараб қўйди.

Бу номни у иккинчи учратишдаёқ сра ҳижжаламай айтадиган бўлди, ўқиганида бу сўзнинг келишини кутиб туради, унга етгунча бошқа қийин сўзларни ҳижжалаб қийналиб кетади, бу сўз яқинлашганда уни бир кўзи блан олдиндан кўриб туради ва етиб келганида уни бўғинларга бўлмай баландроқ қилиб бирдан айтади-да, тингловчиларга завқ ва гурур блан қараб қўяди.

Айниқса шундай пайтларда Турсунойга опасининг «газета ўқиши» аллақандай сирли бир му'жиздай кўриниб кетарди. Лекин Башоратнинг тиниш белгиларига сра тўхтамай, сарлавҳаларни ҳам бирга қўшиб, бир сҳангда ҳадеб тутилиб ўқийбериши, айниқса э'лонлар бетига ўтганида Турсунойни ҳам зериктириб юборарди.

— Байти йўқ экан-да, опа?— деди у қўлини нягига тираб ўтирган жойидан.

— Вой, китобмидики бу, байти бўлса,— деди опаси,— сенинг бор билганинг байт экан-да!..

— Байт яхши-да, бўлса ашула қилардим.

Турсуной ашулани яхши кўрарди, ашула эшитса дарров ўқиб олиб, ҳовли супурганда ўзи айтиб ўзи завқ қилар, ба'зан ширин қўнғироқ овози блан қўни-қўшининг ҳам диққатини тортар эди. Маҳаллада тўй-пўй бўлиб ёр-ёр айтилақолса Турсунойни уйга қайтариб келиш жуда қийин бўларди. У «Олмача анор», «Ла'ли Бадахшон» сингари ашулаларни жуда келиштириб айтар, устахонага ўтадиган аравакашнинг яллаларини ҳам илиб олган эди. Лекин унинг тез-тез, айниқса ёлғиз қолганда айтадиган ашуласи битта. У бундай деб бошланади:

Узун-узун арғамчи
Ерда ётса майлими,
Отажоним қора ерда
Гўрда ётса майлими...

Онахон бу ашулани биринчи эшитганида, қизига билдирмай узоқ тинглаб турган, кейин кўзидаги намни ҳам яширмай:

— Овозинг бирам ширин бўптики, қизим...— деб юборганини ўзи ҳам билмай қолган эди.

Шундан кейин ашулани Башорат ҳам яхши кўриб қолгану, лекин сир бермайди.

— Байт ёзадиганлар осмонга қара-аб, ўйла-аб, ичидан ашула чиқазаверар экан,— деди у.— Мана роман-китоб ёзадиганлар одамлар нима қилса шуни ёзади. Жуда қизиқ...

— Байт ёзадиган одамни бир кўрсам эди...— деди ўйчан ўтирган Турсуной.

— Байт, роман-китоб ёзадиганларнинг кўпи ўлган экан,— деди билагонлик қилиб опаси.

Турсуной қўлини иягидан олиб, кўзини катта очди:

— Вой бечоралар...

— Роман-китоб ёзадиганлар-чи, ҳамма нарсани худди ўзлари кўргандай ёзишар экан. Софья опамдаги роман-китобда-чи, худди дадамнинг қилган ишларини шундоққина олиб ёзган-а!

Онахон чуст дўппига жияк тортиб ўтириб қизчаларининг суҳбатига қулоқ соларди. Ҳозир унинг ҳорғин юзидаги юмшоқ жилмайиш бирдан сўнди. Унга доим Собиржонни эслатадиган Башоратнинг «дадам» дейиши алланечук ҳазин эшитилди. Қизига тикилган катта қора кўзларида яна ўша мунглилик, кулганида ҳам бутунлай йўқолмайдиган ўша намли тимқора нуқта пайдо бўлди. Унинг кўзидаги бу гамгин нуқта оғир жудоликдан қолган, буни фақат ўйчан Турсунойгина пайқар, Башорат бўлса унча парво қилмас эди.

— Рост!— деди Башорат.— Ефим тоғамникига борганимда олиб келаман ўша роман-китобни.

Онахоннинг нам кўзлари нурланиб кетди. Юраги қандайдир далда сезиб, нафаси енгиллашди. Қизлар дадаларини эслаганларида доим Ефим тоғани тилга олар эдилар. Бу она кўнглида «болаларим етим эмас» деган бир қувончли тасалли, Собиржон ва Ефим номи блан боғлиқ бўлган ғурур ҳиссини уйғотар эди.

— Рост, ойижон,— деди Башорат,— энди ўша роман-китобни ўзим ўқийман, эртага Ефим тоғамникига бориб олиб келайми?

— Хўп, қизим, бор, эртага олиб келақол.

Она товушидаги юмшоқ товланиш болаларга чарчаганлик аломати бўлиб туюлди. Қизлар ҳазил-кулги, қий-чув блан ўрин солабошладилар, пар ёстиқ талаш бўлиб, тахмондаги кўрпани ағдардилар, уюлиб ётган кўрпа-тўшак устида бир-бирларининг сочларидан тортиб, қитиқлашиб анчагача ағанашгандан кейингина тинчиб ётдилар. Онахон еттинчи чироқ шишаси устига кафтини тутиб, «пуф!» деди, кейин ётиб, ой нури ёритиб турган деворга беихтиёр кўзи тушди. Унда Собиржоннинг пахталик кийиб тушган расми осифлик турарди...

...Косиб боласи косиб — Собиржон ҳамма йўқсил бўзчилардек, ёшлигиданоқ фе'ли-қони бузилган, асабий йигит эди. Мана шу ўчоқбоши ўрнидаги отамерос дўконнинг кун-узункун шақирлаши бир жуфт қўлга тикилган бутун бошлиқ оиланинг рўзгорини тебратолмасди. «Тутунсолиқ» деб эшик қоққан миршаббошига, ё, айниқса, «симкор узиш» учун каллаий саҳарлаб пайдо бўлган Қилтириқмахсумнинг хомгўштдай қизил кўзларига дуч келган кунлари Собиржоннинг қўли ишга бормас, қони қайнар, фе'ли бузилар, масаллиқ йўқлигини кўра-билатуриб ҳам, ҳориб-толиб чахсондан қайтган Онахонни «қозон осмадинг» деб жеркиб қақшатар эди. Уни қашшоқ турмуш азоби эзар, лекин у, бу азобнинг асл ил-дизини тушунмай, аламини хотин бола-чақасидан олар эди.

Бир куни у аллақаяқдан бўза ичиб келиб, аввал остонада турган найча тўла пақирни тепиб ағдарди, кейин кимнидир сўкди, Онахонга ўқрайди, ургани қўли бормади шекилли, бурчак-бурчакда пусиб турган болалари ёнидан ўтиб дўконга ўзини урди, дув тўкилай деб турган эски дўкон гурс этиб ағдарилди, Собиржон бир қабиҳ одамнинг юзига тупургандай тупурди-да дўконнинг ўқ-поясини тепиб синдирди...

Мана шу воқиядан кейин эртасига юзини кўрпага ўраб анчагача ўридан турмай ётди; балки қилмишига пушаймон еб, хотин бола-чақасининг юзига қарагани ботинмагандир, балки эндиги дўконсиз бўзчи турмушининг даҳшатларини кўз олдига келтириб, ёруғ дун'ёга кўз очгиси келмагандир, балки алам ёши жиқ тўла кўзларини бировга кўрсатгани ор қилгандир.

У вақтда ҳали эс-ҳушини танимаган Башорат блан Турсунойга ниҳоятда даҳшатли кўринган бу воқиаларни Онахон тўғри баҳолар эди: «Йўқликдан» дер эди у ва ўз

ҳолига, кўпроқ эса эрига ачиниб, бурчак-бурчакда ўқиб-тўйиб йиғлаб оларди.

Собиржон ўзи тепиб синдирган дўконга қарамай қўйди. У, куни блан қаёқларгадир йўқолиб кетар, кечқурун келиб индамай ўралиб ётар эди; Онахон бўлса жинчи-роқда туни блан ўтириб дўппи тикар, энди олти ёшга кирган Башоратни зўр бериб қатим тортишга ўргатар эди.

Тўртинчи куни Собиржон эрталаб нонушта қилмай, кетишга отланди. У бир ҳафтадан бери уйда қозон осилмаганини, нонуштада ейдиган бир бурда нони қизчалари учун нимага тенг эканини биларди.

— Дадаси...— деди мунғайиб Онахон у чиқиб кетаётганида.

Собиржон жавоб бермадию, бирпас тўхтаб, эшик ёнида турган кичкина қизи Турсуноининг бошини силади, кейин чиқиб кетди.

Кечқурун олти танга пул олиб келиб хонтахтага қўйди. Пулни ҳаммоллик қилиб топганини айтмади.

— Темирйўл устахонасига ишга кирадиган бўлдим,— деди у кечки овқат пайтида.

Хотини унинг ишга кирадиган бўлганидан ҳам кўра, маслаҳат сўрагандай гап бошлаганидан хурсанд эди.

Шундай қилиб, Собиржон темир йўл устахонасида ишлай бошлади. Бир ой ишлади. Бир йил ишлади. Уйда тирикчилик ўша-ўшаю, лекин вофурушлар домидан қутулганига Собиржон минг марта рози эди. Уйда тирикчилик ўша-ўшаю, лекин Собиржоннинг фе'ли ўзгара бошлади. Унинг қизчаларига меҳрибон бўлиб қолганини она аниқ сезиб турарди. Онахон банд бўлиб қозон осолмай қолса, илгаригидай жеркмас, ўчоққа ўзи қарашиб юборар, Онахон кечалари ўтирганини кўрса: «Қўй, йиғиштир энди, кўзингни олдириб қўйма тагин» дер эди.

Ишдан келгандан кейин қизларига поезд ҳақида ҳикоя айтиб берар, паровознинг «пи-пийп» деб юришини қилиб кўрсатар эди. Онахон эри илгаригидан кўра анча кам топса ҳам сра зорланмас, кўнгли тўқ, Собиржоннинг қорамойга ботиб ярқираб кетган қўлқопи блан шимини гўё роҳат қилиб ювар эди. Турсуной блан Башорат энди оталарининг ишдан қайтишини орзиқиб кутардилар. Шунинг учун ҳам, унинг кейинги вақтларда ба'зан ишдан кечикиб қайтиши болаларгагина эмас, онага ҳам дарров сезилди.

Собиржон деярлик жун оралаб ишдан кеч қайтадиган бўлди. Гоҳо ярим кечада қайтади, дам оладиган кунлари ҳам бирёқларга кетиб, узоқ юриб келади. Онахон унинг қовоқхонага ўрганган бўлиши мумкинлигини гумон қилишга ҳам жур'ат этмасди, чунки Собиржон ундай эмаслигини аниқ биларди. Шундай бўлса ҳам, бир куни ярим тундан ҳам кеч қайтганида юраги бетлаб бир сўради. Собиржон меҳрибон жилмайди ва:

— Ўртоқларимнинг олдига бордим,— деб қисқа жавоб берди.

Онахон бу жавобни кейин-кейин ўйлаб ташвишга тушди. Замона нотинч эди. Янги шаҳарда аллақайси бир маҳкамага неча юз киши таёқ кўтариб бориб эшигу ойналарини синдирипти, шу одамлардан нечтаси қамалипти, деган хабар ҳамма ерда дув гап эди. Ҳожимнинг боғида икки мастеровой битта миршабни ўлдириб кетипти, деган гап ҳам бор. Собиржон бировларнинг тапига кириб шунақангги ишларга бош суқмаса эди! Ўртоқлари ким экан?..

— Ўртоқларингиз ким?— деб сўради Онахон.

— Ўзим мастеровой бўлганимдан кейин ўртоқларим ким бўларди?!

— Отаси,— деди Онахон ёлворгандай,— анови миршаб ўлдирадиган мастеровойлар блан ўртоқ бўлакўрманг тагин!..

Собиржон жилмайди. Хотинининг рўпарасига келиб билагидан ушлади. Унинг кенг ёноқли юмалоқ юзига қон югурди, қуюқ қошлари кўтарилиб чиройли кўзлари чарақлади. Онахон кўзини пастга олиб, унинг қорамой ҳиди келиб турган қадоқ қўлига кафтини қўйди.

— Онахон,— унинг овози ёқимли ва жиддий эди (Онахон унинг бундай гапиришини биринчи эшитиши),— менинг мастеровой ўртоқларим одам ўлдиришмайди. Миршаб ўлдиришдан ҳазар қилишади. Лекин улар қондан қўрқишмайди... Кўпчилик туфайли, албатта. Сен блан менга ўхшаган, умрида белбоққа ёлчимаган бўзчилар учун, қорни тўйиб нон емаган захматкаш камбағаллар учун... Бундайлар жуда кўп. Мана бизнинг Найманчада тўртта-бешта вофурушу, қози, имом... Уларни текин боқаётган қашшоқ бўзчилар-чи? Қанча? Ўзинг ўйлаб кўр. Мана ўзинг... ўзинг нима кўрдинг? Аввал раҳматлик отанг зулм қилди, сотмоқчи бўлди. Қашшоқликдан, албатта... нодонликдан. Кейин мен... яхши кўриб

олган мен...— Соби́ржон ерга қаради,— жеркидим, аламимни сендан олмоқчи бўлдим, қўл кўтардим... қорнингни нонга тўйғазганим йўқ, кечалари кўздан қолиб тиккан дўппингни ўзинг киёлмайсан.

Онахон бу гапларни тингларкан, нимадандир қувонар, нимадандир қўрқар эди. У ўзи, ўз бахти ҳақида сра ўйлаган эмас, худди шундай бўлиши керак, пешонага битгани шу деб билар, ўзи ҳақида бундай гапларни ҳеч ҳам эшитган эмас эди. Наҳотки унинг ҳақида, унинг бахти ҳақида ўйлайдиган одамлар ҳам бўлса?

— Сен блан бизнинг ҳақимизда ўйлайдиган одамлар бор, Онахон,— деди Соби́ржон худди унинг ўйларини уққандек,— мен уларни кўрдим, танидим. Улар миршаб ўлдиришмайди. Миршаб нима? Миршаб нодон бир қул. Аслида у ҳам сен блан бизга ўхшаш одам бўлган. Лекин уларни бизнинг бошимизга таёқ қилиб тутган қўлни қирқиш керак. Ана ўшанга келганда менинг ўртоқларим қондан ҳам ҳайиқмайдилар. Ана ўша қўл... пошшюлик.

Онахон, иссиқ елкасига биров муздек қўлини босгандек, сесканиб тушди. Унинг вужудини қўрқув босди. Қалби блан сиздики, унинг Соби́ржонни қандайдир хавфли, даҳшатли бир ишга бош қўшипти. Энди билса, боя ўзи, ўз бахти ҳақида ширин ўйга берилиб, Соби́ржон ҳақида, унинг ҳаёти ҳақида ўйламаган экан.

— Пошшюликка қарши... дадаси, болаларимиз бор...

Онахоннинг товуши товланиб, кўзига ёш келди. Улар ёнма-ён туриб, тўрда сочларини тўзғитиб майин пишиллаб ётган қизчаларига қарадилар.

— Ҳа, болаларимиз бор,— деди Соби́ржон овозини пасайтириб ва Онахонни ўзига яқинроқ тортди: — Шулар учун, шуларнинг биздек оч-юпун бўлмасликлари учун...

Онахон унинг кўкрагига бош қўйиб йиғлаб юборди.

— Йиғлама, ҳеч қўрқадиган жойи йўқ. Битта менмидим? Мана ўртоқларимни олиб келаман, кўрасан. Индинга бир ўртоғим келади. Ўртоқларимнинг ичида энг асили. Ақлли, мард. У турмадан ҳам, сургундан ҳам, ўлимдан ҳам қўрқмайди. Сибирьнинг совуғини ҳам, зиндоннинг зах қоронғилигини ҳам, ўлимнинг даҳшатини ҳам ўз вужудига сингдириб, бўйсундириб олган.

Кейинги сўзлар Онахонни титратиб юборди, унинг кўзидан ёш қочди; бошини кўтариб, Соби́ржоннинг чарақлаб турган кўзларини кўрди. Онахон ўзини жилмайиш-

га мажбур қилиб, унинг тиканакдек ўсган соқолини аста силади.

— Биз кучлимиз, Онахон! Мен сента ҳечнарсга тушунтиролмадим. Мана ўша ўртоғим тушунтирса борми! Индинга келади, кўрасан. Ефим Данилович!

— Вой ўлай, ўрисми?

Собиржон хотинининг бу ваҳимали саволини пайқамади ҳам, у устоз ўртоғидан фахрланиш туйғуси блан банд эди.

— Ажойиб одам! Питерли!

Онахон ҳам унинг гапларини эшитмай қолди, уни маҳаллада бўлажак гапларнинг ваҳимаси босди. «Онахонникига ўрислар келадиган бўпти; эри ўзи блан бирга ичишган мастеровойларни қовоқхонадан бошлаб олиб келармиш...» Кейин Онахон бу гаплардан қаёққа қочиб қутулади?

Лекин Ефим Данилович кечаси келди. Бу, Собиржондан, уч-тўрт ёш катта, 36 ларга кирган, қўнғир қошли, гавдали киши эди. Остонадан ўтиб, кичкинагина йилтироқ соявонли фуражкасини ечганда, майин малла сочи кенг пешонасига таралиб тушиб, юзига аллақандай илиқ танишлиқ тусини берди.

Онахон эрининг бу сирли танишини икки кун ҳаяжон блан кутди. Онахон уни Сибирь совуғидай шиддатли, зах зиндон қоронғилигидай ҳўмрайган, қош-қовоғи солиқ, газаби қайнаб юзига чиққан, бировга кулиб қарайолмайдиган хира кўзларида қасос ўти ёниб турган, қарашлари сирли, камгап, ҳайбагли бир одам деб тасаввур этган, унинг келишини қандайдир қўрқув блан кутган эди.

Ҳеч ҳам ундай эмас экан. Истараси иссиққина бу одамнинг ўзбекчалаб саломлашганини эшитгач, Онахон ҳайрон қолди. У Башоратнинг камзулини бошига ташлаб, бари блан юзини қия бекитганича унинг ҳаракатларига разм солди. Ефим Данилович ковшандозда туриб, қўпол этигига теккан жиндек лойни астойдил тозалади. Эски бўлса ҳам ҳар қимирлаганда гичир-гичир этиб турадиган плашчини ечди-да, ийманиброқ пойгакка чиқди.

— Таниш бўлинглар, Ефим Данилович, хотиним, Онахон,— деди Собиржон четдароқ турган Онахонни кўрсатиб.

Онахон юзини бекитиб, ерга қаради.

— Жуда яхши. Онахон?— деди меҳмон. У қисқа-қисқа жумлалар тузиб русча талаффуз блан ўзбекча га-

пирарди,— Онахон, жуда яхши, бизнингча бўлади Анна. Жуда яхши. Менинг хотиним — Софья, ҳа, Софья, ўзбекчага осон, шундай эмасми? Лекин у Ивоново-Вознесенскда. Жуда узоқ.

— Булар қизларимиз,— деди Собиржон тўрда ухлаб ётган Башорат блан Турсунони кўрсатиб.

Ефим Данилович жуда бахтиёр кишидай самимий жилмайиб қизларга қаради.

— Жуда яхши.

У, бу сўзни яхши кўрар ва жуда кўп ишлатарди, лекин бу оддий сўзни ҳар айтганида унга янги ма'но бера олар, кўнглидаги кўп турли туйғуларни шу сўзлар блан ифода эта олар эди. Бу сўзни қизчаларга қараб айтганида Собиржон блан Онахон унинг самимий оталик меҳрини жуда яхши англаб олдилар.

— Мен уларни кундузи кўраман,— деди Ефим Данилович,— кундузи! Албатта. Жуда чиройли қуёшли кунда! Ҳа. Софья блан бизнинг боламиз йўқ. Узоқ. Қийин. Иш кўп.— Меҳмон кулиб, Собиржон кўрсатган кўрпачага оёқларини буклаб ўтирди.

Бундай оддий гаплардан кейин Онахон ўзини эркин сезди. Меҳмонни кутишдай одатий нарса эсидан чиқаёзган экан, у ҳам эсига тушди. У бундай меҳмон кутгани, бегона одамдан бундай гаплар эшитгани йўқ эди. Наҳотки пошшоликни ағдаришдай даҳшатли ишга киришган одам шундай соддагина бўлса! Ундай деса, ўзининг ўтакетган содда Собиржони ҳам... шу одамга сирдош бўлаолипти-ку. Энди Онахон ўзидай заиф, нотавон бир хотиннинг тақдири, бахти ҳақида ўйлайдиган одам ҳам бор эканлиги тўғрисидаги Собиржоннинг гапларига астойдил ишонабошлади.

Онахон эшикни қия очиб Собиржонга мева-чева, чойнак-пиёла узатаркан, уларнинг гаплари қулоғига чалинар эди. Суҳбат ҳамон ҳалигидай оддий, кундалик гаплар устида борар, Онахон кутган «сирли», «даҳшатли» гаплардан дарак ҳам йўқ эди. Лекин кейинроқ, чойдан кейин, улар қандайдир ишчиларнинг, янги шаҳарлик қандайдир рус хотиннинг, кейин Жўрахон деган ўзбек хотиннинг номларини тилга олдилар, бир муқовасиз китобнинг дам уер-буеридан ўқиб, дам шу ҳақда гаплашиб, пастроқ овоз блан суҳбатга киришганларидан кейин, орада Онахонга тушунилмайдиган гаплар ҳам учрай бошлади. Онахоннинг тушунмагани, ҳайрон бўлгани шу

эдики, Ефим блан Собиржон кўпроқ аллақандай нота-ниш шаҳарлар, яна қандайдир деҳқонлар ҳақида гаплашишар эди. Герман уруши ҳақида гап бўлди, лекин Онахоннинг кутгани — пошшоликни ағдариш ҳақида ҳеч аниқ гап бўлмади. Онахоннинг аниқ тушунгани шу бўлдики, Ефим Собиржонга деҳқонлар ҳақида астойдил тушунтирди, унинг ба'зи э'тирозларини рад қилди, деҳқонларни роса та'рифлаб мақтади, улар блан дўст бўлиш кераклигини гапирди. Собиржон унинг гапига жуда диққат блан қулоқ солар, кўзларидан бу одамга чин дўстлик меҳри, чуқур миннатдорлик ва ҳурмати борлиги биллиниб турар эди. Онахон ҳаммадан ҳам шунисига хурсанд бўлди. У Собиржонни шу чоққача яхши кўраман деб юрганига ўзи ажабланди, ўйласа — у Собиржонни ҳечвақт шу кунгидай яхши кўрмаган экан.

Ефим Данилович бирдан кетадиган бўлиб қолди. Чой учун Онахонга раҳмат айтди. Собиржон унинг «кузатманг, раҳмат» деганига сра кўнмай кийимини киймоқчи эди, Ефим Данилович бирдан жиддий бўлиб:

— Мумкин эмас,— деди.

Унинг секин айтган бу гапи жуда қат'ий, буйруқдай эшитилди, шунда Онахон унинг Собиржон айтган шиддатли сифатларини, у бошлаган ишнинг чиндан ҳам хавфли, қўрқинчли, оғир иш эканини бирдан пайқагандай бўлди.

Вақт ярим тундан ошган эди. Ефим Данилович ҳеч меҳмонга ўхшамай, кутилмаганда, даф'атан ғойиб бўлди.

— Шундай одам... қора тунда, ёлғиз, худди бировнинг бир нарсасини ўғирлаб қўйгандай...— деди Онахон ўзига ўзи гапиргандай, эшикка қараб.— Бундай одамларнинг ҳурматини жойига қўйиб, қўш от-соявон арава блан кузатиб қўйиш керак эди.

— Шу кетишида, пиёда ўн саккиз чақирим йўл юради,— деди Собиржон ҳам эшикка қараб туриб.

— Хотини бирёқларда бўлса...

Онахоннинг бу одамга чин кўнгилдан раҳми келди. Унинг кўз ўнгида қоронғи тунда лой кечиб кетаётган ёлғиз кўланка гавдаланди. Бу одамнинг ўз боласи йўқ, унинг хаёлида бошқа бировларнинг, Башорат блан Турсунойдек бегона болаларнинг тақдири ҳақидаги ўй. Шулар учун жон чекади, шулар учун хавфли тунда ҳам қўрқмайди, ўзининг хатарли йўлида дадил кетиб боради. Ҳозир. Онахон унинг қаёққа боришини, ўзи ким, турму-

ши қандай, ота-онаси борми, хотини қандай хотин — буларнинг ҳаммасини жуда сўраб билгиси келдию, сўрамади, бунинг ўрнига:

— Яна келармикин?— деб сўради, холос.

— Агар зарур бўлса келади, партия талаб қилса, кундузи ҳам, кечаси ҳам,— ҳаммавақт, узоқ-яқин, хатарли-хатарсиз деб ўтирмай, ҳарқандай ерга ҳам боради.

Онахон нега бундай эканини, партия нималитини тушунмаса ҳам, қайта сўрамади, ҳали унинг билмагани шуқадар кўп эдики, сўраб охирига етолмасдай кўринди. Собиржоннинг сўзларидаги ишонч ва ғурур унинг кўнглидаги ачиниш ҳиссини йўқотди, шунда Онахон кўп нарсани, ақли блан бўлмаса ҳам, қалби блан тушунгандай бўлди.

Ефим Данилович 5—6 ойдан кейин яна бир келиб, икки кун уйдан чиқмай ётиб кетди. Бу орада жуда кўп воқиялар бўлиб ўтган эди. Онахон оқпошшонинг тахтдан туширилганини, аллакимлар тахтга бошқа бир яна ўшанақангги пошшони ўтқазिशмоқчи бўлиб уринганини Собиржондан эшитди. Шаҳарда талвасага тушиб қолган бойлар, вофурушларнинг кўнглини олган Салимхўжа Наимий деган бир муллаваччанинг маҳкама бошлиғи бўлгани, унинг бир йиғинда мусулмонларга ўрисларни ёмонлаб гапиргани, лекин ўзи ўрис генераллар блан апоқчапоқ бўлгани тўғрисидаги гаплар ҳам етиб келди.

Ефим Данилович бу гал Собиржон блан кўпроқ русча гаплашишга ҳаракат қилди. Гап яна ҳамма биладиган оддий нарсалардан — темир йўл, мастеровойлар, бозор, миршаблар, қовоқхона сингарилардан бошланди. Улар ҳарқанақа майда-чуйда нарсалардан ҳам қандайдир бема'нилик, адолатсизлик, одамни ҳақорат қиладиган бирор пасткашликни келтириб чиқарар эдилар, гўё булар эртақдаги Сусамбилдан келгану, буерда уларга ҳечнарсаси ёқмайди, ҳамма нарса ўзгариши керак!

Ефим Данилович бу келишида Собиржонга кўпроқ милтиқ, тўппонча тўғрисида гапирди. Унинг вазоҳати бошқача эди, қандайдир ёвузларнинг бир хиёнати ҳақида дарғазаб бўлиб сўзлаганида Собиржон ҳам тутақиб кетди. Шу кунларда Лениннинг қаёққадир яширинишга мажбур бўлгани тўғрисида гап кетганда Собиржон умидсизлангандай бўлган эди, Ефим Данилович чўнтагидан юпқагина китобча чиқарди. Бу Лениннинг шу йил ап-

рель ойида ёзган китоби экан. Унда герман урушини тўхтатиб, солдатларни уй-уйига жўнатиш, бойларнинг ерларини тортиб олиб камбағалларга бериш, ҳамма корхоналарда ишчиларнинг ўзидан ишбоши қўйиш сингари режалар ёзилган экан. Онахон гапдан шуни тушундики, Ленин ўзи кўчага чиқмаса ҳам, Ефим блан Собиржонга ўхшаганлар у блан яшириқча гаплашиб, шу китобчада айтилганларнинг ҳаммасини бажаришар экан.

Собиржон:

— Ахир, Ефим Данилович, бизнинг Советлар... — деб нимагадир э'тироз билдирмоқчи эди, Ефим унинг гапини шундай қат'ий кесиб жавоб бердики, бу жавоб Онахоннинг ҳали-ҳали эсида.

— Энди ҳозирча у «бизнинг Советлар» эмас! — деган эди ўшанда Ефим Данилович. — Наимийлар уни булғади, сотди! Энди биз бошқа, янги, чинакам Советлар тузамиз. Мана бу блан! — у кўкрак тугмасини ечиб қора тўппончанинг учини кўрсатди.

Онахоннинг юраги шув этиб кетди, тўппончани ўз кўзи блан биринчи кўриши эди.

Шундай қилиб, Ефим Данилович гапни яна қурол-яроққа олиб келиб тақади. Бугун у гап давомида бирнеча марта шундай қилди. Кейин хотини Софьядан келган хатни ўқиди. Софья ҳам афтидан бўзчи экан, тўқучилар ҳақида ёзипти. Бу хатда қурол-яроғ ҳақида гап йўқ эди, лекин Ефим тушунтирганда ундан ҳам яна шу ҳақда гап чиқариб берди. Афтидан, хотини буни фақат Ефим тушунадиган бошқа гаплар блан ёзганга ўхшайди. Ефимнинг гапига кўра, катта шаҳарлардаги корхоналарда ишчилар яширинча тўда-тўда бўлиб, қурол-яроғни енг учиди бир-бирларига узатишаётган эмиш.

Онахон Софья ҳақида ўйлаб кетди. Агар Ефимнинг хотини ҳам шунақа бўладиган бўлса, Собиржон блан Онахон оиласининг булар оиласи блан дўстлиги, худди қариндошлардай, умрбод бўладигандай кўриниб кетди. Бу фикр Онахонга далда берди. Ефим Софья ҳақида гапирганида Онахон худди ўзининг узоқ кўрмаган туғишган опаси ҳақида хабар эшитаётгандай қулоқ солди.

Эртаси куни Ефим пошшоликни тикламоқчи бўлганлар блан тил бириктирган хоинларни, муллавачча Наимийга ўхшаганларни нафратлаб, Собиржонга кўп нарсани тушунтирди. Афтидан, ҳозир унинг энг ёмон кўрган одамлари шулар эди.

Учинчи куни Ефим Данилович кетди. Унинг кетганини Собиржон билипти, холос. Собиржоннинг айтишича, у кетишида Башорат блан Турсунойни битта-битта суйиб ўлипти.

Шундан кейин Онахон Ефим Даниловични узоқ вақт кўрмади. Унигина эмас, Собиржонни ҳам камдан-кам кўрадиган бўлди. У қизчаларини бағрига босиб, кечалари блан отани, ёки хунук бир вақимани кутар эди. Собиржон ба'зан келганда ҳам, кўпроқ тирикчилик учун у-бу топиб бериш блан овора бўлар, бу эса Онахонга у фақат шунинг учун келгандай туюлар эди. «Болаларингизни бирпас суйиб эркалатинг, бошини силанг. Ахир бу ишда ҳар қадамнингиз хавф-хатар» дегиси келардию, кўнглини бузиб қўйишдан қўрқиб, кетаётганида очиқ чеҳра блан гапиришга ҳаракат қиларди:

— Дадаси, келишда қизларингизга нима олиб келасиз?— дерди қувонган қизчаларига ер тагидан қия қараб.

— Юлдузча олиб келаман, қизил юлдузча!— дерди Собиржон, негадир қизларини қучиб хайрлашишдан қўрқиб.

У қизчалари олдига қайтиб келолмаслик эҳтимоли борлигини аниқ билардию, Онахон ё қизлари бунга пайқаб қолмасин деб, уйдан чиқиб кетишларга, хайрлашишларга парвосиз кўринмоқчи бўларди. Сўнгги кетишида ҳам худди шундай хушчақчақ чиқиб кетди. У темир йўл устахонасига, ишга кетди. Лекин бу Башорат блан Турсуной билган одатдаги иш эмас эди, бу буюк тарих иши эди, бу ишга шу кунларда миллионлар кетган эди. . .

Бир ҳафта бўлди. Собиржон келмади. Шаҳар жуда ҳам нотинч эди. Янги шаҳар алғов-далғов бўлиб кетганини, кўчаларда отлиқ солдатлар изғиб, ҳечкимни уйдан чиқармай қўйганини ўз кўзи блан кўрган одамлар гапириб берди. Найманчалик Марасул миршаб уст-бошини ўзгартириб, уйда беркиниб ётган эмиш. Тошкентга қиличидан қон томадиган генераллар, жазо лашкарлари келганмиш.

Онахон икки кеча кўзига уйқу олмади. Сўнгги кечаси узоқ-яқинда эшитилган ўқ овозларини вақима блан тинглаб, болаларини бағрига босиб ўтириб тонг отдирди. Эртаси Турсунойни «Собиржонни қидиринг» деб маслаҳат берган қўшнисиникида қолдириб, ўзи Башоратни етаклаганича кўчага чиқди.

Найманча кўчасида қимир этган жон йўқ эди. Онахон гузардан ўтгач, тўхтаб қолди: қаёққа бориш керак? Янги.

шаҳаргами, устахонагами... Ё уйга қайтиб сабр-тоқат блан кутиш керакми? Йўқ, уйга қайтолмади Орғиқ тоқат қилиш мумкин эмас эди. Ахир бугун ўнбиринчи кун. Тириж бўлса қайтиб келмасмиди, болаларидан хабар олмасмиди?

Онахоннинг юраги бир фалокатни сезгандай бўлдию, оёқлари беихтиёр олдинга юрди. У ҳали қаёққа кетаётганини билмас, етаклаб олган қизчасининг етиб юролмаслиги, қоқиниб кетиши мумкинлигини эсига ҳам келтирмай, узоқларга тикилганича тез юриб борар эди.

Вақт кеч куз бўлишига қарамай, кун совуқ эмас. Онахон қизининг ялангоёқ эканини ҳам унутиб, тиканак босиб кетган гўристон устидан тўғри темир йўл устахонаси томонга йўл олди. Ахир Собиржон ўшаёққа кетган, у бўлмаса Ёфимни, ёки Собиржоннинг бирор танишини учратар... Башорат оёқларига тикан, шағал қадалишига қарамай, тошларга қоқина-қоқина югурар, онасининг юзидаги тушуниб бўлмайдиган ваҳима унинг ҳам вужудини чулғаб олган эди.

Устахона дарвозасидан берироқда уларни биллагига қизил боғлаб олган, бесўнақай катта этик кийган бир йигит узоқдан имо қилиб тўхтатди. Онахон Собиржонни сўради, йигит «Йўқ, нарироқдан ўтинглар» дегандай қўл силтади. Ўзи бўлса дарвоза ёнида милтиқ ушлаб турган, худди шундай қизил боғлаб олган кекса рус кишига қичқирди:

— Собир мастеровойнинг болалари экан!

— Йўқ,— деди милтиқли киши узоқдан ўзбекчалаб,— у Тепакўрғонда, уерга борманглар, уйга қайтинглар, нельзя.

Она-бола шу топда «нельзя» деганни тушунганларида ҳам қайтадиган эмас эдилар. Улар худди ҳозир Тепакўрғонга бориб Собиржонни топадигандай, янги шаҳар томон бурилдилар.

Бу атроф кўчалар бўм-бўш эди. Лекин бир-икки квартал ўтгандан кейин ҳалиги йигит блан милтиқли чолга ўхшаган одамлар учрайбошлади. Бир кўчанинг боши, худди селни бўққандай, арава гилдираклари, ходалар, катта-кичик бочкалар, қум-шағал тўлатилган қоплар, яна алланималар блан тўсиб ташланган эди. Она-бола бу йўлдан қайтиб, бошқа кўчага юрдилар, рўпараларидан, ов қувгандай елиб, «тақа-тақ, тақа-тақ» қилиб бир тўда отлиқлар чопиб ўтди. Бу кўчада катта биноларнинг ойна-

лари синган, дарвозалар ағдарилган, тош йўлнинг ўрта-сида эгарланган отнинг ўлиги чўзилиб ётар эди.

Онахон янги шаҳарга кам келган, лекин бу кўчалардаги катта-катта бинолар эсида қолган экан. У икки қаватлик почтахонани кўриб, ўзининг қаерда эканини дарров пайқади. Лекин почтахона у кўргандагидай эмас, рўпарасида симёғочлар қийшайиб, симлари узилиб ётар, бионинг битта ҳам бутун деразаси қолмаган, ёнидаги йўлка ойна синиқлари, ғишлар, тахта-тунука бўлаклари блан тўлиб кетган, эшиги ошиқ-мошиги блан қайириб ташланган эди. Дарвоза ҳам эшик олдида милтиқ ушлаган кишилар кўринди. Онахон уларнинг уст-бошидан мастеровой ишчилар эканини таниди.

Белига ҳам, елкасидан ошириб кўкрагига ҳам кенг ўқдон-камар тақиб олган, қора мўйловли, новча бир одам она-болани узоқдан кўриб, милтиғини орқасига осди-да, уларнинг мақсадини дарров тушунди шекилли,— шошиб келиб иккаласини ичкарига етаклади. Онахон сочвон ичидан умид блан тикилди. Лекин мўйловли одам гўё уларнинг дарди блан иши йўқ эди, ичкарига олиб кириб қўйдидию жўзи блан «кўчага чиқманглар» дегандай огоҳлантириб чиқиб кетди.

Почтахона қаторидаги бу бир қаватли, ромсиз деразали уй илгари магазин эди. Ҳозир унинг деразалари эни-бўйига чалакам-чатти тахта уриб бержитилган, ичи купқуруқ, прилавка ёнида икки-учта ифлос курси ва скамейкалар турар эди, холос. Бу ерда қанча вақт ўтирганлари ҳозир Онахоннинг эсида йўқ, аммо шуни аниқ эслайдики, доим ғовур-ғувур эшитилиб турган ичкари эшикдан кутилмаганда Ефим Данилович чиқиб келди. Унинг малла сочлари тўзғиб кетган, эғнида калта чарм камзул, белида тўппонча бор эди. У жуда шошиб чиқдию, паранжили хотин ёнида Башоратни кўриб:

— Онахон?.. — деди.

Она-бола унга ташландилар.

— Шу ерда... Собиржон шуерда,— деди Ефим Данилович негадир атрофига хавотир блан қараб қўйиб. Унинг терлаб, қизариб турган юзи бирдан оқаринқиргандай бўлди.— Қани, буёққа кириб туринглар, қани... — деб ичкарига бошлади.

Бу хона ҳам тартибсиз, лекин унда қандайдир қизғин иш бораётгани билиниб турар, ўртада фанери мажақланган стол, деворда ёғоч телефон қутиси, бурчакда эса

телеграф аппарати олдида худди Ефимнинг ўзидай чарм камзул кийган хипчагина бир қиз ўтирарди.

— Утиратуринглар. . . — деди Ефим.

Ўзи негадир шошиб қолди, нима қилишини билмай турганида телефон жиринглади. У телефон қўнғироғини илгаридан орзиқиб кутгандай, кескин ҳаракат блан трубкини олди.

Ефим телефонда русча гаплашарди, бу гапни Онахон тушунмади, лекин Ефимнинг юзида бирдан қувонч балқиб, кўзлари чақнаб кетди. У калта-калта хитоблар блан эшитган гапини ма'қуллар, Онахоннинг назарида, у шу топда жуда бахтиёр эди. Аппарат олдидаги қиз ҳам унинг гапини тикка туриб, кўзларини катта очиб тинглади. Остонада ҳалиги мўйловли, новча киши пайдо бўлди, Ефимга қараб жилмайганича солдатдай қотиб турди. Кейин Башоратга кулиб қараб, ҳазиллашиб пахмоқ қошини бир сакратиб қўйди-да, Ефимнинг олдига борди. Улар бир-бирларини табриклашиб қўл силкишди, Ефим трубкини қўйгандан кейин ҳалиги қизнинг ёнига бориб, унинг ҳам қўлини сиқди. Мўйловли одам чопиб чиқиши блан ташқарида қаттиқ «ура» овозлари эшитилди.

Ефим ўзида йўқ шод, лекин жиддий эди, уёқдан-буёққа тез-тез юриб, ниманидир гапирди, қиз унинг айтганини аппаратда «тиқ-тиқ» этиб ёзабошлади. Ефим гапини қаттиқ ўйлаб, тўхтаб-тўхтаб дона-дона қилиб айтарди. Онахон бунинг катта хушxabар эканини билди, яхшилаб қулоқ солди, лекин ба'зи сўзларнигина тушунаолди. Бу ерда ҳамма шошарди, сўраб билай деса бировни зарур ишдан қолдирадигандай бўларди.

Онахон Ефимнинг айтганларидан аввало «Тошкент» сўзини эшитди. Бу, ҳарқалай, телеграмманинг адреси эди. «9 кунлик жанг» деган сўзни тушунди. Ҳарҳолда шу тўққиз кунлик оғир бир жангнинг жуда катта қувонч блан яқунлангани аниқ эди. Сўнгра, Онахон «гарнизон» деган сўзни тушунди, бу ўша Тепакўрғон деган жой, Онахон тиканли симлар блан ўралган, атрофида доим милтиқли солдатлар айланиб юрадиган бу баландлик жойни шаҳарга борганида кўрган эди.

Телеграммани айтиб тамом қилганида оқ халат кийган бир қиз кириб Ефимнинг қулоғига бирнима шивирлади. Шунда Ефим бирдан авзойи ўзгариб, ерга қараб ўйлаб қолди. Манглайини бармоқлари блан қисиб, ер тагидан Онахон блан Башоратга қараб олди.

У халат кийган қиз блан чиқиб кетмоқчи бўлди. Онахон блан Башорат ҳозир Собиржонни билган бирдан-бир одамни йўқотиб қўйишдан қўрқиб унга томон интилдилар. Шунда Ефим тўхтаб бирпас ўйлангач:

— Юринглар!— деди-да, Башоратни даст кўтариб олди.

Броқ у бир қадам қўйиши блан, бехосдан тўхтади, Башорат унинг кўкрагидан сирғаниб ерга тушди. Ефимнинг юзи докадай оқариб кетган эди, у кўзини чирт юмиб, гандираклади.

— Ефим Данилович!— деди аппарат ёпидаги қиз чўчиб ва югуриб келиб Ефимни суяди, Онахон ҳам уни бир ёндан суяшга шошилди. Ҳалиги қиз чарм камзул остидан қўлини солиб, унинг чап елкасини ушлади, қўлини қайғиб олганида қизнинг панжаларида қип-қизил қон юқи кўринди.

— Ефим...— деди Онахон.

— Ефим тоға!— деди қаттиқ чўчиган Башорат.

Ефимнинг кўзлари секин очилди. Энг аввал Башоратга кўзи тушди, жилмайди. Бу вақт ҳалиги қиз аллақадёқдан бинт олиб келган эди, Ефим буни кўриб қўлини силтади.

— Кейин,— деди у ва яна эшикка интилди, бу гал Башоратни кўтариб эмас, етаклаб чиқиб кетди.

Улар бузук девор бўйлаб ўрикзор боғни кесиб ўтгач, бир ҳужрага кирдилар. Очиқ дераза ёнидаги ёғоч кроватъда Собиржон ётарди.

— Дада!— деб юборди уни биринчи кўрган Башорат.

Онахон шошиб бориб кроватъ ёнига тиз чўкди. Қайтариб бошига ташлаган сочвони ерга тушди.

— Собиржон! Вой ўлай, дадаси!..

Ярадорнинг рангсиз юзини тиканакдек қора соқол қоплаган, Башоратнинг овозини эшитиши блан очилган, ичига ботиб кетган кўзлари жонсиз, хира эди.

Ҳалиги оқ халат кийган қиз Ефимга ҳўмрайиб қарар, Ефим эса, айбдордай, кўзини пастга олар эди. У Собиржоннинг аҳволи ҳозир буқадар оғир эканини билмай, она-болани буерга бошлаб киргани учун ҳамшира қиз олдида ўзини айбли сезарди.

— Онахон... Башорат... .

— Биз, дадаси. Бизни Ефим бошлаб келди.

— Ефим Данилович... У бутун халқимизни бошлаяпти. Қизим... Ефим тоғангни... дадангдай яхши кўр... У

мени кўтариб келаётиб қаттиқ ярадор бўлди, унга қарашсин, Онахон... Қаерда ўзи?

— Мен шуерда, Собиржон,— деди Ефим ҳамширага андиша блан қараб.

— Ефим Данилович... Гарнизон...

— Хушxabар олиб келдим: гарнизон янчилди, шаҳар ўзимизнинг Советлар қўлига ўтди.

Собиржон сўнгги кучини йиғиб бошини кўтарди. Ефим блан Онахон уни суядилар. Деразадан почтаxона тепасида ҳилпираган қизил байроқ кўринарди. Собиржон унга тикилганда, юзи, шу байроқнинг акси тушгандай, нимранг тус олди, сўник кўзларида нур пайдо бўлди. Кучсиз, титроқ қўлини қизчасининг бошига қўйди.

— Дада, қизил байроқ!— деди Башорат.

Қизил байроқ Башоратнинг мўлтиллаган қора кўзларида акс этди. Собиржон шу кўзларга тикилди-да, бор кучи блан энгашиб қизнинг ёш доналари юмалаб оққан юзларидан ўпди. Кейин хотиржам бўлгандай, бошини ястиққа қўйиб кўзини юмди, титроқ, кучсиз қўллари блан секин пайпаслаб Онахоннинг қўлини топди. Унинг бармоқлари совуқ эди.

Онахон ўзининг бирдан:

— Собиржон!— деган аччиқ товушини эшитди.

Шундан кейин нималар бўлганини эслолмайди. Фақат шу эсидаки, эртаси куни кўзини очганида ёнида Собиржон йўқ эди. Ушанда Онахон ўзи ётган кроватъ ёнидаги курсида чап қўли оқ латта блан боғланиб бўйнига осилган, Башоратни бағрига босиб ўтирган Ефим Даниловични кўрди... Унинг ёнида Турсуной жажжи қўллари блан дадасининг эски фуражкасидати қизил юлдузчани олишга уринар эди.

— Ойи, юлдузча, қизил юлдузча...

...Онахон тонготарга яқингина уйқуга кетган эди, уни Турсунойнинг қувноқ овози уйғотиб юборди.

— Ойи, биз Ефим тоғамларникига борамиз!

— Роман-китоб олиб келамиз!— деди Башорат.

— Хўп, қизим, борақолинглар, чойдан кейин бориб келақолинглар.

Деворда Собиржоннинг саккиз йил бурун олдирган суратига эрталабки қуёш нури тушган эди.

Учинчи боб

Қудратиллаҳўжанефмон устахонаси ёнидан ўтиб, Найманчанинг чеккасига чиққандан кейин, ўнг қўлда, юзлаб туялар чўккандек бўлиб, қадимги қабристон кўри-нади. Тепасигача кўмкўк алаф ғовлаб кетган Ҳазоршайх мозори қабристоннинг ўрталигида қаққайиб турипти.

Уша мозор ёнидаги сўқмоқдан тикка кесиб ўтилса ҳам бўлади-ю, Башорат блан Турсуной бу сафар у йўлдан юришмади. Қуёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари юргинг келади, ўт босиб кетган ариқлардан ҳатлаб, гуллаган олма шохларига бўй чўзиб, барра майсаларни босиб юргинг келади. Дуркун баҳор эртаси Ефим тоғалариникига кетаётган қизчаларнинг қувноқ руҳларига жуда мос эди. Улар атайин айланма йўлдан юрдилар.

Аввал, арава йўлнинг ўнг томонидан, ялпиз босиб кетган ариқ бўйидан бордилар. Ариқнинг нариги ёнида какра, супурги, шўра, сассиқкана, яна аллақандай ёввойи ўтлар ғовлаб ётар; қуёш тиккага чиққан сари бу ўтлардан намтоброқ ҳовур кўтарилгандай бўлар, тепасида танга-танга қўнғизчалар қулоқни тиндириб бирхилда зинғиллар эди.

Башорат маҳалладан бошига ёпиниб чиққан эски нимчани қўлтигига олиб олди. Юмалоқ, қизил юзи бугриқиб, баттар қизариб, терлаб кетган. Ялпиз блан бўта-кўздан ўриб, бошига кийган чамбари ҳам оғирлик қилди, димиқиб кетиб уни ариққа оқизди. Ялангоёқ Турсунойнинг бемалол ариқларга тушиб юрганини кўриб ҳаваси келди, йўлда учраган найманчали бир кампир ўтиб кетгандан кейин ковушини ҳам ечиб қўлига олиб олди. Турсунойнинг гугурт қутичага қамаб олган олачипор капалаги қўлдан чиқиб кетганда тиканакзорга ялангоёқ кириб, тутиб чиқди. Турсунойнинг ўзи уни сра ҳам тутолмас эди, у тиканакзорга киргани кўрқади. Ариқнинг ажриқ оралаб оққан жойига келганда Башорат «илон бўлса тугтардик» деб қолган эди, Турсуной ариққа ҳам яқинлашмай қўйди.

Турсунойнинг узун сочига қўшиб ўрган яшил чамбарни Башоратникидай ялпизу тиканли «кўжкўз»дан эмас, танлаб узилган нозик, чиройли гуллардап эди. Опаси «пишиб кетмадингми, ташла» деса ҳам ташламади, яна рангбаранг гуллар узиб, Башорат э'тибор қилмаган тангадек юмалоқ, тасмадек узунчоқ нафис баргларни топиб.

гулчамбарини безагандан безади. Бу узунчоққина оқ юзига жуда ярашганини ўзи ҳам билар, «шундай борсам Софья опам сра танимас» деб қўяр эди. У йўлни ҳам жуда танлаб юрарди, шунча йўл юриб, почасининг жиягига гард юққан эмас. Башорат бўлса, дам чанг тўзитиб, дам сув сачратиб, оёқлари лой бўлиб кетди, ўзи бунга сра парво қилмайди.

Кейин улар арава йўлнинг билқиллаб ётган чангини кечиб чап томонга ўтдилар. Бу томонда кекса ўрик дарахтлари пахса деворларни қўлтиқлаб олгандай, гулларини кўчага тўкиб ётарди. Девор бўйлаб кетган сўқма йўл танга-танга ўрик гулидан оппоқ бўлиб ётипти.

Гул тўкилган тупроқ устида қизчаларнинг оёқ излари қолди. . .

Бу томоннинг соя-салқини қизларга жиндак ором берди. Унга қайрилгандан кейин улар тўхтамай, тез-тез юрабошладилар. Ўтзорлар ҳам, боғлар ҳам орқада қолди. Тош йўл бошланди. Ари ва қўнғизларнинг зинғиллаши ўрнига бочка ортган бричкаларнинг тақир-туқири эшитилди. Шошиб уёқдан-буёққа ўтган серташвиш одамлар учрайбошлади. Узоқдан паровоз чинқириги янгради. Ҳаводан тутун ҳиди келди. Қуёшда қизиб ётган қизил ва кўк тунука томлар кўринди. Темир йўл райони бошланган эди.

Башорат ковшини кийиб, нимчани бошига ёпинганда Турсуной ҳам сўлиб қолган гулчамбарини кўзи қийиб-қиймай йўл четига ташлади. Улар янги шаҳарнинг бир сердарахт кўчасидан ўтиб, темир йўл устахонасининг барақлари ёнидан чиқдилар. Бу — бир текисда солинган уйлар эди. Иҳота қилинмаган, ҳар томони очиқ ҳовлиларда биттадан ўтинхонаю, кир ўрадан бошқа ҳечнарсаси йўқ, онда-сонда кўчатлар ўтқазилган экану, кўпи тутмапти, уларга арқон тортиб кир ёйишипти.

Ола-қуроқ пастак томлар орқасида темир йўл ўтган тепалик кўриниб туради. Қаёқдадир вагонларнинг бирига урилиб тарақлаши, маневр паровозларининг дам калта ва кескиң, дам бўғиқ нолиган овозлари, стрелкачиларнинг аччиқ чинқириқ ҳуштаклари эшитилади.

Бу кўчаларнинг тупроғи ҳам бошқа, йўлчаларга сурранг майда шлак тўкилипти, юрганда ғичир-ғичир қилади.

Қизлар Ефим Даниловичларнинг уйига бормай, аввал, одат бўйича, унинг иш жойига, устахонага кирадилар.

ган бўлдилар. Чунки роман-китоб фақат баҳона эди. Улар ҳаргал шунақа бир баҳона топиб, худди «биз мана бундоқ катта бўлиб қолдик» деб Ефим тоғага ўзларини кўрсатгани келар ва бунинг Ефим Даниловичга жуда ёққанини аниқ билар эдилар. Ефим Данилович ҳам «нега келдинглар?» деб сўрамас, худди шундай бўлиши керакдай, «келдингларми, келақолинглар» деб кутиб олаверар эди.

Устaxonанинг қизғиш биносига келиб тақалган темир йўл изларида бузуқ паровозлар, атрофда вагон ғилдираклари, занглаган темир-терсак уйилиб ётарди. Қизлар етаклашиб, ланг очиқ дарвозадан тўғри кириб бордилар. Уларнинг юзларига вагранкаларнинг олов тапти, темир қизғи келиб урилди.

Катак-катак ойна томли, баланд бу цехда ҳамма нарса — волчокларнинг вишиллаши ҳам, босқонларнинг гупиллаши ҳам, печьларда оловнинг ловиллаши ҳам, темир жаранглари ҳам — буердаги одамларнинг ўзларига ўхшаш, қандайдир баслашиб бўлмайдиган қудратдан дарак бериб туради. Мана, қипқизил юзлари тердан ярқираб кетган икки ишчи ҳавони куйдириб юборгудай оппоқ оқариб қизган узун темирни катта омбирлар блан қисиб олиб ўтди. Турсуной ўт сачраб турган темирга тик қарайолмай, кўзини юмди. Башоратнинг эса қора кўзлари катта очилиб чарақлаб кетди. У ҳар келганида буердагиларнинг шиддатли ишини узоқ тамоша қилар, вагранка қопқоғи остидан ипак лентадай чиқиб турган кўкиш олов тилини тутиб олгудай бўлиб тикилар эди. Буердаги ишнинг қудратли шөв-шуви, темирларни қизитиб хамирдай эзадиган босқончиларнинг ҳаракатлари унга сирли мужизадай кўринар, ўзига тортар эди. Шундай бақувват кишиларнинг ўзи блап муомалада содда, ҳаммавақт яқин таниш одамлардай ҳазил-кулги блан гаплашишларини жуда ёқтирар, булар орасида ҳеч ёмон одам йўқлигига қаттиқ ишонар эди. Кўп ишчилар Башоратни яхши таниб ҳам олган эдилар.

Бошидаги соявонсиз фуражкасидан тортиб оёқ учигача қорамойга буланиб кетган, чуваккина, новча йигит уларнинг рўпарасидан чиқиб келди. Оппоқ тишлари ярқираб турадиган қирра бурунли бу йигитни Башорат бирнеча марта кўрган.

— Оҳҳо-о! — деди у ингичка овоз блан, чўзиб. Икки кўли блан бошини ушлаб кўзларини катта очди. — Вот

масала! Ефим Даниловичнинг қадрдонлари-ку, келин-лар, келинлар.— У ичкарига қараб, икки қўлини оғзига карнай қилиб, қичқирди:— Ма-а-стер! Уртоқ Надеждин!

Урталоқда турган ишчи бу овозни гўё илиб олиб нарироққа узагиб юборди:

— Уртоқ Надеждин!

Ундан нарироқда яна акс садодай эшитилди:

— Уртоқ Надеждин!

Бу овоз гўё цехдаги ҳамма шов-шув ва ўт-олов пиш-қиришларидан устун чиқиб, баланд цехнинг тепасида у бошдан-бу бошгача янгради. Башорат ғалати бўлиб, кўнгли илиқ бир ҳис блан тўлди, цех ичи бирдан ёриш-гандай бўлди, қўпол шов-шув қулоғига ёқимли бир куй-дай эшитилди. «Уртоқ...» Башорат бу сўзни илгари ҳам эшитган, лекин уни бу ерда қандайдир бошқачароқ иш-латишади. Унга қандайдир янги куч, янги ма'но қўши-шади. Башорат бир-бирларини ўртоқ деб атайдиган бу одамлар ўзларини ҳам, дўстларини ҳам жуда кучли, ҳарқандай бачканаликдан устун, мағрур ҳис этишлари-га қаттиқ ишонар эди. Унинг назарида, бундай одамлар, ҳалиги роман-китобдагидай, бир-бирларини ҳечвақт кам-ситмас, ҳечвақт алдамас, агар бири қийин аҳволда қол-са, иккинчиси уни қутқозиш учун жонини ҳам аямасдай кўринар эди. Уғил бола бўлганимда албатта шугерга ке-либ ишлардим, деб ҳавас қиларди Башорат.

Ефим Данилович Надеждин қулочини ёзиб лапантлаб етиб келди. У энди Собиржоннинг олдига келиб юрган вақтидагига сра ўхшамасди. Тўлишган, кексайган, малла сочи тепадан кафтдаккина бўлиб тўкилиб, чаккаларидан жиндек оқарабошлаган, лекин мўйлови жездай сапсариқ эди. Юзининг ҳечқаерида ажин йўқ, кулганида манг-лайида, оғзининг икки ёнида бақувват, йўғон қатлам узунчоқ бўлиб бўртиб чиқар, няги бўлса худди ясаб қўй-гандай бурчакли бўлиб кўринар эди. У кўкрагигача яхлит тикилган қора, қўпол шим кийган, қорни устидаги катта чўнтакдан бурама ключнинг дастаси чиқиб турар эди.

— Келдинларми, келақолинглар,— деди у одатда-гича.

Унинг эркаловчи сўзларга сахийлиги йўқ эди. Бошқа ишчилар Башорат блан Турсунойни «э-ҳа, қора кўзлар», «баракалла, жажжи қизлар» деб эркалатишарди, Ефим Данилович бўлса ё бунақа одати йўқ, ё кўнглида шун-дай сўзлар бўлса ҳам айтмайди. Лекин бу сафар, ёноқ-

лари олмадай қизариб жетган Турсунойнинг телмуриб турганини кўриб, эркалашдан ўзини тиёлмади, бирор ширин сўз айтмаса ҳамки, икки қўли блан қўлтиғидан ушлаб, «ҳоппа!» деди-да, боши баравар кўтариб яна ерга қўйди. Башоратнинг диккайиб турган сочидан ялпиз япроғини олиб бурнига тутди, ҳидидан боши гангиган бўлиб, ҳазиллашиб гандираклади. Қизлар қаҳқаҳлаб кулиб юбордилар.

— Ойинг яхшими, нима гаплар?

— Ойим эсон-омонлар, роман-китоб олгани келдик,— деди Турсуной.— Башорат опам ўқийди.

Ефим Данилович «роман-китоб»нинг қайси китоб эканини биларди, у қизларнинг бу гапнга ич-ичидан қувонса ҳам, ҳозир буни билдирмади, юзини жиддий қилишга уриниб, лабини қимтиди-да, «ҳм» деб ўйланган бўлди.

— Сен-чи, сен ҳам ўқийсанми?

— Мен эшитаман,— деди Турсуной,— Башор опам дарров-дарров ўқийди, негаки у сўзларнинг ичидаги ҳамма ҳарфларни биратўласи кўради. Мен битта-битта кўраман.

— Ҳа-ҳа, ундоқ дегин,— деди Ефим Данилович чўзиб, гўё мушкул бир масалани зўрға тушуниб олгандай.— Ундоқ бўлса ғириллаб уйга борақолинглар, Софья опанглар уйда, топиб беради, кетиб қолманглар, мен ҳаялламай етиб бораман.

Бу вақт цехда портфель тутган бир киши пайдо бўлди. Ефим Данилович қизларга:

— Хўпми?— деб ўша киши томон шошилди.

— Биз шу ерда сизни кутиб ўйнаб турамыз,— деди Башорат ялингандай.

Ефим Данилович улар ёнидан кетаркан кулиб, «майли бўлмаса» дегандай бош ирғади. Қизлар шу блан цехни роса тамоша қилишга рухсат олган бўлдилар.

Ҳалиги киши — завком раиси — паст бўйли, қўллари узун, букурроқдан келган бўлиб, қўлидаги эски, ёстиқдай келадиган катта портфель оғирлиги бутун қоматини эгиб қўйгандай кўринар эди. У доим пастга қараб юрар, бировнинг гапини тинглаганда бошини бироз қийшайтириб, кўзини қисатушиб юқорига қарар, шунда унинг бутун юзини элак тўридай ажин босиб кетарди.

Ефим Данилович унга ниманидир тушунтиракетди:

— Ўзи яхши ишчи, броқ соғлиги ночорга ўхшайди, моддий аҳволи...

Завком калласини бироз қийшайтириб юқорига қараганича бўйнини қисди.

— Соғлиги ночор бўлса врач бор, моддий аҳволи... Биз ҳаммамиз шунақамиз, ишчимиз, буржуй эмасмиз.

— У граждандлар урушининг иштирокчиси, ахир, фронтда соғлигини йўқотган, бола-чақаси...

Завком паншахадай хунук, узун панжасини кўтариб гапни бўлди:

— Хўп-хўп. Қарорингизни кўриб чиқамиз.

Атрофдан бошқа ишчиларнинг овозлари эшитилди.

— Неча марта кўрасиз?

— Ҳадеб қарорни кўравергандан кўра, ишчининг ўзи блан танишсангиз бўларди.

— Уртоқ Иброҳимовга ёрдам бериш керак. Қасаба тўғри талаб қўяпти.

— Ҳарқанча ёрдам берса арзийдиган ишчи.

— Завком уни танимайди, кўрган ҳам эмас.

Раиснинг юзи буришиб кетди. Бирёққа қараса, иккинчи ёқдан овоз чиқарди. У сандонлар орасида қўл ушлашиб турган Башорат блан Турсунойни кўрди, булар ҳам худди унга қарши гап айтмоқчи бўлиб тургандай кўринди кўзига. Ҳўмрайиб қўйди.

Цехда борган сари шовқин ортарди. Қизлар раиснинг ҳўмрайишидан чўчиб гап мавзун бошқа томонга ўтиб кетганини ҳам билмай қолдилар. Ишчилар завком раисини ўртага олишган эди.

— Устахонани кенгайтириш, цехни қайта ускуналаш ҳақидаги гап нима бўлди, раис?

Дарвоза тагида қизларга биринчи учраган новча йигит четдан туриб пичинг қилди:

— Ҳали раис бу гапни кўриб чиқишлари керак.

Уёқ-буёқдан пиқ-пиқ кулги эшитилди.

— Кўриб чиққандан кейин яна бир кўриб чиқиш керак,— деди кимдир.

Кулги баландроқ кўтарилди. Раис буни бачканалик деб ҳисоблаганини кўрсатмоқчи бўлиб, жиддий гап бошлади:

— Бу ишлар учун маблағ керак. Маблағни қаердан олишни ҳам ўйлаш лозим. Яна ҳукумат дерсизлар? Ҳа, ҳукуматнинг мустамлакаси бор эдимики, олтинни ташиб келтирса. Ҳукуматимиз сиз-бизга ўхшаш камбағалларнинг ҳукумати. Биз ишчилар, ҳукуматдан маблағ сўрашга уялишимиз керак. Ундан сўраш эмас, балки кўпроқ беришимиз керак. Ишлашимиз керак.

Ишчилар шовқин солабошладилар. Цехнинг бурчак-бурчакларидагилар ҳам яқинлашиб келишди. Соқол-мўйлови махорка туғунидан сарғайиб кетган бир чол олдинга чиқаётган эди, раис қўлини пахса қилди.

— Сен, Пахомич, тўхта, сенинг фаҳминг етадиган гап эмас, мана касаба раисларинг жавоб берсин бу гапга.

Четроқда турган Ефим Данилович кулди.

— Қани, қани, раис, фаҳми етганича галирсин-чи, сен аввал ишчининг гапини эшит.

— Раис,— деб бошлади Пахомич елкасидаги катта омбирни ерга қўйиб,— сен «биз ишчилар, биз ишчилар» дейсану, лекин ишчини билмайсан. Бу бир. Иккинчидан, бизнинг ҳукуматимиз камбағаллар ҳукумати эмас, ишчи-деҳқон ҳукумати. Иннайкейин гап «уялиш»да эмас, сабабки сендан биров ўпич сўраётгани йўқ...

Кулгини новча йигит бошлаб берди. Унинг астойдил авжга чиққан ингичка кулгиси ажралиб эшитилиб турарди. Пахомич давом этди:

— Учинчидан, ҳукуматдан олсак ўзимизнинг, я'ни ишчиларнинг ҳақидан олган бўламиз, ҳукумат берса, ўзи учун, я'ни биз учун беради. Ҳукуматни ўзимиз туздик, ўзимиз унинг қувватини оширишимиз керак. Бунинг учун устахонани кенгайтириш, цехни қайта ускуналаш, заводга айлантириш керак. Хўш... кейин...

Раис портфелини дам қўлига, дам қўлтигига олар. чиқиб кетишга йўл қидиргандай, ё зарур иш блан шошиб турган одамдай атрофига аланглар эди. У чолнинг гапига унча тушунмади, бегоҳат бўлиб хулосасини кутди.

— Хўш, Пахомич, завод қуришга ўзинг пул бермоқчимисан?

У худди боягидай кулги кўтарилишини кутган эди, ҳечким кулмади, илжайган юзи йиғлаётган кишининг аянч башарасига ўхшаб бужмайиб қолаверди.

— Иннайкейин...— давом этди Пахомич,— хўш... эпполмайдиғанга ўхшайман, Данилич, тунов куни сен бопловдинг, буёғини ўзинг айтиб қўяқол, иним.

Шовқин кўтарилди:

— Маблағни ўзимиздан топамиз!

— Тежаш ҳисобидан!

— Ҳукуматнинг маблағи ҳам, бир чеккаси, шу тежашдан бўлаяпти!

Раис портфелини оёқ орасига олиб, бармоғи бланки кулогини беркитди, кўзини юмиб, юзини бужмай-тириб кулган бўлди.

— Ҳой, бунақа масалани оёқ устида туриб ҳал қилиб бўладими, биродарлар, мажлисга солиш керак,— деди у,— мен йўқ деяётганим йўқ, Ефим Данилович, майли, цехларингда мажлисга соламиниз, доклад тайёрланг, музокараларни кўриб чиқайлик...

— Яна «кўриб чиқар» эканмиз-да,— деди орада биров.

— Уюштирайлик, ташкил қилайлик,— давом этди раис,— лекин мажлисни, қарорни пухта тайёрлаш керак.

— Кейин кўриб чиқиш керак...

— Мажлис керак бўлса ҳозир ҳам қилаверамиз,— деди новча йигит.

— Тўғри!

— Данилич, очвор мажлисни!

Ефим Данилович турган жойидан жилди. Ишчилар четланиб, унга йўл беришди. Раис унинг жиддийлигини кўриб кўзларига ишонмас, ростдан мажлис очиб ўтирса-я, деб ўйларди. Ефим Данилович ўртага ўтди, тўпланиб ётган темир-терсак устига чиқиб олди.

Башорат кулги аралаш бўлиб ўтган гапни танаффусда ишчиларнинг анчайин кўнгил очиши деб ўйлаган эди, Ефим тоға ўртага чиққандан кейин, атрофга қараса — ишчилар катта бир масалани муҳокама қилишарди. Ҳечкимнинг юзида ҳалиги кулгилардан асар ҳам йўқ.

— Қасаба союз а'золарининг умумий мажлиси очиқ!— деб юборди Ефим Данилович.— Қимда таклиф бор?

— Менда!— Пахомич жуда астойдил гапирадиган одамдай ҳаммани ўзига қаратди.— Таклиф шуки, Ефим Данилич дилимиздагини яхши билади, ўзи гапириб берсин. Кейин шуни қарор қилинсин.

Раис типирчилаб, портфелини қўйгани жой тополмай қолди, унинг безовта юзида: «Бу қанақа мажлис бўлди? Партиб қани? Президиум қани? Доклад қани? Бировнинг дилидагини биров айтarmiшу, шуни қарор қилинармиш!» деган масхарали норозилик кўриниб турарди. Мажлисларда узун қўлларини минбарнинг икки қиррасига ёзиб ташлаб нутқ сўзлашга ўрганган раис Ефимнинг ёнига, темир уюми устига чиқмоқчи бўлди, лекин жой йўқ эди, оёғи тойди. бир темирнинг учига босган экан — иккинчи учи тиззасига келиб урилди.

— Ўзбошимчалик бу! Митингбозлик!— деб қичқирди у, кўпроқ оғриқ азобидан.

Лекин у кутган тўполон, шов-шув бошланмади, атрофда оғир жимлик ҳукм сурарди, ишчилар коллективи бу салобатли жиддийлиги блан унга гўё: типирчилама, халақит бераяпсан, деяётгандай эди. Ёфим гапирганда раиснинг шуердалигини кўплар эсидан ҳам чиқариб юборди.

Ёфим ҳозир мамлакатнинг ҳамма шаҳарларида эски корхоналарни кенгайтириш, цехларни янги техника асосида қайта қуриш, янги катта корхоналар солиш иши қизғин бошланиб кетгани, ўзимизда янги ускуналар ишлаб чиқарилаётгани, бунинг учун маблағни кўп жойларда тежаш ҳисобига тўпланаётганини гапирди. Цехда кеча ўқилган газета хабарини эслатиб, Ленинград ишчиларидан намуна олишга чақирди.

— Биз материалларни, ёқилғини, вақтни тежаш блан жуда кўп маблағ тўплашимиз мумкин. Ҳукумат бизга янги ускуна беради. Биз янги ускунани ўз маблағимизга оламиз, кенгайтириш, қайта қуриш ишларини ўз кучимиз блан бажараоламиз.

— Тўғри!

— Ҳозирча биз тежаш масаласида бир маслаҳатга келиб олсак бас. Бу асосий масала.

Ёфим Данилович гапирётганда ҳамма у томонга интилиб, Турсуной блан Башоратга ҳечким эътибор бермай қўйди. Улар энг четга чиқиб қолдилар. Ёфим Данилович ёнига чиқиб яна икки-уч одам гапирди. Қизлар уларни кўролмадилар ҳам, гапларини ҳам эшитолмадилар. Улар фақат ҳалиги новча йигитнинг ингичка овозини эшитиб танидилар. Йигит ўтёқучилар номидан гапириб қанчаям ёқилғи тежашга ваъда берди, одамлар қарсак чалишди. Қизларга яқинроқ турган Пахомич учтўрт марта луқма ташлади. Унинг гапидан: Башорат ишчиларнинг ишдан ташқари вақтда ҳам ишлашга аҳд қилишганини англади.

Ишчилар тарқалишди. Орада ўралашиб қолган қизларга ҳечким қарамади. Одамларнинг юзида жиддият, қандайдир ёрқинлик, ғурур ва ишонч бор эди. Башорат уларнинг ҳарбирига тикилиб қарар эди: улар ҳозир бутун мамлакатда бўлаётган иш ҳақида гаплашдилар, уни ўз ишлари сингари муҳокама қилдилар... Башоратнинг назарида, бу одамларнинг кўз қарашларидаги ишонч

ҳам ўзларини бутун шаҳарлардаги жуда кўп шундай кишилар билан елкадош деб билганликларидан эди.

Ҳозирги суҳбатнинг бирдамлигида ҳам аллақандай қудрат бор эди. Башорат бунинг нима эканини англаб етмадию, ҳарҳолда ҳалиги папкали одамнинг тўлқинга учраган ҳасдай четга чиқиб қолганини аниқ кўрди.

Буердаги одамлар ҳаммавақт катта-катта нарсаларни гапирадилар: завод, Ленинград, мамлакат... Ё ўзлари катта одамлар бўлгани учунмикин? Ундай деса Башоратнинг ойиси ҳам капкатта хотин. У билан ишлайдиган хотинлар-чи? Башорат ойиси ишлайдиган устахонага ҳам кўп борган. Лекин уерда хотинлар кўпинча майда-чуйда гапларни гаплашадилар: бири кўрпа қавиганини, бири ма'ракага борганини гапиреди. Бири: фалончининг кичик ўғли бирам ширин бўптики, деб гап бошласа, бири Мадрайим носфурушнинг хасислигини та'рифлаб кетади.

Лекин уйларига Жўраҳон ая деган очиқ хотин келганида бир «катта гап» бўлгани Башоратнинг эсида бор. Ушанда Жўраҳон ая Башоратнинг саводхон бўлганини жуда мақтаб, Турсунойни суйиб, кейин, кетар чоғида эски шаҳарда неча юзта ҳам косиб борлиги, қандайдир янги корхона очиш, шаҳардаги ҳамма хотинлар учун очилган клуб, яна алланималар ҳақида гапирган эди. Лекин шуниси борки, буердаги одамлар завод, мамлакат ҳақида гапирганда чехралари очилиб, кўзлари нурланиб кетади. Башоратнинг ойиси бўлса Жўраҳон ая кетгандан кейин хафа бўлгандай, хаёлланиб қолган эди. Башорат буни ўша вақтда ўйламаган экан, ҳозир эсига тушди. . .

— Опа, Ефим тоғам қанилар?— деди Турсуной.

Башорат, хаёли бўлиниб, чўчиб тушди. Улар кўпчилик орасида Ефим Даниловични йўқотиб қўйдилар. Башорат хаёл билан бўлиб билмай қолипти, одамлар тарқагандан кейин ҳам Ефим Данилович ҳечқаерда кўринмади.

Қизлар уни узоқ қидирдилар. Дарвоза тағида анча кутдилар. Кейин секин Ефим Даниловичларнинг уйига қараб юрдилар.

Устахона ишчиларининг посёлкаси ҳам Башоратга энди бошқача кўринабошлади. Ана шу кўримсиз бараклар ичида жуда соф, жуда ма'ноли ҳаёт қайнайди, уларда ҳалиги бақувват одамлар туради. Башорат бу сафар ўтишида ҳарбир деразага зеҳн солди. Уларда дабдаба-ҳашамат йўқ, ҳаммаси содда, очиқ кўнгил билан кулиб

тургандай. Бу уйлар ўз деразалари блан одамга қараб, гўё: «бизнинг боримиз шу, лекин шу содда кўринишимиз блан фахрланамиз, бизни ҳечким камситолмайди» деб тургандай эди. Бу уйларнинг эгалари ҳам шундай, ҳам-маси содда, ҳазилкаш, лекин олдидан бирор тўсиқ чиқса ҳечнарсадан ҳайиқмайди, ўзининг «ўртоқ» бўлгани блан кучли, танти. Башоратнинг ойиси блан ишлайдиганлар бўлса ундай эмас, улар кўпинча бирор нарсадан нолиб, ўзларини аянч, нотавон қилиб кўрсатишга уринадилар.

Башорат яна хаёл блан бўлиб, олдинга кетиб қолганини сезмади. Орқасига қайрилиб қараса, Турсуной ҳов нарироқда битта баракнинг деразасига қулоғини тутиб, кулиб турипти, нуқул қўли блан Башоратни «бери кел, бери кел» дегандай имлайди.

Башорат орқасига қайтиб борди. Баракнинг деразасидан чолғу, ашула эшитиларди. Иккаласи анчагача қулоқ солишди. Турсуной деразага бор бўйи блан чўзилиб, қимир этмай қулоқ солар, юзида бахтли, чиройли бир жилмайиш гўё қотиб қолган эди.

— Юр, кетдик,— деди Башорат.

Турсуной индамади. Худди эшитмагандай, боягича тураверди, у бутун вужуди блан қўшиқ оҳангига берилган эди.

Ичкарида ашула тугаб, шовқинли кулги кўтарилди.

— Кирайлик, опа,— деди Турсуной ялиниб.

— Жинни бўлдингми? Ҳечнарсадан ҳечнаrsa йўқ — бировнинг уйига кириб бораверадимми одам?

Турсуной ма'юс бўлиб қолди, чиндан ҳам бировнинг уйига шартта кириб бориб бўлармиди?!

— Бўлмаса яна жиндак эштайлик, ҳозир яна айтишади, ҳали ҳам шунақа бир тўхташдию яна айтишди.

— Вой, юр, Ефим тоғам бизни йўқотиб, уйда хафа бўлиб ўтиргандир, ахир.

— Ҳозир...— Турсуной яна деразага чўзилиб қулоғини тутди.

Ичкарида яна ҳалиги ашуланинг ўзи бошланди. Башорат ҳам эшик тирқишига қулоғини тутди. Шу вақт кимдир орқадан келиб унинг бошидаги камзулни олди. Башорат «Вой ўлай!» дегунча бўлмай, Турсуной паст овоз блан, лекин жуда қувониб:

— Ефим тоға!— деб юборди.

— Нима қилаяпсизлар?

— Сизни йўқотиб қўйиб, энди уйга кетаётган эдик,

манави бўлса шуерда туриб олди,— деди Башорат синглисини айблаб.

— Ефим тоға, бу уйда кимлар туради?— деб сўради Турсуной кўзлари чақнаб.

— Ҳечким турмайди. Буер — қизил бурчак,— деди Ефим Данилович.— Концертга тайёрланишаяпти.

— Артистларми?

— Йўқ, ўзимизнинг кўккўйлакчилар.

Турсуной бу сўзга тушунмадию, ўшаларни жуда кўргиси келди.

— Эшикни жиндак очиб қарасам uriшмайдимми?— деди у дадил.

Ефим Данилович унинг кўзларидан қайтариб бўлмайдиган бир истакни пайқаб турарди.

— Юринглар, кирақолинглар бўлмаса, тамоша қилиб кетасизлар.

Турсуной аввал ишонмагандай кўзларини катта очиб қарадию, кейин Ефим тоғанинг ростакам ичкарига бошлаётганини кўриб ишонди.

— Эҳҳа, қўймас эканми! — деди опасига муқом қилгандай бош силкиб.— Зап билар экансиз!

Ичкари — катта зал эди. Бир учида тахта супа — у ерда битта стол, икки шкаф, бурчакда иккита қизил байроқ суяб қўйилган, тепага алвон тортилган. Зал ўртасидаги устига қизил ёпилган узун столлар четта, стунлар орқасига суриб қўйилган. Буер тўла қизлар-йигитлар. Қизлар ҳаммаси бирхил кўк блуза, йигитлар кўк кўйлак кийган. Залнинг иккинчи учида ҳам уч-тўрт йигит турипти, иккитаси цемент полга узала ётиб олиб узун алвонга чўтка блан оппоқ ҳарфлар ёзаяпти. Уларнинг ёнида қоғозлар, тиш тозалайдиган порошок қутилари сочилиб ётипти.

Қизларни яна ҳалиги, вагранкага ўт ёқучи новча йигит — Абдисамат кутиб олди:

— Ия, ҳа, вот масала! Келинглар, келинглар.

Дарров буерга етиб келганини қаранг, яна бошқача кийиниб ҳам олипти. У бирпасда қаердандир узун скамейка топиб келиб, Ефим Данилович блан қизларга қўйиб берди.

— Яхши келдингиз, Ефим Данилович, генеральный репетиция! Бошлаб берадиган хоримизни бир эшитинг-а. Ҳой, болалар қани, йигитлар, бургутлар, қизлар, гўзаллар!

Ҳамма ҳаракатга келди. Абдисамат буерда бошлиқ экан шекилли, унинг ҳазиломиз буйруғи ҳам ҳаммани ҳаракатга келтирди. Баланд бўйли йигитлар энг орқага, қолганлар ўртага, қизлар бўлса энг олдинга, худди ясаб қўйган суратдек, ярим доира шаклида тизилишдилар. Башорат блан Турсунойга ўхшаш кичкина қизчалар ҳам бор эди, улар доиранинг ўрта бир ерига турдилар.

Қирра бурунли, қопқора, бўйни узун йигит бутун гавдаси блан чанг устига эгилиб, ғаров чўпни баланд кўтарди, ёнидаги пакана найчи блан чилдирмачи қиз ҳам тайёр бўлиб туришди.

— И! — деди Абдисамат қўлини ва оёқ учини кўтариб. Сидирилиб кетган ботинкасининг учи цемент полга «тап» этиб урилиши блан бирдам овоз кўтарилди. Хор бошланди, бу қудратли овоз ва найнинг чинқириғи Турсунойни ўрнидан турғизиб юборди. У ҳамма нарсани унутгандай, кўзларини катта очиб, олдинга интилди. Ҳали эшикда туриб икки марта эшитгани бу ашула унга эскидан танишдай, ўзи айтиб юрган ашуладай туюлди.

Ҳой, ишчилар,
Эзилган меҳнатчилар!
Битсин золим бойлар,
Эркинни қўлдан берма,
Яша, хизматчилар!

Турсуной бу содда сўзларни илгаридан ёд билгандай, бахтиёр талпинар, гўё қалби блан ашулага жўр бўлар эди. Ефим Данилович бунинг ҳаммасини сезиб турипти, у опасининг қўлидан маҳкам ушлаб турган Турсунойга ер тагидан қараб қўйди.

— Ефим тоға,— деди Башорат унинг қулоғига шивирлаб,— Турсуной ҳам ашула билади.

Бу пайт хор тугади, залнинг нариги учиди шиор ёзаётган йигитлар қарсак чалиб юбордилар. Қарсакка Ефим Данилович ҳам қўшилди. Опасига бир қараб қўйиб, Турсуной ҳам қарсак чалди. У ҳозир ашула айтганларни таниб олгиси келгандай, ҳарбирига ҳавас блан тикиларди.

Кўк блузка кийган икки қиз Башоратларнинг олдига келди. Улар бир-бирларига жуда ўхшар, бўйлари ҳам текис, жуда чиройли қизлар эди.

— Вой, қанақа қизча экан-а,— деди бири Турсунойни эркалаб,— отинг нима?

Турсуной ўзини йўқотиб қўйди, уялиб опасининг орқасига ўтиб олди.

— Вой жинни, айг отингни,— деди Башорат.— Турсунойман дегин.

Турсуной булар блан жуда гаплашгиси келди. «Сизнинг-чи, сизнинг отингиз нима, мен ҳам ашула биламан» демоқчи бўлдию, юраги дов бермади. У гапирмаса ҳам, қизлар уни суиб мақтадилар. Биттаси айниқса унинг узун, қора сочини эси кетиб мақтади, яхшилаб ўриб ҳам қўйди.

Бу пайт Ефим Данилович блан Абдисамат концерт программаси ҳақида гаплашишарди, чанг ва чилдирманинг тартибсиз «тинг-тинг»и ва «гуп-гуп»ида уларнинг гапи эшитилмади. Кейин Абдисамат яна иш бошлади.

Тахта супага бир қиз блан бир йигит чиқди. Чилдирманинг бирдан кўтарилган «бак-бака-бак-гиж-банг»и зални янградиб, қулоқларни қоматга келтирди. Қиз блан йигитнинг ўйинини Турсуной яхши кўраолмади, кейин бирнечтаси саҳнага чиқиб ашула ҳам айтди, Турсуной буларни ҳам яхши эшитолмади — ҳалиги қизлар уни ўраб олиб ҳадеб гап сўрар эдилар. Гапларга Турсуной эмас, кўпроқ опаси жавоб қайтарар эди. Лекин қизлар буни Турсунойнинг гапидай тинглар, Турсунойнинг ўзи блан гаплашгандай, ҳамон унга савол берар эдилар.

— Ефим Данилович!— деди ҳалиги қизлардан бири.— Турсуной ашула билар экан, биттасини айтиб берсин.

Ефим Данилович кулиб, яқинлашди.

— Турсуной кўп ашула билади,— деди у,— у китоб ўқишни ҳам билади. Броқ бир сўздаги ҳамма ҳарфларни биратўласи кўролмайди, битта-битта кўради.

Ҳамма кулиб юборди. Турсунойнинг уялиб қизариб кетганини кўрган қизлардан бири уни ўзига тортди:

— Бу жуда яхши қиз экан,— деди.

Ефим Данилович Турсунойнинг олдига чўккалаб ўтирди. Қўлидан ушлади.

— Уялма, булар ҳаммаси опаларинг бўлади. Битта ашула айтиб берақол.

Турсуной опасининг этагидан маҳкам ушлаб унинг соясига биқинди.

— Билмайман...

— Билади, билади!— деди Башорат.

Залдагилар қарсақ чалиб юборишди, шовқин кўтарилди. Лекин Турсуной опасини маҳкам ушлаб, ҳамон орқага қочар, юзини беркитар эди.

— Хўп бўлмаса,— деди Ефим Данилович,— мен ўзим айтиб берақолай, ма'қуд бўлса программага қўшиб кўярсизлар.

Абдисамат тўпланиб турган ёшларни дарров чеккачеккага суриб, саҳнадан жой тайёрлади, битта курси олиб чиқиб қўйди. Лекин Ефим Данилович саҳнага чиқмади, турган жойида кўкрагини кериб чуқур нафас олди-да, тепага, бурчакка тикилиб, ашула бошлади.

Унинг овози, аллақандай узоқ, лекин қадрдон ерларни, туманли эрталарни, оғир, ғамгин, лекин шарафли дамларни тасаввур этдирар, гўё бу залда эмас, кенг бўшлиқларда, узоқ-узоқлардан желиб узоқ-узоқларгача янграгандай эшитилар эди.

Бу ашула нимаси бландир Ефим Даниловичнинг ўзига ўхшарди.

... Шёл я и в ночь, и средь белого дня,
Близ городов озирался я зорко,
Хлебом кормили крестьянки меня,
Парни снабжали махоркой.
Славное море, священный Байкал. . .

Ефим Даниловични яхши билган ёшлар ашулани унинг бироз ғамгин, лекин шиддат блан чақнаб турган кўзларига тикилиб, жиддий туриб тингладилар. Ашула тугаганда қарсак бўлмади, ашула тугаганда ҳам ёшлар севимли дўстларига боягидай жиддий ўйчан тикилиб турдилар, ҳечким қимирламади. Бу жимликни Ефим Даниловичнинг ўзи бузди.

— Овознинг шираси қочган, кексалик. . .

Шундагина бирдан қарсак бошланди. Ефим Данилович олдинга энгашган эди, рўпарасида қарсак чалиб турган Турсунойни кўрди. Уни икки қўли блан даст кўтармоқчи бўлдию, чап елкаси жиз этиб оғриганини сизди. Унинг елкаси оғригани йўқ, фақат бир вақтлар Башоратни шундай кўтариб бағрига босганида ярасидан қон сапчиб ҳушини йўқотгани эсига тушди-да, қалбида нимадир жиз этди. У, қизчанинг юзига тикилиб таниш чизиқларни кўрди.

— Уйга кетамизми бўлмаса, қизим. . .— деди у.

— Йўқ, кетмаймиз!— деди Турсуной уни ўз дадиллиги блан ҳайрон қолдириб.

Бу — ўз отасига ҳадди сиғиб ўжарлик қилучи боланинг гап оҳанги эди. Ефим Даниловичнинг юзида оталик меҳрининг ажойиб илиқлиги нурланди.

— Мен ҳам ашула айтиб бераман,— деді Турсуной ва Ефим тоғасининг цехдагидай темир қизиги ҳиди келиб турган юзига юзини қўйиб, бўйнидан қучоқлади.

Ефим Данилович уни саҳна томонга етаклади. Зал жим эди. Шундай бўлса ҳам Абдисамат узун қўлини баланд кўтариб:

— Тсс! — деб қўйди.

Турсуной ўзига муҳаббат блан тикилиб турган бу қадар кўп кўзларни биринчи марта кўриши. Назарида, ўзини эплаб олгунча жуда узоқ туриб қолгандай бўлди. Нафаси тезлашди. Айтабошласа овози чиқмасдай туюлди.

Лекин, йўқ, унинг болаларча кўнғироқ товуши, зал кенг ва тинч бўлганидан, ўзи кутгандан ҳам кучлироқ жаранглаб кетди. Турсуной катталарга хос кенг, эркин нафас блан айтарди. Унинг товушида нафис саринлик, таниш оҳангни болаларча соддалик блан талқин қилиш, ҳатто оҳанг бузилган жойларда ҳам ўзига хос ширинлик ва табиийлик бор эди.

Баҳор келди, гул очилди,
Баҳор ҳарёнда.
Ёш кўнгишлар яйрасин
Боғу бўстонда. . .

«Р» ҳарфлари чучук-чучук айтилган бу сўзлар ширали, жарангли оҳангда ҳаммага етиб борарди, кўплар ашулани ўн уч яшар бола айтаётганини ҳам унутиб қўйиб, чуқур завқ блан ўйчан туриб тингладилар. Болани ашула айтдириб қўйиб анчайин кўнгиш очамиз деб ўйлаганлар ўйидан қайтди, ҳазил-кулги унутилди, Турсунойнинг чинакам мусиқий овози қалбларни латиф бир туйғу блан чулғади.

Ашула ҳечким кутмаганда бирдан тугаб қолди. Ҳаммадан аввал Башорат югуриб бориб синглисини қучоқлади ва етаклаб саҳнадан олиб тушиб кетди. Қувончли қарсақлар остида улар Ефим Даниловичнинг ёнига бориб турдилар, Турсуной опасининг қучоғида зўр бериб юзини беркитар эди.

Шовқин-сурон кўтарилди. Саҳнадаги стол ёнида пайдо бўлган Абдисаматнинг овози ҳамма шов-шувни босиб тушди:

— Демак мен программага ёзиб қўяман! Биринчидан ўртоқ Надеждин Е. Д.— якка ашула. . .

Овозлар эшитилди:

— Турсуной ҳам ёзилсин!

— Турсуной кўккўйлакчиларга а'зо қилиб олинсин!
Абдисаматнинг овози яна баланд келди:

— Иккинчидан, ўртоқ... — уятчанг Турсунойнинг бо-
шини силаб кулиб турган Ефим Даниловичга қаради, —
ўртоқ...

— Собирова Т. — деди Ефим Данилович кулиб.

— Уртоқ Собирова Т. — деди Абдисамат жуда ишчан-
лик блан, қаламининг учини оғзига солиб ҳўллагач, —
якка ашула!

Буни ҳамма ма'қуллади. Ефим Данилович блан қиз-
чаларни ўраб олишди. Ҳалиги бир-бирига жуда ўхшаш
чиройлик қизлар яна Турсунойнинг ёнгинасида пайдо
бўлишди.

— Ана энди а'зо бўлдинг, Турсуной!..

— Жуда яхши қиз экан.

— Энди доим келиб тургин, хўпми?

Турсуной ўрнига яна Башорат жавоб берди. Шу сўнг-
ги минутларда у жуда ўзгариб кетган, юзлари яна ҳам
қипқизил, кўзлари кимга қарашини билмай бахтиёр
чарақлар эди.

Ташқарига чиққанларида қизил бурчакда бўлган
воқининг бутун таассуротини ҳам Башорат чуқурроқ
кечирди. Ефим Данилович блан уйга кетаётиб Турсуной
ўз ашуласининг қаери яхши, қаери ёмон чиққани ҳақи-
дагина ўйлади. Башоратни бўлса ўйдан ҳам кўпроқ ал-
лақандай кучли завқ чулғаган эди. Ҳаво ниҳоятда ҳарир,
нафас енгил, ҳамма нарса кўркам, кулиб табриклар тур-
гандай. Башорат ўзини шуерликдай, шу оддий, ғайрат-
ли, хушчақчақ одамлар оиласида кўпдан бери яшаган,
улар блан тенг, улар блан дўст ва ҳамкор кишидай ҳис
этишни истарди. У, буернинг обрўли кишиси — Ефим
Данилович блан ёнмаён кетаётганидан мағрур, ўтган-
кетганларга меҳрибон жилмайиб, тетик қадам ташлайди.
Мана, ёнида сингиси. Уни буернинг ёшлари шуқадар
севишади! «Ўртоқ Собирова...»

— Ефим тоға, бизларни ҳам «ўртоқ» деса бўлади-
ми? — деб сўради у ҳаяжон блан.

— Кимни?

— Мана Турсунойни, мени...

Ефим Данилович ўйлаб жавоб берди:

— Бўлади. Бу жуда ҳурматли, баланд э'тиборли сўз.
Биз ишчилар жуда катта, уюшқоқ оиламиз. Шу оила-
нинг барча а'золарини «ўртоқ» деймиз. Кўпчиликка ман-

фаати тегадиган, кўпчиликка бегараз, виждон блан, жон куйдириб хизмат қилишга тайёр турган кишилар «ўртоқ» бўлаолади.

— Ефим тоға, мени кўккўйлакчилар «ўртоқ Собирова» дейишди,— деди Турсуной.

— Тўғри, негаки энди сен уларнинг ҳамжиҳат тўпига а'зо бўлдинг, сенинг кўпчиликка фойдали, фаол кўккўйлакчи бўлишингга улар ишонишади. Икковларингиз ҳам кўпчилик блан бирга халқ учун ишлайоладиган, соф кўнгилли қизларсиз. Шунинг учун сизлар ўртоқ Собировасизлар.

— Ўртоқ Собирова!— деди Турсуной кўзларини чарақлатиб.

Улар ўз фамилиялари шундай эканини илгари ҳеч ўйламаган ҳам, уларга бу ҳақда ҳечким гапирмаган ҳам эди.

— Лекин бу анчайин гап эмас,— деди яна Ефим Данилович.— Бу номни оқлаш керак. Дадангиз — Собиржон пок виждонли, дўстларига садоқатли, қаҳрамон киши эди. У сизларга ўхшаган жуда кўп болаларнинг бахти учун курашда ўлди. Сизлар унинг исми блан фахрланишга ҳақлисизлар, унинг исмига муносиб бўлишларингиз керак. Шунақа, ўртоқ Собировалар!

Ефим Данилович бу гапларни кўпроқ ўзи учун, ўзича мулоҳаза қилаётгандай гапирар, бу блан, шу қизларни тарбиялаб ўстиришдаги ўз вазифаларини гўё мўлжаллаб олмоқда эди. Гапнинг мазмунига айниқса Башорат яхши тушунди. У ўзини келгусида кўп ишлар кутаётганини, катта «ўртоқлар» оиласи ўз сафидан унга ҳам жой беражанини, бунга тайёрланиш зарурлигини ҳис қилди. Лекин у бунга бирданига, атайлаб тайёрланиш блангина эришиб бўлмаслигини, бунга турмушга, кўпчиликка аралашиб блан, кўриш, билиш, англаш, ишлаш, курашиш блангина эришиш мумкинлигини ҳали тўла тасаввур этолмас эди. Шунинг учун ҳам, Ефим тоғаси блан кўп сўзлашгиси, ўша «ўртоқлар»нинг ким ва қандай кишилар эканлиги ҳақида узоқ-узоқ гап тинглагиси келар эди.

Шу чоқ улар уйга етиб келдилар. Ефим Даниловичларнинг уйи темир йўлга яқин чекка баракнинг энг бошида бўлиб, бир айвон, бир хона ва кухнядан иборат эди. Бу жойлар Башоратга ҳам, Турсунойга ҳам таниш. Улар кичкиналикларида бир йилга яқин деярлик доим шуерда турдилар. Улар отадан жудоликнинг оғир ғуссаларини шу-

ерда енгиллатдилар, улар шуерда меҳрибон Софья опаларини кутиб олдилар. Софья Борисовна узоқ Иваново-Вознесенскдан келган куниёқ Онахоннинг қизчаларини илгаридан танигандай севиб қучди. Уларга Вера, Таня деб русча отлар ҳам қўйиб олди, соч ўриш, лентача тақишни ўргатди. Уйга кетиб қолганларида соғинадиган бўлди. Авваллари Ефим Данилович бўлмаса уларнинг гапларини англамас эди, кейинчалик қизчаларнинг чучук тилларига ўзи ҳам тушунабошлади. Лекин тил билишга келганда Софья Борисовнадан кўра Башорат удабурро чиқди, Башорат билган русча сўзлар Софья опаси билган ўзбекча сўзлардан кўра ҳарҳолда кўпроқ эди. Бу оилада ҳар иккала тилда ҳам чалароқ сўзлашилар, лекин бу ҳол оиладаги дўстликнинг тобора мустаҳкамланишига сра тўсиқ бўлолмас эди.

Мана ўша, кўчага қараган очиқ айвон. Мана ўша қизғиш тувакдаги шапалоқ гул. Софья Борисовна эрининг ёнига янги келган кунлари посёлка бозорчасидан биринчи харид қилган нарсаси шу гул бўлган эди. Кейинчалик айвоннинг мана шу гул яшнаб турган серқуёш бурчаги Башоратнинг Софья опаси блан ҳикоя айтишиб ўтирадиган сеvimли жойи бўлиб қолган эди. У вақтда Турсуной ҳали жуда ҳам кичик эди, Ефим Даниловичнинг катта калошини қўғирчоқларига «арава» қилиб судраб келиб, Софья опасининг ҳикоя айтишига халақит бергани-берган эди. Софья Борисовна Башоратга ҳикояларни кўпроқ «Она» романидан айтарди. Бу китобни иккови ҳам яхши кўрарди. Софья Борисовна аввал унинг кўп жойларини ўзи кўргандай қилиб айтиб-айтиб берди, кейин-кейин айрим бетларини, ҳатто бобларини ҳам ўқиб эшитдирадиган бўлди. Софья опа уни ёд билгандай ўқирди, варағига сал кўз қири тушса бас — худди ёзилганни ўқиб эмас, ичидан чиқариб айтиб бераётгандай туюлар эди. Бу Башоратнинг жуда ҳавасини келтирар эди, у опаси йўқ вақтларда китобни ўзи очиб, узоқ-узоқ тикилар, ўқийолмагандан кейин, ундаги ўзи эшитган воқиаларни эслар, шунда китоб саҳифаларида ўша яхши одамлар, ўз дадаси ва Ефим тоғасига ўхшаш одамлар гавдалангандай бўлар эди. Башорат уларни ўз кўзи блан кўраолмаганига ачинарди, китобни ўқийоладиган Софья опаси уларни ўз кўзи блан кўради деб ишонганидан, бутун фикри-хаёли ҳарф ўрганишда бўлди. У ҳарфларни атайлаб битта-битта ўргангани йўқ. Уларнинг машғулоти бундай бўларди:

Башорат китобни бошидан очиб олди, четроқда Софья опаси унда ёзилган сўзларни битта-битта ёддан айтиб турар, Башорат бўлса китобга қараб унинг айтган сўзларини такрорлаб борар эди. Авваллари бундан ҳеч нарса чиқмади, албатта. Башорат бутун-бутун бетларни воқиясига қараб ёд олган бўлса ҳам, ҳарф танимас эди. Аммо шундан кейин Софья опа учун Башоратга ҳарф ўргатиш ниҳоят осон бўлди. Башоратнинг қандай қилиб саводхон бўлиб олганини ҳечким, ҳатто ўзи ҳам пайқамай қолди.

Шундай қилиб, бу уйда Башоратнинг Ефим тоға блан Софья опадан бошқа, яна бир меҳрибони — «Она» романи бор эди.

Уларни айвонда Софья Борисовна кутиб олди. Ефим Данилович қизчаларни унинг бағрига узатар экан:

— Булар «роман-китоб» олгани келишипти,— деди кулиб.

Бу гап жуда қувониб кетган Софья Борисовнанинг қулоғига ҳам кирмади. У оғир гавдасини зўрға ҳаракатга келтириб, пишиллаганича меҳмонларни қучди, унинг намтоб, иссиқ нафаси қизчаларнинг қизариб турган юзларига урилди.

Софья Борисовна ҳозир ҳомиладор эди. Унинг илгаридан дуркун гавдаси яна ҳам тўлишиб, кенг, олачипор бумази халатини тўлдириб турар, сутдай оппоқ юзига энди танга-танга нимсарғиш доғлар тушиб, Башоратнинг назарида, бу унинг меҳрли оналик хуснини яна ҳам очиб юборган эди. Башоратнинг чўғдай юзига қараганида бунини Софья Борисовнанинг ўзи ҳам пайқади шекилли, намланиб, ярқираб турган зангор кўзлари блан севимли Верочкасига бир қувончли хабар сўзлагандай тикилди. Башорат ҳам унинг: «қиз кўрсам отини албатта Вера қўяман» деган сўзларини эслади, опасининг қаппайиб турган иссиқ қорнини қучоқлаб эркаланди.

— Булар тушга яқин келишган эди, цехни, кейин қизил бурчакни тамоша қилишди,— деди Ефим Данилович зинада этигини ечаётиб.

— Оҳҳо, қоринлари ҳам очгандир бўлмаса,— Софья Борисовнанинг товуши кухнядан эшитилди.— Ойнинг яхшими, Верочка, келаман деган эди, келмади ҳам?— деди примусга уннаётиб.

Башорат умивальник ёнида юзига совун суркаб турган эди. Турсуной жавоб берди.

— Ойим яхшилар, тутимиз пишиб қолай деди!

— Опанг энди тут емайди,— деди Ефим Данилович хотинига ҳазил қилиб,— ҳалиги аччиғ-аччиғ довучча бўлади-ку, ўша бўлса фарч-ғурч чайнайди, олиб келмадингми?

Турсуной бунинг фақат ҳазил деб билди, лекин Башорат бунинг рост жиҳатини ҳам англади.

— Вой билмабмиз, эсизгина,— деди у совун ачитган кўзини ишқалаб,— Туреуной қизил бурчакка келганда бир дўппи қилиб олиб келади.

Софья Борисовна «қизил бурчакка келганда» деган гапга қизиқди. Ефим Данилович Турсунойнинг ўз ашуласи блан кўккўйлакчиларни қойил қолдириб, тўгаракка а'зо бўлганини гапириб берди.

— Ефим тоғам концертда ўзлари ҳам ашула айтадилар,— деди Башорат.

Оилада кўпчилик бўлиб, стол тўлатиб ўтириб овқатланишни яхши кўрадиган Софья Борисовна Башоратнинг қарашаман деганига қўймай, семиз ўрдакдай лапанглаб юриб ичкарида стол тузади ва қизларни жой-жойига ўтказди. Кейин кула-кула Ефим Даниловични чақирди:

— Бўлақолинг, ҳой қари артист!

— Артист бўлганда қандай!— деди Ефим Данилович ўтираркан сариқ мўйловини астойдил бураб.— Ҳали ҳаммангларни қойил қолдирамиз Турсуной блан иккаламиз.

Башорат кўккўйлакчилар хорининг салобатли гумбурлаган овозини эслади. Бу кучли овоз буердаги ҳамма ишчиларнинг бирдамлик, дўстлик қудратини эслатарди. Ефим Данилович хотинига ишчиларнинг маблағ тежаш ҳақидаги қарорини айтиб берганда Башорат цехда бўлган воқияни яна бир марта кўз ўнгидан ўтказди, Ефим тоғанинг сўзларидан кейин бу воқияни янада чуқурроқ тушунди, ишчиларнинг энгилмас қат'ият блан ўткирлашган юз ифодаларини кўз олдига келтирди.

— Улар ҳаммаси бир одамдек! Кучли, яхши кишилар. Улар бир ишни қиламан деса қилмай қўйишмайди, шунанам, Ефим тоға?— деди Башорат цехдагилар ҳақида гап кетганда.

— Ишчи синфи дейди бунинг, ҳа!

Қизчалар бу гапни тушунадими-тушунмайдими, Ефим Данилович бу ҳақда ўйлаб ўтирмади, лекин афтидан, ўзининг мағрур туйғусини тўла ифодалайдиган бу сўзларни айтмай қололмади.

— Ишчи синфи... ишчи синфи нима, Ефим тоға?—деб сўради Башорат.

Ефим Данилович ўйланиб қолди. Компотни бир хўп-лаб лабини артди-да, ўрнидан турди.

— Хўш, ишчи синфими? — деди уёқдан-буёққа юриб. Кейин тўхтаб яна жим қолди.

— Аҳа, қўлга тушдингми? Қани жавоб бер-чи, артист!— деди хотини кулиб.

— Сен сабр қил, Софья Борисовна, бу жиддий гап.

Ефим Данилович Башоратнинг рўпарасига ўтириб, ишчи синфи ҳақида соддагина қилиб гапириб берди.

— Сиз ишчи синфимисиз, Ефим тоға? — деб сўради қиз ўйчанлик блан.

— Ҳа... ҳа, лекин... мана; яхшиси, Софья опангнинг отасини олайлик. У Ленин блан гаплашган!

— Лениннинг ўзи блан-а? — Башорат Софья опасига уни энди биринчи марта кўраётгандек ҳайрат блан қаради.

— Ҳа, ўзи блан. У бундан йигирма йил аввал, Морозов деган бойнинг заводида ишлаганида, қўзғолон кўтарган ишчиларнинг энг олдида милтиқ кўтариб, пошшога қарши борган. Пошшо солдатлари ишчиларни ёппасига отиб...— Ефим Данилович хотинига кўзи тушиб, негадир бирдан гапини бўлди-да, сўзини йўқотиб қўйгандай ўн-гайсизланиб ён-верига қаради.

— Ҳа, мени йиғлапти деб ўйладинг шекилли,— деди секин Софья Борисовна эрига, ғамгин йилтиллаган кўзини Башоратга тикди,— мен ҳеч йиғлаган эмасман, Башорат— дадам шундай ўргатган. Сургунга кетаётиб қизил вагоннинг панжарали деразасидан кишанли қўлининг учини менга узатиб: «Йиғлама. Йиғлаш сир бериш бўлади. Революционер душманга сир айтмайди» деган. Бу гап бутун умрим бўйи ёдимда қолди, чунки мен отамнинг сургунга кетишдан олдин турмада қанча азобласалар ҳам сир айтмаганини билардим. Сир бериш мумкин эмас, йиғлаш сир бериш бўлар экан, йиғлаш керак эмас... Отам қайтиб келмади. У сургунда ўлди. Мен йиғламадим. Мен унинг васиятини бажардим. Мен отам блан фахрланаман— у ишчи эди... Башорат.— Софья Борисовна ўрнидан турди, ўнг қўлини Башоратнинг бошига қўйиб четга қаради.

Башорат ўтирган жойидан унинг йўғон гавдасини қучоқлаб бошини биқинига босди, узоқ жим турди. Ҳамма узоқ жим турди. Турсуной қўлидаги салфеткани ги-

жимлаб, Софья опасининг кўзига қарар, агар унда нам кўргудай бўлса худди йиғлаб юборишга тайёр эди.

— Софья Борисовна, столни йиғиштир бўлмаса,— деди Ефим анча жимликдан кейин.

Башорат чўчигандай ўрнадан сапчиб турди. Ефим тоғасининг бу гапи ёпишиб тушмагандай ғалати туюлди: Софья Борисовнага-я! Шундай одамга шунақанги иш буюриш...

Башоратнинг назарида, Софья Борисовна ҳозир шундай одам бўлиб гавдаландики, у стол йиғиштириш эмас, балки бутун халқнинг, бутун мамлакатнинг каттакон ишларини бажарган ва фақат шундай ишларнигина бажарадиган, қудратли, азиз киши эди.

Башорат наридан-бери енгини шимариб столдан идиш-товоқларни йиғиштирабошлади, самовардан қайноқ сув қуйиб, бармоқлари блан ғичирлатиб тарелкаларни бирин-кетин ювди. У ҳозир шу оддий ишдан ўзида йўқ шод, Ефим тоғасининг мамнунлик блан қараб ўтиришидан эса чексиз бахтли эди.

Башорат илгарилар кўп нарсани пайқаманган экан, Ефим тоғани шунчаки раҳмдил, ўз отасидай яхши одам дебгина билар экан. Энди Башорат у блан бутунлай бошқатдан танишгандай бўлаётир, ҳозир назарида, ундаги ҳамма яхши фазилатлар — фақат унинг ишчи бўлганидан эди.

Қизлар кетишадиган бўлганда Ефим Данилович этажerkанинг энг пастки қаватидаги китоблар орасидан «роман-китоб»ни топиб берди. Анча эскиб қолган кулранг муқовали бу китоб Максим Горькийнинг «Она» романи эди.

— Ефим тоға,— деди Башорат кетаётиб,— бизнинг дадамиз ишчи синфига кирадимиз?

Ефим Данилович қизлардан бундай саволни кутманган эди, бу савол унинг назарида Башоратни бирдан улғайтириб юборди. Бу жиддий савол эди, бу — кечагина ҳеч нарсадан хабарсиз, етим қизчанинг катта ўйлар ўйлаб-бошлаганини кўрсатадиган савол эди. Бу савол бугунги суҳбатнинг, Башоратнинг «ўртоқ» деган сўз ҳақида, ишчи синфи ҳақида берган саволларининг бутун ма'носини очиб юборгандай бўлди.

— Ҳа,— деди Ефим Данилович жиддий ўйланиб,— сизнинг дадангиз большевик эди, у ишчи синфининг иши учун жонини ҳам аямади.

Қизлар кетаркан, эр-хотин айвон стунига суяниб ўйчан кўзлари блан уларни узоққача индамай кузатиб қолдилар. Софья Борисовна, уларга кетар олдидан оталарининг ўлими ҳақида эслатишнинг кераги йўқ эди, деб таъна қилди.

— Йўқ,— деди Ефим Данилович ҳамон узоқдан кўзини олмай,— мен оталарининг ўлмаганлиги, сра ҳам ўлмаслиги ҳақида гапирдим. Башорат буни яхши тушунди!— Ефим Даниловичнинг юзи ғурур ҳисси блан ёришди:— Ҳа, тушунди,— такрорлади у,— унга ҳозир шу керак эди, саволини эшитдинг-ку. . .

— Уларни ўқитиш керак.

— Албатта ўқитиш керак.

Софья Борисовна Найманчада ҳозир «маориф ойлиги» эълон қилингани, яқинда бошланғич мактаб очилиши кераклигини айтди.

— Башоратни бошланғич мактабга беришнинг фойдаси йўқ. Ҳамма нарсани билади, саводи бор,— Ефим Данилович билинар-билинемас жилмайиб қўйди,— роман ўқияпти.

— Ўзбекча саводи йўқ, ўз она тилини билиши керак.

— Ҳа, ҳа, ўз тилида савод чиқарса бас, уни қизлар билим юртига киритиб қўямиз.

Ефим Данилович хотинини огироёқсан деб ҳечқаёққа чиқармай қўйганини унутиб, ҳозир уни Найманчага бормай қўйгани учун койийбошлади. Софья Борисовна эртами-индин Онахоннинг олдига борадиган, йўл-йўлакай «маориф ойлиги»нинг нима бўлганидан хабар олиб келадиган бўлди.

Тўртинчи боб

Найманчада соя қайтган пайт жуда дим бўлади. Кунни блан қуёш таптини еган пахса деворлар ўзидан иссиқлик чиқариб ҳавони бўғиб қўяди.

Ҳозир кўчада тупроқ ўйнаётган уч-тўртта боладан бошқа ҳечким йўқ эди. Болалар кўча тупроғини бел баравар уйиб, устини сувашипти, кейин ичидан тупроқни тортиб, дўкон ясашипти. Орада тикроғи, ҳабашдай қора, озғин бир бола «дўкон» ёнида жуда ишчан бир қиёфада туриб кўча тупроғини тарозида тортиб «сотмоқда». Бошқалари бўлса, қўлларида тахлоғлиқ конфет қоғозларни туфуклаб-туфуклаб санаб «дўкондор»га берадилар, қолганини липпага уриб, «сотиб олинган ун»ни этакка солиб

олиб кетадилар. Орада энг кичиги — уч-тўрт яшар чамасидаги жингалак сочли бола ҳам терлаб-пишиб, тиришиб-тирмашиб, ўзидан катталар нима қилса шуни қилиб ивирсиб юрипти. Оёғидан тортиб қош-кўзигача чанг босиб кетган бу харидорнинг «пули» ҳам, пул қистирадиган липпаси ҳам йўқ экан. У тарози ёнига келиб этагини кўтарган эди «пастлар» кўриниб кетди. «Дўкондор» ҳам тарозипалладаги тупроқни этакка солмай сепиб юборди. Болаларнинг қаттиқ кулгиси, ҳалиги липпасиз харидорнинг чинқироқ йиғиси блан кўшилиб кетди.

Шу пайт кўчанинг нариги бошида бир аёл кўринди, у Найманчанинг эски шаҳар растасига туташиб кетадиган кўчасидан, пастликдан чиқиб келмоқда эди. Аввал ҳалиги тикроқ қора бола, кейин бошқалари ғойиб бўлди, улар ўйнаган жой устида анчагача қуюқ чанг булути туриб қолди.

Аёл девор ёқалаб, соя-салқин танлаб, шошмай юриб келарди. Билқиллаб турган юмшоқ тупроқ устидан кўчанинг у юзигача чўзилган ойли минора соясини босиб ўтганидан кейин аёлнинг юзи равшанроқ кўринди.

Гузарга яқинроқ бир эшик олдида гурунглашиб турган хотинлар уни узоқдан танидилар. Жуссаси ёш боладай кичик, шилпиқ кўзли кампир, аёлни таниса ҳам танимаганга олиб, гапини давом этдирди. Лекин бошига ёш боланинг чакмончасини ташлаб олган ёшроғи аёлдан кўзини узмасди.

— Вакила ая...— деди у секин.

— Жўрахон!— деди бошяланг бир жувон.

Хотинлар ташвишли ҳаракатга тушдилар. Бири кириб кетишга шошди, бири нима қилишини билмагандай туриб қолди, бири бўлса аёлга пешвоз чиқмоқчи бўлиб интилди. Лекин ҳалиги кампир, ҳечгап йўқдай, ҳамон гапирарди:

— Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бэр дегандай, лақиллаб ўтирганимни қара, айналай келин, қасқонингни бериб турсанг деб чиқувдим. Қани юр...

Кампир жувонни бошлаб эшикка кириб кетди. Бошига чакмонча ёпинган хотин ҳам узоқдан келаётган Жўрахонга яна бир қараб қўйиб, ўзини ичкарига олди. Эшик олдида фақат икки қизалоқ қолди.

Жўрахон кўча бўйлаб келаркан, бу ҳуркак хотинларнинг ҳамма ҳаракатини кўриб, бутун ташвишини пайқаб, билиб турарди. Бу ташвиш экан-ку, Найманчага биринчи

келганида ҳаммани ваҳимага солгани ҳам эсида. У вақт буюрда хотину қиз ҳаммаси ундан бирваракай, очиқдан-очиқ юз ўғирарди. Ҳозир, ҳарҳолда, бирпас ўйланишиб, унга тикилишиб, отини тилга олишиб, шундан кейингина аллақандай — ўзлари ҳам тушунмайдиган саросима блан секин-аста тарқалишди. Икки қизалоқ бўлса қочмади ҳам — уни кутиб кўча юзида туришипти. Ҳалиги хотинлар уларга «ичкарига киринглар» деб пўписа ҳам қилишмади шекилли.

Хотинлар бу очиқ аёлдан номаҳрамдан қочгандай беркинар эдилар. Меҳр сочиб турган офтобга, одамнинг очиқ чиройли, нурли чеҳрасига қора сочвон орқали эмас, ўз кўзлари блан тикка қарашга жур'ат этган Жўраҳон блан юзма-юз келишдан чўчир эдилар. Уларни кўзга кўринмайдиган қандайдир даҳшатли бир куч «ичкари»га тортарди. Лекин Жўраҳон бу хотинларнинг кўнглини яхши тушунар, уларнинг асл юрагини яхши билар эди. Уларнинг кўплари очиқ хотинни кўриб гаплашишдан эмас, балки бу гаплашишни «биров» кўриб қолмасин деб ҳайиқар эдилар. Улар ҳозир мана шу икки қизалоқни, балки атайлаб, кўчада қолдиришди, балки уларнинг асл юраги мана шу қизчалардир... Ҳали ўша кўзга кўринмас кучнинг домига илинмаган, хотин зотининг аянч тақдирини бошидан кечирмаган бу жажжи қизалоқлар Жўраҳоннинг кўзига чиндан ҳам шу хотинларнинг аслида соф юраги, келажиги бўлиб кўринди. Ҳа, шундай. Улар — шу хотин-қизларнинг ёруғликни ҳавас қилиб талпинаётган юраги. Жўраҳон бу ерга биринчи келганда улар ҳали йўқ эди. Улар энди пайдо бўлаяпти.

— Ассаломалайкум, Вакила ая,— деди қизлардан те-тикроғи, Жўраҳон етиб келганда.

— Эсон-омонмисиз...— деди кичикроғи ёш картошкадай пўстлоғи кўчиб турган бурнини артиб.

Жўраҳон уларнинг рўпарасида тўхтади. Қўлтиғидаги сумкачадан Башорат блан Турсунойга аталган «ёстиқ» конфетдан олиб қизчаларга битта-битта тутқизди; ўзига ярашмаган катта, ямоқ бўз кўйлакли кичкина қизничг жингалак сочини пешонасидан сидириб, терлаб турган шўртак қошидан ўпди.

Қизчалар конфетни ушлаганча баланд гавдали бухотинга ҳайрат блан тикилиб турардилар. Жўраҳоннинг ёрваста гавдаси кўкраги бурмали ҳаворанг чит кўйлагини тўлатиб, тошиб кетгудай кўпириб турарди. Сочи пешо-

насига келтириб учма-уч тугилган ғўзапўчоқ рўмолйга ўралиб, орқасида бўшгина осилиб турипти. Унча ёш бўлмаган япалоқ юзида тарам-тарам қизил томирчалар, кўз тагида майда ажин...

— Кимнинг қизларисиз?

— Мен Салимбўзчининг қизиман, мана бу Норматпа-рангнинг ўғай қизи.

— Ҳа-ҳа,— деди Жўраҳон бу одамларни танимаса ҳам танигандай.

Кейин «яхши қизлар экансиз» деб яна биттадан конфет берди-да, йўлига шошди. Қизчалар конфетни очгани жур'ат қилмай, дам қўлларига, дам кетиб бораётган Жўраҳонга қараб, узоқ турдилар.

Жўраҳон Онахоннинг уйига кетаётган эди; гузарда чойхона ёнидан юрмаслик учун тупроқ кечиб бўлса ҳам кўчанинг у юзига ўтиб олди.

Гузарда ҳам, чойхонада ҳам ҳали ҳечким йўқ. Яктагини ечиб белига боғлаб олган жиккаккина самоварчи кечки чойхўрларни кутиб олиш учун, пақирдаги сувни аягандай чимдим-чимдим шакароб қилиб сўрилар ёнига сепмоқда.

Кўчанинг у бошида эшак минган йўловчи кўринди. Афтидан, узоқ йўл юриб келган жонивор, гузар ва чойхонани олисдан кўриб, шуерда оғир юкдан бўшаб жиндак нафас рoстлаш умидида, бир қулогини диккайтириб майда қадамини яна тезлатди. Жўраҳон яқин борган сари йўловчини аниқроқ кўрабошлади: у — юк деса дегуликкина, катталиқда тиришқоқ жониворнинг ўзи блан тенг келиб қоладиган, бесўнақай семиз одам эди. Берироқ келган сари яна ҳам ғалати кўринди: жонивор тез юрганига қарамай, булутдай савлатли бу гавда сра қимирламай, бемалол ўтирарди, фақат эшакнинг ингичка оқ оёқларигина тинмай типир-типир қиларди, узун қулоқли бежирим калласи қанор қопнинг тагидан чиқиб турганга ўхшарди.

Йўловчининг устида зарбop чопон, оёғида амиркон маҳси, ковушни ечиб қўлига ушлаб олган, иккинчи қўлидаги катта сариқ рўмол блан қора ғўштдор юзини, бақбақасини ҳар нафасда артиб-артиб қўяди, сержун кўкраги очик, эгар олдига бемалол ташлаб қўйилган қорни ана тўкиламан-мана тўкиламан дегандай бетиним билқиллаб боради.

Йўловчидан ўттиз қадам орқароқда паранжили бир аёл келарди. Жўраҳон унинг бу йўловчига дахли борли-

гиний хаёлийга ҳам келтирмади: аёл оддий ўткинчига ўхшарди, йўловчи эса турган-битгани тамоша. Унинг оёқлари орасидаги кичкинагина оқ эшак юкининг оғирлигига яраша тақдирланган эди, ҳалиги одам чойхона ёнига етиб бир ботмонлик гавдасини ерга олгандан кейин бу жуда ҳам очиқ кўринди: хошияли диккак ва унинг устидан чарм қопланган юмшоқ бўхтарги кенг айил блан маҳкам тортилган, гулдор ёйиқ тагида қуюшқондан қизил популлар осилиб турипти, оппоқ ёлига катта-катта қора мунчоқлар, манглай сочига эса иккита чиғаноқ тақилган.

Оғир юкдан бўшаб нафас ростлаб олган чиройли, оппоқ жониворни болаларча тамоша қилиб ўтаётган Жўрахон, йўловчи сўрига чиққанда қадамни секинлаштирган ҳалиги хотинга э'тибор қилди. Қуёшдан ва чангдан оқариб кетган, бандагига катта ямоқ тушган паранжиси бу иссиқ ҳавода уни ниҳоятда қийнаб қўйгани биллиниб турарди. Бунинг устига, қўлида тиккина бола, бошида бесўнақай оғир тугун. Юрганида оёғидаги эски, қўполдўз ковуш ёрилиб кетган товонига шалоп-шалоп урилиб, кетидан чанг кўтариб боради.

Хотин чойхонадан йигирма қадам нарида, девор бўйидаги чала қуриган тут соясида тўхтади, бола унинг чарчаган қўлидан сирғаниб ерга тушди, ҳансираган хотин дарров тупроққа чўкка тушиб, бошидаги тугунни машаққат блан олиб тут тагига қўйди.

Унга на йўловчи, на самоварчи, ҳечким э'тибор қилмади. Кўчанинг нариги юзида тўхтаб қолган Жўрахонгина ундан кўзини олмасди. У, бу хотиннинг ҳалиги салобатли йўловчига қандайдир алоқаси борлигини, уларнинг шу хилда узоқ йўл босиб келганини пайқадую, бир нарсага тушунмади: бу нотавон аёл ҳалиги йўловчига ким бўлиши мумкин? Унинг юзини кўриб бўлса экан. Ешми, кексами? Бу юз, ҳарҳолда, азоб чеккан, чанг ва тер босган бўлса керак, у балки жуда ҳам ташнадир. . .

Семиз одам салқин супада чордона қуриб ёйилиб ўтирарди. Унинг ёнида парвона бўлган жиккак самоварчи чойхонанинг ичкари ҳовлисига югуриб кириб бир боғ кўк беда олиб чиқди-да, ариқ бўйига ёйиб солди, эшакнинг сағрисини қоқиб, сийпаб қўйди. Беда ейишига тикилганида афтидаги мулойим илжайиш, хўжайиннинг ўзига қарагандагидай, шундоқ эриди-кетди.

Бола, чумоли уясига ўтириб қолган эканми — гингшиб йиғлаб юборди. Йўловчи шундагина аёл томонга

эринчоқлик блан қайрилиб қараб қўйди. Хотин болани дарров сочвон ичига олиб, эмизабошлади.

«Она...» деди Жўрахон ичида. Унинг ёнига, кўчанинг у юзига ўтмоқчи бўлиб интилдию, қайтди. Унга бир оғиз савол бермоқчи эди: ким? Қимсан, муштипар?

Йўқ, Жўрахон қайтди. Қайтдию, ўрнидан жилолмади. Қуриган тут тагида, тупроқ устида, увада паранжи ичида тирик жон, жонлар бағишловчи азиз жон, она ўтирипти. У ҳозир жонсиздай, бир уюм кераксиз латтадай, қопқора соядай қимирламай ўтирипти, унга ҳечким кўз солмаяпти...

Бола эмиб тўйиб, сочвон тагидан чиқди, унинг тумор ва кўзmunчоқ тақилган қизил дўпписи тагидан кокили диккайиб чиқиб турарди. Она унинг беқасам тўнчаси устидан боғланган қийғини кўкрагигача кўтариб қўйдида, қўли блан сўри томон йўллади:

— Бор, оёғинг ёзилсин, чопқилла, дадангга бор...

Жўрахон сўри томонга қаради... Ота оппоқ яктаги блан сержун кўкрагини елпиб, нишолдага нон ботирар, самоварчи унга гулдор пиёлада иссиқ, хушбўй чой узатиб турар эди.

Жўрахон хотин томонга яна бир интилдию, бирдан кўз ўнги қоронғилашди. Рўпарасида ҳечнарсани кўрмаган ҳолда олдинга юриб кетди. У, юриб кетганини анчадан кейин сизди, қайрилиб қараса, чойхона ҳам, қуриган тут ҳам орқада қолиб кетипти.

Жўрахон ниманидир ўйламоқчи бўлди, лекин нимани? Фикрини бир жойга тўплаб ололмаётир: ниманидир топиши керакдай бўлиб туюлди, лекин нимани? Бирор фикрними? Бирор одамними? Ҳа, ҳалиги хотинни! Йўқ, унинг босиб ўтган йўлини! Унинг тақдирини! Қим у? Хотин? Қул? Она? Чўри?..

Қайтиб борсами? Қўл берса, сочвонини кўтариб, нур кўрмаган кўзларига тикилиб қараса... Йўқ, ҳозир уни қидириб боришнинг кераги йўқ, су — ўша тут тагида ўтирган хотиннинг ўзигина эмас. Бу — барча жафокаш хотинлар. Бу — шарқнинг меҳнаткаш аёли...

Жўрахоннинг хаёли чувалашди. Вужудини тушуниб бўлмайдиган бир туйғу чулғади. Нима? Ҳазабми? Йўқ, ҳазаб уни бу қадар бўшаштиролмас, бу қадар паришон қилолмас эди. Ожизликми? Йўқ, ожизлик ҳам эмас. Унинг кўнгли ҳазабли фар'ёдга ўхшаш кучли бир тўлқин блан тўлишди, бошидан кечган курашлар ҳам, қонли

фожиалар ҳам, даҳшатли воқиалар ҳам ҳозир бутун вужудини алангалатиб ёриб чиқишга тайёр турган шу кучли, аччиқ фар'ёд олдида ҳечнарсга эмасдай туюлди.

Бу фар'ёд ташқарига ёриб чиқолмади. У пасайди ва аниқ, тушунарли бир туйғуга, олдинга шошилтиручн қўрқувсизлик ва жур'ат ҳиссига айланди. Жўраҳон хаёлини йиғиб олди, қадамини тезлатди. У тезроқ Онахонниқига етиб бориши керак, ҳозир уни ҳечнарсга тўхтатолмайди. Ҳозиргина ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетгандай эди, қараса Найманчанинг кўчалари ҳамон тинч, бу оғир жимлик Жўраҳоннинг кўнглида бўлиб ўтган ис'ён ва ҳаяжонга мутлақо лоқайд; кечки димлик кўчаларнинг юмшоқ чангини оғир босиб тушмоқда эди.

Жўраҳон девор бўйлаб, Онахон турадиган муёшни мўлжаллаб, тезлаб юрди. Шу пайт бир эшик наридаги ҳовлидан қаттиқ шовқин-сурон эшитилди. Хотин киши чинқироқ овози блан ҳовлини бошига кўтарар, мулойим эркак овози эса ора-чора эшитилар, лекин шовқин-суроннинг тобора авж олишига, ўтга ёғ томгандай, афтидан, шу овоз сабаб бўлмоқда эди. Кейинроқ бу шовқинга бир кексанинг зорланиб ёлворган овози ва чақалоқнинг аччиқ йиғиси ҳам қўшилди.

— Шўро ҳукуматига қаршимисиз?! — деди ҳалиги мулойим овоз.— Қарши бўлсангиз, боринг, айтинг, қаршиман денг!

Бу гапдан кейин хотин кишининг чинқироқ овози тинди. Ёлвораётган чол овози ўзгарди:

— Фуқаронинг ихтиёри блан бўлаётган иш! Қанчага келишган бўлсак шунча бердик. Ҳаркимнинг қурби бори-ча, болам, ҳукуматни ўртага солма.

— Мен ҳукуматнинг амридан четга чиқолмайман. Қарши бўлсангиз, боринг, айтинг, қаршиман денг! — такрорлади ҳалиги мулойим овоз.

Жўраҳон уёғини эшитолмади. Эшитганига ҳам аниқ тушунмади. Унинг фикри-ёди ҳамон тут тагида ўтирган онада эди. Тезлаб юришда давом этди.

Ҳалиги ҳовлидан ўтиши блан рўпарадаги эшикдан чарм портфель кўтарган озғингина бир одам чиқиб келди. У кўк мовутдан галифе шим, сариғ этик кийган, бошида қизил бахмал дўппи, ияги ва боши арчилган тухумдай сипсиллиқ қилиб қирдирилган. Йўрғалаб келиб қўл бермаганида Жўраҳон уни мутлақо танимай ўтар экан.

— Айёмлари муборак! Қадамларига ҳасанот, хуш

келибдилар, хоним!— деди у тилла тишларини ялтиратиб, бир қўлини кўксига босиб эгилиб кўришаркан.

— Сизмидингиз? — деб сўради Жўраҳон жанжал бўлган ҳовли томонни боши блан кўрсатиб.

— Ҳа, илми-урфон, ма'рифат йўлида, хоним. Жон чекмасак бўлмас экан. Уфф... қийин, жуда қийин, хоним. Каминангиз бир ўзимман, қийинчиликларнинг қурбониман, хоним, ҳа қурбонман.

Унинг узунчоқ, ориқ юзи бурнишиб, жуда аянч ҳолга келди, кўзидан ростакам ёш чиқиб кетишига сал қолди, ўткир қиррали узун бурнини жийриб «уф» деганида бу одам чиндан ҳам азоб ва қийинчиликлар тагида қолиб кетган экан деб ўйлаш мумкин эди.

Салимхўжа Наимий шаҳар билим юртининг муаллими эди. Жўраҳон уни яқиндагина, хотин-қизлар клубининг мудирлигидан шаҳар партия комитетининг хотин-қизлар бўлимига ишга кўтарилганидан кейингина таниди. Жўраҳон «женотдел» бўлганидан кейин ҳам асосий ишини хотин-қизлар клубида олиб борди. Аввало буерда савод чиқариш курслари очиш, бу курсларга муаллимлар топиш иши блан шуғулланди. Ана шунда у эски муаллим, ма'рифатпарвар зиёли — Наимийга дуч келди.

Наимийнинг хотин-қизлар клубида чаласаводлар курсини қўлга олганига икки ҳафтадан ошган эди.

— Нима гап ўзи, нима бўлаяпти бу ҳовлида?

— О-о, жиддий тадбир, хоним, жиддий инқилобий тадбир! Шаҳар шу'баси раҳбарлигида маориф ойлиги ўтказмоқдамиз, Найманчада ибтидоий та'лим мактаби очиш учун фуқаро ўз ташаббуси блан сармоя жамғармоқда,— Наимийнинг яна чиройи бузилди, бурни жийрилди.— Уфф... каминангиз бир ўзимман, хоним. Сиздаги дарсларим — уммондан қатрадир. Билим юртида ҳам танҳоман, мана, тагин бу машаққат... Ҳа, жон чекмасак бўлмайди, ўзлари қалайлар, сизга ҳам ачинаман, оғир, оғир... Маданий инқилоб! Ҳазил иш қилаётганимиз йўқ. Лекин ҳамон сиз блан биз. Ҳа, сиз ва мен! Майли, жон чекмасак бўлмас экан, тарих номимизни тилга олиб қолар, тарих...

— Ўртоқ Наимий, сиз... эртага шаҳар комитетига бир киринг-а. Биз маориф шу'басидан ҳам одам чақирамиз. «Фуқаронинг ташаббуси» ҳақида гаплашамиз, хўпми?— Жўраҳон жиддий туриб қўл берди, йўлига шошди.

— Хўп бош устига, хон... ўртоқ Жўраҳон, бош устига. Мададу дастурларига бағоят муҳтожмиз... :

Жўраҳон Наимийнинг гапини тугал эшитмай жўнаб кетди. Наимийнинг гапи оғзида, қўли кўкракдалигича қолди. У бошига тўқмоқ тушган одамдай гангиб бир жойда анчагача турди. Жўраҳон муюшга қайрилгандагина, портфели қўлтигидан тушиб кетаётганини пайқаб ўзига келди.

Жўраҳонни бу гал, шўх қизчалар эмас, Онахон ўзи кутиб олди. У шу қадар хурсанд эдики, ҳатто, Жўраҳоннинг назарида, шу топда ўзига ҳам ўхшамас, яшариб, чиройли бўлиб кетган эди.

— Меҳмоним бор, Жўраҳон опа, суюнчи берсангиз кўрсатаман, бўлмаса йўқ.

— Шунақами?— деди Жўраҳон ва ўйлаб меҳмоннинг ким эканлигини сра топаолмаслигини пайқагандан кейин, сумкачасидан битта конфет олиб Онахонга тутқазди.

— Мана суюнчи.

Иккаласи ёш қизлардай шундай қаҳ-қаҳ отиб кулишдики, ичкарида ўтирган меҳмон — Софья Борисовна лапанглаганича айвонга чиқиб келди.

— Вой ўлай, тушманг, тушманг, Софья!— деди Жўраҳон у томон югуриб ва айвон зинасидан чаққонлик блан чиқиб унинг ёнига борди.

Софья Борисовна у блан қулоч ёзиб ўзбекчасига кўришди.

— Эсонмисиз, омонмисиз...?

Иўлда терлаб келган Жўраҳоннинг кўксига Софьянинг лўппи гавдаси оловдек иссиқ тегди.

— Табриклайман, жонгинам, олов сочиб турибсиз, кўз тегмасин,— деди Жўраҳон четроқдан унинг катта қорнига қараб.— Она, она! — деди севиниб ва яна бориб Софьянинг доғ босган оқиш-қизил юзларидан ўпиб олди. Кейин, четроқда бу ширин учрашувдан роҳат қилиб жилмайиб турган Онахонга ҳўмрайди.— Ҳай, Онахон айланай, шундай паллада ўзинг бориб хабар олмай, дугонангни шунча юки блан лўкилллатибсан-да.

— Йўқ, Жўраҳон, мен ўзим,— деди Софья,— Башорат довучча сайилга айтиб келган эди.

Хотинлар кулишди, мезбон негадир уялиб хонтахта устида сочилиб ётган довуччаларни йиғиштириб олди. Тахмондан якандоз блан иккита ёстиқ олиб хонтахта ёнига тўшади, дастурхон ёзди.

— Кўйлагингиз кўзимга бирам иссиқ кўриндики, Жўраҳон,— деди Софья Борисовна дастурхон ёнига ўтиргандан кейин.

— Кўйлагимми ё ўзимми?— деди Жўрахон кулиб.

— Йўқ, кўйлагингиз.— Софья кўйлакнинг кенг енгини ушлади, кўзига яқин келтириб тикилди. Кейин ўйчанроқ гапирди.— Мен худди шундай чит тўқир эдим. Дарров танидим.

— Иваново-Вознесенскда-я?

— Худди шуни ўзингиз тўқиган бўлсангиз-а, ўртоқ? — деди Онахон ликопчада қулупнай қўяркан.

— Йўғ-э, унчалик бўлмасу, лекин ҳарҳолда худди шунақасини тўқир эдим. Сиз блан кўришганимда этим жимирлаб кетди, фабрикамизни соғиниб қолибман.— У ёнмаён ўтирган Жўрахоннинг кифтига бошини кўйиб, кўйлак енгини юзига босди.

— Мен буни бир дўкондордан сотиб олдим,— деди Жўрахон Софьянинг бошига қўлни кўйиб.

— Қимматми?

— Жуда қиммат.

Хотинлар жим қолишди.

— Қиммат,— леди яна Жўрахон,— узоқ йўл босиб келади. Қўлдан қўлга ўтади. Аввало савдогарнинг қўлига тушади. Шундай қилиб...

— Чит шуернинг ўзида мўл-кўл тўқилабошламагунча...

— Ҳа, шуернинг ўзида тўқилабошлаши керак. Бу бўлади. Албатта бўлади. Бунинг учун тўқучи хотинлар керак.

Онахон дастурхонни тузаб бўлиб, ўзи ҳам келиб ўтирди.

— Биз жуда озчиликмиз. Бунинг устига бўздан бошқани тўқишни билмаймиз,— деди у.

— Бўлади. Кўпчилик бўлади. Бўздан бошқасини ҳам тўқишни ўрганамиз. Бирдан эмас, аста-секин, унгача ҳали жуда кўп, жуда оғир ишларимиз бор. Шунинг учун, Софья жоним, соғинсангиз ҳам...

— Биладан. Биз Ефим блан келишдик. Мен шуерда қоламан.

— Раҳмат,— Жўрахон унинг мовий кўзларига қаради,— раҳмат жонгинам, сиз уерда оддий бир тўқучисиз, буерда бўлса...

— Аввал эсон-омон қутилиб олинг, ўртоқжон. Кейин... Қани еб-ичиб ўтиринглар. Софья, сиз мана бундан олинг, нордонгина.

— Яна довуччами?— деди Жўрахон кулиб.

— Йўғ-э, шўрва. Рост, довучча ҳам солганман. Ўртоғимга атайлаб қилдим.

— Шуни кутиб ўтирган эдим-да, Жўрахон, яхшиям кутган эканман, бўлмаса сизни кўролмай кетар эдим,—Софья нордон шўрвани пишиллаб-пишиллаб, кула-кула ичди.

Жўрахон чойнакни ўз ёнига олиб фақат чой ичди. Анча жимликдан кейин, Онахондан устахонадаги аҳволни сўраб қолди.

— Бўзчи хотинларнинг ҳаммасида безовта ташвиш, нотинч ўйлар,— деб гап бошлади Онахон.— Ҳамма аллақандай бир воқияни кутаяпти. Дам қарасанг, дарров бир жойга тўпланиб қолишади, пичир-пичир... Қилтириқмахсум ўтса, орқасидан хавфсираб қараб қўйишади. Ба'зилари хурсанд, жуда хушчақчақ, ба'зилари бадқовоқ бўлиб қолди, бирнимани ўйлашгани-ўйлашган. Рузвон холани биласизлар, мингта эркак бўлса ҳам артельга бориб ишлайман, Қилтириқмахсумнинг башарасини кўрмасам бас, дейди. Анзират деганимиз бор, ўзи тузук кампиру, лекин... кўпчилигимизга гаплари ёқмайди. Насиҳатгўй, ўтакетган меҳрибон, ҳаммага ҳам меҳрибон... Артель ҳақида гап бошласак, ўртага чиқиб туриб олади: «Ҳой, жонгиналарим, гапларингнинг таги қалтис. Гуноҳга ботасизлар» дейди. Ношукур эмишимиз, хўжайиннинг ҳурматини бажо келтиришимиз фарз эмиш, ош-нон бериб бошимизни силаган эмиш... Рузвон хола унга бир кун қаттиқ гапириб қўйди: нари тур, бизга аралашма, деди, гуноҳдан қўрқсанг биздан эҳтиёт бўл, деди. Бир кун, устахонага хўжайиннинг ўзи келар эмиш, деб эшитдик. Дўконхонадагилар кўпчилиги бунга унча э'tибор бермасдан, индамай ўз ишини қилаверди. Анзират бўлса типирчилаб қолди: «Ҳай, жонгиналарим, чеҳраларингни очиброқ ўтиринглар, бировга кек сақлаш гуноҳ. Бир вақтлар зулм қилса қилгандир, ўтган ишга салавот, мана энди ўзимизнинг ҳукумат ҳам унинг ҳурматини жойига қўйипти. Оталик қилиб, аҳволимиздан хабар олгани ойдеккина бўлиб ўзи келсаю, биз қовоқ солиб ўтирсак...» Анзират, Назокат, яна бирнечалари ўша кун хўжайинни кутиб олишди. Биз бўлсак дўконимиздан бош кўтармадик... Шунақа. Хотинлар иккига бўлиниб қолди. Лекин эртаги-индин артель очилақолса ярми-миз устахонани шартта ташлаб кетамиз. Рузвон хола ҳам шундай деяпти, бизни Қудратиллахўжабой бўшатмас, уни ўзимиз бўшатиб қўямиз, дейди.

Жўрахон блан Софья енгил кулиб қўйишди, лекин Жўрахон яна дарров жиддий бўлди.

— Артель очамиз, албатта очамиз,— деди у, кейин Софьяга қаради,— клубимиз ҳозир фақат шу блан шуғулланаяпти. Бутун умидимиз Найманчада, артельда ишни Найманчанинг бўзчи хотинлари бошлаб бериши керак.

— Жуда озчиликмиз,— деди Онахон ерга қараб.

— Ҳа, озчиликмиз. Шунинг учун қаттиқ ишлашимиз керак. Ҳали ишимиз кўп, ишимиз оғир... Мингларни уйғотишимиз, орқамиздан эргаштиришимиз керак. Биз буни қилаоламиз, чунки... ёруғлик биз томонда, синглим, ёруғлик ғафлатни қувлайди, ҳамма ёруғликка интилади. Ёруғлик ўрганмаган кўзни қамаштириб қўйиши бор, лекин кўз аста-секин ўрганади, кейин ҳамма нарса равшан кўринабошлайди. Ҳа, бирдан эмас, аста-секин. Аммо ишни кенгроқ, чуқурроқ олишимиз керак. Бу чидам блан узоқ вақт қилинадиган иш, оғир иш...

Жўраҳон гузарда, чойхона ёнида кўрган йўловчи ва унинг хотини ҳақида сўзлаб берди. Тут тагида ўтирган бахти қора она, унинг хўрланган инсонлик қадри ҳақида шундай ҳаяжон блан сўзладики, Софьянинг кўзларига ёш келди. Жўраҳон давом этди:

— Биз бу заиф оналарга яқинлашишимиз, хонадонларга, оилаларга кириб боришимиз керак. Уларга ҳақиқатни сўзлаб беришимиз керак.

— Кўпи тушунмайди,— деди Онахон секин.

— Тушуниб қолади. Ақли етмаса, юраги блан. Бизнинг хотин-қиз зотининг юраги жуда ажойиб, пок, сезгир бўлади, шуни биласизларми? Биз ана шу юракка, унинг поклигига ишонишимиз, қаттиқ ишонишимиз керак.

Онахон чеҳраси очилиб, Жўраҳоннинг кўзларига тикилди.

— Тўғри, опа, жуда тўғри! Мен қўни-қўшни дугоналарим блан тез-тез гаплашиб тураман, биз бир-биримизга кўнглимизни ёрамиз... мен уларни яхши кўраман, жуда яхши кўраман, ҳатто Анзират кампирни ҳам. Уларга бир нарса дейиш, бир нарсани тушунтириш керак, билиб турибман, лекин энг ўтқир, энг керакли гапларни тополмайман... Жамики хотин зотини бирга тўпласаму, бир кишидай рўпарамга шундай ўтқазиб қўйиб, юрагимдагини шундоққина айтиб солақолсам! Нима дейишимни, қандай сўзлар блан айтишимни билмайман-да...

— Менинг назаримда, унга шундай дейиш керак,— деди бу гаплардан та'сирланиб кетган Софья Борисовна. У кўзларини рўпарадаги бир нуқтага тикиб бирпас ўйла-

ди-да, юрак сўзини ўз она тилида, русчалаб бошлади:— Сен, ўртоқжон, неча минг йиллик умринг давомида доим итоатда, юрагингда улуғ алам блан яшадинг. Шариатнинг, урф-одатнинг занжирлари блан чамбарчас боғланиб ташланган сен нотавонга қул деб, буюм деб, манфур қизғонч ва нафрат ҳисси блан қарадилар. Ҳаётни сен яратдинг, сени ундан маҳрум этдилар. Қалбингни заҳарладилар, севгидан, ёруғликдан маҳрум этдилар, таҳқирладилар, танларингни мўматалоқ қилдилар, фар'ёд кўтаргинг келганда, ҳуқуқсиз эканлигингни эслаб фар'ёдингни ичингга ютдинг, қўрқдинг, ўзингинг инсон эканлигингни унутишга мажбур бўлдинг. Аслида... Сен олий инсонсан, азиз онасан, сенинг ҳаётга меҳр-муҳаббат блан тўла пок қалбинг бор, бу қалб алам-изтироб блангина эмас, туганмас ҳаёт чашмасидай улуғ бахт орзуси блан яшайди. Сенинг қуёшга тикка қарагинг, қаҳ-қаҳ уриб кулгинг, ишлагинг, эркин парвоз қилгинг келади. Шундай эмасми? Шундай! Нимадан ҳайиқасан? Кўтар бошингни, ёз қанотингни! Шундай ҳаёт туғилдики, у сенсиз яшнаёлмайди, сен унинг қудратли кучисан. Кураш, сев, ҳақингни тани, яхши одамлар блан қўлмақўл ушлаш, уларга ишон, улар ҳам сенга ишонадилар. Энди сенинг орқа қиладиган таянчинг, буюк ҳимо-ячинг бор! Совет ҳукумати бор! Кел, қўлингни бер, ўртоқжон!

Софья ҳамма гапани Онахоннинг кўзларига қараб гапирди, гапга берилиб бошқа ҳамма нарсани унутган, бу гапларнинг ўзига айтилаётганига мутлақо ишонган Онахон «қўлингни бер»! деганда қўлини узатди. Улар қўл ушлашган ҳолда, ҳаяжонда ўринларидан турдилар. Онахон дугонасининг баланд, юмшоқ кўкрагига бошини қўйиб, унинг юрак тепишини тинглагандай, тинч қолди, қора кўзлари намланиб йилтиллади.

— Шундай... шундай, ўртоқжон,— деди у шивирлаб,— ҳаммаси бор юрагимда, шу гапларнинг ҳаммаси бор.

Жўраҳон ўрнидан туриб уларга яқин келди, икковининг ҳам билагидан ушлади. Икковининг ҳам юзидан ўпди.

— Юрагингда бўлса бас, Онахон синглим, тилингга ҳам келади. Найманчада ишончимиз сен. Ҳа, сен. Бу сўзни шўро ҳукумати номидан айтаман: ҳечқимдан, ҳечнарсадан қўрқма. Ҳаёт учун, мингларнинг ёрқин йўли учун курашиш жуда шарафли иш!

Бу вақт кўчадан шовқин-сурон блан чопқиллаб қизчалар кирди. Улар аввал иккаласи ҳам Софья Борисовнанинг қучоғига отилдилар, кейин тортиниброқ, одоб блан Жўраҳонга елкаларини тутдилар. Жўраҳон Турсун-ойни бағрига тортди.

— Вой, бўйи қурмагур чўзилиб қопти,— деди Онахон,— қўйинг, кўйлагингизни ғижим қнлади.

Қизлар Жўраҳоннинг кўйлагини ҳавас блан тамоша қилдилар. Башорат ғижимини тузатиш баҳонаси блан қўл тегизиб ҳам кўрди.

— Шунақа экан-да, Верочка,— деди Софья Борисовна та'на блан,— меҳмонга чақириб қўйиб ўзинг йўқ.

— Вой ўлай, Софья опа, уришмайсиз-да,— деди Башорат ва ялт этиб ҳовлига қаради,— довучча териб тушайми, ҳозир?

У ўрикка қараб чопмоқчи эди, тўхтатишди.

— Софья, опангнинг тишлари қамашиб кетди-ку,— деди Жўраҳон кулиб. Қизларга конфет берди.

— Рўмолчага тугиб бераман, олиб кетасиз!— деди Башорат, чопқиллаб чиқиб кетди, Турсун-ой ҳам эргашди.

Меҳмонлар отланабошлашди.

— Мен шу қизчаларни деб келган эдим,— деди Софья Борисовна зинадан тушаётиб,— «маориф ойлиги»нинг аҳволи блан танишдим.

Жўраҳон кўчада учратган Наимийни эслади.

— Жуда яхши. Менда ҳам гап бор, йўлда гаплашиб кетамиз, кеч кириб қолипти,— деди у. Кейин Онахонга қаради:— Клубга борганда Башоратни етаклаб бор, синглим. Найманчада мактаб очилишига ҳали анча бор шекилли. Бу ишни поққос унутиб қўйибмиз.

Башорат Софья опасига рўмолчада довучча олиб келиб берди. Онахон ва унинг қизлари меҳмонларни дарвоза тагига чиқиб кузатиб қолдилар.

Ичкарига киргандан кейин Башорат онасидан сўради:

— Ойи, Вакила аям артельни гапирдиларми?

— Жўраҳон аянгми? Нима эди?

— Артельга боринг, ойи. Жон ойи, боринг...

Ташқарида, ариқ бўйида Турсун-ойнинг чиройли, қўнғироқ овози эшитилди, у кўккўйлакчиларда ўрганган янги ашуласини айтарди. Она айвон стунини ушлаганича чуқур ўйга толди.

Бешинчи боб

Бугун Қудратиллахўжабойнинг хонадонида ҳамма нарса бесаранжом. Баҳаво боғнинг ичкарисидаги ҳовуз бўйида бойнинг эрталаб қимиз ичадиган баланд сўриси-га жой ҳам солинмади. Кўзлари бадтар қизариб кетган Қилтириқмахсум эс-ҳушини йўқотгандек жилонглаб, ичкари ҳовли блан ташқари ҳовли ўртасида йўрғаламоқда, бир қарасанг, қучоғида атлас кўрпа блан парёстик, бир қарасанг, елкасида узун супургию қўлида таҳоратқумғон. Меҳмонхонага ҳар кирганида қўлини кўксига қўйиб «ассало» дейдию, ковушини ҳаникка ечиб, ё ликопча блан шоко-сани кўтариб, ё нимани олишини билмай қуруқ айланиб чиқиб кетади. Меҳмонхонада эса, энг бурчакда дуроя кўрпача устида қанор қопдай бўлиб ўтирган Матқовул дўкондордан бўлак ҳечким йўқ. У чўяндан қуюлгандек, қимир этмайди, Махсумнинг «ассало»си қулоғига ҳам кирмайди, пўстак сингари сержун қоши кўзини босиб тушган. Қалта оёқларини буклаб, қорнини сонлари устига бемалол ташлаб қўйган, қўлида ўша сариқ рўмол.

Шу одам бугун эрталаб Қилтириқмахсумнинг жонига аро кирди.

Махсум саҳарда, осмондан тушгандек, ҳовлида пайдо бўлиб, ариқ бўйида сарпойчанг турган бойнинг оёғига йиқилди.

— Тақсир... тақсир...

Унинг томоғи қақраб, кўзларининг жияги чиқиб кетган эди, билдираб қолди. Бой унинг гапидан қақшатғич шумхабарни англади: шу бугун Совет ҳукуматининг дон ва газлама нархини пасайтириш ҳақидаги қарори э'лон қилинган эди...

Қудратиллахўжанефмон кўзи тиниб, бўғинлари титради, худди қоронғи бўшлиққа — ер қа'рига чўкиб кетаётгандай бўлди. Бу туш эмас эди, ана Махсум унинг қаршисида тиз чўкканича, ниманидир ҳамон гапираяпти. «Бас! Бидиллама, бундан ортиқ яна нимани ҳам айтардинг!» деб ўйлади бой. Махсум унга шу топда тунда рўпарасидан чиқиб қолган даҳшатли бир маҳлуқдай, алвастидай бўлиб кўринди. Бой унинг башарасига қараб шартта туфлади-да, гандираклаб уйга кириб кетди.

Қилтириқмахсум жуда азоб чекди, анчагача ўзига жой тополмай юрди. Юзига чапланган туфукдан эмас, албатта. Хўжайиннинг титраб-қақшаганидан, шумхабар-

ни айтиб уни талвасага солиб қўйганидан азоб чекди. Хўжайинни бу ҳолда кўриш унга ҳарқандай ҳақоратдан ҳам оғир эди. Шукурки, шу пайт Матқовул дўкондор кириб келди. Ҳарҳолда — меҳмон, гаплашади, ҳасратлашади, зора хўжайиннинг кўнгли бироз ёзилса.

Махсум енгил тортдию ўзини рўзғор ишига урди.

— Эшитдингизми тақсир..— деди Матқовул дўкондор қалин лабларини зўрға қимирлатиб.

Шундан бўлак ҳеч гап гапирмади, меҳмонхонага кирдию ўтирди. Шу ўтирганича ҳали бугун оғзидан бир сўз чиққани йўқ.

Матқовул гап билмас, фақат иш билар эди. Санаб турсангиз кунига ё беш, ё олти оғиз гап гапирса керак, гапирганда ҳам ҳамма биладиган, шак-шубҳасиз тўғри бир гапни худди янги кашф этилган ажойиб бир ҳикматдай қилиб айтар ва шундан кейин яна соатлаб жим ўтираберар эди.

Қудратиллахўжа сурра чопснини елкасига ташлаб, меҳмон ёнига кириб ўтирди. Бу элликларга яқинлашиб қолган, кичкинагина, қуюқ қора соқолли, новча ориқ одам эди. Ўзи қотма, серсуяк бўлса ҳам, қатлам-қатлам пешонаси ва айниқса бурни жуда гўштдор; бир қарашда юзи фақат шу катта бурундан иборат бўлиб кўринар эди. Букурроқдан келган бу сергўшт бурун унга салобат ва ўзига яраша ҳусн бағишлаб турарди.

Улар жуда узоқ жим ўтирдилар. Ярим соатлардан кейин Матқовул қимирлаб қўйди:

— Қарор чиқди — энди газлама арзон бўлади.

Қудратиллахўжа бурнини жийриб, бу ёнбошига ағдарилиб тескари қараб ўтирди. Матқовулнинг ярим соат ўйлаб айтган бу гапи унга: «Яхши нарса яхши бўлади, ёмон нарса ёмон бўлади» дегандай бир гап эди. Унга ҳозир шу гап керакми? Юрагида зардоб тўлиб ётибдию...

Яна жимлик. Эринчоқ тарғил мушук секин хириллаб келиб, олдинги оёқларини Қудратиллахўжа ёнбошлаган болишга қўйди-да, роса чўзилиб керишди. Тирноқлари таранг болиш жилдини қитир-қитир таталади. Шунда боғ уни узун панжалари блан қоқ белидан ушлаб, болишдан шартта узди-да, жаҳл блан деразадан отиб юборди. Мушук Матқовулнинг худди қулоғи тагидан чархпалак бўлиб ўтиб кетди. Чўчиган Матқовулнинг тили гапга келди:

— Тақсир, мушукни ҳайдаб юбордилар шекилли-а...

Бесўнақай битган картошкадай калтабақай бармоқларини яқтак ёқасига олиб бориб, сержун кўкрагига

пуфлаб қўйди, пуфлаганйда бир-бирига ёпишиб қолай деган қалин лаблари пуффақдай ёрилди. Шу блан яна жимлик бошланди. Қудратиллахўжа назарида, бу жимлик унинг вужудида қаеринидир шафқатсиз кемирар, аслида жимлик эмас, аллақандай шум ғалаён, ён-вериди, аллақаердадир худди бир қозон заҳар вақирлаб қайнар эди. Унинг қўланса ҳиди, иссиқ буғи Қудратиллахўжани бўғаяпти, мана ҳозир у пақ этиб ёрилади...

Йўқ, ташқарида эшик очилди, этик гарчи эшитилди. Айвонда сариқ этик, кўк мовутдан галифе шим, оқшойи кўйлак устидан ёнга осилган йилтироқ белбоғ попуғи кўринди.

— Айёмлари муб...

Наимий Қудратиллахўжанинг авзойини кўриб кўзига ҳасратли назар блан қаради:

— Эшитдингизми, тақсир?

— Эшитдим, афандим.— Бой унинг силлиқ дазмолланган нафис кўйлагига қаради.— Энди Масковдан келган мана мундоқ шойларни арзон-арзон киясиз... қани ўтинг.

Наимий бойнинг бутун ҳасратига ўзини айбдор деб сезгандай, шу ёпишмаган пичингни ҳам ўзига сингдирди, индамай тўрга чиқиб ўтирди.

Бу пайт ташқарида хушчақчақ овоз эшитилди. Ўтирганлар овозни танидилар, бу — чорбозорда машҳур Муҳаммадсаид деган одам бўлиб, халқ уни «Афғончойфуруш» деб атади. Савдо аҳли уни шарқнинг ҳамма мамлакатларини кезган, саёҳат ва тижоратда сочи оқарган машҳур савдогар деб танир эди. Ўзи ё афғонистонлик ё ҳиндистонлик мусулмон бўлиб, бирнеча йил аввал эски шаҳарда кичкинагина чой дўкони очиб шуерда муқим туриб қолган, узоқ мамлакатлардан қадоқчой, тахтачой келтириб сотар эди. Савдосининг унча баракаси йўқ, ўзи ҳам бунга унча эътибор бермас, фойда масаласига бепарволиги блан жамики савдо аҳлини ҳайратда қолдирарди, «менга тижоратдан ҳам зиёрати афзал, табиатим шунақа» дер эди у. Лекин, энг даромадсиз савдогарлардан бўлса ҳам машҳур ҳисобланар эди, чунки шарқнинг катта-катта савдо шаҳарларида, узоқ карвон йўлларида кўрган-билганларини гапириб бераверса, худди жаннатни кўз олдингизга келтириб қўяқоларди.

Афғончойфуруш хушчақчақ эди. «Эшитмаган экан-да, ҳозир хафа бўлади бу бечора мусофир ҳам» деб ўйлади Қудратиллахўжа. Лекин, шумхабарни айтиши блан, Аф-

гончойфуруш баттар қаҳқаҳлаб кулиб юборди. У аллақачон эшитган экан. «Нимасига хафа бўлади, муштумдай дўкони бор-да» деб ўйлади Қудратиллахўжа. Ичкарига таклиф қилди. Қудратиллахўжа бу ўтирганлар ичида савдода бетайинроқ бўлса ҳам шуни яхши кўрарди. Доно. Бундан бир маслаҳат чиқади. Кўпни кўрган, чайир одам.

— Ассало... — Қилтириқмахсум чаққонгина юшоқ маҳси кийган заифона оёқлари блан ўртага йўргалаб кириб, қалин, оғир ипак дастурхонни гиламдай юмалатиб чиқиб кетди. У худди шу бугун меҳмонлар келиб, хўжайиннинг қўнглини олганидан, айниқса мана бу, азада ҳам куладиган аҳмоқ афғоннинг келганидан ич-ичидан қувонар эди.

Лекин Афғончойфуруш ҳам жим бўлиб қолди. Унинг азалдан кулга ўхшаш нурсиз юзи бадтар қорайиб кетгандай кўринди. Бу жонсиз, кулранг қоралик офтоб ёки шамол егандан эмас, худди вужудидан, ичидан қалқиб чиқиб турар эди. Қудратиллахўжа унга қараб, ҳали кулганларига ишонмай қўйди, «кулги эмас, заҳарханда экан, бунинг ҳам ичини мушук таталаяпти» деб ўйлади.

Махсум ясатиғлиқ гардин патнис кўтариб кирди, ҳамманинг олдига шокосаларда ширчой қўйди.

Овқатни фақат Афғончойфуруш еди, Матқовул қизариб йилтиллаб турган седанали ноннинг катта бир бўлагини синдириб оғзига солди-да, суҳбат охиригача шуни ковшади.

Афғончойфуруш қорнини тўйғазиб бўлиб, дарров оёқларини чўзди, тиззаларини уқалаб гапга тушди. У ҳозир ҳамманинг калласини говлатган шум хабарни ё ҳеч ўйламаяпти, ёки, бу гапнинг менга сра дахли йўқ, деб кўрсатмоқчи, у одатдаги ҳикояларини бошлади. Машҳад қолмади, Кашмир қолмади, Калкутта савдогарларининг олифталигию, Қашқар, Бағдод расталарининг урф-одатлари... Кейин Бўмбайдаги бир таниш дўкондорининг қандай қилиб Лондонга борганини эрмак қилиб гапириб берди. Ўзи гапирди — ўзи кулди.

Бу гаплар ҳечкимнинг қулоғига кирмас эди. Буни Афғончойфуруш жуда яхши сезиб турипти. У Қудратиллахўжабойнинг қути учган юзига қаради.

— Тутунингиз чиқаяпти, бой, биламан,— деди кулиб.

Бу аччиқ кулгидан бойнинг ичи туюқиб кетганини Наимий сизди. У томон қайрилиб ўтирди, тасалли берадиган бир гап топмоқчи бўлди.

—Мана, тақсир ҳали каминанинг кўйлагини гапирдилар, бизга жаҳли беадад қилдилар. Масковдан карвон-карвон нафис газламалар оқиб келаётган бўлса, каминангиз унинг йўлига чиқиб кўксим блан тўсайми? Тўс десангиз, босиб кетсин, мажоқлан десангиз—тўсаман, майли. Лекин бунинг сизга наф'и тегармикан?! Айб ўзларида, тақсир.

— Кимда?

— Ўзингизда. Миллатнинг сиздай э'тиборли зотларида айб. Иккита тароқ-туруқ ёғоч дўконхонани деб, Найманчадан чиқмай ивирсиб ётдингиз. Ана энди кўринг, дўконларингизда той-той бўзингиз пўпанак босиб ётаверади. Мана шу менинг устимдаги шойини сиз чиқаришингиз лозим эди.

— Эндими? — деди Афғончойфуруш.

Афғидан у сўзга аралашмоқчи эмас эди. Жуда аччиқ танбиҳнинг бир учи бўлган бу савол унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди. Унинг юзи Наимийга қараб: «аҳмоқ, бекфаросат, нодон» деб турар эди.

— Ҳа «энди» нима бўпти?— деди бу қарашни фаҳмламаган Наимий.

— «Совет Туркистони» деганни эшитмаганга ўхшайсиз, афандим,— деди бой.

Наимий қўл силтади:

— Вивеска! Гап!

Афғончойфуруш яна унга қаради: «нодон, бекфаросат». Гапирмоқчи эмас эди, ўзини тиёлмади:

— Газетада ёзиладиган бегуноҳ гапларни гапираяпсиз, афандим. Буер эса...— унинг бу гапни гапириш ўринсиз деб билгани сезилиб турарди.

Қудратиллахўжа унинг гапи Наимийишикидан чуқурроқ эканини билиб турардию, ма'носига етолмас эди.

— Баҳарҳол,— деди Наимий юмшоқ, юпатучи оҳангга ўтиб,— бой, миллат вужуди ичра жонсиз, жоннинг чиқиши эса осон эмас. Руҳингизни туширманг.

— Э, қўйинг, афандим, шу гап блан ўн йилдан бери қулоқ-миямни ейсиз. Миллати қолдимиз шу топда! Ўрисидан ҳам мусулмони хавфли бўлиб турипти. Мана, биттаси Собир мастеровойнинг бевасими...

Афғончойфуруш индамай ўтириб-ўтириб, кутилмаганда сўраб қолди:

— Бу, ҳалиги Онахонми?

— Ҳа,— деди Қудратиллахўжабой унинг бундан хабардор эканига ҳайратда қолиб.

Қудратиллахўжабой ўзининг «миллат» ҳақидаги гапни Афғончойфуруш ичидан алам блан ма'қуллаганини ҳам сезди. Лекин Афғончойфуруш бу ҳақдаги гапдан кейин бир қалқиб тушдию, индамади. Қайтага, бойни мазак қилиб, нуқул унинг газабини оширишга уриниб ўтирди. Гап ма'қул бўлса у кулар, ҳазил-мазак гап ташлар эди, буни Қудратиллахўжабой пайқаб қолди.

— Газетхон экансиз, афандим, қойилмиз,— деди Афғончойфуруш Наимийга қараб,— ҳалиги гапдон рус оп-портунистларининг насиҳатини ҳам айтиб қўйинг бойга: «бойийверинг, бой, коммунист бўласиз!» денг,— Афғончойфуруш ўз гапига ўзи қиҳ-қиҳ кулди, кулгиси йўталга улашиб кетди, бармоғи блан Наимийни кўрсатиб яна бир нарса демоқчи эди, яна кулгиси қистаб, йўтали тутди. У кулги аралаш узоқ йўталди.

Унинг гапни нимага бураётганини Наимий ҳам, бой ҳам тушуниб етмади, бойнинг жаҳли чиқди.

— Сиз-чи, биродар Муҳаммадсаид, шўро қарорининг сизга даҳли йўқ деб ўйлайсизми? Синасиз, пачоқ бўласиз!

Афғончойфуруш ҳамон куларди:

— Менга даҳли йўқ. Менинг мамлакатимда ҳали ахлоқ бор. Уерда ахлоқсизни газетага ёзиб, ташвиқ қилиб (бармоғи блан Наимийни кўрсатди) овора бўлмайдилар, тўппа-тўғри бўғзига пичоқ соладилар. Ҳа, шунинг учун ахлоқ мустаҳкам. Сизларда бўлса... Мана, афандим, сизнинг фаолиятингизни «гап» деса бўлади. Замона қонсираб туриптию, сиз, оймчаларга ўхшаб, ҳамон жонпарварлик қиласиз. Биров бўғзингизга пичоқ тақаса ҳам, сиз: «бироз нотўғрироқ иш қиляпсиз, биродар» деб, қутилмоқчи бўласиз. Хотин киши қутингизни учириб ўтириптию. Онахон! Хоҳ! Даҳшатни қаранг-а! Қиҳ-қиҳ-қиҳ...

У яна кула-кула йўталди, йўтала-йўтала кулди. Кулдай юзидан тундай қоронғилик қалқиб чиқмоқда эди, кулгиси кулги эмас, ичидаги заҳарнинг хуружи эди. Бой буни пайқаб турипти, лекин гапига тушуниб етмаганига алам қиларди.

— Гапнинг заҳрини ичингизга ютиб нима қиласиз, Муҳаммадсаид? Энди очиқ гапираверинг, пайти келди,— деди у.

— Сизга пайти энди келдими?— деди Афғончойфуруш бу сафар кулмай.— Мен сизга беш йил аввал айтмаганмидим?! Мени шўро ҳукумати қўллаяпти деб учманг, пулингизга ёғоч дастоҳ олгандан кўра... Ҳа эсингизга

тушдими шу гапим? Ушанда курк товуқ деганимда жаҳлингиз чиққан эди, ана энди курк товуқлигингизни билдингизми?

Қудратиллахўжа юзига совуқ сув сепилгандек кўзларини пирпиратиб, орқароққа сурилиб ўгирди. Афғончойфуруш давом этди:

— Беш йил ўгириб жўжани очдингиз — ана устахона, ана ихтисосли бўзчилар — бу жўжаларни сиз очдингиз. Энди большевик хўжайинларингиз жўжаларингизни тортиб олиб, ўзингизни... ўзингизни сўйиб шўрвага солади.

Афғончойфуруш кулди, яна йўтали тутди. Қудратиллахўжанинг кўзининг пахтаси чиқди.

— Бас... бас, Муҳаммадсаид...

Матқовул уйқудан уйғонгандай, сўлагини ялаб энди гапирди:

— Товуқ шўрва мазалик бўлади.

Суҳбатни анчайин жўжа-товуқ ҳақида деб тушунган Матқовулнинг суҳбатга аралашуш учунгина айтган бу гапи Қудратиллахўжанинг ярасига туз бўлиб тушди. Афғончойфурушни яна кулги тутди. Лекин бойнинг жуда ҳам талвасада қолганини кўриб, кулгисини босди.

— Хўп бўлмаса, нон-чой учун раҳмат, ҳасратингизни ўртоқлашай деб кириб эдим,— деди у ўрнидан туриб. Ҳечким ҳечнарсга демаса ҳам эшикка қараб юрди.

Мезбон унинг чиқиб кетганини кейинроқ пайқаб, аланглаб ўрнидан турди, унинг кетидан Наимий ҳам эргашди. Тиззасини уқалаб-уқалаб чиқиб кетган меҳмоннинг орқасидан эшикни ёпгач, иккаласи тикилишиб қолдилар.

— Нега тикиласиз?

— Сиз-чи?

Улар қайтиб ичкарига киришди.

— Гапига тушундингизми?

— Сиз-чи?

— Аҳмоқ,— деди Наимий,— одамни масхара қилишдан бошқани билмайди. Тайини йўқ дайди, Машҳад бекатларида юриб майнавозчиликка ўрганиб қолган.

— Йўўўқ...— деди Қудратиллахўжабой хаёл суриб, — у ўзини ўзи аҳмоқликка солади. Турган-битгани ақл бунинг, лекин ичида! Ташқарига чиқармайди. Мен сезиб юрибман, бундан бир маслаҳат чиқади.

Наимий унинг гапларини яна бир-бир эслади, ҳеч «ақлли» дегулик ма'но топмади. Бирдан унинг айтиб тугатмаган гапи эсига тушди.

— Ушанда нима деган эди сизга? «Пулингизга дастгоҳ олгандан кўра. . .» Кейин нима деган эди?

— Ушанда таваккал деб шунинг маслаҳатига кирганимда, балки бошқача бўлармиди. . .

— Нима маслаҳат берган эди, ахир?

— Ёғоч дастгоҳ олгандан кўра. . .— бой овозини пайсайдиди,— пулингизни қурол-ярғоқ олиш, мусулмон лашкари тузиш учун беринг, деган эди. . .

— Ал. . .— Наимий чиён чаққандай сакраб ўрnidан туриб кетди. Гўё кетган меҳмонни орқасидан яна бир кўриб қолмоқчи бўлгандай остонага борди, эшикни ушлаганича ташқарига қараб ўйланиб қолди.

— Билмаган гапи йўқ, қўлидан чой савдоси ҳам келмайдию, бинойидек маслаҳатлар топади.

— Энди ўтиб кетди,— деди Наимий,— энди маслаҳат блан иш битмайди. Устахонангиздан хабар олдингизми?

— Бордим, бўзчи хотинларнинг ярмидан кўпини эргаштириб кетадиганга ўхшайди.

Наимийнинг устахона аҳволига қизиқиб, ўйланиб қолгани Қудратиллахўжабойга тасалли берди. Энди унинг бор умиди шу одамда эди. Тажрибаси бор, «миллат, мусулмон» деб бир чақага арзимаган гапларни кўтариб юридию, лекин авомнинг нозик жойидан ушлашни билади. Қудратиллахўжа ҳозир бу одамнинг йигитлик чоғини эслади. Олов эди, ва'з айтса халойиқни оғзига қаратиб қўярди. Ахир ўн еттинчи йилда эски шаҳар мусулмонларини Ёиштмачитга тўплаб, неча юзта одамни ғазотга бошлаган шу-да. «Мусулмоннинг бойи-камбағали қон-қариндош! Йўқолсин рус ҳукмронлиги! Яшасин Қўқон мухторияти!» деб қичқирганида, ёш бўлишига қарамай, неча-неча оппоқ саллалани азиз уламою шарият пешволари оёғига тиз чўккан. Ҳозир-ку ундоқ деёлмас, ғазот ҳам қўзғаёлмас, лекин гап топади бу! Уша тўрт-бешта манжалақининг жонини оладиган гап топса бас. Майли, шунга кўз тутайчи. У қора афғоннинг гаплари қалтисроқ. Бундан иш чиқмаса яна кўрармиз.

Наимий чиқиб кетди. Қудратиллахўжабой уни келганидагидай эмас, аксинча мулозимат блан, иссиққина кузатиб қўйди. Наимий эшик олдида дуч келган Нусратиллабойвачча блан саломлашиб ўтди:

— Айёмлари муборак, акаси жонидан! . .

Қудратиллахўжанефмон ўғлининг юриш-туришидан норози, уни ёқтирмас эди. Нусратилла отасининг ташвиш

ва дардларидан беҳабар, ўзининг нима қилмоқчи, ким бўлмоқчи эканлиги ҳақида сра гапирмас, буни ўзи ҳам билмас, бу ҳақда бирортаси гап очиб қолса, эшитгиси ҳам келмас эди. Ўғил бойнинг атрофидаги улфатларидан—«э’тиборли» одамлардан узоқ, улар блан суҳбатда бўлмас, унинг ўз улфатлари кимлар экани эса отага нома’лум эди. Нусратилла рўзғорда қўлини совуқ сувга урмайди, ота мулкига бирор тайинлик наф’ қўшган эмас, ҳали қўлидан бирор иш келишини кўрсатгани йўқ. Қудратиллахўжа унинг ўз вақтини қаерларда, кимлар блан ўтказишини билмас эди, мақсадсиз, беҳунар, бетайин ўсаётган ўғил унга мол-мулкининг заволи бўлиб кўринарди. Бой ба’зан ўйлаб даҳшатга келар эди: ҳали умр бўйи, айниқса кейинги йилларда титраб-қақшаб тўплаган давлатим шунга қоладими? Бойнинг назарида, ўлган кунининг эртасигаёқ ўғли унинг бор мулкани созуриб йўқ қилади-да, Қудратиллахўжабойдан ном-нишон ҳам қолмайди. . .

Ўғлини кўрган сари шу гаплар эсига тушар, унинг ақлсиз, қўпол, дўл ургандай чўтир башараси кўзига баттар ёмон кўришиб кетар эди. Ба’зан бундан ҳам даҳшатлироқ хаёллар бошига келарди: ҳали ота тириклигида бирон иш қилиб қўймаса, ота мулкани орқаваротдан қиморга тикиб, бой бериб қўйса-чи. . . ота нима қилаолади? Ё алҳазар. . . худо кўргилик қилмасин.

— Қани буёққа кир-чи, ўғлим,— деди Қудратиллахўжа меҳмонхонанинг ичкарисидан туриб.

Нусратилла кирмади.

— Бир тийинингизга текканим йўқ,— деб ичкари ҳовлига ўтиб кетди. У отадан яхши гап эшитмаслигини билар эди, онаси ёнига шошди.

Қудратиллахўжабойнинг хотини — Ҳожарбиби ўғлидан хурсанд эди; унинг бирор яхши гапи, ақли, фазилати, ёки ишидан эмас, бўйи ўсиб, хотин оладиган катта йигит бўлганидан хурсанд эди. Унинг оналик меҳри кўркўрона, бема’ни бир ҳис бўлиб, Нусратиллани бу оилага боғлаб турган бирдан-бир нарса ҳам шу эди. Ҳожарбиби ўғли келиб кириши блан, унинг қаердан, нима қилиб келганлигини, калласида нима хаёллар борлигини ўйламас, фақат бўйига тикилар, гир айланиб парвона бўлар эди. Фарзандим деб гиргиттон бўлар, лекин фарзанд нима эканини ўйлаб кўрмас, уни хотин олиб бериш керак бўлган бир нарса дебгина тушунар, дарди-хаёли, фикри-зикри унга хотин олиб бериш, бутун оналик бурчини шу деб билар

эди. Бу уйда Нусратиллага ёқадиган одам битта шу онаю, бу онада унга ёқадиган бирдан-бир нарса мана шу эди.

Нусратиллани отаси чақирганда Ҳожарбиби уларнинг гапига зимдан қулоқ солар, ё ўғлига эр-гашибоқ кирар эди. Унинг назарида, ота блан ўғил албатта фақат келин, тўй ҳақида гаплашишлари керак, ота-ўғил ўртасида бошқа нима гап ҳам бўлиши мумкин.

Нусратилла беқасам тўнини бир кифтига ташлаб отаси олдига чиқди. «Нима дейсиз?» дегандай безрайиб турди, бурнидаги катта-катта чўтирлари қорайиб йилтиллади. Унинг жағ суяклари қўпол, орқага қараб кенгайиб кетган, қулоғининг тагига бориб тўпиқ суягидай туртиб чиққан эди, шунинг учун ҳам ёноқ суягининг кенглиги билинмас, пешонаси ниҳоятда тор кўринар эди.

— Қани ўғлим, ўтир-чи. Отангнинг дардидан хабаринг борми?

Нусратиялла отасининг ҳамма ва ҳарқандай гапини «сўроқ, қийноқ» деб билар эди, ҳозир ҳам «албатта пул тўғрисида гапиради» деб ўйлади.

Бу орада чилим баҳонаси блан лип этиб Ҳожарбиби кирди.

— Дардингизни билмай эсипастми, отаси,— деди у очилиб. Садаф найчали чилимни эрига тутиб гугурт чақди.— Ҳаммамизнинг дардимиз шу.

— Дардингиз шу бўлса, мана энди рўзғорда бошқачароқ иш тутинглар. Ҳарқанақа келди-кетди ҳаром томоққа, дайди меҳмонга лаққа тушаверманглар. Исрофгарчиликнинг вақти эмас.

Ҳожарбибига жон кирди, ковушини ечиб дастурхоннинг устига чиқди-да, ушатишган нону қанд-курсни чаққон-чаққон йиғиштирабошлади.

— Буёғини ўзимизга қўяверинг, отаси, шундай орзу-ҳавас ма'рака олдидан топган-тутганимизни фарра-шарра қилиб ўлибмизми, сиздан розилик бўлса бўлгани...

— Нима-нима?!— Бойнинг елкасидан чопони тушиб, соқоли тиканакдек тарвақайлаб кетди, икки қўли блан орқасидаги сандиққа таяниб ўрнидан турди.— Қанақа ма'рака?! Қанақа розилик?!

Ҳожарбиби дастурхон устида, почасининг жиягини ёриб юборай деб турган бутилка нусха болдирини қашиганча қолди. Ота ўғли томонга юрди.

— Сен ниманинг дардидасан, нодон! Отанг замона блан жиққамуштда тиши синди! Ота мулкингнинг таги-

дан қуми чиқди, нураб кетаяпти! Масковнинг арзон моли капратипларнинг тоқчасини қарсиллатиб эгиб юборапти, той-той газлама, чит, ипак, шойи... Битта абгор, жулдур харидорга зорман. Бўзни текинга олмай қўяди, моғор босиб кетади. Яқинда дўкон-дастгоҳни йиғиштириш керак бўлиб қолаяпти, нодон! Ота беҳабар! Қаёқда юрибсан! Нимани ўйлаяпсан!

Нусратилланинг шиша кўзлари «ўйлаб бўпман» дегандай мижжа қоқмай турипти. У ҳозир ҳам ҳечнарсани ўйлагани йўқ, жон-жаҳди блан туфук сочиб гапирган отанинг гаплари қулоғига ҳам кирмаётгандай эди. Ота гапира-гапира унинг устига босиб келди, у жойидан жилгани йўқ.

Бой, оғзи кўпиклашиб ҳолдан тойди, ўғлини ўрнидан жилдиролмамай орқага қайтди, тинчиди. Ҳожарбиби бурчакка писиб қолган эди.

Ниҳоят Нусратилланинг қулоқ тагидаги тўпиқдай туртиб чиққан жағ суяги қимирлади,

— Менга қачон хотин олиб берасиз?

Отанинг айтмоқчи бўлган гапи ичига тушиб кетди. Ўғлининг бу гапини эшитгач, Ҳожарбиби эрининг ҳозирги талвасали гапларини ҳам унутди, сўлиган қовундай юзида мулойим-хунук бир табассум ёйилди, эри томон бир қадам қўйди.

— Отаси, ўғлингиз блан гаплашинг, бўй-бастини кўрмайсизми, йигит йигитлигини сурсин-да, бекорга сарф бўлиб ўтиб кетаётган куч-қувватига ачинаман...

Ҳожарбибининг сўлаги оққани йўғу, лекин юзига қарамай гапини эшитган бой: «Сўлагингни арт, ё ўзинг ҳам мов бўлганмисан» деб юборишига сал қолди.

— Сен бунинг юзига бўжама бўлиб тошган кучига ачинасан, шиллиқ қуртга ўхшамай ўл, Қудратиллахўжабойнинг аҳволига ачинсанг-чи!— Бой ўроқдай букилиб икки қўли блан бошини ушлаб тўлғанди.— Имм... имм...— деб бошини муштлади.

Бу Нусратиллага қиттак ҳам та'сир қилгани йўқ.

— Мен найманчалик Собир мастеровойнинг катта қизини оламан,— деди у тўсатдан.

— Вой ўлай!— деб чинқирди қути учган Ҳожарбиби.— Уша Онахоннинг қизини-я?

Бой бошидаги муштумини шундай секин, шундай ғазаб блан олдики, хойнаҳой бармоқлари орасида анча-мунча соч толалари ҳам юлиниб чиқди. Гўштдор бурни ши-

шиб, кўзлари косасидан чиқиб кетди. Бармоғини ниш қилиб эшикни кўрсатди.

— Йўқол кўрнамак! Йўқол кўзимдан! Пасткаш! Зотини унутган итвачча! Йўқол!

Нусратиллага бу гаплар «бирпас чиқиб туринг» дегандан ортиқ эмас эди. У секин қайрилиб, бемалол чиқиб кетди. Орқасидан нималарнидир гўнғиллаб, энги блан бақбақасини арта-арта Ҳожарбиби ҳам чиқди.

Қудратиллахўжабой ҳамон тутақиб бақирар эди. Унинг овозидан дераза ойналари ҳам дириллаб кетгандек бўлди. Нусратилла, ҳеч гап бўлмагандай, айвонга чиққач тўнининг бари блан этигини қоқди-да, ичкари ҳовлига ўтиб кетди.

— Э, нодон,— эшитиларди меҳмонхонадан,— ўт блан сувни қўшаман дейди-я! Итдай илиқмай бўйнинг узилгур. Қўлингдан бир иш келса-чи!

Қудратиллахўжабой кавшандознинг четига ўтириб, қора амиркон этигини оёғига тортди. Меҳмонхона деворига тушган расмга ўхшаш узун ингичка тумшуқли обдастани кўтариб, қаёқдандир пайдо бўлган Қилтириқмахсумга қараб буюрди:

— Чорбозор блан Қўшқовоқдаги дўконларга бориб кел. Растага ўзим чиқаман. Қани нима аҳвол экан.

Кейин дўпписини тахлаб қўйнига солиб, қозиқдаги қундуз телпак ичидан эски қора дўпписини олди, кафтига икки уриб, жиягини чўзди-да, бошига кийди.

— Топганини қара-я! — деди яна гўнғиллаб.— Шунчалик паст кетадими инсон деган. Маҳалла-кўйнинг қулоғига етмасин ишқилиб, худоё ўзинг сақла. Қайси томиримга болта уришни билмай юрипти-ю у манжалақи бева! Илгариги Қудратиллахўжа бўлсам маҳалладан изини супуртириб ташлардим мен, бунақангги..

— Тақсир, Онахонни айтаяптиларми..— деб гап бошлади Махсум унинг қулоғининг тағида.

— Ҳа!..

— Энди унинг изини супуриш.. Энди унга мундоқ яхшироқ муомала қилмасангиз бўлмас дейман, тақсир. Устахонада хотин-халаж ўзларининг амр-фармонларидан ҳам кўра ўшанинг бир оғиз гапини ма'қул кўриб қолаяпти. Нима дейдиган бўлса, шуни қилишади. Гап ўргатмоқчи эмасман, ўзларидан қолар гап йўқ..

Бу гаплар Қудратиллахўжага ма'лум эди. У Махсумнинг маслаҳатига э'тибор қилмай, ўғлини сўкишда давом этди.

— Э, ўша, қайнанангни. . . Менга қуда бўлармиш-а. . .

— Нима дедилар, тақсир? Қуда дедиларми?

— А?— бой букилиб, илжайиб турган Махсумга тикилди, бориб эшик тутқисини ушлагач, жойида тўхтаб қолди. Дўпписини қўлига олди, соқолини силаб эшик турумига тикилганча турди. Кейин орқасига қайтди.

Қилтириқмахсум унинг миясига бир фикр келганини пайқаб, оғиз очишини сабрсизлик блан кутди, хўжайиннинг юзида жилмайиш кўрингандай бўлди унга.

Хўжайин яна меҳмонхонага қайтиб кириб, этигини ечмай, полосни буклаб ўтирди.

— Янгангни чақир-чи.

Қилтириқмахсум кўзларини пилчиллатиб, бедана қадам блан йўрғалади. Ҳожарбиби пайдо бўлди.

— Бор, айт ўғлингга,— деди бой хотинига,— мен розиман.

— Вой шўрим,— Ҳожарбиби биров елкасидан босгандек ерга ўтириб қолди, бармоғини тишлади,— отаси. . . ўғлимизнинг таги-зотини паст қилманг. Остонангизга арзийдиган теги-тахтлик мастура қизлар қуриб кетип-тими. . .

— Розиман дедим, жўна, айт.

Ҳожарбиби шабададай елиб чиқиб кетди. Қудратиллахўжа чинакамига қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

— Менга қара,— деди эшик ёнида турган Махсумга кула-кула.— Розиман, эшитдингми! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Қудратиллахўжани хомкалла деб ўйладдингми? Ҳа-ҳа-ҳа! Йўқ, овора бўласан! Мен уни ҳали ҳарқанақасига йўлга соламан. Қушдеккина бўлиб қўлимга қўнади. Қудратиллахўжага қуда бўладию, кўнмайдими? Эшитсин-чи бу гапни, артель-партелини йиғиштириб қўяди. Бир коса сўкоши деб қизини моховга берадиган гадо-я! Шунча давлат, шунақангги хонадон эшик очиб турганда қайси бир эси-паст боради жулдурчопонлар артелига! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Тентак эмас у хотин, ақли бор унинг!

— Ана шуниси бор-да, тақсир, тентак эмас,— деди ўйланиб қолган Қилтириқмахсум.

— Ҳа, тентак эмас,— деди бой бунинг ташвишига туншунмай, ўзининг ўткир найрангига қойил қолиб кулаверди: — Ҳа-ҳа-ҳа. . .— Лекин мана бу аҳмоқ,— деди у ўғли кириб кетган эшикни кўрсатиб,— катта аҳмоқ, бир чақага арзимаганича қолаверармикин деган эдим, йўқ, шукур,

мана бундай мушкул пайтда иш берадиган бўлди. Мияси, ё бирор иши эмас, мана шу сўқимлек гавдаси иш берадиган бўлди...

Олтинчи боб

Бу катта, гавжум кўчани илгарилари Бозоркўча дейишарди. Ун олтинчи йили буерга шаҳар маҳкамаси келиб ўрнашгач, раста Чорбозорга кўчирилиб, кўчага тош ётқизилди. Ушандан бери кўчанинг оти Тошкўча бўлди. Тошкўчанинг майдонга ўхшаб кенгайиб кетган, янги шаҳар извошлари тўхтайдиган жойида ярми икки қават, ярми бир қаватли оқ бино бор. Илгари унинг пештоқидаги катта қора тунука вивескага «Эски шаҳар маҳкамаси» деб ёзилган бўларди, вивеска шундай йирик хат блан ёзилган эдики, «шаҳар» дегандаги арабча «ҳ» ҳарфи худди қози-а'ламнинг салласидай келарди. Ҳозир бу бинонинг айвонга ўхшаш баланд, тахта зинасининг икки стунига қийиқчадеккина иккита қизил байроқ қоқилган. Эшик тепасида, қуёшда қурғаб, эгилиб кетган тўрт бурчакли фанер тахтага «Эски шаҳар хотин-қизлар клуби» деб ёзиб қўйилган.

Бугун клуб олди жуда ҳам гавжум; паранжили хотинлар, ялангоёқ қизчалар, кокили диккайган ёш болалар. Қаерда одам жам' бўлса ўшаерга чопқиллайдиган бақроқ дандонфуруш болалар ҳам етиб келишган.

Ичкари ҳам тўла. Илгарироқ келган хотинлар паранжиларини тиззаларига қўйиб, қатор ёғоч скамейкаларга ўтириб олишган. Энди келганлари сочвонларини бошларига ташлаб эшик тагида, девор бўйларида туришипти. Болалар қий-чув, таниш хотинлар «эсон-омон, омон-эсон, уй-ичи, бола-чақалар, тан-жонингиз...» қилиб, гапни узундан-узоқ чўзиб кўришишмоқда, қайси бир хонада қизлар кулгиси, дугор товуши эшитилади.

Мажлис бўладиган бу жой икки хонани бир қилиб яқинда кенгайтирилган экан шекилли, ўртадан девор олиб ташлангани билиниб турипти, тўр томонда катта-катта деразалар, тахта пол, эшик томонга бўлса ғишт ётқизилган, зах, қоронғи. Уша ёруғ деразали томонда зални энлатиб узун стол қўйилган, чапда клуб мудирасининг кабинети очиқ.

Жўрахон кабинетга кириб эшикни ёпди. Буерда клубнинг қўл ҳунар, чалғу тўгараги раҳбарлари, саводсизликни

битириш курсининг муаллими Наимий, маҳаллаларнинг актив қиз-жувонлари бор эди.

Жўраҳон ҳамма блан саломлашиб, Онахонга қўл берди. Атрофдан турли саволлар ёғилишига қарамасдан, аввал Онахондан сўради:

— Найманчалилар қалай?

— Келишди, Жўраҳон опа,— деди Онахон қувониб.— Қумригача. Фақат Назокат бир-иккиталари блан...

— Майли, яхши.

Наимий тилла тишларини йилтиллади, Жўраҳон блан алоҳида саломлашди.

— Айёмлари муборак. Идинавруз! Биланиҳоя шодиёна, ўртоқ Жўраҳон! Мактуб ҳам зап маврутида келипти, ҳужжат, тарихий ҳужжат! Бугун ҳаяжондан толиқдим, ўртоқ Жўраҳон, қарангки саҳардан бери шуердаман... Уҳх... ҳаққи-айн, толиқдим, ҳаяжондаман!

Наимийнинг гапи тугайдиганга ўхшамади. Жўраҳон мудиранинг қизил алвон ёзилган столига ўтиб ўтирди. Сумкасидан қоғоз-қалам олди. Бир нарсани ёзатуриб активларнинг турли саволларига жавоб берди. Тўсатдан эслаб сўраб қолди:

— Портрет! Ҳафизаҳон, портрет тайёрми?

Эшикка яқинроқ турган бақалоққина жувон қўлидаги қизил паранжисини чанг босиб кетган этажерка ичига тиқиб, шошганича чиқиб кетди. Бирпасдан кейин у қоғоз гул блан безатилган сариғ рамкали Қлара Цеткин портретини кўтариб кирди. Этажерка устига қўйди. Кабинетдагилар Қлара Цеткин ҳақида гапга киришиб, Жўраҳонни бирпас тинч қўйдилар. Жўраҳон соатига қараб-қараб қўйиб, бир нарсани ёзар эди.

Наимий бурчакдаги юмшоқ стулда ўтирган жувон ёнида тикка туриб, белбоғининг попугини ўйнади.

— Парижли жононлардан ўтказиб юборибсиз, хоним!— деди жувонга бир кўзини қисиб қараб.

«Хоним» ҳақиқатан ҳам буердагилардан бутунлай ажралиб турарди: у тик ёқали яшил гимнастёрка кийиб, белини сербар қайиш камар блан бўққан, тиззасидан бир элик баланд келадиган калта кўк шерсть юбкаси шу қадар тор эдики, юрганда семиз болдирларини бир-бирига ишқаб юрмаса йиртилиб кетгудай эди. Сочлари эркакча қирқилган, катта соябонли, гимнастёркасидай яшил фуражкасини сал қийшайтириб, бостириб кийган. Қалин лабларида қизил бўёқ қуриб, ёрилиб кетган.

— Ҳали вақт бор шекилли,— деди Наимий узун кумуш занжирли соатининг қопқоғини «қирс» этиб очиб,— бир-пас шабадага чиқайлик.

Улар чиқдилар. «Хоним» болдирини қисиб турган этигини ғирчиллатиб, Наимийнинг чап ёнбошида жуда келиштириб хиром айлади. Хотинлар блан тўла залга чиққанда Наимий ниҳоятда маданий бир ҳаракат блан «хоним»нинг қўлтиғидан олди. Атрофдагилар блан ҳеч ишлари йўқдай, пастроқ, қандайдир сирлироқ овоз блан гаплашиб, залнинг у бошидан бу бошига юрдилар.

Мажлис очилишини кутиб ўтирган турли маҳаллали содда хотинлар буларга тик қарашни ҳам билмай, қарамасликни ҳам билмай, ўнғайсизландилар. Ба'зилари, ҳатто Наимийнинг дарсида ундан юзини бекитмайдиганлари ҳам, «вой ўлай!» деб сочвонларини юзларига тушириб олишди. Наимий буни сезган сари «хоним»нинг семиз гавдасига киришиб борар, атрофдан ҳечнарсани эшитмагандай, тишларини йилтиллаб гапирар эди. Ўтирган паранжили хотинлардан бири буларга ҳадеб бақрайиб қараган ёш қизчасини етаклаб четга чиқди, қизчасини гавдаси блан тўсиб, ўзи тескари турди. Хотинлар орасида пичир-пичир бошланди.

Онахон кабинетдан чиқиб қаёққадир шошиб кетаётган эди, қоронғи бурчакдан чиқиб келган бир хотин йўлини тўсди.

— Онахон қизим... мен кетақолай...

Онахон Қумрининг товушини таниди.

— Вой нима бўлди сизга? Ҳозир бошланади, сочвонингизни олиб қўйинг, исиб кетасиз.

— Йўқ, қизим, болаларим йиғлаб қолади, хамир қориб қўювдим...

— Йўқ, йўқ, Қумри келиноий, ҳозир бошланади, кейин бирга кетамиз.

Бу орада мажлис бошланадиган бўлиб қолди. Кабинетдагилар чиқиб кетаётганда Жўраҳон ҳалиги «хоним»ни тўхтатиб олиб қолди.

— Нимага маҳаллангиздан ҳечким йўқ?

— Ҳаммасига жоврайбериб эсим кетди, Жўраҳон опа, хўп дейишган эди, билмасам...

— Менга қаранг,— деди Жўраҳон ўйланиб, уни бошдан оёқ кузатаркан,— хотинлар сизга эргашмайдилар. Сиз... полиздаги қўриқчидай, хотинларни ҳуркитаяпсиз.

Бу нимаси? Ҳуррият шундан иборат эканми? Ҳозир уйингизга борақолинг, келсангиз одмироқ кийиниб келарсиз.

Жувон гангиб, беихтиёр курсига ўтириб қолди. Жўраҳон залга чиқиб кетди.

Зал кутар эди. Тўрдаги қизил стол ёнида Она он яна бирнеча очиқ хотинлар ва Наимий ўтирипти. Рўпарада, президиум орқасида, дераза баландлигида Қлара Цеткин портрети осилди. Жўраҳон ўртадаги бўш ўринга келиб тўхтади-да, залга қаради.

— Вакила ая...

— Жўраҳон... — деб пичирлашди хотинлар. Буердагиларнинг кўпи уни яхши танир эди. Ана ҳалиги қизил паранжили бақалоқ жувон — Ҳафиза учинчи қаторда оловдай ёниб, қаёққадир, олдинга талпингандай ўтирипти. Эри ва нодон қайнатасидан тўхматга қолганида Жўраҳон уни ҳимоя қилиб судда бир соат гапирган. Бу воқиага икки йил бўлди, лекин Ҳафиза Жўраҳонни ҳар кўрганида ўз тақдирига шукур қилади: ўша золим эри, нодон қайнатаси қўлида қолганида нима бўлар эди...

Жўраҳонни кўпгина хотинлар суд орқали билади, у бирнеча йил суд идорасида ишлади, ҳозир у «женотдел», лекин ҳали ҳам қайсидир суд бўлимида хотин-қизлар ва оила ишлари бўйича халқ маслаҳатчиси, жамоат қораловчиси бўлиб ишлайди. Шу йилларда совет суди кўпгина ноҳақ хўрланган хотин-қизларнинг жонига ора кирди, уларнинг ор-номус ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Бу йиллар суд ходими Жўраҳоннинг номини машҳур қилди, унинг халқ орасида «Вакила ая» деган номи ўшандан қолган эди.

Жўраҳон эски шаҳар хотин-қизларини артель ишлабчиқаришига жалб этишга бағишланган мажлисни очди. Бу ҳақдаги амалий гапга ўтишдан аввал у бутун ўзбек хотин-қизларига Қлара Цеткиндан салом хат келганини билдирди.

Қувончли қарсақлар тиниши блан у Қлара Цеткиннинг суратига қараб, унинг ким эканлиги, меҳнаткаш хотин-қизлар бахти учун қандай катта ишлар қилгани ҳақида сўзлайбошлади. Жўраҳоннинг кўпчиликлари таниш, иссиқ юзи ҳаяжондан, столдаги тиниқ алвон шу'ласидан қизариб товланар, дераза томон бурилганида сал терлаган кенг манглайи ялтираб кетар эди. У шошмас, ба'зан бироз тўхтаб, тўладан келган баланд кўксини қалқитиб чуқур нафас олар ва яна бошлар, Қлара Цеткинга ҳамсуҳбат бўлган, у блан бирга яшаган одамдай, ишонарли, содда ҳикоя қилар эди.

— Қлара Цеткин—отамиз Владимир Ильич Лениннинг содиқ сафдоши, ғамхўр кўмакчиси,—деди у сўзини якунлаб.

Хотинлар бу сўзларни самимий юрак ишончи блан қабул қилдилар. Жўрахон Владимир Ильич Ленинни ўз кўзи блан кўрган, унга қўл бериб кўришган энг бахтиёр хотин эди. Хотинлар буни билар, ундан кўз узмас, айниқса Ленин номини тилга олганида унинг нақадар бахтли эканини юракдан ҳис қилар эдилар. Бу хотинларнинг кўпи Жўрахонни биринчи марта 1921 йилда, «Ленинни кўрган хотинни зиёрат қилгани» мана шу бинога келганларида кўриб таниган эдилар. Жўрахон Москвадан, хотин-қизлар конференциясидан келган кунлари бу хотинларнинг кўпини биринчи марта кўрди ва ўзини уларнинг бахтли, қадрдон синглиси деб ҳис қилди, биринчи марта Ленин номи блан, бахт умиди блан ёришган мана шу юзларнинг абадий қуёшдай ёрқин бўлиши учун уларнинг ўткир ақли, бой руҳий гўзаллиги ва муқаддас оналик ҳусни абадий қадр-қиммат топсин учун курашга бутун кучини бағишлади.

Жўрахонни яхши билган хотинлар Қлара Цеткиннинг ким эканлигини айниқса чуқур тушундилар. Жўрахоннинг ҳикоясидан кейин, гулли рамка ичидаги сурат ҳавас блан тикилиб турган юзлаб кўзларга худди тирик одамдай гавдаланди.

Жўрахон:

— «Қадрли ўзбек хотин-қизлари!» — деб у хатни ўқийбошлаганида эса, бу сўзларни портретдаги кумуш сочли меҳрибон хотин ўзи гапираётгандай туюлди. Кўплар минбарга қараб бир интилиб қўйдилар. Узунчоқ юзлари нимпушти бўлиб ўтирган Онахон ўрнидан туриб, Жўрахоннинг сал қалтираган қўлларидаги хатга кўз ташлаб ҳам қўйди, «Қадрли ўзбек хотин-қизлари!» — чиндан ҳам шундай деб ёзилган эди.

— ...«Сизнинг Ўрта Осиёдаги турли миллат опа-сингилларингиз ўз кишилиқ қадрлари учун, ўз кишилиқ бахт-саодатлари учун Совет Республикаси қанчалиқ қимматга эга эканлигини тушуниб етдилар. Қалбингизнинг бутун оташин кучини, бутун поклигини, бутун иродасини Совет Республикасини мустаҳкамлаш учун қувонч блан сарф этингиз!».

Жўрахон тўхтаб нафас олди, ҳаяжонини босди.

— Тўғри,— деб қўйди бу орада Наимий. Тантанали, бесабр жимликни қўпол бузган бу ўринсиз та'кидлаш

Наимийнинг хатдаги оташин сўзларни мутлақо ҳисси тинглаётганини кўрсатар эди.

Жўрахон хатнинг ўзбек хотин-қизларини Совет Республикасининг сиёсий-хўжалик ишларига актив қатнашишга чақирган жойини изоҳлаб, бунга жавобан хотин-қизларнинг ҳунар артельларига кириб ишлаши кераклиги ҳақида, коллектив ишлабчиқариш меҳнатида онгли, актив жамоатчи бўлиб етишган рус хотин-қизлари ҳақида, буердаги хотинларнинг кўпига таниш бўлган инқилобчи рус қизи Софья Борисовна Надеждина ҳақида, унинг ўз билими ва ҳунарини ўзбек хотин-қизларига ўргатиш учун бутунлай шуерда қолганлиги ҳақида сўзлади. Кейин, «Ким гапиради?» деб, ўтирганларга қаради.

Зал жим, фақат кимнингдир этагида бир гўдак ҳар замонда гингшиб қўяр эди.

— Менга рухсат этинг!— деди Наимий жуда илҳомланиб кетганини кўрсатиб.

— Аввал хотин-қизларнинг ўзларидан эшитсак,— деди Жўрахон. Наимий сра ўнғайсизланмай, «тўғри» деб, ўтирди. Онахон сўз олди.

У чиндан ҳаяжонда эди, лекин буни яширишга уриниб, эпполмаганини ўзи ҳам сезди.

— Кўпчиликнинг салобати босар экан...— деди у.— Мана бу хат... Мен ўзим ҳақимда умримда ҳеч бунақангги сўзлар эшитганим йўқ эди.— Онахон юзининг ёниб, қизариб кетаётганини ўйлаб, буни ҳам кўпчиликка ўзи билдириб қўйди—икки қўли блан икки юзини ушлади.— Мен бунинг учун Қлара Цеткин опамизга...— у портретга қараб олди,— Қлара Цеткин онамизга раҳмат дейиш блан бирликда...— унинг сўзини қарсак бўлиб қўйди. Бу орада у нафасини ростлаб олиб дадилроқ бошлади:— Шу блан бирликда айтаманки, биз найманчалик бўзчи хотинлар артельга бориб ишлашни хоҳлаймиз ва шу блан бирликда, негаким Қудратиллахўжанефмоннинг дўконхонасида ишлаб, биз Совет Республикасига ёрдам беролмаймиз.

Наимий ўтирган курси қирсиллаб кетди. Наимий шу топда ўзига диққатни тортмаслик учун бўлса керак, шошиб-пишиб, қаттиқ овоз блан:

— Тўғри!— деб қўйди.

— Биз дўконхонадан артельга борадиганлар етти кишимиз. Шу блан бирга, арзимиз шуқим, ўртоқ Қлара Цеткинга жавоб хати ёзганда шу етти киши ҳаммамиз

қўл қўйишни хоҳлаймиз. Шу блан бирга... — пастдан обозлар эшитилди.

— Нимага етти киши?

— Биз нега қўл қўймас эканмиз?

— Қизим, Найманчадан ҳам етти эмас, саккизта деб қўй,— деди Қумри орқадан туриб.

Онахон устахонада бўладиган суҳбатлардагидай, хотинлар сўзлайбошлаганда гапини тўхтатди. Залнинг нариги бошидан паранжи-сочвонини қўлтиқлаб келаётган Рузвон холани кўриб, Жўраҳонга бирнима шивирлади.

— Ҳай қизлар,— деди Рузвон хола устахонадаги одати бўйича,— келиб-келиб кампирнинг гапини эшитамизми деманглар, тагин. Кампир бўлсак ҳам мажлисга масала бўлиб ўтирибмиз, ўша Маскопга юборадиган дуойи саломга бармоқ босадиган найманчалик саккизта хотиннинг биттаси мен бўламан. Иннайкейин бир саволим бор. Биз кампирларнинг саволи эски замондан бўлади, кулмайсизлар. Буерда Жўраҳон ана у суратдагини,— хола суратга қаради,— истараси иссиққина хотин экан, узоқ демай меҳри-оқибат кўрсатиб, ширин сўз блан бизни йўқлапти, Жўраҳон буерда унинг таърифини тушунтириб, масаласини ечиб берди. Мен расмга ҳам тикилдим. Жўраҳонга ҳам тикилдим. Шундай тикилиб турибману хаёлим кетиб қолди. Тўққиз йил бурун мана шу Бозоркўчада, мана шу ўзимиз ўтирган иморатнинг деразасининг тагида катта можаро бўлган. Оқпошшо эрларимизни, ўғил-куёвларимизни битта қўймай мардикорга оладиган бўлди. Эски шаҳарнинг жамики хотин-халажи таёғу, оташкурак кўтариб мана шуерга келдик. Бу иморатни ўша мардикор оладиган приступлар, миршаблар ўзига маҳкама қилиб олган эди. Ҳаммаси мана шу зинага уймалашиб чиқишди. «Бермаймиз ўғилларимизни!» — дедик.— Оладиган бўлсанглар фойдасини тушунтиринглар,— дедик. Битта қипқизил, мўйловлиги бор эди. Бугун шаҳар билар эди у лаҳатга киргурни. «Мана фойдаси!» деди тўппончасини чиқариб. Отолмади. Хотинлар маҳкаманинг деразасига қараб таёқ отабошлашди, зинадагиларни ола-тўполон тошбўрон қилишди. Ушанда ҳалиги мўйлов йигитларини қатор тизди, ҳаммасининг қўлида бешотар милтиқ денг. Мўйлов қўлини кўтарди: «Рас!» деди, миршабчасига, «Қочмасанг отиласан!» дегани бўлади. Хотинлар қочарини ҳам билмайди, қочмаслигини ҳам. Ҳалиги, лаҳат юткурлар турипти милтиғини ўқталиб.

Хотииларнинг ярми қочди ҳам. Шунда бир хотин... соч-
вонини олиб шундоқ кўтардию, олдинга чиқди, кўкраги-
ни мана шундоқ қилиб тикка бораверди. Зинагача борди.
Юрагини қаранг. Бешотарлар оғзини совуқ гўрдек очиб,
ўқталиб турипти.

— Отаолмайсан, номардлар!— деди ҳалиги хотин.—
Бўрсикдай семириб буерда шу заиф хотинларга қўштиғ
ўқталгандан кўра оқпошшоларингизнинг қонли урушига
ўзларинг борсаларинг бўлмайдими!— деди. Ун олтита
миршаб милтигини шундоққина ерга қаратди-қўйди. Ҳа-
лиги мўйловнинг жони бўғзига келди, ўз йигитларини
«итвачча», «ундоқ-мундоқ» деб қамчини блан савалаб
кетди. Хотинлар маҳкамани ўраб олишди. Ҳалиги хотин
зинага чиқиб милтиқларга орқаси блан туриб хотинларга
қаради. «Рас!» деди ҳалиги мўйлов, милтиқлар шарақ-
шарақ қилди. Хотин-халож нафаси ичига тушиб чинқириб
юборди. Ана отади, мана отади деб турибмиз. . .

Стол ёнида Онахон оппоқ оқариб ўтирипти, катта
очилган кўзларида ёш милтиллайди. Зал тинч. Жўрахон
жиддий, ўйчан, ба'зан безовталаниб ўрнидан қимирлаб
қўяди.

— Йўқ, отолмади. Ҳалиги хотиннинг овози эшитилди:
«Азиз оналар, опа-сингиллар! — деди,— ўғилларингиз-
ни, эрларингизни, ака-укаларингизни қонли қирғин, хона-
вайронлик урушига юбормангиз!— деди. Кейин овози
эшитилмай қолди, уни орқасидан келиб қўлларини боғ-
лаб, ичкарига олиб кириб кетдилар. Отлиқлар келиб хо-
тинларни қий-чув блан қувиб тарқатишди.

Жўрахон бугун мана шу қизил стол ёнида гапириб ту-
риптию, ўша зинадаги хотиннинг «Азиз оналар, опа-син-
гиллар!» дегани худди қулоғимнинг тагида жаранглайди
денг. Ўша хотин мана шу ўзимизнинг Жўрахон эди! Ҳа,
шунинг ўзи эди, болаларим!

Залда қарсак кўтарилди. Онахон тасодифан ўз онаси-
ни топган ёш қиздай Жўрахонни кучоқлади. Рузвон хола
узун енги блан юз-кўзини артаркан, Жўрахон ўнғайсиз-
ланиб унга бир нарса уқдирди, «бу гапнинг кераги йўқ
эди» деди шекилли.

— Энди менинг бундан келиб чиқадиган саволим шу-
ки, биз Жўрахон айтганини қилсак кам бўлмаймиз. Жўра-
хоннинг Ленин блан кўришган қўллари қутлуғ қўл, бола-
ларим. Охирги саволим шуки, кампирларни ҳам хатга со-
линсин, артельга боришади деб.

Рузвон хола гапирганда зал дам енгил кулиб, дам қаттиқ ҳаяжонда, доим ҳаракатга келиб турди. Сўз тамом бўлгандан кейин яйраб, бирпас қувноқ шовқинлашиб олишди. Бу пайтда Наимий Жўрахонга бирнималар шивирлаб сўз олди-да, чаққонлик блан минбарга чиқиб, сипо улуғворлик блан залнинг тинчишини кутди. Узун занжирли соатини кафтида салмоқлаб, қопқоғини «қирс» этиб очди-да, рўпарасига қўйди.

— Муштипар волидаий муҳтарамалар! Биз шўронинг туфайлидан рўшнолик кўрдик, зулму маломатнинг тағитомирининг қурутиш, я'нингким, ҳуррият замони келди. Паранжи балосидан дарднок чеҳрангизнинг пажмурда кўрмоқ биз бўстони ма'рифат аҳли учун мусибатдир. Бинобарин каломи мухтасар шулким, орамизда авлод-аждодлардан қолган эски расми-одатларга итоат қилгучи заифалар ҳануз бор. Уларнинг барҳам бермоқ лозим, масаланким, ба'зи аёллар эрларига, қайнаталарига ҳали ҳам итоат қилурлар. Паранжи ёпиниб юрурлар. Биз қандай замону, қандай маконда яшамоқдамиз? Шўро даври бундай аҳволга чидаб туролмайди! Тобакай оила дерсиз, тобакай бола-чақа дерсиз! Еппасига паранжининг ташлаб артельга ишга боришнинг талаб қиламан. Шўро ҳукуматининг қудрати зўр, бола-чақангизнинг боқиб олишга иқтидори етади, нодон эрларингизнинг жиловлаб қўйишга кучи етади!

Зал безовта қимирлаб қолди.

— Вой ўлай...—деб шивирлади кимдир. Жўрахон ўрнидан туриб дам залга, дам нотикқа хавотир блан қараб қўйди. Наимий оташин илҳом блан нутқни давом этдирди.

— Бизда ўз оиласига, бола-чақасига, қозон-товоғига ёпишиб олган хотинлар бор. Бас, етар, у даврлар ўтиб кетди. Оналик меҳрига берилган, ўз эрининг та'сирида қолган хотинлар бунини ўйлаб кўрсин. Шўро ҳукуматига ишчилар керак. Оилангизда бунга мони'лик кўрсатгучилар бўлса, сиз бунини шўро судига ма'лум қилғайсиз, ундай ярамас оиланинг ташлаб кетмоғингиз лозим. Уй бўлмаса артель бор, баракхоналар бор. Болаларингизнинг етимхоналарга олади, шўро ҳукумати қудратли!

Бир хотиннинг қўлида ҳалидан бери ёнингшиб ўтирган бола йиғлаб юборди. Хотинлар гўё, ўксиб йиғлаган шу бола учун бесаранжом бўлгандай, нотинч ҳаракатга келдилар, орқа қаторда икки-уч хотин ўрнидан туриб секин эшикка томон юрабошлади, орада паранжисини,

сочвонини тушириб олганлар кўринди. Олдинги қатордагилар бир-бирларига қараб болаларини бағриларига тортдилар.

— Паранжини ташланг, ўтга ёқинг, ёппасига артельга! — деди Наимий.

Стол ёнидагилар ҳаммаси тикка туриб олган эди, Жўраҳон қўлини бирнеча марта кўтариб нотиқни зўрға тўхтатди. Онахон столни айланиб ўтиб қаёққадир, эшик томонга югурди.

— Қумри келинойи! Қумри келинойи, қаёққа? — деган овози эшитилди.

Жўраҳон зални анчагача тинчитолмади. У қўлини кўтарганича эшикка қарар, бир-бирига эргашиб битта-битта чиқиб кетаётган паранжили хотинларни кўрар эди. Худди қулоғининг тагида ҳансираган Наимийнинг шивирлаши эшитиларди.

— Нима гап ўзи, ўртоқ Жўраҳон, орада битта-яримтаси бошлади дейман-а? Уфф... қийин, жуда қийин буларга тушунтириш. Мен-ку ойда-йилда бир иштирок этаман, сизга оғир, сизга ачинаман, ҳар куни шу ишдасиз...

Жўраҳон енгил бир ҳаракат блан Наимийни қулоғининг тагидан четлаштириб, эшик томонга шошилди, останада Онахонга дүч келди.

— Кетиб қолди... — деди Онахон йиғлагудай бўлиб, — артели бошида қолсин, деб кетди.

Зинадан пастда Наимий пайдо бўлди. У қулочинини ёзган, дам чапга ташлаб, дам ўнгга сапчиб, хотинларнинг йўлини тўсарди.

— Ҳой, оналар, опалар, ўртоқлар... бу нима деган гап! Қани-қани, қайтинглар, яна беш минутда тамом бўлади. Жон холалар...

Жўраҳон оқаринқираб, пешонасига совуқ тер чиқиб кетган, гоҳ сийраклашиб қолаётган залга, дам кўчага қараб куюнар эди. У, бирнеча хотинни қайтариб келаётган Наимийни ичкарига чақирди, қолган хотинларни залга тўплашни Онахонга буюрди-да, Наимийни бошлаб кабинетга кирди.

— Ундоқ сиёсат қилинг, мундоқ ёндашинг деб бир оғиз шипшитиб қўймайсизмики, ўртоқ Жўраҳон... — деб олдиндан гап бошлади Наимий. У жуда заҳмат чекиб, эзилиб кетган, юзи бирпасда ориқлаб, буришиб, чиройи қочган эди. — Мен, ахир, артель масаласи деганингиздан, буюрга чунончи анча-мунча тушунган, илғор хотин-қизни

Йиғибсиз деб хаёл қилган эканман. Ҳали шулар блан артель очамизми! Йў-ге, Жўраҳон, афв этасиз, ҳар тадбирда омманинг илғор қисмига таянмоқ, аввало етакчилари блан иш тутмоқ лозим. Оз бўлсин, соз бўлсин дегандек...

— Менга қаранг,— унинг сўзини бўлди Жўраҳон,— мақсадингиз нима?!

Наимий қути учган бўлса ҳам, бегуноҳ бир қиёфада бўйнини қисиб, ёқасини ушлади.

— Аёлларимизни ҳурриятга ундамоқ...

— Гап хотинларда эмас, сиз... азиз оналик ҳиссини, оналарнинг ўз фарзандларига, оилаларига меҳр туйғусини, келинларнинг ўз эрларига муҳаббат ҳиссини... ҳақорат қилдингиз!

— Уртоқ Жўраҳон! — Наимийнинг кўзлари косасидан чиқиб кетди.— Жўраҳон, мен, ахир, мен... илғор, етакчи аёллар учун... ахир буерда бу қадар хурофату бид'ат асоратида қолган хотинлар борлигини...

— Бас, шўро ҳукуматига туҳмат қилдингиз! !

— Алҳазар... Наҳотки! — Наимий пешонасига урди.— Наҳотки... Жўраҳон! Рухсат этинг, ножўяроқ сўз деган бўлсам, рухсат беринг, хатолик ўтган бўлса, ўзим... ўзим тўғрилай, ижозат беринг, мен ҳозир...

У эшикка отилган эди, Жўраҳон ундан олдин чиқиб кетди, у залда қолган хотинларга тезроқ нимадир айтишга шошилар эди. Қолган хотинлар скамейкаларнинг четчетига омонатгина, ҳафсаласизлик блан ўтирдилар.

— Уртоқлар! — деди Жўраҳон.— Буерда муаллим хато гапирди.

— Тўғри, тўғри, хатолик ўтди,— деди стол ёнига келиб ўтирган Наимий.

Зал шундай тинч бўлиб қолдики, агар ҳозир пашша учса ваҳима бўлиб эшитилар эди. Анчадан кейин, Наимий ўтирган стул инграгандай қисирлади. Ҳамон давом этаётган оғир жимлик Наимийга кўзга кўринмай босиб келаётган бир даҳшатдай туюлди. У, худди, қимирласа уй қулаб кетадигандай, жуда секин турди, залга қараса — кўзлар, қулоқ солса — жимлик...

Жўраҳон унинг ўз-ўзини шафқатсиз савалаб, афв сўрамоқчи эканини, аянч бир тусга кирган башарасидан пайқади. Қўл ҳаракати блан тўхтатиб, ўзи бошлади.

— Артельга кириш, ўртоқлар, мутлақо ихтиёрий.

— Ихтиёрий, ихтиёрий! — деди Наимий бошини тўхтовсиз силкиб.

— Агар оилада бирорта кишингиз бунга норози бўлса тушунтириб кўринг, унамаса — борманг, кейин тушунади — ўшанда бемалол бораверасиз.

— Ҳа, ҳа. Борманг. Кейин бораверасиз, — та'кидлади Наимий.

— Артельга бориш учун паранжини ташлаш шарт эмас, ҳаркимнинг ихтиёри. Артель махсус хотин-қизлар артели бўлади, фақат хотин-қизлар ишлайди. Унда тўқилган маталар махсус хотин-қизлар дўконида, хотин-қизлар учун кооператив баҳосида сотилади. Артель болалик хотинларга пул, газлама блан ёрдам бериб туради. Артельга кирган хотинлар истаган вақтларида, уй ишидан бўшаган вақтларида ишлайдилар. Унда ўйин-кулгилар, ҳунар ўрганиш машғулотлари, ёш болаларни олиб борсангиз, улар учун ўйнайдиган жойлар, ўйинчоқлар, қўғирчоқлар бўлади.

Наимий ҳамма гапни ма'қуллаб ўтирди, унинг туриб гапириб юборишга бетоқатлик блан интилиб тургани бутун ҳаракатларидан ма'лум эди. Ахир, гап орасида бир ўнғайини топиб гапини айтиб олди:

— Уй ичингиз блан маслаҳат қилинг, пухта ўйланг, магарким уй ичингиз ризо бўлса, магарким шу иш кўнглингизга ёқса, артель эшиги сиз учун ҳамиша очиқ!

Жўраҳон давом этди:

— Артельга ёзилиш мана шу клубда, ҳар кунни бўлади. Хотин-қизлар блан гаплашиб, истаганларни артельга ёзишни Онахонга топширсак қаршилиқ йўқми?

— Онахонга топширилсин!

— Тўғри!

Онахоннинг кўпчиликдан бундай топшириқ олиши биринчи марта эди. Ташвиш блан Жўраҳонга қараб қўйди, лекин пастдан эшитилган овозлар уни тетиклантирди, ўтирганлар ҳаммаси унга сирдош опа-сингиллардай бўлиб кўриниб кетди.

Мажлис тарқагандан кейин Наимий Онахондан узр сўради, ўзини нодондан олиб нодонга солди, илму урфон йўлида ўттиз йил жафо чекиб, бугунгидай ибрат-сабоқ кўрмаганини эзилиб-эзилиб гапирди. Жўраҳонга бу сабоқ учун ташаккурини ифода этишдан тили ожизлигини айтди. Шўро ҳукуматининг эски зиёлиларни қайта тарбиялашдаги ролини ишонарли далиллар блан та'рифлади.

У кетгандан кейин Жўраҳон блан Онахон яна мудира кабинетига кирдилар. Полнинг қириб ювилган оппоқ,

юпқā тахталари текис эмас, ҳаржой-ҳаржойидан чириб синган, ўйнаб чиқиб кетган, ёки эгилиб қолган, лекин кабинет ёруғ, боққа қараган катта дераза ёнида биттагина қовоқгул энди гунчалаб яшнаб турар эди. Онахонга шу топда бу хона эскидан танишдай, кўзига иссиқ кўринди, энди у бу ерга ҳар куни келиши керак, у мана шу қизил ёпилган стол ёнида ўтиради, унинг ёнига ҳар куни ўнлаб хотинлар, қизлар келади, унга ишонч ва умид блан қараб маслаҳат сўрайди, Онахон уларнинг тақдири ҳақида ўйлаши, турмушларида жиддий масалани ҳал қилиши керак, Онахон уларни рўйхатга ёзиш блангина қаноатланаолмайди, шу рўйхатга Онахон қўли блан оти ёзилганлар кейин унинг ишидан хурсанд бўлиши керак, рўйхатга ёзилган кунини ҳаётида бахтли бир кун сифатида доим ёдга оладиган бўлсин. Шундай бўлиши шарт. Демак, Онахон рўйхат ҳақидагина эмас, артельнинг ўзи ҳақида ҳам, катта-роқ нарсаларни ҳам ўйлаши керак...

— Ўзимиз айбдормиз! — деди Наимий воқисидан кейин ҳали ҳам тинчий олмаган Жўраҳон.— Одамларни яхши билмаймиз. Халқнинг нима эканини ўйлаб ҳам кўрмаган мадраса зиёлиси ҳозир хотинлар блан ишлашдек масаланинг нозиклигини қаёқдан билсин. Ўзимиз айбдормиз.

У, бу гапларни Онахонга қараб гапирди. Онахон бугунги мажлисда ўзини ҳамма бошқа хотинлардай четдан келган, оддий иштирокчи деб ўйлаган эди. Энди ўйласа— мажлиснинг пасти-баландига, унда юз берган хато ва камчиликларга ўзи ҳам жавобгар экан, Жўраҳон уни бу ишларнинг ташкилотчиларидан бири деб қараяпти. Бу Онахонни бир томондан, қувонтирди, бир томондан эса ўйлантириб қўйди: бордию иш кўнгилдагидай бўлиб чиқмасачи, хотинлар ёзилмаса, артель очиш барбод бўлса... Онахонга бу бирдан ваҳимали катта иш бўлиб кўриниб кетди. Йўқ, барбод бўлиши мумкин эмас, бу юзлаб, минглаб одамларни ҳаяжонлантирган иш, уларнинг турмуши, тақдири... Онахон буларнинг ҳаммасини ўз иши деб ҳис қилди. Гўё ҳозир ҳамма унга қарагандай, юзлаб хотинлар: «Нима қиламиз? Қани, бизни бошланг!» деб тургандай кўринди. Шундай-ку, лекин Онахон бир нарсани сра кутмаган эди. Жўраҳон унинг ёнига ўтириб, елкасига қўлини қўйди-да, ўз тенгидай, кўзига меҳр ва дўстона ишонч блан тикилди:

— Хотин-қизлар артелининг раислигига сизни мўлжаллаяпмиз.

Онахон қалқиб тушди. Жўраҳоннинг қўли елкасини куйдираётгандай бўлди.

— Йўғ-э, Жўраҳон опа, Софья Борисовна турганда.. : Йўғ-э,— деди у ўзини йўқотиб,— мен.. мен эпполмасман.

— Софья Борисовна сизга ёрдамлашади.

— Аксига бўлса бўлмайдимиз?

— Йўқ, биз женотделда ҳам, райкомда ҳам гаплашиб шу қарорга келдик. Ўзингизни жуда ожизман, бўшман, қўлимдан келмайди, деб ўйлайверманг. Сиз хотинлар блан гаплашишни, уларнинг кўнглини, дардини биласиз. Уларга сиздек ўртоқ керак.

— Райкомда мени билишадими?

— Яхши билишади. Сиз нима деб ўйловдингиз?

Онахон жавоб ўрнига Жўраҳоннинг қўлини олди, уни титроқ қўллари блан сийпаб, секин кўтарди ва ўзининг ёниб турган юзига маҳкам босди..

Еттинчи боб

Синглиси жойи-ростон бўлиб кетгандан кейин Нусратилла оилада ёлғиз ўғил эди, олти ёшлигача оти «ширин-шакар» бўлиб, оёғи ерга тегмади, икки қўли қандалату новвот шираси блан, икки бети эса ота-она лунжининг меҳр сўлаги блан қотди. Айниқса Ҳожарбиби уни шу қадар суяр эдики, унинг ўпичларини ўпич эмас — ялаш деса тўғрироқ бўларди. Ҳозир ёмон кўрадиган отаси ҳам ўша тинч, бемалол йилларда «кўз очиб кўрганим шу, бисотингда ўғил бўлмаса бевафо дун'ёнинг моли-мулки нима экан» дегучи эди. Ота блан онанинг энг қийналган жойи шу эдики, улар норасиданинг кўнгли нималар тилаганини пайқайолмай доғда эдилар. Тезроқ тили чиқиб, у керак-бу керак деб буюрақолсаю, ота-она жон чекиб уёқдан-буёққа югурақолса. Майли, фалон шаҳар керак десин, дун'ёнинг нариги чеккасига бориб фалон нарсани топиб кел десин,— Қудратиллахўжанинг қурби етади, у ҳам-масига тайёр, унинг бутун давлати шу бебаҳо ўғилнинг оёғи остида.

Аллақайси бир бой соявон извошда ўғил кўргани келганда, меҳмон қўлидаги Нусратилла попук ва мунчоқлар блан безатилган отга қараб интилган эди. Шунда ота унинг кўнглидаги бир орзуни пайқагандай бўлиб қувонди ва Нусратилла қизамиқдан қутилган кунни хурсандлиги-

дан бир эмас — иккита тойчоқ олиб келиб берди. Тойчоқнинг биттаси ювош чиқди, Нусратилла икки кунгача унинг ёлига тўнғизтароқ ёпиштириб ўйнадию, кейин қарамай қўйди.

Тутқаторлик Наимхўжа эшоннинг ўғли Салимхўжа муллавачча бу оилага тез-тез келиб турар ва Нусратилланинг иқболу истиқболи ҳақида кўп чиройли китобий сўзлар блан гапирар, янги шарқнинг қудрати, миллатнинг гули бўлади, деб мақтар эди. Унинг эндигина ота дун'есининг айшини суриши керак бўлган болага алланима машаққатлар юклайдиган бу гаплари Қудратиллахўжа блан Ҳожарбибига сра ёқмасди. Айниқса «бой, энди ўғилчани ўқитинг» деб қолгудай бўлса борми, Ҳожарбиби муллаваччани худди талаб ташларди:

— Эсингизни едингизми, Салимхўжа айланай, ўқиб шаҳар олиб берадими? Отасининг мол-дун'еси камлик қилаяптими?

— Эндиликда тижорату мусовида илм-урфон блан бўлади, илм ўргансин,— дер эди Салимхўжа.

— Илм ўрганганлар, ўғлимнинг пулига ўйнаб турсачи, нима дейсиз?— дерди Ҳожарбиби бу саволни бутун гавдаси блан ифодалаб.

— Ундоқ эмас, янга, энди замон бўлак, энди давлат ҳисоб-китоб блан барака топади. Пишиқлик, ақли-тадбир, дун'е кўрмоқ — ҳозирги сармоядорларимизга мана шулар етишмайди.

— Ҳисоб билмаса, қўлида ҳисоб биладиган одамлари бўлади, дун'е кўрмаган бўлса, пул тўласа — извошчи шундоқ олиб бориб кўрсатиб келақолар. Қўйинг, боламнинг бошини айлантирманг, ўзи зерикиб турипти.

Бундай пайтларда жаҳли чиққан Ҳожарбиби ўғлини кўтариб меҳмоннинг олдидан олиб кетарди.

Нусратилла эси кирмасданоқ бир нарсани тушгунди: ҳамма, ота блан она ҳам унинг ҳукмида, ҳамма ва ҳамма нарса унинг учун яратилган, унинг атрофида айланади, унинг блан тирик. Одамлар ва ҳамма нарсалар унинг хизматида, Нусратилла истаса-истамаса, улар барибир унга хизмат қиладилар, ҳатто зўрлик блан хизмат қиладилар, шунинг учун бирор одамни яхши кўриш ёки бирор нарсага ихлос қўйиш шарт эмас. Шунинг учун у, атрофидаги ҳамма нарсага, ҳамма одамларга ҳам ўз хасмидаги буюм деб, паст назар блан қаради. У ота-онасини яхши кўрган эмас. Болалигида уларни ҳадеб парвона

бўлиб, шилиқ қуртдай ёпишаверганлари учун ёмон кўрди, эндиликда эса — нима учун эканини яхши билмаса ҳам, айниқса отасини, кўрарга кўзи йўқ.

Отаси унга қандайдир ташвиш бўлиб кўринади. Турган-битгани кони-ташвиш, кўз қараши ҳам, гапириши ҳам. У ўғлини ёмон кўради, буни Нусратилла анчадан бери пайқаб юрипти. Айниқса пул ҳақида, пулни исроф қилмаслик ҳақида гапирганида Қудратиллахўжа унга бир даҳшатли офатга қарагандай тикилади. Ҳечкимни яхши кўриш, ё ёмон кўриш шарт эмас, дунё шундай экан деб юрган Нусратилла умрида биринчи душманини учратди. «Ҳали шу одам менга танбиҳ қилдимиз» деб ўйлади Нусратилла биринчи марта. Кейин-кейин бориб бу одам унинг ҳаётига душман бўлиб қолди. Ҳаёт эса Нусратилла учун зерикмасликнинг йўлини топишдан иборат эди. Зерикмасликнинг йўли пул эканини Нусратилла анча эрта тушунди. Пул эса — ота экан, пул отаники экан. Ўзи фаҳмлаган бу янгилик Нусратиллага ёқмади: нега уники бўлади?

Нусратилла ҳаётининг оғирлигини англайбошлади, унинг йўлида душманлар пайдо бўлди. Унинг ота мулки тагидан зил кетди. Қилтириқмахсумнинг гапига қараганда дўконларда кечанинг ўзидаёқ 29 минг зиён кўрилипти. Ҳаркун бўлаётган бунақанги гаплар, ваҳимада қолган, тажанг, инжиқ отаси Нусратиллани ба'зан ғазабга келтирар эди. Нусратилла энди жуда ўзгариб кетди — серташвиш, баджаҳл бўлиб қолди, ба'зан мияси торс ёрилиб кетай дейди, уни қандайдир ваҳимали ўйлар қийнайди. У ба'зан бунинг ҳаммасини унутмоқчи бўлиб, турмушнинг фақат лаззатли томонларинигина ўйлашга уринади. Инчунун, Қулматқорани бир кун эмас бир кун шип-шийдам қилиб, гўлахонада тиз чўктириш орзуси қанчалик лаззатли!

Ўйланиш ташвишининг лаззати-чи! Буёғини айтмай-сизми! Мана икки ҳафтадан бери ҳовли алғов-далғов. Ўтган йили бостирмани бузиб ўрнига солинган икки хонали уй бўшатилиб, келин-куёв учун ясатилди. Деворига олти газлик наманган каштаси қоқилди, сандиқлар киргизилди, тахмонларда қават-қават кўрпалар, ҳовуз бўйида аллақандай хотинлар яна кўрпа қовишаяпти. Қилтириқмахсум қоп, халта, сават, кажавалар кўтариб бозордан келиб, бозорга кетади. Ҳожарбинининг оёғи ерга тегмайди. Келди-кетди, кечалари шам етишмайди.

Бу бесаранжомликларнинг ҳаммаси Нусратилла учун эди. У икки ҳафтадан бери бу куйди-куйдиларни кўра-бериб, ҳамма нарсанинг ҳал бўлганига ишонди қўйди, ўзини тап-тайёр куёв деб ўйлашга ҳам кўникиб қолди. Кун иссиғида у безатилган уйга кириб, ёстиқни биқинига босиб, шойи кўрпага ёнбошлар, атрофда ўзи туфайли бўлаётган безовта қадамларга шавқ блан қулоқ солар, ба'зан қопда тут майизми, баргак ё бодом кўтариб ўтган Қилтириқмахсумни чақириб иш буюрар эди.

Ҳозирча ҳовлининг қоқ ярми унга ўтиб турипти, лекин унинг тараддуди ҳовлининг ҳамма жойида бўлаяпти, яқин орада бутун мулку чорбоғ шундайича унинг ҳукмига ўтиши ҳам ҳеч гап эмас.

«Уз» уйида ётаркан, онасига бир иш буюргиси келиб кетди.

— Ҳой, ойи, ўтинхонанинг эшигини қоқтириб қўйдингизми?

— Ҳа, болам.

— Этигимни олиб келинг.

Нусратилла керишиб, кўрпачага чўзилди, ердаги гиламни сийпади. Ҳа... бу гиламларда оёқ яланг шипиллаб ҳадемай келинча ҳам юриб қолади... Ҳозир унинг ширин, уятчанг говуши гўё Нусратилланинг қулоғига чалинди: «Уқалаб қўяйми?..»

Бундай хаёллар Нусратилланинг тушида ҳам, ўнгида ҳам калласида кўп чувалашадиган бўлди. Ҳали келин йўқ, унинг қандай экани нома'лум, лекин бу Нусратилланинг эсига ҳам келмайди.

У Башоратнинг юзини кўрган эмас, лекин унга ишқи тушиб қолганига сра шубҳа қилмайди. Шу бу йил баҳорда, Қўштегирмон анҳорига лойқа қор суви энди келган пайт эди, Нусратилла извошда келаётиб сув ёқасида икки қизни кўрди. Кичкинаси, бошяланг, сочи узун, кўзлари катта-катта, узунчоқ юзли қизча, сувга оқиб кетган коптогига термулиб чинқирди:

— Опа, опа! Вой ўлай, ана қалқиб-қалқиб кетаяпти!

Шунда бошига камзулча ёпиниб олган каттароғи этагини липпасига қистирди-да, коптокни олдидан тўсиб бориб анҳорга тушди. Унинг тўлагинадан келган қоматини, офтобда ялтираб кетган қорача болдирини кўриб, Нусратилланинг а'зойи-бадани жимирлаб кетди. Иккинчи кун нима ҳам бўлиб, отасининг устахонасига кирган эди, ҳалиги узун сочли кичкина қизчани Онахоннинг ёнида кўрди.

Бунинг устига, бир куни гўлахонада бирнима бўлиб қизлардан гап очилдию, Умарялли Турдиматчўталга қараб Ёашоратни таърифлаб қолди:

— Собир мастеровойнинг катта қизини кўриб қолдим,— деди у,— ўн тўртдан ўн бешга қадам қўйиб, оқи-оққа, қизили-қизилга ажралиб, олмадеккина қиз бўлипти-да, шоҳсупага зебижаҳон қилиб ўтқазсангу, хипча камалак белларини эгиб-эгиб ташласанг...

Бу гапдан Нусратилланинг тани жиз этиб кетди, Турдиматчўтални еб ташлағудай қараб, кунчилаганини билдириб қўйди.

— Сўлагингни йиғиштир,— деди олайиб.

Қисқаси, шу-шу бўлдию, уйланиш ҳам, кимга уйланиш ҳам ва қачон уйланиш ҳам, ҳаммаси бирданига ҳал бўлди-қўйди. Омад келдию, Нусратиллага тушунарли бўлмаган қандайдир сабаб блан ота ҳам розилик берақолди.

Ҳозир ҳамма нарса тайёр ва Нусратилланинг кўнгли мутлақо тўқ, назарида келин қўлга кирган ҳисоб эди. Нусратилла уйланиб бўлганига сра шубҳа қилмас, бунга бутунлай кўникиб ҳам қолган, фақат ёнида келин пайдо бўлиши керагу, Нусратилла унга ўз истагини буюравериши керак.

Ҳали совчи қўйилгани йўқ. Қудратиллахўжа блан Ҳожарбиби буни аҳамиятсиз, майда масала деб энг охирга қўйдилар. Нусратилла эса буни хаёлига ҳам келтиргани йўқ: нимаси бор — Қудратиллахўжабой сўратадию, Собир мастеровойнинг беваси қиз бермайдами! Ҳали қувонганидан ҳушидан кетиб юрмаса. Худо ол қулим деса беравер экан, шу бечора бевага ҳам омад келди. Майли қувонсин, бояқиш, у ҳам одам-ку. Лекин жуда ҳам катта кетди-е, бахти бор экан, Қудратиллахўжабой зотига қон қўшиш унча-мунча одамга насиб қилавермайди!

Лекин бир нарсадан Нусратилланинг боши тинчимали: пул! Ҳамма нарса жойидаю, шу пул ҳақида ўйлаганида хаёлининг калавасини йўқотади-қўяди. Пулнинг бу қадар зарур нарса эканини илгарилар сра ўйламаган экан. Аксига, Қулматқора блан учрашув ҳам, уйланиш ҳам бир вақтга тўғри келди. Ҳозир Нусратилла отасига пул ҳақида бир нарса деёлмайди, нима дейсанки — тўй. Отадан пул олиш минг олайнш, минг ёлғон, не-не найранг блан бўларди, энди эса бутунлай яқин йўлаб бўлмайди. Ана у шилқим насихатгўй бўлса (Нусратилла Наимийнинг отини кўпинча эсидан чиқариб қўярди) мактабхонага деб

йиққан пулим бор, бериб тураман деган эди, у ҳам бирдан айнаб қолди. Аллакимлар тергаб пулни олиб қўйишганмиш. Шу одам ҳам тутруғи йўқ, лайчадек сермулозимат бўлиб кетаяпти, тергаганга лаққа тушиб пулни бериб қўйиб ўтирса энди, тавба. Ўша пул бўлганда Нусратилла Қулматқоранинг олдига кўкрак кериб кириб борарди.

Асакалик машҳур қиморбоз Қулматқора «тўртол»чиларнинг «елкаси ерга тегмаган» кузури эди. У шаҳармашаҳар юрар, ҳарбир шаҳар йигитларининг мовқи'и у келганда ўзларини қандай тутишлари блан белгиланар эди. Бирор шаҳарга келганида унга тараф чиқмай қолса борми, бундай шаҳарнинг йигитлари йигит ҳисобланмасди. Шундай қилиб, Қулматқоранинг ҳарбир сафари бир шаҳарнинг масаласини ҳал қилар эди. У ҳали бу атрофда бўлган эмас, йигит аро унинг даҳшатли номигина юради. Шаҳарда уни ўз кўзи блан кўрганлардан биргина киши бор — у ҳам бўлса Турдиматчўтал. Ўтган ҳафта Турдиматчўтал Қулматқоранинг шифтдаги ошиқни ердан туриб қандоқ қилиб уришини ҳикоя қиларкан, тўсатдан кўрқинчли бир хабар айтиб қолди: шаҳарга Қулматқоранинг ўзи келадиган бўлганмиш. Ростми-ёлғонми, Турдиматчўталнинг айтишига қараганда, у найманчалик Нусратилла бойваччанинг отини ҳам тилга олганмиш. Агар шу рост бўладиган бўлса шаҳарнинг номини исноддан сақлаб қолиш Нусратилланинг зиммасига тушипти. Бормаса бўлмайди, бу атрофда бошқа тузук-қуруқ бойвачча ҳам йўқ. Бўлганда ҳам-чи, бўлганда ҳам Нусратилланинг бормай қолиши тўғри келадими, шаҳарнинг номини гўрга, Нусратилла бойвачча Қулматқорадан қочипти деган гап тарқайдиган бўлса — шармандаликнинг бундан ёмонли борми. Тагин унинг номини тилга олган бўлса...

— Ҳа, даюс Наимий, алдади-я ҳезалак... — деди Нусратилла чўтир юзига қалққан совуқ терни артиб. Бу вақт унинг этигини олиб келган Ҳожарбиби бир нарса деди шекилли, Нусратилланинг қулоғига кирмади. — Ҳа, пул-а, пул! — Жон-жаҳди блан тортган эди, этикнинг қаеридир қирс этиб кетди. — Қиморга ҳам пул, тўйга ҳам пул, қиморга ҳам бош қотир, ишқи-муҳаббатга ҳам бош қотир, қанақа дун'ё ўзи бу!..

Урнидан турди, унинг важоҳати ёмон эди — Ҳожарбиби лип этиб чиқиб кетақолди.

Нусратилла кўчага чиқиб, ўзининг одатдаги йўлига юрди. Бу йўл уни биринчи марта одамлар блан таништир-

ган ва ҳозиргача у таниган одамлар асосан шу йўлдагилар эди.

Қудратиллахўжаникига кўп одамлар келиб-кетиб туради. Лекин отасининг атрофидаги одамлар Нусратиллани қизиқтирмади. Улар ҳаммаси унга қандайдир ёт, нуқул зериктирадиган, тадбирли гаплар гапиришади. Уларнинг кўпи нимаси бландир унинг отасига ўхшаб кетади, зиқна, серташвиш, бир-бирларини ич-ичидан ёмон кўрадиган одамлар. Нусратилла уларнинг ҳаммасини ўз отаси қаторига қўшиб, ёппасига ёмон кўрди. Бу одамлар, бу гапларнинг нима кераги ҳам бор? Буларнинг Нусратиллага алоқаси йўқ, Нусратилланинг йўли бошқа, унинг таппатайёр ота мулки бор, егани олдида-емагани кетида.

У шундай деб ўйлардию, отасининг шу кунлардаги аҳволини эслаб титраб кетарди. «Йўқ, менинг мулким, ҳечкимнинг ҳадди йўқ!» деб кимгадир тиш орасидан газаб блан пичирлаётганини пайқаб қоларди. Ҳа, у энди илгариги Нусратилла эмас. Илгарилари у, худди кардек, муҳитни пайқамас, тўғрироғи менсимас эди. Ўз ота-бобосининг узоқ йиллик мавқи'ини абадий деб, бу ҳаёт шундай яратилган ва доим шундай бўлиши керак деб англар эди. Шунинг учун отасининг югур-югурларини тушунмас, ортиқча деб билар, аралашмас ва аралашгиси ҳам келмас эди.

Ота, ичидан ўтганини ўзи билди. Бу мавқи'ини, бу мол-мулкни сақлаб қолиш, ортдириш учун неча-неча хатарли чиғириқлардан ўтиб келди. Ба'зан жони ҳалқумига келиб ўзини нималарга урмади, неча марта қалтис тавакқалларга борди, неча марта пачоғи чиқиб, яна тикланиб олди. Нусратилла буларнинг биттасини ҳам пайқагани йўқ. Бундан бирнеча йил аввал Қудратиллахўжабой нажот йўлини қидириб «Туркистон савдо жамияти»га а'зо бўлди, ундаги катта савдогарлар инглизча сиёсат тутиб, Қудратиллахўжани топтаб ўтдилар. Бир пачоқ бўлди—Нусратилла билгани йўқ. Кейинроқ Қудратиллахўжа та'минот идораларида ўтирган Наимийга ўхшаш «ўз кишилари»нинг «очлик доми блан Туркистонни бўғамиз» деганига ишониб, умиди пучга чиқди. Яна жар ёқасига келиб қолди—Нусратилла билгани йўқ. Бунақанги фожиали воқиалар биронтаси ҳам Нусратиллага етиб келган эмас. Нусратилланинг назарида гўё ҳамма нарса илгаригидай, ҳамма нарса ўзгармас ва бузилмас эди. Шунинг учун отасининг асабийлигига, тажанг-талабчанлигига, қитмирлиги-

га тушунмас, уни ёмон кўрар эди. Энди эса ўзи ҳам худди отасидай, балки ундан ҳам баттар бўлиб қолди. Мулк ҳақида ўйласа талвасага тушади, ваҳший қиёфага кириб тўлғонабошлайди. Нусратилла кейинги вақтларда бу азобли ўйлардан вақтинча бўлса ҳам қутилишнинг бирдан-бир йўлини топиб олган. Шаҳар кўчаларидан ўтиб, «Кунжараҳаммомнинг гўлаҳхонаси» деб аталган ишратхонага кириб борса бас, бу нарсаларнинг ҳаммаси эсдан чиқади,— яна ҳамма нарса ўша-ўша; гўлаҳхона эшиги очилиб улфатларнинг овозлари эшитилиши билан Нусратилла яна ўша муқим, бузилмас, илгаригидай шўх-тўкин, қонунсиз, беозор, эрка ҳаётига кириб боргандай, бу азаллий ҳаётнинг замини бузилмаслигига яна ишонч ҳосил қилгандай бўлар, ўзини бемалол сезар, истаганини қилар эди. Беғам ва танти улфатларнинг ширакайф нафаси ва чилим тутуни билан исиган бу хонада Нусратилла қандайдир қуюқ туманнинг беозор тўлқинида роҳат қилиб сузгандай бўлар эди.

Чорбозор маҳалланинг пастқам кўчасидаги Кунжараҳаммомга яқинлашганда Нусратилла атрофига бир аланглади, этигининг ғарчини босиш учун оёқ учида юриб ичкарироққа кирди. Қулоқ солди: гўлаҳхона жимжит эди. Уни хушмўйлов Турдиматчўтал кутиб олди. Беқасам кийган, юпқа, эгилиб турган тахтадеккина бу одам қуюқ саломлашиб аҳволни гапиракетди: Қулматқоранинг дарагини эшитиб бойваччаларнинг биронтаси ҳам келмапти, тўртта-бешта чакана ҳаваскорларгина келиб, улар ҳам киргани юраги дов бермай атрофда писиб юришганмиш. . .

Нусратилла, бир томондан, ваҳимада қолди, лекин, бир томондан ёлғиз бўлгани ҳам тузук — ким билади ҳали бу учрашув нима билан тугашини.

Турдиматчўтал гўлаҳхонани мой томса ялагудек қилиб, афтидан, бор зехнини бериб тозалаб қўйган эди. Ер қа'рига чўкиб ётган бу хонанинг шифти жуда ҳам баланд, биттагина кўмкўк кўзли дарчаси бор. Ташқаридан ўтганингизда ўша дарча тиззангиздан келади холос, ичкаридан қарасангиз худди шифтнинг ёнгинасида. Гишт полнинг ўша дарчадан ёруғ тушиб турадиган ўрта бир ери силлиқланиб, қайишдай ярқираб кетган. Девор ёнларида кўрпача, якандоз, ёстиқлар. . .

— Сизга қойилман,— деди Турдиматчўтал нашали чилимни қуриллатиб тортгач, Нусратиллага узатиб,—

бойваччаларингиз ҳаммаси шаталоқ отиб қочди. Қочганича ҳам бор-да. Қулмат жўравоши тараф чиқмаса шаҳарнинг қутини олиб кетадию, лекин тараф чиққанни ҳам аямайди, ҳа, дов отадиган бўлса-чи, кўзига қон тўлиб, йиртқиш бўлиб кетади. Худо ҳақи.— Турдиматчўтал бу гапларни машҳур Қулматқорани қанчалик яқиндан билганлиги блан мақтаниш учунгина бошловди, қараса бугунги бирдан-бир овини ҳам чўчитиб юборадиган. Бойвачча ваҳимага тушиб, кетиб қолса нима бўлади, ҳали ҳам бугун улгуржиги интилиб, чакана чўталдан қуруқ қолай деди.— Сиз блан ўйнамаса ким блан ҳам ўйнайди,— деди гап оҳангини ўзгартириб,— товва пуккани ейди, олчи чиккани ейди дегандек, бой берсангиз нима, сиз ҳам ютиб юргансиз. Ҳозир унга тараф чиқишнинг ўзи ҳам обрў. Шлайга ўтиб оламан деяпти ўзи ҳам, азбаройи «тўртол»да тараф чиқавермаганидан. Лекин «елкаси ерга тегмаган» деб бекор айтишади, у ҳам бой берган, ҳа. Бой берадию, ўзи ютмагунча ўйинни тўхтатмайди, ҳеч нарса қолмаганда бутун а'золарини битта-битта тикаверади—қўли, бурни, қулоғи, оёғи, охири бориб калласини... борингки — занжирлаб ташланг барибир ўйнайди, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Э қўяверинг бу одамни, ўз ажали блан ўлган — қиморбоз эмас дейди, ҳа. Лекин ютқизмаган эмас, ютқизган. Шоаҳмад жўрабоши деган бўлар эди, раҳматлик, ўшанга чап қулоғини шартта кесиб берганини ўз кўзим блан кўрганман...

Оёқ товуши эшитилди, Турдиматчўтал дик этиб туриб ташқарига чиқди. Унинг гапларидан кейин жимжит бўлиб қолган, қоронғи гўлаҳхонада Нусратиллани нимадир бўғаётгандай туюлди. Бир ниманинг ҳиди келди, қон ҳидига ўхшайди. Кўзи тинди. Бу нима — ваҳимами ё зах ҳаво ёқмадими? Нусратилла юрагини ушлаганча отилиб ташқарига чиқди.

У зинадан чиқолмади — ундан одамлар тушиб келаётган эди. Учраган деворни дўнг пешонаси блан туртиб ағдарадигандай бўлиб, пакана, бақувват гавдасини сал энгаштириброқ энг олдинда келаётган одам Нусратилланинг кўзига ҳам, ақлига ҳам келиб урилди: «Қулматқора!» У чиндан ҳам кўмирдай қора, бўйни бутунлай йўқ, ялтироқ учли калласи шундоққина гавдасига келиб туташгандай кўринар эди. Қирқилган қулоғи тептекис бўлиб битиб кетган, бу унинг силлиқ калласига шундай ярашганки, соғ қулоғи худди ортиқчадай кўринарди. Дўнг

пешонасининг пастки қирраси иккита еввойи бароқ қош блан тамом бўлади, бу қошлар тагида, аллақаердадир, жуда ичкарида, гўё бировга «ҳа, бечора, кунинг тугапти» деб турадиган кўзлар йилтиллайди. Тиззасидан ҳам пастга тушиб турадиган, саксовулдай бесўнақай узун қўллари унинг доим олдинга эгилиб турган гавдасини пакана қилиб кўрсатарди.

Қулматқора Нусратилланинг олдидан индамай ўтиб, ичкарига кириб кетди.

Унинг кетидан келаётган Умарялли ғирт маст эди. У қиморга ўзи унча бош қўшмайдию, лекин худонинг берган куни шуерда, улфатчиликка муккасидан кетган, ўлгидек «ширин бола».

Умарялли Нусратиллани ичкарига бошлаб кирди. Рўпарасига туриб олиб, қўлини кўксига босди. Унинг оёқлари гавдасини, бўйни эса бошини зўрға тутиб турарди. Кўзлари қисилган, оғиз четлари кўпиклашган.

— Нусратилла ака, мен-чи. . . Мен ҳарқандай душманингизнинг уруғини қуритаман. . . Мен-чи, Нусратилла ака, ҳарқандайини, менга қаранг, хафа бўлмадингизми, ака, а? Хафа бўлмадингизми? . .

Умарялли маст бўлса гапи шу эди. Бу гаплар, ҳаркунгидай, Нусратилланинг бир қулоғидан кириб иккинчисидан чиқиб кетди.

— Қимордан қасам ичганингиз йўқми, бойвачча?— деди Қулматқора ўтирган жойидан Нусратиллага қарамасданоқ. Унинг паст, йўғон овози қаердандир ер остидан чиққандай эшитилди. Нусратилла ялт этиб қаради— у, меҳмон мени ҳали танигани йўқ деб ўйлаган эди, йўқ— шунчаки, менсимаган экан, саломсиз-несиз, беписанд ва бема'ни сўроқ унга ҳақорат бўлиб эшитилди. Нусратилла ушнинг қора тошдай дўнг пешонасидан кўзини олмай, секин, жуда секин бориб кўрпачага ўтирди. Индамай қолдилар. Қоронғи бурчакда наMATга ағанаган Умаряллининг гингшиган ашуласи тинчликни бузди:

Қарғалар учса қаранг-нг-инга-а-нглар
Марғилонни йўлига. . .
Ҳинди чиқса маст бўлай-нг-инга-ингайлик
Хандалакни бўйига. . .

Ҳўҳхўў. . . э сени нас босганда бисмиллосиз яратиб ташлаган худойимдан ўргилдим. Бизни яратганда ҳам, ҳафсаласи келмай, пешонамизни намакопдан чалакам-

чатти чаплаб кетаверган экан дейман-да. Пешонамизга хотин ўрнига нуқул шўр битипти. Уҳҳ...

Қулматқора пўстакдек қошининг тагида қолиб кетган ўлик кўзларини кўтариб бойваччанинг бўзарган чўтирларига тикилди.

— Бола экан,— деди ҳечнарсга тушунмайдиган ҳайвон боласига қараб гапиргандек. Кейин чилимни ютиб юборгидай қилиб тортди.— Ота мулкига отмайман,— деди аччиқ тутунни Нусратилланинг юзига пуркаб. Нусратилланинг ғазаб тўла кўзларига аччиқ тутун яқин йўламади, унинг вужудини титроқ босди: бунча ҳақорат қилади, ким деб ўйлаяпти ўзи?

Бу вақт гандираклаб Умарялли яқинлашди, оёғида зўрға турган ҳолда, қўлини кўксига босиб Қулматқорага гапирди:

— Йигит оға, мен-чи.. мен душманингизнинг уруғини қуритаман, хафа бўлмадингизми-а, бўза опкеламан. Пирим деб сизга қўл берганман-а, хафа бўлмадингизми?

Қулматқора унинг гапини эшитгани ҳам йўқ, жавоб ҳам бермади.

— Турдиматчўтал!— Умаряллининг овози эшик олтидан эшитилди:— Бўржарга ғизилла, акаси, бўза, муздек бўза бор.

Хандала-ак бўйликкинам, сен унда зо-ор,
Мен бунда зо-о-о-р...

Ҳҳўў, у тиззангдан бу тиззангга учиб ўтадиган, қома-тингга қул бўлиб кетай, бир парипайкарни кўрдиму жабру-фироқида қолдим-да. Қудратингдан ўргилай ишқ савдосиям чакана шўриш қилмас экан. Уша махлиқо жодукўзнинг дарди ўлғир ичимда қумурсқадай тухум солади-я! Ўзи дейман, мўйи-тукимгача ишқ-муҳаббат бўлиб кетган эканман-да, қудратингдан...

Умарялли қайсидир бурчақда ўзича гўнгиллаб-гўнгиллаб наматга чўзилдию, овози ўчди.

Нусратилла рўпарасида чўяндай қорайиб ўтирган душманининг ҳақоратларига қарши қақшатғич бир гап тополмай, ҳамон ёнади. Буни билмаган, балки билгиси ҳам келмаган Қулматқора эса гўр ичидан гапиргандай паст ва йўғон овоз блан давом этди:

— Ота мулки шу топда бойваччага эмас, отанинг ўзига ҳам омонат.

Нусратилла бир тўлғониб, тупугини зардобдай ютди, жавобга гап тополмади. У ҳозир ичида ўтини ёргудай

кучли алам сезар эди. Белидаги битта қийғини жаҳл блан шартта ечиб, бир ғижим пулни ялтироқ ғишт устига сочди. Қулматқора унинг жон аччиғини пайқамади ҳам, секин қимирлаб, қўлидаги чилимнинг найчаси блан пулнинг ярмини Нусратилла томонга суриб қўйди.

— Извошингизга қолсин,— деди,— ростимни айтсам кейинги вақтда жамики бойваччани қиморбозликдан ўчириб қўйган эдиму...

Гўлаххона ғиштига сочилган пулнинг ҳидини ухлаганида ҳам сезадиган Умарялли кўзини уқалаб келиб пулга бемалол чангал солди. Қулматқоранинг ёнидаги қийқни олиб пулни тугабошлади. Нусратилла нима гап эканини тушунмай, йиғиштирилиб кетаётган пулга қараб интилган эди, Умарялли илжайиб, худди шу маҳал Қулматқора ёнидаги қийшайтириб қўйилган силлиқ ғишдан чиқ этиб сапчиб Нусратилланинг қўли остига тушган ошиқни кўрсатди:

— Келди, бойвачча.

Ошиқ олчи эди. Қулматқора унга қайрилиб қарамади ҳам. Фақат, Умарялли тугаётган саналмаган пулни чилим найчаси блан яна ғишт устига таратиб қўйди ва ҳеч нарса бўлмагандек салмоқ блан гапини давом этдирди.

— Бойваччалар блан ўйнаганимда ҳам пулига отмайман деб қўйган эдим.— Бу маҳал ҳалиги қийшиқ қўйилган силлиқ ғишдан ошиқ яна чиқ этиб сапчиди. Ошиққа Нусратилладан бошқа ҳечким тикилмади. Умарялли ўртадаги пулни аллақачон санаб тахлаган эди.

— Етти бола,— деди у.

Бутун куч ва иродасини гангиб қолмаслик учун сарфлаётган бойвачча яна етти минг сўм ташлаш кераклигини тушунди. Уртада ўн тўрт минглик қоғоз уюмини кўргандагина Қулматқоранинг ўлиқ кўзларига пича жон кирди, ўрнидан кўзғалиб чўкка тушиб ўтирди.

Бу вақт бир меш бўза кўтариб Турдиматчўтал кириб келди. Эшик тагидаёқ бўзадан бир коса ичиб олган Умаряллининг ширакайф шов-шуви Нусратилланинг кўнглини лоҳас қилар, жиғига тегар эди. У, олдига келтириб қўйилган, бўза кўпириб турган шокосани четга суриб қўйиб Қулматқорага тикилди. Тикилдию, Турдиматчўталнинг «йиртқич бўлиб кетади» деган гапи эсига тушди — у гўё олдинга ташланмоқчи бўлиб ўтирар, аста-секин қонга тўлаётган кўзларини ўртадаги пул ую-

мидан узмасди. Нусратилла бўшаган қийиғи блан пешонасидаги муздек терини артди, четга суриб қўйган бўзасини яна олиб шимириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Унинг қўллари қалтирар, кўз ўнги қоронғилашар, хаёли бир жойга келмас эди.

— Сиз, йигит оға, Нусратилла бойваччани кўпам камситаверманг,— Умарялли қийшиқ ушлаган косасидан бўзани Нусратилланинг устига тўка-тўка гапирди,— яқинда уйланыптилар, ота мулк ҳам лип этиб ўзларига ўтади ҳали.

Қулматқора бош кўтарди, ошиқни қўйиб қўйди. Нусратилла унинг юзида биринчи марта жиндак илжайиш аломатини кўрди.

— Мулк ўтмасу, лекин уйланганлари яхши. Йўқ, Умарбек, сиз нега ундай дейсиз, мен бойваччани камситиб бирнима дедимми? Аксинча, бойвачча менга ёқаяпти.

Қулматқора фавқулодда жонланиб кетди. Бўза косаларини бирин-кетин бўшатиб берди. Кутилмаганда дов отиб чув тушди... Ўртада тўпланиб қолган бир рўмол пулни ўзи йиғиштириб бойваччанинг олдига сурди.

Нусратилла бу ўзгаришдан бир чеккаси қиттак шубҳага тушдию, лекин у ҳам жонланиб кетди: ўйнаса бўлар экан! Ошиқ Нусратиллага ўтди.

— Гарткам!— деди ҳам кайфи ошиб, ҳам қувониб кетган Нусратилла кўкрагига қарс этиб уриб.

— Келди!

— Гарткам!

— Келди!

Нусратилла ўртага яна шу рўмолдагичалик пул тўплаб олди. Тамоша қилиб ўтирган Умарялли тамбаллик блан бир эснади-да, ўз бурчагига бориб чўзилди. Қулматқоранинг бу найранги ўтгунча ўйиннинг қизиғи йўқлигини Умарялли яхши биларди. Ҳақиқатан ҳам, ошиқ Қулматқорага ўтгунча эди. Бир соат деганда пулни ҳаммаси Қулматқорага қайтди-қўйди. У Нусратиллани истаган куйига соларди. Аввал бошда Нусратилланинг пули бору, вужудида олови йўқ эди, энди эса аксинча: қийиқчалар қуруқ, лекин вужуди ёнади. Қулматқорага ўхшаб суяги гўлаххонада қотганлар, қўлга тушган ёш қиморбозни мана шундай ўз оловида қовирадилар.

Нусратилла ҳамма нарсани унутди, буерга қачон келганини ҳам, нима ютқизганини ҳам эслолмайди. Унинг

кўзи кичкинагина сапсариқ, йилтироқ ошиққа қадалган, кўзи эмас, бутун вужуди шунда, гўё ҳозир бутун дунё шу ошиқ атрофида айланади. У, бармоқ учиди турганида пул, обрў, йигитлик, ҳаёт бўлиб кўринади, кўнгилда бир умид тўлқинини кўзгайдию, чиқ этиб ғиштдан сапчиганда ҳаммасини ерга уриб чил-парчи қилади, кўнгилни янги алам, янги дард блан тўлғазади. У ҳозир ҳар сапчигада Нусратиллани шармандалик ботқоғига, чуқурроққа олиб кирмоқда. Уни этик пошнаси блан эзиб ташлаб бўлмайди. Ботқоққа кирган сари, аҳвол оғирлашган сари, ҳатто тугадим деганда ҳам, қаердадир умиднинг бир учқуни қолади-да, одам унга кўз тикканда жар ёқасида турганини унутиб яна олдинга қадам кўяди.

— Ота мулкени тикиш йўқ.

Нусратилла бу хотиржам овозни эшитганда ўзининг соб бўлганини англади. У, вужудини алангалатаётган аччиқ аламини кўтараолмади, боши шилқ этиб қуйи тушди, жундор қўли блан гўлаҳхонанинг тупроғини чангаллаб қолди. Титроқ оёқларида дармон йўқ эди, маст бўлдим деган хаёл келди бошига. Нимадир гаплашилапти, Нусратилла тушунмайди. Ҳа, у маст.

Йўқ! У тушунапти. Ана Умаряллинг овози:

— Бойваччани тугади деб ўйлаяпсизларми? Сал кайф қилиб қолди холос. Ҳали унинг давлатини тугатолмайсиз, жўравоши. Қуёвнинг бойлиги энди бошланади. Тикаман деса қаллиқ турипти ҳали...

Нусратилла гандираклаб ўрнидан туриб кетди. Кўзи ваҳшат блан ёнар, юзининг чўтирлари бўртиб, қорайиб кетган эди. Кўкрагидан қандайдир даҳшатли овоз тўлқинланиб келдию, бўғзида кўндаланг туриб қолди, атрофини ўраб турганларнинг қайсибири ким эканини танимади, ҳарбирига ўтли ғазаб блан тикилдию, ёрилиб кетмаслик учун тезроқ эшикка отилди...

Унинг орқасидан ҳечким чиқмади. Кўча қоронғи эди. У туртиниб-суришиб, деворларни ушлаб, қайси томонгадир анча юрди. Муюшга етиб бир симёғочга суяниб қолди. Нима воқиа бўлганини, ўзининг қаерда эканини эслашга уринди. Тун салқини уни анча тетиқлантирди шекилли, кўз олдида Қулматқоранинг қулоқсиз, силлиқ калласи тавдаланди. Энди Нусратилла нима бўлганини яхши эсига олди, шунда қулоғининг тагида Умарял-

лининг охирги гапи жаранглаб эшитилди: «Тикаман деса қаллиғи турипти ҳали. . .»

Нусратилла тишини тишига босиб, симёғочни тирноқлари ботиб кетгудай маҳкам ушлаб турарди. «Тиксам-чи! Тиксам ким нима дейди! Нусратилла бойвачча тамом бўлди деб ўйладингми, аблаҳлар! Йў-ўқ!» Қулматқоранинг чўяндек пешонаси яна кўз олдига келди.

«От! От, аблаҳ! Тикдим!» Нусратилла шартга орқасига қайтмоқчи бўлди. Бир-икки қадам юргандан кейин қараса, катта кўчада турипти. Оёқлари беихтиёр юриб кетди, гўлахона орқада қолган эди. Нусратилла қоқина-қоқина юрар ва ўзича гапирар эди: «Мени қайтиб келади деб қолди у қора алвасти. Шошма, қайтиб бораман! Сен блан тишлашаман ҳали!».

Саккизинчи боб

Қумри клубдаги мажлисдан чиқиб келганидан бери Онахон у блан бапуржароқ ўтириб гаплашгани йўқ эди. Бунинг учун у куни Жўраҳон ҳам танбиҳ берди. Ундан ташқари, Қудратиллахўжанефмон устахонасида қолган хотинларнинг ҳозирги кайфиятини фақат Қумридангина яхшилаб билиб олиш мумкин эди.

Шунинг учун Онахон эрталабоқ Қумрининг ҳовлисига борди.

Бу — Найманчада энг хароб, ўтсиз, дарахтсиз, чордевор блан ўралиб, офтобда димиқиб ётган бир ҳовли эди. Онахон Қумрини офтоб тарафига чий тутилган, зиналари нураб тушган айвонда учратди. Танга-танга қуёш нури тушиб турган бўйра устида Қумри, унинг икки боласи, четроқ—сояроқда енги блан елпиниб Анзират хола ўтирар эди. Онахон кириб паранжисини бошидан олиши блан Анзиратнинг қути учиб, нафаси ичига тушиб кетди.

— Вой ўлмасам, Онахонмисан, қизим!— деди у ўрнидан қўзғалиб. Қўзларини пирпиратиб қараб турди-да, қайта-қайта кўксига туфлади.— Туф-туф, шукур-эй, туф-туф. . .

Онахон бунга э'тибор бермади, унинг кўзи Қумрида, унинг болаларида, дўзахдай қизиб ётган ҳовлида эди. Ҳовли юзида бирталай ўвада латта ва кандир-каноп блан танғиб ташланган шалоқ чарх, эски патнисга ўхшаш тулука устида икки-учта найча, чувалиб кетган калавалар ётар эди. Қумри меҳмон келганда қаердандир қўлига

кириб қолган қора чойдишни қаёққа қўйишни билмай шошиб қолди. У ориқлаб, кўзлари киртайиб, юзи илгаригидан ҳам хунук бўлиб кетган эди. Тўкилиб озгина қолган калта сочига оқ оралаганини кўриб, Онахон: «илгари ҳам шундаймиди?» деб қўйди ичида.

— Ишга бормаяпсизми, Қумри келиноғи?— деди Онахон паранжисини бўйрага ташлаб.

— Бораяпман, тобим йўғроқ эди, синглим. Қани, ўтир. Йўқлаб келибсан, бошим осмонга етди. Қани, ўтирақол.

— Уйда ҳам иш қилаяпсизми?

— Уни-буни эплаштириб турибман. Дўконхонада ишнинг путири кетди, синглим, бойнинг матаси ҳечқаерда ўтмаётганмиш, бизга қарамай ҳам қўйди.

— Шукур денг, овсин, бориға шукур денг,— деди Анзират ениг блан елпиниб.— Ба'зиларга қараб хўп шукур қилсак бўлади ҳали.

— Иш бўлмагани учун мояна ҳам чиқмай қолди..: Қуруқ бўлса ҳам чоғга уннай, ёзилиброқ ўтир, раҳмат-э, бошим осмонга етди, синглим..— Қумри ковушини судраб ўчоқ бошига кетди.

— Хўпам зорланасиз-да, овсин, хотин нарсанинг пешонаси шу-да, бундан баттар бўлса нима қилардингиз,— деб жовраб қолди Анзират унинг орқасидан. Онахон бу гапдан ўнғайсизланиб, кўнгли ранжиди.

— У зорланаётгани йўқ, хола,— деди Анзиратга қараб пастроқ овоз блан,— унинг бутун ҳол-аҳволи, мана бу жазирама тақир ҳовлиси, мана булар ўзи.. зор-зор деб турипти.— Онахон четроқда ёнма-ён тижка турган болалар ёнига келди. Икки ўғил бола. Бири тикроқ, бири кичкина. Икковининг ҳам катта қорни кир қўйлагининг этагини диккайтириб турипти. Қуёшда қорайган кир юзларида тер ялтирайди.

Онахон икковининг ҳам бошини силади.

— Отинг нима?— деб сўради каттасидан.— Юзларинг нега мунча кир?

— Кир бўлмаса етим бўладими, айланай, Онахон,— деди Анзират ҳамон елпиниб. Бу гапга Онахоннинг юраги шув этиб кетди, кампирга ялт этиб қарадию ҳечнима деёлмади. Қумрини шу вақтгача ўз ҳолига ташлаб қўйганини алам блан эслаб, жойига келиб ўтирди.

— Хотин зотининг шўри қурсин, болам,— Анзират чархни ўзига тортиб, калавининг учини қидира-қидира

гапирди.— Эркагинг бўлса бир азоб, бўлмаса яна бир азоб, боланг бўлса бир азоб, бўлмаса яна бир азоб, бири бўлиб бири бўлмаса ҳам азоб.

— Шукур денг, хола,— деб пичинг қилди бу гаплардан гаши келиб ўтирган Онахон.

— Шукур-а, шукур, болам, бешбаттар бўлганлар бор, нимасини айтасиз...

Қумри патнисда иккита нон олиб келиб, ўртага қўйди, болаларга бир бурдадан зоғара ушлатди. Кейин ердаги ошиқча бўйрани чийга суяб, Онахон ўтирган жойни сояроқ қилиб қўйди.

— Энди нима қилмоқчисиз, Қумри келинойи, ўшаерда ишлайверасизми?— деди Онахон нонни ушатиб.

— Мана, Анзират холанг блан шуни гаплашиб ўтирган эдик, ўзингиз айтиб беринг, овсин.

— Ҳа, боятдан бери сенга тикилиб ўтирибман, айланай,— кампир гапни илиб кетди,— ундоқ қарайман, мундоқ қарайман — кўзларимга ишонмайман. Сени Қудратиллахўжабой дўконидан кетгандан кейин паранжи-сочвонни ўтга отипти, сочларини қирқтириб, лабига бўёқ суркаб юрганмиш, дейишди. Туф-туф, товба қилдим, шукур-э, шукур — ёлғон экан.

Онахон беихтиёр кулди, кулдию бунинг унча-мунча миш-миш эмаслигини пайқаб, Анзиратга жиддий тикилиб қолди.

— Қани-қани, айтиб беринг, қаерларда бўлаяпти бу гаплар?

— Ана тунов куни ҳазратойимнинг даҳаларида ҳам сенинг ўша артининг жўнидан гап бўлди.

Онахон қалқиб тушди:

— Ҳазратойимнинг чиллалари чиқишига бор эди-ку ҳали?— деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Чиқипти. Қирқ кун чиллалари чиқипти. Даҳалари бўлди. Чунонам басавлат, чунонам гавжум бўлдики, дошқозонда ҳалим улашдилар. Ҳалим оши ҳадис, табаррук дейишарди — бир борай дедим. Неварам икки ҳафтадан бери ўзидан-ўзи сарғайиб бир ҳолатга келиб қолган эди, олиб бордим. Ўзлари кўрибоқ топдилар — дард чалипти, дедилар. Боланинг ўзини эмас, ё ғовсула'зам, бош кийимини ҳам чалар экан, ҳа. Шундай дўпписини олиб қарадилару, суқ туморини қуритиб кетипти, дедилар. Ҳаҳ, дедим — дўпписи бир куни кечаси блан ёнғоқ тагида қолиб кетган эди-я, дарров эсимга тушди. Суқ туморини

узиб шундай ўтга ташладилару шу ондаёқ янгилаб, гўдакнинг тилига туфлаб бердилар. Ҳазратойимнинг оёқлари тагидан туриб, шундоқ боламнинг юзига қарасам денг, ё ҳовла валақуввати, худонинг қудратини қарангки, юзига қон югуриб қолишти.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин, анави, Тешиққопқалиқ Парихонотин келган экан, шундоқ зикр тушдики...

— Артель тўғрисида ким гапирди, нима гап бўлди?— деди Онахон яна сабри тугаб.

— Ҳа, артинингни ўша Парихонотин гапирди. Зикрдан уни қўлтиқлаб олиб чиқишди. Ҳаллослаб супадаги хотинлар орасига ўтирди. Оғзининг кўпигини шундоқ артиб бизга қаради. Бир нималар деб Баҳоводдин пиримин тилга олди-да: «Ҳов ёмондин алҳазар, заифалар, деди, ёмон эркакдан алҳазар, шайтон беваларни чалғитади» деди.

— Бу нима дегани экан?

— Афтидан, гапига қараганда, бевалардан дард бошланганмиш. Бу оғир гуноҳ қилган аллакимларнинг касофати блан келган офат, ундан ҳам оғир гуноҳларга судрайдиган, ёшу қарида баравар эрсираш дарди эмиш, ҳа болам... Билмадим, биз бир лодон нарсамиз, лекин билмадим, ҳар офатдан худойим ўзинг сақла...— Анзират хола йиғлаб юборди.

Онахон яқинроқ ўтириб, Анзиратнинг кўзини артаётган енгидан тортиди.

— Хола, йиғламанг, гапиринг, яна нима, нима деди?

— Ёмон эркаклар хотинини ҳам, боласини ҳам ҳукуматга элтиб топширармиш. Бундай хотинлар, дард чалган бевалар кўпайганидан, ҳукумат ҳам, булар кўчада қолмасин, деб артинлар очиб, ўшаерда уларга қозонтовоқ қилиб қўяётганмиш. Болаларининг қўлига биттадан сопол коса тутқазиб, қафасда сақлармиш... Кейин Ҳазратойим чиқиб жаромат қилдилар: яқинда хотинларни уриш бошланармиш, номусини шайтонга бой бермаган эркаклар ўз заифаларини тийиш учун уларни калтаклашлари бор — бунга танг қолманглар, деб уқдирдилар.

Анзират ерга қараганича, кенг енларини рўмолча қилиб, кўзларини, бурун ёнларини артди. Жуда ўнғайсиз, оғир жимлик бошланди. Хотинлар индамас, бир-бирларига бош кўтариб қарамас эдилар. Биров қазо қил-

ганда, аччиқ фар'ёд олдидан шундай жимлик бўлади. Учоқ бошида қумғон шарақлаб қайнаб, чўғ устига тўкилди, буғ ва кул тўзони кўтарилди. Хотинлар ҳамон жим эди.

— Қумри келинойи, чойингиз тошиб кетди,— деди Онахон секин. Қумри ўрнидан туриб бориб, қозонсочиқ блан қумғонни ўтдан олди. Лекин Онахоннинг товуши уни ишдан тўхтатди.— Агар кўнглиларингда ҳадик бўлса, агар шу гапларга қиттак ишонсанглар, Қумри келинойи, мен ҳовлингизда қололмайман.— Онахон ўрнидан турди.

— Онахон, синглим...— деди Қумри қаттиқ хижолатдан ўзини йўқотиб.

— Мен нодон бир нарсаман, қизим, бирнима деёлмайман,— деди Анзират,— худога минг қатла шукур, ўзимнинг кўнглим тинч, бировни бирнаrsa дейишликка ҳаддим йўқ.

— Сиз-чи, Қумри келинойи? Мен сизни артельга боринг деб қистаганим йўқ, мен ҳечкимни ҳам қистаган эмасман. Мен фақат аҳволингизни, болаларингизни кўриб ачиндим. Ўзимга қолса, сизлар биласизлар, артельни мен очдим — нима деб ўйласанглар ўйланглар, мен йўлимдан қайтмайман. Динга бир наrsa демайман, лекин жирканч ивгогарликни дин деб атайолмайман. Буерга келишим, айтган гапларим кўнгиллариингга айил ботган бўлса узур, Қумри келинойи.

Онахон кетмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди, ҳамон қўзларини жовдиратиб турган болаларга ўзини ташлагудай бўлиб чин юрак кўзи блан, оғир алам блан қаради.

— Онахон!— деди Қумри унинг йўлини тўсиб.— Назокат шўрликни... кеча эри қон-қора қақшатиб урди... Болам, қизим, мен шўрликни айб қилма, мен ҳеч наrsa тушунмай қолдим, мен...

— Назокатни?!— Онахон сесканиб тушди.

— Тушгача қон-қора қақшатди, бояқишни...:

— Ана! Ана, Онахон болам,— деди Анзират йиғлаб,— ишонгимиз келмаса ҳам, нима қилайлик?..

Онахон кетаётган ерида тўхтаб, зинаниннг гиштига ўтириб қолди. Яна ҳалигидай беомон, ўнғайсиз жимлик бошланди.

Шу маҳал кўча эшиги ғийт этиб, хушчақчақ овоз эшитилди: Мадрайимямоқчининг келини Шоҳиста қўлдаги боласини суя-суя, қиз болаларга ўхшаб, оқин сувдай шарақлаб кулиб кириб келди.

— Яхшимисизлар, Қумри келинойи! Онахон опа, кириб кетганингизни кўрувдим, кутсам чиқавермадингиз, жуда чақчақлашиб қолдингларми десам, оғизларингга талқон солгандай ўтирибсилар-ку?

— Кел, қизим Шоҳиста,— деди Қумри ўнғайсизгина.

— Вой мунча ширин бўпти бу йигитча,— деди Анзират хола унинг боласига ҳаваси келиб. Ўрнидан туриб болани қўлига олди,— туф, ёмон кўздан сақла, мунча ҳам дўмбоқ, мунча ҳам оппоқ! Хопла!— Болани зўрға кўтариб бир учирди, иккинчи учуришга кучи етмаганидан онасига қайтариб берди.— Мунча ҳам ойдак, кўз тегмасин, туф!

Шоҳистанинг ўзи ҳам боласига қараб тўёлмас эди.

— Шунақамиз дегин, сим калавотда ётамиз дегин, қаймоғлик сут ичамиз дегин, чинни тоғарада чўмилиб, оқчойшапга ўраниб ухлаймиз дегин! Ҳа!— Шоҳиста болани бемалол кўтариб бирнеча марта учирди, оппоқ, семиз бола нафаси ичига тушиб кетса ҳам қўрқмай, кулди.

— Утир, Шоҳиста.

— Ҳозир ишга борамиз дегин!— деди Шоҳиста ҳамон боласини эркалаб.

— Буни ҳам олиб бораяпсанми?— деб сўради Қумри.

— Бўлмаса-чи дегин, иккаламиз ҳам ишлаймиз дегин. Раис опа, сиз ҳам ҳозир борасизми, кутиб турсангиз кийиниб чиқардим,— деди Шоҳиста Онахонга қараб.

— Йўқ, Шоҳиста,— деди Онахон ғамгин,— сен боратур, мен... Мен Назокатдан хабар олишим керак.

У ўрнидан турди. Қумри унга қараб интилди ва ёлворди:

— Онахон! Қирманг. Сиз унинг эрини билмайсиз. Ножўя гапириб кўнглингизни хира қилади.

Онахон тўхтамади.

— Онахон!— деди Анзират қути учиб.— Қайтинг, болам.

— Хавотир олманг...— Онахон чиқиб кетди. Қумри йиғламсираганича қолди.

— Вой, шўргинам, қаёққа кетди-я, ҳой хотинлар... Шоҳиста сен қаёққа? Шошма, сенда гапим бор.

Онахоннинг бу ишидан безовта бўлиб қолган Шоҳиста Қумрининг бевақт қистовига кўнмади. Қумри эшик олдида у, блан гаплашаолмадию, саволини бериб қолди:

— Боланг артель ясласидами, қизим?

Норматпарангнинг ҳовлиси гузарда, бутун маҳаллага кўриниб турадиган баланд, қари бақатеракнинг соясига жойлашган эди. Бу бақатеракни ва ундаги лайлак уяси-ни буернинг қариялари ҳам болалигидан билади. Норматпаранг ўзи косиб, лекин уни қаламидўқондан эмас, кўкноридан бойиган дейишади. Унинг томига дам-бадам келиб қўнадиган қари лайлак ҳам банги эмиш. Норматпаранг кўкнор ивитганда турпини доим томга ташлар экан, лайлак келиб уни ейишга ўрганипти ва ғирт кўкнорни бўлиб қолипти. Келиб қўнармиш-да, томда кўкнор турп бўлмаса, бир оёғида мунғайиб турармиш. . .

Норматпаранг ёшлигида жуда олифта бўлган экан, Қудратиллахўжавофуруш блан ҳам ўша вақтлар ошна бўлиб қолган дейишади.

Кейин бой уни яхши кўриб қолиб наманганлик узоқ қариндошининг етим қизи Назокатни ўзи олиб берган экан.

Онахон сочвонини орқага ташлаб тўғри ичкари ҳовлига ўтди. Назокат дўқонхона эшигининг тагини салқинлатиб, кўрпача устида ёнбошлаб ётарди. У Онахонни кўриб, тикаётган дўпписини ерга қўйдю, ўрнидан турмади.

— Нимага келдингиз?— деб сўради паст овоз блан, Онахон жавоб бергунча бўлмай тўсатдан пиқиллаб йиғлаб юборди ва йиғи аралаш яна сўради:— Нимага келдингиз?

Унинг кўзи қизариб, қовоқлари шишган эди. Онахон унинг ёнбошлаган жойидан туролмаётганини пайқади ва:

— Йиғламанг, йиғламанг,— деб пешонасини ушлади.— Аҳволингизни билгани келдим. Нима блан урди? Нимага?

Назокат ўпкасини босиб жавоб бергунча, Норматпаранг кириб келди.

— Вой ўлай. . .— Назокатнинг юзи бўздек оқарди. Норматпаранг лапанглаб келарди. Бу — оқ иштон, кўн этик кийган, юзи ва бўйинлари сувга тушган нондек оқариб пўкаклашган, хумкалла, пакана одам эди. Онахон уни кўриб сочвонини туширмади, қайтага кўтариброқ қўйди ва юзига тикка қаради. Норматпаранг ўрта ёшли бегона хотиннинг бундай қарашини кўрмаган эди, тўхтаб, ёнидаги тут тўнгалка ўтирақолди. Онахоннинг кўз қарашни қўрқувсиз, нафратли ва мағрур қараш эди.

Норматпаранг бу қарашдан енгилди — хотинига ҳам, Онахонга ҳам бир нарса демади, ўзига тегишли оғир саволни кутди.

— Нимага урдингиз?

Норматпаранг ўтган куни шу саволни Қудратиллахўжага берган эди: «Нимага ураман?»

Қудратиллахўжабой аввал Назокатни устахонадаги хотинларни бузишда айблаб кўрди, Норматпаранг хотинини ёқлади, устахонадан кетмай ишлайверади, деди.

— Мен сени хотинингни мақтагин деб чақиртирганим йўқ, — деди бой, — хотинлар кетиб қолганда Назокат ўшаердамиди — ўшаерда эди. Ҳаммаси ҳам эрсираган. Урасан дедим, урасан, сенга хотин бўлса — менга жиян бўлади! Гап тамом, бор.

Хотини ростдан ҳам артельга кетаман дейдиган бўлса Норматпаранг ўзи ҳам уришдан тоймасди, лекин қуруқдан-қуруқ...

Броқ кеча эрталаб, ўчакишгандай, Назокат устахонанинг путури кетгани ҳақида гапириб, артельга кетган хотинлар ишни боплади, деб қолди. Бунини у артельга бормоқчи бўлганидан эмас, кўзи билан кўрган ҳақиқат бўлгани учун, шунчаки гапирақолган эди. Лекин Қудратиллахўжанинг кечаги гапидан гаранг бўлиб турган Норматпарангга шу ҳам бас эди. Ҳовлида азондан қийчув кўтарилди. Шу вақтгача эридан калтак емаган Назокатнинг қаршилиқ кўрсатиши жоҳилнинг жаҳлини оширгандан-оширди — мўматалоқ бўлиб оёғининг тагида ётган хотинини кўриб, ич-ичидан ўзини оқлашдан бошқа илож тополмади. Ичкари ҳовлига кириб келаётганида, у ҳозир ҳам шу ўзини оқлаш, эркаклик «ҳақини» ёқлаш кайфиятида эди, броқ Онахоннинг кўз қарашини кўриб бўшашди.

— Нимага урдингиз? — такрор сўради Онахон. — Артельга бориш бунинг хаёлида ҳам йўқ, бунини мен билман. Ифвогар руҳонийларнинг гапига исбот бўлсин деб хотинингизни қон-қора қақшатдингизми?! Нимага индамайсиз?

Норматпаранг ўтган куни Қудратиллахўжабойнинг уйида бўлган гапни айтиб солмоқчи эдию — қўрқоқлик қилди. Ифвогар руҳонийлар ҳақидаги гапни эса тушунмади. Онахоннинг гапларидан кейин шумшайиб, бегининг кўк гўшлари осилиб қолган бўлса ҳам, «сизники тўғри» дейишга бўйни ёр бермади.

— Ҳа-ҳа-ҳасмим...— деди у дудилиб ва тўнғакдан гавдасини кўтарди,— керак бўлса ўзим кўнглини топаман.

Онахон ундан бошқа жавоб ололмади. Назокат бўлса эри олдида йиғлагани ҳам, гапиргани ҳам ботинмас эди. «Ўзи урган бўлса бир гап, унинг қўли блан ўзга биров урган бўлса — бошқа гап» деб хаёлидан ўтказди Онахон. Унинг назарида бугун эшитган гапларининг ҳаммаси нечукдир бир-бирига бориб боғланганга ўхшарди. У, шундай бир ноаниқ тусмол блан маҳалладан чиқди, артельга, ўртоқлари ёнига шошди — уерда фикр эркинроқ, равшанроқ ишлайди, тезроқ бориш керак, маслаҳатлашиш, ўйлаш керак.

Офтоб найзага келиб қолди, эски шаҳар кўчаларида бозор қайтган пайт — биров мол етаклаган, биров янги, сербезак бешик кўтарган; оғир хуржунни олдига ташлаб эшак устида мункайиб кетаётган чоллар, қамиш сурнайини тинмай чалиб оёқ остида ўралашган болалар; қаландарлар, саллаликлар, айрончилар, чодирхаёлчилар... Бу йўлларда бир нарсани астойдил ўйлаб бўлмайди. Онахон растадан қайрилиб Темирчилик маҳалласидан ўтгандан кейингина қулоғи бироз тинчиди ва Софья Брисовнанинг клубга кетиб қолиш эҳтимоли борлиги эсига тушиб, қадамини тезлатди.

Шу пайт ёнида лип этиб Башорат пайдо бўлди. «Ойи!» демаса Онахон уни сра танимас экан. У онасининг сандиқда сақлаб қўйган янги паранжисини ёпиниб, онаси хомтери блан бошлатиб берган махсисни кийиб олган, шунинг учун уни бемалол кап-катта хотин деб ўйлаш мумкин эди.

Башорат ойиси танимай қолганига маза қилиб кулди.

— Ярашиптими, ойи? Билим юртига мана шундэк қатнайман, майлими? Паранжингиз барибир ҳам бекор ётипти. Жўрахон опамга ўхшаб очиладиган бўлсангиз ишга ҳам ярамай қолади. Билим юртида ҳамма қизлар паранжилик экан.

— Ёзилдингми?

— Ефим тоғам олиб бориб ёздирдилар. Битта хотин ўтирган экан, худди Жўрахон опамга ўхшайди, Ефим тоғам мени тажрибали ҳолимни айтиб бердилар, кимнинг қизи, нима саводларни билишим, ҳаммасини. Хўп деди, «Собирова Башорат» деб китобдай катта дафтарга ёзиб қўйди. Бир ҳафтадан кейин тайёрловга келиб ўқийсан, деди. Яхши бўлтими, ойи?

— Яхши бўпти, қизим, Ефим тоғанга раҳмат дединми?

— Бўлмаса-чи, Жўраҳон опам берган иккита конфетим бор эди, уйга олиб кириб ўша блан чой ичирдим.

— Атайлаб ҳаллослаб мени қувиб келдингми?

— Йўқ, Верани кўргани кетаяпман.

— Веранг қим?

— Вой ўлай, билмайсизми? Артелингизда-ку?

— Ишлайдимми?

Башорат ҳахолаб кулиб юборди. Кулгисини тиёлмай, димиқиб, сочвонини кўтарди. У қипқизариб, чин кўнглидан маза қилиб куларди.

— Мунча кулдинг, гапирсанг-чи,— деди ойиси шўх, хушчақчақ қизи учун ич-ичидан қувониб.

— Вой, яслада, Софья опамнинг қизи-чи!

Она-бола қўшилишиб кулдилар.

— Вера Ефимовна дегин, қизим,— деди Онахон кулиб,— уерда уни шунақа деб чақиршади, шунақа ҳам дўндиқ қиз бўптики, қўғирчоқ, қўғирчоқнинг ўзи! Ҳа, бор, қизим, яхши кўрсанг арзийди. Мен ҳам айланиб яслага кириб қолсам қўлимга олгим келаверади, Софья опангнинг ўзгинаси, қуйиб қўйгандек.

— Ойи, мендан нуқул сўрашади, Ефим Данилович блан қариндошмисизлар, дейишади. Ҳа деяверайми?

Онахон ўйлаб жавоб берди:

— Одамига қараб, қизим. Яхши кўнгил блан сўрагу-чи бўлса, ҳа дегин, ундан ҳам ортиқ, дегин.

Кўча томонга қийшайиб турган болохонали уйдан ўтгандан кейин улар икки табақали катта янги дарвоза ёнидан чиқдилар. Дарвозанинг бўялмаган стунига: «Меҳнат роҳат. Эски шаҳар хотин-қизлар артели» деган лавҳа қоқилган эди. Дарвозанинг бир қаноти очилганда энибўйига арқон тортилган кенг ҳовли кўринди. Ҳовлининг ички икки томони пастак оқ бинолар блан ўралган. Ҳовлига қараган ойнасиз, янги ромли катта деразалардан тўқув дастгоҳларининг тақир-туқирн, хотин-қизларнинг хушчақчақ овози эшитилиб турарди.

Она-бола дарвозадан кириш блан паранжиларини қўлтиққа олдилар. Башорат чап томондаги бузуқ девордан сакраб, яслага югурди. Онахон, ўнг томонга, ҳалиги қийшиқ болохонага чиқиб кетди. Болохона кўча тарафдан беўхшов ва йиқилиб кетаётгандай кўринса ҳам, ичи кенг, озода ва ёруғ эди. Жўраҳоннинг таклифи блан буер

артель идораси қилиб танланган эди. Чиндан ҳам кўнгилдагидай бўлди: кўча томоннинг деразасини куни блан очик тутса бўлади — ғир-ғир шабада ўйнайди, ҳовли томондаги деразадан эса ҳовли ҳам, ҳамма цехлар ҳам кўриниб туради. Усталар, цех бошлиқлари зарур бўлиб қолганда, раис ё котиб шу деразадан бошини чиқариб чақирақолади.

Онахон кирганда Софья Борисовна энди клубга кетаман деб турган экан.

— Келинг, раис,— деди у қувониб. У энди анча гўштидан тушган, юзи ҳам илгаригидай оппоқ эмас, бироз қорайиб, доғлари кетиб яна ҳам ёқимли бўлган, тагидан қорайиб чиқаётган сариғ сочлари тўлагина елкасига тушиб ўзидан-ўзи қўнғироқ бўлиб эшилган, хуллас — унга оналик жуда ёққан, ярашган эди.

Софья Борисовна кўзи ёригандан кейин бир ой ўтар-ўтмасданоқ ишга келди. Унинг Верочкаси артель ясласининг биринчи а'зоси бўлди. Раис муовини аввал ясла ҳам ошхона блан шуғулланди. Ясллага йигирмата кроватка, чойшапалар, сирли тоғоралар, ошхонага жиҳозлар келтириб, ишни бироз ўнглашгиргандан кейин, Онахон блан бир маслаҳатга келдилар: артельнинг иши ҳозирча буердагидан ҳам кўра клубда, маҳаллаларда кўпроқ. Шунинг учун у, мураккаб ва ўзига хос қийин участкага кўпроқ Онахоннинг ўзи қарашадиган бўлди. Буерда эса, Жўрахон айтгандай «амалий раҳбарлик»ни Софья Борисовна олиб борадиган бўлди.

— Верочканинг ҳам талаби шу, ғингшиганидан тушуниб олдим,— деди Жўрахон иш тақсим қилинаётганда ҳазиллашиб.

Шундай қилиб, раис блан муовин кунига бир-бирини интизор қилиб учрашишар, кунига бир-бирига ҳисоб беришар, кунига бир-биридан беҳисоб янгиликлар кутишар эди. Шунинг учун ҳозир Софья Борисовна Онахоннинг нафас ростлашини ҳам кутмасдан, сабрсизлик блан сўради.

— Найманча қалай?

— Найманча ичидан қайнапти,— деди Онахон пешана терини артиб. Кейин бугунги эшитган-билганларини сўзлаб берди. Анзираткампирнинг гаплари блан Назокат воқисини иккови ҳам жиддий ўйлаб қолди.

— Менинг хавотир олган жойим шуки,— деди Онахон ўзининг раислик ўрнига ўтиб ўтириб,— бу воқиалар-

нинг тугуни бир калладан чиққанга ўхшайди, маслаҳат блан бўлаётган бўлмаса...

— Ташкилий равишда дейсиз-да?

— Ҳа.

— Ҳазратойимнинг чилласи чиққани йўқ эди, дедингиз шундайми? Парихонотиннинг гапидан кейин Ҳазратойимнинг ўзи чиқиб «каромат» қилган? Норматпаранг хотинини ўшанинг эртаси кунни калтаклаганми?

— Ҳа.

Софья Борисовна дафтарчасига воқиаларни, номларни, числоларни ёзиб олиб, кейин қаламининг учини тишлаб, анча ўйлади.

— Хавотир олганингиз тўғри, хавотир олмаса бўлмайди... Лекин хурсанд бўлсангиз ҳам бўлади: биз қўзғаяпмиз шу гапларни, у одамларни биз безовта қилаяпмиз, бу воқиалар уларнинг заифлигини кўрсатади. Кўпчилик биз томонда. Ҳарҳолда бу воқиани пухта кузатишимиз керак. Диққат қилинг: ундай бўлса, эртаминдин яна бирор хонадонда «хотин уриш» такрорланади. Ҳечкимни кўздан қочирманг — тушунганлар блан бир қаторда энг қолоқ тушунчали хотинлар блан ҳам самимий гаплашинг. Мен насиҳатгўйлик қилаяпман, афсуски бу ишда мен шундан бошқасига ярамайман.

— Раҳмат, Софья.

— Биз Рузвон холага ўхшаганларни ҳам бу ишга тортишга ҳаракат қиламиз. Жўраҳоннинг гапи эсингиздами: «Артельнинг вазифаси ҳозирча асосан мата чиқариш эмас, балки...»

— Ҳа, эсимда, Софья... — Онахон ўйчан жилмайди, — сизнинг, Жўраҳоннинг гаплари доим эсимда. Сиз бўлсангиз... Ахир мен ўзим иш топсам, уй-ўчоқ ташвишидан нарига ўтсам, сизларга эргашсам деб юрар эдим, энди бўлса ўзим...

— Тўғри, ҳозир сизгина эмас, ҳарбир артельчи хотин жуда кўпларни ўзига эргаштиручи катта куч, лекин артель а'золаримизнинг кўпи ҳали буни билмайди. Улар ўзларининг ким эканликларини билишлари керак. Ана ўшанда сиз блан бизнинг ишимиз енгил бўлади, ахир сиз блан биз катта иш қилаяпмиз, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида бутун бир давр очаяпмиз. Буни ўзимизгина қилаолмаймиз. Айтгандай, Қумри нима бўлди?

— Артельга келади.

— Ўзи айтдимми?

— Ўзи айтгани йўғу, келади — мен биламан.

— Ана шу-да, сиз ўзи айтмаса ҳам биласиз, мен бўлсам билолмас эдим. . . — Софья Борисовна Қумри ҳақида эшитгандан кейин, яна Найманчадаги воқиялар ҳақида ўйла-ниб қолди. Дафтарчасига яна бирнима ёзди ва кўзлари ялтириб бирдан Онахонга қаради.

— Менга қаранг, Онахон, агар «улар» ташкилий ра-вишда қилаётган бўлса, биз ҳам ташкилий равишда қила-миз! Қандай денг? Артельнинг магазинини Найманчанинг ўзида очамиз! Худди Бўзчигузарнинг ўзида — хотин-қиз-лар магазини! Нима дедингиз?

Онахон узун киприкларини пирпиратди, оқиш, кенг манглайи хиёл тиришди:

— Ўшанда нима бўлади, Софья?

— Тушунишингиз керакки, хотин-қизлар магазини магазиндан ҳам кўра кўпроқ сиз блан бизнинг ташвиқот марказимиз бўлади. Хотин-қиз ўз магазинига уялмай-тортинмай, очиқ юз блан мата харид қилгани келади, шундоқми, уерда ўз дугоналари блан учрашади, паран-жини бошидан олиб қўйиб уёқдан-буёқдан бемалол гап-лашади, тузукми, матанинг сифатидан, дейлик артель хабарларидан. Ҳархил янгиликлар эшитиб қайтади. Ахир «элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор» — шуна-қа дейдими ўзбекда? Ҳа, ана. Биз ҳам жим турмаймиз албатта. Хотинлар у ерда сизни, бизни учратиши мумкин. Ҳозир Жўраҳон плакатлар тайёрлатаяпти, болани қандай чўмилтириш керак, масалан, расмлари блан. Мен ўзим райкомда гаплашаман — биз Жўраҳоннинг Ленин ёнида тушган расмини катта қилдирамиз. Буни Жўраҳоннинг ўзига айтмасак ҳам бўладию, лекин қилдирамиз. Крупс-каянинг, Клара Цеткиннинг расмини қўямиз. Келган хотинлар албатта бу ким деб сўраб ҳам қолади-ку, ана шунда тушунтириб берадиган одам ҳам керак, я'ни агитатор. Буни биз шунчаки магазинчи, ёки сотучи деб атаймиз. Магазинчимиз ана шунақангги одам бўлиши ке-рак. Тушундингизми? Нимани ўйлаб қолдингиз?

— Софья, ўртоқжон. . . — Онахон унинг ёнига келди, пешонасига тушган сочини бармоғи блан тузатиб қўйди, — сиз гапираяпсизу, мен ўзимни ўйлаяпман. Боя «давр очаяпмиз» дедингиз. Рост! — Онахон кўзини бурчакка, қайсидир бир нуқтага тикди. — Рост, ўртоқжон! Мен ўзим-нинг кучимни энди сезаяпман. Жўраҳон опа, артельга раис бўласан, деганида ўзимни йўқотиб қўйган эдим,

бутун бошлик бир артельни қандай бошқараман деб. Бу — артельгина эмас экан, бу... нима десам, бу — жуда катта иш экан. Агар умрим бўлса, худо хоҳласа, шу даврни очганимиздан кейин, ҳамма хотинлар сизнинг дар'ёдай юрагингизни менчалик тушунадиган бўлгандан кейин, бутун хотинларни тўплаб, ҳаммасининг тилидан, ёппасига бир оғиздан: «Раҳмат, Софья Борисовна!» деб қичқиртиргим бор! Рост, Софья, айтади хотинларимиз. Ахир уларнинг ҳаммасида жуда ҳам пок, жуда ҳам меҳрибон сингиллик, оналик юраги бор. Фақат, ҳозирча уларни эскиликнинг занжири... ўзи кўзга кўринмайдию... шу занжир бўғиб турипти... Айтади, улар, Софья Борисовна, катта раҳмат, дейди, айтади, мен сизга ва'да бераман.

— Ишонаман, Онахон. Лекин ўша сиз айтган занжир, зангли занжир, у ҳали бақувват. Уни яна маҳкамламоқчи бўлганлар, унинг маҳкамлигини пичоқ блан сақлаб, яшириниб турганлар ҳам бор. Лекин биз у занжирни парчалашимиз керак. Бу — узоқ иш, оғир иш, балки хавфхатарли, қурбон талаб қиладиган иш. Аммо биз қўрқмаймиз, бизнинг орқамизда қудратли ҳақиқат кучи бор, Совет ҳукумати бор.

— Ҳа, ҳалиги магазиндаги суратлар қаторига... шу, совет ҳукуматини ҳам... суратини эмас, ҳа, та'рифини, нима эканлигини кўрсатиб бир нарса ҳам ёзсак, — деди Онахон.

— Ёзамиз. Фақат... ўшани тушунтирадиган, ўқиб берадиган... Ҳа, менга қаранг, Ҳожияхонни яхши биласиз-а?

— Биламан.

— Клубда саводини чиқариб олди-а?

Онахон кулди:

— Ҳа, энди, ҳарқалай, «Эргашвойга хат ёзиб беринг» деб келмаяпти, — деди ва устахонада унинг яширинча хат ёздирган вақтларини айтиб берди. Онахон блан Софья Ҳожияхон ҳақида, Рузвон холанинг ўғли — қизил гвардиячи Эргашвой ҳақида гаплашиб олдилар. Софья Борисовна Ҳожияхонни магазинчиликка тайёрлаш ҳақида Жўраҳон блан маслаҳатлашмоқчи бўлиб, буни дафтарчасига ёзиб олди.

— Мен сизнинг гўмонларингиз ҳақида Жўраҳон блан гаплашаман. Сиз... Онахон, ҳар эҳтимолга қарши, ўзингизни эҳтиёт қилинг.

— Хўп. Шу ҳақда Ефим Данилович блан ҳам маслаҳатлашиб кўринг.

Онахон цехга кириб кетди. Софья Борисовна женотделга жўнади. Верочкани кўтариб олган Башорат ичкаридан қичқириб қолди:

— Софья опа, мен сиз келгунча шуерда бўламан.

Тўққизинчи боб

Садаф аралаш дўланамунчоқ тасбиҳ ялтироқ сариф этикнинг баланд пошнаси тагида ғирч этиб майдаланди.

— Кўзингизга қараб боссангиз бўлмайдими, отаси...

Ғирч этган товуш ҳам, хотинининг гапи ҳам асаби қайнаб турган Қудратиллаҳўжанинг ғашига тегди, у мажақланган тасбиҳни оёғи блан суриб ташлади, хотинининг гапига жавоб ҳам бермади. Деразанинг икки четини икки қўли блан ушлаб туриб, ҳовлидаги ҳовуз юзида сузаётган сариф баргга тикилганича асабий ўй суришда давом этди.

Унинг ўрнига, Хожарбибига бурчакдаги юмшоқ курсида ёқимсиз жилмайиб ўтирган Афғончойфуруш жавоб берди.

— Кўзига қараса-қарамаса барибир, оёқ босадиган жойи қолмади, оёқ тагида замини нураб кетаяпти. Олижаноб Қудратиллаҳужабой йўқлик ботқоғига қўл қовиштириб чўкаяпти, халақит берманг, ойимпошша.

Афғончойфурушнинг бундай масхарали пичинглари ярим соатдан бери давом этарди. Бой унга тескари турганича, ярасига туз бўлиб тушаётган бу масхарабозликни индамай, тишини-тишига қўйиб тинглар, асабини зўрға босиб ҳовлига тикилар эди. Афғончойфуруш бурчакда керилиб ўтириб олиб, ҳадеб заҳарханда қилар, кулар эди. Бойга қанча алам қилса ҳам унга бирор гап қайтаролмас, чунки Афғончойфурушнинг гаплари нақадар аччиқ, нақадар шафқатсиз бўлмасин — ҳақиқат эди. Қудратиллаҳўжага охириги нажот йўли бўлиб кўринган ва унинг назарида, ниҳоятда нозик ва оқилона режа бўлган — Нусратиллани Онахоннинг қизига уйлангириш найранги ҳам пучга чиқди. Чунки шу йўл блан «бармоққа қўндирилиши» керак бўлган Онахон бу найранг пишиб етмасданоқ кўпгина хотинларни эргаштириб артельга кетиб қолди. Ҳали бу ҳодисани Нусратилла билгани йўқ, у ҳамон ўзини эрта-индинги куёв деб юрипти. Афғончойфуруш

бу ҳодисаларнинг ҳаммасидан бойнинг кўз олдида роса юмалаб кулди. Қудратиллахўжа бир нарса деяолмади. Лекин... одам бутун мол-давлатини бутун насли-насабида қолган обрў ва мовқини биратўласи бой бериб, ҳаёт-мамонт талвасасида, ҳалокат ёқасида, фожий бир аҳволда турсаю, биров бир чеккада ўтириб олиб, унинг бу аҳволига ҳадеб қаҳқаҳлаб кулса, қанчалик чидам керак! Узининг алами етмасмиди? Қудратиллахўжанинг тоқати тугади. У, меҳмоннинг масхарали гаплари тағидан чиқай-чиқай деб турган жўнроқ бир тadbирли маслаҳатни эшитиш умидидан ҳам воз кечиб, уни шартта ҳайдаб чиқариш даражасига келиб турган эди, Наимий кириб келди.

— Айёмлари муборак... :

— Э, айём-а, айёмига нима бор,— деди Қудратиллахўжа салом ўрнига. Қўлидан ғўнғир-ғўнғир гапдан бошқа иш келмайдиган бу одамнинг лип этиб кириб келавериши кейинги вақтда Қудратиллахўжанинг юрагига сиғмай қолган эди. У, ерда ётган ёстиқни этиги блан тегиб иккинчи дераза ёнига бориб турди. Бу вақт бурчакдан яна Афғончайфурушнинг ёқимсиз кулгиси эшитилди:

— Ҳо, ана аёллар ис'енининг қахрамони ташриф буюрдилар, ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Қани, қани, келсинлар, мана,— у яна кулиб бармоғи блан бойни туртиб кўрсатди:— миллатнинг жони ҳалқумидан чиқиб арши а'лога учиш арафасида турипти, омин деб юборинг, тақсир.

— Бас! Қаҳқаҳангиз блан...— Қудратиллахўжа кескин қайрилди, чиндан ҳам алам унинг юзига қалқиб чиққан эди, бежо овозини биров эшитиб қолишини ҳам унутиб, оғзидан кўпик сочди:— Ота-бобом қўлидан ардоқлаб олиб, умр бўйи югуриб-елиб ортдирган давлатимни қутқариш талвасасида ўтирсаму, сиз... :

— Мен ҳам шуни айтаяпман-ку, ҳурматли бой?— деди Афғончайфуруш хотиржам овоз блан. Кейин у остонада пайдо бўлган Қилтириқмахсумни кўрсатди:— Мана садоқатли Махсумингиз ҳам шуни айтмоқ важидан оғиз жуфтлаб турипти чамамда.

Ҳамма Махсумга қаради, у буларнинг гапига тушунмай жовдирар, ўз гапини қандай қилиб ўнғайи блан айтиш ташвишида ёлворган назар блан бойга қарар эди.

— Ҳўш?

— Тақсир, узр этсинлар, устахонада қолган етгита аёлдан бугун ёлғиз иккитаси ишга чиқди.

— Нимага? — деб қичқирди бой.

— Тақсир ҳалиги хунук хотин артельга бошлаб кетипти.

Бой пешонасини ушлаб, турган жойига ўтирди.

— Ана, азиз ва ҳурматли бой, бу ҳам ўша менинг гапларимнинг бир чеккаси,— деди Афғончойфуруш.— Садоқатли Махсумингиз ҳали гапини тугатмаганга ўхшайди.

Қилтириқмахсум ўз хижолатини бўртдириб кўрсатишга уришиб, ҳамма айбни ўз устига олишга тайёрдай, остонада ҳамон турарди.

— Нима қилиб турибсан! — деди бой пешонасидан қўлини олиб.

— Тақсир, узр этсинлар, Тешиққоқдаги, иннайкейин, Чорбозордаги дўконлардан одам келди, бир ҳафтадан бери бир газ ҳам мата ўтмапти... Чорбозор дўконингиздаги Мадғози капратипга ишга ўтаётган эмиш...

— Бас! Йўқол! — деди бой жон-жаҳди блан бақириб. Қилтириқмахсум кети блан аста чиқиб кетгандан кейин, Қудратиллахўжа юзида аянч ёлвориш ҳисси блан меҳмонларга қаради.— Соб бўлдим, Салимхўжа биродар! — Наимий суяк дастали ҳассасини бир қўлидан иккинчи қўлига олишдан бошқа жавоб қилолмади.— Соб бўлдим, мулла Муҳаммадсаид. Соб бўлдим, хона салот бўлдим, мусулмонлар!

Афғончойфуруш Наимий сингари лол бўлмади, лекин жавобга ҳам шошмади. Аввал илжайди, сўнгра Қудратиллахўжанинг юзидаги аянч заифлик аломати йўқолишини кўтди, шундан кейингина шошмасдан гапирди:

— Энди пайқадингизми соб бўлганингизни, муҳтарам Қудратиллахўжабой? Сиз 1917 йилда соб бўлган эдингиз. У вақтда ҳали сизнинг нажот йўлларингиз бор эди, сиз эса пусдингиз. Ҳа, пусдингиз! Замини йўқ тўртта-бешта дўконингиздан бошқа нарсани кўзингиз кўрмади. Куйманг бу дўконларга, куйманг бу давлатингизга, кўпик эди булар, сув бетиде ғилқиллаб қолган эди. Бу катта йўқотиш эмас, аллақачон йўқолган нарсани бир эсга олишдай гап. Сиз уни яна топишингиз мумкин эди, агарда... бундан кўра хавфлироқ нарсалар бўлмаса. Бундай хавф энди туғилаяпти. Ҳов ўша пусган вақтингизда сиз бу хавфнинг олдини олишга ёрдам беришингиз мумкин эди. Агар энди ҳам пуссангиз...

— Қанақа хавф? Ҳали бундан ортиқ кўргилигим ҳам борми? Айтақолинг, тақсир, айтинг...

— Ишчи синфи деган нарса бор, тақсир,— деди Афғончойфуруш курсида ўтирган жойидан олдинга этилиб,— ана ўша туғилаяпти. У буерда аллақачон туғилган, лекин энди сафи яна ҳам кенгайиб, Туркистон учун катта хавфга айланаяпти. Мана шу сизнинг устахонангиздан кетганлар бор-ку, ўшалар қаёққа кетаяпти деб ўйлайсиз? Гап сизнинг дўкон-дастгоҳингиз йиғиштирилишидагина эмас, тақсир. Онахонлар тўғри артельга кетди. Артель артельлигича қолади, деб ўйласангиз ғирт нодонсиз. Эртамас-индин Найманчангиз супуриб ташланиб, ўрнига тўқув фабрикаси, агар қўл қовуштириб ўтирсангиз тўқимачилик комбинати қурилади. Уша Онахонлар тўппа-тўғри шуерга келади.

Қудратиллахўжа ранги қочган юзидан совуқ терни артиб, гапнинг ма'нисига тушунишга зўр бериб уринарди.

— Ишчи синфи! Ун еттинчи йили Петербургда оқпош-шо салтанатининг кулини кўкка совурган ҳам ўша, Керинска жанобингизни зафона кўйлак-иштон кийиб қочишга мажбур қилган ҳам ўша, Лондонда, Нью-Йоркда жаҳон сармоядорларини титратаётган ҳам ўша. . .

— Э-ҳаа. . . эсимда бор, эсимда бор, бир вақт айтган эдингиз мулла Муҳаммадсаид, айтган эдингиз, болшавойларнинг аллақайсибир пайғамбари мана шу рабобчиклар, мастеровойлар бутун дун'ёдаги жамики давлатманд бойларнинг гўркови бўлади деган, деб айтган эдингиз. Ушанинг айтгани энди кепти-да. Аттанг-а, аттанг, сизнинг гапингизда доим жон борлигини пайқаб юраману. . . эсиз-а, эсиз. . . Хаҳ хомкалла-я, хомкалла!

— Сиз-ку майли,— деди Афғончойфуруш ва Наимийга қаради,— мана бу ва'зхон, билимдон Салимхўжа афандимиз ҳам газетада ёзиш керак бўлган гапни амалий иш ўрнига такрорлаб: «Туркистон — Совет Русиясининг мустамлакаси! Туркистоннинг фақат вивескаси ўзгарган!» деб жар солганлари-солган. Ана сизга вивеска, ана сизга мустамлака! Бу мустамлакада эртага ухлаб тушингизда кўрмаган комбинатлар очилади-да, ундан кейин Петербургдагидай ишчи синфига эга бўлган Туркистонни большевиклар қўлидан олишга уриниб кўрингчи! Сизга ўхшаган гапдонлар «Миллатимиз! Миллатимиз!» деганча а'райиб қолаверади, ҳа.

— Энди нима қилиш керак, тақсир, шунга гапиринг,— деди Қудратиллахўжа яқинроқ сурилиб. Афғончойфуруш гўё жуда лоқайддек, елкасини қисди.

— Суҳбатда ҳарким билганини гапирди, мен ҳам тушунганимни айтдим, холос. Бу менинг ташвишим эмас, сизларнинг ташвишларинг. Фақир киши панада дегандек. . . ундоқ қилинлар, мундоқ қилинлар деёлмайман. Мен дўкончамга борай, анча лақиллашиб қолдик.

— Йўқ, тақсир, тўхтанг энди,— деди Қудратиллахўжа унинг йўлини тўсиб,— тўхтанг энди, шунча гап билган одамдан бир маслаҳат ҳам чиқади.

— Маслаҳат бериб мен сизларга нима, отамидим, ё ақлавонманми? Муштлашадиган одам ўзи билади қарерга уришини, каттароқ хавф қаёқда бўлса ўшани аямай уради-да. Маслаҳат нима бўларди. Ҳай, мен дўкончамга борай. . . узр тақсир, мусулмончилик — мушкул пайтда бир-бирига шунақа маслаҳат солишиб туриш расм экан. Ҳа, хайр.

— Маслаҳат солишиб турайлик, жон Муҳаммадсаид, ҳали гапимиз тугамади чоғи. Ҳай, охири бахайр бўлсин, савдонгизга ривож берсин, тақсир, раҳмат.

Ҳовлида, ҳалигина тескари қарашиб ўтиришган меҳмонини бундай мулоимлик блан кузатаётган эрини кўриб Ҳожарбиби ҳам ҳайрон бўлди, шу кунларда минг оҳангга тушаётган эрига раҳми келди. Тўйдан, совчи қўйишдан гап очмоқчи эди, раҳмдиллиги тугиб, гапиролмади.

Уйда Наимий, миясига ҳеч тузук-қуруқ фикр келмай, ҳассасини дам суяб қўйиб, дам қўлига олиб, на ҳассани, на ўзини қаёққа қўйишни билмай ўтирарди.

— Кўп билимдон одам-да,— деди Қудратиллахўжа кириб; нимадандир мамнун бўлиб томоғини қира-қира, сочилиб ётган болишларни жой-жойига қўйди.— Мана шу янги усул меҳмонхонани солишни ҳам шу маслаҳат қилган. Мундоқ стол қўйинг, юмшоқ курси олинг, кимсан Қудратиллахўжабойсиз, ўриснинг кўпаси, гинроли келиб қолиши бор, деди. Шу гапидан кейин шу меҳмонхонани солдирдим. Айтганидай, ўринбурғли бир басавлат кўпасни, кейин янги шаҳарли бир гинролни бошлаб келди, хўп мусулмон ўрислар экан денг, бир суҳбатдаёқ қалин ошна бўлдик-қўйдик. Шундоқ қилиб, ўриснинг яхши эдамларига ҳам кўзимни мана шу Афғончойфуруш очган. Илгарилар ўриснинг бойи-камбағали ҳаммасини кофир деб, инқилобчи деб юрган эканман. Қўштегирмон йўлидаги карвонсаройингизга устахона қилдириб қўйинг, деб ўша ўринбурғли кўпас маслаҳат қилган, ўзи ҳам бош қўшмоқчи эди, раҳматлик, қазо қилди, деб эшитдик.

— Қўйинг энди ўша чиппакка чиққан устахонангизни, бой,— деди Наимий,— буёғини гапиринг, буёғи нима бўлади? Бу қора афғонингиз хўп доно гапларни гапиродио ўзи сариф чақалик иш қилмайди, ўзи сизнинг ўрнигизда бўлса нима қилардийкин?

— Ие, қизиқсиз-а, афандим, унинг нима ишти бор, бир холисанлилло мусофир бўлса, ақли етганини гапирди, бўлди-да, буёғи ўзимизга.

Наимий «жуда ҳам холисанлилло мусофир бўлмаса керак» деб айтмоқчи эди, бу блан нима демоқчи бўлганини ўзи ҳам аниқ билмагани учун гапирмай қўяқолди. Қудратиллахўжа Афғончойфурушнинг суҳбатидан кейин, ба'зи гапларни тушуниб олганигами, олишсам ҳали ба'зи нажот йўли борга ўхшайди, деган хулосага келганиданми, ишқилиб нимаданбир биров кўнгли очилди, лекин шу кечаю кундузда бошидан кечаётган воқиалар унинг фикрини ҳамон аламли бир ноаниқлик блан чулғаб турарди.

— Ростдан ҳам энди нима қилсак, нимага қўл уришни билмайди киши. . .

Наимий, Афғончойфуруш-тўғрисида бўлса керак, бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, ташқаридан тартибсиз, қўпол шов-шув эшитилди, эшикнинг икки тавақаси ҳам бирдан тарақ этиб ланг очилди.

Наимий ўрнидан туришликни ҳам, турмасликни ҳам билмай, кўзини катта очганича, бир қўли блан ҳассасини пайпаслаб қолди.

— Айёмлари. . .— нафаси ичига тушиб кетди. Қудратиллахўжа ўрнидан турганича икки қўлини орқасидаги болишга тираб қолди.

Остонада юзи докадек оппоқ, кўзлари олайган, чети ифлосланиб кетган оғзи ярим очиқ, бошланг ва ёқавайрон Нусратиллахўжа турар эди. У икки қўли блан эшикнинг икки қанотини ушлаб, оёғида зўрға турар, тиззалари қалтирар, шишадек жонсиз кўзлари, афтидан, рўпарада ўтирганларни сра кўрмас, қандайдир даҳшатли гап унинг бўғзида кўндаланг тургандай эди.

— Дада. . .— деди сувга чўкаётган одамдай энгикиб,— нелингишни бой бердим. . .

Қудратиллахўжа, қаршисидан биров қилич яланғочлаб келаётгандай, бир қўлида пар ёстиқни чангаллаганича, орқаси блан деворга суяниб қалтиради. Нусратилла гандираклаганича лой этиги блан тўғри келган нар-

сани босиб олдинга юрди, икки қўли блан бошини аёвсиз муштлаб, хонтахтани тўнтариб, отасининг ёнидан ўтди, тўғридаги кўк эшикни этиги бланми, пешонаси бланми, туртиб очди-да, ичкари хонага кирибоқ полга ўзини гурс этиб ташлади.

— Хаҳ... хаҳ... ла'нати қора алвасти, қулоқсиз ҳайвон...— деган овоз эшитилди ичкаридан. Бу эшикда сўлиган қовундек юзидан қути учган Ҳожарбиби кўринди. Эрининг Наимий сингари югурдақларидан қочишни ҳам эп кўрмайдиган оймпошша бу гал жуда аянч бир қиёфада эди.

— Йўқол!— деди эри.

Ялангоёқ Ҳожарбиби чиқиб кетаётиб бошини уриб олай деди, шундай шовилдики, эшикда бутилкадек болдири ялт этди, холос.

Хотийкиши бу хунук гапни билмаслиги керак эди, буни дарров пайқаган Наимий лип этиб чиқиб, Ҳожарбибига «мулла Нусратилланинг қиттак кайф қилиб келгани»ни тушунтирди, ҳеч гап эмас, биз блан жиндек гаплашиб ўтирса ёзилиб қолади, бораверинг, ичкарига кираверинг, деб кузатиб қўйди.

Қайтиб келиб, Қудратиллахўжани бошини икки қўли орасига олиб чўққайиб ўтирган жойида учратди.

— Шу етмаган эди. Салимхўжа ука, тезроқ киринг ёнига, бўкираяпти, биров эшитмасин гапини, бости-бости қилинг, жон ука! Хаҳ шарманда, шарманда,— йиғлагандай чўзди Қудратиллахўжа бошини икки қўли блан эзгилаб.

Наимий кўк эшикни эҳтиёт блан очиб, йўлбарс қафасига кираётгандай қўрқа-писа ўзини ичкарига олди.

Нусратилла, томоғи учган, гиламда юзтубан ётиб сўкинар эди. Наимий секин энгашди, гарданига бармоғини тегизди.

— Узингизни босинг, акаси жонидан, бўлар иш бўпти, йигитчиликда бўлади, турақолинг...

— Йигитчилик!— деди Нусратилла сакраб туриб ўтириб; Наимий унинг энди кўкариброқ келаётган чўтир башарасидан ростакамига даҳшатга келди.— Йигитчиликни энди кўрсатаман мен у қулоқсиз итга!— Нусратилла яна сўкиниб ўз калласини муштлаб кетди. Наимий яна ҳалиги гаплар блан уни эсига келтиришга уринди.

— Бости-бости қиламиз, майли энди, насиб қилмаган экан...

— Насиб қилмаган экан?! Қораялоққа насиб қилган эканми?! Улигини олади мендан, ҳа! Мурдасини олади!

Наимий ўзи ҳам мурдадек оқариб кетди, унинг кўзига бўлғуси қалтис, қонли воқиалар кўриниб кетди. Ҳозиргина Қудратиллаҳўжабой блан «Буёғи нима бўлди?» деб ҳайрон бўлиб турган эди, мана «иш» ўзидан-ўзи бошланиб кетди... Наимий ўзини ҳам бу воқиаларга судралиб кириб кетаётгандай ҳис қилди ва дадилроқ бўлди.

— Чакки қилибсиз, акаси жонидан, эсингизни йўқотиб қўйибсиз, ҳозир шунақа қиладиган замонми, мундоғ орқа-олдингизга қаранг-да...

— Замони блан нима ишим бор, муллака, маслаҳатингизни қўйинг, ўзим биламан!— Нусратилла кир бўлиб кетган яктагини ечди, ечди эмас, йиртиб ташлади. Уни ҳамон шаштидан қайтаришга уринган Наимий қозиқдан беқасам чопонини олиб дарров унинг елкасига тутди.

— Ножўя гапларни бошингиздан чиқариб ташланг, акаси жонидан, унақа вақтлар ўтиб кетган, тишни-тишга қўйинг-да, дам бўлинг, бости-бости қилиб юборамиз.

— Қанақа бости-бости қиласиз? Қулматқора мен блан конфет қоғозга ўйнагани йўқ. У келади, мен уни қарши олишим керак...— Нусратилла наमत тагини қалтироқ қўллари блан пайпаслаб қора чарм қинли пичоқ чиқарди.— Кафанини тайёрлайверсин, азроил бўлиб жонига чанг соламан!

Наимийга даҳшатли воқиа худди ҳозир бошланадигандай бўлиб кетди. У бидиллаб қолди:

— Қим... кимни... акаси жонидан, ота-онангизга раҳмингиз келсин, мусулмончиликда бундоқ бўлмайди. Йигит йигитга бундоқ бўлмайди. Майли, керак бўлса олсин, олиб кетақолсин, қўйинг, биров билмаса бас...

— Йигит йигитга ундоқ бўлмаса, майли олсин, лекин тирик бермайман. Унга ҳам эмас, менга ҳам...

— Тўғри келмайди, акаси жонидан, шаштингиздан қайтинг... Эшитишимча, Онахон қизини ҳали-бери узатмоқчи ҳам эмасмиш. Сизнинг ниятингизни эшитиб заҳаранда қилипти,— деб тахминан тўқиди Наимий.

Нусратилла бирдан ҳуш'ёр тортиб, ма'носиз кўзларини катта очди. «Онахон!» — бу ном унинг оиласида қандайдир даҳшатли эшитиладиган бўлиб қолган эди. Қудратиллаҳўжабой хонадонини талвасага солаётган ҳам, ота мулкига завол бўлаётган ҳам шу...

— А! Уша гадо-я!— Унинг томирлари бўртиб, оғзидан

қўпик сачради.— Гўштини тилка-тилка қилиб, хомлигича қизига едираман! Мен... менинг... Мен...

Нусратилла сулайди. Бевақт тарқаб кетган мастлик ҳам, асабининг тинимсиз қақшаши ҳам уни бутунлай дармонсизлантириб қўйди. У оғзи кўпикланиб, ҳолдан тойди, гиламга узала тушди. Наимийнинг назарида, шаштидан қайтгандай бўлди. Бойвачча кўзини юмиб чалқанча ётарди, отасининг бурнидай гўштдор, чўтир бурнининг катаклари кенгайиб, ифлос шира блан бир-бирига ёпишган лаблари қорайиб кетди. Наимий унинг юзига қараб чиройи қочди, унга бойвачча ҳозир Қулматқоранинг пичогини еб йиқилгандай кўринди.

Наимий чўккалаган жойидан турди, тизза бўғинининг қирс этганидан ўзи чўчиб, оёқ учида эшик томонга юрди. Узала тушиб ётган бойваччага қараганча бир қўли блан кўк эшикни итарган эди, эшик Қудратиллахўжабойнинг чаккасига тақ этиб тегди.

— Тинчидими, тақсир?— деди бой чаккасини ушлаб.

Наимий эшикнинг дастаси бойнинг чаккасига тузукки-на текканини пайқаган бўлса ҳам, ўзини билмаганга олди.

— Ухлаб қолди, тинчиб кетади худо хоҳласа. Турганидан кейин ўзингиз яна ўғит беринг, важоҳати ёмон.

Наимий бир қўлига белбоғ попугини, бир қўлига ҳассасини ушлаб, аста чиқиб кетди.

Ташқарида ғира-шира қоронғи тушиб қолган эди. Салқин ҳаво Наимийнинг бутун вужудига жондек кирди. «Уф!» деди Наимий бир хатардан ўтиб олгандай; орқалдига қараб, девор бўйлаб йўрғалади. Нима воқиялар бўлади? Қачон бўлади? Бу атрофдан одам ўзини олиб қочгани ҳам тузук. Наимийнинг эзгу хаёлларини тебратиб турган Қудратиллахўжабой ҳам соб бўлди. Афғончоифурушнинг айтганлари ҳақиқат. Унинг аччиқ пичингларида Наимий бир нарсани пайқаб турипти: Салимхўжа Наимий умрини ва'зхонлик блан ўтказди, аллақачон қўлга пичоқ олиш керак эди. Бу Қудратиллахўжа, Нусратилла, Қулматқоралар атрофида нодонларча, ошкора талвасадан бошқа гап йўқ. Узоқлашиб ўзини эҳтиёт қилгани ма'қул. Лекин қаёққа бориш керак? Наимийнинг эзгу хаёлларининг англайдиган ким бор? Туркистонга чин кўнглидан раҳми келган ким бор? Уни қанот остига оладиган қудратлироқ куч борми?

Кўчада ҳечким йўқ. Шитир этган товуш эшитилмайди. Наимий ўз хаёлидагини гапириб юборишидан, гапини би-

ров эшитиб қолишидан қўрққандай, ўғридек атрофига аланглар, кунда юрган таниш йўли бўлишига қарамай, ҳадеб қоқинар, ҳар қоқинганда а'зойи баданига совуқ тер тепар эди.

Муюшда шарпа эшитилди, қопқора соя кўринди. Одам. Ёлғиз. Бир жойда турипти. Қадамни сеқинлаштирган Наимийнинг калласига даҳшатли фикр келиб урилди: «Қулматқора!» Унинг қўлида албатта пичоқ бўлиши керак... У ё Нусратилланикига кетаяпти, ё уни пойлаб турипти. Уйда бўлган ҳамма гапни тинглаб турган бўлса-я?.. Ҳозир Наимийнинг йўлини тўсса... Шундай қилиб, бу мантиқсиз жоғарага Наимий ҳам аралашиб кетдими?

Наимий четлаб ўтмоқчи бўлди. Дадиллик учун, эҳтимол ўзининг Нусратилла эмас, бутунлай бошқа одам эканини билдириш учундир, икки марта йўталиб қўйди.

— Салимхўжа...

— Ким...

Наимий қимир этмай турган соя томон дилдираб юрди, тунда ялтираган кўзларни кўрди.

— Э, тақсир, қўрққанга кўланкаси азроил дегандек, одамнинг кампирагини учириб юбордингиз,— деди Наимий қўрқувдан бутунлай аригандек; лекин у қўрқувдан аримаган эди, муюшда кечаси сирли кўланкадай турган Афғончойфурушни таниганида унинг юраги баттар орқасига тортиб кетди.

— Нима қилиб туриптилар, тақсир!— деди Наимий ва жавоб ҳам кутмасдан Нусратиллабойваччанинг «қилиб қўйган қилғилиги»ни гапириб берди.— Ваҳшат, тақсир, нодонлик, жоҳиллик. Энди нима бўлади-да, билмадим.

Афғончойфуруш воқиянинг тафсилотини суриштиради. Наимий бойваччанинг гаплари, важоҳати, уни қандоқ қилиб шаштидан қайтарганларини сўзлади.

— Йигитлик, афандим, йигитлик замон-памонига қарамас экан, нима ҳам дейсиз,— деди Афғончойфуруш совуққина қилиб.— Қўяверинг, шўхлигини қилиб олсин.

— Қизни ўлдираман деяпти, ахир! Йигитга-ку кучи етмас, иннайкейин, йигитнинг йигитга пичоқ ўқталиши ҳам ўзи — одобдан эмас. Лекин қизни...

— Қизни деса қизни,— деди Афғончойфуруш яна ҳам ҳафсаласизроқ.— Нима қилса ўзи билади, сиз блан биз бош қўшиб нима қиламиз. Лекин тезроқ бирёғлик қила-

қолсин, тагин... Қудратиллахўжа блан борди-келдимиз бўлар эди, сиз блан бизга гап тегиб ўтирмасин. Тезроқ изини йўқотиб қўяқолсин, барибир унинг йигитлик дардини тийиб бўлмайди, қизни деса қизни... тезроқ бўлсин, иложи бўлса ёрдамлашиш керак. Бекор шаштини қайтарибсиз...

— Тўғри, сизники ҳам тўғри,— деди Наимий пешонасини ишқаб.— Менинг бу хатомни ҳали ҳам тўғрилаш мумкин. У унча қайтгани йўқ, учиб қолди холос.

— Тўғриланг, тўғриланг хатоликни, тақсир. Иш чўзилиб кетса, ўзингиздан қолар гап йўқ, гап оғиздан-оғизга ўтиб, текшириш, тафтиш, тергов бошланиб, дегандай... қўйинг, худо сақласин. Айтгандай, қиз сизнинг билим юртингизда ўқийдими?

— Ҳа.

— Ўқишдан келиш пайтини бойваччага айтиб қўяқолинг. Қутиласиз кетасиз, сизга нима, туя кўрдингми, йўқ. Иннайкейин, ҳа, ўқишдан кечқурун келсин... Тахминан соат саккизларда... Ўша куни соат саккизгача адабиёт тўгарагингиз бор... Ҳа, бор, бор, хўп денг. Қудратиллахўжага гапириб юрманг, ота-меҳрибон, ўғлидан хавотир олиши мумкин. Бойваччага соат саккизни уқдириб қўйсангиз бас. Бир маслаҳат-да, яна ўзингиз биласиз, менга ку дахли йўқ...

Наимий ҳам, худди Қудратиллахўжабойдек, Афғончайфурушнинг совуққон, секинлик блан чақадиган заҳар, лекин ниҳоятда тadbирли одам эканига борган сари ишонч ҳосил қиларди. Қачон қарасангиз, қайси мушкул аҳволда бўлмасин, шу одамнинг совуққонлик блан берган маслаҳати энг тўғри маслаҳат бўлиб чиқади-да... Мана бу сафар ҳам. Билим юртининг муаллими Салимхўжа Наимий совет мактабида тинчгина муаллимлигини қилиб юрипти, фалон куни соат 8 гача унинг тўгарак машғулоти бор... Кечаси блан қаёқларда бўлган қонли воқиа блан Наимийнинг нима иши бор. Ниҳоятда осон-а! Мутлақо бегона, холис бир одамга шунақангги осон йўл кўрсатгани учун раҳматдан бошқа нима ҳам дейиш мумкин?

— Раҳмат, тақсир. Бу менга ҳеч гап эмас. Тинчлик блан ўтиб кетса бас,— деди Наимий хайрлашаётиб,— сиз...

— Мен извош кутиб турибман. Кексалик, шундан-шуёққа пиёда уйга бориш ҳам малол келади денг,— кулди Афғончайфуруш. Наимий бу холис мусофирни муюшда

қолдириб кетди. Лекин бир фикр хаёлидан сра кетмади: нима учун «соати 8 ларда»?..

Эртаси куни, азонда, келин учун ясатилган уйдан Наимий чиқиб кетгандан кейин, Нусратилла кўзини эшик дастасига тикканча, жойидан қимир этмай ярим соат ўтирди. Туни блан бўлган ғазабли бўкиришлар, хунук алаҳлашлар, йиртқичдай увлаб йиғлашлар тинди. Нусратилла ё эсини йиғиб олди, эсини бутунлай йўқотди — у қимирламас ва индамас — У қаттиқ чўчиган одамга ҳам ўхшарди, нимасидир минг азобда ўйлаган нарсасини топган одамга ҳам ўхшаб кетарди. Ҳа, у кечадан бери тушида ҳам, ўнгида ҳам ўзи гапирган гапиши бугун Наимий чиндан такрорлаганидан, энгиб бўлмайдиган титроққа тушди: кечадан бери бу — гап ва алаҳлаш эди, бугун чинга айланиши керак экан!..

Нусратилланинг шу ўтиришида уни жуда хотиржам деб ўйлаш мумкин эди — Наимий кетиши блан секин пуסיб деразадан мўралаган Ҳожарбиби шундай деб ўйлаб, бироз кўнгли жойига тушди; лекин унинг қон босиб келаётган кўзига тикилган киши бутун вужудида дардли, ҳайвоний бир куч тўлишиб келаётганини пайқаш мумкин эди: бу куч уни аввал оловдай қизартирди, кейин аста кўкартириб, бўйин ва чакка томирларини бўртдирди, қулоғи тагида тўпикдай туртиб чиққан жағ орқа суяги бездай йилтиллади, кўзлари тобора қонга тўлди. Бирвақт у бошини секин буриб, кўзини деворга олди: Нусратилланинг, умрида биринчи марта бўлса керак, соатга иши тушган эди...

Шунақа хунук нарса экан, соат! Тили худди бировнинг бўғзидан шошилмай арралагандай, тинимсиз ва секин қимирлайди. Икки милли икки яланғоч пичоқдай ёнма-ён турипти. Нусратиллахўжанинг хира кўзига, ёниб қўри ўчмаган қора кўмирдай «8» рақами кўринди... у жонлидай, қимирлаётгандай эди.

Нусратилла ичини ўт олиб кетгандай, бирдан ўрнидан турди. Турдио нима қилмоқчи эканини билмади. Сандиқ ёнида уймаланиб ётган кўрпа-тўшак устига ўзини юзтубан ташлади. Иссиқ, дим... кўкрагининг тагида ёстиқ гўё ёнарди; ағдарилиб чалқанча ётди...

Кўрқа-писа Ҳожарбиби кирди. У девор бўйлаб бориб ўғли ёнига чўккалади-да, унинг пешонасига қўлини қўйди, димоғига қўланса ҳид келиб урилди.

— Вой, болам, ўша ўлгурни яна ичибсан-а?

Нусратиллахўжа унинг қўлини қўпол итариб, тез туриб ўтирди, бир нарса эсига тушгандай алангалади ва бирдан бурчакка, сандиқ орқасига чўзилди. Қўлига илинган шишадан полда юмалаб ётган пиёлага титраб арақ қуйди, сахро-дашддан бир томчи сувга интизор бўлиб келган одамдай, ияги ва бўйнига тўка-тўка ютоқиб ичиборди ва яна индамай юмалади.

Ҳожарбиби қўлидан ҳечнарса келмаслигига ишониб чиқиб кетди. Ўз-ўзидан пичирлаб худога ёлвориб, ўтинхонага кирди, қўлини нимага уришни билмай, яна ўчоқбошига ўтди, қорачироқ қўйиладиган туйнукка ўхшаш дарчадан ўғли ётган уйнинг эшигини пойлади.

Нусратиллахўжа бирпасдан кейин ўша ҳолича ташқарига чиқди, ҳовуз бўйидаги чинор тагига келиб ўтирди, сувга ма'носиз тикилди. Енида чумоли уясини кўриб, оёғи блан эзди.

Ҳожарбиби чиқайми-чиқмайми деб ўйлаб, эшикка юрди, эшикдан айланиб чиққунча, қараса — ўғли ўтирган ўрнида йўқ. . . Қути учиб ҳовузга қаради, ҳовуз юзи тинч, ойнадай жимирлаб турарди. Уйга югурди. Эшикни очай деса овоз эшитилди: «Бутун уй ичи блан. . .», «Бутун уй ичи блан. . .»

Ҳожарбиби ичкарига кирди, оёғи остонада юмалаб ётган шишага тегди, кўзи стол ёнида тикка турган ўғлига тушди. Нусратилла столдаги шишадан арақни тўка-тўка пиёлага қуйиб, бирин-кетин ичарди: «. . . қириб ташлайман!» . . . Ҳожарбиби бир қўли блан столдаги шишани, бир қўли блан ўғлининг қўлидан ушлади.

— Болам. . . — деб ялинди кўзида ёш блан, — болагинам, ўзингни хароб қиласан, ахир. . . : заҳар бўлиб ўта-япти, ўзинг ҳам билиб турибсан, мунча ичмасанг, қўй, жон болам. . . нима бўлди сенга? . .

— Йўқол! Кўзимга кўринма! — деб бақирди Нусратилла. Унинг қўпол овозиданми, ё қўл-пўли тегибми — шиша блан пиёла, яна бирнималар столдан тушиб синди. Она бутун қолган пиёлани эгилиб олишга ботинмай, йиғлаганича эшик томонга юрди. Ташқарига чиққанида «пақ-пақ» этган овоз эшитилди: Нусрат сандиқ орқасидан тўйга олиб қўйилган бутилкалардан яна бошқасини олиб кафти блан тагига пақ-пақ урарди. . .

Кечга яқин уйда жимлик чўкди. Она ичкарига қадам қўйишга юраги бетламай, эшик-дераза атрофида ивирси-

ди. Анчадан кейин бир нарса тикир этди. «Сенга ҳам эмас, менга ҳам...» дерди бойвачча тиш орасидан пичирлаб. Дераза ёнида қулоқ солиб турган Ҳожарбиби ўғлининг нима қилаётганини тахминлади: ана тагин сандиқ ёнига бораяпти, яна шишага қўл узатди... Ҳақиқатан ҳам шундай эди: Нусратиллахўжа сандиқ ёнига борди, қўл узатди. Лекин бу сафар унинг қўлида яримталиқ арақ шишаси эмас, яланғоч пичоқ ялтиллади...

Ўнинчи боб

Башорат блан Турсуной югуриб-елиб етиб келдилар-у, Софья Борисовна ҳали ҳам уйда йўқ, эшик қулфлоглик эди. Улар кўча томондаги айвонда кутмоқчи бўлдилар. Буер озода, безатилган, айвон қанотида катта-катта тувакларда гуллар турар, икки стул блан бир скамейка ҳам бор эди. Ҳаяжондан ва югуриб чарчаган Турсуной курсига ўтирганда жуда роҳат қилди, унинг саҳна учун пардоз қилиб хилма-хил шойи қийқимлар блан ўрилган узун сочи бошида гулчамбардай, узунчоқ оқиш юзларининг икки учигина лоладай қизарган, кўзларида қувонч чақнаб турар эди. Башорат кўккўйлакчиларнинг концертини Софья Борисовна кўрмаганига жуда афсус қилган эди, концертдан кейин югуриб келганларида унинг йўқлиги яна алам қилди.

Улар энди бирпас ўтирган эдиларки, вагранкага ўт ёқучи, қиррабурун, новча Абдисамат блан ҳов бирдаги икки чиройли қиз келиб қолди. Абдисаматнинг қўлида гулдаста, тинимсиз жилмайиб, икки қиз ўртасида шошиб келар эди.

— Э, ҳа, вот масала!— деб чўзди у ингичка овоз блан.— Лип этиб жўнаб қолипсизлар-да?— Абдисамат Турсуной олдига келиб, бир оёғини олдингароқ қўйиб, узун ингичка гавдасини ўроқдай эгди-да, гулдастани узатди, кўкрагини тўлдириб осилиб ётган «Ким», «Доброхим», «МОПР», «Болалар дўсти» ва яна аллақандай значоклари жиринглаб кетди.— Сизга, Турсуной, комсомол ячейкаси дан, бугунги яхши концерт учун!

Турсуной ўзини йўқотиб қўйди. Гулдаста жуда чиройли эди, Абдисамат ҳалиги гапларни айтмаганида олақолган бўлар эди.

— Сизни шунча қидирамиз — йўқсиз! Зал гув-гув-гув қилади денг! Шошинингда сизни топамиз деб ивирсиб,

декорациянинг орқасида Галя блан пешонамизни уриб олди.— Абдисамат пешонасини кўрсатди. Чиройли қизлардан бири Галя — қизариб кетди.— Рост!— деди Абдисамат.— Олинг гулни, сизга, сахнада топширмоқчи эдик, қсчиб кетиб қолибсизлар.

— Бирам яхши айтдингизки, Турсуной!— деди Галя чин кўнглидан.— Репетицияда ҳечам бунчалик айтмаган эдингиз.

Турсуной бу яхши йигит-қизлар уни қачондан бери сизлайбошлаганларини ҳам пайқамаган экан, ҳозир еси-га тушди; шунини ўйлаб, гулдастани қучоғига олиб олганини ҳам сезмай қолди, раҳмат дейишни ҳам унутди.

— Раҳмат,— деди Башорат унинг ўрнига. У синглиси туфайли жуда бахтиёр, худди Турсунойнинг ўзичалик ҳаяжонда эди. Турсунойга сахнада юзлаб ишчилар олдида ашула айтишдан ҳам, ҳозир гулдастани ушлаб туриш оғирроқ бўлди, уни қаерга қўйишини, нима дейишини билмай қолди.

— Утиринглар, қизлар,— деди Башорат тенг-тенгига гапиргандай. Энди бошқача гапирса ярашмагандай эди. Бир вақтлар бу қизлар олдида уялиб-тортиниб гапини йўқотадиган Башорат энди ўзини уларга тенгқурдай ҳис этарди. Уларнинг ҳурмати, софдиллиги, ишончи бунга ҳуқуқ берарди. Башорат Абдисаматга ер тагидан қараб-қараб қўйди. Бу хушчақчақ йигитнинг мастерскойдаги ёшлар орасидаги дадил, қувноқ ҳаётига Башоратнинг доим ҳаваси келарди. Башоратнинг назарида, буердаги ёшлар Абдисамат бир нарса деса ўтга ҳам, сувга ҳам киришга тайёр, у блан бахтли, мағрур эдилар. Башорат ҳам шундай бўлгиси келарди. Ҳозир унинг «комсомол ячейкаси номидан» деганини эшитиб яна ўйлаб қолди, Абдисаматга ҳадеб қарагиси келаверди, қарай деса, қизлар буни пайқаб қоладигандай, ботинольмади.

— Утиринглар.— Бу такрорлаш ёлғиз тикка қолган Абдисаматгагина тегишли бўлса ҳам, Башорат «ўтиринглар» деб кўпликда гапирди.

— Сизни ҳалиги чол профессор ҳам йўқлади,— деди Галя Турсунойга қараб.

— Вой ўлай, келган эканми?— деди Турсуной кўзларини катта очиб. Кейин ўйланиб, секин гапирди.— У жуда яхши бобо. Мени уйига чақирган. Катта, мана шу айвондек катта музыкаси бор экан, сенга чалиб бераман, дейди. У жуда катта ашулачи бўлган экан. Масковда

мингта одам олдида ашула айтар экан. Кейин касал бўлиб, дўхтир томоғини кесиб тузатипти. Тузалиптию, овози яхши чиқмай қолипти. Шунга гапириб берганда йиғлади. Жуда раҳмим келди. «Овозингни эҳтиёт қил, қизим», деди, «сенинг овозинг ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳамма нарсадан қиммат» деди.

— Бугун ҳам йиғлаганга ўхшаб кўрипти, ҳассасини йўқотиптию, уни қидирмайди, нуқул сизни қидиради.

— Эсизгина...— деди Турсуной,— қаердан топса бўларкин, мана шу гулни ҳаммамиздан деб берардим...

Ҳечким жавоб беролмади. Турсуной яна секин давом этди:

— У менга бир қизиқ нарсаларни айтиб берди. Масковда ашула театри бўлар экан... отини бир нимаям деди, эсим қурсин, ўша театр театр экану, бошдан охиригача ҳеч гап гапирмасдан нуқул ашула айтилар экан.

— Вой жинни, театр эмиш, концертдир у,— деди Башорат билангонлик қилиб.

— Йўқ театр экан, ашула театри. Катта бўлсам ўшанга мени ҳам ўқишга олар экан, ўша бобо айтди.

Башорат кўнглининг қайсидир бир бурчагида синглисига жиндак ҳасад қатраси сизди.

— Абдисамат ака, мен ҳам комсомол бўламан,— деди гапни бироз ноқулай тарзда ўзига буриб.— Софья опам айтдилар, бизнинг қизлар билим юртида ҳам комсомол бўлар экан.

— Ҳамманглар ҳам комсомол бўласизлар,— деди Абдисамат,— мана Галяни ҳам яқинда комсомолга оламиз. Турсуной ҳам катта бўлганда...

— Бизнинг Найманчада яқинда мактаб очилади. Ефим тоғам янги шаҳарга бориб билиб келдилар. Энди ҳайронман...

^ Башорат унинг гапини бўлди:

— Турсунойни комсомолга олмас дейман.

— Нимага?— деб сўради Абдисамат ҳайрон бўлиб.

— Софья опам айтдиларки, комсомолнинг вазифаси — янги заводлар, фабрикалар қуриш, душманларга қарши курашиш, дедилар. Турсуной бўлса ашулачи бўлади. Ҳамма ишласа, фабрикалар қурса, душманларга қарши курашсаю, бу нуқул ашула айтса...

— Йўқ,— деди Абдисамат ниғичка овозини чўзиб.— Турсунойни ҳам комсомолга олади. Албатта олади. Нима учун деганда ўша фабрика қурадиганлар, курашадиган-

лар чарчайдими? Чарчайди. Дам олиши керакми? Керак. Уларнинг яхши ашула эшитгиси келадими? Келади.

— Ашула бўлмаса одам яйраб ишлолмайди,— қўшиб қўйди Галя.

— Ҳа, ана! Турсуной ана ўша яхши ишлаб чарчаганларни ўз ашуласи блан хурсанд қилади. Я'ники, уларга ёрдам, хизмат кўрсатади. Комсомолнинг вазифаси, умуман айтганда, халққа хизмат қилиш. Лекин қуручи бўлиш учун ҳам, ашулачи бўлиш учун ҳам аввал ўқиш керак. Турсуной Найманчада очилаётган мактабни битиргандан кейин ҳалиги ашула театрига ўқишга борса бўлади.

— Мактабга кетиб қолсам сизларга келолмайман-да, ашула эсимдан чиқиб кетади,— деди Турсуной ерга қараб.

— Мен айтайми, топдим!— деди Башорат ирғиб ўрнидан туриб.— Турсуной ўқишга киргач, оймларнинг артелида ашула айтади. Уер яқин. Артель ҳам-чи, худди сизларнинг мастерскойларингиздай бўлган. Мен жуда кўп бориб тураман. Уердаги хотинлар худди сизлардаги мастеровойлардек жуда иноқ, жуда шушчақчақ. Турсуной, сен ўйламагин тагин нефмонбойнинг дўконхонасидагидай деб. Бутунлай бошқа. Ўша хотинлар ишчи синфи бўлар экан. Софья опам айтди. Вой, қандоқ яхши-я! Эсимга келганини қаранглар. Бор, Турсуной, албатта бор. Хотинлар шундай хурсанд бўладики! Ойим ҳам, Софья опам ҳам!

Галя блан шериги бир-бирига қарашиб олди, кейин иккови ҳам савол назари блан Абдисаматга тикилди.

— Тўхтанглар, тўхтанглар,— деди Абдисамат калласига ажойиб фикр келгандек ўйланиб,— вот масала! Бу интресни гап. Бундоқ бўлса-чи: у артельда ҳам ашула, музыка, ўйинга қизиқадиганлар бордир. Бўлмасдан иложи йўқ. Хўш... Турсуной у ерга бориб, худди бизникидай кўккўйлакчилар тўгараги ташкил қилади. Тўхтанглар, тўхтанглар, гапни бўлманглар, Софья Борисовнага мен ўзим айтаман, Турсуной бунга қандай қилишни мана бизда ўрганди...

— Абдисамат...— деди ўпка қилиб Галя.

— Ҳа?

— Биз Турсунойни ҳечқаёққа бермаймиз!

— Гап ундоқ эмас Галя, биз Турсунойни анча нарсага ўргатдик, бу блан хурсандмиз, агар бизнинг Турсун-

ойимиз, ҳа бизнинг Турсунойимиз, артельга бориб, ташкилотчи бўлса, биз ундан ҳам ортиғроқ хурсанд бўлишимиз керак.

— Мен буни қандоқ қиламан?— деди Турсуной чўчиб.

— Қиласиз. Мана кўрамиз, қиласиз. Биз... буни сизга...— Абдисамат жуда жонланиб кетди, ёнидаги қизларга қаради,— биз буни сизга комсомол номидан топширамиз!

Башорат ўрnidан туриб кетди. Синглисини ҳасад аралаш муҳаббат блан қучди. Абдисаматга ҳам худдй шундай қулоч ёзиб отилишига сал қолди.

— Комсомол кичкина қизларга ҳам иш топширса бўладими?— деб сўради у.

— Бўлади. Сизга ҳам топширамиз, Башорат. Биз энди сизларни биламиз. Комсомол ишонмасдан иш топширмайди.

— Менга нима топширасиз?

— Сизга, Башорат, оғирроқ иш топширамиз.

Ҳамма ўрnidан турди. Башорат улар қаршисида кўзларини чарақлатиб тикка қотди. У мастерскойдаги ҳамма ёшлардек, Абдисаматнинг топшириғини бажаражаги блан бахтли эди. Юраги сабрсиз дукуллади.

— Мен сизга бир китобча бераман, жуда кичкина китобча, лекин унинг ичида бутун умрга ёд олиб олиш керак бўлган сўзлар бор.— У чўнтагидан китобчани чиқарди. Бу гугурт қутисидан сал катта, юпқагина китобча — «Комсомол устави» эди. Башорат бесабр қўлини чўзди. Абдисамат уставни бермай туриб гапида давом этди.

— Аввал буни ўзингиз ўқиб тушунинг. Тушунмасангиз мендан, ойингиздан, Софья Борисавнадан сўраб олинг. Яхши тушунганингиздан кейин, ўша билим юртидаги қизлар блан бирнеча марта ўқинглар. Ким истаса эшитаверсин, ўзингиз тушунтириб беринг. Кейин сизларга шаҳар комсомол кўмитасидан одам боради. Мени юборишса, мен бораман. Сизларда қизлар комсомол ячейкаси тузамиз.

Башорат китобчани икки қўли блан олди. Унга узоқ тикилди-да, кўкрагига босди.

— Мен ёд олиб оламан.

— Мен ҳам ўқисам майлими?— деб сўради Турсуной.

— Мен ҳамма-ҳамма ҳарфларни биламан.

— Майли, майли, сизга Башорат ўқиб беради,— деди Абдисамат кулиб.

Опа-сингил ўзларини қаёққа қўйишларини билмай, таррадудга тушиб қолдилар, кўчага, йўлга қарадилар. Ҳечким йўқ, оқшом яқинлашиб келаётган эди.

— Сизлар кимни кутаяпсизлар ўзи?— деб сўради Абдисамат.

— Софья Борисовнани,— деб жавоб берди Башорат,— у киши концертни кўраолмади, жуда гапириб бергимиз келувди, хурсанд бўларди. Қелмаяпти. Ҳа, майли, кейин. Энди кетамиз, кеч кирди.

— Кетамиз,— деди Турсуной.

Улар бугунги катта шодлиқларини оналарига айтиб бериш учун шошар эдилар. Қизлар ва Абдисамат уларни баракнинг у бошигача кузатиб қўйдилар. Галя Турсунойга бутунлай ажралаётгандек мунғайиб қаради. Башорат Абдисаматга қўл бераркан аввал қаттиқ қилиб:

— Раҳмат! — деди, кейин шу сўзнинг ўзини уятчанлик блан секин такрорлади.

Кўчаларда чанг яқинлашиб келаётган оқшом салқини блан босилган. Ўрикзор ва олмазорлар аста қорайиб, қўрғошиндай қўнғир тусга кирмоқда. Фақат мирзатеракларнинг учи ботиб кетган қуёшнинг жуда баланддаги сўнги нурлари блан қизариб турипти. Осмоннинг ғарб чеккаси, ҳали ҳам қуюқ қизилрангда аллақаёқдаги тўқайга ўт тушгандай, ловиллаб ёниб турипти. Уерда олов ёнади, ерда эса салқин. Опа-сингил етаклашиб, шошиб, йўрғалаб бормоқдалар. Турсунойнинг қўлида гул, кўк-кўйлакчилар тўғарагидан берган енгил чувагини ҳам қўлига олиб олган. Башоратнинг қўлтиғида ойисининг янги паранжиси. У оёқ остига боқмай, тиккага қараганича, синглисини етаклаб шошиб боради. Улар оналари олдига шошадилар. Оналарининг бугун нақадар хурсанд бўлишини кўз олдиларига келтирадилар. Ахир, улар бугун бирданига бир ёш, икки ёш катта бўлгандай бўлдилар. Она буни сезмаслиги мумкин эмас. У дарров сезади, икковини ҳам битта-битта қучоқлаб олади. Концертни, Турсунойнинг муваффақиятини, кейин Абдисаматнинг, комсомолнинг уларга берган топшириғини гапириб берганларида-чи! Хуллас онага бугун уйқу йўқ, у ухлайолмайди, севинганидан уйқу ололмай чиқади. Башорат онасининг бундай кечаларини билади. Онаси артельга раис бўлган куни, кейин хотинлардан бирнечтаси устахо-

надан кетиб, артельга борган куни, Софья опа туққанида унинг боласини кўриб келган куни шундай бўлган. Башорат билади — онаси жуда хурсанд бўлса ҳеч ҳам ухлайолмайди. Бугун ҳам шундай бўлади.

Башорат онаси ҳақида доим завқ блан ўйларди. Ҳозир айниқса. Унинг онасидан ҳам яхши, меҳрибон, ақлли одам бормикин? У Башоратнинг кўнгилидаги орзуларни дарров тушуниб олади. Башорат темир йўл устахонасидаги ишчилар, уларнинг дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, уларнинг ҳарбиттаси Ефим Даниловичга ўхшаб кетиши ҳақида биринчи марта гапирмоқчи бўлиб уйга қайтганида, онаси худди шу ҳақда ундан олдин, ундан минг марта яхши қилиб гапириб берган.

Шундай гапирганки (бу ўша хотин-қизлар клубида катта мажлис бўлган кунлар эди). Башорат ҳечам бундай қилиб гапириб беролмасди. Онаси ўша куни «қани энди ҳозир даданг бўлса» деб йиғлаган, у ҳечвақт Башоратга дадаси ҳақида гапириб йиғламас эди, ўша куни йиғлаган, хурсанд бўлганидан, ҳамма иш Башоратнинг дадаси айтгандай бўлаётгани учун, уни қўмсаб йиғлаган. Ҳали бугун ҳам йиғламаса.

Башорат унинг йиғлашини истамайди. Ҳали ҳам кўп иш блан бўлиб озиб қолди, ҳар куни азонда артельга кетади, шомда қайтиб келади. Ишқилиб, касал бўлиб қолмасин. Унда Башорат нима қилади? Йўқ, ундан кўра Башоратнинг ўзи касал бўлгани яхши. Ойисининг ғамгин юзини, ёшли кўзини кўриш Башоратга жуда ҳам оғир. Буни у ёшлигида кўп кўрди, энди бўлиши мумкин эмас, етар, унинг ойиси шундай яхшики, одамлар учун, хотинлар учун шундай яхши ишлар қиляптики, уни хафа қилишга, кўзига ёш олдиришга ҳечкимнинг ҳаққи йўқ! Уни ҳамма яхши кўриши керак!

Опа-сингил шошар, улар одатдаги ёқимли ҳорғинлик блан ишдан келган меҳрибон оналарининг қучоғига ташланишга ошиқар эдилар.

Қоронғи тез тушиб борар эди, узоқлар кўринмай ҳам қолди. Таниш, Найманча кўчалари. Башорат одатда бу ерга келганда паранжини ёпиниб олар эди. Бугун ёпингиси келмади, димиқиб кетардай кўринди. Кўчада ҳечким йўқ, қоронғи — ким қараб ўтирипти унга.

Башорат дадил бўлди, қоронғида қувончли кўзларини чарақлатиб, сингисини шоширди. «Ойи, ойижон» деб югургиси келди.

Улар югуролмадилар. Уларнинг эшигининг тағйда бир соя кўринди: кимдир ўтирипти... ё ёнбошлаб ётипти. Е мастмикин? Айниқса Турсуной мастдан жуда қўрқарди, энди қандай қилиб киришади?

Соя қимирлади, у ётипти, ҳа аниқ — ётипти. Қизлар бир тўхташдию, яна юришди. Башорат олдинроқ юрди. Турсуной жуда қалтираб кетди. Башорат чап бериб кириб кетса-я, у нима қилади.

Башорат яқин борди, кўланка яна қимирлади. Бирдан, Найманчанинг тинч кўчасида, шом қоронғисида, даҳшатли чинқириқ эшитилди:

— Ойи! Ойижоним!

Товуш даҳшат блан янградию, хунук қабристон сукунати чўкди. Бу Башоратнинг овози эди, у ҳалиги кўланканинг устига ўзини ташлаган эди. Оқариб тилдан қолган Турсуной қичқираолмади, овози бўғилди. У югурибми, йиқилиб-судралибми — ишқилиб Башоратнинг ёнида пайдо бўлди ва у ҳам йиқилди. Башорат тетик, унинг овози янграр эди:

— Ойи! Ойижоним!

Турсуной ҳушини йўқотган бўлса ҳам, ерда ётган — ойиси эканини пайқади ва бирдан тилга кирди, овози чиқди:

— Ойижон!

Башорат ойисининг паранжисидан таниган эди, тимискилаб унинг юзини топди, ўзини ташлаб, хунук овоз блан йиғлади. Икки ёш қиз, икки ожиз бола ўз эшиги остонасига сўнгги қадамини қўёлмай йиқилган она устида чорасиз, ақл-ҳушсиз йиғлар эдилар. Нима қилиш ҳали уларнинг эсига келгани йўқ, она тирикми ё бу ётган.. мурдами — ма'лум эмас.

Башорат онани қучоқлаб йиғларкан эсига келди: тирикми-йўқми?.. Қўли иссиқ бир нарсага тегди, паранжими, иссиқ тупроқми, нима?..

Орқадан овозлар эшитилди, чироқ нури тушди. Кўни-кўшни, одамлар қўзғалиб чиққан эди. Башорат, ёнида тошфанор ушлаган Норматпарангни кўрди. Хотинлардан кимдир додлаб қичқирди, унинг Башоратнинг қонли кўлига кўзи тушган эди.

— Онахон!

— Қим?

— Онахон!

Кимдир онасига ёпишиб ётган Турсунойни кўтариб олди. Шовқин-суронда Башорат четга чиқиб қолди, қонли қўлига чироқ нури тушганда яна:

— Ойижон!— деб қичқириб юборди.

— Қон!

— Пичоқлаб кетишипти!

— Тирикми?

— Ҳой одамлар! Дод!

Хотинлар Онахонни кўтариб, ҳовлига олиб киришди. Чироқ ёқишди.

— Сув! Сув! Тирик экан!

— Онажон!— деди яна одамлар орқасида қолиб кетган Башорат. Қичқирдию, уймаланиб ётган паранжи оёғига ўралиб юзи блан ерга йиқилди...

Найманчада кечаси блан деярлик ҳечким ухламади, уйларда, ҳовлиларда чироқлар ўчмади, сра чироқ ёқилмайдиган, шомданоқ, уйқу оладиган хонадонларда ҳам қорачироқлар туни блан милтиллади. Ҳамма жойда эркак, хотин, бола-чақа, қўни-қўшни тўпланиб, говур-ғувур гап бўлди, бўлиб ўтган воқиа тўғрисида ҳарким ўзича тусмол қилиб, ҳар ерда ҳар қандай фикрларга келинди. Собир мастеровойнинг беваси, янги очилган бўзчи хотинлар артелининг каттаси Онахонни торкўчада номаълум одам пичоқлаб кетипти деган шумхабар азонгача ҳамма ерга тарқалди. Кечаси блан воқиа бўлган жойга кўплар келиб, ба'зилари Онахоннинг аҳволини билиб, ба'зилари дарвоза тагидаёқ уни-буни суриштириб кетди. Рузвон хола, Қумри, Ҳожияхон, Анзираткамбир, Назокатлар келган-кетгани ичкарига киргизавермай, эшик тагидан жўнатдилар, қизчаларни юпатдилар, Онахонга қарашдилар. Тонг ёришай деганда Назокат қўярда-қўймай эрини бошлаб, Чорғузардаги рус докторга кетди. Анзират туни блан худога ёлвориб, алланима дуолар ўқиди, кимларнидир аччиқ-аччиқ қарғади, аҳволнинг бундан баттар бўлмаганига минг марта шукур қилиб, тинмай ивирсиди.

Онахонни ардоқлаб ётқизган, уст-бошини авайлаб ечиб қонларини артган, ярасига наMAT куйдириб босган, пешонасига ва лабларига нам тегизиб турган Рузвон хола бўлди. У Онахоннинг ёнига ҳечкимни яқин йўлатмади, ўксиб-ўкириб йиғлаган Назокатни ҳам ичкари киргизмай, ишга буюриш блан юпатди. Ҳожияхон Турсуной блан Башоратни қучоқлаб онанинг бошида ўтирди.

Азонга яқин бориб Онахон кўзини очди, қуриқшаб ёрилган лабларини секин қимирлатиб эшитилар-эшитилмас:

— Қи-зим...— деди.

Туни блан йиглаб кўзлари қипқизариб кетган, онанинг оппоқ юзидан кўз олмай ўтирган Турсуной блан Башорат иккови бирдан жавоб берди:

— Ойижон!..

— Ойижон!..

Онахон яна кўзини юмди, қизлар яна унга термулганча қолдилар, ойилари шундан кейин ҳеч нарса демади. Рузвон хола ҳам бугун вужуди блан қулоқ солди, яна бирор сўз эшитгиси келди, Онахоннинг отини айтиб чақириб кўрди. Йўқ, бемор индамади. Шунда Рузвон хола ҳаммадан ҳам қаттиқ кўрқди: бу унинг охириги сўзи бўлмаса... Узи кўрган бировларнинг жон бериш ҳоллари ялт этиб бир-бир миясидан ўтди. Лекин бу кўрқувини, бу ўйларини қизчаларга билдириб қўйишдан яна ҳам қаттиқроқ кўрқди.

Тонг ёришай деганда ранги ўчган Назокат ҳансираб докторни бошлаб келди. Кўзойнакли, чўққи соқол, оқ сочи ўсиб елкасига тушган чол бесаранжом кириб келибоқ дарров обдишга қўл урди. Қўлини артиб Онахоннинг ёнига борди. Анзират хола тескари қараб, эси кетиб яна алланималар пичирлади.

Онахоннинг яраси ўнг елкасида, ваҳшиёна урилган пичоқ яраси эди. Қон жуда кўп кетган, лекин куйдириб босилган намаат ҳам яранинг кўзини беркитиб, қон кетишнинг олдини олипти. Доктор ярани дори блан ювиб яна қон кетишнинг олдини олди. Ярани боғлаб, беморга бир нарса ҳидлатгандан кейин, чол кўзойнагини олиб артдида, аввал қизчаларга қаради:

— Кизимка?

— Ҳа, ҳа,— деди Рузвон хола ва беморни кўрсатди,— қанақа экан, дўхтур, қанақа экан?

— Якши,— деди чол,— якши бўлади.

Кейин бир парча қоғозга бирнима ёзиб Ҳожияхонга берди. Адресни тушунтириб, бирёққа юборди. Узи бемор ёнига ўтириб юрагини тинглади, қўлини ушлаб кўрди. У Турсунойга ганиш музикачи профессорни эслатарди. У ҳам шунақа кекса, шунақа оқ сочли, шунақа меҳрибон. Шунини ўйлаганда Турсуной анча юпанди.

Бирпасдан кейин, Софья Борисовна кириб келди, уни ҳалироқ йўқ бўлиб қолган Қумри айтиб келган эди. Қиз-

чалар йиғлаб Софья опаларига ёпишдилар. Софья аввал доктордан Онахоннинг аҳволини билди, кейин Рузвон хола блан пичирлаб гаплашди.

— Туни блан ёнида ким бўлди?

— Мен.

— Гапирдими?

— Йўқ.

— Бир оғиз ҳам-а?

— «Қизим» деди.

— Яна?

— Бошқа ҳечнарс.

Кейин у Башоратдан уни қай аҳволда, қандай учратганларини сўради. Башорат ўксиб-ўксиб айтиб берди. Софья Борисовна қаёққадир югурмоқчи эди, Турсуной йиғлаб «кетманг» деб туриб олди. У шундай ялиндики, Софья Борисовна бирпас тўхташга мажбур бўлди. Бу орада Жўрахон блан Ефим Данилович кириб келди, уларнинг ёнида яхшигина кийинган бир нотаниш йигит ҳам бор эди. Доктор, Рузвон хола ва қизлар воқиани, аҳволни батафсил айтиб бердилар.

— Хавфлими?— деб сўради Ефим Данилович.

— Хавfli эмас,— деди доктор ва ҳамманинг ташқарига чиқишини илтимос қилди, ўзи ичкарида қолиб эшикни ёпди, деразаларни очди.

Ҳалиги нотаниш йигит ҳамманинг оғзидан чиққан сўзни зимдан уқиб турарди, кейин у Башоратни дарвоза ёнига олиб чиқиб, ярадорнинг топилган жойини кўрди, ўша жойни узоқ айланиб, бурчакларгача бориб келди, бир нарсаларни ўйлади. Қайтиб келгандан кейин ичкарига кириб доктор блан узоқ гаплашди, кейин ташқарига чиқдилар, доктор йигитнинг нимадир гапига сра унамас, қат'ий равишда бошини чайқар эди.

— Мумкин эмас, ҳозир сра мумкин эмас.

— Учта савол,— деди йигит,— кечиктириб бўлмайди. Фақат учта. Ҳаммасига ё ҳа, ё йўқ, деб жавоб беради.

Доктор зўрға унади. Йигит дафтарчасидаги ўша учта савол ёзилган варақни Жўрахонга йиртиб берди. Жўрахон ичкарига кирди. Йигит дераза ёнига келди.

Ичкаридан Жўрахоннинг овози эшитилди.

— Онахон, Онахон. Мен Жўрахонман. Онахон. . .

Жўрахон бирдан олдинроққа интилиб, Онахоннинг юзига яқинлашди. .

— Ярангиз оғир эмас. Танидингизми?

Анчадан кейин Онахоннинг жуда оғир инграш аралаш «йўқ» деган овози эшитилди. Дераза тагида нафас олмай тинглаб турганлар бир ҳаракатга келиб, яна жим қолишди.

— Бирор гапини эшитмадингизми?— сўради Жўрахон.

— Йўқ..:

— Гумонингиз борми?

— Йўқ...

Учта савол тамом бўлган эди. Ҳамма йигитга қаради. Йигит ўйлади. Уйладию, ўзига қараб турганларга бир нараса демади. У қачон гаплашиш мумкинлигини доктордан сўраб, шошилинич чиқиб кетди. Ефим Данилович у блан бирга жўнади.

Ҳожияхон дори келтиргандан кейин, доктор ҳам қат'ий тартиб ва тинчлик сақлашни буюриб, кечқурун хабар оладиган бўлиб, уйига кетди. Жўрахон хотинларни «кечаси ухламагансизлар» деб уй-уйига жўнатди, фақат Рузвон холанигина кеткизолмади.

Онахон ёнида унинг қизлари, Жўрахон, Софья Борисовна ва Рузвон хола қолди. Улар ҳарқайсиси ўзича ўйга чўмиб, беморнинг оғир нафас олишига тикилиб, узоқ жим ўтирдилар.

— Катта эҳтиётсизлик, катта хато қилдик,— деди Софья Борисовна секин, кўзини бир нуқтадан олмасдан.

— Сиз блан биз эҳтиёт бўлишимиз керак, бу тўғри, лекин гап шундаки, Онахонлар оз. Улар кўп бўлиши керак. Улар ҳар хонадонда бўлиши керак. Ана ўшанда уларга ҳечким қўл кўтараолмайди.

— Айниқса Найманчада.

— Ҳа, ҳали Найманчада кўп воқиа бўлади. Аламзадаларнинг талвасаси, қутуриши кунига ўн марта ошади. Шунинг ҳарбир хотин-қиз тушуниши керак. Магазин нима бўлди?

— Келгуси якшанба очамиз.

— Бу воқиа... Онахон воқияси найманчали хотинларнинг кўзини очишга хизмат қилсин. Қурашга, ҳуш'ёрликка, аламзада душманни нафратлашга, уни фош қилишга ўргатсин...

Уларнинг секин, ўйчан суҳбатини Онахоннинг инграши бўлди.

— Сув...

Сув ичгач, Онахон кўзини очди. Унинг юзида қон йўқ, азобли оғриқдан қошлари чимирилган, чеккасида кўмкўк томир бўртиб чиққан эди.

— Жўраҳон... Софья...— деди у оғир азобда.

— Биз шуердамиз, Онахон. Аҳволингиз қалай?

— Мен... қаттиқ кўрқдим... қаерим оғриганини билмаяпман:

— Яра ўнг елкангизда, хавфли эмас: Оғир бўлса гапирманг. Тинч ётинг. Биз шуердамиз. Қизларингиз яхши.

— Йиғлашмасин...

Кечга яқин унинг аҳволи анча тузук бўлди. Овқат сўради, қизларини чақирди. Докторга раҳмат айтди. Лекин доктор кетаётиб қаттиқ тайинлади: кечаси қаттиқ иситма чиқиши мумкин, ёнидан одам узилмасин, гапириш ҳозирча мумкин эмас.

Доктор кетгандан кейин Онахон ўзи бошлаб гапирди, «гапирманг» деганларига қарамай, дам Софьяни, дам Жўраҳонни чақирди.

Кейин бирин-кетин хотинлар келди. Улар ҳол-аҳвол сўраб кетишавермади, Жўраҳон блан Софьяни кўриб, бирпас ўтиргиси келганлар шуерда гурунглашиб қолишди. Келганлар ичида Жўраҳон танимаганлар ҳам бор эди. Жўраҳон Назокат ҳақида кўп эшитган, унинг ҳаракат ва гапларига зимдан разм солиб турди. Рузвон хола унинг ёнида ўтириб, Назокатнинг Онахон учун ҳаммадан кўп куюнганини, кечаси блан ухламай докторларга югурганини сўзлади. Жўраҳон бу жувонни кузатиб, унинг Онахонга муносабати самимий эканини пайқади.

Хотинлар Жўраҳонга тижилар эдилар. Қумри гапни бошлаб қолди:

— Бу қанақа бўлди бу, Жўраҳон, бу қандай ваҳшийлик?— деди у йиғлагудек.

— Қандай номард экан? Онахонда нима қасди бор экан?— деди яна бир хотин ғазаб блан. Бу саволлар ҳамманинг юзида бор эди.

— Онахонда эмас, ўзининг инсонлигини таниётган ҳамма хотин-қизда алами бор у ёвузларнинг. Онахонга урилган пичоқ— ҳаммамизга урилган пичоқ,— деди Жўраҳон.

— Қим, ахир?

— Бу, албатта, тасодифий бир номарднинг иши эмас,— давом этди Жўраҳон,— бу, хотин-қизга қул деб, чўри деб қараладиган замонларни яна қайтариб келишга

уринўчи қора юракларнинг иши. Улар — Совет ҳукуматининг, хотин-қизлар озодлигининг аламзада душманлари. Улар бизнинг эркин, кучли, тенгҳуқуқли инсон бўлишимизга ҳали осонлик блан кўнмайдилар, улар ҳали кўп қутурадилар. Лекин уларнинг бу талвасалари бизнинг кучли эканимизни кўрсатади. Шунинг учун биз сра кўрқмасдан, яна ҳам бирдам бўлиб, ўз ҳаққи-ҳуқуқимизни ҳимоя қиламиз. Бу кураш. Бу эндигина бўлаётгани йўқ. Кўпдан бери бўлаяпти, яна ҳам бўлади, узоқ бўлади, қаттиқ кураш бўлади... Душманлар жони ҳалқумига келганда мана бундай қутурадилар.

Жўрахон ўзининг гапи та'сир қилаётганини кўрди. Хотинлар унга яқин-яқин келиб ўтиришар, ҳаяжонли кўзлари блан унга тикилишар эди.

— Топиш керак эди биронтасини!— деди Рузвон хола.— Топиб хотинларнинг қўлига топшириш керак эди!

Шовқин бўлиб кетди. «Биз пичоқ-мичоқ санчиб ўтирмас эдик», «Биз кўзига қараб жонини олар эдик!» дейишди хотинлар. Жўрахон хотинларни юпатиб кўнглини олгиси йўқ эди, у Найманчада энг аввал Анзираткампилар тарғиб қиладиган «шукур-шукур»чилик, ювош зорланиш, «пешонанинг шўри», «кўргилик» деб аталадиган қулларча итоат кайфиятига зарба бериш керак деб биларди. Жўрахон шу пайт бу хотинларга ўзининг жонажон дўсти Қундуз Сулаймонованинг қонли фожиасини айтиб беришга жур'ат этди.

...Бу воқиа Бухоро Регистонида биринчи Советлар қурултойи бўлаётган куни кечаси юз берган эди. Февраль ойининг қоронғи туни. Кимсасиз чўл. Қум бархонлари орасида қашқирлар улийди. Осмоннинг хира кўкиш ёруғлигига қора соя солиб ба'зан чўл бургути қанот қоқиб ўтади. Йўлда ёлғиз четан арава тинимсиз ғичирлаб чўл тунини шовқинга тўлғаэмоқда. Четан ичида — биринчи халқ қурултойининг биринчи аёл вакили Қундуз Сулаймонова тебраниб бормоқда. У ўзининг туғишган қишлоғидан қурултой минбаридан туриб шўро ҳукуматига хотин-қизлар саломини айтгани Бухорога кетаётир. У ҳамқишлоқ дугоналарининг энг ширин тилақларини, энг азиз туйғуларини дилига тугиб, ардоқлаб бормоқда. Ҳали тарих Шарқ аёлининг овозини минбардан эшитмаган, ҳали ўзбек аёли ўзининг инсонлик ҳуқуқи ҳақида минбардан туриб баралла гапирган эмас. Сулаймонованинг сафари — тарихий сафар эди. Бу — асрлар бўйи ҳукм

сурган тубанлик, ноҳақлик ва шариатнинг жирканч қонун-қоидаларига қарши дадил сафар эди.

Броқ Сулаймонованинг овози қурултой минбарйда янграмади. Унинг овозини Бухорога кираверишдаги чорраҳада фожиали чўл туни ямлаб ютди. Вакиланинг паранжини қизил дуррага алмаштириш орзуси, барча эзгу юрак орзулари топталди. Ёй сингари эгри қилич тақиб чорраҳада пайдо бўлган тун йиртқиқлари, одамсифат ваҳший ҳайвонлар эркака интилган соф юракли ёш жувонни гижимлаб қонга бўядилар, қора тунда йигирма уч марта ханжар ялтиради, йигирма уч марта танга санчилди. Босмачилар ҳимоясиз жувон мурдасини ваҳшийларча тилка-тилка қилиб, қузғунларга ташлаб кетдилар...

Жўрахон воқиани бутун тафсилоти блан сўзлади. Паранжиларини тўрт буклаб тағларига солиб ўтирган хотинларнинг кўзларида ёш йилтиллади, бу аянч ёши эмас, ғазаб-нафрат ёши эди. Жўрахоннинг ҳикояси Қундуз Сулаймонованинг жонли қиёфасини ҳамманинг кўз олдига келтирган эди — хотинлар Онахон ётган жойга томон силжидилар, уни ўраб олиб, азобли оғриқни енгаётган докадек оқ юзига тикилдилар. Онахоннинг кўзи очиқ, Жўрахоннинг ҳикоясига у ҳам қулоқ солган эди. Хотинлар шу топда гўё Сулаймоновани тирик кўрдилар. . .

Онахон хотинларнинг кўпларини таниди, ўзига яқин турган Қумрининг тарашадек қотган, томирлари бўртиб чиққан, ғудур, қора қўлини ушлади.

— Хотинлар. . . — деди Онахон секин. Лекин хона шундай жим эдики, унинг овози минбардан гапиргандай янграб эшитилди. — Уртоқжонларим, биз йўлимиздан қайтмаймиз. . . ?

Онахон нафаси тезлашиб, жим қолди:

— Қайтмаймиз, Онахон! — деди Рузвон хола.

Онахон ҳамон Қумрининг қўлини ушлаб турарди. Унинг кўзига тикилди.

— Софья, — деди аста, — Қумри келинойимни артельга ёзиб қўйинг

— Ёзинг, қизгинам, ёзинг! — деб қичқириб йиғлаб юборди Қумри ва Софья Борисовнага ташланди. Еш боладай, унинг кўксига бошини қўйиб йиғлади. — Ёзинг мен эсипастни, қизим, эсипаст бўлган эканман.

Бурчакдан юраги дов бермайроқ гапирган овоз эшитилди:

— Мени. . . мени ҳам ёзсинлар, Онахон опа. . .

Бу Назокат эди. Ҳамма унга қаради. Жўраҳон унинг ёнига борди.

— Сиз... сиз нега ёзилаяпсиз?— деб сўради.

— Мен жуда қўрқаяпман. Мен уйда ёлғиз қўрқаяпман. Сизлар блан бўлсам... қўрқмас эдим.

— Тўғри!— деди Жўраҳон, Назокатнинг пешонасидан ўпиб қўйди.— Қўрқманг, сра қўрқманг, кўпчиликдан ажралманг.

— Вакила ая...— деди Жўраҳоннинг ёнгинасида турган увода паранжили, сарпойчанг бир хотин.

— Сизни ҳам ёзсинми?— деб сўради Жўраҳон.

— Йўқ... сизлар мени билмайсизлар, сизлар мени ёзмайсизлар. Мен...

— Нега? Тўхтанг, мен сизни биламан...— деди Жўраҳон астойдил тикилиб. Жўраҳон уни қаердадир кўргандек, танигандек эди, лекин ҳозир эсига келақолмади.

— Сиз мени билмайсиз...

— Йўқ, биламан,— деди Жўраҳон ва эслади: соққамунчоқлар блан безатилган эшак... бесўнақай ўсган картошкадек калтабақай бармоқлари блан нишолда ялаб ўтирган семиз одам... қуриган тут... қизил дўппи тагидан кокили осилиб турган, қорни катта бола... Ҳа, бу ўша нотовон, муштипар она эди. У тут тагида ўтириб боласини эмизган эди.

— Сизнинг эрингиз ким бўлади?

— Вакила ая, мен сизни эшитиб юрар эдим, мана энди ўзингизни топдим. Арзимни айтсам...

Хотин атрофидагиларга қаради. Афтидан у «арзиния» кўпчилик олдида айтмоқчи эмас эди. Шунинг учун Жўраҳон у блан бирга кетишга ва'да берди.

— Умрингиздан баража топинг...— деди хотин.

Бу вақт Онахон Жўраҳонни чақириб қолди. Жўраҳонга йўл бердилар, у беморнинг ёнига бориб ўтирди.

— Эрталаб мендан бирнималарни сўраган эдингиз...!

— Ҳа, ҳа.

— Энди эсимга келди...:

— Нима?

— Мен ҳушимни йўқотишдан олдин... йиқилиб ётган жойимда бир товуш эшитдим...

— Нима товуш? Нима деди?

— Агар қулоғимга тўғри чалинган бўлса... у «сенга ҳам эмас, менга ҳам...» деб пишқирди.

Жўраҳон дарров дафтарчасига ёзиб олди.

— «Сенга ҳам эмас, менга ҳам...», нима дегани бўлса экан?

— Билмадим...— деди Онахон.

Жўрахон кетишга шошилди. Рузвон холага, Софья Борисовнага бир нарсалар тайинлади-да, ҳалиги «арзчи» хотинни олиб чиқиб кетди.

Хотинлар унга ҳам хавотир, ҳам фахр блан қараб, кузатиб қолдилар.

Ўн биринчи боб

Икки кеча ухламай, кўз-қовоғи қизариб, қўрқув ва қайғу-ҳасратда Онахон ёнидан қайтиб келган Рузвон холани уйда катта қувонч кутарди. Ҳовлига кириб келиши блан, тол тагида сафар халтасини ёнига қўйиб ўтирган одамга кўзи тушди. Аввал чимматини кўтаришга ботинмади. Кейин бирдан олдинга қараб ўзини отган эди, паранжи ҳам, сочвон ҳам ўзидан-ўзи сирғилиб тушиб, оёғига ўралганича йўлида қолиб кетди.

— Вой болам, болагинам...— деб ҳўнграб йиғлаб юборди у ўғлининг кўкрагига оппоқ бошини қўйиб.

Ўғил кўзи блан жилмайиб унинг йиғиси босилишини кутди. Кейин қўлини унинг оқ сочларига аста қўйиб, юзига қаради.

— Йиғламанг, ойи,— деб яна кенг кўкрагига босди.

Эргаш, елкаси офтобдан ва шўртак тердан оқариб кетган кўк гимнастёрка, худди шу рангда шим, артса ҳам чанги кетмайдиган катта қўпол этик кийган, озғингина, баланд бўйли чайир йигит эди. Унинг юзини, юзинигина эмас, усти-бошларигача ҳамма ерини чўлнинг иссиқ шамоли ялаган, худди чармдай қотириб юборган эди. Фақат, териси кўчиб турган бурнидагина жиндек оқиш жойи бор, бўлмаса юзи ҳам, бўйни ҳам, қўллари ҳам пишиқ гиштдай қора-қизғиш бўлиб пишган.

Ҳол-аҳвол сўраб, ўз соғлигини билдириб онасининг йиғисини босгандан кейин, гимнастёркасига ўхшаш кўк халтасини сўрига ташлаб, ўзи ҳам ўтирди. У тўрт йил ичида тўлишиб, йигит бўлиб қолган бўлса ҳам ҳаракатлари болалигидагидай чаққон, тез; уйига етиб келган бўлса ҳам яна қаёққадир шошгандай, бетоқат кўринар эди. Чўнтагидан тунука қутисини олиб, жилмайганича махорка ўради. Рузвон хола терисига сиғмай гапир-гапира ўчоқ бошида ивирсирди.

— Вой бўйгинангданей, тушимми-ўнгимми, болагинам... Бирам басавлат бўлиб, гунгурсдай бўлиб кетиб-санки, йигит бўйингдан онагинанг айлансин, болам.

— Ойи!— деди Эргаш унинг яна енгини кўзига босганини кўриб, ўпкали овоз блан.— Кетганимда йиғлаганингиз етмаганмиди,— деди яна кулиб.

— У йигилар қурсин, болам, бу йигим бошқа... — Рузвон хола йиғлаб турган еридан бахтиёр жилмайиб, ёшларини артди.

У чой дамлаб келганда Эргаш этикларини ечиб, юви-ниб келиб, супада чордона қуриб ўтирган эди.

— Супада ўтирар кун ҳам бор экан-а!— деди у туғилиб ўсган ҳовлисига кўз ташлаб.

Ҳовли анча ночор, уйнинг қамиш бўғотини ёмғир суви ўпириб тушган, ўчоқбоши, ўтинхона, бостирма, ҳаммаси қаровсиз, бир-бирига қўшилиб, эшиги-тешиги ногайин, тартибсиз ётган ҳода ва эски бўйралар орқасида қолиб кетган эди.

— Мени бебош деб қарғамадингизми, ойи,— деди у ва жавоб кутмасдан давом этди,— майли, қилган ишларимни айтиб берсам, яна ёнингизда чинакам ўғиллик қилабошласам — рози бўласиз. Мен ҳамиша сизни рози қилиш учун яшадим, бундан кейин ҳам шундай қиламан.— Эргаш онанинг юзига астойдил тикилди, қизарган кўзларини, сал кўкариб шишган қовоқларини, кечаги даҳшатли воқиа ва уйқусизликдан озиб, сўлиб қолган чеҳрасини кўргач кўнгли бирхил бўлиб кетди — уни тўрт йил бурун ёлғизликка, очлик-муҳтожликка ташлаб кетганида кўзлари шунақа эди, наҳотки ўшайдан бери бетиним йиғлаб-сиқтаган бўлса?..

— Ойи... тирикчилик қалай?— деди у ҳамон онасининг юзига қараб.

— Тирикчилигим яхши бўлиб кетди, айланай болам. Мен сендан ҳеч норизо бўлганим йўқ. Қизил гвардачининг онаси деб тоза ҳурматимни жойига қўйди ҳукуматчи барақа топкурлар. Кетганингдан кейин иккита ҳукуматчи йигит келиб ҳол-аҳвол сўраб кетди. Ушандан бери янги шаҳардаги ғазнадан етти марта бориб пул олдим. Қудратилахўжанефмоннинг дўконхонасида ишлаб турдим. Мана энди бўлса...

— Қудратиллаҳўжавофуруш дўкон очганми?— ҳайрат блан сўради Эргаш.

— Очди ҳам, ёпди ҳам шекилли, болам.

— Қандай, нега очади, бой-ку у?! Совет ҳукумати қандай йўл қўйди?

— Йўл-пўлини тушунмайман, болам, лекин. . .

Рузвон хола Қудратиллаҳўжабойнинг бўзчилик уста-хонаси, унда бўлган воқиалар, хотин-қизлар артелининг очилиши, унга хотинларнинг кетиб қолгани, хотин-қизлар клуби, Жўрахон, Софья, Онахон. . . ҳамма-ҳамма воқиаларни айтиб берди. Эргашга бу гаплар ҳаммаси ҳайратда қоларли янгилик эди. У буерда ҳам, худди фронтдаги сингари, буржуйнинг уруғ-пуруғигача қўймай қурилган, кириб, ҳайдаб, йўқ қилинган деб ўйлаган эди. Онаси айтиб берган воқиаларга кўпам тушунмади, тушунтириб беролмаяпти, деган қарорга келди.

— Артель яхши денг? Нимага рангингиз йўқроқ, кўзларингиз. . .

Рузвон холанинг юзи бирдан қорайиб, кўзлари ғамгин йилтиллади. У учрашув шодлигини бузгиси келмай, Онахон воқиасини айтмаган эди. Энди айтишга тўғри келди. Шаҳардаги ҳамма хотин-қизларнинг энг севимли етакчиси бўлиб келаётган, янги артель райси Онахоннинг кечаги фожиали воқиасини Рузвон хола юрагида аламдард блан сўзлаб берди.

Эргаш ўрнидан туриб кетди, у воқиани, нега бундай бўлаётганини, бойларнинг, қонхўрларнинг шаҳарда нима учун шу вақтгача сақланиб келаётганини тушунмаса ҳам, бир нарсани аниқ билди: унинг босмачиларга қарши уруш майдонидаги жанги буерда ҳали давом этаётган экан. Броқ нега уларни худди босмачиларни қирган сингари қириб ташлашмаган?

1921 йилда, ўн тўққиз яшарлигида кўнгилли қизил гвардиячи бўлиб кетган ва тўрт йилгача тоғи-тошда оддий аскар бўлиб юрган Эргаш буердаги синфий кураш фронтдаги жангдан кўра мураккаброқ эканини, узоқроқ давом этишини англаб етмаган эди. У текинхўр буржуйларга қарши оташин ёшлик нафрати блан уйдан чиқиб кетган, кўп машаққатлар блан Тошкентга етиб олиб, қизил гвардия комитетини топган, уерда ба'зи, ўзининг сўзи блан айтганда, «гапга тушунадиган одамлар» ёрдами блангина зўрға қизил гвардиячилар рўйхатига ёзилиб олган, Ойдин деган станциядаги жанглардан кейин, яна ўз та'бири блан айтганда, «бахти очилиб» қизил аскарликка олинган эди. Шундан кейин, Султонбўзчининг ўғли Эргаш Султонов кўп жангларда бўлди, граждандар уру-

ши тугагандан кейин, Эргаш хизмат қилган «Ўзбек полки»дагилар айтганидай, чинакам ҳуррият бўлгандан кейин, шу ҳурриятни сотмоқчи бўлган босмачиларга қарши урушда, Бойсунда, Иссиқкўлда, Ушда, тоғларда, даштларда юрди. Эргаш босмачини чакана қийратмади. Бунинг учун уерда мардлик, совет ҳукуматига садоқат, қурол керак, эди. Эргаш душманни узоқдан кўрабилар ва дарров танир эди. У; курашни асосан қуролли душман блан юзма-юз туриб отишиш ва уни тор-мор қилиш деб биларди. Кундузи ёнингда юриб шакаргуфтор қилучи, кечаси муюшдан чиқиб елкангга пичоқ уручи маккор душманни Эргаш ҳали етарли билмас эди. У нэпманлар ҳақида эшитган, лекин уларни шунчаки юлғуччайқовчи деб тушунган. Чайқовчи душман бўлиб қаёққа борди... Қудратиллахўжага ўхшаш ёвуз текинхўрнинг нэпман бўлишини эса, умуман нэпманнинг ҳалигиндай яширин, маккор душман бўлишини эса сра хаёлига келтирган эмас.

Шуниёғ учун, онасининг гаплари унга қандайдир чигал бўлиб туюлди. Ахир, у совет ҳукуматининг душманларини асосан тор-мор қилиб келди, буердаги дўстлари ҳам жим ўтирмагандир — буржуйнинг думини туггандир. Энди ишлаш, қуриш, яшаш, қолаверса — бирор тоғда, ё қишлоқда босмачи бош кўтаргудай бўлса уни бориб мажаклаш қолди. Эргаш мана шундай ўй блан қайтиб келган эди. Ишлаш, қуриш, яшаш...

Рузвон хола ўзининг қайғули гаплари блан ўғлининг кайфини бузиб қўйганини пайқаб ачинди. Шунча айрилиқдан кейинги учрашувда бунақангги хафагарчилик сра ёпишиб тушмас, Рузвон хола ўз шодлигида ҳамма нарсани унутиб, фақат ўғлининг дийдорига термулиб роҳат-роҳат гаплашгиси келарди, бўлмади. Эргаш совиб қолган чойга қарамади, жойида асабий қимирлаб, дам ўнг оёғини, дам чап оёғини тагига олиб ўтирди. Уни ҳали тушуниб етилмаган, чигал, чалкаш ўйлар қийнарди. У офтобда куйган пешонасининг чайир терисини жийириб, ариқдаги лойқа сувга тикилди.

Рузвон хола унинг безовта хаёлларини тарқатиш учун гап қидирди, унга бирор ширин, ёқимли гап айтгиси келди.

— Ҳат олиб турдингми, болам,— деди у дастур хоннинг четини ёғжимларкан, муғомбирлик блан жилмайиб.

Эргаш бошгени тез кўтариб қаради ва қанақа хат эканини онасининг жилмайишидан билди.

— Қанақа хат, ойи?— деб сўради ўзини билмаганга солиб. Кейин бўлмади — онаси шундай қувонч блан қарадики, Эргаш яшириб ўтиришни эп кўрмади.

— Сизга кўрсатармиди, ойи?

— Кўрсатмас эдию, Онахондан хат ёздириб юрганини билардим.

— Ўзи ҳам саводли бўлиб қолипти шекилли.— деди Эргаш фахр туйғусини яшираолмай.— Лекин нуқул шундоқ-шундоқ хатлар ёзарди,— кафтининг ярмини кўрсатиб кулди Эргаш.

— Икки эллик бўлса ҳам ма'нилик бўлса бўпти, ўғлим,— деди Рузвон хола ўғлининг кўнглини очадиган гапни бошлаб юбораолганидан хурсанд бўлиб,— Ҳожияхон ўз қизимдай бўлиб қолган. Хола-хола деб эси кетади қизгина. Жўраҳон блан Софья опаси уни, иккинчи Онахон бўлади, дейишади. Найманчадаги газлама дўконига каттакон қилишаяпти.

— Газлама дўкони?— Эргаш нурланиб кетган кўзлари блан аввал онасига, кейин бир чеккада ётган сафар халтасига қия қараб қўйди.

— Дўкон деб... дўкон эмас. Катта капратип. Хотинқизлар магазини. Унда турган одам Лениннинг, Сталиннинг ҳамма қилган ишларини, яна жуда кўп нарсаларни билиши керак экан. Ҳожияхонни шунга тайёрлашди. Зеҳни ҳам зап ўткир экан қизи тушмагурнинг, Жўраҳон уни яхши агитатор бўлади деб, хурсанд бўлиб мақтади. Мақтаганча бор болам, жуда ҳам эс-ҳушлик, саломат бўлгур.

— Жўраҳон-ку мақтаган бўлса мақтагандир, сиз нега мақтаяпсиз энди?— деб кулди Эргаш.

— Вой мақтамаганим бўлсин, болам, ўзинг кўриб биларсан. Ҳали сенинг келганингни билса, бояқиш, мендан баттар бўлади...

Бу — Эргашнинг ҳам худди ҳозир ўйлаб тургани эди. Ҳамма нарсани билади-я! Она-да, она! Тўрт йил кўрмаган бўлса ҳам юрагиндагини айтади. Ҳожияхон шу онага ёққан бўлса, Эргаш адашмаган экан. Ҳожияхоннинг «дуйи саломдан сўнгра ма'лум бўлгайким, биз сизнинг мусофир жойларда соғ-саломат юришингизни табиатнинг нозик жойларидан...»деб бошланадиган икки элликки-на хатларидан соғинчдан бошқа гапни англаб бўлмас

эди. Рузвон холанинг гапларидан кейин Эргашга Ҳожиянинг янги-янги фазилатлари очилди.

«Ўзинг кўриб биларсан» деди онаси. Ҳа, ҳали кўп нарсани кўриб билиш керак экан! «Даладаги гап уйга тўғри келмайди» дейишганча бор. Буерда ҳали астойдил киришиб яшаб кўрмасдан, бир нарса деб бўлмайди. Эргашнинг эртадан бошлаб нима қилишлиги аниқ бўлди. Кўриш керак, бутунлай кутилмаган гаплар борга ўхшайди...

Эртасига Эргаш куни бўйи рўзгор иши блан овора бўлди. У ҳовли-жойнинг бу хилда қаровсиз ётишига бир кун ҳам чидайолмас эди. Энг аввал қари толнинг супага соя бермайдиган бир «қўли»ни қирқиб, бостирмани кўтарди. Дарвозанинг чап томонидаги бу йил гул экилмай қолган майдончада бир танча ўрнидеккина жойдан лой қилиб, уйнинг муюшини сувади. Султонбўзчидан қолган дўкон ўрнини бузиб, тозалаб, ўчоқбошини кенгайтирди. Кўча эшикнинг турумини янгилаб, йўлакни текислагандан кейин, ариқ бўйида тунука қутисини олдига очиб қўйиб ўтириб, махорка тутатди, ўз рўзғорида ўз қўли блан қилган ишларига завқ блан қараб, ўпкасини тўлатиб тутун пурқаркан, сал нарироқда чимматсиз кўк паранжисининг попугини эшиб, ерга қараб ёни блан турган бировни кўрди.

Рузвон хола Ҳожияхонга аллақачон еткизган эди. Қиз кийиниб-ясаиб, гириллаб етиб келганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ҳорманг, Эргаш ака, эсон-омон қайтиб келдингизми?— деди Ҳожия ўша туришида, Эргашга қарамасдан.

Эргаш тиззасигача шимарган оёғини, лой қўлларини қаёққа қўйишини билмай ўрнидан турди-да, кетмонга таянганича қолди.

— Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз, Ҳожияхон...

— Рузвон холам бераҳм... дарров ишга солиптилар-да?

— Шу ҳам ишми. Мана сиз қилаётган ишни иш деса бўлади.

— Вой, холам дарров айтиб бердиларми? Сиз қилиб келган ишларни ҳам иш деса бўлар?..— Ҳожия ёни блан турганича, юзини кўрсатмай гапирар эди.

— Кўпам айтиб берганлари йўқ, ўзингиз айтиб беварсиз деган... умидда...

Ҳожия юзини яна ҳам четроққа олиб, анчагача йндамади. Эргаш унинг севинчли уялчан юзини кўрмаса ҳам кўз олдига келтирди.

— ...Умидингиз ҳам бор эканда ҳали...— деди Ҳожия ҳазиллаштиб, секин. Оёғининг учи блан ер чизди.

— Шунча ўт-олов ичида умид блан жон сақлаб келдик-да...

— Бу ердаги ўт-оловларда ҳам бизга ёрдам берсангиз.

— Мурод-мақсадим — сизга ёрдам бериш...

— Бир менга эмас...

Улар жим қолишти. Ҳожия худди шу гапларни эшитгиси келарди. Уларни дарров ва бундай осонгина эшитишни ўйламаган эди. Ҳозир бирдан гап тугаб қолганга ўхшади. Йўқ, тугамади, қайтага яна ҳам кўпайди, лекин шу топда у шу қадар бахтли эдики, ҳозирча шунинг ўзи бас, бўлмаса бутунлай гапини йўқотиб қўйиши мумкин.

— Холам йўқмилар?

— Онахон опадан хабар олгани кетган эди.

— Вой ўлай, айтмайсизми ҳечким йўқ деб.— Ҳожия, гўё фақат Рузвонхола уйда бўлмагани учунгина кетмоқчи бўлди. Аслида эса унинг ҳозирги ўз қувончлари блан ёлғиз бўлгиси келарди, буердан отилиб чиқиб, бирор ҳечким йўқ жойда паранжисини отиб ташлаб, кўзларини чарақлатиб, ҳозирги гапларни бошдан-оёқ, яна бир марта эслагиси, Эргашни, ўз кўзи блан кўрган Эргашни яна бошқатдан кўз олдига гавдалантиргиси келарди.

Ҳожияхон, шошманг, нега мунча шошасиз? Тўхтанг бир гапим бор...

У ариқда наридан-бери қўлларини ювди-да, кеча ойисига совға берганда сафар халтадан олиб тоқчага тахлаб қўйгани ғўзапўчоқ рўмолни олиб чиқди.

— Энди... газлама магазинида ишлайдиган бўлсангиз, сизга мундай нарсалар чўт эмас-ку, лекин ҳарҳолда, совға...

— Қўйинг, Эргаш ака, олмайман...

— Ойим хафа бўлади...

— Вой ўлай, сизнинг совғангиз эканини ҳамма шундоққина билиб қўяқолар экан-да!..

— Билсин-да!— Эргаш овозини пасайтиб гапирди,— Мен... сиз блан фахрланаман, Ҳожияхон...

Ҳожия юмшоқ, янгилийги ҳидидан билйниб турадиган, майин рўмол қўлига кириб қолганини ўзи ҳам пайқамади.

— Овора бўлсиз-да... — қиз гўзапўчоқ румолни қўйнига яширди. Бу, Эргашга уни худди кўксига босгандай бўлиб кўринди.

Ҳожия «раҳмат» деб чиқиб кетди. Йигит унинг орқасидан эшикка интилганича қолди...

Яқиндагина Эргаш, қайсидир дала-даштда, тоғ оралигида унинг хатидаги сўзларни ўқиб, шу сўзларни ўз оғзидан эшитсам, ҳозир унинг овози қандай бўлдийкин, деб ширин хаёл сурарди. Кетганида Ҳожия 16 дан 17 га қадам қўйган қизалоқ эди, Эргаш у вақтда у блан айтишиб-талашиб қолишдан ҳам ҳайиқмас эди. Мана энди бўлса... салобати босади. Эргашнинг энди эсига тушди: ўтиринг ҳам деманти. Ўзининг лой сачраган уст-бошига кўзи тушди — жилмайиб қўйди: «Сиз қилиб келган ишларни ҳам иш деса бўлар?..»

Шу афти-башарасига қараб, пичинг қилиб айтган бўлса-я? Йўқ, у ундай қиз эмас. У солдатни тушунади. Буердагилар ҳаммаси солдатни, унинг қилиб келган ишларини яхши тушунади. Лекин, мана Эргаш-чи, у буердагиларнинг ишини тўғри тушунаолаяптими?..

Учинчи куни Эргаш кўчага чиқди. Шаҳарни, бозорни айланмоқчи, таниш-билиш, ёр-биродарлар блан кўришмоқчи бўлди. Тинч меҳнатни соғинган солдат аввало ўз туғишган жойларидаги ўзгаришларни, янгиликларни кўришга шошилади. Жонажон юртининг душманларини қириб, қолган-қутганини узоқларгача тирақайлатиб қувиб келди, ахир! Энди буерлар қанақа бўлди экан?

Найманча тинч, кўчаларнинг юмшоқ чанги қуёш талтини ўзига сингдириб, кўпириб ётарди. Эргаш ювиб дазмолланган гимнастёркаси устидан сариг тўқали энлик камарни сиқиб боғлаб, оғир этигини салмоқ блан гурс-гурс босиб борарди. Албатта, бу юзаки қарашда ўзгаришларни пайқаш қийин, лекин катта ўзгариш борлигига Эргашнинг ишончи комил эди — у икки кундан бери уйда бўлган гаплардан одамларнинг ўзида, ишида, турмушида катта янгиликлар борлигини аниқ билди.

У шаҳарнинг серқатновроқ кўчаларига, гавжумроқ жойларига шошилди.

Мана, тош кўчадан қўшотлик извош ўтди. Унда бир чол блан, бошига яшил фуражка, тик ёқали гимнастёрка кийган қорачагина ёш йигит ўтирипти. У Эргашга танишдай кўринди. «Ҳа, оғайни, энди ишлар жойидами?» дегиси келди унга, лекин индамади, жилмайиб ўтаберди. Тротуарда ҳархил одамлар — портфель кўтарган амалдорлар, бола етаклаган қариялар, мева тўла сават кўтарган бозорчи хотинлар, пешгири ҳархил бўёқдан ялтираб кетган, елкасига узун кистъ ташлаб олган сувоқчи-бўёқчилар — ҳаммаси қаёққадир шошади. Улар ҳаммаси Эргашнинг кўнглидагидек эди, у худди мана шуларни, шуларнинг тинч тирикчилик ташвишларини соғинганини энди пайқади.

Эргаш растадан чиқиб қолди. Қулоғига энг аввал:

— Кеп қол! Отанга раҳмат! Иссиғи бу, сараси бу! — деб жовраб ўтган, айиқдай юмалоқ, лекин чаққон нонвойнинг овози эшитилди. Кўкраги очиқ, оқ яктак кийган, юзлари қипқизил нонвой бошида даста-даста обинон тўла катта саватни лапанглатиб Эргашнинг рўпарасидан ўтди. Жиззали нон, исириқ, қалампир, мева ҳиди думоғига урилди.

Узун қора соқолли боққол дўконини энди очаяпти — қозикларда фаранг ип, қутиларда ироқи совун, оқсақич, қорасақич, тишқоли, яна нимабалолар. Эргаш бухорча чопон кийган боққолга тикилиб ўтди.

— Ҳа еган дармонда, емаган армонда! — деб чинқирди биров. Унинг юзини кавоб тутуни тўсди. Қопқоғи тиргович блан тираб очиб қўйилган деразаларда сапсариг хамирни қулочкашлаб чўзаётган қашқарлилар кўринди.

— Лағ-манг! Йўтангзадан емдила!..

Эргаш бу атрофдан тез ўтдию, янгигина кўкка бўялган ҳашамдор дўкон рўпарасида тўхтади. Қизил, оқ, гулдор газламалар блан тўлган дўконнинг ўртасида чордона қуриб қанорқопдай семиз одам ўтирар эди. Унинг эт битиб кетган кичкина қулоғида тасма-газ осилиб турипти, икки калтабақай қўли ёстиқдай қорнининг устида.

«Матқовул дўкондор-ку! Ие, буларнинг ҳаммаси ўша-ўша, шекилли?» — Эргаш кипригини пирпиратиб дўкондорга яна тикилди. Ҳа, ўша, «яхши нарса яхши бўлади» деб туриб, бир умр меҳнаткашнинг сувини сиқиб ичган ўша бўрдоқи Матқовулнинг ўзи!

Эргаш қони қайнаган сари илгарига шошарди. Шошганидан, Сўфиоллоёрнинг байтини минғиллаб келаётган

қаландарнинг кашкулига тегиб кетиб, манқалдонидаги истриқни сочворди. Орқасига қарамай яна юрди.

Нарироқдан ғийт-ғийт скрипка овози эшитилди. Илгаридан буюрда қайсидир бойнинг мусофирхонаси бўларди. Ҳозир бинонинг деразалари ланг очиқ, ҳарбиттасининг тепасига чодир тикиб, соябон қилиб қўйилипти. Ичкарида шовқин-сурон, бақариқлар тўполонда оёқ остига тушиб қолган мушук боласидай, скрипка ҳамон ғийт-ғийт қиларди. Бинонинг пештоқига Эргашнинг кўзи тушди, вивеска: «Ака-ука Минғалиевларнинг хусусий қаҳвахонаси».

Бу илгаридан қолганми деса, дераза ойнасига ҳам қийшиқ қилиб оқ блан худди шуни ёзиб қўйипти: «Ака-ука Минғалиевлар. . .» Буни Эргаш ёшлигида ҳам эшитар эди, уларнинг янги шаҳарда жуда катта қовоқхонаси бўлар эди.

Эргаш негадир, секин қовоқхонага кириб борди. Столларда маст-алас, гардони қипқизил оғзишалоқлар, бекордан-бекор шовқин солиб баҳслашар эдилар. Эшик тагидаги столда ўтирган бир юмалоқ йигит, атрофида ҳечким йўқдай, сўкиниб, қаҳқаҳ отиб кулди-да, иккита бутилкани синдириб, бошқасини талаб қилди. Эргаш бу одамларнинг қайсибирига қарашни билмади; буфет ёнидаги столга кўзи тушди — унда бахмал дўппи кийган иккита, мулла-ваччадай нозик йигит, ўрталарида қора сочли, лекин сариф қошли бир хотин ўтирарди. Улар уччаласи ҳам маст, бири хотиннинг елкасига қўлини ташласа, иккинчиси унинг кулоғига оғзини тегизиб бирнима пичирлайди, стол тўла бутилка. . . Хотин ёнидаги йигитлардан ўғирликча Эргашга сирли бир қараш қилди. Эргаш хотин кишининг бунақа жойда ўтиришини сра кўрган эмас эди. «Нима буюрадилар» деб рўпарасида пайдо бўлган жиккаккина одамга э'тибор бермай орқасига қайрилди. Узининг нима бўлиб буюрга кириб қолганини билмаган Эргаш, отилганча зинадан тушди ва дераза ойнасидаги ҳалиги вивескага яна рўпара келди.

У ўйлаб ўйига етолмади, тани қизиб кетаётгандай, қаёққадир бориш, шошилиш керакдай туюлар эди, лекин қаёққа? Растандан, бозордан чиқиш блан буларнинг баридан қутилиб бўладими? Эргашнинг тўртта оғир жанг йили, ширин умид-орзулари қаёққа кетди? У шуни кўраман деб келганмиди?

У яна бир дўконга рўпара келди. Атрофида катта-кичик бочкалар юмалаб ётган бу дўконнинг дарчасидан оғ-

зи қулоғига етиб илжайиб турган қопқора бир башара кўринди.

— Виноми, шаробми, арақми, мусалласми, пивомми, бўзми, яхши йигит?— деб тизиб солди у ва ўша мулоким-беор илжайганича яна тикилиб тураберди.

Эргаш, унинг башарасига тупуриб юбормаслик учун бўлса керак:

— Қўй!— деб юборди.

Дўкондор шодлигидан сакраб тушди ва яна ҳалигиндай илжайганича:

— Арақ?!— деди.

Эргашга барибир эди, нима қўйилганига қарамай ғазаб блан кўтариб юборди.

— Сиз кимсиз?— деди дўкондорнинг юзига қараб қаттиқ овоз блан. Дўкондорнинг илжайиши хунук тиржайишга айланди, қути учди.

— А?

— Кимсиз деяпман? Бу дўкон кимники?

— Ме-ме-меники, яхши йигит. . . яна қуяйми?

Дўкондор бочкасининг жўмрагини ушлаганича кўзининг пахтаси чиқиб, Эргашнинг орқасидан қараб қолди.

Эргаш атрофига қарамай тезлаб кетди. Қаёққа кетаётганини ўйламас эди. Унинг кўз ўнгида Матқовул, Минғалиев, Қудратиллахўжа, яна аллақандай башаралар. . . булар энг ёвуз одамлар, қипқизил буржуйлар-ку, нима учун буларни яйратиб қўйипти?! Бу қанақа гап, тушми? Наҳот Совет ҳукумати. . .

Эргаш ҳечнарсани тушунмади, фикрлари борган сари чигаллашди. У тўғри келган бир пивохонага кириб роса ичиб аламини олмоқчи, буларнинг ҳаммасини биратўла унутмоқчи ҳам бўлди. Лекин «йўқ, деди у, солдат буржуйнинг пивосини ичмайди, у уни кириб супуриб ташлаши керак! Тўхтаб тур, сабр қил! Мен уни-буни тушуниб олай-чи!».

У янги шаҳар кўчасидан, катта бинолар ёнидан чиқди. Мана «Почта. Телеграф». Бино яхши ремонт қилиниб, ҳаворангга бўялган. Эргаш бу бинонинг ёнида ғиштлар, дераза ойналари тўкилиб, рўпарасида симёғочлар қийшайиб ётган даврни эслади. У вақтда Эргаш бола эди, мана шу бинолар ёнида жанг бўлганда у инқилобчи темирўлчи ишчиларнинг бошлиғи Ефим Даниловичга дастёрлик қилган, унинг яширин хатларини лунжига солиб,

штабга олиб борган. Тупроққўрғон ёнида кечаси тиканли симга ўралиб йиқилганларигача эсида.

«Ефим Данилович! Наҳотки ҳозирги аҳволни у билмаган бўлса? Буржуйни нафратлашни менга ўша ўргатган-ку? Наҳотки қайтган бўлса! Ҳозир нима деркин?»

Эргаш ҳозироқ Ефим Даниловични топишга қарор берди. Борадиган ери ҳам бирдан аниқ бўлиб қолганидан, эски чўққайма шлёмини қўлига олди-да, ҳечнарсасига қарамай тезлаб юриб кетди.

Темир йўл устахонасида у Ефим Даниловични завком идорасидан топди.

— Э-ҳа-а!— деди Ефим Данилович иш столи орқасидан кўзғалиб.— Шонли қизил гвардия! Қани-қани! Соғсаломат қайтиб келдингми? Оббо сен-эй, тоғни урса талқон қиладиган йигит бўлиб қолибсан-ку! Босмачига роса қирон келтирдингми?

— Саломатмисиз, Ефим Данилович!— Эргаш унинг кўзларига тикилиб кўришди: таниш юз, иссиқ юз; Ефим Данилович мўйлов қўйиб, малла сочи тўлқин уриб, ўзгариб кетган бўлса ҳам, кўз қарашлари, жилмайишлари ўша-ўша эди. Эргаш унинг юзидан таниш чизиқларни тикилган сари кўпроқ топди. Ўзбекча гапиришлари ҳам ўша-ўша, калта-калта жумлалар, икки оғиз содда гап бланоқ бутун кайфиятингни пайқайди-да, юрагингга кириб боради.

— Ҳа? Кўришганимизга хурсанд эмасга ўхшайсан? Соғлигинг яхшими?

— Соғлигим яхши, Ефим Данилович,— деди қовоғи солиқ Эргаш юзида алам-ситам блан,— сизни кўрганам-га хурсандман.

— Нима гап, бир нарса бўлдимми?

— Ефим Данилович... бу... инқилобни тўхтатиб қўйибсизларми? Сизга нима бўлди? Бунга қандай йўл қўйдингиз?

Ефим Данилович Эргашни бошдан-оёқ кузатиб, ҳайрат блан ярим қадам орқасига чекинди, гапига тушунмай елкасини қисди.

— Бу нима деганинг?

— Мен шаҳарни, растанӣ, бозорни айландим... Ефим Данилович,— Эргаш ўзидан-ўзи қизишиб кетди,— бу нима бу, яна Матқовул, яна Қудратиллахўжа, яна Минғалиевлар, яна буржуй, яна текинхўр!.. Ефим Данилович! Ахир, сиз менга нима деган эдингиз...»

— Тўхта-тўхта, мундоқ ўтир-чи, қиттак отиб олганга ҳам ўхшайсанми? Ўтир-чи.

Эргаш ўтирибоқ столга пешонасини қўйди. Қизариб, ичидан ёниб кетаётганини ўзи ҳам сизди.

— Қани гапир-чи.

— Ефим Данилович!— Бош кўтарди Эргаш.— Қаҳратон қишларда, қора тунларда оёғимга пўстак боғлаб, лой кечиб, окоп тупроғини ялаганим шунинг учунмиди? Жазирама саҳроларда бир томчи сувсиз, тиш орасида қум ғирчиллатиб, ўқ ёмғирида жоним кўзимга кўринмай, йиртқич босмачининг изига тушиб қувганим шунинг учунмиди, Ефим Данилович? Сиз-чи, сизнинг ялангоёқ сургундан қочиб келиб, биз камбағаллар деб жон тикканингиз, орқангизда қонли из қолдириб, кўксингиз блан судралиб бизни Тупроққўрғон жаҳаннамига бошлаганингиз шунинг учунмиди? Ҳар қадамда ўлим хавфини билатуриб тўрт йил душман блан ёқалашганим... ўша Матқовулнинг яна қанорқопдай бўлиб ўз дўконида кекириб ўтириши учунмиди? Айтинг, Минғалиевларнинг ифлос қовоқхона очиб, маст-аласлик, фоҳишабозликни қизитиши, пул йиғиши, яна семириши, бойиши учунмиди? Бу нима бу, Ефим Данилович? Нима қилдинглар? Нима учун Қудратиллахўжавофуруш яна, қорақуртдай, косибнинг қонини ичаяпти? Мен... мен сизнинг гапингизни доим яхши тушунар эдим, Ефим Данилович, тушунтиринг. Қайтдингизми, қайтган бўлсангиз айтинг! Мен бунга чидаб туролмайман! Мен асабий бўлиб қолганман... Ефим Данилович..:

Эргашнинг баттар қопқорайиб кетган юзида, алам, ғазаб тошиб турарди, кўзлари қизариб намланди, нафаси тезлашиб оғзининг четлари кўпиклашди.

— Сен, нимабало, Матқовул блан Қудратиллахўжани ҳам милтиқ блан қувлаб, ё хусусий мулкчиларнинг ҳаммасини отиб ўлдириб революцияни икки кундаёқ охирига етказмоқчимисан? Революция буларнинг ҳаммасини босмачига ўхшатиб отиб ўлдиришдан иборат эмас. Революция ҳали узоқ давом этади. У энди авжга чиқаяпти. Лекин унинг охирига етиши фақат милтиқ блангина бўлмайди.

— Нима, буларнинг ўзи кетишини кутамизми ҳали?

— Йўқ, улар ўзи кетмайди. Қайтага тиш-тирноғи блан жон талашади, борган сари қутуради.

— Ана, ана шу-да, сиз бўлса милтиқ блан бўлмайди дейсиз... Ўтирипти-ку, булар, ахир бойияпти-ку булар.

Ҳаммаси ўша-ўша қурмоқ, шилқим-муттаҳам, сурри-олифтаю, каллакчи пештаҳамлар-ку! Биз юртимизни қон тўкиб, жон тикиб сақлаб қолайлигу, биз ўлимга борганда кўз қири блан олайиб қараб қолганлар яна бемалол бойиса! Нима, булар ҳам шўро ҳукуматининг одамлари ҳисобланадими тагин! Йўқ, Ефим Данилович, уларни нафратлашга мени ўзингиз ўргатгансиз!

— Ҳазабинг қайнаб кетаётганини тушуниб турибман. Тўғри. Шундай бўлиш керак. Лекин бу етмайди. Ақлли гвардиячи шиддат блан олдинга кетиб қолганида ўзининг жонажон полкидан ажралиб қолмаслиги учун, биргалашиб яна ҳам кучлироқ юриш қилиш учун усталлик блан чекинабилиши ҳам керак. Мен сенинг Ҳазабингни тушунаман. Лекин, шаҳарни айланибсану, дўкон блан қовоқхонада ўтирган бўрдоқи нэпманлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмабсан-да? Ўзимизнинг ошнаимиз, жангчи мастер Абдукарим директор бўлган, гуриллаб ишлаётган пахта заводини кўрдингми? Ленин кўчасида икки қаватлик давлат банкини кўрдингми? Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар советини кўрдингми? Матлубот кооперацияларини, ҳунармандчилик артельларини кўрдингми? Мана бизнинг темир йўл устахонамиз вагонремонт заводига айланаяпти, кўрдингми? Ҳой, гвардия, бизга ишга кел, ҳаммасини кўрасан.

— Яхши, Ефим Данилович, улар уерда семираверадию мен буерда бемалол болга уравераманми?

— Биладан, сенинг уларга қарши жанг қилгинг келади. Лекин заводда ишлашинг ана ўшаларга қарши жанг қилганинг бўлади. Зарбдорлик блан ишлаб, гумбурлатиб маҳсулот чиқарсак, янги заводлар қурсак, халқнинг ҳаммаси совет ҳукумати блан бирга гигантлар қуришга киришса, машиналар, станоклар чиқарабошласа, Матқовул блан Қудратиллахўжалар қаёққа боради? Онанг гапириб бермадими: Қудратиллахўжа артель блан, янги кооперативлар блан олишишга дош беролмай, бўзи бозор кўтармай, синиб, расво бўлиб, дўкон-дастгоҳини йиғиштираяпти-ку, оёғи куйган товукдай типирчилаб, бошини қаёққа уришини билмай қолди. Яхши ишласак, қурсак, ҳуш ёр яшасак, ҳаммаси секин-аста ситилиб чиппакка чиқади. Сен уёқда жанг қилганингда биз ҳам буёқда тенгма-тег ёқалашганмиз, булар блан ё сен, ё мен деб, ҳаёт-мамотни ўртага солиб ёқалашганмиз, мана энди тагимизга тушиб қолди, типирчилагаң блан ҳечқаёққа боролмайди. Лекин

ишлаш керак, ҳозир кураш ҳам меҳнат, революция ҳам меҳнат.

— Эргашнинг чеҳраси очилди, у Ефим Даниловичга бирвақтлардагидай, ўз устозига тикилган боладай қаради.

— Ефим тоға! — деди ўша вақтлардаги одати бўйича.

Ефим унинг сочини чангаллаб, ҳазиллашиб силкиди.

— Сен бўлсанг бугун арақдан ўчингни олмоқчи бўлганга ўхшайсан.

— Йўқ, мен бир винофуруш бўрдоқининг қулоқ чеккасига қўйиб юбормаслик учун бир стакан арағини ичиб зўрга ёнидан кетдим. Алам қилар экан, Ефим Данилович.

— Ҳо, сен-эй. Тўғри. Алам қилмаса ҳам бўлмайди, уларга бамайлихотир, бефарқ анграйиб қараб туриш ҳам хато. Улар ҳозир талвасада, бизга қарши қора фитна уюштиришади, ашаддий душманларимиздан нажот сўрашади, енг ичида пичоқ олиб юришади. Онахон воқиасини эшитдингми? Ҳали ичи қора душман чиёндек бижиб ётипти, сен қувлаган Мадаминбек блан Холхўжадан кўра ашаддийроқлари бор. Улар босмачидай қилич таққан ёки оқғардиячи мундирини кийган бўлмасликлари мумкин, шунинг учун улар яна ҳам хавфлироқ.

— Уларни қандай биламиз, қандай йўқ қиламиз? — деди бу гапларни жиддий дарсдай тинглаб ўтирган Эргаш.

— Уларни минглаб кўз, бутун халқ сезгирлик блан кузатиб туриши керак. Совет қонунини қиттақ бузишларига йўл қўймаслик керак. Айтгандай, хўп десанг, эртага мең сени бир жойга олиб бораман. Ўша «ошнанг» Матқовулни кўрасан, суди бўлади. Халқ, халқ суди совет қонунини бузганлар блан қандай курашаётганини бир кўриб қўй, зиён қилмайди.

Эргаш қизарган юзини кафти блан сидириб қўйди, ортиқча қизишганидан изза бўлди, айниқса оғзидан келган ҳиддан пушаймон қилди. Шунча йил кўришмаган Ефим Даниловичдай одам олдига шу ҳолатда келиш... «Ҳе эсипаст» деди Эргаш ичида ўзини қойиб.

— Ефим Данилович... Мени ростдан ҳам ўзингизга ишга оласизми?

— Мен дирекция блан гаплашиб, бунинг учун сенга ёрдам беришга ваъда қиламан. Сен бинокор эдинг шекилли, а?

— Ҳа. Раҳмат, Ефим Данилович, мен сиз блан бирга бўлишим керак. Энди 25 га кирганимда ҳам оталик қиладиган бўлдингиз, мен ҳеч унутмайман.

— Мен сени шаштингдан қайтариб қўйган бўлмай тагин. Ўша оловлигиндан қолма. Нафратлаш керак, нафратлаш керак уларни. Улар бизга дўст бўлмайди. Ғазабингдан тушма! Тушмагину курашнинг йўлини бил. Ҳа, кураш бирхил бўлавермайди. Вақти-соатига қараб, шартшароитига қараб. Лекин винтовкаси ҳам унутма, солдат!— Ефим унинг улкасига қоқди.

Эргаш бир газ ўсиб кетгандай бўлди, солдатдай тик турганида бўйи Ефим Данилович блан баббаравар эди. Бирдан қучоқлаб олди.

— Ефим Данилович, мен тентак, сиз блан тузук-қуруқ кўришмабман ҳам, энди кўришайлик...

— Э, э-э! Белни синдирасан! Чолга мундоқ раҳминг келса-чи!

Эргаш уни бир кўтариб ерга қўйди.

— Сиз қаримайсиз, Ефим Данилович, биз сизни қаригани қўймаймиз.

— Анови, бизнинг комсомол ячейкамиз Абдисамат деган бор, ўша ҳам нуқул шундай дейди. Ўзи олов-да, ўзидан қиёс қилади, тўё ҳамма ҳам доим ўзидек бўлиши керак. «Қаримайсиз, қаригани қўймаймиз» эмиш. Ҳа, ростдан ҳам, ўшандай бақувват, яхши болалар блан бирга бўлсанг қаригинг келмас экан одам.

— Ефим Данилович, сиз буерда завком раисимисиз?

— Ҳа.

— Мен сизни шаҳар советининг раисими, партия секретарими — шундай бирор катта ўринда ишларсиз деб ўйлаб юрар эдим.

— Халқ иши бўлгандан кейин ўриннинг катта-кичиги бўлмас экан, Эргашвой. Лекин халқ, партия ишлагин деса каттасида ҳам ишлайверамиз. Ҳозир ҳам иш чакана эмас, мана завод қилаяпмиз, буни ҳамма ишчилар қилаяпти, касаба союзи — ҳамма ишчилар деган сўз. Юр, цехларга олиб чиқай, бизнинг фронтни ҳам бир кўриб қўй мундоқ.

Илгариги устахонанинг ярим ўрни ва ён атрофи катта қурилиш майдонига айланган эди. Қизил ғиштдан тикланаётган бино пойдевори ёнида қора ис босган устахона бинолари пастак товуқ катагидай кўриниб қолипти. Баланд қилиб тахлаб ташланган ёғоч, тунука, ғишт уюмлари ёнида катта тахта яшикларда янги токаръ станоклари, иккита динамомашина турарди, нарироқда тўрт қатор янги темир йўл изи тушмоқда. Ефим Данилович бетои қораётган ишчилар томонга қараб қичқирди:

— Абдисамат!

Узун оёқли, ингичка, новча йигит қум тепалардан, эски вагон филдиракларидан сакраб ўтиб, Ефим Даниловичнинг рўпарасида пайдо бўлди ва қўлидаги катта брезент қўлқоп блан бурнини артди.

— Мана бу менинг эски ошнам. Солдат. Собиқ бинокор, танишиб қўйинглар.

Йигитлар қўл бериб танишишди. Абдисамат новча бўлса ҳам, катта қўпол этик кийган, қопқора Эргаш ёнида боладай ёш кўринар эди.

— Эргаш бизга ишга келмоқчи. Бироз бундай таништириш керак, маслаҳатлашинглар, унинг эски касби ҳозир қандай бўлганини кўрсат. Дўст бўлинглар. Мен Эргашнинг яхши дўст бўлаолишига кафилман,— Ефим Данилович кулиб икковига ҳам қўл берди-да, йигитларни бири-бирига рўпара турганича қолдириб из ётқизаётганлар томонга кетди.

Ўн иккинчи боб

Ефим Данилович блан Эргаш кириб келганда хотин-қизлар клубининг катта зали одам блан лиқ тўла эди. Улар дераза ёнида тикка турганлар олдидан яккакифт бўлиб ўтиб, битта бўш курсига икков сиғишиб ўтирди.

Эргаш шлёмини буклаб этагига олди-да, терлаган пешонасини кафти блан сидириб, залда ўтирганларни кўздан кечирди. Энг олдинги қаторда қизил юлдузли фуражка, қўпол шинель кийиб, белини камар блан сиқиб боғлаган, энгига лента таққан, бурни қипқизил, ёшгина йигит тикка турарди; унинг ўнг кифти ёнида тиккайиб турган қиррали штик Эргашнинг кўзига чақмоқдай кўринди: «Бор экан-ку буердаям!» деб қўйди ичида негадир қувониб. Соқчининг олдидаги алоҳида скамейкада бир киши, қанорқопдай бўлиб, букчайиб ўтирарди, боши елкасига чўкиб кетган, орқадан, сурранг чопонининг ёқасидан сал чиқиб турган эски чўққайма гилам дўпписи кўринарди, холос.

Қора курсида ўтирган бу одам Матқовул дўкондор эди. Унинг бужмайиб осилиб тушган, тўштдор, сийрак тиканак соқол ўсган юзи худди граммофон игналари санчилган кир совундай қорайиб, мойланиб турар эди. Судья, гувоҳлар, айбловчилар ўртасида бўлаётган савол-жавоб ва гаплар ҳаммаси унинг ҳақида бўлса ҳам, Матқовул ҳеч нарсани эшитмаётгандек, мутлақо бепарво, бутунлай

бошқа бир нарсани ўйлаётгандек, жонсиз, ма'носиз, хира кўзларини қорни устида қовуштирилган қўлларига тик-канича, қимир этмай ўтирарди.

Унг қўлида, бирнеча хотинлар ўтирган алоҳида скамейка ёнида тикка туриб, саволларга эшитилар-эшитилмас жавоб бераётган паранжили хотин жойига ўтиргандан кейин, судья айбдорга мурожаат қилди:

— Гражданин Матқовул Мардонқул ўгли..

Матқовул ўз отини эшитиб, ҳўкизга нина санчилгандек, зўрға қимирлаб қўйди. Унинг ўрнидан туриши бир минут чамаси вақтни олди.

— ... гражданка Холнисо Шодмон қизининг боласини ўз болам деб танийсизми?

Матқовул анчадан кейин бир йўталди, яна анчадан кейин йўғон овоз блан оғзини тўлдириб, қийналиб гўнгиллади:

— Аёл эркакка хотин бўлади..: хотин бола туғади..:

Матқовул шу «ҳикматли» гапини зўрға тугатди; у ҳар сўзни мияси блан ўйлаб эмас, жуда оғир юкни кўтараолмай кучангандай, терлаб-пишиб, гўё бутун вужудидан машаққат блан базўр суғуриб чиқарар эди. Унинг жавоблари қўйилган айбни рад қилмас, лекин аниқ бўйинга олишга ҳам ўхшамас, аллақандай ўртамиёна ва ҳамиша ҳечқанақа исбот талаб қилинмайдиган, ма'нисиз «ҳикмат»дан иборат бўлар эди. Савол берилмаса бир оғиз чурқ этмай, худди жонсиздай ўтираверарди. Унга берилган саволлардан ҳечнарсачиқмади. Лекин далиллардан, айбловчи, қораловчи ва гувоҳларнинг гапларидан жирканч бир кирдикорнинг тарихи аён эди. Залда ўтирганлар воқияни тўла кўз олдиларига келтирдилар.

Хотин-қизлар клубида ўтадиган бундай очиқ судлар жуда гавжум бўларди. Буерга ҳамма атроф маҳаллалардан кўплаб қизиқучилар, ёш-яланг, айниқса хотин-қизлар ёпирилиб келар, улар процессни икки-уч соатлаб, тикка туриб бўлса ҳам, диққат блан тамоша қилар, тинглар эдилар. Ба'зилар можароли воқиаларга муккасидан кетиб, буерда бутун бир саргузаштнома ўқигандай бўлар, ба'зилар эса, айниқса хотин-қизлар, жамоат қораловчиси Жўраҳоннинг гапини эшитгани келар эдилар. Жўраҳон бу клубда бўлган судларда хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиб жуда кўп нутқлар сўзлаган. «Вакила ая гапираркан» деган миш-миш одатда суддан уч-тўрт кун олдин ҳамма маҳаллаларда ма'лум бўлар, оғиздан оғизга ўтиб тарқалар

эди. Ўз ҳақи-ҳуқуқини ва ўз ҳимоячиси бўлган совет қонунларини таниб, унга ихлос қўяётган хотин-қизларнинг бу қизиқишини билган Жўраҳон ҳам бундай ибратли судларнинг худди мана шу клубда бўлишини талаб қилар ва таъмин этар эди.

Мана ҳозир, қораловчи Жўраҳонга сўз берилганда, ярмидан кўпи хотин-қизлардан иборат бўлган зал бесабрлик блан бир қимирлаб олиб, бутун фикри-зикрини унга қаратди. Судьядан ўнгда, алоҳида кичик стол ёнида ўтирган Жўраҳон, олдидаги қоғозларни бир четга суриб қўйиб, ўрнидан турди, костюмининг этагини тортиб, қоматини ростлади-да, залга тикилди.

— Гражданин судьялар, граждандлар! Биз бугун, хотин-қизга бир мол деб қараш, унинг инсонлик ҳуқуқи ва қадрини ваҳшийларча доймол қилишдек қабиҳ бир факт олдида турибмиз. Матқовул Мардонқул ўғли Холнисони бир қул сифатида сотиб олиб, совет қонунларига хилоф равишда, унинг кучидан фойдаланган, уни қиз сифатида хўрлаган, тубанликка солган, она сифатида азиз туйғуларини оёқости қилган...

Жўраҳон овозини тобора кўтарар, сўзлари тобора жўшқин ғазаб блан тўлиб, қизишган сари столи ёнидан халққа томон яқинлашиб келар эди. Эргашнинг назарида, у яқинлашган сари бўйи баландроқ, гавдаси бақувватроқ кўринар, овози энгиб бўлмайдиган бир куч ва ишонч блан янграр эди. Эргаш унинг кўзларида олов кўрди, юзидан, нафасидан куйдирадиган харорат барқ уриб турганини сизди. Жўраҳон зўр туйғу блан, равон, оташин гапирарди. Эргаш бундай аёлни кўрган эмас, хаёлида ҳам тасаввур қилган эмас эди. Унга тикилиб михландиқолди.

«Мана қийратиш!..»

Эргаш, Жўраҳоннинг гапидан, кўрилаётган масаланинг моҳиятини ҳам, ўз кўнглидаги ғазабнинг аниқ нишонини ҳам, бутун воқияни ҳам янада равшан тушунабошлади. Суд давомида у Холнисо тарихини парча-парча, лавҳа-лавҳа қилиб тасаввур этган, уларни ўзича бир-бирига боғлаб ҳулоса чиқаришга уриниб ўтирган эди. Мана энди воқия бутун майда-чуйда, икир-чикири блан, шароити ва «қаҳрамонлари» блан тўла кўз олдида келди.

...Холнисонинг онаси Ермозор қишлоқлик бир бойнинг эшигида оқсоч эди. Онаси тириклигида қиз шу эшикка сиғиниб, баъзан кучдан қолган онаси ўрнига

югуриб-елиб чўрилиқ қилди, бу блан ишга ярамай қолаётган кекса онани бой эшигидан ҳайдаб юборилишдан кўп марта сақлаб қолди.

Аммо у онасини ўлимдан сақлаб қололмади. Кекса она очлик-муҳтожликда, таҳқир ва тубанликда кун сайин сўлиб, бойнинг бостирма ёнидаги қора ҳужрасида қизнинг ўз қўлида жон берди. Она жон берган ўша хунук қора тун қизнинг юрагига шундай ўрнашдики, бу ҳовлида энди бир кун туриш ҳам Холнисо учун даҳшат бўлиб кўринабошлади. Ҳовлида илгари онаси қиладиган ишларни қилиш учун қўлига бир нарса оларкан юраги орқасига тортиб кетаберди, жинни бўлиб қолаётганга ўхшади. Чидайолмади. Холнисо, онасини тириклайин ютган бу хосиятсиз ҳовлидан бир куни саҳарда ғойиб бўлди.

Қирқямоқ кулранг паранжили, сарпойчанг ёш чўри шаҳарда пайдо бўлди. Қўлидан чўрилиқдан бошқа иш келмайдиган бу қишлоқи етим гузарма-гузар, растама-раста юриб иш қидирди. Бу 1922 йилнинг аввал қиши эди. Ярим деҳқон, ярим ҳунарманд маҳаллаларнинг кулакнамо буржуйлари уч-тўрт йиллик даҳшатли зилзиладан кейин бир нав' нафас ростлаб, яна қадларини тиклаш умидида ўзларига хос хасислик ва муғомбирлик блан бозорларда изғийбошлаган пайт эди.

Холнисо, бир куни, кўринишдан жуда катта кузғунга ўхшаган, серҳаракат букри кампирга йўлиқиб, ўз дардини, балки қирқинчи мартадир, унга ҳам сўзлади. Кампир кимга қандай батрак, қандай қарол, қандай чўри кераклигини беш қўлдай билладиган мутахассис чиқиб қолди. У Холнисони етаклаб растадаги газлама дўконига олиб борди. Дўконда, бесўпақай ўсган картошкадай калтабақай бармоқларини қорнининг устида ўйнатиб, қанор қопдай бир одам ўтирар эди. Букри кампир у блан бирни-маларни пичирлашди. Кейин Холнисонинг юзини очиб кўрсатди. Дўкондорнинг бурун катаклари катта-катта, лаблари ва бақбақаси осилиб тушган гўштдор башараси

- Холнисога бепарво, қўрқинчсиз кўринди. Лекин қўлини ушлаб, оғзини очдириб кўрганида, унинг нима қилаётганини тушунмай, юраги дукиллаб урабошлади. Тушунилмаган нарса доим қўрқинчли бўлади.

— Тақсир, мен уй хизматини қилаоламан, холос,— деди қиз бошқа бирор нарсага мўлжаллаяптими деб қўрқиб.

Индамай пишиллаб, қизни бошдан-оёқ кузатиб, бир нарсани чўтлаётган дўкондордан энди гап чиқди:

— Батрақлар ҳамавақт уй хизматини қиладилар,— деди у салмоқлаб.

Катта қузғунга ўхшаган кампир яна бирнималарни узоқ пичирлашди-да, охири мамнун бўлиб, овозини чиқариб гапирди:

— Заифаларингиз чўри керак, деб жони-ҳолингизга қўймасди. Мана энди тақсир, буни етакланг-да, қўлларига олиб бориб топширинг. Сен бўлса,— Холнисога қаради кампир,— Қайвонибувингни (кампир ўзига шундай деб от қўйиб олган эди) дуосини қилиб, отинойингларни хизматида бўл. Қорнинг тўқ, устинг бутун бўлади, муроди-мақсадингга етдинг, омин.

Қайвонибуви Холнисонинг кўз олдида қандай тўсатдан пайдо бўлган бўлса, худди шундай тўсатдан ғойиб бўлди. Холнисо, ҳалигача жойидан жилмаган дўкондорни ўрнидан қандай турар экан деб, ҳайрат блан қараб турди. Дўкондор кутилмаган чаққонлик блан ўрнидан туриб, карвонсаройдан эшагини етаклаб чиқди. Матқовул сра пиёда юрмас, ҳафсала блан безатилган оқ эшаги доим ёнида, тўрт-беш қадам йўлга ҳам миниб борар эди. Унинг пиёда юрса тўкилиб кетишига ишонгандек, одамлар ҳам бунга сра ҳайрон қолмас эдилар. Бошқа ҳеч хизмати бўлмаган олифта эшак ҳам шундай ўрганиб қолган эдики, қаёққа боришини хўжайин блан баббаравар билиб турарди.

Сарпойчанг Холнисо ўз тақдирига эргашиб, эшак минган дўкондор кетидан ҳовлига борди. Матқовул, худди кампир айтгандай қилди. Бозордан хотинига супурги олиб келган одамдай, чўрини хотинлари олдига етаклаб кириб, ташлаб чиқди. «Қутилдимми сенлардан» дегандай хотинларига қаради-да:

— Эҳтиёт қилиб ишлат, текинга келгани йўқ,— деб дўконига жўнади. Холнисо, «текинга келгани йўқ» дегандан қузғун кампирга берилган чақа кўзда тутилганини англамади, албатта. У, батрақлар ойликка ишлайди, деб эшитар эди — шуни ўйлади.

Матқовулнинг иккита хотини бор эди. Бири сочларига оқ оралаган бўлса ҳам кийим-пардоз ярашадиган, тўлагина, кўз қарашлари ма'носиз, афтидан, ғамнинг ни-ма эканини билмайдиган тентакроқ хотин эди.

Иккӱнчиси, жуссасига қараганда 12—13 яшар қиздай, лекин юзи нурсиз, озгин, элак-элак бўлиб ажин босган, ёшини дамалаб билиб бўлмайдиган хотинлардан эди. Афтидан, у ўша 12—13 ёшида эрга берилиб, ёшлиги бевақт сўлган, ҳозир анча ёшга кирган бўлса ҳам, жуссаси ўсмай, эзилиб, ногирон бўлиб қолган эди. Кампирларнинг юзидай буришган, нурсиз чехрасига аччиқ аламли тақдирга бўлган ғазаб чўкиб, бора-бора ўз кучини йўқотган, энди у ғазаб бўғилиб, ғазабга эмас, унинг доғли изигагина ўхшаб қолган эди. Холнисога аввал шу кичик хотин ёққандай бўлди, лекин — йўқ кейин билса шунинг сўнган ғазаби ичида заҳарга айланган экан.

Шундай қилиб, Холнисога иш буюрадиганларнинг бири тентак, кекса сатанг, бири эса ғирт заҳар бўлиб чиқди.

Матқовул Холнисони олиб кириб ташлагандан кейин хотинлар иккови ҳам унга ҳайрат блан тикилдилар. Холнисо эгилиб «эсон-омонмисилар» деб пичирлади. Лекин хотинлар саломга алиқ олиш ўрнига, индамай тамоша қилдилар, бири тепонғич сигирга яқинлашгандай секин келиб, икки бармоғи блан Холнисонинг чимматини кўтарди. Аввал, чўрининг ёшлигини кўриб бўлса керак, иккови ҳам ваҳима блан бир-бирига қараб олди. Кейин, зерикиб туришган экан шекилли, иккови ҳам бекордан-бекор қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

— Индамайди-ю?

— Erga қараб турипти-я.

Холнисо нима деб индашини, қаёққа қарашини билмас эди, бу чиндан ҳам кулгили бўлса керак, деб ўйлади.

— Ихти-ихти,— кулди тентакроғи,— эринг йўқми? Ихти-ихти...

Холнисо бош силкиди.

— Оёғингни ювишни билмайсанми?— деди заҳари.

— Мен ҳамма уй ишларини биламан,— деди Холнисо.

— Қани оёғингни юв-чи, ихти-ихти,— яна ёш қиздай кулди катта хотин,— кўрайлик-чи.

Ҳақиқатан ҳам, улар Холнисонинг оёқ ювишини жуда катта ғаройботдек тамоша қилдилар. Лекин Холнисонинг ювингандан кейин очилиб кетган ёш ҳусни уларни яна ҳам ваҳимага солди. Илгарилари ўт блан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар. Катта хотин иш буюрганида кўпроқ кулишга, кичиги эса иш буюрганида кўпроқ заҳарини сочишга тиришарди. Холнисо ниҳоятда итоатчан

қйз чйқди. Кундошлар ўни ўзлари шундай қилиб қўйдилар, лекин бундан ўзлари тобора ваҳимага тушдилар. Катта хотин кўпроқ пардозга берилди — у нажотни шундан қидирар эди, кичигининг эса бўлар-бўлмасга заҳар сочишдан бошқа чораси йўқ эди. У Холнисони ҳам, кундошини ҳам, эрини ҳам ёмон кўрарди.

Бир куни бир воқиа бўлдию, кундошларнинг ҳам, Холнисонинг ҳам жони бироз тинчиди.

Матқовул дўконга кетганида уйга бир рус блан ўзбек йигит келди. Икковининг ҳам қўлида папка, ўзбек йигитнинг қулоғида чинчалоқдеккина қалам бор эди.

— Матқовул Мардонқулов...— деди рус йигит қоғозга қараб.— Батрак тутар экансизлар, шундайми?

— Ҳа, ҳа,— деди катта хотин хурсанд бўлиб.

— Фамилияси нима?

— Матқовулбой...

— Йўқ, батракнинг фамилияси?

— Батракни? Холнисомиди, ҳой отинпошша, памласи нима?

— Чўри-да, памласи ҳам бор эканми?— деди ичкаридан кичик хотин.

— Қани ўзи, ўзини чақиринг.

Катта хотин ичкарида ҳовуз бўйини супураётган Холнисонинг ёнига борди.

— Бор, ана, сен керак эмишсан. Йўқлайдиганларинг бор экану, айтмайсан, писмиқ етимча...

Холнисо молия ходимларига фамилиясини айтди. Хўжайин блан тузилган шартнома ҳақида сўраганларида ҳечнарсга деёлмади.

Молия ходимлари иккита квитанция ёзиб, катта хотиннинг қўлига бердилар ва батрак ёллаганлик ҳақидаги шартномани эртадан қолдирмай рўйхатдан ўтказиш зарурлигини тайинладилар.

Хотинлар ич-ичларидан қувонишди. Холнисо рўйхатга тушди, энди унинг кундошлар учун хавфи йўқ, энди у — батрак. Минг ёш бўлсин, минг чиройли бўлсин — батраклик қоғози борми, никоҳ қоғози ололмайди. Уларнинг хурсандлиги Холнисони ҳам тинчитди. Энди ундан унча кулмас ҳам эдилар, заҳар ҳам сочмас эдилар, фақат иш устига иш буюрар эдилар.

Лекин хотинлар бекор хавотир олар эдилар — Холнисони хотин қилиш Матқовулнинг хаёлида ҳам йўқ

эди, агар бугунги воқиа бўлмаганда эҳтимол Холнисо чўрилигича қоларди.

Броқ Матқовул қайтиб келиб иккита квитанцияни қўлига олгандан кейин юзига совуқ сув сепилгандек сесканиб, кўзларини пирпиратди, бўшашиб, лаблари осилиб тушди, бақбақаси қичиди.

Батрак тутган учун рабчокомга 3 фоиз, касаба союзига 5 фоиз солиқ... Оҳҳо! Ҳақиқатан ҳам текин эмас экан-ку? Қузғун кампирга берган чақаси тушларига кириб юрган Матқовул буни кўриб тепа сочи тикка бўлди. Одам ҳам шунча қиммат бўладими? Одам ҳам эмас тагин, хотин. Ҳа... айтгандай хотин-а? Хотин! Э! Бу қанақа бўлди? Бу фикр қаёқда эди шу вақтгача?! Хотин! Вассалом!

Матқовулнинг оғзидан ҳечвақт биров билмаган гап чиқмаса ҳам, тадбирга келганда бировнинг хаёлига ҳам келмаган ишларни қилаоларди.

Иккинчи куниёқ Холнисони етаклаб кетди, шартномани рўйхатдан ўтказишга эмас, ЗАГСга кетди. ЗАГСчи ҳам Холнисонинг сочвон ичида индамай гаранг бўлиб турганини ёш ўзбек келинларининг одатдаги уялчанлиги деб ҳисоблаб, индамасликни ўз саволларига жавоб ўрнига қабул қилди. Матқовул эса саволларга бахтли куёв сингари чаққон-чаққон жавоб берди.

Уйга келгандан кейин Матқовул катта хотинига никоҳ қоғозини узатди:

— Батрақнинг шартномаси деб келса, батрак йўқ дегин, мана шу қоғозни кўрсат.

— Бу нима бу, отаси?

— Никоҳ қоғоз.

— Вой шўрим! Вой шўрим!— дод-войга ичкаридан кичик хотин ҳам қўшилди.— Шу қулваччани-я, бизнинг устимизга-я!

— Товушингни ўчир! Чўри бўлиб ишлайверади, солиқ тўламаслик учун бу!

Хотиннинг оғзи очилиб қолди:

— Ундоққина бўлса гўрга-я! Ер юткур,— ёнида турган Холнисони жон аччиғи блан чимчилаб, ичкарига туртди.— Ундоқ бўлса гўрга-я!— деди яна чимчилаб.— Бўйнинг узилгур, қиладиган ишинг киримни ювишу, нима балоларга тиқдинг бошимни!..

Қичик хотин Матқовулнинг «солиқ тўламаслик учун» деганига ишонмади. Кундошлар маслаҳатлашиб чўрини

бир нафас ҳам кўздан қочирмасликка қарор бердилар. Қўлларини совуқ сувга урмайдиган икки бекорчи хотиннинг бутун иши шу бўлиб қолди. Қир ювганида Холнисо бойнинг кўйлагини жомашовга сал «бошқачароқ» солса ҳам балого қолди. Хўрлиги ичига сиғмай кўзига сал ёш олса ҳам билакларини мўматалоқ қилишади.

— Ҳа гўрсўхта, эрсирадингми! Сен итялақига эрни ким қўйипти! Ҳа, кўз ёшинг бошингни егур. . .

Холнисо Матқовулга обдаста ё сочиқ тутиб қолса борми, нақ қўл-пўли блан бирга юлиб олишади. Айниқса кичиқ хотин Матқовул бирёққа кетиши блан Холнисони бурчакка сиқади.

— Ҳа, лав-лунжинг шалвирамай ўлсин! Ҳа, ажина қошиқ, қаримсиқ юзларингга зиндалак чиқсин. Эрсирамай кўзгинанг оқиб тушсин, илойи омин, йиғлама, номаҳрам эшитади, яшшамагур.

Етимлик хўрлиги, батрақлик захмати етмагандек, Холнисонинг бошига кундошлик ҳам тушди. Қулоғининг бирпас тинчиши — ҳаётнинг энг азиз не’мати бўлиб кўринар эди. Лекин унга бундай азиз не’мат татимас эди, қулоғи бирпас тинчиб ёлғиз қоладиган бўлса бутун ўпкаси тўлиб кўзига ёш келарди. У бирор кун бориб ёруғлик бўлишини кутмади. Хотинлари қизғонган сари Матқовулнинг шайтони кўзгаётганини у зимдан билиб, даҳшатли воқияни зимдан кутиб юрарди.

Ваҳшиёна даҳшатли воқиа тунда юз берди. Буни кундошларга Холнисонинг ўзи, уларнинг оёғига йиқилиб, бутун вужуди блан раҳм-шафқат сўраб, айтиб беришга мажбур бўлди. Уша кун уни урдиларми-йўқми, эслолмайди, унга барибир эди, ҳушига келганида иккала кундошнинг ҳам ўзидек қонқора қақшаб йиғлаб ётганини кўрди. Улар энди калтак аламини ёш чўри хотиндан олишдан бошқа иложлари йўқ эди. Холнисонинг ўз устларига хотин бўлганига кўнишга мажбур бўлдилар, унинг батрақ эканини ҳам сра унутмадилар. Лекин энди бу батрақ хўжайинига обдаста беришга ҳам, унинг оёғини уқалаб қўйишга ҳам «ҳақли» эди. Матқовул дўкондор батрақидан жуда ҳам «тўла» фойдаланди. Бир чеккаси, бунга ўзи ҳам қойил эди: уйда батрақ ҳам бор, солиқ ҳам тўлашмайди, қолаверса яна битта текин хотин. . . Холнисо хотинман деб хотинлик ҳуқуқини талаб қилолмас эди, чунки у батрақ эди; батрақман деб батрақлик «ҳуқуқи»ни талаб қилолмас эди, чунки у хотин эди.

Холнисо минг тубанлик, минг хўрликда бола кўрди. Бола эмас, янги бахтсизлик ортдирди. Кундошлар эрлари олдида астойдил далил топдилар: болалик чўри ҳам бўладими? Биз унга чўрими, у бизга? Битта эмас, икки-та ҳаром томоқни боқиб сўқим қиламизми?

Матқовулга ҳам шу гап ма'қул туюлди.

Онахоннинг уйида Жўраҳонга «Вакила ая, сизни энди топдим, арзим бор эди» деб келганида Холнисонинг ёш боласи блан уйдан ҳайдалганига икки кун бўлган эди...

Жўраҳоннинг нутқи то охиригача суд залини бутунлай ўз ҳукмида тутди. Нотиқнинг товушига ҳатто кўчада, эшик тагида уймалашганлар ҳам қотиб қолди. Унинг сўзлари юзларда дам ғазаб, дам аччиқ истеҳзо пайдо қилар, гоҳ ҳаммани бирхилда ўрнидан қалқитиб юборар эди. Жамоат қораловчисининг нутқини айбдор Матқовулнинг фақат ўзигина бепарво тинглади, у, атрофида гўё ҳечким ва ҳечқандай гап йўқдай, пишиллаб мудраб ўтирар эди. У ухлаётгани йўқ, лекин кутилмаган бу воқиаларнинг ҳаммаси унинг эринчоқ, тепса-тебранмас ақлини фалаж қилиб қўйган эди. Унинг ақли ҳозир фақат бир нарсага етарди: «Зора туш бўлса. Инсу жинс тушга хотин қиёфасида киради деб эшитган эдим... Бисмилло, ло-оллоҳи валоқуввати»...

Суд кенгашга кириб кетгандан кейин зал гувиллаб кетди, ҳамма ўзаро гаплашар, баҳслашар, воқиага ўзича баҳо берар, воқиа «қаҳрамон»ларининг тақдирини ўз билганича тахмин қилиб кўрар эди.

— Қалай, «аспаласопин»нинг бу хилига нима дейсан?

Хаёл суриб ўтирган Эргаш, ёнида Ефим Данилович борлигини унинг овозини эшитгандан кейингина эслади. Саволни дарров тушунақолмади. Ефим Даниловичнинг назарида, курашнинг фақат милтиқ ва «ура!» блан бўладиган хилинигина тан олучи Эргаш учун бугунги суд катта сабоқ бўлиши керак эди. У саволини такрорлади.

— Ҳали ҳам-чи, Ефим Данилович,— деди Эргаш чўзиб,— гапнинг лўндасини айтсам, ўша ўзимизнинг аспаласопинга етмас экан. Буни қаранг, э, бу нимаси? Ахир, ичи кир ўрадай, қора юраги бўлса илон-чаён тўла ўпқондай очилиб ётиптию, тагин унга мулозимат блан савол бериб ўтиришипти: «Хўш, гражданин фалончи ака... Шундоқ-шундоқ жинойатларини бўйинчаларига оладилар-

ми?» Э, ўша сендақа гражданин бўлганни... Ахир, ғирт буржуй, контр эканлиги, хотин-қизни молдай қақшатгани, юзсиз муттаҳам, текинхўр эканлиги ойдай равшан бўлиб турипти-ку?! Сўраб нима қилади, ҳа бўйниларига олмасалар бу ишлари савобга ўтар эканми? Э, менга қўйиб берса-да бунақангги нусхасини...

— Менга қара,— Ефим Данилович бўшаган курсини олиб Эргашга ёндашиб ўтирди,— буерда сенинг «аспаласопин»ингдан кўра зўрроқ нарса — совет қонуни куч кўрсатапти. У халқ орасида бақувват томир ёяпти. У Матқовулларнинг уруғинигина эмас, уларнинг уруғини кўкартирадиган ҳарқандай шароитларни, уларнинг тегирмонига қўйиладиган ҳарқандай сувларни ҳам қуритади. Буерда халқ, унинг энг яхши тилаклари, унинг маразсиз, текинхўрсиз янги турмушда соф виждон блан, озод меҳнат блан яшаш иштиёқи пастдан, яхлит ва бақувват бир куч бўлиб кўтарилаяпти. Сен шунга баҳо беролмаяпсан.

— Кеча кечаси сиз менга «темир диктатура» ҳақида ўқиб бердингиз...

— Темир диктатура халқнинг кўтарилиб келаётган мана шу қудратли иродасига, кучли тилак ва интилишларига таянади. Совет қонунилари халқ иродасининг ўзи.

— Ахир...

Эргаш яна бирнима демоқчи эди, суд столи ёнидаги орқа эшикдан овоз янгради:

— Суд келаяпти!

Зал оёққа қалқди...

Ўн учинчи боб

Мана, қарийб бир ойдирки, Онахон уйда тўшакка михлапгандай қимир этмай ётади. У ярасининг қаерда эканини сезар, лекин қаери оғриётганини аниқ билмас, оғриқ унинг бутун баданини зирқиратар, бу зирқиратдан зўрайиб мияга чиқиб келар, умуртқасининг ич-ичига санчилиб кирар эди. Тинимсиз азобли оғриқ унинг руҳини, миясини чарчатар, бу айниқса бошини ё қўлини бироз қимирлатганда, ёки унинг кроватини уйдан айвонга ва айвондан уйга кўчирганларида кўпроқ сезилар эди. Ба'зан миядаги оғриқ ловуллаб бутун баданини қамраб олар, иситма бирдан кўтарилиб, кўзларидан ўт чиққудай бўлар, кейин

ҳаммаёқ қоронғилашиб, Онахон тубсиз ва даҳшатли, қандайдир ёқимсиз илиқ тўлқинда сузиб кетаётгандай бўлар, ҳушини йўқотар эди. Тушидагига ҳам, ўнгидагига ҳам ўхшамаган аллақандай қўрқинчли нарсалар уни алаҳлатар, Онахон кейин ҳушига келганида ўзининг нималар кўргани, нималар деганини эслайолмас эди. Авваллари икки ҳафтагача уни уйқусизлик қийнади, сал пинакка кетиши блан кўз олдида пайдо бўладиган қўрқинчли нарсалар, босинқирашлар уни уйқудан чўчитиб қўйди, уйқу унга даҳшатли кўринар эди. Шунинг учун кўзини юммасликка тиришар, бу эса уни баттар толиқтирар, оғриққа қарши чидамини сусайтирар эди. Дастлабки кунларда ўқтин-ўқтин ҳушидан кетиб турган Онахоннинг назарида унинг ҳаёти гўё милт-милт эгиб хира ёнаётган шамдек, узилиб-узилиб давом этгандай кўринар эди.

Унинг ёнидан одам узилмади. Жўраҳон ҳам, Софья Борисовна ҳам, Ефим Данилович ҳам, Рузвон хола, Қумри, Ҳожия ҳам деярлик кунига келиб туришди. Онахон ба'зан кўзини очганида ёнида ҳатто нотаниш хотинларни ҳам кўради. Уларнинг ҳаммаси гўё Онахон блан биргаликда унинг азобли оғриғи блан олишардилар, Онахон уларни кўриб бу курашда ўзини кучлироқ сезар, кўзига кўринадиган даҳшатларни қаттиқроқ нафратлар, ўзининг, ҳаётнинг енгиб чиқишига қаттиқроқ ишонч ҳосил қилар эди. Оғриқ, босинқирашлар уни аллақандай қоронғилик қа'рига судраганда Онахон ёнидаги меҳрибонларнинг қўлидан тутгандай бўлар ва назарида бу қўллар уни яна ҳаётга, қуёш нури ва жонли ҳаётгий ташвишлар блан қайнаб турган дўстлар муҳитига судраб чиқарар эди. У ҳаргал ҳушига келганида, ё уйқудан кўз очганида таниш овозларни эшитар ва бу сафар ҳам тирик қолганига, бундан кейин эса тамоман тирик қолишига яна ҳам ишонар эди.

Кейинги тўрт кун ичида Онахон ўзининг енгиб чиқаётганига бутунлай ишонди. Энди у чўққи соқол доктор бинт алмаштирганда суяк-суякларга етиб борадиган, қаттиқ безиллатадиган оғриқни, тишини-тишига қўйиб, чинакам эс-ҳушли ирода блан енгар ва бундан ўзи хурсанд бўлар эди. Ҳушдан кетиш ва босинқирашлар ўрнига чинакам, аниқ эса қоладиган тушли уйқулар келди. Унинг тушига ўз ўйлари, атрофдагилардан эшитганлари, кўпинча алоқ-чалоқ, ғалати бўлса ҳам ҳарҳолда ҳаётгий воқиалар кирабошлади. Ўтган кунигина Ҳожияхон келиб, Найманчада очилган хотин-қизлар магазинининг ишларини, ўзи

унда тўпланган хотинларга совет ҳукумати душманларининг қотиллик йўлига кирганлиги, улардан бири Онахонга пичоқ урганлиги ҳақида сўзлаб берганини гапирган эди. Бу гаплар кечаёқ Онахоннинг тушига кирди. . . Гўё Онахон ўзига пичоқ урган қотил блан учрашган эмиш: у, қўли ва тишлари қонли, хунук тиржайган башараси тошдан ясалган, енги шимарилган, қўлларида пичоқ, аллақандай беўхшов, катта гавдали одамбашара ҳайвон эмиш. У Онахонга тикилиб Найманчадаги хотин-қизлар магазини ёнида турганмиш. «Магазинни ёндираман, тагидан ўт қўяман» деб бўкираётганмиш. Онахон унга ташланаман деб интилармишу, ўрнидан сра қўзғалаолмасмиш. . .

Онахон тушида қимирлаган экан шекилли, яра оғригидан уйғониб кетди. Бу даҳшатнинг ҳаммаси туш экани эсига келиб севинди ва оғриғини ҳам сезмай овоз чиқариб гапирди:

— Тўхтаб тур ҳали, сен аслида тушдагичалик даҳшатли эмассан! Жўрахон айтганидек, бу талвасанг ҳаммаси заифлигингдан!

— Онахон. . . Онахон!.— деди бу вақт шуерда ўтирган Жўрахон. У бунини навбатдаги алаҳлаш деб ўйлаган эди. Онахоннинг уйғоқ ётганини, худди соғ вақтидагидай чарақлаб турган ақлли кўзларини кўриб севиниб кетди.

— Туш кўрдим, Жўрахон,— деди Онахон унинг қўлини ушлаб.— Мен энди алаҳламайман, босинқирашларим ҳам қолаяпти, яхши бўлиб қолдим.— Кейин у Жўрахонга тушини айтиб берди ва охирида деди:— Тезроқ ўрнимдан турақолсам эди. . . Сизлар блан бирга бўлгим келаяпти. Мен энди илгаригидай бўлмайман, мен, соғайиб кетсам бутунлай бошқача бўламан. Мен энди уларга жуда шафқатсиз бўламан, Жўрахон. Биз уларнинг уясини қидириб топамиз, мен уларнинг чиркин уясига қўрқувсиз, очиқ юз блан кириб бораману «Мана мен тирикман!» дейман, «қутуринг, титранг, биз барибир яшаймиз, биз бахтли яшаймиз!» дейман.

— Тўғри! Тўғри гапирдингиз, Онахон!— деди Жўрахон унинг нимранг юзидан ўлиб.— Лекин сиз аввало соғайиб олишингиз керак, ўзингизни толиқтирманг, кўп ўйлайверманг. Хўпми?— Жўрахон докторнинг «кўп гаплашиш мумкин эмас» деган қат'ий буйруғига амал қилиб, ортиқ гап айтмади ва Онахоннинг ёстиғи тагига бир пакет қистирди-да:— Енгил тортганингизда ўқиб қўйинг,— деб тайинлаб чиқиб кетди.

Онахон ўзини энди ҳаётга яна кириб келаётгандек, ўртоқлари блан яна ишлайбошлагандек ҳис этар эди. Бу ерга клубдан ҳам, артельдан ҳам, магазиндан ҳам, ҳамма жойдан хабарлар, янгиликлар етиб келиб турарди. Онахон бўлаётган воқиалар, ишлар ҳақида ўз фикрларини айтар, маслаҳатлашар, артель ишига кўрсатмалар берар эди. У ишларнинг тобора жонланиб бораётганини, ўз атрофида катта воқиалар, курашлар бўлаётганини ҳис қилар ва ўзи ҳам бу воқиаларга яна киришиб кетгандай эди. Унинг ўз дардини, ўз дармонсизлигини енгаётганлиги атрофда бўлаётган катта курашнинг бир қисми бўлиб туюлар, лекин Онахон бу блан қаноатланишни истамас, у тезроқ ўрнидан туриб, жонли ишга аралашишга шошилар эди.

У ўз атрофидаги одамлар пичоқли қотилнинг изини қидириш блан шуғулланаётганини сезиб турар ва Жўраҳон ёки Софья Борисовна келганда бу ҳақда албатта суриштирар эди. Онахон ярадор бўлган кунни эртасига Ефим Данилович блан бирга келган қора костюмли йигит ўшандан бери яна икки марта келди. Иккинчи келишида, Жўраҳон блан бирга, анчагина ўтирди. Онахон блан узоқ гаплашди, бутун таниш-билишларини, Қудратиллаҳўжабойнинг муносабатини суриштирди. «Сенга ҳам эмас, менга ҳам...» деган сирли гап яна эсга олинди.

— Бироз ноқулай бўлса ҳам,— деган эди ўша йигит Онахонга қараб,— кечирасиз, бир андишалироқ саволим бор: сиз атрофингизда бирорта одамнинг ўзингизга... нима десак, масалан, сизга, хотин киши сифатида, я'ни ишқий назар блан қараб юрганини пайқаганингиз йўқми?

— Йўқ,— деди Онахон ўнгайсизланиб.

— Мен, албатта, бунга ишқий можаро деб қарамоқчи эмасман, гап шундаки, душман кўпинча майда-чуйда, ярамас, аҳлоқсиз, маслаксиз, чиқинди одамлардан фойдаланади.

— Йўқ, ўзимга ундай назар блан қараган одамни пайқаганим йўқ,— деди яна Онахон.

— Қизингиз Башорат кўпинча сизнинг паранжингизни ёпиниб юрар экан. Шу тўғрими?

— Тўғри.

— Қачондан бери?

— Ҳали, бир йил ҳам бўлгани йўқ.

— У билдим юртидан ҳамавақт соат 4 да келармиди?

— Ҳа.

— Башоратнинг билим юрти блан темир йўл ўстахонасидан бошқа борадиган жойларини биласизми?

— Хотин-қизлар клубига ҳам бориб турарди.

— Яна?

— Бошқа ҳечқаерга.

— Қизингиз ҳақида шубҳали ўйингиз йўқми?

— Сра.

— Бордию, ҳали сизга берган ноқулай саволни Башоратга ҳам бериб кўрсак...

— У ҳали бундай «назарлар»ни тушунмайди.

— Бордию тушунмаса ҳам. Бизда ҳали ёш қизларнинг тушунчаси блан ҳисоблашмайдиган безорилар йўқ эмас. Башорат бирор нарса пайқамадимикин?

Бу ҳақда Башорат блан аввал онаси, кейин, иккинчи кунни Жўраҳон гаплашиб кўрди. Чиндан ҳам, бу саволни Башоратга берганда, унга тушунарли қилиб жумла тузиш жуда қийин бўлди: «Сенга ҳечким... олайиб қараганми?» деди онаси. Башорат аллақайси бола блан «ҳоммопиш» ўйнаб уришиб қолганида ўша боланинг «олайгани»ни айтиб берди, холос. «Сенга ҳечким... ёмон гап гапиргани йўқми?» деб сўради Жўраҳон. Башорат Анзираткампирнинг невараси «Хў, етимча етти кулча!» деб сўкканини айтиб беролди, холос...

Бу воқиалар, йигитнинг ҳалиги сирли гапга мунча қизиққанлиги Онахонни ҳам кўп ўйлатиб қўйди. Агар ўшандай одам бўлсаю, бу, яна Башорат блан боғлиқ бўлса, ҳали даҳшатли воқиянинг давоми ҳам бор эканда?.. Ушандай безори бу атрофда бўлса, шу блан тинчиб кетармиди?.. Онахон қизининг тақдиридан хавфсираб қолди, тугунни тезроқ ечиш, йиртқичнинг изини тезроқ топиш ўйи унинг бутун хаёлини банд қилди. Жўраҳон ёки Софья Борисовна келиши блан унинг биринчи сўроғи шу эди:

— Бирор янгилик борми?

Жўраҳон ҳам, Софья ҳам бу саволнинг нима ҳақда эканлигини дарров тушунар ва текшириш кетаётганлигини айтиб, Онахонни юпатар эдилар.

Софья Борисовна бугун келганида ҳам энг аввал Онахоннинг шу саволини эшитди.

— У ҳақдаку ҳозирча деярлик янгилик йўқ,— деди у,— лекин бошқа катта янгиликлар бор! Жуда ажойиб янгиликлар, Онахон!

Софья Борисовна зонти блан сумкасини токчага қўйди-да, туфлисини ечиб, ўз уйидагидай яйраб ўтирди. Унинг сийрак сепкилли юзи иссиқдан ва шодликдан қизариб бўртган эди, рўмолчаси блан елпиниб, роҳат қилиб чуқур нафас олди. Узоқ ва оғир йўл босиб келган одам бирор соя-салқин жойга етиб жиндак дам олгани ўтирганида худди шундай яйрайди. Онахон меҳрибон дўстининг бу ҳолатини кўриб, ётган жойида ёнбошлаб олди.

— Суюнчи беринг, ўртоқжон,— Софья Борисовна ўзбекчани жуда ширин қилиб гапирди,— шахримизда фабрика қуриладиган бўлди! Ҳа, ҳа, ўрнингиздан қўзғалманг, ҳаммасини айтиб бераман. Тўқимачилик фабрикаси. Ўзимизнинг шаҳарда. Шуерда.

— Ким айтди?

— Ким айтди эмас, қарор бор! Ҳозир мен Жўраҳоннинг идорасидан келаяпман, СТОнинг қурилиш муддати ҳақидаги қарорини ўз кўзим блан кўрдим.

— Қачон қурилар экан?

— Кузда.

— Дарров-а?

— Ҳа, тез қурилади, чунки тайёр фабрика кўчириб келтирилади.

— Вой, қандоқ қилиб. . .

— Ҳа, энг севинганим шундаки, бизнинг Иваново-Вознесенскдаги фабрикалардан биттаси кўчириб келтирилар экан! Тушундингизми? Уҳ, чанқаб кетаяпман, сувингиз қаёқда? Вой, туракўрманг, ётинг, ётинг, ўзим топаман, мана буёқда экан.

Софья Онахоннинг ёстигини тузатиб қўйиб, даҳлизнинг қоронғи бурчагида турган челақдан бир пиёла сув олиб ичди.

— Севинганимдан эсим чиқиб кетай деди, ўртоқжон. Ўзим ишлаган фабрика бўлса-я, десам, Ефим нуқул кулади, билмайди-да. . . Ун тўрт ёшимдан бери ишлаган фабрикаам ахир, келса. . . келса, лекин ҳамма нарсасини танийман, станогимнинг энг кичкина винтларигача танийман. . . Ўз онамдай бўлиб қолган фабрика. Буни Ефимга тушунтириб бўлармиди! . .

— Мен тушунапман, ўртоқжон. . .

Онахон яна ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди, қўлларини чўзди. Софья унинг нима қилмоқчи бўлганини тушунди ва ўзи ҳам қулоч ёзиб Онахоннинг кучоғига отилди.

— Мен тушунаяпман, ўртоқжон!— деди яна Онахон жойидан дўстини қучиб. Унинг ориқ, рангсиз қўли титраб Софьянинг курак суягини силарди.

— Раҳмат...

— Сизга раҳмат, Софья Борисовна!..

Юракдан айтилган бу сўзлардан кейин кўзларга ёш келиши керак эди. Қучоқлашган хотинлар шу ёшни тийиш учунми, бирпас индамай қолдилар. Софья жойига қайтиб келиб ўтирди. Онахон ётган еридан унга тикилди: ҳилпираб туручи кенг кўйлак кийган бу меҳрибон хотин ҳозир бутун уйни тўлатиб тургандай эди. Онахон у блан қанчалик юракдан боғланганини, туриш-турмуши ва тақдири у блан нақадар чамбарчас бўлиб кетганини ҳозир яна бир марта ҳис қилди.

— Софья!..— деди у. Бир нарса димоқчи бўлдию, гапни яна фабрикага бурди.— Уни қандоқ қилиб... шундайлигича кўчириб келиб бўладими?

— Йўқ, унинг машиналари, станоклари шундайлигича олиб келинадию, фабриканинг ўзи бўлса буерда янгитдан қурилади. Ҳозир бизнинг Иваново-Вознесенскда бир фабрика... демонтаж дейди... ўшанақа қилинаётган экан, я'ни машиналари ўрнидан кўчирилиб, поездга ортишга тайёрланаётган экан. Буерга олиб келингандан кейин тайёр бинонинг ичига ўрнатилади, монтаж қилинади. Нимани ўйлаб қолдингиз, тушунтираолмадимми.

— Йўқ,— деди Онахон,— мен яхши тушундим, мен бошқа бир нарсани ўйлаяпман...— Онахон шифтга тикилди,— Софья Борисовна... Сизлар бизга шунча бебаҳо нарсалар бердинглар. Хонларни, золим бойларни ҳайдашга ёрдамлашдинглар, шўро ҳукуматини қуришга ўргатдинглар, ўзларингиз келиб ҳечнарсаларингизни аямай бизни қанча нарсаларга ўргатаяпсизлар... мана тагин тайёр фабрикалар келтириб бераяпсизлар, яна берган сари қувонасизлар...

— «Сизлар» деганингиз ким?

— Мана сизлар — сиз, Ефим Данилович, руслар...:

Софья ўйланиб жавоб берди.

— Тўғри. Руслар шунақа... меҳнаткаш руслар, улар меҳнаткаш бўлганлари учун ҳамма меҳнаткаш халқларнинг кўнглидаги орзусини тушунадилар, ҳурмат қиладилар. Уларни большевиклар шундай ўргатган, Ленин, Сталин шундай тарбиялаган. Шундай тарбиялаганки, рус халқи — ҳамма меҳнаткаш халқларнинг озод, бахт-

ли, бадавлат бўлиши учун курашдан ҳам кўра муқаддасроқ иш йўқ деб билади.

— Биз ким эдик, ахир... мана биз бўзчи касиблар... Биз бу қарзимизни қачон, қандай қилиб, нима блан узамиз...

— Ундоқ эмас, Онахон. Рус халқи сизларга таппатайёр шўро ҳукуматини шундоққина олиб келиб бергани йўқ, ахир. Ҳамма нарсани сизлар ўзларингиз тушуниб, ўзларингиз қиляпсизлар. Сизларга рус халқининг кўрсатган йўли, маслаҳати, ёрдами ма'қул тушиштики, қабул қилибсизлар. Асосий ишни биз блан бирга сизлар ўзларингиз қиляпсизлар. «Сизлар» «бизлар»нинг ўрни ҳам йўғу, ўзингиз айтганингиз учун ганираяпман-да. Мана, ўзингизнинг... Собиржонингиз, ўз халқининг озодлиги учун ҳалок бўлди. Ўзингиз-чи, курашмаяпсизми, курашмасангиз мана бундай пичоқ еб ётармингиз... Шунинг учун бунда миннат қилишга ўрин йўқ, рус халқи миннат қилмайди, сизнинг бахтли бўлишингизни ўз иши деб билади.

— Шундай-ку, Софья, ҳарқалай биз... қарздормиз, жуда катта қарздормиз.

— «Сиз»-«биз» — унча тўғри келмайди, Онахон, биз энди ҳаммамиз бир одам бўлиб қолдик. Ҳаммамиз бир-биримиздан миннатдормиз. Рус халқидан ҳамма халқлар миннатдор, албатта.

— Ҳа, ҳа! Худди шуни айтмоқчи эдим, миннатдор! Шу сўз яхши! Ҳа, жуда-жуда миннатдормиз! Шуни рус халқига айтиш керак эди, бирор хатда, газетадами... Йўқ, йўқ, айтиш эмас, кўрсатиш керак, миннатдор эканлигимизни кўрсатишимиз керак. Шундай қилиб кўрсатишимиз керакки, «розиман, балли» десин.

Онахон оғриғига қарамай туриб ўтириб олди, Софьядан нимадир ёрдам сўрагандай, тикилиб қолди. Софья ҳам худди энг зарур гап жуда ўз вақтида топилганидан севишиб, беморнинг ўрнидан турганига ҳам э'тибор қилолмади.

— Ҳа, гап ана шунда!— деди у ва Онахоннинг криватига келиб ўтирди, унинг икки қўлидан ушлади.— Биз шуни кўрсатамиз. Ҳозир худди пайти келди. Биз фабрика қураамиз.

— Ким қуради?

— Халқ қуради. Бутун халқ кўтарилиб чиқади. Биз шунга эришишимиз керак. Фабрикада асосан хотинлар

ишлайди, шунинг учун уни қуришда ҳам хотинлар иш кўрсатиши керак. Бу худди бизнинг артелимизнинг давоми. Артель тузишда биз кўпгина хотинларни уй қўрилигидан, эркакларнинг қуллигидан, бечоралиқдан қутқаздик. Улар ҳозир шўро ҳукуматининг ишини ўз шахсий ишларидан ажратмайдиган бўлиб қолдилар. Артельчи хотинлар фабрика учун тайёр куч, биз уларни яна ўқитамиз, станокда ишлашга ўргатамиз. Улар фабрикага жуда катта хурсандчилик билан борадилар. Лекин фабрикани фақат артельчи хотинлар билан қуриб ишга солиб бўлмайди. Биз бутун маҳаллаларни оёққа турғизишимиз керак. Фабрика қуришда қатнашмаган хотин-қиз қолмаслиги керак. Биляяпсизми, қандай катта иш турипти. Жўраҳон бу ишлар ҳақида гапнинг учини чиқарди. У, артельга, хотин-қизлар магазинига, клубга, сизга, бизга яна катта ишлар топширади, қараб турасиз. Фабрика қуришнинг ўзи — фабрикада ишлайдиган кучларни тайёрлаб етиштириши керак, фабрика қуришнинг ўзи келгусида фабрикада ишлайдиганларни «ичкари»дан юлиб олиб чиқиши керак. Шунақа, ишимиз энди бошланади, Онахон!

— Вой, улай, докторни ўзингиз кўндирсангиз-чи, ўртоқжон, менга туришга жавоб берсин. Мен энди, яхши бўлиб қолдим, ҳеч қаерим оғриётгани йўқ, Софьяжон...

— Сиз шошилманг,— деди Софья унинг кўрпасини тузатиб,— бу иш бирпасда наридан-бери бўладиган осон иш эмас, сиз куч йиғинг, тайёрланинг, катта ишга, курашга тайёрланинг, қувват тўпланг. Биз бу ишни астойдил бошлаганимизда ҳалиги сизга пичоқ кўтарганларнинг, фитначи аламзадаларнинг яна ини тўзийди ҳали. Улар ҳали «ичкари»даги хотин-қизлар ёнига писиб кириб келиб, ҳархил ваҳимали иғволар билан уларнинг миясини говлатади. Улар ҳали баттар қутуради.

— Мен энди ҳеч нарсадан қўрқмайман! Фақат... сиз учун, Жўраҳон учун...

— Мен учун ҳам қўрқманг. Лекин Жўраҳонни эҳтиёт қилишимиз керак. У жуда ҳам дадил. Душман ундан зир титраса ҳам, талвасада... Билиб бўлмайди, ўлим олдидан ҳечқандай қабиҳликдан қайтмаслиги мумкин. Шунинг учун биз кўпчилик бўлишимиз керак. Бизни тушунган хотинлар қанча кўп бўлса хавф шуича камаяди, курашимиз шунча энгиллашади.

— Артельдагилар бизга катта ёрдам беради.

— Артельни кенгайтиришмиз керак. Энг муҳими — уердаги хотинларнинг якдиллигини сақлашимиз керак. Мана бугун буерга келишимнинг бир важи — Назокатни кига кирмоқчиман.

— Нима бўлди?— деди Онахон бир нотинчлик сезиб.

— Уч кундан бери артельга боргани йўқ...

Онахон, оқ иштон устидан кўн этик кийган, юзи ва бўйинлари сувга тушган нондек оқариб пўкаклашган, хумкалла, пакана Норматпарангни дарров кўз олдига келтирди. Назокат, балки, яна мўматалоқ бўлиб ётган-дир...

— Цехда ҳечкимга ҳечнарсa демаптимиз?

— Йўқ.

— Бўлмаса...— Онахон ўрнидан турмоқчи бўлдию, бирдан ўзининг нафаси тезлашаётганини, дармонсизлигини сизди, тирсаги блан ёстиққа таяниб қолди,— бўлмаса, сиз уерга кирмангу, шуерга чақиртирақолайлик.

Софья Борисовна беморни толиқтириб қўйганини энди пайқади. Чиндан ҳам, бугунги гаплар ва ҳаяжонлар Онахонни юзаки қарашда тетиклантирган бўлса ҳам, аслида унинг ҳали дармонсиз вужудини анча заифлаштириб қўйган эди. Янги хабарнинг қувончига берилиб Софья буёғини ўйламапти, ҳозир Онахоннинг бирдан кучсизланганини кўриб, афсусланди.

— Йўқ, йўқ, сизни бугун чарчатиб қўйибман, сиз дам олинг, кўп ҳам ўйламанг, мен ўзим кираман, мен ўзим ҳаммасини тўғрилайман.

Софья уни зўрға ётқизиб, кўрпа-ёстиғини тузатди, ўзининг уёқ-буёғини йиғиштирди-да, хайрлашди.

— Бироз ухланг... Кейин яна гаплашамиз...— деди чиқиб кетаётиб.

Ёлғиз қолганида Онахон ўз юрагининг дукур-дукурини эшитиб, жуда қўрқди: шундай пайтда дармонсизлик енгиб қўймаса... Онахон ёнида одам қолмаганда ҳаргал шундай бўлишини эслаб, ўзини тетик тутишга уринди. У а'зойи-баданини чиндан ҳам қоплаб олаётган дармонсизлик блан олишиш учун бутун ҳуши-иродасини тўплади. Йўқ, шунча оғир кунларда бардош берган, энди енгиладими, энди бўш келиш сра мумкин эмас!

Онахон, ёнида гаплашадиган одам қолмаганда доим боши остидаги, Жўрахон келтириб берган хатни оларди. Ҳозир ҳам титроқ қўлларини ёстиқ остига узатди. Лекин

хатни ололмади... Қўлини қайтиб олишга кучи етмаса ҳам, фикри равшан эди. У бутун мазмуни блан фикрига жойлашиб қолган хатни эслайбошлади. . .

Бу вақт Башорат ўқишдан қайтди. У, одатдагидек, паранжини йўлакка ташлаб, онасининг олдига келди. Башорат нимадандир ҳаяжонланган, безовта, хафа бўлиб, буни ойнисидан яширишга зўр бериб урингани билиниб турар эди.

— Ойижон, бугун жуда яхшисиз, кўзларингиз чарақлаб турипти. Яхши бўлиб қолибсиз, ойи.

— Ҳа, қизим, яхши бўлиб қолдим. Жуда яхшиман. Софья опанг келиб, ўзи даволаб, яна ўзи ётқизиб кетди. . .— деди кулиб ва қизининг пешонасини ўпди.

— Софья опам нима деди, ойи?

— Ҳаммасини айтиб бераман, қизим, кейин айтиб бераман.

— Бўлмаса бирпас дам олинг. . .— Башорат ешилаётган соч ўримини ёзиб, ҳовлига чиқмоқчи эди, онаси уни тўхтатди.

— Қизим, кел, мана буёққа ўтир. Қоғоз-қалам ол.

— Нима қиласиз, ойи?

— Анави қутида яхши, кўк чизиқли тахта қоғоз бор, ўшандан икки варағини олиб, мана буерга ўтир, қизим.

Башорат қоғоз блан ўзининг бахмал халтачадаги сиёҳдонини олиб келиб, кровать бошидаги дори турадиган курси ёнига чўкка тушди. Онахон шифтга қараб ётар, кўкраги тўлқиндай кўтарилиб-кўтарилиб тушар эди.

— Ёз, қизим, шошмасдан чиройли қилиб ёз. . . Аввал дуойи салом дегин. «Саломдан сўнг етиб ма'лум бўлсинки. . . мен. . .»

— Ойи, аввал кимга эканини ёзиш керак. . .

— Ҳа, тўғри, қизим. Бу айтганим жуда оддий бўлди. Ўчирақол. Бундоқ деб ёз: «Ҳурматли ва қимматли, азиз дўстим. . .»

— Мунча, ойи, биттаси бўлади-да.

— Йўқ, қизим, сен билмайсан, бу ҳам камлик қилади. Ёз: «. . .азиз дўстим Надя», йўқ, «Надежда» дегин. . .»

— Надя деган дўстингиз борми, ойи, мен сра кўрмаганман-ку?

— Тўхта-чи, қизим, ростдан ҳам, бундоқ десам бўлмас. . . «Надежда. . . Константиювна» деб ёз.

— Вой, ўлай!— Башорат сакраб ўрнидан турди, кўзларини катта очиб онасига қаради:— Ойижон! Сиз ҳали

унга... Сиз ҳали Крупскаяга хат ёзмоқчимисиз? Ойи-жон...

— Ҳа, қизим?

— Бирхил бўлиб кетаяпман, ойи...— Башорат ручка ушлаган қўлининг сирти блан пешонасини артди,— у киши сизни билармикан, ойи, хатингиз тегармикан?

— Билади, қизим, у киши бизнинг ҳаммамизни биледи. Буни мен унинг хатидан фаҳмладим, билмаган одам бундай хат ёзаолармиди.

Онахон ёстиқ тагидан хатни олиб қизига берди. Башоратга хатда нима дейилганидан ҳам кўра унинг Крупскаядан келганлиги муҳим эди. У хатга кўз ҳам солмай, кўкрагига босди.

— Сизга ёзиптими, ойи?

— Ҳаммамизга, ҳамма ўзбек хотинларига, менга ҳам.

— Ойижон, биласизми у ким? У...— Башорат курсини суриб ойсини ёнига ўғирди.— Мен Ҳожия опам ёнига магазинга кирдим. Ушаерда катта сурати турипти. Ёзиб қўйипти ўшатга—у Лениннинг муовини экан, ойижон. У бугун дун'едаги хотин-қизларнинг раҳбари экан. Шунча хотин ичида сизни қандоқ билади, билмас дейман. Сиз нега уни дўстим дейсиз, ойи?

— Шундай дегим келиб кетди, қизим. Уни онам деса ҳам арзирди, лекин ғайратига қараганда ёш бўлса керак. Бизнинг артелимизни билганини айт, ўчоқ бошидан чиқолмай қолганимизгача, паранжимизнинг қорачимматигача билар экан, йўқ, у бизни яхши танийди, қизим, кўнглимизда нимаики бўлса ҳаммасини ёзипти ахир. Артелимиздаги хотинлар бир бўлиб унга жавоб ёзишпти. Энди мен ўзим... мен унга бошқа нарса ёзмоқчиман, қизим...

Башорат, қутини бошқатдан очиб қоғознинг энг яхшисини танлаб олди, камзулчасининг чўнтагидан бирнеча қават қоғозга ўралган янги перосини олиб, ручкасига ўрнатди. Курсини деразага яқинроқ олиб бориб, астойдил жойлашиб ўтирди.

— Ойижон, буни-чи, бундоқ деб бошлаш керак: «Азиз меҳрибонимиз Надежда Константиновна ўртоқ Крупская!»

— Ҳа, болам, ёз, «меҳрибонимиз» дегин.

Башорат жуда чиройлик қилиб ёзаман деб астойдил уринган сари қўли қалтираб, ҳарфлар эгри-бугри бўлиб кетаверди. Янги перо ҳам, аксига олгандай, қоғозни

ҳадеб таталаб кетаверди. Башорат уч сўзни ёзгунча терлаб кетди, ёзганини қараса — ҳеч ўзига ёқмади.

— Ойижон, кейинроқ, сал ўзимни босиб олгандаш кейин ёзай, жуда қўлим қалтираб кетаяпти.

Онаҳон кўнди, қизини ёнига чақириб, сочларини силади.

— Нима ёзмоқчи бўлганингни аввал айтиб беринг, ойи, мен унғача нафасимни ростлаб турай. Ахир... ахир, биласиз-ку, кимга хат ёзмоқчимиз.

Башорат бу гапи билан ўзини салобат босаётганини айтмоқчи бўлса ҳам, унинг кўз-қараши ва гап оҳангида гурур билиниб турарди.

— Мен ўзимни ёзмоқчиман, қизим, шундай демоқчиманки,— Онаҳон бир нуқтага ўйчан тикилиб, худди Крупскаянинг ўзига қараб сўзлаётгандай ҳаяжон билан гапирди:— биз, Ленин отамиз айтганидай, уй чўрилари эдик. Шўро ҳукумати бизнинг зеҳнимизни, кўзимизни тиндирган зулматни, қўл-оёғимизни боғлаб ташлаган занжирларни парчалаб ташлади. Биз ўзимизни танидик, ўзимизнинг қадримизни билдик. Менинг эрим шўро ҳукумати учун курашиб ўлди. Озодлик менга ҳам жуда қимматга тушган. Бизнинг озодлик олганимизга душман ҳали ҳам осонлик билан кўнғиси йўқ. У бизни ҳамон чордевор ичида сақлаб чўридай хўрламоқчи. Лекин биз энди, сизнинг ёрдамингиз билан, энг тўғри йўлни билиб олдик: курашиш керак! Кураш давом этаяпти. Хотин-қизлар артели тузишда қатнашганим учун мени қоронғи муошда ўлдириб кетмоқчи бўлдилар. Ҳозир тўшақда ётибман. Лекин мен ҳечкимдан қўрқмайман. Мен қайтага баттар ўжарроқ бўлдим. Яқинда ўрнимдан туришим билан... Надежда Константиновна, азизим, сиз Жўраҳонни биласиз. У Ленин отамиз ҳузурида паранжисини улоқтириб ташлаб, доғимизни бутун ўзбек хотин-қизлари номидан қучоқлаганида сиз уни кўрган экансиз. Жўраҳон ҳозир бизнинг бошлиғимиз. У мени кўп нарсага ўргатди. Мен сизга Жўраҳондай бўлишга вада бераман, ҳурматли Надежда Константиновна!..

— Ойижон! Ахир, Жўраҳон опадай бўлиш учун..

— Меҳрибон дўстимиз, Надежда Константиновна, мен энди соғайиб ўрнимдан турсам, бошимга паранжи ёпинмайман!

— Ойижон!

— Сабр қил, қизим... Менинг бу қарорим қат'ий,

Надежда Константиновна. Мен пичоқ кўтарган душманидан шундай ўч оламан. Мен яхши англадимки, бизда ҳарбир очиқ хотин — жуда катта куч. Сочвон бизнинг инсонлик қадримизни ерга уради, зеҳнимизни, кўзимизни хиралатади, ғафлатда қолдиради, ҳуш'ёрлигимизни ўтмаслаштиради. Очиқ юзли, дадил кўзли, ўз ҳақини таниган кишидан душман кўпроқ ҳайиқади. Биз ҳали ҳаммамиз очиламиз, биз ҳали душманни титратамиз, Надежда Константиновна, сиз бизга ишонинг... Мен сизга буюк озодлигимиз номи блан, севикли қизларим номи блан қасам ичиб айтаманки,— Онахон Башоратни кучоқлади, Қизининг иссиқ ёш блан намланган юзини юзига босди,— қасам ичиб айтаманки, бундан кейин юзимга қора сочвоннинг ла'нати кўланкаси тушмайди, мен, дўстларимнинг озодлиги, инсонлик ҳуқуқи учун курашда жонимни аямайман!

Қасам сўзлари бўш уйда момақалдиरोқдай янгради. Шундан кейин уйда салобатли тинчлик чўкди. Юзини юзига қўйган она-бола бу тантанали тинчликка узоқ қулоқ солдилар.

— Ойижон! — Башорат онасининг юзларидан, кўзларидан қайта-қайта ўпди.— Сиз, сиз... жуда яхши хотинсиз, ойижон! Сиз албатта Жўраҳон опамдай бўласиз! Ойи... — Башорат ийманиб ерга қаради, этагини ежимлади.— Мен сизга бир нарсани айтмай турган эдим, бекор қилган эканман, энди айтавераман. . :

— Айт қизим, онангдан ҳечнарсани яширма.

— Мен ҳам кечадан бери мактабда паранжимни ёпинмай қўйдим. Адабиёт муаллими блан олишиб қолдим... Мен кўчада болалар блан гап тортишганимда ҳам доим бошимдан камзулимни олиб ташлардим. Паранжилик олишиб бўладими? Ўзингиз айтинг. Сочвон остидан гапирсам муаллим гапимни назар-писанд қилмай илжайиб тураверди. Кўзимдаги ғазабни кўрмаганидан шунақа-да, гапимнинг та'сири ўтмайди. Сочвонимни шартта юлиб ташладиму «Нотўғри гапирдингиз!» дедим. Шундагина енгдим. «Ҳай-ҳай», «ҳай-ҳай» деб орқасига тисарилди.

Онахон бу гапга жуда қизиқиб, жилмайиб қулоқ солди.

— Сен ҳали паранжини астойдил ёпинганингча ҳам йўқ эди-да қизим, шунинг учун ташлашинг осон бўлипти. Мана бизга ўхшаганларга қийин. Паранжи-сочвон ўн

икки яшарлигимиздан қаддимизни букчайтирган. Еруғ дун'ё шу экан деб зимистонга кўникиб қолганмиз. Мана мен нечавақтдан бери тунлари блан шуни ўйлардим. Касаллик вақтимда кўп азобли ўйлардан кейингина бу-гунги қарорга келдим.

— Мен тўғри қилибмашми, оий?

— Паранжини тўғри қилибсан, сенга унинг ҳечбир ҳожати йўқ. Лекин, қизим, айт-чи, сен нима учун муаллимнинг блан гап таллашиб қолдинг? Муаллимнинг ким?

— Муаллимимиз Наимий деган одам.

— Наимий?!— Онахон яна ўрнидан туришга интилди.— Қани, қани, гапир-чи!

Қиз воқияни бошдан-оёқ гапириб берди.

Башорат билим юртининг қизлари орасида аввало ўзининг битмас-туганмас роман-китобидан ҳикоялар айтиш блан танилди, биринчи дўстларини ҳам шу орқали ордирди.

Ҳамма «Бурнашева ая» деб атайдиган кекса муаллима кўпинча тоби қочиб, дарслар бўлмайд қоларди. Ушанда, Башоратни мактабга биринчи келган куни қалин дафтарга ёзиб олган, Жўрахонга ўхшаган гавдали хотин — билим юртининг мудираси — синфга кириб, «Бурнашева аяларингиз касал, дарс бўлмайди, сизларга жавоб» деб э'лон қиларди. Бундай пайтларда ҳамма қизлар қий-чув блан чиқиб уйларига кетишар, Башорат бўлса уч-тўртта ўртоқлари блан мактаб орқасидаги салқин хиёбонга чиқиб ўтирар эди. Онаси ишда, Турсуной бўлса бу вақтда ё темир йўл устахонасидаги ўртоқлари ёнида, ё артельда бўлади. Шунинг учун вақтни шуерда ўртоқлари блан ўтказиш Башоратга кўнгилли эди. Хиёбонда улар юқори синфлардаги қизлар ҳақида, уйдаги қўғирчоқлари ҳақида, яна тилларига келган алланималар ҳақида узоқ гаплашишар, бир-бирларининг сочларини ўришар, топишмоқлар айтишар эди. Кейин улар русча роман-китобни такрор-такрор варақлашиб, Башоратга ҳикоя айтди-рар эдилар. Қизлар орасида русчани ўқиб тушунадигани йўқ эди, шунинг учун бўлса керак, бу ажойиб ҳикояларга бой китоб уларга аллақандай сирли кўринар, Башоратни эса улар бу сирларнинг ҳаммасини биладиган жуда билимдон қиз деб ҳурмат қилар, яхши кўрар эдилар. Кетишда «китобингни эртага ҳам олиб кел, ўртоқжон» деб тайинлашар эди. Башорат китобни деярлик қунда олиб келадиган бўлди. Кейинроқ қизлар улфатига Ғайни-

камол деган татар қиз ҳам қўшилди. У русчани жуда шариллатиб ўқийдиган қиз чиқди ва романни қизларга ўқиб-ўқиб берадиган бўлди. Башоратнинг ҳикояларини яхши уққан қизлар русча ўқиганда ҳам анча-мунча тушунар ва зерикмай қулоқ солиб ўтирар эдилар. Кейинчалик Башорат Абдисамат берган комсомол уставини ҳам аввал мана шу қизларга ўқиб берди. Қизлар улфати кун сайин кенгайди, бориб-бориб бу улфат блан бутун синф ўртасида чегара ҳам қолмади, Башорат блан Файникамол синфдаги ҳамма қизлар орасида алоҳида мавқилли, обрўли бўлиб қолдилар. Уларга ҳамма қулоқ солар, ҳамма бир нарса қилмоқчи бўлганда шуларнинг бошлашига қараб турар эди.

Ҳа, воқиага келайлик: Наимийнинг дарси эди. Наимий билим юртида эркак муаллимлардан биттаю битта бўлиб, у синфга кирганда муаллим столи блан ўқучи-қизлар ўртасидаги махсус парда тушириб қўйилар эди. Шифтга осифлик бу оқ бўз пардани қизлар ҳазиллашиб «Наимийнинг чиммати» деб атар эдилар.

Мана, «Наимийнинг чиммати» тушғирилди. Муаллим кирганда парда эшик нафасига тортилиб, ҳилпираб қўйди, қизлар жим бўлдилар. Йўқлама қилиб бўлгандан кейин Наимий дарс бошлади. Парда орқасида унинг уёқбуёққа юрган сояси кўринар, нафис тижилган машҳур сариғ этигининг ғирчиллаши, дамба-дам томоқ қириб дона-дона гапиргани эшитилар эди.

— Демакким, биз донишманд шоиримиз Қулхўжааҳмад Яссавийнинг беназир ва ноёб фазилатларининг баён этдик,— деди у ўтган дарсни эслаб.— Қулхўжааҳмад мислсиз фуқаропарвар, олижаноб шоир эдилар, янингким мазлум, етим-есир бечораларнинг оҳ-зорининг бениҳоя раҳм-шафқатли ва ҳамда саҳий-меҳрибон кўнтиллари блан тинглаб, бутун азиз умрларининг зор-зор йиғлаб ўтказдилар. Азиз инсон боласининг озор еганига асло тоқат блан қарайолмас эдилар, магар қимса сенга зулм қилса, сен анга озор берма, ёмонлик айлаганга яхшилиқ қил, деб эзгу ўғит бердилар. Байт:

Золим агар зулм қилса обло дегил,
Агар урса ўнг юзингга, чап юзинг тут.

Наимий байтни, тўё бутун вужудини эҳтиросли нафосат қамрагандек, юраги эзилиб-эзилиб кетаётгандек, аянч ёлворишли ярим йиғи оҳанги блан ўқиди. Башорат байтни ёзиб олгандан кейин қаламини тишлаб, калласини

дам уёққа, дам буёққа қийшайтиб, уни қайта-қайта ўқиди.

— Қулхўжааҳмад,— давом этди Наимий,— ер юзида инсонларнинг бир-бирларига озор беришликларининг кўзим кўрмасин, дедилар ва пайғамбар ёшларинда етти қават ер остига кириб, бир йилига бир дона майиз еб, узлатда истиқомат қилдилар. Байт:

Аё дўстлар, биродарлар, мусулмонлар,
Етти қават ер тагига кирдим мано...

Башорат байтни ёзмади, Ғайникамолга қаради, у ҳам ёзмай ўйланиб ўтирарди. Уларнинг кўзлари учрашди.

— Битта саволимиз бор!— деди Ғайникамол.

— Мавзу'нинг хотимасини ёзиб олинглар,— деди Наимий ва этигини ғирчиллатиб уёқдан-буёққа юрди.— Қулхўжааҳмад Яссавий жумла жаҳон фуқароларининг энг буюк ҳимоячиси ва ҳамда энг катта донишманд ёзучи эдилар.

— Нотўғри!— деб юборди кўзлари катта очилган Башорат.

— А? Қим у?

— Нотўғри!— деди Башорат ва ўрнидан сапчиб турди.— Дун'ёда энг катта ёзучи — Максим Горький.

Ҳамма қизлар тикка турган Башорат томонга ўгирилдилар, синф ҳаракатга келди, столлар, скамейкалар тақирлади. Парда орқасида Наимийнинг савол аломатидай энгашиб қотиб қолган сояси кўринар эди. Анчадан кейин унинг мулоим кулиб гапирган овози эшитилди.

— Одоб сақлаш лозим, қизлар, инчунун бу жой илми-ма'рифат даргоҳидир... Қизим тўғри айтди, Максим Гурки деган ёзучи ҳам ўтган. Аммо у бизга таниш бўлмаган воқиалар ҳақида ёзган. Бизнинг Туркистон шароитимиз...

— Нотўғри!— деди яна Башорат.— У худди бизнинг дадаларимиз қилган ишларни ёзган!

— Собирова!— деди Наимий ва ўз овозидан ўзи чўчигандек бирдан жим қолди.— Дадаларингиз... адашмасам, сиз ўзимизнинг мулла Собиржоннинг қизларисиз. Максим Гурки ўрислар ҳақида ёзган. Одобсиз қичқиришингизга ҳайронман. Бу гапингиз... Агарким сиз адашиб ўрисдан туғилиб қолган бўлмасангиз...

— Вой, ўлай!— деб юборди қизлардан кимдир.

Башорат бошини эгиб қолди, пиқиллаб йиғлаб юбор-

дя. Синфда пичир-пичир, шивир-шивир гап бўлиб кетди. Наимийнинг товуши босиб тушди.

— Мен маориф қўмиссарлигининг достуриламали юзасидан дарс бераман! Менга йўл-йўриқ кўрсатадиган шўро ҳукумати бор! Мен...

Бу вақтда танаффусга қўнғироқ чалинди. Наимий шошиб чиқиб кетиши блан Ғайникамол бўз пардани жаҳл блан тортиб, унинг орқасидан қараб қолди. Қизларнинг ба'зилари чўчиб, ба'зилари ҳақорат эшитган Башоратга ачиниб қараб, паранжиларини ёпинар, дафтар-қаламларини йиғиштирар эдилар. Ғайникамол бир қўли блан Башоратни қучоқлаганича, эшикка ғазаб блан узоқ қараб турди.

— Йиғлама, Башор, қўрқма, идорага чақирсалар, мен ҳам бирга кираман. Бир боплайликки, қани калтак еганда ўзи ҳам «обло» деб бош эгиб турармикин.

Қизлар йўлақдан чиқиб ҳам бўлишмаган эдики, Башоратни илмий мудирнинг кабинетига чақириб қолишди. Кабинетда мактаб мудирини ҳам, илмий мудир ҳам йўқ, тўрдаги стол ёнида ёлғиз Наимийнинг ўзи ўтирар эди. У эшикда Ғайникамолни ҳам кўриб:

— Мен Собировани чақирдим,— деди.

Ғайникамол қабулхонага қайтиб чиқди. Наимий юмшоқ курсига чўкиб ўтирганича, ипак белбоғини ўйнаб туриб мулоимгина гапирди.

— Сиз ёшлиқ қилдингиз, қизим. Уртоқларингиз олдида гапирсам та'лим-тарбияга хилоф бўларди. Мен мамуриятга ҳам арз қилмай қўяқолай, ёмонликка ёмонлик менинг одатим эмас...

— Сиз мени ҳақорат қилдингиз!— деди Башорат титраб. Унинг товуши ёш қизнинг товушига ўхшамас, у катталардай тенг-тенгига гапиргандай гапирар эди:— Сиз арз қилмасангиз, мен арз қиламан.

Наимий буни сра кутмаган эди, ранги ўчиб кетди, креслонинг таянчигини чангаллаб ўрнидан турди.

— Сиз муаллимнинг обрўсини ерга урдингиз! Эсингизни йиғинг!— деди у қарийб дўқ блан ва Башоратга яқинлашиб келди.

Башорат ўзининг ҳақ эканини яхши билар, ўзининг нақадар ғазабланганини кўрсатгиси келар, яқинлашиб келаётган бу одамдан чекингиси йўқ эди. Бошидаги паранжи уни шумшайиб, қўрқиб тургандай қилиб кўрсатаётганини сезар эди.

— Йўқ! Йўқ!— деди у йиғи овози блан ва бир қўли блан сочвонни, бир қўли блан паранжини бошидан шартта юлиб олди-да, қаршисига яқинлашиб келаётган Наимийга ёшли, ғазабли кўзлари блан тикка қаради.— Йўқ! Сизнинг ҳақингиз йўқ! Сиз менинг отамни, онамни ҳақорат қилдингиз! Сиз...

У ранги ўчган Наимийнинг ростакам қўрқув блан орқага чекинаётганини кўрди. Бир қўлида чимматни чангаллаб, бир қўлида паранжини судраганича унга қараб тикка юрди. У ўзининг устун чиққанини сезди, бунга ўзининг дадил, очиқ юзи, қўрқувсиз ялтираб турган кўзлари сабаб бўлганини билди.

— Ҳай-ҳай, ҳай-ҳай, одоб, одоб, қизим... Одамлар бир нарса деб ўйлаши мумкин-а...

Бу сўз Башоратни ҳайиқтирди. Бу одам туҳмат қилишдан ҳам тоймас эди. Чиндан ҳам, Башорат чиқиб кетмаганида, «бу қиз кабинетда мени холи топиб қучоғимга отилди дейман» деган фикр Наимийнинг калласига келиб улгурган эди.

Башорат юзлари қипқизил бўлиб қайтиб чиқди. Ғайникамол дўстона ғамхўрлик блан унинг паранжисини бошига ёпмоқчи эди, Башорат паранжини тортиб олиб ғижимлади ва қўлтиғига тикди. Икки ўртоқ, икки очиқ ўртоқ, билим юртининг дарвозасидан шошиб чиқиб кетдилар.

Башорат бутун ҳам паранжини қўлтиғида олиб бориб, қўлтиғида олиб келди. Синфда гўё ҳеч нарса бўлмагандай ўтираверди, муаллимининг яна бир нарса дейишини кутди, броқ Наимий ўтган воқиядан бир оғиз ҳам гап очмади.

— Ойижон, сиз нимани ўйлаб қолдингиз?— деди Башорат воқияни айтиб бергач.

Онахон қизининг билагидан ушлади ва кўзларида бир нарса кўргандай тикилди.

— Қизим, сен шу воқиаларни Жўраҳонга айтиб бергин-а, унга жуда керак. Албатта айтиб бер, болам...

— Хўп, ойи. Энди хатни ёзайлик?

— Тўхта, қизим, кейинроқ. Мени жиндак тинч қўй...

Онахоннинг дармонсиз қўли қизининг билагидан сирғилиб секин ёнига тушди, безовта ўй чўккан кўзлари унинг бурчагидаги нома'лум бир нуқтада қолди...

Ўн тўртинчи боб

Наимий растадан ўтиб борарди. Хаёли паришон. Узун, ингичка гавдаси букчайиброқ қолган, ориқлаб, баттар қорайиб кетган юзида илгариги жонлилик йўқ, ўткир қиррали узун бурни оғирлик қилиб бутун гавдасини олдинга эгиб тургандай.

У кейинги вақтда ўзи ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Бирор иши ўнгидан келмай, бирор мақсади юзага чиқмай, умри бекорга ўтиб кетди. У неча жамиятларга кириб чиқди, нутқлар сўзлади, маслакдошлар топди, ёшлик орзуларига эришишга озгина қолган вақтлар ҳам бўлди, ўзини ўтга урди, сувга урди,— лекин оқибат... турмуш ўз деганини қилди, қараса — Наимий ўша-ўша, балки ундан ҳам баттар, бир хасдай, кўпикка илашиб қирғоққа чиқди қолди, мана атрофидаги кўпик ҳам қуримоқда, тасодифий бир тўлқин бўлиб ўз қа'рига олмаса, қирғоқда қурғаб-қовжираб, кераксиз ётишдан бўлак чора йўқ.

Сўппайиб ёлғиз қолишдан ёмон нарса йўқ. Наимий анчадан бери одам зотидан кўрқиб қолди. Жўраҳон, Онахонларку — очикдан-очиқ даҳшат, лекин шуниси ғалатики, ҳатто ўтган-кетган нотаниш одамлар ҳам унга «сенда бир гап бор» деб шубҳаланиб қараётгандай бўларди. Қудратиллахўжа, Нусратиллалар атрофига ҳам айланишмай қўйди — булар ўз нодонлиги блан хавфли одамлар, булардан бир иш чиқмайди, бир фалокат чиқиши мумкин, холос. Матқовул бўлса сомон тикқан қанорқопдай ўтира-ўтира кетди, кетгани ҳам тузук — на ўзига, на миллатга сариғ чақалик фойдаси йўқ, майли, турмада қанорқоп бўшаб, бироз шалвирасин-чи, шўро ҳукуматининг нима эканини билиб қўйса ёмон бўлмайди. Афғончойфуруш-чи? Йўқ, буниси аллақандай кўрқинчли, сирли махлуқ. Ўзининг тайини бўлмаса ҳам, бошинини балога тикиши мумкин...

Шундай қилиб, Наимий одам башарасини кўришдан безиллаб, аллақандай бир нома'лум фалокатдан хавфсираб, ўзининг кераксиз чиқиндига айланганидан ичини тушкун ожизлик алами таталаб юарди. Анави Нусратилла воқиясидан кейин кўчага ҳам биринчи чиқиши, растадаги ола-говур, турли-туман одамларнинг тирикчилик машмасисига мулкасидан кетиб уёқдан-буёққа физиллаши ҳозир Наимийга шуқадар бема'ни туюлдики,

худди шу топда ҳаммасини тўхтатиб: «Ҳой, мусулмонлар, қаёққа кетаётганингни биласанми?» деб қичқириб юборгиси келиб кетди. Ҳаҳ, ва'зни айтадиган пайтлари бор эди-я! Энди бу ўғри-тўғри аралаш халойиқ одобли гапингга қулоқ солармиди? Ақалли биттаси «Наимий ўтаяпти» деб қайрилиб қарамайдию. Эҳ, бу расталар зарбоб-кимхоб тўн кийган мартабали зотлар, му'табар савдогарлар ўзларининг тижорат саргузаштлари ҳақида бамайлихотир суҳбат қуриб ўтирадиган расталар-куя. Ундай одамлар бўлса Наимий бунақангги букчайиб ўтармиди? Йўқ, ҳаммаёқдан та'зим, «ассалому алайкум, ҳазрати мударрис» деб олқишлаган, «Наимхўжа эшоннинг ўғиллари мулла Салимхўжа бўладилар» деб аллақандай четёл савдогарларига таништиришган... Йўқ, буларнинг ҳаммаси хаёл, кўнгилнинг аллақаерини ширин қитиқловчи, лекин миянинг аллақаерини аёвсиз пармаловчи хаёл. Кўз ўнгида эса бутунлай бошқа манзара: эшиги ланг очиқ катта кооператив. Токчаларда олачипор газлама. Москвадан келган той-той читлар орасида тик ёқали гимнастёрка кийган бир бола мақтаб-мақтаб мол сотмоқда. Худди ўзиникидай газ тортади-я...

Наимий буердан илжайишга уриниб, иши зарур одамдай, чаққон-чаққон ўтиб кетди. Бироз юргандан кейин Матқовулнинг дўконига кўзи тушди, дўкон эшигига бир-бирига қайчи қилиб иккита тахта қоқиб қўйилган эди. Наимий ҳалигина нафрат блан эсга олган Матқовулга раҳми келиб кетди: тўнгакдай бўлиб бўлса ҳам шуерда ўтиргани тузук эди, бечора, ўтган-кетганида «чой ичсинлар, тақсир» деб турарди. Ана энди турма... Бирдан вужудини даҳшат босди. Турма? Турмага кимлар қамалади ўзи? Кимлар қамайди? Наимийнинг кўз ўнги қоронғилашди, бу қоронғиликда кўзига алланарсалар кўриниб кетди — Нусратилланинг чўтир башараси, мактабдаги қизнинг ёш тўла ғазабли кўзлари, Найманчанинг гузар муюшида қонга беланиб ётган хотин... Йўқ, йўқ, буларнинг ҳаммаси хаёл, хаёл... Наимий кундузги бу босинқирашни миясидан, кўз ўнгидан тезроқ ҳайдамоқчи бўлиб, икки қўли блан юзини, кўзини ишқалади.

— Чой ичсинлар, тақсир...

Наимий ҳозиргина ўзи кўмсаб эсга олган бу гапни эшитиб чўчиб тушди. Қулоғимга эшитилди деб ўйлаган эди, йўқ, рўпарасидаги пастак сариқ дўкон оғзида Афғон-

чойфурушнинг таниш башараси кўринди. Наимий бу учрашувдан севинди ҳам, негадир титраб ҳам кетди. Кейинги кунларда худди шу одам учраб қолмаса деб қўрқиб юрарди. У ўша вақтдаги даҳшатли воқияни эслашни истамас, тўғриси — шу воқиа муносабати блан битта-яримтаси ўзини эслаб қолишидан ҳайиқар эди. Энди бўлса мана бу қораялоқ буни албатта эслайди, эслаганда ҳам тиржайиб, масхара қилиб эслайди.

Лекин Афғончойфуруш буни эсламади, қайтага, гўё Наимий блан ҳечқачон тузукроқ гаплашмаган, ҳечнарсадан беҳабар, бирор нарса бўлган бўлса ҳам ҳаммасини аллақачои унутиб юборган одамдай гаплашди.

— Хўш, хормай-толмай ма'рифат гулларини сочиб юрибсиз, тақсир?— деди Афғончойфуруш пиёлада иссиқ чой узатиб. Дўкон оғзидан турли-туман хушбўй чой ҳидлари Наимийнинг думоғига урилди. Дўкон тоқчалари жуда саришта, бешпайсалик, ярим қадоқлик ҳинди чойлар, қутилик, қутисиз тахта чойлар худди қиз болаларнинг қўғирчоқ ўйинидагидай аломат қилиб терилган эди.

— Ҳой парварда!— деб қичқирди Афғончойфуруш рўпарадаги боққол ёнида турган дандонфуруш болани чақириб.

— Йўқ, тақсир, овора бўлмасинлар, мен...— Наимий тикка турганича пиёлани бўшатиб берди,— мен ҳозир кетаман. Ўзлари тинчмилар, савдолари юришиб туриптими?

— Энди, фақир киши панада, тақсир, тупроқдан ташқарида юрибмиз... Қани ичкарига кирсинлар, қани, қани...

— Йўқ, энди, тақсир... .

— Қани, қани, хушбўй чой деган эдилар, анчадан бери сақлаб қўйибман, кексалик қурсин, олиб кириб берай десам сра... . Қани, қани, ойда-йилда бир келибсиз, ахир, энди... . Мана буёқдан... .

Наимий белдан пастроқ келадиган эшикчадан эгилиб ичкарига кирди. Ташқаридан кўримсизгина бўлган бу сариқ дўконнинг ичи, айниқса, бўлиб қўйилган орқа томони кенг ва қоронғи эди. Орқа томондаги қоронғи хона зах, омборга ўхшаш, бурчак-бурчакларига яшиқлар, қутилар тахланган, ўрта бир ерида тарози. Кўча томондаги савдо хонасига чиқаверишдаги эшик ёнида устига тилам ташланган катта сандиқ турар эди. Афғончойфуруш меҳмонни шуерга ўтқазди.

— Салқингина жойингиз бор экан,— деди Наимий оёгини-осилтириб ўтириб.

— Ҳа, мамлакатингизнинг бадбин қуёшидан бекинса бўладиган жой,— деди Афғончойфуруш чой узатиб.

Ғира-шира ёруғда унинг кулранг юзи қорайиб, кўзлари сирли ялтиради.

Ширин муомала, иззат-икром блан бўлиб, Наимий Қудратиллахўжанинг уйида учратган сирли, заҳарҳанда одамни эсидан чиқариб қўяй деган экан. Мана у рўпарасида яна пайдо бўлди. Юз чизиқлари жуда келишган, пешонаси кенг, кўзи юмалоқ, ёноқ суяклари унча чиқмаган, агар юзига ичдан қалқиб турадиган сирли қоронғилик ва мана шу заҳар сўзлари бўлмаса анча ёқимли, чиройли киши. Устида эскироққина оддий сурранг чопон, узунчоқроқ калласига бироз ярашмаган каржли мошранг духоба дўппи...

— Эрталаб мол туширдим, тақсир,— деди у нарироқда этигининг чангини қоқиб,— ҳамма ишни ўзим қилишимга тўғри келаяпти, ҳаммолларингизнинг ҳаммаси халқ комиссари бўлиб кетипти.

Наимий эшикдан кўча томонга қараб қўйди. Дўкон олдида исириқ тутатиб ўтаётган қаландардан бошқа ҳечким йўқ эди. Чойфурушнинг Нусратилла воқиасидан гап очмаётганига Наимий жуда бетоқат бўлиб ўтирарди. Ўзи бунга сра бош қўшмагандай-а! Гўё эсида ҳам йўқ!

— Анов гаплар босди-босди бўлиб кетдими, Муҳаммадсаид?

— А?— чойфуруш бурчақда чой яшиклари блан овра бўлган бўлди.— Нима деяпсиз, тақсир, қанақа гаплар? Мана, сизга деб сақлаб қўйган чойим мана шу эди.

У меҳмоннинг саволига жавоб бериш ўрнига бир қути чой олиб келди. Бу, ҳарбири бир қадоқ чамаси келади-ган, бир-бирига маҳкам ёпишиб кетган иккита қалин тахта чой эди.

— Жуда хушбўй, тақсир. Ба'зан мия айниб, нима қилишни билмай қолганингизда жиндак тановул қилсангиз, фикрингиз равшан бўлади-қолади.

Чиндан ҳам чой жуда хушбўй эди, Наимий уни хитой қоғоз блан ўраб қўйса ҳам ҳиди думоғидан кетмади. Афғончойфуруш яна яшиклар ёнида ивирсир эди. Кўча томондан яна исириқ ҳиди келиб, Наимийнинг ҳозиргина хушбўй чойдан очилган кўнглини лоҳас қилди. Дўкон

оғзида бошига кулоҳ кийган, ёнига чиғаноқ ва кашкул осган ҳалиги исқирт соқол, сурбет қаландар ҳадеб айланишиб, исириқдонини уёқдан-буёққа силкитаверди. Афғончайфуруш қаландарни кўрмаса ҳам исириқ ҳидини сезди шекилли, боя Наимийга тақдим қилган тахтачойдан биттасини олиб чиқиб қаландарга берди. Юзини соқол босиб кетган қаландар эҳсонни тезда кашкулга жойлаб, рўдапо чопонининг этакларини тупроққа ёйиб тиз чўкди ва паншахадек, чандир, қора панжаларини ёйиб узоқ дуо қилди. Чойфуруш ҳам чин ихлос блан «омин!» деб юзига қўл тортди. Қаландар исириқдонини чайқаб, парвардигору Баҳоводдин ҳақида бирнималарни минғиллаб йўлида давом этди.

— Икки қадоқ чой бердингизми, тақсир?— деб сўради ҳайрон бўлган Наимий.

— Бизнинг расми-урфимиз шу, тақсир. Бутун мусулмон оламини дарбардарликда кезиб, умри бўйи жумлаи мўминни дуо қилучи бу шўрлик беватанлар бизда эзгу зот ҳисобланади.

— Чойни нима қилади у?

— Бу — ўзининг иши. Бизнинг бурчимиз нимага бой бўлсак шуни эҳсон қилиб, дуосини олиш.

Наимий бу э'тиқодли мусулмондан ҳамон шубҳалар, энг муҳими — унинг асосий гапни ҳадеб хаспўшлаб, чап бераётганидан тоқатсизланар эди. «Ё ўзини четга олиб, мени балога тижмоқчими» деб ўйлади ичида. Чой узатганда унинг юзига тикилди.

— Ҳеч гап йўқми, тақсир?— деб сўради секин.

Меҳмоннинг бу безовталиги чойфурушга жуда ёқар эди, унинг учун энг муҳими ҳам шу эди: қани ўзини жинояткор деб биладими — йўқми? Наимийнинг дам-бадам ўша ҳақда гап очишга уриниши Афғончайфурушнинг кўнглини жойига келтирди: Наимий афанди азобли даҳшатда эди.

— Нима гап, тақсир, қайси гапни айтаяпсиз?— деди мезбон бемалол.

Бу жавобни Наимий «ҳаммаси босди-босди бўлиб кетди» деб тушунди ва яна ҳам секинроқ товуш блан сўради:

— Бойвачча адашиб қўйиптими?

— Адашиб? Э, ҳа, адашипти, ҳа. Шундай. Қўйинг, тақсир, шу гапларни. Мен бир холис, бегона одамман. Қаёқдан билай...

— Адашганига афсусланаман, тақсир,— деди Наимий кабинетда Башорат блан бўлган гапни эслаб.

— Афсусланаман дедингизми? А, ҳа, албатта, албатта, бу сизларнинг ишларингиз ахир, ўнгса севинасиз, ўнгмаса афсусланасиз, тўғри, тўғри, шундай...

Наимий қалқиб тушди, баданига титроқ югурди: худди ўйлаганидай — ўзини четга олаяпти, ҳаммасини Наимийга тўнкаяпти!..

Наимий безовталанди, ўрнидан турмоқчи бўлди. Буни чойфуруш ҳузур блан ҳис қилиб турипти. Лекин ҳозир бирнима демаса меҳмон чиқиб кетадиган кўринди.

— Адашгани йўқ, тақсир,— деди у секин, гўё шунчаки, гап орасида бир аҳамиятсиз луқма ташлагандай ва бамайлихотир, чойнак-пиёлани йиғиштириш блан овора бўлди.

Бу луқманинг сирли даҳшати Наимийнинг миясига бирпасдан кейингина етиб борди.

— А? Нима дедингиз?

Афғончойфуруш индамади, у меҳмоннинг энди ҳеч-қача кетолмаслигини биларди.

— Мен дўконни ёпмоқчиман, тақсир, юринг йўлда гаплашармиз.

Наимий гарант бўлди. Бу қораялоқ яна азобли масхарабозлигини бошлади, деб ўйлади у, дўконни шошмай бекитаётган чойфурушнинг орқасидан қараб турди: тўхтаб тур, сен ҳам фариштадай покиза эмассан-ку. :-

Наимий, қайси томонга кетаётганини ҳам ўйламай, чойфуруш блан ёнма-ён юрди. Улар растадан узоқлашиб, эски шаҳарнинг эгри-бугри кўчаларига кирдилар.

— Ҳалиги нима деганингиз бўлди?— деди Наимий тинч кўчага кирганларида.

— Деворнинг қулоғи бор, тақсир,— деди чойфуруш унга қарамай йўлда давом этиб.

Наимий ҳам унга ипсиз боғлангандай, ёнида эргашиб кетаверди, чойфурушнинг уйига етиб қолганини ҳам: «Қани, қани, қадамларига ҳасанот, каминанинг фақир кулбалари, буюрсинлар, марҳамат!» деган гапни эшитганидагина сезди.

Бу ҳақиқатан ҳам фақир кулба эди. Ичкарида ҳам бир хона бор шекилли — унда нима борлигини Наимий билолмадию, лекин хўжайин таклиф қилган уй деярлик қуп-қуруқ, зах полда атрофига иккита якандоз ташланган доира хонтахтадан бўлак ҳечнарсга йўқ эди.

— Бўйдоқлик, тақсир, савдомиз, ўзингизга маълум, маза-матраси қолмади. Қани, ўтирсинлар.

Наимий пайқамаган экан, бурчакда иккита-учта туппа-тузук стул ҳам бор экан, хўжайин яқандозга эмас, стулга тақлиф қилди. Хонтахтанинг тагига қўл суқиб шундоқ кўтарган эди — туппа-тузук доира стол бўлди — қолди. Шундай қилиб, икки ташиш аллақайси чанг босиб ётган жинкўчадаги бир фақир кулбада, доира, стол атрофида бир-бирларининг кўзларига тикилганларича ўтириб қолдилар. Наимий ўзининг бу кутилмаган ҳолатини энди пайқади.

— Ичасизми, тақсир?— деди чойфуруш.

— Йўқ.

Хўжайин бу аниқ жавобни эшитиб тушуниб туриб, худди «ичаман!» деган жавоб олгандай, стол тагидан бир шиша вино олиб қўйди.

— Олинг, чойни уйда ичарсиз,— деди ва Наимийнинг олдидаги тахта чойни олиб стол тагига қўйди, ўзи меҳмонни кутмасданоқ винони қулт этиб ютди.

Наимийнинг назарида унинг юзи илгаригидай эмас, жуда ёш кўриниб кетди, бу энди тўё бутунлай бошқа одам эди. Наимий ўзининг шу вақтгача алданиб юрганини аниқ сизди, юрагини қўрқув ғижимлади, броқ бу одамда уйга келгач минут сайин пайдо бўлаётган янгиликлар Наимийда асабий бир қизиқиш туғдирди. Иккинчи рюмкани меҳмон ҳам қўшилиб ичишди ва бу одам олдида ўзини йўқотмасликка, у блан тенгма-тенг гаплашишга уринди.

— Қачон гапирасиз ?

— Хў, жуда бетоқат экансиз-ку,— деди чойфуруш кулиб ва рюмкаларга яна қўйиб қўйди.

— Нуератилла бойвачча бошқа одамга пичоқ уриб қўйипти-ку, нега адашгани йўқ дейсиз?

— Пичоқни сизга урган бўлса тўғри бўлармиди?— деди мезбон яна кулиб.

— Бас! Чойфуруш!— Наимий жаҳли чиқиб рюмкани сураркан, винони тўкиб юборай деди.— Масхарабозликни қўйинг, сизнинг ҳам ким эканингизни билаяпман!

— Ўзингизни босинг, маърифат қузғуни, ичинг мана бунди, миллатчи! Ичинг!— чойфуруш жиндак тинган бўлди, яна кулиб юборди.

Бу кулишдан унинг меҳмонни бир чақага олмаслиги аниқ билиниб турарди.

— Сиз кимсиз?— деди Наимий.

Афғончойфуруш жиддий бўлди, Наимий ҳали уни бундай қиёфада кўрган эмас эди.

— Сиз аввал ўзингизни билиб олинг, сиз кимсиз? Сиз кўлидан бир тийинлик иш келмайдиган бачкана лақмасиз! Сиз она сути оғзидан кетмаган бир гўдак блан гап талашиб, ўзингизнинг қўрқоқ, чучмал ва'зхонлигингиз блан, бутун Туркистонни фалокатдан сақлаб қоладиган буюк бир кучни тагидан ўпираяпсиз. Сиз ўзингизнинг миллат ҳақидаги эзгу хаёлларингизни ўзингизнинг чумчуқ юрагингизда нариги дун'ёга олиб кетасиз. Сиз нариги дун'ёга тез кетасиз, ҳа, аянч бир латта сингари, турма йўлагидан супуриб ташланасиз. Ичинг!

Наимий кечагина ўзи ҳақида ўйлаганида худди шунга яқин гаплар хаёлига келган эди. Бугун шу гаплар аниқ ва яна ҳам даҳшатлироқ ҳолда, мана, юзига айтилди. Наимий сувга тушган нондай бўшашди, мияси сра ишламай, вужуди нураб кетаётгандай бўлди, энди мана шу шафқатсиз, қўрқинчли одамнинг гапини тинглаш, ундан нажот кутишдан бўлак иложи йўқ эди. Наимий қалтираб ичди.

— Бойвачча янглишгани рост, лекин унинг хатоси пичоқни дастасигача санчолмаганида. Сиз, нима, болани ўлдирмоқчимидингиз, бундан нима фойда чиқади, ортиқча чинқириқ, ортиқча шубҳа, шу холос.

Наимий қаттиқ қалтирайбошлади, лекин, у воқиага тушунган сари, даҳшат даҳшат эмас, ишга, унинг ўзининг ишига айланиб борар эди. У чиндан ҳам хато қилганига ичида, беихтиёр, иқрор бўлди. Броқ ҳамон ўзини бошқа, чойфурушни бошқа қилиб кўрсатмоқчи бўлар, ўзининг бу одам блан бир маслакда, бир мақсадда жиноят қилган одам эмас деб кўрсатмоқчи бўлар эди, гапни чуқурлаштирмай, юзакироқ, анчайин гап айлантиришга уриниб кўрди.

— Бойваччанинг оҳ-воҳ қилганича ҳам бор экан-да, тақсир, менинг рўпарамда шундай юзини очди, десангиз, бай-бай-бай, фаришта-я, фаришта.

Афғончойфурушни энди илгариги аҳволга қайтариш, кулдириш қийин эди.

— Лақилламанг, тақсир!— деди у. — Ҳезалакчалиш ширин-чучмаллигингизни йиғиштиринг. Яхшилик, мўминлик, меҳрибонлик, муслмонлик ҳақида бир умр ва'з ўқиб, миянгиз палағда бўлиб қолипти, уйингизга бориб

мана бу хушбўй чойдан босиб-босиб ичинг, миянгиз равшан бўлади.

Афгончойфуруш чўнтагидан учи ўткир, йилтироқ, кичкинагина болғача олиб, икки тахта чойнинг ёпишган жойига икки марта секин урди. Тахта икки ёққа айрилиб, совун қутидай очилди. Наимий ўрнидан туриб, кўзини пирпиратгунча, столда қопқора, япалоқ маузер ётарди. . .

Наимий орқага бир қадам чекиниб, эшикка, деразага аланглади, кейин чойфурушнинг қора тутун чиқиб тургандай хира юзига тикилиб қолди. У аввал унинг юзини кўрмади, унинг юзи блан Наимийнинг кўзи орасида аллақандай бошқа нарсалар ўралашди—дўконнинг қоронғи бурчаги, яшиклар, қутилар, сурбет қаландар, унинг белидаги қора кашкул, осмонга кўтарилган паншахадек қора, чандир панжалар. . . Ниҳоят, «чойфуруш»нинг тердан ялтираган юзи кўринди. Шунда ўтмишдаги бир воқиа ялт этиб кўз ўнгидан ўтди.

У ҳали ёш муллавачча экан, домлаларидан бири уни Қўшмачит даҳасидаги бир уйга олиб борди. Буерда Тошкентдан келган катта бир эшон «Миллий иттиҳод»га а'золар қабул қилаётган эди. Уша куни бошқалар қаторида Салимхўжа ҳам «Миллий иттиҳод»га муридлик қасамини ичди. Броқ, у, қур'он қаршисида тиз чўкиб қасам сўзларини такрорлар экан, рўпарасидаги эшоннинг юзига кўзи тушиб қолди: бу эшон эмас, отаси Наимхўжа эшон ёнига келиб юрадиган. . . инглиз офицери эди. . .

Ҳозир Наимий «чойфуруш»га тикилар экан ўша офицер кўз олдига келди. Бу — ушанинг ўзи эмас, броқ. . . бунинг ҳам инглиз экани шубҳасиз эди.

— Ота мулкингиз қаерда эди, Наимий?— деб қолди бирдан «чойфуруш».

Унинг овози Наимийга худди столдаги маузер ўзидан ўзи отилиб кетгандай бўлиб эшитилди.

— Ота. . . ота мулким Бўржарда. . . Ҳозирги хотинқизлар артели бўлган жой. . .

— Йўқ!

Бўздек оқариб турган Наимий сапчиб тушди. . .

— Мана, ота мулкингиз!— деди «чойфуруш» столдаги маузерни унинг олдига суриб.— Олинг. Артель бўлмайди. Ҳа? Нима қараб турибсиз, ё сиз ва'з ўқиб турасизу, мулкингизни мен якка ўзим олиб бераманми? Биз Николай эмасмиз, биз сахиймиз, ҳатто қўлимиздаги мам-

лакатларнинг тўртта-бештасини ерли ваҳшийларнинг ўзига ҳам топшириб қўйибмиз.

«Афғончайфуруш» дераза ёнида қўлини орқасига қўйганича тескари туриб ҳуштак чалабошлади. Бўзарган Наимий дам столдаги қора маузерга, дам мезбоннинг елка чуқурига қараб ўйланар, тилига гап келмас эди.

Эдгар ёшлигида ўз ота-онаси билан бирга аввал Калкуттада, кейинроқ Бўмбойда яшади. Британия империясининг майда, лекин гоят садоқатли амалдорларидан бири бўлган кекса Мэрдок Гладстон ўғлининг билим олиши учун ҳеч нарсасини аямади. Эдгар,— эҳтимол яккаю ягонадир,— лекин бир нарсага жуда қобилиятли эди: ҳар қандай тилни тез ва беками-кўст уқиб оларди. Уни 22 ёшидаёқ шарқ халқлари тилларидан роса ўн еттита-сини билар экан деган гап тарқаган эди. Бу гап ҳатто қайсидир бир газетада ҳам ёзилиб чиққан эди.

Полковник Френк Макферлан Бўмбойнинг бутун гўзал манзараси кўриниб турадиган ойнавонлик равонида хонаки банан тагида бир стакан какаонинг совушига тикилиб ўтирганида шу газетага кўзи тушиб, ажойиб қобилиятли Эдгар Гладстон ҳақидаги бу хабарнинг сарлавҳаси ёнига қизил қалам билан ундов аломати қўйди. Мана шу тарихий аломат Бўмбой университетининг студенти Эдгар Гладстоннинг ваҳшийлик тақдирини олдиндан ҳал қилган эди. Кутилмаганда, университет ма'мурияти Эдгарга фавқулодда зўр э'тибор ва ҳурмат билдирабошлади. Илоҳий фанлардан унга махсус алломалар боғлаб қўйилди, унинг сра ўйланмаган районларга катта этнографик илмий экспедициялари уюштирилди. Сиёсат борасида доим анқовроқ бўлган содда Эдгар империя шарқшунослигининг стунларидан бўлиш ҳаёлига эришувига астойдил ишонч ҳосил қилиб, ўзи учун бўлган бу ғамхўрликларни табиий ва қонуний деб ўйлади. Броқ, кунлардан бир кун полковник Макферланга дуч келиб қолганида бу орзу-хаёлларининг пучга чиққанини, «Интеллиженс сервис»нинг* резидентларидан бири билан жуда илгаридан боғланиб қолганини фаҳмлади. Полковник Эдгар ҳақида унинг ўзидан кўпроқ билар, барча экспедиция материалларини Эдгардан кўра кенгроқ таҳлил қилиб борар экан. Йигит қандай қилиб ҳарбий мундир кийганини ўзи ҳам билмай қолди. У ил-

* Инглиз разведкаси.

гариги «илмий» ишини ҳарбий мундирда, полковник Макферлан бошчилигида яна бирнеча йил бажариб турди. Полковник унга «империя шарқшунослиги»нинг амалий-сиёсий моҳиятини ва вазифаларини қаттиқ тушунтиришга муваффақ бўлди. Шу вазифалар нуқтаи назаридан узоқ жойга, узоқ муддатли, каттакон ва бой бир экспедиция ташкил этишга ваъда берди. Экспедицияни Эдгарнинг иштирокида полковникнинг ўзи бирнеча йил давомида ниҳоятда пухта тайёрлади.

Эдгар полковникнинг кўйгилидагидек гапга тушунадиган, буюк қиролликнинг интизомли, садоқатли фарзанди бўлиб чиқди, полковникнинг унинг оиласи, отаси, тарбияси ҳақида илгаридан тўплаган маълумотлари амалда тўла тасдиқланди. Эдгарнинг студентлик вақтидаги илмий экспедиция материалларидаёқ «тўлақонли англо-саксонлик»нинг шарм-ҳаёсиз кибри бурқиб турарди. Макферлан айниқса «ёввойи шарқ қабилалари»га жирканиб, нафрат блан қарашга асосланган бу туғма кибр-ҳавога тегишли йўналиш бераолганидан мамнун эди. Эдгар полковник Макферлан блан хайрлашганда шарқ дунёсида икки фан, икки ҳукмрон бўлмаслиги кераклигини, буерда буюк қиролликнинг бирдан-бир рақиби руслар эканини яхши тушунган эди. «Империя шарқшунослиги»нинг вазифаси ерли мусулмонларнинг русларга қарши қонли ғазотини қўзғашдан иборат эканини ҳам тушунган эди. Рус ҳарбий кучлари ҳақида маълумот бериб туриш эса Эдгар Гладстонга шунчаки қўшимча бир топшириқ эди, холос.

1916 йилнинг ёзида Бухоро мадрасаларидан бирида Муҳаммадсаидхўжа эшон деган мударрис пайдо бўлди. Мударрис ёш бўлса ҳам дини-исломия билимида тез орада бухороли шариат пешволарининг олдига тушиб олди. Бунинг қанча азоб, қанча вақт, қанча заҳмат эвазига келганини ҳечким билмас, Эдгар ичидан ўтганини ўзи билар эди: мартаба ва обрў ортдиргунча шунча вақт кетди, иш жуда секин бормоқда, мана у бир ярим йилдан бери мадраса тупроғини ялайди, ғазот ҳали олдинда, уни уюштиргунча ҳали яна қанча вақт ва меҳнат керак. Замон ўзгариб борарди, кечаю кундуз ўзидан хавотирда бўлган, билимли, лекин тажрибасиз жосус оламдан беҳабар эди. Унинг уюштирган ғазоти авжи Октябр кунларига тўғри келиб, иккита рус генералини ўлдириш блан тамом бўлди.

Шу воқидан кейин бир ой ўтар-ўтмас Эдгар Гладстон Бухорода бир минут ҳам турмай, жадаллик блан орқага қайтиш ҳақида буйруқ олди. Бўмбойга қайтиб келганидан кейин иккинчи куни, янги вазиятни тушунмаган нодон миссионер ишни пачава қилиб қўйгани учун генерал Макферланнинг тарсақисини еди.

— Сиз бизга Туркистон дарвозасини очиб беришга ва да қилган муҳтарам генерални ўлдирдингиз?— деди оғзидан кўпиқ сочиб асабий Макферлан.

— Муҳтарам... у рус генерал...

Жавоб ўрнига яна тарсаки тушди.

— «Рус, мана «рус», Мана! Мана! Бу тарсакиларга хурсанд бўлинг, большевикнинг ўқини еганингизда бундан ёмонроқ бўларди! Рус йўқ ҳозир, большевик бор! Нодон! Папуас! Латта! Қайси қавакда эдингиз!

Бу Эдгар Гладстоннинг ҳамма нарсадан маҳрум бўлгани эди. Уни фандан ҳам, ҳарбий хизматдан ҳам, жосусхонадан ҳам ҳайдаб юбордилар.

У дарбадар бўлди, лекин Макферлан уни кўздан қочирмаган эди. Аҳвол жиддийлашганда Эдгарга яна ишлари тушди. Энди диндан ҳам кўра савдо иш берадиган вақт эди. Уламони чойфуруш қилишди. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади дегандай, бир карра адабини еган Эдгар Гладстон энди Совет шарқидаги сиёсатни Наимийларга ҳам дарс берадиган бўлиб сув қилиб ичиб олган эди.

«Афғончойфуруш»нинг сариқ дўкони бу шаҳар расасида 1922 йилда пайдо бўлди. Буердаги афғон консулхонасининг ёрлиғи блан, Муҳаммадсаид деган савдогар Афғонистондан яшик-яшик чой олиб келиб сотадиган бўлди. Янги иқтисодий сиёсат йилларида бу оддий ҳолат эди, растада «Афғончойфуруш» деб ном олган одам кўп шаҳарларда тижорат кўрган, серсаргузашт, хушчақчақ, савдодан ҳам кўра саёҳатни хуш кўручи, беозор чойфуруш бўлиб танилди.

...«Бу одамнинг елка чуқурини мўлжаллаш зарур бўлиб қолса, пайтини топарман, ҳар эҳтимолга буни олиб қўяй-чи» деб ўйлади Наимий ва столдаги маузерни олиб чўнтакка солди. Наимий ўзини бу келгиндидан паст қўйгиси йўқ эди, у блан тенгма-тенг гаплашмоқчи бўлди.

— Сизнинг мақсадингиз нима?— деди у оёғини ча-лиштириб, бемалолроқ ўтираркан.

«Чойфуруш» у томон қайрилиб, илжайди. Стол ёнига келиб рюмкани оғзига олиб борди.

— Нима бало, сўроқ қиляяпсизми?

— Мен бу юртнинг эгасиман,— деди Наимий яна ҳам ёйилиброқ ўтириб.

Чойфуруш пиқ этиб кулиб, оғзидаги винони пуркиб юборди. Кулгидан ўзини зўрға тийди-да, дарров қопқорайиб, Наимийга тикилди.

— Ҳа, агар биз истасак бу юртнинг эгаси бўласиз. Агар биз истамасак-чи, у вақтда сизни мана бу даҳшатли куч — руслар, большевиклар сизни. . . кечирасиз, бош бармоғининг тирноғи блан «қирс» эткизади.

Наимий ўзининг аҳволини тан олгиси йўқ, кўниб қўяқолмоқчи эмас эди.

— Даҳшатли куч? Русларни ноқобил, ёввойи, қул бўлишдан бошқага ярамайдиган деб та'рифини келтирадиган сиз инглизлар эмасмидинглар?

— Айтганмиз, айтамыз ҳам, Наимий, лекин сиз учун эмас, авом учун. Сиз ҳамон газетада ёзиладиган гапни гапираяпсиз. Бас қилинг! Бундан кейин сизнинг ишларингиз ҳам, сўзларингиз ҳам газетага ёзиладиган бўлмайди, азизим. Тилни роса чархладингиз, кўрдик, иш чиқмади, энди пичоқни чархланг, вақт етди, эплармикансиз, кўрайлик-чи.

Наимий ўз бўйнига сиртмоқ тушаётганини сезган одамдай типирчилади, ўзини эркин тутишга уриниши ўзига ҳам ясама бўлиб кўринди, тантироқ гаплашиш истагиши кўрқоқлик енгди.

— Нима, нима деяпсиз, сиз мени нима деб ўйляяпсиз?— деб ўрнидан турди, аланглаган кўзлари блан эшикни қидирди.

Уй эгаси қиттак ҳам безовта бўлмади, меҳмоннинг кетиб қолиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмади, бе-малол уёқдан-буёққа юриб папирос чекди.

— Ҳа, хўш, нимадан кўрқдингиз? Бирор янгилик айтдимми? Пичоқни ўзингиз ушламайсиз, илгаригидай Нусратиллалар қўли блан иш кўраверасиз. Ё энди қиляяпсизми бу ишни?

Наимий қўли қонли эканини ўйламаган экан, бўшашиб курсига ўтириб қолди. У рўпарасида илжайиб турган шу ла'нати одамнинг ҳукмида эканини, энди бутун тақдири шу одам тақдири блан боғлиқ эканини тўла ҳис қилди. Орага узоқ жимлик чўкди.

Ташқарида қоронғи тушаётган эди. Зах полли қоронғи уйнинг биргина кичик дарчасидан хира оқшом тикилмоқда. Наимий бу уй остонасига қадам қўйганида унинг ҳуши қаёқда эди, у сиёсий жаллодликка қадам қўяётганини ўйлаганмиди? Ўйласа-чи? Ўйласа нима бўларди? Бошқа қандай йўл бор эди?

«Афғончойфуруш» чироқ ёқди, меҳмоннинг рўпарасига қўйди, кейин секин келиб унинг елкасига қўлини қўйди, энгашди.

— Наимий,— деди секин,— партиядан нимага ҳайдалган эдингиз?

Наимий унинг юзига ялт этиб қарадию, яна кўзини пастга олди. У бирор янги ишга кираётганда доим шу саволни эшитар эди.

— Чисткада. 21-нчи йилда.

— Ана кўрдингизми, қобилиятсизлигингиздан шундай қулайликдан ҳам фойдаланолмагансиз. Зарари йўқ, сизнинг қобилиятингиз бор ишни биз топамиз. Ҳарким қўлидан келадиган ишни қилиши керак...

— Сиз айтаётган иш менинг қўлимдан келмайди.

— Бу ҳақда сиз бош қотирмайсиз. Бош қотириш бизнинг ншимиз.

— Сизнинг исмингиз нима?— деб сўради Наимий бирдан.

— Шошаяпсиз,— деди «чойфуруш» унинг елкасини силаб.— савол беришдан ҳам кўра, қулоқ солишга ўрганиш маслаҳат. «Маслаҳат»ни бундан кейин буйруқ деб тушунинг ўзингизга фойда. «Маслаҳат»ни фақат мендан оласиз, лекин агар «хизмат кўрсатсангиз» ҳақини...— «чойфуруш» Наимийнинг бош орқасини бармоғи блан туртиб кўрсатди,— истаган муюшда олишингиз мумкин ва мендангина эмас...

Бу вақт кўча эшиги тақиллаб қолди. Бу тақиллаш гўё «чойфуруш» гапираётган даҳшатли сўзларнинг давомидай эшитилди. «Бошланди», деб ўйлади оппоқ бўлиб деворга ёпишиб қолган Наимий, «энди тинимсиз хавф-хатар, ҳар қадамда ўлим, ҳар нафасда азобли асабийлик, даҳшат...» Бу нарсаларнинг ҳаммаси «чойфуруш» учун, афтидан, ҳеч гап эмас эди. У иккита чаққон ҳаракат блан уйни Наимийнинг биринчи кўрган ҳолатига келтирди-да, чўнтагидан калид олиб стол ғалладонини очди. «Қурол олаяпти» деб ўйлади Наимий яна ҳам кўрқиб, лекин уй эгаси ғалладондан ис босиб кетган, алмисоқдан қолган бир пилта чироқни

олиб, ёндирди. Шу'ласини бир кафти блан тўсиб, ташқарига чиқиб кетди. Наимий ўзи ёлғиз қолганда баттар қалтиради, қоронғи бўлса ҳам майли эди, столдаги чироқ аксига олгандай худди унинг башарасига уриб ёниб турипти. Уни бу аҳволда кўрган ёш бола ҳам ўғри, жиноятчи экан, дейди. «Бунча қалтирайман» деди Наимий ичида, ўзини даядилроқ тутмоқчи бўлди, чўнтагидаги қўлининг учи оғир, совуқ бир нарсага тегди... «Маслаҳатни фақат мендан оласиз» — янгради қулоғининг тагида. Ҳозир зарур бўлиб қолса маузерни ишлатиш мумкинмикан? Узи оддий жинчиरोқ олиб чиқиб кетди... Ҳа, айтгандай, уни ғалладондан олдимми? Уйда ҳамма нарсаси сочилиб ётганда нима учун исқирт жинчиरोқ ғалладонда қулфлоглик?..

Наимий ўйлаб ўйига етолмади, эшик очилиб «чойфуруш» кириб келди.

— Қани, ичкарига кириш, кираверинг, кираверинг,— деди у кимнидир қистаб.

Остонада паранжилик хотин пайдо бўлди. Уй эгаси жинчиरोқни ўчириб, чўнтагига солдимми, ишқилиб, қаёққадир йўқ қилди-да, ичкари хонанинг эшигини калид блан очиб қўйди. У жуда бемалол ҳаракат қилар, Наимийни эса гўё пайқамаетгандай ҳам эди.

— Вой ўлай,— деди хотин уйда одам борлигини кўриб,— неварасини дард чалган Абдуғаффор кўнчининг ҳовлиси шу эмасми? Мен адашиб қолибман шекилли...

— Шу, шу, келаверинг отин буви, жин чалганлар, дард чалганлар ҳаммаси шуерда.— деди кулиб «чойфуруш»,— мана буни ҳам чалиб кетди ҳозир.

Наимий шу топда жин чалгандан баттар бўлди. У Тешиққоқалик Парихонотинни эшитгани бор, ҳатто бир ма'ракада ўзини ҳам кўриб қолган эди.

Хотин паранжисини олиб ташлади. Ҳа, бу ўша азайимхоннинг ўзи эди. У бурчакда ётган кучук боласига қарагандай, Наимийга кўз ташлаб қўйдида, тўрга томон юрди.

— I know him*,— деди у беписанд оҳанг блан «чойфуруш»га ва ҳечкимга қарамай, сатанг юриш блан тўғри ичкари хонага кириб кетди. Инглизчадан алифни ҳам билмаган Наимий оғзини очиб қолди.

У кириб кетгандан кейин «чойфуруш» Наимийга кўз қисди ва пастроқ овоз блан гапирди:

— Ҳа, ҳали яқинроқ ҳам танийсан.— Кейин жидмайиб

* Инглизча:— Мен буни танийман.

Наимийнинг қулоғига гапирди:— Турк қанжйқларидан. Сизнинг омадингиз нуқул хотин-халаждан келадиганга ўхшайди, тақсир, бу ҳам ҳали сизнинг маҳрингизга тушади. Аввал, албатта, Жўраҳон, Надеждина, Онахон... ундан кейингина бу... яхши таниб олинг. Ҳаммасининг пайти келади.

Хотин ичкаридан чиқиб келди. Бу — энди, нопок кучларни авраб, ёнғоқ тагида жин чалиб кетганларга дам соладиган худогўй азайимхон эмас, бутунлай бошқа — ёш, қизларга хос диркиллама гавдасини эркак зотини уялтириб қўючи ҳаракатларга солаоладиган, келишган, бақувват жувон эди. У ичкаридан сочини орқасига танғиб, лабига қизил суркаб, упа-эллик қўйиб чиқди. Наимийнинг бор-йўқлигини ҳам пайқамагандай, семиз сонларини бир-бирининг устига қўйиб, бир оёғини беҳаё кўтариб, ёйилиб ўтирди. Наимий уни катта шаҳар ресторанларида учратган хотинларига ўхшатди.

— Винонгиз ҳам йўқ шекилли, Эдди? — деди у.

— Бор, мэм Фархунда, бор, — Эдгар келиб оёғини жуфтлаб туриб букилди-да, унинг қўлини ўпди, — ўзингиздай лаззатли виноларим бор. — Ўпганида унинг бир қўли хотиннинг сонига тегди.

— Менинг лаззатим тилингиздан кетмаган экан-да, ҳали, сэр?

— Йўқолиб кетдингиз, мэм?

— Мана, яна келдим.

Эдгар вино қаятуриб, худди ўзига ўзи гапиргандай, деди:

— Катта сув тошқини вақтида мушук блан ит бир тўлқин қа'рига тушиб қолишган экан...

— Ўшанда ит-мушук эканликлари икковларининг ҳам хаёлларига келмаган экан денг, — деб қўшимча қилди Фархунда.

— Ҳа, қўлма-қўл ушлашиб тўлқиндан чиқиб олишипти, лекин қирғоққа етиб олишлари блан...

— Хўп, хўп, яхши ўхшатдингиз, Эдгар. Қирғоққа чиқиб олгандан кейингисини қўяверинг. Аввалгисини гапиринг: тўлқин қа'рида қўлма-қўл ушлагани ма'қул бўлиптими ишқилиб?

— Ма'қул, лекин итга эмас, фақат мушукка ма'қул. Ит ўзи ҳам чиқиб оларди.

— Хўп бунингизга ҳам қўшиламан, Эдгар, мушук ҳам бўлай, майли, — деди Фархунда винони лабига тегизиб

қўйиб,— лекин сув тошқини, тўлқин деган ўхшатишингиз бўш. Ҳозир оддий тўлқин эмас, даҳшатли, пўртана бошланаяпти. Тўқув фабрикаси ҳақидаги хабарни эшитдингизми? Бу фалокатли хабарни эшитганимда мен сизни ит сифатида эмас, ўзимнинг эски мард рицарим сифатида эсладим. Ешлигимиз лаззатларини эслаб ичайлик, Эдди!

У қадаҳнинг ингичка бандидан икки бармоғи блан ушлаб, жимжилоғини чиённинг думидай гажак қилиб, винони баланд кўтарди. Гладстон яқтак ёқасидан чиқиб турган жунли кўкрагига қўлини қўйиб қадаҳ уриштирди.

— Бундай пайтда бирлашиб ҳаракат қилишга қарши эмасман. Лекин менга иш усулингиз ёқмайди, мэм.— У винони қулт этиб ютиб қўйди.— Биласизми, Парижда бўлгансиз, Париж фоҳишаларининг бир хил усули бўлади. . .

— Сэр!

— Кечирасиз, мэм, умуман усулингиз хотинларча. Авраш, эзмалик, гап, пропаганда.

— Биладан,— деди Фархунда винони ўзи қўйиб,— сизнинг усулингиз мардона. Лекин пичоғингиз эт кесадию, кўпинча жонга бориб етмайди.

— Мэм!— Гладстон таҳдидли назар блан унинг кўзига тикилди ва ҳукмрон овоз блан гапирди.— Сиз ортиқча кўп нарса билишга уриниб бекор қилаяпсиз! Найманчадаги у воқияларда сизнинг ҳиссангиз ҳам йўқ эмас. . . Хўп, иш усули масаласига келайлик.

— Пичоқ учига заҳар керак,— деди хотин ва суҳбатдошининг жаҳли чиққанига ўчакишиб қўшиб қўйди,— ана ўшанда Онахонларнинг жони чала қолмайди.

— Қандай заҳар?

— Сизда топилмайдиган заҳар. У фақат бизда бўлади. Менинг мамлакатимнинг кучи ҳам шунда.

— Менинг мамлакатимда бўлмайдиган нарса йўқ,— деди Гладстон.

— Мен ислом, бид'ат ва пантуркизм ҳақида гапираяпман, сэр,— деди Фархунда кўзини ма'ноли сузиб.— Мен пичоғингизга суркаш учун шуни таклиф қилаяпман. Бу — гап эмас, сэр.

— Мен розиман,— деди Гладстон,— лекин вақтинча — чунки сизни менга суркаган блан барибир ҳечқачон англо-сакс туғилмайди. Чала бўлади.

Фархунда қизил оғзини катта очиб кулди.

— Оббо, сиз-эй, Туркистонни барибир тўлақонли англо-сакс қилолмайсиз, у кимники бўлса ҳам, барибир чала туғилган қулвачча бўлади.

— Қулвачча бўлса ҳам, жонли нарса, белидан иккига бўлса ишга ярамай қолади, ўлади.

— Бўлиш ҳақида гапиришга чамамда, ҳали вақт эрта, сэр. Ҳозир бирлашмасак тиригини эмас, ўлигини ҳам ололмаймиз.

Бу гапдан кейин Наимий ножўя қимирлади шекилли, унинг олдидаги бўш қадаҳ жаранглаб кетди. Суҳбат қилаётганлар Наимийнинг шуерда эканини шундагина эсга олдилар.

— Айтгандай,— сизга вино қуймабмиз-ку,— деди Гладстон.— Мен ҳозир... Танишиб туринглар.

Шишадаги винонинг ҳали ярми турган бўлса ҳам, мезбон ичкари хонага, винога кириб кетди.

Гладстон кириб кетгандан кейин хотин Наимийга нафрат блан қия қаради:

— Хафаҳол ўтирибсиз? Чойфуруш блан ватанфурушнинг савдосини буздим шекилли?

У столдан сигарета олиб лабига қистирди. Кейин ингичка, букилиброқ тушган учли бурнини жийриб, Наимийнинг қулоғига ёндашди:

— Ишонманг. Бу қаллобнинг қўлида ўлсангиз бир нав', бунга ачинмайман, бордию бизга ўлдиришга тўғри келса — бутун Усмонли Салтанатига иснод: турк қони тўкилади. Уйланг.

Эшик очилиши блан у бошини орқага ташлаб гугурт чақди ва катта оғзининг четидан тутун чиқарди. Гладстон Наимийга самогончи дўконларида тўлиб ётадиган лойқа винодан олиб чиқиб, рюмкасига қўйди. Ўзлари ичаётган вино япалоқ флаконда, қаҳрабодай тиниқ ёниб, ўта кўри-ниб турар эди. Наимий ҳозир бунинг фарқига ҳам бормади, нима бўлса бўлди дегандай, шахт кўтарди, лекин қўли қалтираб, винонинг ярми тўкилди. Рўмолча оламан деб қўлини чўнтагига тикқан эди бармоғи совуқ маузерга тегди. «Иккаласини ҳам шартта отиб, чиқиб кет» деди шайтон. Лекин Наимий қўрқоқлик қилди. Кейин қаёққа боради? Нима қилади? Учинчи ўқни ўз чаккасига қўядими? Йўқ, бундан кўра... Умид қилиш керак.

Қимдан? Шуларданми? Ҳа, бошқа умид қиладиган одам йўқ. Буларнинг айтганини пухта қилинса қутилиш мумкин. Ҳатто, эҳтимол... Лекин большевиклардан энди

қутилиб бўлмайди — ўтмиш жуда қора, жуда чиркйн... ўтмишгина эмас, кечаги, бугунги куннинг ўзи ҳам даҳшатли жиноят блан қопқорайиб турипти. Майли, ҳар қанча хатарли бўлса ҳам, йўл бөр, йўл аниқ, нима иш қилиш кераклиги маълум, таянадиган куч бор. Эҳтимол, ўзи шундай бўлиши керакдир: эзгу хаёлларни мияда олиб юриш блан иш битмайди, бунинг учун хатарли йўл босиб ўтиш керак. Йўл эса — мана шу. Ҳа, шу!

Наимийнинг хаёл суриб кетганини булар тамоша қилиб ўтиришган эди. Наимий буни пайқаб, бир нарса дейиши керак бўлиб қолди. Рюмкани ушлади.

— Менинг юртимнинг эзгу истиқболи учун, нажоткорларим! Сизларни шундай деб атасам бўладими?

— Шубҳасиз, афандим.

— Шубҳасиз, тақсир,— деди Гладстон ҳам, лекин Наимийнинг илҳом блан кўтарган рюмкасини қўлидан тортиб олиб қўйди.— Ресторан эмас, буердан чиқиб кетишингиз ҳам бор...

Ўн бешинчи боб

Бўзчигузарда илгарилар сермулозимат Марайимчаққоннинг доим хира пашшалар ёпирилиб ётадиган самоваригина сал-пал қимирлаб турар, шуерга келиб кетадиган уч-тўртга чойхўрдан бўлак одам кўринмас, кўрпадай юмшоқ чанг кўчалар куни блан офтобда хансираб ётар эди. Ҳозир бўлса гузар таёқ тиқилган ари инидай ғувиллагани-ғувиллаган. Кўча беткайларига қават-қават хом ғишт тахланиб кетди. Норматпарангнинг эшиги тагига қулочга сиғмайдиган йўғон-йўғон харилар юмалатилган, хариларнинг текис қирқилган учларига кўмир суркаб, лой чаплаб қўйилган. Нарироқдаги девор тепасидан омонатгина тахта кўприк тикка ҳовлига ошиб тушипти, кўприк тепасидан замбил, ғишт кўтарган эркаклар бир-бирини қистаб, ҳой-ҳойлаб, чаққон-чаққон ўтиб турипти. Қайсидир ҳовлида арра товўши янграйди. Оғир бир нарсани кўтарган эркакларнинг бирдам овози, бола-чақанинг қувноқ қий-чуви, одамларнинг бир-бирини даладагидай бақириб чақиргани эшитилади.

Норматпаранг ҳовлиси блан чойхона ўртасида фанер тахтадан ясалиб, ҳаворанг бўяққа бўялган узунчоқ магазин — хотин-қизлар магазини муюши блан кўчага туриб чиқиб турипти. Магазин эрталабдан кечгача очиқ, буердан эрталабдан кечгача хотин-халаж узилмайди.

Магазин очилиб, мактаб қурилиши бошлангандан бери Марайимчаққон ҳам самоварга кечаси соат тўртдан бошлаб ўт ташлайдиган бўлди. Айниқса магазинга чой сўраб келишганда, Марайимчаққон худди эриб кетади, «жононларга, оймчаларга» деб типирчилаб, қуруқ чойни бир чимдим ўрнига бир-ярим чимдим ташлаворганини ҳам сезмай қолади.

Магазиннинг бир деразаси чойхона томонга, бир деразаси мактаб қурилиши томонга очилар эди. Марайимчаққон тўртта иссиқ чойнакни бирдан кўтариб, «пўш-пў-ў-ўшт, пў-ў-ў-ўшт!» деб йўрғалаб келадию дераздан Ҳожияхонга узатади, «оймчалар»нинг бирортасини кўрармикинман, деб оёғининг тагига ғишт қўйиб бўйнини чўзса ҳам ҳечнарсга кўролмай, яна келиш умиди блан қайтиб кетади.

Магазиннинг ичи анча кенг бўлса ҳам, прилавкеси икки қўлоч келмайди. Лекин бўш жой йўқ. Кириш блан чап томонда паранжини ташлаб қўйиладиган тахта тўсиқ, девор бўйларига скамейкалар, стуллар; устига сиёҳдон блан иккита ручка қўйиб қўйилган идора столи ёнида бир донагина янги юмшоқ кресло ҳам турипти. Бу буюмларни Ҳожияхон янги очиладиган мактаб учун келтирилган нарсалар ҳисобидан минг жанжал блан ундириб олган эди. Баланд дераза тагидаги салқин жойда, чарчаб келиб қолган кампир-сампирлар учун иккита кўрпача ҳам ташлаб қўйилган. Деворларда Ленин, Сталин Фрунзе, Крупская, Қлара Цеткиннинг портретлари. Деворнинг қолган ҳамма жойларига ҳархил расмлар ёпиштириб ташланган. Бу ерда махсус чиқарилган плакатлар ҳам, китобдан, газетадан қирқиб олинган суратлар ҳам, қўлда қилинган алфавит ҳам, дўппи гули, кашта нусхалари ҳаммаси бор, живир-живир бўлиб кетган. Бир плакатда чиройлик тишларини иржайтириб кулиб турган, бетлари қипқизил юмюмалоқ қиз боланинг сурати, тагига «Тиш чўткасининг фойдаси» деб ёзиб қўйилган, яна бирида — байроқ кўтарган хотин расми катта қилиб олинпти, бир чеккада семиз қоринли ўргимчакнусха буржуйнинг ундан чўчиб тургани кўрсатилган. Яна бир жойга, катак дафтарнинг тўртта варағини ҳамир блан ёпиштириб қизил, қора қалам блан шиор ёзиб қўйилипти: «Онахонга пичоқ урганларга ўлим!» Ундан нарида, алоҳида бир бурчакда фото-суратлар, уларнинг кўпида Жўрахоннинг расми — артельчи хотин-қизлар ўртасида тушгани, Ленин блан бирга тушгани,

16-нчи йилда эски шаҳар маҳкамасининг зинасида, таёқ, тош, оташкурак, паншаха кўтариб турган хотинларга қараб гапираётгани, битта ўзининг алоҳида сурати... Энди, кечадан бери, эшикдан кириш блан кўзга ташланадиган жойда, тепада, бугун магазинни энлаб турадиган қизил алвонга катта ҳарфлар блан ёзилган янги шиор пайдо бўлган эди: «Тўқув фабрикасини қуришда қатнашмаган битта ҳам хотин-қиз қолмасин!»

Бу шиор блан бирга, магазинда хотин-қизлар артелида чиқадиغان бўз, сурф, атласдан ташқари, пишиқ гулдор читлар, сатин, батистлар, кўйлакликлар, кўрпаликлар — Москва моллари ҳам пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам буердан кейинги кунларда хотин-қизлар аримай қолишди. Оладиганлар ҳам, ҳавасга тамоша қиладиганлар ҳам; найманчалилар ҳам, бошқа маҳаллалилар ҳам; Ҳожияхонга танишлар ҳам, нотанишлар ҳам — тинмай келиб кетаяпти. Терлаб-пишган Ҳожия бир пиёла чой хўплашга ҳам вақт тополмай, янги бўёқ ҳиди келиб турган хилма-хил газлама тойларини прилавкага қулочкашлаб ёяди, газлайди, қирқади. Харидорлардан ҳам кўра ҳавасга тамоша қилиш учун келганлар кўпроқ албатта, лекин бу Ҳожияни безовта қилмайди. Жўрахон айтганидай, қўли ишламаса ҳам, тили гапдан тинмаса бас. Бошларидан парнжиларини олиб қўйган хотинлар тер-перларини артиб, бир-бирлари блан бемалол гаплашиб, нафас ростлаганларидан кейин, газламаларни дам ғижимлаб, дам тикилиб, дам ипини суғуриб кўриб, қайта-қайта тамоша қиладилар. Буерда гап сра тинмайди, Ҳожия ора-чора ўзи ҳақидаги гапларни ҳам эшитиб қолади.

— Газ тортишнинг ҳадисини ҳам тоза камолига етказипти-да, умрингдан барака топкур.

— Қўли ишдан, оғзи яхши гапдан тинмайди, умрининг роҳатини кўрсин. Буерларнинг озодалигини айтмасизми, айланай қўшни, ҳаммасига бир ўзи — супуриб-сидиради, мол олиб келади, кеча қарасам азонда мана бу қизил алвонга бирниманинг суратини олиб, хат битиб ўтирипти.

Бу гапларни эшитганда Ҳожия Жўрахоннинг ўғитини эслайди: Ҳожия «дўкондор бўлмайман» деб туриб олганида, Жўрахон унга ҳозирги вақтда савдо шўро ҳукумати сиёсатида энг муҳим нарса эканини узоқ тушунтирди, чайқовчи-нэпманларни сиқиб чиқаришда энг муҳим нарсалардан бири — маданий савдо қилишга ўрганиш эка-

нини уқдирди. НЭПнинг ма'носини тушунмай Ефим Даниловичдан бир та'зирини еган Эргаш ҳам кейинги вақтда ўқиб ўрганган сиёсий билимларини ҳар учратганда Ҳожияга роса зериктирарли қилиб гапириб берар, пухта савдо қилишни ўрганиш — партиянинг энг катта шиори, деган да'восини ёқлаб Ҳожия блан масала таллашиб ҳам қолган эди. Ҳожия бу шиорни унчалик ошириб юборишга қарши эди. Шу баҳона блан Эргаш блан аразлашиб ҳам қолди, лекин ўзи ҳам аразлашишнинг бунчалик ширин бўлишини умрида биринчи марта сизди.

Ҳозир у, магазиннинг мактаб қурилиши томонга очиқ деразасидан Эргашни кўриб қолармиканман, бир қовоғимни солиб берардим, деб дам-бадам қараб қўядию, лекин Эргаш ўчакишгандек тахта кўприкка сра чиқмайди. Деразага яқинроқ бориб қарай деса харидор хотинлар гапга солиб қолади:

— Ипаги қуюқ экан, қаерда чиқар экан бунақаси, болам?— деб сўрайди хотинлар.

Бундай савол тушганда Ҳожия пайтдан фойдаланмай қолмайди.

— Иваново-Вознесенскда чиқади, хола.

Хотинлар орасида фабрика қурилиши ҳақида бир-иккита мажлис кўрган артельчилардан бўлса, гап бошланиб кетади.

— Ўша бизга кўчириб келтириладиган фабрикада ҳам шунақаси чиқадиими, қизим?

— Албатта! — дейди Ҳожия. — Яқинда ўзимизда чиқадиган бўлади. Биз ҳали бундан ҳам асилени тўқиймиз, нимага десангиз пахта ўзимизда, чеварларимиз бор.

— Қайси чеварлар, болам?— деб сўраб қолади нота-ниш хотинлардан бири.

— Артельчи хотинларимиз, улар машинада чит тўқишга ўргатилади.

— Ўша артель, анави Онахоннинг артели-да, а? Қайси маҳаллада ўзи, болам?

— Бўржарда, хола, Наимхўжа эшоннинг илгариги ҳовлисида.

— Фабрикани бадавлат одамлар қурар-да, болам, а?

Фабрика қуриш ҳақида гап бошлаганда Ҳожияхон прилавкадан чиқиб, ўртагаёқ тушиб олади. Ҳалиги тушунмаган хотинга гап уқдирган бўлиб, ҳаммани ўзига қаратиб қўяди:

— Фабриканинг машиналарини бизга Москва юбо-

раяпти, тайёрини. Биносини қуришга ҳукумат пул берган. Қурадиганлар бўлса—мана ўзимиз.

— Ўзимиз?

— Ўзимиз, ҳа, нима бўпти? Халқ ана, деразадан қаранг, мактабни қуришаяпти-ку, маҳалланинг одамлари қураяпти-да.

— Фабрика каттароқ бўлса керак дейман-да, болам.

— Бўлмаса-чи, бундан ўн марта катта бўлади. Нима бўпти? Ҳаммамиз чиқамиз-да. Нима, хотинларнинг қўлидан иш келмайдими? Ўзимизнинг фабрика бўлгандан кейин. . .

— Ҳа, ҳа, болам. . .— Ҳалиги хотин калласини сарак-сарак қилиб, четга қараб ниманидир ўйлайди.

Ҳожия ўзига тикилиб турган хотинларга қараб тепадаги шиорни кўрсатади: «Фабрика қуришда қатнашмаган битга ҳам хотин-қиз қолмасин!»

— Нимага десангиз, фабрика битгандан кейин унда кўпинча хотин-қизларнинг ўзи ишлайди-да.

— Фабрика битгандан кейин мана мунақанги чит ҳам мўл-кўл бўлиб, арзон бўлиб қолар, болам? — дейди яна ҳалиги хотин.

— Албатта.— дейди Ҳожия.

У ҳалиги хотиннинг ҳозир ўзи қизиқиб қолган читга кучи етмаётганини ўйлаб, прилавкага қайтиб киради-да:

— Хола, оламан десангиз нас'яга ҳам сотилади,— дейди газламани қулочига ёйиб.

— Нас'яга-я?

— Ҳа.

Бугун дам олиш куни эди. Ҳожия магазинни мактаб қуручилари иш бошламасдан олдиноқ очди. Лекин бинокор эркаклар харидор хотинлардан олдиноқ пайдо бўлишди.

Ҳожия деразани очаркан, девордан ошиб тушган омонат тахта кўприк тепасида Эргашни кўрди.

Эргаш вагон-ремонт заводида кечки сменада ишларди, эрталаб эса ҳар куни мактаб қурилишига чиқарди. Уни буерда эски бинокор сифатида ишбоши қилиб қўйишган. У «Маориф ойлиги»да маҳалла аҳолиси тўплаган пулга ўз заводидан пишиқ фишт, ёғоч, тунука, ойна олдириб келди. Темир йўл устахонаси негизида қурилаётган вагон-ремонт заводига бунақанги материаллар кўпроқ келиб қолган экан, буни пайқаган Эргаш, Ефим Данилович

блан яхши танишлигидан фойдаланиб, жиндак қитмирлик қилиб бўлса ҳам Найманча бошланғич мактабини кузгача тиклаб олиш учун етарли материални ишқилиб ундирди.

Эргаш кўприк тепасида солдат этиги кийган оёғини кериб, қўлини камарига тираб, мактабнинг тизза бўйи кўтарилиб қолган пойдеворига тикилиб турарди. Пастда Қумрининг эри Мамажоннинг қалласи кўринди. У қўлидаги андавани Эргаш томонга кўтариб кула-кула сўради:

— Ишбоши, кечаги меҳнат полвонингиз келмапти-ку, пойдеворни қандоқ қилиб кўтарамиз?— Мамажон қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулди.

Эргаш ҳам ноилож жилмайди.

Деразадан қараб турган Ҳожияхон ҳам пиқиллаб кулиб юборди.

— Вой, шунча ишласа ҳам терламайди-я полвонингиз, ичида тер-пер деган нарса йўқми дейман,— деди Мамажон ва яна қотиб-қотиб кулди.

Эргаш ҳам завқ қилиб кулиб юборди.

— Эллик беш йилдан бери чиқмаган тер энди чиққани уялгандир-да,— деди Эргаш.

Прилавкага таяниб кулгисини зўрға тийиб турган Ҳожия яна пиқиллаб кулиб юборди.

Гап Қудратиллахўжабой ҳақида эди. Шаҳар ижроия комитетида ва маориф шў'басида мактаб қурилишига маҳаллада қўли бўш одамларнинг ҳаммаси чиқиши керак деган топшириқни олгандан кейин, Эргаш ҳамма қаторида Қудратиллахўжабой эшигини ҳам қоқди. Ёнида Мамажон ҳам бор эди. Қудратиллахўжа эшик очилиши блан юшоқ курсидан дик этиб турди.

— Қани-қани, азизлар, қадамларига ҳасанот, э-э... Жуда, жуда хурсандман, остонамни қутлуғ қилдингиз, тўрға, қани... улуғлар, фуқаромизнинг пешволари...

Эргаш аввал тушунмади, яна бирорта «улуғ зот» кириб келаяптими деб орқасига қаради. Қараса орқасида Мамажондан бошқа ҳечким йўқ. «Демак улуғлар, пешволар ўзимиз экан-да» деди ичида кулиб. Лекин бирдан ғзаби тошиб келди: «Ҳа, тулки!».

Бойдан болалигидан бери ич-ичидан аламзада бўлиб юрган Эргаш уни ҳечқандай баҳонасига қарамай олиб чиқиб кўпчилик орасида роса лой тепдиришга қасд қилган эди. Роса тупроқ ташитиб бир аламмни олай деб, бой, йўқ, деган сари ўчакишиб туриб олди. Бой, тобим йўқ,

деб ҳам кўрди, ўқийдиган болам йўқ, деб ҳам кўрди. Ҳамма қатори пулини берганман, деб ҳам кўрди. Ўзининг бир ыақтлар мачит солдиргандаги «тажрибаси»ни ҳам айтиб кўрди. Учакишган Эргашга ҳечқайси гапи ўтмади.

— Бўлмаса ўзимнинг ўрнибга мардикор ёллаб бераман.— деди бой охири.

— Мардикорларнинг ўзи ўқийдиган мактаб,— деди Эргаш,— ҳечким ёллашмайди, ҳамма бепул ишлаяпти, пул берсангиз ҳам олмайди, мардикор йўқ.

Охири қўймай олиб чиқди. Қўдратиллахўжа мактаб тушаётган жойга келиб, аввал, иморат ундоқ бўлишлиги керак, бундоқ бўлишлиги керак, деб ва'з-насиҳат ўқишга, шу блан қутилиб кетишга уришиб кўрди. Лекин Эргаш иморатнинг тайёр тасдиқланган планини кўрсатиб, ҳечқандай маслаҳат керак эмаслигини, фақат «мана бу эски тупроқни ҳов анави чуқурга қоп блан, замбил блан ташиш кераклигини» билдирди. Бой қора ишда ишламаслик умиди блан, одатдаги кийимида келган эди. Эргаш бунга жўрттага индамади, қайтага ичида севиниб турди. Бой замбил кўтаришга мажбур бўлди. Кейинроқ унга қоп ҳам орқалатдилар, тупроқни Эргашнинг ўзи босиб-босиб солиб бериб турди.

Кеча бойнинг аҳволига чекка-чеккада пиқир-пиқир кулган маҳалла меҳнаткашлари бугун ўзи йўғида уни роса та'рифлаб, яйраб-яйраб кулишди. Бу чин юрак кулгиси бугун ишни ҳам жонлантириб юборди — бу ҳам Эргашнинг кўзлаган мақсадларидан бири эди. Қуручилар кулакула завқ блан ишлашар экан, Эргаш бой ҳақидаги аскияга ўзи ҳам қўшилиб қўярди.

— Ўзи ҳам, дейман, бир вақтлар захматда ўлиб кетган мардикорларининг хоки-покини бугун кечаси блан эсга олаиб чиққандир.

— Ҳарбирининг отини «рахматлик» деб тилга олди, десангиз-чи.

— Бугун ҳам олиб чиқиш керак эди, мен атайлаб четанзамбил ясаб келувдим-а.

— Э, қўйинг, бир маза қилиб кулдик бўлди-да, унинг қилган иши нима бўларди?!

— Одамнинг раҳми келиб кетди, бояқишга.

Яна роса кулги кўтарилди. Кулги магазиннинг очиқ деразасидан баралла эшитилиб турарди. Кириб келган хотинлар орасида Рувзон хола бунга э'тибор берди. Ҳо-жиянинг кулавериб қизариб кетган юзига қаради.

— Ўзлари зап чақчақлашиб ишлашаяпти.— деди Рузвон хола ясама ўпка блан,— хотинларга бир оғиз бир нарса дейишмади. Қайси ҳам бухороли бир хотин, ўзи ўлиб кетган экан бечора, катта бир йиғинда бир гап айтган экан, жуда тўғри айтган экан-да. Хотин-қизнинг бошидан беш қават зулм ўтган деган экан, ўша раҳматлик. Шунинг бири эр зулми деган экан. Тўғри айтган...

Хотинлардан кимдир аксириб юборди.

— Ана,— деди Рузвон хола,— ҳаққаст рост. Ана эр-каклар, ўзлари ишлашаяпти, бизга бир оғиз «ҳашарга келинлар» дейишгани йўқ. Тўрт қават зулмнинг ҳаммаси супуриб ташланган бўлса ҳам, булар ҳали шўро даврида ҳам зулмини ўтказаяпти. Нима, бизнинг улардан нимамиз кам?

Ҳожия кулиб юборди. Хотинлар ҳам қўшилиб кетишди. Рузвон хола ўзи ҳам маза қилиб кулди.

— Ҳазиллашаяпман, ҳай қизлар,— деди Рузвон хола ёнидаги кампирларга қараб,— булар золим эмас, булар ўзимизнинг айланиб-ўргилиб кетай меҳрибон эркакларимиз. Бизларга писанд бўладиган иш йўқлигидан чақиришмагандир-да.

Хотинлар яна ҳаҳолаб кулишди. Хотинлар кулгиси қурилишдагиларга ҳам баралла эшитилиб турарди.

Эргаш қичқирди:

— Ҳой хотинлар, сизлардан кўрқдик, мактаб деб адашиб фабрика қуриб қўйманглар деб кўрқдик!

Қурилишда ҳам кулги кўтарилди.

— Бизнинг ҳам навбатимиз келар,— деб қичқирди Рузвон хола деразадан бошини чиқариб,— қараб тур ҳамманг, фабрика қурилабошлаганда биттангни айтармиканмиз, яқин йўлатмаймиз, худо хоҳласа!..

Иккиёқда ҳам кулги узоқ давом этди. Рузвон хола кулиб чарчаб, «ух» деди-да, дераза тагидаги кўрпачага чордана қуриб ўтирди. Бирор «ойимча»нинг жамолини кўрармиканман деб, деразадан чойнагидан олдин бошини суққан Марайимчаққон Анзираткампирнинг буришган башарасига дуч келиб, ўзини гишт устига ташлаб қочди. Анзираткампир чойнақни деразадан олиб Рузвон хола ёнига чўкди.

— Ҳордиқ чиқарадиган жой бўпти-да, айланай овсин, келинингиз қўли дард кўрмасин,— деди у.

Ҳожиянинг қизариб юзини четга олганини кўрган Рузвон хола гапни алақситди:

— Роса кулдинг-э, яшариб қолибмизми, нимабало.

— Айланай овсин, шукур қилдик — бу кунларга ҳам етдик.

— Шукур қилгандан эмас, Анзират хола,— деди Ҳо-
жия прилавканинг ичкарисидан туриб.— Сиз Қудратил-
лахўжабой дўкончасида тепа туйнукнинг сариқ қоғозига
тикилиб ҳам «Шукур қилинглар, худовандаи карим мана
шу ёруғлигидан ҳам маҳрум қилса нима қилардинглар?»
дегансиз...

Бу вақт очиқ турган магазин эшигида Башорат блан
Турсуной кўринди. Улар иккови ҳам бирхил — қизил хол-
хол чит кўйлак, белларини сиқиб турган кичкинагина қора
нимча кийиб, сочларини майда ўришган. Башоратнинг
ююмалоқ юзи лўппигина, кенг ёноқлари кўзини қисиб
турипти, Турсуной бўлса оқиш, узунчоқ юзли, кўзлари
катта-катта. Улар эшикнинг бир ёнига ўтиб гапга қулоқ
солдилар. Башорат Ҳожиия блан кўришишга шошилган
синглисини, гапга халақит берма дегандек, бир қўли блан
тўсиб тўхтатди-да, Анзираткампирга тикилиб қолди. Кў-
ришишни ҳам унутиб, байт ўқиб юборди:

— Ҳама дарду аламини ўзгинанг ют,
Гар урса ўнг юзингга, чап юзинг тут,
Золим зулм айласа сенга, шукур қил...

Шунақами, Анзират хола?

Анзираткампир, қиз тушмагур ҳазиллашаяпти, деб ку-
либ юбормоқчи эди, Башоратнинг жиддий қарашини кў-
риб, анқайиб қолди. Бошқалар ҳам Башоратга қарадилар.

— Бизнинг битта муаллимимиз қизларга ҳадеб мана
шунақанги «шукурчилик»ни ўргатавергани учун ишдан
ҳайдалди.— деди Башорат.

— Вой ўлмасам, шукур деса ишдан ҳайдар эканми?—
деди Анзират.

— Йўқ, у ўзи шукур демас эди, у бизларга биров
зулм қилса ҳам шукур деб турадиган итоатли кул бўлиш-
ни ўргатмоқчи эди,— Башорат ҳаяжонланиб Ҳожиия опаси-
га қаради.— Ҳожиия опа, бизнинг мактабимизга кеча
Абдисамат акам келди, уни комсомол юборипти. Ҳамма
ўқучиларни йиғиб мажлис ўтказди. Наимийни мажлисга
солдик...

— Ҳайдалдими?

— Мен ҳам гапирдим, Ҳожиия опа. У менни ҳақорат
қилган эди...

— Нима деб гапирдинг?

Башорат прилавка ёнида, минбар ёпида тургандек қаддини ростлади, ўтирган кампирларга, тикка турган хотинларга қаради:

— Менинг оймни... артель очгани учун душманлар пичоқ уриб кетди, дедим. Энди мен, дедим, мана бизлар, дедим, шукур деб қараб ўтиришимиз керакми? Йўқ! Биз бунга бош эгиб қуллуқ қилиб турмаймиз, дедим. Наимий ўргатгандай, Анзират хола айтгандай, дедим...

— Вой шўрим, мажлисда шунақа дедингми, қизим?

— Ҳа, булар ўргатгандай шукур деб турсак дедим, эртага Жўрахон опамни ҳам, Бурнашева аямни ҳам, Софья опамни ҳам, борингки ўзимизни ҳам бир қоронғи муюшда ушлаб ўлдириб кетади, дедим! Уқучи қизлар «Тўғри!» деб қичқиришди. «Наимий бизни ўқитмасин!», дейишди, «Керак эмас!», «Наимийда ўқимаймиз!» деб шовқин солиб юборишди. Ғайникамол деган ўртоғим бор, роса гапирди, Жўрахон опамнинг судда гапирганини кўрганмисиз, худди ўшанақа қилиб гапирди. Наимий мактабдан ҳайдалипти, бугун Бурнашева аямиз айтдилар.

Анзираткампир қути учиб ўрнидан турди, Башоратнинг ёнига келиб, унинг бошини кўкрагига тортди.

— Вой болагинам, мен Онахонга пичоқ урган ўша юзинг тескари бўлгурларнинг инини қуритишга қарши бўлармидим, ўргилиб кетай, сизларга яна чўри бўлгин деб та'лим берадиган ўшанақа домла бўлса уни ҳайдаб ажаб қилибсизлар. Мен шукур дейишнинг мунақанги ёмон эканини тушунмаган эканман, энди айтмаганим бўлсин. Худога шукурки, кўнглимда унақанги ёмон ният йўқ, қизим.

— Ана тагин айтдингиз, хола,— деди Турсуной.

— Нима дедим, болам?

— Худога шукур, дедингиз!..

Ҳамма кулди. Анзираткампир ўнғайсизланиб ўзи ҳам кулди.

— Ҳа энди, болам, шу замонларга етказганига биз кампирлар дуо қилмай нима ҳам қиламиз.

Гапга Ҳожияхон аралашди.

— Дуо бошқа, ҳар нарсага рози бўлиб, қуллуқ қилиб туриш бошқа. Ана Назокат опам, эри артельга бормайсан деб бир урипти, индамаган экан яна урипти, учинчисида Назокат опамнинг ғазаби қўзғаб «Ҳаққингиз йўқ, судга бераман, Матқовул дўкондорга ўхшаб турмага кетасиз»

деб қаттиқ турган экан, Нормат акам ўйлашиб қолипти. Ушандан бери индамасмиш. Урганига рози бўлаверса нима бўларди? Вой ўлай, ана ўзи, эшитиб қолди шекилли.

Тахта кўприк тепасида катта четан замбилни ерга қўйиб дам олаётган Норматпаранг кўринди. Хотинлар деразага қарадилар.

— Эшитса эшитар,— деди Рузвон хола жўрттага қаттиқ овоз блан,— нимага уради бўлмаса!

Норматпаранг эшитса ҳам эшитмаганга олиб, хотинлар томонга ер тагидан қаради-да, кафтига бир туфлаб замбилни яна кўтарди.

Башорат блан Турсуной Ҳожия опалари ёнига — прилавканинг нар'ёғига ўтдилар. Опаларини қучоқлаб яшикка ўтирдилар. Прилавка орқасидан уларнинг бошларигина кўриниб турарди.

— Уришмайсиз-да, Ҳожия опа, эрталаб келиб қарашаман деган эдим, кеч қолдим, ўзингиз сув селиб супуриб қўйибсиз,— деди Башорат.

— Бугун магазинни азонда очган эдим.— деди Ҳожия негадир деразага қараб қўйиб,— ҳаммасига ўзим улгурдим.

— Мен-чи, Ҳожия опа, эрталабдан бери комсомолга ўтишга тайёрландим. Абдисамат акам мажлисда айтди, мактабимизда комсомол ячейкаси очиладиган бўлди. Биз, олтита қиз, биринчи бўлиб комсомолга ўтадиган бўлдик. Вой, қандай бўларкин... Энди ҳар куни тайёрланаман. Бугун мана бу.— Башорат синглисини кўрсатди,— қўярда-қўймай олиб чиқди. Ҳожия опамга борамиз, деб туриб олди, қаёқдан ҳам бир гап топипти — ашула, ашула дейди, сизда ашула бўлармиш..

Бир қўлида дафтар, бир қўлида қалам ушлаб турган Турсуной ерга қаради.

— Қанақа ашула, Турсуной?— сўради Ҳожия.

— Ҳожия опа, биз артельда ашула тўгараги туздик. Дутор блан ашула айтадиган тўгарак. Софья опам ашулаларимизни айтдириб кўрдилар. Кейин «ҳаммаси кўк-қўйлакчиларнинг ашулалари экан» дедилар, артельга катта хотинларнинг ашуласи керак экан. Тошкентдаги китоб магазинида Ҳамза Ҳакимзода ёзган катта хотинларнинг ашуласи бор экан. Сиз чит олгани борарсиз-у... Қачон борасиз?..

— Бўпти, мен сенга Ҳамза Ҳакимзоданинг «Атргул» деган ашула китобини топиб бераман.

— Вой опажон-эй! — Турсуной уялчанлигини ҳам унутиб Ҳожияни қучоқлаб олди.

Лекин Ҳожиянинг бошида бўлак ўй. У Башоратнинг ҳозирги гапи ҳақида ўйлаб қолди. Худди шундай гапни куни-кеча унга Эргаш ҳам гапирган эди. Башорат-ку оддий қилиб «комсомолга кираман» деб айтиб қўяқолди, Эргаш бўлса худди шунга ўхшаган гапини бутунлай бошқача, бутун умрида бундай катта воқиа биринчи марта бўлаётгандай чинакам ҳаяжон блан ва ҳатто бироз кўрқув блан гапирган эди. Чиндан ҳам иккиси бир-бирига ўхшаган гап: Эргаш партияга киришга тайёрланаяпти, Башорат бўлса комсомолга. Лекин нима учун Эргаш мунча саросимада. Рузвон хола ҳам гапирди. Кечалари блан ўйлаб, юриб чиқармиш. Бутун қилган ишларини эслармиш, эслолмаганини онасидан синчиклаб сўрармиш. Ҳожияга ҳам очиғини айтди: «Ефим Данилович менинг ҳақимда жуда катта кетаяпти, мен бўлса...»

Мен бўлсам ҳечнарада йўқман, демадию, ҳарҳолда, бироз ваҳимага тушиб қолгани аниқ эди. Ҳожия унга раҳми ҳам келди, ёрдам бергиси ҳам келди — лекин нима ҳам қилаоларди...

Мана ҳозир ўйлаб қолди: бу воқияни мана шундай, Башоратдеккина баҳолаб қўяқолса бўлмасмикан. Мана сра саросимасиз, оддийгина қилиб гапирди-қўйди. Бунинг айтгани ҳам ўзига яраша катта воқиа, ахир. Нега Эргаш ўзини ўзи қийнайди? Кечалари ухламагани-чи... Айниқса шуниси оғир тушди Ҳожияхонга.

Прилавка ёнига иккита нотаниш хотин келди. Улар, дам қучоқлашиб чақчақлашиб, дам жиддий гаплашаётган ёш қизларга қараб турдилар.

— Ҳожияхон синглим...— деди хотинлардан бири.

— Лаббай,— деб ўрнидан турди Ҳожия. Чақирган хотинга тикилиб қараб турди-да, бирдан севиниб кетди.— Вой, Холнисохон опа! Яҳшимисиз, эсон-омон юрибсизми, ўғилчангиз катта бўлаяптими? Омон-эсон бормисиз?

Холнисо тўлишиб, юзларига қизил югуриб, юмюма-лоқ, чиройли бўлиб кетган эди. Бақувват билаклари ҳарвақтдагидай шимариғлиқ, ишинг бўлса қарашиб ташлай деб тургандай, содда ва очиқ эди.

— Ҳов анави капалак гулли Масков читингнинг нусхасини кўриб келдим, синглим, жуда ҳавасим келди.

У магазиндаги энг қимматбаҳо газмолни кўрсатди.

Ҳожия тоқчадан тойни андиша бланроқ олиб прилавкага қўйдию, баҳосини билиб ҳавсаласи пир бўлади деб қўрқиб, кутиб турди.

— Бир кийимлик қилиб бер-чи, синглим,— деди Холниса.

Ҳожия газга солгани иккиланиброқ турдию, ростини айтиб қўяқолди:

— Қимматроқ, Холниса опа, лекин хўб десангиз нас'яга ҳам берамиз.

— Нас'яси нимаси, синглим, пулим кўп. Умридан барака топкур Жўрахон суддан кейин яна тўрт йиллик батраклик пулимни ҳам ундириб берди, айланай. Мана бу ерга расмини қўйиб қўйибсан — бошим осмонга етди. Мана бу ҳамқишлоғим, менга эргашиб юрипти, расмини кўраман деб келган эди, энди «ўзини кўрсатинг»га тушиб қолди.

Ёнидаги, ориққина, ўспирин болалардай, мўйлов туки қорайиб турган ўрта ёшлардан ошган қорача хотин Ҳожияга қаради.

— Сиз чучунган қизсиз, болам, айтиб берсам кулманг, қишлоқдан чиққанимда хотинлар Ленин бовани кўрган хотинни зиёрат қилиб келинг, деб тайинлаб юборишган эди...

— Яхши,— деди Ҳожия унга чин юракдан меҳр блан жилмайиб қараб,— Жўрахон опа сизларни кўрса жуда хурсанд бўлади. Лекин буерга қачон келишини айтолмайман... Ҳа айтгандай, ҳар жума куни Онахон опамни кига келиб туради. Ушаерга борсангиз... Мана Холинсо опам биладилар, олиб борадилар. Албатта боринг, опа, хўпми?

— Бўйгинангдан ўргилиб кетай, қизим, орзу-ҳавасингга еткизсин, яхши ўғиллар кўргин, болам, қишлоқдаги хотинларнинг боши осмонга етади-я. Ленин бовани кўрган бўлса ахир...

Ҳожия Холнисога капалак гулли четдан бир кийимлик ўлчаб бергандан кейин, прилавка ёнига Қумри келди.

— Ҳожия қизим, ҳов анави деворга ёпиштирган сура-тингдаги сирли тоғарами, болам?

— Бола чўмилтирадиган, Қумри келиноийи.

— Ҳа-ҳа, бизнинг артельнинг ясласидагидан экан-да. Уни нега деворга ёпиштириб қўйибсан, ё магазинда сотиладигани борми?

— Плакатда болани чўмилтириш тартиби ёзилган, ўқиб берайми?

— Йўқ, болам, ясида кўриб ўрганиб олганман. Лекин...

— Сизга ўша сирли тоғорадан керакми?

— Магазинингда йўқ шекилли, қизим.

— Керак бўлса мен топиб олиб келаман. Ҳозир, мен отингизни ёзиб қўяй, икки кундан кейин келиб оласиз. Мана сиздақадан уч киши ёзилди.— Ҳожия прилавканинг клеёнкаси тагидан узунчоқ дафтарини олиб «Қумри келинойига — битта эмаль тоғора» деб ёзиб қўйди.

Кейин шу дафтарида ярим варағини йиртди-да, ён-верига қараб қўйиб «Ярашайлик. Кечроқ бир келинг, гапим бор» деб ёзди, буклаб кафтига яширди. Пастда Анзираткамбир блан масала талашиб чой ичиб ўтирган Рузвон холага ер тагидан қараб қўйди-да, Башоратни бурчакка имлади.

— Шуни, чопқиллаб чиқиб Эргаш аканга бер. Ҳечким йўқ жойда бер... Менга қара, энгингни ичига бекитиб ол.

— Юр, Турсун! — деди Башорат.

Опа-сингил етаклашиб чопқиллаб чиқиб кетдилар. Турсуной югуриб кетаётди деразадан қичқирди:

— Ҳожия опа, билиб олдим, ашула китобни топиб бермасангиз... ҳа!..

Башорат сингисининг оғзини кафти блан тўсиб, чимдиб-чимдиб, судраб олиб кетди.

Қурилишда йигирмага яқин киши ишламоқда эди. Пойдевор устига ғишт теришмоқда, почасини тиззасига шимариб олган серсоқол уста деворни от мингандай миниб олиб, шериги узатиб турган ғиштни хамирдай ёйилган лой устига ёпиштиради-да, болғачаси блан «тиқ» этиб уриб қўяди. Деворнинг бир ёни анча баланд бўлиб, мактабнинг ҳовли томондан деразасими, эшигимми шаклланиб қолган эди, уерда тепага лайлак ҳавоза блан пақирлаб лой кўтаришяпти, узун тахта ва ёғочларни чалакам-чати михлаб, омонат шоти, кўприк, зиналар қилишипти, Мамажон лойхонада туриб олиб, тепадаги бир чолга лўмбоз ирғитиб турипти, лўмбоз ҳам худди жонли нарсадай, худди ўзи билиб учгандай, майингина учиб, «чип» этиб йигитнинг қўлгинасига тушади. Турсуной лой отишни тамоша қилиб қолди — «Бу амакилар копток ўйнаса ҳам, ҳечкимни олдига туширмас экан!» деб ўйлади у. Лўмбоз

- оғир бўлса ҳам коптокдек енгил учар ва ҳарсафар бир баландликка, бирхил тезликда учиб, чол аллақаяёққа қараб турган бўлса ҳам, худди қўлига бориб тушақолар эди. Опаси, Эргашни кўриб, енгидан тортиб қолмаганида, Турсуной бу завқли ўйинга ўхшаган ишни роса тамоша қилар экан.

Эргаш лой қўли блан картон қоғоздаги мактаб планини ушлаб, хода тепасида турарди.

— Эргаш ака, мактабимизнинг эшиги қаёқдан бўлади?— деди Турсуной дарров.

Эргаш қаёқдандир қўлига кириб қолган бир парча қоғозга кўз солиб, саволни эшитмади.

— Эргаш ака, Башорат опам комсомолга кираяпти,— деди яна Турсуной саволига жавоб кутмасдан.

— А? Комсомолга?— Эргаш хатдаги гапданми, қизчанинг гапиданми, бирдан йилтиллаб кетган кўзлари блан иккала қизни ҳам бошдан-оёқ кузатиб чиқди.— Қани, қани буёққа келинглари-чи.

У қизларни Норматпаранг ҳовлисида шох ташлаб турган лайлак уяли кекса бақатеракнинг соясига бошлади.

— Ҳа, комсомолга ўтаман, Эргаш ака,— деди Башорат.— Сиз комсомол бўлганмисиз?

— Менми... мен, иҳи-иҳи,— йўталди Эргаш,— мен комсомол бўлган эмасман... Менга қара, Башорат...— қизга кўзларини пирпиратиб қаради,— сен... сен тайёрланиб бўлдингми, а?

— Йўқ, мен ҳар куни тайёрланапман.

— Ҳа, вот, тўғри, тайёрланиш керак, мен ҳам... ҳали тайёрланиб бўлганим йўқ.

— Сиз ҳам комсомолга ўтаяпсизми?!— деди Турсуной кўзларини катта очиб.

— Йўқ, мен партияга ўтмоқчиман.

Башоратнинг иссиғи чиқиб кетди, қочиб кетмоқчи бўлгандай аланглади. «Қандоқ бўлди — у партияга ўтадиган, мен комсомолга ўтадиган одам бўлсам... Шунақа ишлар блан шуғулланиб... Ҳозир яшириқча хат олиб келганим учун сўкиб қолса-я?»

Сўкиш-нетиш Эргашнинг хаёлида ҳам йўқ эди.

— Менга қара, Башорат... сен ҳалиги... ҳовлиқиб кетаётганинг йўқми, хўш, ҳалиги, юрагинг дукиллаб кетаётгани йўқми?

— Нимага?

— Ҳа, тўғри.. ваҳимага тушиш керак эмас. Ҳаяжонланиш тўғри, чунки бу шарафли иш, лекин саросима бўлиб қолишнинг ҳеч ўрни йўқ.

Эргаш ўзига Ефим Данилович айтган гапларни такрорламоқда эди, бу ўзининг ҳаяжонини ўзидан яшириш учун, ўзига далда бериш учун эди.

— Ну, қўлни беринг! Муваффақият тилайман!

— Сизга ҳам, Эргаш ака! — деди Башорат қўлини бериб. — Сиз-чи, ҳеч кўрқманг, партияни яхши кўрасизми — бўлди. Сизни олаверади.

«О, қизалоғ-эй, деб ўйлади Эргаш иягини уқалаб қизлар кетидан қараб қоларкан, — шу ҳам фаҳмлади-я..» Энди у чинакам дадил бўлишга қарор берди. «Партияни яхши кўрасизми — бўлди, олаверади!» Ҳа, олади! Ҳаяжонланганим балки қаттиқ яхши кўрганимдандир?»

Эргаш Ҳожияхоннинг олдига қандай боришни ўйлаб қолди, юраги дук-дук тепабошлади. «Бу-чи? Бу нимадан?» деди у кўкрагини ушлаб. «Бу ҳам шундан. Демак, яхши кўрганим рост, экан. Лекин яхши кўрган одам ҳаяжонни енгиши керак».

Хатда «кечроқ» дейилганига қарамай, тез-тез қўлини ювиб, камарини бир бўғин силжитиб, гимнастёрка, этигини солдатчасига икки қўллаб орқага тортди-да, бироз ясамароқ дадиллик билан магазин томонга юрди.

Магазиннинг очиқ деразасига бош суқмоқчи бўлган эди, чойнак кўтариб ўрнидан турган Рузвон хола билан юзма-юз келиб қолди.

Бир қадам орқага чекиниб, «ассаломалайкум, ойи» деб юборди.

— Вой, она-бола узоқ-узоқ кўришмай ҳам қоласизлар дейман, овсин? — деди Анзираткампир.

Эргашнинг ўзини йўқотиброқ турганини кўрган Ҳожия «кечроқ демовдимми» дегандай қия қараб қўйди. Ҳамма гапни бошданоқ, хат ёзилишиданоқ пайқаб турган Рузвон хола уларни ноқулай аҳволдан чиқарди:

— Ҳа-я, овсинжон, шу денг, икковимиз ҳам ишда бўлиб, икки кунлаб дийдор кўришмай кетамиз. Қел, ўғлим, эсон-омонмисан?

Уларнинг ҳалигина уйдан бирга чиққанини билган Ҳожия бу қуюқ саломлашувга пиқиллаб кулиб юборай деди.

— Қани келақол, болам, тортинма,— давом этди Рузвон хола,— буюрда ҳаммаси ўз оналаринг, ўз опаларинг, ўз сингилларинг, ўз...

Ҳожия бу қизиқчи кампир бир нарса деб юборадими деб гапни бўлди:

— Фабрика қурилиши ҳақида бирор янгилик билмайсизми деб, мен чақиртирган эдим, Эргаш ака.

Эргаш Ҳожиянинг ҳам бу гапни ҳозир бир чеккаси, ўнғайсиз ҳолатдан чиқиш учун жуда усталик блан топилган гап эканини пайқади-да, деразага икки тирсагини қўйиб, бошини ичкари суқди.

— Ҳа-ҳа, шунга чақиртирган эдим денг?— деди жиддий бўлишга тиришиб.— Ҳа, бор, янгилик бор.

— Қани-қани, болам. Шовқин солманглар, ҳай қизлар.

— Янгилик шуки, фабрика, афтидан, бизнинг Найманчада қуриладиганга ўхшаб турипти.

— Ҳай, ҳазиллашмасдан гапир, болам...

— Рост. Рост.

Магазиннинг ичи гув келиб кетди. Ҳожия қарсақ бошлаб юборди. «Вой тилгинанга шакар, Эргашвой!», «Айтганинг келсин-э!» деган товушлар эшитилди.

— Тўхта, ўғлим, сен мундоқ буёққа киргин, бунақангги гапни шу топгача ичингда сақлаб юрганнинг қара-ю, тагин деразадан туриб гапирганинг нимаси? — деди онаси.

— Ичкарига кириб, жўнроқ қилиб гапириб беринг...— деди Ҳожия ва кулиб, кўзини пастга олди.

Эргаш эшикдан айланиб ичкарига кирди. Хотинларнинг ҳечқайсиниси ундан юзини яширмади, ўзининг хушхабари, очиқ кўнгиллиги блан бу йигит хотинларга бир нафасда қариндошдай бўлиб қолди.

— Нимасини жўнроқ қилиб айтаман, гап шу. Ефим Данилович аниқ айтди. У киши шаҳарда янги фабриканинг жойини аниқлаш учун тузилган ҳукумат комиссиясининг а'зоси эмасилар. Улар ўн кундан бери маслаҳатлашишади, ҳамма жойларни кўриб чиқишди. Охири, Ефим Даниловичнинг таклифи блан чамамда, фабрика мана шу Найманчада қуриладиган бўпти.

— Найманчанинг ўзида-я?

— Ўзида деб, нима, десам... албатта ўртасига эмас, бўшроқ ётган жойда қурилиши керак. Бу атрофда бўш жой — мана бу Қўштегирмоннинг йўлида ўт-алаф босиб ётган жойлар. Чамамда, ана ўша жой мўлжалланган.

— У жой тор-ку?— деди Ҳожия.

— Нимага тор бўлади? Мана бунақаси катта йўл бузилса, чангал тепанинг ўзи тўрт гектар келади, етмайдиган бўлса, нар'ёги эски гўристондан қиттак...

— Вой, ўлмасам, тавба-тавба, тавба дегин, ўғлим,— Анзираткампир кўксига туфлаб-туфлаб четроқча чиқди.— Пойинтар-сойинтар гапингни қўй, фабрика соламан деб гўристонни бузадими, ахир сал нарироқда Ҳазоршайх пирымнинг мозори шарифлари бор а!

Ҳожия бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, ҳамма хотинларнинг ўпғайсиз жимликда қолганини кўриб, сўзи оғзида қолди. Жимлик узоқ давом этди, ба'зи хотинлар ўзини четроқча олиб, юзини бекитди. Эргаш Ҳожиянинг ма'ноли назарини пайқаб, гапини тузатмоқчи бўлди.

— Йўқ, мен, ҳалиги... ўзимнинг фикримни айтаяпман-да, жой торлик қилиб қолса дейман, шундоқ гўристонга ҳам ёнма-ён бўлиб қолади дейман-да.

— Уерда шундоқ ҳам жой етарлик ўзи, Эргаш ака,— деди Ҳожия.

Хотинлар унинг гапига қўшилиб кетишди, нуқулай жимлик унутилди. Эргаш чиқиб кетгандан кейин янги хурсандчилик хабарни қўни-қўшнига айтиб тезроқ ёзилиш учун хотинлар ҳам тарқалабошлашди.

Анчадан кейин Ҳожиянинг ўзи ёлғиз қолди. Магазинни тушликка ёпиб, жиндак уёқ-буёқни супуриб-сидирай деб, ашула блан ишга киришган эди, деразада Эргашнинг жилмайган юзи кўринди...

Ўн олтинчи боб

Инженер Сергей Львович Добротворцев то сўнги йилларга қадар ўз умрини фойдасиз ва ма'носиз ўтиб кетганга чиқариб юрди. «Қуриш, яратиш учун туғилган ва ўқиган эдим, умрим эса даҳшатли емиришлар даврига тўғри келди. Менинг фожиам — мана шу» дер эди, бу блан ўзининг ҳеч нарсага қўл ургиси келмай бекор юрганини оқлашга тиришарди.

Ота-онаси новгородли мешчанлардан бўлиб, ўғилларининг бола-чақали бўлган кунини кўролмайд ўлиб кетдилар. Сергей аллақайси акционер-юристар компаниясининг а'зоси, оренбургли адвокат Варнавскийникига

Ўзбекча қилиб айтганда, ичкуёв бўлиб келди. Маргарита Варнавская ўзининг иштирок этиш-этмаслиги блан катта-катта балларнинг мавқи'ини белгилайдиган гўзаллардан бўлиб, Сергей ҳақида ўз отаси блан бир фикрда эди: ўзи аянч бўлишига қарамай бировларни аяйдиган раҳмдил гадо. Маргаританинг акаси оқгвардиячи поручик Алексей Сергей блан кўп олишар, уни гуманист, пессимист, пацифист, яна алланимабало «ист-ист»лар блан атар эди. Сергей уни очикдан-очик ёмон кўрар, талашиб қолганларида юзига туфлаб ташлагудек бўлиб сўкар эди. Оқгвардиячи бўлгани учун эмас, албатта. Балки қизил гвардиячи бўлганида ҳам сўкарди. Сергей учун бунинг фарқи йўқ эди. Броқ Сергей қон тўкишга, вайроналикка бефарқ қарайолмасди.

— Мен бинокор инженер бўлиб умримда биронта иморат қурганим йўқ! — дер эди у ғазабидан титраб. — Мен беш йил тишимни-тишимга қўйиб уруш тугашини кутдим, ундан кейин революция дединглар, сўнгги кучимни тўллаб бунинг охирини кутдим, энди мана тагин... Нима қилаяпсизлар, нима керак сизларга, мен бирор нарса қураармиканман деган орзу блан ўн беш йил ўқидим, ўн йил азобда кутдим. Менинг йигирма беш йиллик умрим зойи' кетди. Мен ҳеч нарса қураолган эмасман. Сиз бўлса ҳамон емирасиз. Мен сизнинг даҳшатли емиручилик ишингизни ўн йилдан бери тамоша қилаяпман, бу ўн йил ичида мамлакат култепага айланиб кетди, бу ўн йил ичида биронта янги бино солингани йўқ! Нима керак сизларга? Нима қилмоқчисизлар?

— Большевикларга айтинг бу гапларингизни, жаноб инженер,— дерди погонига бино қўйиб думоғи шишган Алексей.

1922 йилнинг боши эди. Бир куни Маргарита Сергейнинг олдига келиб сафарга отланишни буюрди.

— Парижга? Бутунлай? Россияни бутунлай ташлаб-а?

— Ҳа, биз дадам блан келишиб бўлдик, отланақол, ўйлаб ўтиришга вақт йўқ.

Сергейнинг тепа сочи тикка турди: Россиядан кетармиш-у, ўйлаб ўтирмасмиш. Уни роса топтаб, ваҳшийларча, вайронага айлантириб, энди бутунлай ташлаб кетармиш-у, ўйлаб ўтирмасмиш...

— Нима деяпсан? Йўқол кўзимдан! Қаерда туғилгансан ўзинг? Юрак бағринг қон бўлмадими? Буни қара, бу

юртингни қара! Сен кимсан! Сен Россияни ташлаб кетаяпсанми?

— Сен шу вайрона устида большевиклар блан қолмоқчимисан?

— Ким бўлса бўлсин, Россияни ташлаб кетмайдиганлар блан қоламан!

Маргарита уни бу хонадонга қандай кириб келган бўлса худди шу ҳолича: бир костюм, битта фетр шляпа ва ҳали ишлатилмаган готовальняси блан қолдириб кетди. Қонундан бошқани танимайдиган, кекса, лақма, ифте'фодаги адвокат, маслаксиз қайнатасининг сумдон бўлгани Сергейни ташвишлантирмади, лекин гевган хотинининг уни ярамас бир буюмдай ташлаб кетгани... Сергей ўзининг ҳаётниг энг охирги илинжидан ҳам маҳрум бўлганини алам блан ҳис этиб, нома'лум тақдирнинг шафқатсиз қўлида қаққайиб қолди.

Сергей, очликдан букчайиб қолган, заводларнинг бўмбўш корпусларини айланиб, кўринган тахта-ходани ўтин деб уйига судраб кетаётган ишчиларнинг мақсадини, энди нима қилмоқчи бўлганликларини билмас,— революция деган буюк харобани етаклаб келган бу одамлар унга ёт туюлар эди. Инженер Добротворцевнинг янчилган келажаги, тақдири блан иши бўлмаган бу одамлар энди нима қилмоқчи? Улар мамлакатни қаёққа олиб боради? Яна бундан ҳам даҳшатлироқ ҳалокатгами?

Добротворцевни бозорда зажигалка сотиб юрган еридан олиб кетиб, вайрон бўлган бир фабрикани тиклашда бинокор инженер бўлиб ишлашини таклиф қилдилар. Инженер бу таклифни узоқ ўйлагандан кейин, унда қандайдир умид учқунини пайқаб, ишлашга рози бўлди. Ишчилар уни сенлаб гапирдилар, ўзлари баббаравар тупроқ ташишга, хода кўтаришга ҳам мажбур этдилар. Буларнинг ҳаммаси ғайри табиий туюлса ҳам, Добротворцевга қаттиқ ботмади, кейин-кейин бориб ҳатто ёқиб ҳам кетди. Броқ кўп вақт ўтмай уни орқаваротдан «спец» деб атаётганларини пайқаб қолди. Ишчилар бу сўзни жиндак шубҳа ва жиндак нафрат блан, тахминан, «буржуйнинг сарқити» деган ма'нода ишлатар эдилар. Буни эшитиш, ҳамманинг шубҳа ва нафратини сезиб туриш Сергейга оғир эди. У буни ҳам кўнглига олмасликка уринди, энг муҳими — қўлни бирор иш блан банд қилиш, азобли бекорчиликдан, ёлғизликдан қутилиш керак эди. Лекин Добротворцевнинг оқ эмигрант қайнатаси блан хотини

ҳам тилга олинабошлади. Сергейнинг энг қўрққани шу эди — бу унга бўлган ишончнинг бепандлигидан дарак берарди. Ҳарбир ишчининг кўзига қараса шубҳа ва нафрат аломати кўргандай бўлар, биров қаттиқроқ гапирса, ҳозир қайнатамни тилга олади, деб қўрқиб турар, кўча-кўйдан ўтиб қолса, ҳарбир нарса унга ўзини умрбод шалтоғига кўмиб кетган ўша бадбин сотқинларни эслатар эди. Бу ҳиссиёт бориб-бориб чидаб бўлмайдиган доимий бир азобга айланди.

Сергейда оғир қашшоқликда қаҳрамонларча ишлаб вайроналарни тиклаётган ишчиларга меҳр тугилиб қолган эди, лекин нима қилаолади — бу меҳрга энди ким ишонади, уларнинг шубҳаси ва нафрати ўринли, ахир — Добротворцев ўз айби блан четга сурилган, энди ҳеч нарсага ярамайдиган, кераксиз одам эканини, қуриш, одамлар учун бир нарса яратиш орзулари ҳам, эсиз умр ҳам соб бўлганини тан олди. Ҳарбир муюши, ҳарбир одами унинг ватанига хиёнат қилган қариндошларини эслатадиган Новгороддан дом-дараксиз бадар йўқолиб кетиш бирдан-бир йўл эди. У шундай қарорга келди. Ғо-йиб бўлди.

Мана, янги жойга келиб, одамларнинг назаридан яшириниб, умрининг қолган зерикарли кунларини санаб яшай бошлаганига бир йил бўлай деб қолганида, уни яна пайқаб қолдилар. Яна ташвишли, яна ғалати, бир чеккаси жиндак умид ва қувонч ваъда этаётган кунлар бошланди. Шаҳар коммунал хўжалиги идорасида, уй-жой планларининг нусхасини кўчириш блан овора бўлган, унутилган Добротворцевни яна инженер сифатида тилга олдилар. Утган куни, эрталаб, Добротворцев ўзининг ижарага олган хонасида, қуёш қия тушиб турган дераза ромининг бурчагига ин қураётган ўргимчакнинг машаққатли меҳнатини тамоша қилиб ётганида, идорасидан хат ташучи хотин келиб бир парча қоғоз ташлаб кетди. Телефонграмма: тезлик блан шаҳар партия комитетига. . . Партия комитетига!

Добротворцев кўзларига ишонмай, хатни қайта-қайта ўқиди. Янглиш эмасмикан?

Тайинланган кабинетга кириб бориши блан уни чақирган одам «Саломатмисиз, инженер!» деб кўришди. Шунда унинг йўл бўйи қийнаган чигал хаёллари бироз енгиллашди. Ўзини Ковалев деб таништирган, доим ёқимли кулимсираб турадиган, бақувват гавдали бу одам биринчи гапиданоқ инженернинг кўнглига ўтирди. У гўё атайлаб

ҳол-аҳвол сўрагани чақиргандек, нуқул инженернинг кайфияти, сиҳат-саломатлигини, уй-жойи, кундалик ишлари ҳақида суриштирди. Добротворцев бу одамга бутун юрагини ёриб, ҳеч нарсани қўймай ҳамма гапни очиқчасига гапириб бериш зарурлигини кўнглидан сизди. У бошидан ўтган воқиа ва ўйларини бутун тафсилоти блан узоқ ҳикоя қилди. Ҳикоя тутагандан кейин Ковалев қисқа қилиб:

— Биладан, ҳаммасини биладан,— деб қўяқолди.

«Қаёқдан билади? Билса менинг узундан-узоқ ҳикоямни нега мунча диққат блан яна тинглади?» деб ўйлади Добротворцев. Бундан кейин Ковалев унга яна яқинроқ туюлди. Унга ҳеч нарсани яширмай айтиб берганига ўзи ҳам хурсанд бўлди. Бу одам инженернинг тақдирига лоқайд қарамайдиган, унга фақат яхшилик истайдиган, чинакам дўст эди — Добротворцев бунга тўла ишонди.

— Кўриб турибманки, юрагингизда яхши бир дардингиз бор,— деди Ковалев инженер блан ёнма-ён ўтириб.— Билимингизни ишга солиш, халқимиз учун бир яхши иш қилиш, қуриш, яратиш истагингиз бор.

— Бор эди,— деди Добротворцев озгин юзини икки кафтининг орасига олиб,— бор эди, ҳурматли биродар, бу истак, сиз «дард» дедингиз, тўғри, у менинг болалигим блан бирга туғилган эди, у азобда, хорликда ўлди. . .

— Менга қаранг, инженер, биз ҳозир харобаларни ҳам, «ўлган» орзуларни ҳам тирилтираяпмиз. Бу бизнинг тарихий вазифамиз,— деди Ковалев.

— Сиз мени инженер деяпсиз. . .

— Ҳа, инженер дейман ва инженер бўлишингиз ҳам керак. Сиз инженерлик билимидай қимматбаҳо нарсанинг «ўлиб» кетишига, бемаза кайфият ва хаёллар ахлатига кўмилиб ётишига рози бўлган экансиз, биз бунга рози бўлмаймиз. Айниқса шу кунда!

Добротворцев буерга кўчиб келганида ўзининг инженерлик номини, қуриш орзусини қайтиб рўёбга чиқмайдиган нарса деб бутунлай гўрга кўмган, буерларга ҳам шуни унутиш учун келган эди, бу қолоқ шаҳарда тўқимачилик фабрикаси қурилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирган эмас.

У, Ковалевнинг ёнидан қайта тирилгандай бўлиб чиқди. Тўқимачилик фабрикаси. . . Тўқимачилик фабрикаси. . . У ўз-ўзича шивирлар, фабрика қурилишида инженернинг вазифаларини, эски билимларини эслашга уринар эди. Уйга қайтиб келиши блан ўзини китобларга урди. Уну-

тилиб кетгән китобларни титиб ташлади. Ҳали қўлига нима олишни билмас, лекин, худди хазина топган одамдай, китобларни бир-бир ушлаб, ҳарбирини жуда қимматбаҳо нарсадай пайпаслаб, салмоқлаб бир чеккага тахлар эди. Бирвақтлар бу китобларнинг ҳарбирини узоқ қидириб, машаққат блан топган, ҳарбири топилганда терисига сиғмай севинган эди, кейин уларга шу қадар бепарво бўлиб қолганига ўзи хайратда қолди, ҳозир буларнинг ҳарбири гўё олтин эди, у, ўлди деб ўйлаган ноёб дўстларини тўсатдан учратгандай бўлди. Мана унга таниш сатрлар, мана кўзига иссиқ кўринган чертёжлар... Мана ўша бетиним ёшлик, буюк орзу ва қувонч блан диплом ёқлаган студент Серёжа Добротворцев!..

У Ковалевни яна бир кўргиси келиб кетди, ёшлигини топиб бергани учун унга қулоч очгиси келди, ўзининг кабинетдан паришон чиқиб кетганини эслади. Нима деб ўйлаб қолдийкин?.. Унинг сўзларини бир-бир эслади. «Бизнинг тарихий вазифамиз!», «Ҳозир бутун Россия бўйлаб қурилиш кетаётир!» Бутун Россия бўйлаб! Йўқ, Маргарита, мен сендан ҳали қасосимни оламан. Сен ҳали бутун Россия халқининг нафрагига учраб, ватангадо бўлиб ўлиб кетасан. Инженер Сергей Добротворцев ўз юртида фабрика қуради! Ҳатто ўз юртининг энг қолоқ бурчагида! Большевиклар бланми? Ҳа! Большевиклар блан. Ўз Ватанини севадиган, ақлли, бақувват Ковалевлар блан. Ковалев мени билади, у мен латтанинг... менинг ярамас манфур ўтмишимни билади, лекин у менинг орзуларимни тушунади, у менга ишонади.

Добротворцев уч кундан кейин шаҳар ижроия комитетига бориши керак эди. Бу уч кун унинг учун бирнеча йилларга тенг бўлди. У ўзини одам деб сезабошлади, фойдалани одам, одамлар назаридан қочмай, балки ҳамма блан баравар, бошқаларнинг диққатига сазовор бўлган одам деб ҳис этабошлади. Эрталаб туриб у шаҳар кутубхонасига бормоқчи бўлди. Шляпасини олмоқчи эди, қўлини тортиди — бу ёғ босиб кетган эски шляпа унга ёт туюлди: «Спец», оқ эмигрант адвокат Варнавскийнинг куёви... Добротворцев ойнага қаради — ёноқ суяклари туртиб чиққан, бевақт ажин тушган озгин юзини сариқ соқол босган, кўзлари ифодасиз, ёқаси кир... .

У ўзи турадиган хонага, бўйдоқлик турмушига разм солди: дераза пардасининг ипи узилгандан кейин улаб ўтирмай, ўрнига ғижим чойшаб тутиб қўяқолган; ҳам кро-

вать, ҳам диван вазифасини ўтайдиган, пружинаси чўкиб кетган кушетканинг суянчиғини қалин чанг босган; унинг тепасидаги бурчакда қатта ўргимчак уяси. Добротворцев ҳар куни, уст-бошини ҳам ечмай шу диванга чалқанча ётиб соқолини тимдалар ва тиришқоқ ўргимчакнинг машаққатли меҳнатини тамоша қилар: «Тузуқ, инженер Добротворцевдан кўра тузуқсан, ҳарҳолда қураяпсан» деб кўяр эди ўз-ўзича.

Ҳозир унга буларнинг ҳаммаси шуқадар бадбин туюлдики, ўзи-ўзидан уялиб кетди.

Узоқ ўтириб, соқолини қиртишлаб олгандан кейин, ўргимчак уясини супурги учига илиб, ижирғанганича ташқарига чиқариб ташлади. Куни бўйи уй тозалаш блан овра бўлиб, кутубхонага эртасига борди. Уч кунгача кечалари ҳам тинмай китоб титди, бу иш унинг студентлик йилларидан бери қилган ҳамма ишлари ичида энг завқлиси бўлди, у энди ўзининг ҳарбир соат вақти зарур эканини, ўзигагина эмас, кўпчиликка, Ковалевга, унинг ўртоқларига, халққа зарур эканини ҳис қилар эди.

Икки марказий кўчаинг муюшига жойлашган, деразалари паст, пештоқи эса баланд, басавлат сариқ ғиштин бино ўзининг оғирлиги блан ерга чўкиб кетаётгандай кўринар, ярим доира бўлиб ёйилиб кетган майда-майда знанали, икки табақали оғир эшиклари доим очик турадиган параднийси блан чорраҳага қараб оғиз очиб тургандай туюлар эди. Цемент полли вестибюльдандан тиккага қараб кетган ёруғ коридор. Уни кесиб ўтган бошқа бир коридор эса қоронғироқ; ўнда шаҳар партия комитети, чапда эса шаҳар ижроия комитетининг бўлимлари жойлашган кабинетлар қатор тизилган.

Добротворцев бу сафар чапга юрди. Шаҳар ижроия комитети раисининг қабулхонасида, устига газета ёзилган қуруқ стол орқасида бўйи чўзиққина ёш қиз ўтирарди. Добротворцев унинг ичкарига таклиф қилмаганидан раис банд эканини тушунди-да, девор бўйида қатор турган стуллардан бирига ўтирди. Қабулхона бирнеча йиллар ремонтсиз қолган, деворларига сариқ доғлар тушиб кетган бўлса ҳам, озода эди. Ичкаридан овоз эшитилар, лекин сўзлари англашилмас эди, нима деяптийкин, фабрика ҳақида эмасмикин?

Добротворцев сўзларни англашга уриниб, бутун диққатини эшикка қаратганида, коридорда қўпол овоз, дукур-

дукур оёқ товуши эшитилди. Эшик ланг очилиб кетди. Будёновкасини қўлига гижимлаб олган, баджаҳл қиёфада бир йигит қўпол этиги блан дук-дук босиб, гапира-гапира кириб келди.

— Роса гуллапти-е! Томир ёзиб юборипти, азбаройи шифо!

— Нимани айтаяпсиз, ўртоқ Султонов? — сўради қиз.

— Амалдорлик! Тўрачилик!

— Гулингиз нимаси?

— Гул бўлмаса, пўпанак! Одамлар тўрачилик пўпанаги тагида моғорлаб кетипти, этик блан тепсанг «ғиқ» этмайди, падарига ла'нат! Тўрачиликни истеҳком қилиб олган — максим блан ёриб киролмайсан.

— Ўртоқ Султонов, секинроқ...

— Қараб тур ҳали,— деди Эргаш қулоқ солмай, коридор томонга ўдағайлаб,— максим блан эмас, мана шу яланғоч қўлим блан ёриб кирмасам, тепиб-тўзитиб уя-пуйи блан осмонга совурмасам! Порохнинг ҳидини искатиб қўйяй мен сенга! Бекорчиликда биқсиб ўтириб, тўрачиликни жуда гуллапти юборибсан!

— Ўртоқ Султонов, нега буерда шовқин соласиз!

— Сизга гапираяпман. Сиз ҳам жуда каптар сутига чайилгандай бегуноҳман деманг. Ана, қўшни хонада ўтирипти стулга михланган алвастидай бўлиб. Сиз кўра-билатуриб бирнима деганмисиз?!

Қиз бу кутилмаган қўпол гапдан қаттиқ хафа бўлди. Ўрнидан турди, нима дейишини, нима қилишини билмади.

— Кимни айтаётган бўлсангиз, ўзига чиқиб гапиринг,— деди-да жаҳл блан тез юриб чиқиб кетди.

Эргаш ичини қайнатиб юбораётган гапини эшитадиган одам қолмаганидан, бурчакда жим ўтирган Добротворцевга яқинлашди. Ёнида турган бўш стулни тарақ этиб суриб, Добротворцевнинг рўпарасига қўйди-да, оёғини кериб ўтириб олдинга энгашди.

— Эшигига, десангиз, узун соқолли, генералдай бурама мўйловли швейцарни қўйиб қўйипти, эшикнинг дастасидан қўлини олмайди чол. «Хўш, ҳа нима ишингиз бор, аввал айтинг!» эмиш. Э, мен нима дард блан юрибману, ярим соат ўтириб швейцарга айтар эмишман. Балли-е. Жуда мўйловдор бўлсанг ҳам. Ростакам генералнинг ўзини ҳам кўрганмиз. Чолни бирёғлик қилиб, кирдим. Қирсам — полизга қўядиган қўриқчидай бўлиб ўтирипти. Ҳаммаёғи мовут, десангиз; ҳайронман, бунча мовутни

қаёқдан топдийкин. Ҳечнїмадан-ҳечнїма йўқ: «Гапїринг, қисқа қилинг!» дейди. Э, мен ўз арз-додим блан келганим йўқ, фабрика қурилишининг маблағи нима бўлди, дедим. Шунақа десам, ҳайрон, «Қанақа фабрика, қанақа маблағ?» дейди. Фабрика деб бутун шаҳар қайнаб ётиптиу, совнархоз деган бу тўра мовутга ўралиб ўтирипти. Қарорни биламиз, дейди, қарор бошқа, маблағ бошқа эмиш. Маблағ бўлгунча қарор-қарорлигича тураверармиш. Яккаш «Промбюро, промбюро» дейди, мен промбюронгизни танймайман, дедим. Десам, «Мен ҳам сизни танймайман» дейди. Гапни қаранг! Мен нима...

Эргаш рўпарасида нотаниш одам ўтирганини ҳам, у блан саломлашмаганини ҳам ўйламай, худди ҳамма нарса-ни ҳал қиладиган одамга арзини айтаётгандай, гоҳ қўлини пахса қилиб, гоҳ сонига уриб, дам-бадам баджаҳл савол назари блан қараб гапираверди. Добротворцев уни шуернинг ходими бўлса керак деб ҳам ўйлади, устидаги эски солдатча кийимига қараб партизанга ҳам ўхшатди, фабрика ҳақидаги гапларига эса яна ҳайрон бўлди. Эргаш гапирар экан, Добротворцев унинг пишиқ гиштдай қорайиб қизарган озгин юзига мутаносиб келмайдиган бақувват кўкраги ва темирдай чайир билакларига разм солди.

Унинг индамай тикилиб қолганини кўрган Эргаш ўзига келиб, гапидан тўхтади. Урнидан туриб, бироз уёқ-буёққа юрди-да, яна қайтиб келиб ўтирди. Энди бутунлай бошқа юмшоқ товуш блан:

— Кечирасиз, сиз ҳам буёққами?— деб сўради ва раснинг эшигини кўрсатди.

— Ҳа,— деди Добротворцев.

— Мен ҳам шуёққа.

Жим қолишди. Бу жимликда Эргаш ўзининг ноўринроқ жойда бекордан-бекор шовқин солиб қўйганини пайқади. У ўзини бирор гап топиб оқлаши керак эди.

— Биласизми, биров сенга ишониб катта иш топширганидан кейин куйиб-пишмасанг бўлмас экан. Мана хабарингиз бордир, фабрика қурмоқчимиз. Ахир, чакана ишми? Эҳа, ҳали кўп жанжаллар бўлади. Пул, ишчи кучи, кадр... Ҳа, ҳаммадан чатоғи кадр!.. Ўзингиз биласиз, сиз блан биз қора авом ҳисобланиб келган одамлармиз. Билим йўқ. Билим керак ахир, қуриш учун. Тата-тат, уста Надирмат блан иш битмайди. Буни бундай билимли калла блан ўйлашиб, ҳисобини ҳисобга тўғри келтириб қилмаса

бўладими. Аммо билим қани? Бизни ўқитишмаган. Бу қорни катта буржуйлар бизнинг билак кучимизни сўрибгина қолмай, миямизни ҳам қоқ қилган, хумпарлар. Ўзининг арзандасини ўқитгану, бизни молхонадан буёққа чиқармаган. Ана энди ўша оқсуяк арзанданинг биронтасига ялиниш керак бўлиб қолди шекилли. Ялинмаймизку-я, бўйнидан бўғиб ишлатамиз, худо хоҳласа. Лекин бирорта маслаксиз спецга учраб қолмасак бўлгани. . .

Баданига совуқ югурган Добротворцев бир қимирлаб ўнғайсиз йўталиб, лабларини ялаб, тамшаниб қўйди. Зимдан яна Эргашнинг юзига қараб олди... «Спец...» «Маслаксиз спец». Яна ўша гап. Бу блан ишлашга тўғри келиб қолса кун бермайди. Лекин зуваласи пишиқ, ақлли йигитга ўхшайди. Унинг гапидан Добротворцев ҳам ҳалиги мовутга ўралган бюрократни ёмон кўриб қолди. Гаплари тўғри. Қаттиқ қўлли, ёмон нафратли кўзи блан еб ташлайдиган йигит бўлса керак.

— Лекин умидим ўртоқ Ковалевда,— деди Эргаш гапини давом этдириб,— яхши инженер топиб бераман деб ва'да қилган.

Добротворцевнинг ҳам умиди Ковалевда эди. Агар бу йигит Ковалевга ихлоси бўлса Ковалевнинг инженер ҳақидаги адолатли фикрини ўртоқлашади. Бу йигит инженернинг кўнглини Ковалевдай тушунаолса, у блан ишлаш мумкин, жуда яхши ишлаш мумкин.

— Қирақолсакмикан,— деди Эргаш эшикка қараб,— юринг кирақоламиз, юраверинг, ўртоқ Мансуров ҳалиги совнархоздақангги эмас, икковимизнинг ҳам ишимизни дарров битиради. Сизнинг гапингиз кўп эмасми?

Улар эшикка яқин келиб қолишган, Эргаш эшик дастасини ушлашга улгурган эди. Шунинг учун ҳозир инженер «йўқ, кўп эмас» деб қўяқолди.

Ичкарига кирдилар. Тўрдаги стол орқасида тикка турган Мансуров, бош силкиб саломлашгач, имо блан «ўтиратуринглар» деди. Утирдилар.

Мансуровнинг столи ёнида ярим ҳарбий кийимда, катта портфель тутган, гилам дўппини бостириб кийган пачанагина одам тикка турарди.

— Гап шу,— деди Мансуров у блан суҳбатини қат'ий яқунлаб,— сизга икки ҳафта муддат, агар шу вақт ичида шаҳар аҳолиси сабзавот блан тўла та'минланмаса, мен сизни жиноий жавобгарликка тортаман.

Ҳалиги одам оғир портфелини ўнг қўлига олиб, гав-

дасининг оғирлигини ҳам ўнг оёғига ўтказди, четга қараб гапирди.

— Суд блан пўписа қилманг, ўртоқ Мансуров, мен ҳам сиз сингари бир коммунистман.

— Ана шунинг учун ҳам суд шафқатсиз бўлади.

— Нима, қишлоқда продрозверстка сиёсатига қайтгин дейсизми? Деҳқон сабзавот ортдиrolмаса нима қиламан?

— Деҳқон! Деҳқон! Деҳқон блан кулакни фарқ қилиш керак, коммунист! Кулак сабзавотни ўрага кўмаяпти, нэпман шаҳарни танқислик исканжасига олмоқчи. Сиз бўлсангиз унинг ноғорасига ўйнаясиз. Бас, топшириқни бажаринг!

— Нима, энди шолғом блан қизилча деб бошимни балога тикайми?

Мансуров унинг ёнига келиб шундай тикилдики, кўздан олов чиқиб кетгандай бўлди. Портфельли одам сержун билаги блан бурнининг терини артди.

— Ана энди ўзингизга келдингиз!— деди Мансуров заҳарханда блан жилмайиб.

Унинг бу жилмайиши ҳалиги дўқларидан кўра таҳдидлироқ эди. Добротворцев унга ҳайрат блан қараб турди: бу ҳалигина Эргаш мақтаган меҳрибон Мансуров эмас, бутунлай бошқа — аёвсиз, ўз ҳукмини ўтказоладиган, қатъиятли одам эди.

— Майли айтганингизни қиламан, лекин менга бир-нима бўлса сиз жавобгарсиз,— деди портфельли киши.

— Аввал шаҳар аҳолисига «бирнима» бўлмаслигини ўйланг. Гап тамом! Рапортингизни кутаман. Боринг.

Портфельли киши чиқиб кетди. Мансуров ўз столига ўтиб ўтириб, бир нафас ўйланиб қолди.

У, эшик тагида ўтирган Эргаш блан Добротворцевга кўзи тушиб ўрнидан турганида юзи бутунлай ўзгариб, очилиб кетди. Добротворцев Мансуровни биринчи кўриши. Унинг меҳрибон кулиб турганида ҳам, баджаҳл бўлганида ҳам жуда чиройли, ақлли, салобатли одам эканини Добротворцев энди билди. Яғриндор жуссасига ёпишиб турган қора шерсть кўйлаги, силлиқ қирилган бўлса ҳам қорайиб турадиган юмалоқ юзи, қора қошлари тагида чарақлаб турган жонли кўзлари Добротворцевга биринчи кўришдаёқ ёд бўлиб қолди.

— Қани, берироқ келинглар. Сизлар танишиб ҳам олибсизлар шекилли,— деди у дўстона жилмайиб.

Эргаш блан Добротворцев ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарадилар, бир-бирларини янгидан бошдан-оёқ кузатиб чиқдилар.

— Йўқ, ўртоқ Мансуров, биз..:

— Ҳа? Гаплашганларинг йўқми?

— Гаплашдигу...— Эргаш стол олдига келаётиб, орқасидаги Добротворцевга яна гумонсираб қаради.

Мансуров стол ғаладонидан бир нарсани қидириб туриб гапирди:

— Бўлмаса, мен сизларни таништиргани чақирган эдим.— У ғаладондан бир қоғоз олиб столдаги ойна устига қўйди-да, ўрнидан туриб уларнинг қаршисига чиқди. Икковининг елкасига икки қўлини қўйди.— Қурилиш бошлиғи Эргаш Султонов. Қурилишнинг бош инженери Сергей Львович Добротворцев. Ҳа? Нимага қараб туриб-сизлар, қўл беришинглар.

Эргаш қабулхонадаги гапларини эслаб, хижолатда Добротворцевга қараб қолди. Инженернинг силлиқ қирилган, бевақт ажин тушган озғин юзида хижолатли жилмайиш пайдо бўлди. Эргаш ҳамон гумонли назар блан унинг юзига қараганича, қопқора бақувват қўлини узатди:

— Кечирасиз... инженер.

Добротворцев индамай қўл берди. Улар сукут ичида, стол ёнида қарама-қарши қўйилган юмшоқ креслларга ўтирдилар.

— Мен чекмайдиган одамман, лекин сизлар чекишларинг мумкин. Чекмаса суҳбат юришмайди, дейишади кашандалар.

Мансуров паст овоз блан, шошмасдан, буларнинг икковининг ҳам қисқача характеристикасини айтиб берди, кейин кулиб «саволлар йўқми?» деб сўради.

— Савол йўқ, ўртоқ Мансуров, менинг фикримча, биз ўртоқ Султонов блан яхши ишлайоламиз.

— Сизда?— деб сўради Мансуров Эргашга кескин қайрилиб.

Уйчан ўтирган Эргаш бирпасдан кейин жавоб берди:

— Савол йўқ.

Мансуров қурилишнинг аҳамияти, катта куч талаб қилиши ҳақида илгари ҳар икковига айрим-айрим айтилган гапларни яна такрорлади. Эргаш унинг гапини тингларкан ер тагидан дам-бадам инженерга қараб қўяр, гўё уни синчиклаб ўрганар эди. Кейин у тунука қутисини очиб

махорқа ўради, инженерга ҳам таклиф қилди. Добротворцев жуда кам, юмшоқ, ўпкага енгил папирос учрагандагина аҳ'ён-аҳ'ёнда чекиб қўяр эди. Лекин ҳозир Эргашнинг аччиқ махоркасидан бош тортмади. Урганмаган бармоқлари блан газета қоғозга ингичка қилиб ўраб, сертупук қилиб зўрға ёпиштирди.

— Начальникнинг совнархоздан арзи бор, назаримда, ўртоқ Мансуров,— деди инженер.

Энди у ўзини эркинроқ, маслаҳатга тўла ҳуқуқ блан аралашигга ҳақли деб сезабошлади. —

— Хўш, хўш?

Эргаш бурнидан гуппиллаб чиққан қуюқ аччиқ тўтунни қўли блан ҳайдади.

— Мен ҳозирча сизга айтмоқчи эмас эдим. Начальник бўлгандан кейин бутун ишни тўла ўз қўлимга олишим керак. Қўяверинг, мен янаги келишимда бу тўрачиликнинг пўпанагини тўзитиб, ўзим деразадан улоқтириб ташлайман.

— Биладан, биладан,— деди Мансуров,— сиз Тожиевнинг олдига киргансиз. Нима гап, қандай жанжал бўлганини ҳам пайқаб турибман.

Бу вақтда Тожиевнинг ўзи кириб келди. Добротворцев ҳали қабулхонада Эргаш тасвирлаган одамни дарров таниди. Шими ҳам, қўйлаги ҳам мовут, қўлидаги фуражкаси ҳам мовут. У устки лаби калта, ияги гўштдор, юзи кулгандайроқ бўлиб турса ҳам кўзи шишадан қилингандай жонсиз, ифодасиз, тақир калласи тепага қараб чўққайиб чиққан, ўрта бўйли одам эди.

— Шу телефонимни тузатдираман деб умрим...

— Сиз ҳозир нима қиляпсиз?— унинг гапини бўлди Мансуров.

— Менми?

— Совнархоз нима қиляпти?

— Мен доклад блан киришим мумкин, ўртоқ Мансуров.

— Йўқ, бедоклад гапиринг-чи, нима қиляпсиз?

— Ўзингизга ма'лум, бизнинг ишимизнинг қат'ий чегараланган ўз доираси бор. Артель ва устахоналарнинг ускуналарини намунали рўйхатдан ўтказдик ва...

— Фабрика қурилишининг сметаси ва маблағини нима қилдингиз?

— Ишимизнинг қат'ий чегараланган доираси бор, ўр-

тоқ Мансуров, бу масалада Промбюронинг кўрсатма ва топшириғини олмайтуриб...

— Промбюро ўз йўли блан. Сиз «чегараланган доирангизда» нима тадбир кўрдингиз?

— Бизнинг вазифамиз — Промбюронинг кўрсатмасини бажариш:

Эргаш кинояли луқма ташлади:

— Ушгача фабрика қурилиши ҳақидаги қарор қарорлигича қолаверади.

— Яхши йигит... — Тожиев Эргашга қараб лабини қалтиратди, тупугини ютаркан башарасининг аллақайси мускуллари тортилиб кетди, — совнархоз халқ мулкини ардоқлашдай муқаддас постда турипти, уни сиздай ўтган-кетган ҳақоратлайверса мен арз...

— Бас, Тожиев! — Мансуров ўрнидан турди.

Добротворцев унинг кўзида яна ўт кўргандай бўлди.

— «Муқаддас доира» нгиз шалди роқ рўйхатбозликка айланиб кетипти. Сиз уни Промбюро орқасига бекитманг. Биз сизни Промбюро топшириғи келмасдан олдин қимир-латамиз. Экоснинг чоршанба куни бўладиган йиғилишида сизнинг докладингиз...

— Ҳа, ҳа, доклад, — Тожиев шошиб-пишиб ёзиб олди, — доклад. Хўш?

— Фабрика қурилишини бошлаб юбориш учун маҳаллий даромаддан нима ажратаоламиз — мана шуни аниқ айтиб берасиз.

Тожиев чиқиб кетгандан кейин Эргаш ялт этиб Мансуровга қаради.

— Докладида ҳам ҳечқандай маблағ йўқ деб келади бу, ўртоқ Мансуров.

— Йўқ деб келса, деразадан улоқтираверасиз, биздан рухсат, — деди Мансуров кулмасдан. — Қурилишни биринчи августдан бошлаш керак.

Эргаш ҳам, Добротворцев ҳам бирдан Мансуровга қаради. Добротворцев сал ўрнидан туриб ҳам кўйди.

— Қандай? Маблағсиз? — деди у.

— Маблағ бўлади.

— Августга бир ойдан сал ошиқ вақт қолди, ахир, — деди Эргаш.

— Биз ишни бошлайверамиз. Қурилишни — халқ қурилиши деб э'лон қиламиз. Бутун шаҳар оёққа туради.

Эргашнинг юзи безовта ҳам бўлди, ёришиб ҳам кетди. У шлёмини бир кийиб, яна олиб кўйди, бўз рўмол.

часи блан бошїни, бўїнїни, юзларїни ишқаб-ишқаб артди. Махорка қутисини яна олиб, тақ этиб столга қўйди.

— Чекинг, ўртоқ! Мансуров, азбаройи шифо, бир чекинг-а! Олинг!

— Раҳмат, эплломайман.

Инженер уларнинг шавқли кайфиятига тушуниб етолмай, ҳайрон бўлиб қараб турарди. «Наҳотки, булар фабрика қуришнинг нима эканини билмаса?» деб ўйлади у.

— Бу қандай бўлди? Пулсиз, ишчи кучисиз, машинасиз, моторсиз:

— Ҳа, бу нарсалар ҳозирча бизда йўқ,— деди Мансуров бамайлихотир,— лекин биз сизларга ажойиб ячейка секретари берамиз!

Инженер ҳайрат блан Эргашга қаради, унинг кўзида ҳам ҳайрат аломатини кўрмоқчи бўлди, лекин Эргашда ҳайратдан нишона ҳам йўқ эди, у қувончли кўзлари блан Мансуровни тамоша қилар эди. Мансуров эса аллақаёқни чақириш учун телефон қулоғини бурамоқда эди.

— Мен тушунмадим, ўртоқ...

Эргаш унга кулиб «жим» дегандай ишора қилди, Мансуров телефонда гаплашар эди.

— Жўраҳон! Сизмисиз? А? У ҳам шуердами? Жуда соз! Қани биз томонга бир кїринглар.— Трубкани қўйиб Добротворцевга қаради.— Сиз тушунмадим дедингизми? Тушунасиз. Халққа кўнгилдан, ҳа, баланддан эмас, чин кўнгилдан разм солсангиз, у ба'зан жуда мураккаб нарсаларни ҳам соддагина қилиб тушунтириб қўяди. Иши блан тушунтиради. Мен ўз тажрибамдан айтаяпман. Мен халққа жуда оз ўргатганману, лекин ўзим ундан жуда кўп нарсаларни ўрганганман. У бамисоли яхши она. Унинг ўз ҳақиқати бор, бу буюк енгилмас ҳақиқатни халқ ўз юрагидан сезади — унинг қудрати шунда.

Эшикдан Ефим Данилович блан Жўраҳон кириб келди. Мансуров гапини давом этдириб, Ефим Даниловични кўрсатди:

— Бу ҳақиқатнинг, бу қудратнинг сирини мана шу одам яхши билади. Мана у сизларга халқнинг оташин ташаббусини ҳарқандай маблағ, ҳарқандай машина ва моторлардан ҳам кучли бир қудратга айлантириб беради.

Ефим Данилович кулимсираб кириб келаркан, гапнинг нима ҳақда кетаётганини дарров фаҳмлади.

— Лекин биз маблағ, машина ва моторлардан воз кечмаймиз,— у тикка турган Эргаш блан инженер ёнига

келиб, иккаласига ҳам қўл берди,— бу нарсаларни топиб бермагунингизча қўймаймиз, шундай эмасми?

— Тўғри, тўғри,— деди Эргаш.

Инженер ҳам ма'қуллади.

Мансуров қурилиш бошлиғи блан йнженерга бўлғуси қурилиш партиякеасининг секретарини таништирди. Эргаш Ефим Даниловичга бошқатдан қўл бериб, йилтиллаган кўзлари блан унинг юзига тикилди-да, қулочини ёзди, улар қучоқлашиб кетдилар.

Жўрахон блан Мансуров кулиб тамоша қилдилар. «Экипаж қалай?» деди Мансуров секин. Жўрахон «яхши» деб ма'қуллади.

— Ҳа, маданий мерос!— деб ҳазиллашиб инженернинг олдига борди Ефим Данилович.— Мен сизни тахминан танийман. Мана энди яна ҳам яхшироқ танишадиган бўлдик. Лекин мана бу,— у Эргашни кўрсатиб яна ҳазиллашди,— нигилистроқ, унга «пролеткультич»лардан бироз юққан. Зиёни йўқ, аҳил бўлсак бир-биримизни адашгани қўймаймиз.

— Мана инженер ҳозирданоқ, халқ ташаббусини тушунмайман, деяпти,— деди Эргаш.

Ефим Данилович унга оталарча пўписа блан қаради.

— Ҳа, халқ ташаббусини ўзинг жуда тагигача тушиниб қўйибсанми? А? Пролеткультич!

Ефим Данилович бугун анча сергап, хурсанд, очилиб-ёзилиб кулар, ҳазиллашар эди. У Добротворцевга дарров ёқиб қолди. Инженер, Мансуровнинг гапларидан, ячейка секретарини ҳаммавақт жиддий, кўпинча теран ўй суриб ўтирадиган, камгап, бир гапи блан ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилаоладиган салобатли одам бўлса керак деб тасаввур этган эди. Йўқ, аксинча, соддагина, кўп қатори бир ишчи эканлиги бутун қиёфасидан билиниб турадиган, юраги кенг, хушчақчақ одам экан. Мансуровнинг унга бунчалик юқори баҳо берганига шубҳаланган Добротворцев у блан очиқчасига, соддагина гаплашиш мумкинлигини ҳис этди.

— Ефим Данилович,— деди у унинг ўзидай содда бўлишга тиришиб,— мен халқ ташаббусига тушунаман. Ташаббус деган сўз ҳаммага ма'лум нарса. Лекин ма'лум қурилишга иш ҳақи блан боғланмаган, я'ни ёлланмаган одамлар бир кун ташаббус кўрсатар, икки кун ташаббус кўрсатар... Ахир, бу лов этиб ёниб, пис этиб ўчадиган

бир нарса-ку. Кейин нима бўлади? Ахир, биз бутун бир фабрика қурмоқчимиз-ку!

Эргаш пешонасини тириштириб Добротворцевга қаради, қабулхонада ҳақиқат гапни башарасига тикка қараб сап ўхшатиб айтган эканман, деб ўйлади. «Маслаксиз спец. Худди ўзи. Айтганимдай, худди ўзига йўлиқдик!».

Ефим Данилович инженернинг бу гапига Эргашчалик ҳайрон бўлмади. Бунга ҳам оддий бир гап сифатида қисқагина жавоб берақолди:

— Биласизми, инженер, сиз жуда катта мавзу'ни кўтараяпсиз. Бу ҳақда биз ҳали узоқ гаплашамиз. Ҳозирча бўлса, мана Эргашвой блан гаплашиб турсангиз бўлади: у «ма'лум ҳақ блан боғланмаган, ёлланмаган» ҳолда роса тўрт йил ташаббус кўрсатиб келди. Ташаббус бўлганда ҳам қандай ташаббус денг! Ут-олов, ўлим, даҳшат ичида! Буни унинг ўзи яхши гапириб беради. Яна шуниси ҳам борки, Эргашнинг шу кечаю кундуздаги ғайрат-ҳаракати-га қараганда, унинг тўрт йиллик «ташаббуси» «пис этиб» ўчмаган ва ҳали-бери ўчмайдиганга ўхшайди.

Бу — Эргашнинг ўзи учун ҳам кутилмаган гап эди. У ўйланиб қолди, миясига келган фикрни худди ўзигагина гапиргандай, махорка қутисини ўйнаб туриб, секин, уйчан, столга қараб гапирди:

— Ҳа, мен умримда биринчи марта ўзим учун яшай-бошладим, ўзим ва ўзимга ўхшаганлар учун ишлайбошладим.

Мансуров ерга қараб туриб шунчаки айтилган бу гапни давом этдириб, кўтариб юборди:

— Халқимиз умрида биринчи марта ўзи учун фабрика қуради! Морозовлар, Қудратиллахўжалар ёки қаёқдаги бегона қандала Кропплар учун эмас, ўзи учун! Халқнинг ўз ҳақиқати деганим мана шу. Бу ҳақиқатни у балки сўзлаб беролмас, лекин юрагидан сезади ва унинг қудрати ҳам мана шунда!

Ҳамма инженерга қаради. Добротворцев аввал устки лабини тишлаб узоқ ўйлаб ўтирди, кейин унинг териси тортилиб, рангсиз ялтираб турган юзида билинар-билимас жилмайиш пайдо бўлди. У бошқаларнинг ўзига қараб турганини пайқади-да, ўйлаганини гапирабошлади:

— Сизлар блан гаплашганимда, ўзимнинг қора ўтмишимда ҳам ба'зи ёруғ нуқталар бўлганлигини ҳис қила-япман. . . Мен инженерликка ўқиётганимда бир нарсадан қаттиқ қўрқардим, шунча ўқиганимдан кейин ўз юртимда

бирорта келгінди англиз учун, ё француз учун фабрика қуришга тўғри келса. . . Шунини ўйлаганимда даҳшатга келардим. Отам бадавлатлардан бўлса ҳам, бобом крепостной мужик ўтган. У шаҳарга иш излаб кетиб, анчадан кейин яна қуруқ, яланғоч, жиғи-бийрони чиқиб қайтарди. Болалигимда унинг сўзлари миямга қаттиқ жойлашиб қолган:

Что ни церковь, то поп,
Что ни фабрика — Кропп»

дегучи эди марҳум. Сиз у келгиндиларни «бэгона қандала» деб жуда тўғри та'рифладингиз. Мен революцияни тушунмасам ҳам, большевикларнинг юртимизни ана шу қандалалардан тозалаганига ич-ичимдан хурсанд эдим.

— Қандалалар қон ичиш ниятидан қайтган эмас, ўртоқ инженер. Шунинг учун биз тезроқ ўз фабрика-заводларимизни тиклаб, қуриб, ўзимизнинг мустақил ва бақувват экономикамизни вужудга келтиришимиз керак,— деди Мансуров,— ҳозир олдимизда лўндагина, аниқ масала турипти. Фабрика қурилишини бошлаш керак.— Мансуров стол устидаги қоғозни Эргашга узатди:— Мана, Иваново-Вознесенскдан телеграмма: демонтаж бошлангипти. Жўраҳон, сизлар аҳоли ўртасида, хотин-қизлар ўртасида ишни кучайтириш ҳақида гаплашиб олгандир-сизлар?

— Ҳа, ўртоқ Мансуров, биз барча маҳаллаларда, корхона ва муассасаларда иш бошладик.— Жўраҳон Мансуровнинг олдига бирнеча қоғоз қўйди.— Мана бу комсомолнинг мурожаати, мана бу десятниклар курси очиш ҳақида, мана бу йигирмата хотинни Трехгоркага тажриба ўқишига юбориш ҳақида. Келгуси бюрога хотин-қизлар клуби блан артельнинг докладини ҳам қўйсак деган фикр бор. . .

— Бўлмаса, ўртоқларга жавоб берайлик-да, сиз бирпас қолинг, менда ҳам бир-икки лойиҳа бор.

Ефим Данилович, Эргаш ва инженер ўринларидан турдилар.

— Тайёрликни кўраверинглар. Август! Унутманглар.— Мансуров сал тўлқинланиб турган ялтироқ қора сочини орқага силаб қўйди-да, ҳарбирининг худди кўнглини кўриб тургандай, очиқ юз блан уччаласига бирдан тикилди.

Ўртада — оддий қора китель, қора шим кийган, махор-

кадан сарғайган кичкина мўйловли, чакка сочига нуқра-деккина оқ тушган Ефим Данилович; унинг ўнг қўлида бўйи ҳаммадан узун, юзи озғин бўлса ҳам гавдаси бақувват, офтобда оқариб кетган гимнастёркасининг этаги солдатча кенг камар тагидан диккайиб чиқиб турган Эргаш; чап қўлида — ялтироқ ёқали, эскироқ қадимий костюм, почаси тор шим кийган, юзига қараганда Ефим Даниловичдан ҳам кекса кўринган, пастак бўйли, чуваккина Добротворцев. Уччови бир-бирига сра ўхшамаган, уч хил хулқли, уч хил тушунчали, уч хил йўл босиб келган одамлар.

Мансуров уларни бугун бир экипаж деб атади.

— Хўп, муваффақият тилайман!— деди у уччовига қўл бериб.

Улар чиқиб кетишар экан, орқаларидан узоқ ўйчан тикилиб қолди.

Ўн еттинчи боб

Икки кундан бери қуёш роса таптига олган эди, ердаги бутун намни кўтариб чиқиб кетган экан шекилли, бугун куни блан ҳаводан булут аримади. Шомга яқин эса Найманчанинг тепасини қўрғошиндай оғир қора булут қопладию, ҳамаёқ бирдан қопқоронғи бўлиб кетди. Иссиқдан мадорсизланиб шалвираб қолган дарахт япроқлари илиқ ёмғир ҳидини сезиб қувонгандай шивирлашди, мирзатераклар, барглари тескари бўлиб оқариб кетди. Қопқора осмонни чақмоқ тилкалаб ўтди, узоқларда ернинг бир қаватини ўпириб кўтариб кетгандай, даҳшат блан момақалдироқ гумбирлади. Ҳурпайган булут осилиб туравердию, ёмғир ёғмади, яқин тоғ ёнбағирларида ёққан ёмғирдан ариқларга лойқа сув келди.

Турсуной илгарилар момақалдироқдан жуда қўрқарди. Бугун онасининг оёққа босганидан қувониб, чақмоқ чақиб турган қора булутли осмонга қулоч очиб айвондан сакраб тушди-да, кўчага чиқди. Яқинлашиб келаётган ёмғир нами ҳамма нарсага жон киргизгандай, ҳаво соф, сарин, ариқ бўйларидаги майсалар қўнғир рангга кириб тебранар, ҳамма жойда болалар, қизчалар «ёмғир ёғалоқ»ни қичқириб айтишар эди. Турсуной ўртоқларини кўрди.

— Ҳой қизлар, ҳозир ёмғир ёғади, юринглар, соч ўстирамиз! — деди у қичқириб. Липасини кўтариб, жиндек лойқа сув келган анҳорга тушиб югурди, унинг орқаси-

дан бошяланг қизчалар шалоп-шулуп этиб, тўпикдән сув кечиб чопқиллашдилар:

Емғир ёғалоқ
Эчки-чақалоқ,
Бойни қизини
Қорни юмалоқ, . .

Анҳор пастак деворлар, ҳовли орқаларидаги култепарлар ёнидан ўтар, лойқа сув ўзанга тўкилган ахлагларни оқизиб борар эди. Қизларнинг энг олдида узун сочларини тўзғитиб кетаётган Турсуноининг қўнғироқ овози эшитилди:

Гулдур этиб булут тарқаб,
Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди. . .

Уч-тўртта йирик томчи тушиши блан қий-чув бошланиб кетди, қизчалар қувонишар, сув сачратишар, сочларини ёзиб ёмғирга тутишар, қўлларини чўзиб осмонга интилишар эди.

Анҳор омборнинг тагига кириб кетган жойда, қирғоққа юмалай деб турган пастгина гувала деворнинг тепасида Салимбўзчининг ўғай қизи дам иккала қўлини зўр бериб силтаб кимнидир чақирар, дам кафтини карнай қилиб нимадир қичқирар эди. Турсуной югуриб борди.

— Ашула айтманглар, қий-чув қилманглар! .— деди қиз сирли қилиб, паст овоз блан.

Турсуной ялпиз ғовлаб кетган қирғоқдан тирмашиб чиқиб, чўккалаганича тўхтади-да, кўзларини катта очди.

— Нима бўлаяпти буерда?

Салимбўзчининг қизи орқасига, ичкарига қараб олдида, яна кафтини оғзига тутиб секин гапирди:

— Холбу холаникида оқкияр бўлаяпти.

— Кимнинг ҳовлиси бу, Адолат, сен нима қилиб юрибсан?

— Ҳов ўтган йили ўлган Шопўлатдаллолнинг ҳовлиси. Ойим блан ма'ракага келдим. Турсуной, Турсуной!

Қизча уён-буёнига қараб, Турсунойни шошиб-пишиб имлади. Турсуной девор тагига борди.

— Ошиб ўт, жуда қизиқ бўлаяпти, ошиб ўт, ҳечким кўрмайди. Бер қўлингни.

Турсуной ҳўл сочларини тўзитиб турган ўртоқларига қаради-да, «ўтаолган ўтавер» дегандай қўл силтаб, деворга тирмашди.

Бирнеча қиз девордан тапир-тупур ташлаб, олмурут тагидан, ариқ ёқалаб бориб, айвонга яқинлашдилар. Адо-

лат блан Турсуной эгилгәнләричә етаклашиб, югуриб зинапояга, жуда кўп ковушлар қалашиб ётган жойга бориб чўкдилар.

Айвон тўла хотин, ҳаммаси оқдока рўмолни бир юзига тушириб, фик этмай ўтирипти. Турсуной яхшироқ разм солиб уларнинг фотиҳага очилган қўллари этакларида эканини пайқади. Анча жимликдан кейин энг аввал ўртада ёйилиброқ ўтирган ўрта ёшли, қирра бурунли, оғзи катта хотин, кейин бошқалар қўллари юзларига силашди. Йиғинга бирдан жон киргандай бўлди. Энди ғувур-ғувур гап орасида қизчалар бемалол пичирлашаолар эди.

— Ҳов ўртада ўтирган-чи,— деди Адолат,— ўша тешиққопқалик парихонотин бўлади. Мана мундоқ китобларни бир шариллатиб ўқидики, хотинлар йиғлаб-йиғлаб хун бўлишди, нон урсин агар.

— Ким ўзи у, кимнинг ойиси?— сўради Турсуной билангон ўртоғига биқиниброқ ўтириб.

— Парихонотин-да, билмайсанми? Жинларнинг, алвастиларнинг тилини билар экан. Мана шундоқ сен блан мен гаплашгандай тилмочсиз гаплашавераркан.

— Қўй, жин йўқ...

— Бор экан, китобда ёзипти. Мана шу бизнинг ёнимиздаги ғўристонда-чи, жин ҳам, ажина ҳам, арвоҳ ҳам, ҳаммаси виж-виж эмиш.

— Ола, бизнинг Найманчани китобга ёзармиди?

— Ўзи-чи, ўзи китобдагидан ҳам кўп билар эмиш-да... Ана...

Парихонотин ўрнидан турди, кенг узун енглари осилиб тушди, дока рўмолни юзига пана қилиб айвоннинг нариги томонидан тушди-да, бир хотин икки қўли блан кўрсатиб турган уйга кириб кетди.

— Ана энди қизиғи бўлади, буёққа юр!

Адолат Турсунойни етаклаб олиб кетди, улар девор ёқалаб ҳовлини айланиб бориб ҳалиги уйнинг энг четидаги деразаси ёнига бориб писдилар. Ичкаридан ташқари ёруғроқ бўлгани учун уй ичи аранг кўринар, парихонотиннинг оқ рўмолигина қимирлар эди. Уйга йўл кўрсатган хотин эшикни ташқаридан беркитди, айвондаги хотинлар оппоқ арвоҳдай қотдилар...

— Нима бўлади?— деди Турсуной пичирлаб.

— Ҳозир кўрасан... Ҳов оғзи блан қўли қийшайиб қолган бор эди-ку? Манноп жинни-чи? Қўчада юрарди-ю?

Ана қара...— Адолат деразадан ичкарини кўрсатди:—
Ана ўша тўшакда ётипти...

— Жиннини тузатармиши?

— Ҳа, не-не дардларини боғлармиш, жоди блан, илми-амал блан шайтоннинг ҳам тили-жағини боғлармиш.

— Қандоқ қилиб? Шайтон ҳам уйдами? Вой, мен қўрқиб кетаяпман.

— Тўхта, тўхта, кўрасан.

Ташқари қоронғилашган сари ичкаридаги нарсалар аниқроқ кўринабошлади. Аллақандай чиябўри улигандай овоз эшитилди, ичкарида парихон ўртада ётган бола атрофида айланарди:

— Бисмиллоҳи омин! Алҳамдилллоҳи аҳади воҳид! Ё арҳамарраҳимин, баҳаққи сураи ёсин! Қулли шай'ин яржим'у ило аслиҳий! Ноузамбиллоҳ миназзолин, исти'фор келтир, бандаси!

Парихонотин касал устида қулоч ёзар, бурчакка, шифтга қарар, Турсуной унинг ҳаракатларини кўриб «ҳий, ҳий!» деганини эшитар эди, холос.

— Нима қилаяпти?

— Ҳозир Маннопнинг устига тўпланган ажиналарни худонинг сўзлари блан чўчитаяпти. Шундаям кетишмаса, шайтон тили блан аврайди.

Парихонотин ичкарида қутирган ит қувлагандай бурчакдан-бурчакка югурабошлади, у қўлларини кўтарар, ҳассасини силтар, эгилиб нимагадир чап берар, нима бландир олишар, чор атрофига туфлар эди. Унинг рўмоли тушиб, сочлари тўзғиб кетди. Бирдан, заҳар ютгандай, бир жойда турганича тўлғанабошлади, оғзи пичирлар, ундан кўпик қайнаб чиққан эди.

— Нима бўлди?

— Бўғилаяпти!

Турсуной қалт-қалт титрар, Адолатнинг кўйлагидан маҳкам ушлаб олиб, деворга ёпишганича турар эди.

— Қим бўғди, шайтонми?

— Йўқ, ўзи бўғилаяпти. Ҳозир жинлар блан Маннопнинг жонини талашаяпти

— Олдириб қўйса Манноп ўладими?

— Тўхта.

— Вой, мен қўрқиб кетаяпман. Юр...

— Қўрқма, менинг ойим шуерда, ана ўтирипти.

Айвонда хотинлар шу уйга тикилганларича, тинглаб, ғиқ этмай ўтиришарди. Ичкарида парихонотин таёғини

отиб юбориб, бирдан юмалаб қолди. У, илон чаққандай, уйнинг у бошидан бу бошига юмалар, сочлари чувалашиб кетган, бошини ерга урар, дам ғужанак бўлиб олар, яна юмалар, ҳархил ваҳимали овозлар чиқариб яна бошини урар эди. Ерда ётган бола қимирлаб қўйди, бошини кўтарди.

Боланинг қийшиқ башараси, қути учиб соққаси чиққан кўзлари шу қадар хунук, қўрқинчли кўриндики, Турсуной «Вой!» деб қичқириб юборди. Хотинлар ҳаммаси улар томон қарашди. Адолат бир қўли блан Турсунойнинг оғзини беркитиб, бир қўли блан қўлидан ушлаб дераза ёнидан олиб кетди.

— Ана энди, хотинлар кўриб қолишди, энг қизигини кўролмадик.

— Қизиги нима?

— Инси-жинсни авраши.

— Мен кетаман. Қўрқиб кетаяпман. Ма'рака деганингга кирувдим.

— Ҳа, ўзи таги ма'рака-да. Парихонотин келиб қолгани учун жин теккан Маннопни дам солдиргани олиб келишди...

Улар айвон зинасига етиб бормасдан ҳалиги уйда овоз эшитилди:

— Луқмони ҳақимнинг қўли! Ҳа азишлар, авлиёлар, анбиёлар! Закатама далли, исриқ тушди балли. Ҳу, ҳа, ҳей, жиз-биз инси-жинс, нобакорлар, бодкирдорлар, чиқ, чиқ, таёқ тегди тиқ-тиқ, ё алҳазар, тақир-туқур, жангур-жунгур, жала-жар, тениганники, тентиганники бўлсанг, ҳа, ҳу, ҳей, чиқ, чиқ!.. Ҳувв!..

Бирдан ҳаммаёқ жим-жим бўлиб қолди. Эшик тагида турган хотин айвонга йўрғалаб келиб хотинларга алланима деб пичирлади. Хотинлар ҳаммаси кафтини очди. Яна узоқ жимлик бошланди.

Турсунойга, нима бўлса ҳам шовқин бўлиб тургани тузук эди, бу бема'ни жимлик унинг дукур-дукур қилиб турган юрагини баттар қалтиратарди. Адолат бўлса «энди қизиги келади» деб, унинг қўлидан маҳкам ушлагани ушлаган.

— Нима қилди?— пичирлади Турсуной.

— Енгди, инси-жинснинг қанотини синдирди.

Турсуной олайиб кетган кўзларини эшикдан олмасди — ҳозир эшик очилиб, қаноти синиб шалвираган шайтонлар, ажиналар чиқиб келса нима бўлади...

У Адолатни маҳкам ушлади.

— Ойинг қанилар, Адолат?.. Энди мен қандоқ кетаман!..

— Ҳали кетмайсан, қизиғи энди бўлади.

Турсуной баттар титради. «Кетмайсан?» Уртоғининг қўлидан чиқиб қочай деса — қаёққа боради? Атрофни қоронғилик босаяпти. Хотинлар ҳам оппоқ бўлиб қимир этмай ўтиришипти. Бирор нарса гапиришса бўлмайди-ми?! Бунинг устига анави эшик. . .

Эшик очилди. Ҳассасини таяниб парихонотин чиқиб келди. Хайрият, одам. Парихонотин хотинбашара бўлиб гапириб чиқиб келди. У харсиллаган, катта оғзининг четларида кўпик, қўлида тумор, тутатқи, аллақандай латта-путталар. . . Ҳаммасини эшик тагида букилиб та'зим қилиб турган хотинга берди.

— Мана бу дам солинган игналарни ўғлингизнинг остонасига қоқиб ташланг. Уйингиздан фаришталар қочипти. . .

У хотинлар орасига чиқиб, ўз жойига келиб ўтирди. Икки қўлини кўтарди:

— Омин! Салоти тунажино, алҳамдиллиллоҳи аҳади воҳид, осойиши боҳаққи расул, жумлаи пайғамбарони кушойиш, осий бандангни товфиқдан бенасиб этма, омин, оллоҳу акбар!

Ўртага чой келди. Бир гажакдор жувон парихонотиннинг ёнига келиб, уни зўр бериб елпийбошлади.

— Кўзиккан эканми?

— Дард чалган эканми?

Парихонотин ён-атрофига қараб олиб, жойлашиброқ ўтирди, бир кампир узатган чойни «бисмилло» деб қўлига олди-да, гап бошлади. Турсуной унинг пичоқдай қиррали бурнига, катта оғзига пастдан ҳайрат блан қараб турарди, унинг бошқа хотинларга ўхшаш башарасини кўриб бироз титроғи босилди, гапларига қулоқ солмоқчи бўлди.

— Азиз арвоҳларнинг қаҳри-ғазабидан, тасаддуқлар, ҳимм. . . — деди парихонотин чойни хўплаб.

Хотинларнинг нафаси ичига тушиб кетди: «Лоҳавло валоқуввати!» Парихонотин ёнидаги баҳмал муқовали китобларни этагига олди.

— Мана бу та'бирнома Муҳиддини арабий, китоби қур'а, каломишариф. Бу эзгу китобларда азиз авлиёи киромларнинг даргоҳи-манзиллари тангри-таолонинг

зикри-э'тиборида бўлур дейилган. Найманчангиз азиз авлиёи-забардаст Ҳазоршайх пиримнинг муборак пойиқадамлари теккан жой. Пирим шу ерда манзилу муродларини топиб илоҳимнинг даргоҳига мақбул этилдилар. У табаррук зотнинг хоклари шуерда.

— Ҳа, ҳа, Ҳазоршайх пиримнинг мозори шуерда,— деди гажакдор жувон.

— Бундай азиз жойнинг хоки-покида гуноҳларнинг кафороти, фиоли-шайтону шаккоки-макр тангрининг азиз арвоҳларнинг ғазабига тез учрайди.

— Лоҳавло валоқуввати!

— Бундай жойларнинг шаккоклари ўлганда бежано-за куфур кетурлар, етти дўзахга кунда бўлурлар,— деб китобдан ўқиди парихонотин. Кейин хотинларга қаради:— Орангизда ғайришар'ий адоват бор. Мусулмонни мусулмонга зид қўйибсиз. Азизларга шак келтирибсиз. Қонли фожиалар шунинг куфуратидир. Мўмин Муҳаммад уммати пайғамбарга меросхўр, икки мўминни муро-саи мадорага келтириш савоб иш. Даф'и ҳалокат фарз. Оллотаоло, мўминларга товфиқ бер.

— Бола нима қилиб бундай бўлипти? — деб сўради чой қуяётган кампир.

— Ҳозир айтаман. Ҳазоршайх пирим таваллуд қилган кунлари ғойибдан овоз эшитдилар: «Ҳақ дун'ёда хоки-сор бўлганни охиратда аҳли жаннат мансабига насиб қилғай, авомунносни ҳақ йўлга бошланг, охиратда фирдавсга саҳоба бўлурсиз». Пирим тилга кирганларида: дун'ёи фано беш кундир, бешови ҳам фано кундир, дедилар, бу дун'ёнинг не'мати-фароғатидан воз кечиб, тупроққа тикилдилар. Қирчиллаб қирон йигит бўлганларида валиаҳдлари қирқ кокили тақимини ўпадиган, ковушлари қошиқдай, қуралай кўз, шохкор, фариштадек маҳлиқони илтифот қилдилар, пирим ундан юз ўгирдилар, казо-казоларнинг кўчага товуши чиқмаган ойимтилла қизларига қарамадилар, шариат-тариқатда бўлдилар, сужудда ҳам хаёллари қовмларининг у дун'ёдаги фароғотига кетиб қоларкан. А'ло-авсат чопону ипак мурсакларни киймай, бир парча куюк кулча, бир қултум шўлон-шўрвага рози бўлиб, бу дун'ёнинг давлати-роҳатидан этак қоқдилару, бошларини олиб, ҳаю-ҳайт ҳақ дўст деб чиқиб кетдилар, ғурбат тортдилар. Икки йўл ҳаж қилдилар. Зор-ночор йўқсилларга қайишган олийҳиммат пирим «Сизга келган дарди-фалокатга бенаво қулингиз

балогардон бўлсин» деб, топганларини муборак қўллари блан камбағалларга улашдилар ва ҳокисорлик блан эгилиб қуллуқ қилдилар. Бою бадавлатларга раҳмлари келиб юраклари эзилди — бу дун'ёда роҳат кўрган у дун'ёда дўзахда ёниб кул бўлғусидир. Шунинг учун, уламои киром, муллон забардаст, қозию куззо жам'и у кишига пирим деб қўл берган бўлса ҳам, етти иқлимда тумонат муридлари бўлса ҳам, ўзлари хокисорликни ихтиёр этдилар. Шунинг учун эл-юртаро ободонликни, имороту ма'мурни, жам'ики фароғат маконларини қаҳри-ғазаб блан емирдилар. Муборак пойиқадамлари теккан жойда бир шўриш бўлди, минг йиллик дарахтларни қучоқлаб қуритдилар. Қўштегирмондаги қуриган чинорни кўргандирсизлар?

— Ҳа, ҳа.

— Шу кишининг муборак қўллари теккан. Минг йиллик чинорларни яланғоч бўлиб қучоқлаганларида Шоҳимардон пирим белларидан тутаркану, томири блан суғуриб ташлар эканлар. Назарлари ким'ёни тош қиларди. Ер юзида инсонга роҳат берадиган нарсани ёмон кўрар эдилар. Бу дун'ёда азият чекинг, зулм қилса шикасталик блан қойим туринг!— алоҳазалқийёс, пиримнинг васияти — иборатлари шу эди. Буерда мазор топиб ҳақнинг висолига етдилар. Кўпгина муридлари ҳам шуерга дафн этилган — мана шу ёнингиздаги зиёратгоҳда. Тирикликларида шуқадар соҳиби каромат бўлган пирим азиз олло даргоҳида ким эканлар?

Парихонотин йиғлаб юборди. Хотинлар ҳам енглари, рўмолларини кўзларига босдилар.

— Ўзлари йўқ, арвоҳлари бор, муаккиллари ҳали ёнимизда ўлтирипти, субҳонолло!

— Болага нима бўлган экан?— деди яна ҳалиги хотин.

— Бола гўристондан ўтаётиб пиримнинг муридларидан бирининг қабр сағанасига оёғи тегиб кетган.

— Лоҳавло валоқуввати!

— Гўристон тупроғини оёқости қилгучи шумниятларга пиримнинг ғазаблари келади. Кечалари қабрларидан туриб чироқ ёқадилар, ўз азиз манзилларига назар ташлайдилар, тупроқдан ташқаридаги ғуроба муридларини ҳимоя қиладилар... Тунда чироқларига қуллуқ қилиб азроил келади...

Юзлари оппоқ бўлиб, айвон зинасида титраб ўтирган Турсуной:

— Ойижон!— деб қичқариб юборди.

Хотинлар ҳаммаси ялт этиб икки қизчага қаради.

— Кимнинг қизлари?

Адолатнинг онаси чаққон тушиб қизининг ёнига борди. Азайимхон болаларни уйларига элтиб қўйишни буюрди. Хотин икки қизни етаклаб, мажлисдан кетди.

Бир чеккада дам қалқиб, дам кўзларини чақчайтириб, юзлари дока рўмолидай оппоқ бўлиб ўтирган Анзираткампир оғзидан шоптолиси тушиб кетаётгандай қўрқиб-дидраб сўради:

— Қабристоннинг уёғига фабрикон тушар эмиш-а. Муридларининг сағанасига оёғи тегиб кетганни жин урган бўлса, пиримнинг ўз мозорларини бузиб фабрикон соладиганларни ер ютар экан-да, айланай?

— Ё ғавсул а'зам! Беҳабарман!— деди парихонотин ва тезда қўлини юзига тутди: — Илоҳо нафаслари муборак пирим ғазабларидан тушсинлар — беҳабарман! Имони басаломатнинг ўзгалар блан иши бўлмас, шариати набиюлло мустафо йўлида бу гапларни айтдим қўйдим, билмайман. Уйимга бориб бошимга тупроқ сочиб фар'ёд йиғларман, ўзгалар блан ишим йўқ. Бу гапларни мен айтганим йўқ, худовондаи карим дилингизга солди.

Эмон тил шумлиғи гоҳ жонга ургай,
Гоҳ жондин ўтиб имонга ургай...

Ё хафизул бало, ўзинг имонимни басаломат сақлагил! Ё ҳаққи расул, ё арҳамар раҳимин, шармандаи ёвмул жазо бўлур, мўминларга товфиқ бер.— Парихонотин китобни очди.— Худо бадном деганни сангсор қилмоқ бандаи мўмин учун фарзи айндуру. Қиёмат қойим бўлмай, ихлоси-иқтидосиз қовмини ер-замин қа'рига тортур, чархил фалак кажрафтар ўлур, юлдузлар тутдек тўкилур, мофиҳо остин-устун, бандасида тасаттурн аврат, тоат-ибодат қолмас...

Парихонотин бошларини чайқаб изтироб блан ҳўнграб йиглаб юборди ва йиғи аралаш дийдиё куйига тебрланди:

Эгамдин кимки қўрқмас ул сазовори жаҳаннамдир...

Хотинлар йиғлашар, билган дуоларини пичирлашиб калима келтиришар эди. Қоронғи тушди, тим қоронғилик еру осмонни тутди, кечаси роса ёғишга шайланган тигиз қора булутнинг қўл узатса еткудек паст эканлиғи сезилар, ҳавода жала ҳиди келар эди. Тунда гўристондаги чироққа қуллуқ қилиб келадиган азроил эсига тушиб

чироқ ёқишга юраги ботинмай турган ма'рака эгаси Холбу осмонда олов қайчидай чарақлаган чақмоқдан қалтираб совуқ терга ботди. Кучли момақалди роқ гумбурлади.

— Лоҳавло валоқуввати...

Ўн саккизинчи боб

Опа-сингил уйда оналарини мажлисдан кутар эдилар. Башорат эски курсининг оёғини қирқиб ясалган столча ёнида ёнбошига хиёл қийшайиб ўтирипти; олдида катак дафтар, дам қўлини чаккасига қўйиб, дам қаламининг учини тишлаб бир нарсани қаттиқ ўйларди. Турсуной унинг ёнида оёқларини этагига ўраб ўтириб, онасидан, кейин онасидан бирнеча ойдан бери чала қолиб келаётган дўппи гулини тикар, тоҳ ашуласи, гоҳ қаёқдаги саволлари блан Башоратнинг хаёлини бўлар эди.

— Опа, сочингни Ҳожия опамникидай қилиб ўрсанг бўлмайдимми?

Башорат индамайди.

— Опа, Ҳожия опам келин бўлар эканлар.

Башорат худди эшитмагандай яна индамайди. Турсуной ашула айтади:

Баҳорда гул очилди...

Вой ўлай, қўлимга игна санчиб олдим!

— Ажаб бўлди, жим ўтир.

Турсуной бирпас жим бўладию, яна тоқат қилолмайди.

— Опа жи-имм бўлса чигиртка чириллайди, ёмон кўраман, ашула айтақолай?

Башорат индамайди.

Анчадан кейин, қаламини роса ҳўллаб, ҳарфларни, сураат солгандай, битта-битта ёзабошлайди. Сингилси ҳайрон: ҳаркуни дарс тайёрлаганида бунчалик ўйламас, ҳарфларни бунчалик авайлаб ёзмас эди. Секин елкасидан бўйнини чўзиб қаради.

Башорат столчани ғирчиллатиб, ҳавсала блан ёзарди: «Ариза. Менким комсомолка Башорат Собирова...»

— Опа, шунақа ёзаями? Қумри келинойим аризани бунақа деб ёздирганлар: «Ариза. Аризадан сўнтра етиб ма'лум бўлсинким. ۞»

— Ёзгани кўясанми, йўқми?

Турсуной яна индамай қолади. Игнасининг учини пешона сочига яниб олиб, яна ишини тепчийди. Чигиртка чириллайбошлайди-да, яна тоқати чидамайди — опасининг елкасидан чўзилиб хатга қарайди: «Мастеровой комсомолларнинг муножатиға қўл кўтарганимни. . .»

Башорат сўз тополмай яна қаламини тишлаб қолади.

— Вой, муножат — ашула-ку, опа!

— Нарн тур, ашула жиннисн!.

Турсуной бу гапдан кейин узоқ жим қолди. Ашула ҳам айтмади, хатга ҳам қарамай кўйди. Опаси қитир-қитир ёзарди.

«... инобатга олиш блан бирликда, кечқурунги десатниклар мактабига юборишни талаб қилиб, сўраб қоламан деб...»

— Опа, Қудратиллаҳўжабой Ҳазоршайх мозорига пирим деб қўл берган экан-а?

Башорат ялт этиб қайрилиб, синглисига олайиб қаради.

— Ҳа-а-а! Ма'ракаларга бор! Кампир! Анзират холамдан юқиб қопти сенга ҳам! Кеча ҳам гапирдинг, иккинчи шунақангги гап оғзингдан чиқса, катта бўлганингда комсомолга олдирмай қўяман сени! Қараб тур!

— Гапирмайман, опа.

Турсуной Холбу холанинг ма'ракасида кўрган-эшитганларини онасига айтмоқчи бўлганида Башорат шунақа дўқ қилаверди. Шу блан қизнинг бутун хаёлини чулғаб олган даҳшатли гаплар ичида қолаверди. Уша оқшомдан бери Турсуной кўп ўйланадиган, ёлғиз ўзи бирёққа боришга кўрқадиган, кеч кириши блан ўрнига кириб буржаниб ётиб оладиган бўлди. Унинг уйқуси ҳам нотинч эди. Кеча кечаси онасини икки марта уйғотиб: «Ойи, ухлаётганингиз йўқми?» деб сўради. Унинг бу ҳолатини, озиб, кўзлари киртайиб қолганини онаси сезар эдию, Башорат хаёлига ҳам келтирмас эди. . .

Онахон қайтиб келди. Унинг узоқ касалликдан кейин озиб, рангсиз бўлиб қолган юзи қуёшда қизарган, терлаган, кўк дуррасига ярашиб, яшнаб турар, кўзлари касалдан турган одамнинг кўзига ҳеч ўхшамас, нурли, сал намланиб йилтиллар эди. У аввал кичкинасини бағрига босди, худди фақат ундан хавотир олиб шошиб келгандай, кўзларига меҳрибон тикилди.

— Ойижон, қувватингиз дурустми?— деб сўради Башорат.

Она унинг овозида болалик севгисинигина эмас, катталарга хос онгли ғамхўрлик, меҳрибонлик оҳангини сизди.

— Яхши, болам, жуда яхши! Шундай иссиқ, қуёш нурини лов-лов тўкаяпти, ҳаво ҳам шундай мўл, худди дар'ёдай, қулоч ёзиб сузгинг келади, ҳеч бундай ҳавода нафас олганим йўқ эди. Қани, ташқарига жой қилайлик, шундай яхши!

— Ўзингиз ҳам 34 кун уйда ётдингиз-да,— деди Башорат иккита яқандозни буклаб кўтариб.

— Йўқ, ундан эмас, қизим. Ундан олдин ҳавода юрмабманми?!

— Ҳа-а-а! Билдим!— қувониб қичқирди Башорат айвондан туриб.— Билдим, паранжисиз биринчи чиқишингиз! Ана айтмадимми! Сиз бўлса: «Ҳаммаси маймун ўйинидай тамоша қилармикан, одамлар мендан юзини бекитмасмикан?» деб кўрқиб юрибсиз. Айтмадимми, маза қиласиз деб?

— Тамоша ҳам қилди, болам, юзини ҳам ўғирди. Лекин шундай яйраб кетдимки, ўтган-кетган хаёлимга ҳам келмади. Индаганига индадим, индамаганига ишим ҳам бўлмади.

— Баҳрингиз очилипти, ойи.

— Очилганда қандай! Шу рўдапони ёпиниб умримни ҳазон қилган эканман. Сизларга энди ҳавасим келаяпти.

Турсуной ойисининг қўлига муздек сув қуйди. Унинг иссиқ юзида юмалаган тиниқ сувнинг садафдай томчила-ри қизларга севинч ёшларидай кўринди.

— Ойи, сиз ҳали ёшгинасиз, ҳазон қаёқда.

— Энди яшараман, қизим. Жўрахон опанг «яшариб кетибсиз» десалар чиппа-чин ишондим, рост, ўзим ҳам сезиб турибман, яшараётгандайман, Жўрахон кўнглимдагини айтди.

Онахон илгарилар ишдан келганида хонтахта олдида ўтириб, қизларининг чой дамлаб, ош сузиб келишини кутарди. Бугун енгини шимариб ўчоқ бошига ўзи борди, тинмай гапириб, қизлари блан баббаравар куйманди. «Эргаш аканг ҳовлисини бирам гулзор қиптики» деб, қуриб қолай деган тўртга-бешта картошка гулга сув очди. Қизларнинг назарида, у бутунлай ўзгариб кетган эди — илгари мунча серҳаракат эмас, кам гап эди, ҳаво, гул, ҳовли тўғрисида ора гапирмас ҳам эди. Бугун ҳатто ҳовлига сувни ҳам ўзи сепди. Ликопчадаги узумни салқин

сувга қайта-қайта чайр экаи, тиниқ шишадай ўта кўрниб турган ҳусайинининг ичидаги уругини санагандай ҳарбир донасига тикилди. У бугун ҳарбир нарсага янги-ча ҳавас блан, кўзида завқ блан қарарди.

Чой ичгани ўтирганларида гәпни Турсуной бошлади.

— Ойи, опам аризани бошқача, ғалати қилиб ёзар эканлар.

— Ариза? Қанақа ариза, қизим?

Башорат гапириб берди. Шу кунларда вагон-ремонт заводи комсомолларининг шаҳар ёшларини халқ қурилишига чиқиш учун тайёрланишга чақириб ёзган мурожаати ҳамма жойда муҳокама қилинаётган эди. Корхоналарда, мактабларда, муассасаларда комсомол ячейкалари мурожаатга жавобан, августда қурилишга чиқадиган ёшларнинг рўйхатини олиб, кўнгилли ҳашарчи бригадалар тузмоқда эдилар. Ҳамма жойда бу ҳақда шиорлар қоқилди, эски шаҳарда очиладиган десятиклар курсига энг яхши комсомоллардан ўқучилар тўпланабошлади. Қизлар билим юртида мурожаат муҳокама қилинганда комсомоллар ва ҳамма ўқучилар, ёппасига қурилишга чиқамиз, деб ва'да бердилар. Тўртта комсомол қиз кеч-қурунги десятиклар курсига кириб ўқишга сўз берди. Башорат шулардан бири эди.

— Вой, бизнинг клубда ҳам бугун худди шундай мажлис бўлди,— деди Онахон,— биз ҳам шаҳардаги ҳамма хотин-қизларга чақириқ ёзадиган бўлдик. Бизнинг артельдан ҳам йигирмата хотин ўқишга кетади. Сизларда ҳам худди биздагидай экан-а, қизим?

— Бизлардан намуна олаясизлар-да,— деди Башорат очиқ ғурур блан.

— Сизлар бизлардан намуна олаётган бўлсангларчи?

— Ҳо, комсомол ҳамма йшда намуна, уставимизда шундай деб ёзилган. Сизларнинг уставларингизда борми шу гап!

— Устав! Бизнинг уставимиз йўқ, қизим. Биз кўнгиллимиз нима деса шуни қилаверамиз, ана шу бизнинг уставимиз.

— Бизнинг уставимиз ҳам кўнгиллимизнинг худди ўзи. Фақат, хатга битилгани.

Опаси ва онасининг олдидан йғиб олган конфет қозларни эҳтиёт блан тахлаб ўтирган Турсуной гапга аралашди:

— Ойи, артельдаги хотинлар ўқигани бизнинг мактабга келишаверсин, айтинг, Эргаш акам, мактабни яна уч кунда қуриб битирамиз, дедилар. Ичида ашула кружогининг ўзига битта катта уй ҳам бўлармиш, кўраман десам, киргизмадилар.

— Хотинларники унақа ўқиш эмас, қизим. Улар машинада чит тўқишни ўрганиш учун Москвага боришади.

— Москвага!!! — Иккала қиз ҳаяжонланиб бирдан талпинди.— Москванинг ўзига-я?

Шу топда бу савол Онахоннинг ўз кўнглида ҳам такрорланди. Қизига жавоб бериш ўрнига, хаёлчан кулимсираб турган кўзларини қизариб қуёш ботаётган уфққа, узоқларга тикди. У ўзига насиб бўлган бу тасодифий бахт хабарини ҳали сингдираолган эмас, уни қандайдир хавотир аралаш ҳаяжон блан кечирар эди. Бунга ишонса бўладими, бунинг ҳаммаси ростми, бу Онахон учун жуда ортиқ даражада катта бахт эмасми, у шундай бахтга муносибми? Жўрахон унинг йигирма хотинга бош бўлиб Трехгоркага боришини айтганида, аввал бу унинг ақлига сиғмади. Ҳозир бу ҳақда ўзи гапириши керак, қандай гапиради, бу, Башорат блан Турсунойнинг ақлига сиғадими?

Лекин буни эшитганларида қизчалар худди шундай бўлиши керакдай, сра ҳайрон бўлмасдан, қувониб оналарини қучоқладилар, холос. Наҳотки бу шундай қувонибгина қўяқоладиган оддий гап бўлса? Йўқ, булар болалик қилишяпти. Улар бу воқиянинг тагига тушуниб етишмаяпти. Ахир бу йигирма хотин ким? Улар орасида қирқ ёшигача Найманчадан ташқарига чиқмаганлар бор, офтобга тикка қарашни, мана бу соф ҳаводан эркин нафас олишни, кўчага товуш чиқариб гапиришни яқингача оғир гуноҳ деб тушуниб келганлар бор, золим эрининг маҳсисини тортишдан бошқани билмаган, ўзининг инсон эканини унутаёзган кечаги чўрилар бор... Холнисонинг бугун мажлисда гапирган гапи ҳамманинг юрагини эзиб юборди. «Кундошларим гўштимни пойлаб тепамда қузғундай учишди, улар қорнимдаги болани эздириб ташлашди...» Даҳшат! Уйлаб қарасанг калланг торс ёрилиб кетардай. Ахир, мана шу шум ҳаёт замон-замонлардан бери давом этарди, бу зулм-зулмат чуқур томир отиб, сра ўзгартиб бўлмайдиган бир эзгу қонундай бўлиб кетган эди. Энди бўлса, хотин-қиз турмушнинг суюк-томирига сингишиб кетган мана шу чиркинликдан

суғуриб олинаяпти. Улар... Москвага, ўқигани, мураккаб ҳунар ўргангани борадилар. Москвага! Бутун мамлакатни босиб ўтиб... Ҳа, бу мамлакатнинг ҳаммаси уларнинг ўз юрти! Онахон яхши биладики, уларни Москвада Софья Борисовнага ўхшаш меҳрибон ўртоқлари кутиб олади. Москва қанақа экан? Онахон ҳали бунга тасаввур этолмайди. Бу ҳақда ўйлашга ҳали вақт кўп. Бу ҳақдаги ўйларни Онахон муқаддас бир хазинадек авайлаб сақлаб қўйипти. У бу бахт қувончига ҳозирдан бутунлай берилиб кетмасликка уринар, ҳозир жиддийроқ, ишчанроқ бўлиш кераклигини ҳис қилар эди, ҳали иш кўп, иш ҳам кўп, бахт ҳам кўп, завқли ўйлар ҳам, кўрадиган ажойиботлар ҳам кўп, ҳаммасини бир бошдан, жиддий ўйлаб бошлаш керак, токи сочилиб қувончларнинг бирор қатраси зойи кетмасин. Онахон бу қувончларни шуқадар қадрлар эдики, ҳатто уларга бирдан берилиб кетишдан ҳам чўчир эди. «Дўстларим, ўртоқжонларим, опа-сингиллар! Оташқурак ушлашдан бошқани билмаган қўлларимиз ажойиб машиналарни бошқариб, ўз ҳамшаҳарларимиз учун майин, гул-гул газламалар тўқийдиган бўлади. Халқимиз бизнинг чевар қўлларимизга тикилиб туради. Биз бутун халққа керак, бутун халққа қадрдон, таниқли тўқучи чеварлар бўламиз!» Онахон бугун мажлисда бу гапларни гапирганида олдинги қаторда ўтирган Рузвон хола блан Қумри келин-ойининг кўзида йилтиллаган ёш кўрди. Чиндан ҳам, қизлик, келинлик, жувонлик чоқларини меҳнат ва ҳаёт қувончи нима эканини билмай, умидсиз, кўнгилсиз ўтказган бу хотинлар бугунгидай шодликни ба'зан қўрқиб-қўрқиб дилларида аллалаган орзу-хаёлларига ҳам сиғдирилган эмаслар.

— Машиналари қанақа экан, мен бу қариб-чуриган қўлларим блан эплайолармиканман? — деб сўради Рузвон хола мажлисдан кейин.

Онахон қаёқдан билсин? Машиналар ҳарҳолда қудратли машиналар. Лекин биз ундан ҳам қудратлимиз, биз ўзимизни танидик, бизнинг йўлимиз, очиқ, Москва бизнинг қўлимиздан тутди! Бизга уерда машинанигина эмас, қудратли бўлишни, енгилни, бахтли бўлишни, саодатли турмуш қуришни ҳам ўргатадилар! Рузвон хола, сизга ҳали бунинг ҳаммасини тушунтириш қийин, лекин сиз тушунасиз, наҳотки одам ўз бахтини тушунмаса!

Бу вақт кўча эшиги ғийт этиб очилиб, Онахоннинг хаёлини бўлди. Эшикда чимматсиз қизил паранжини бошига ташлаб, эски ковушни сарпойчанг судраб олган Холнисо кўринди. Айвондан югуриб тушган Башорат уни ичкарига бошларкан, эшикдан яна бирнеча хотин кирди. Улар Онахон кўрган хотинларга ўхшамас, паранжилари офтобда оқариб, асл ранги қанақа эканлиги ҳам номаълум бўлиб кетган, махсилари, ковушлари чанг, базиларининг қўлида тугун ҳам бор эди.

Онахон ўрнидан туриб, бироз ҳайронлик блан, меҳмонларни кутиб олди. Холнисо паранжисини зинага ташлаб, чиройли бурнини қора қўлининг сирти блан артди.

— Онахон, ўргилай, булар менинг ҳамқишлоқларим. Мана буниси менга ўхшаган батрак эди.— У ёрилиб кетган, товонлари йиртиқ ковушидан чиқиб турган, жулдур паранжили, пастак бир жувонни кўрсатди.

Онахон ҳаммаси блан кўришди, паранжиларини бошларидан олиб қўйган хотинлардан иссиқ тер ҳиди келарди.

— Эсон-омонмисиз...

— Омон-эсонмисиз...

— Қани юқорига чиқинглар, қани, буёққа, кўрпачага,— деди Онахон, қизига дастурхонни янгилашни имо киларкан.

Хотинлар, Холнисодан ташқари, беш киши эди.

— Ҳамманглар қишлоқданмисизлар?

— Йўқ, мен аслим қишлоқлигу, ҳозир шуерлик, Бўржарда Этикдўз маҳаллани биларсиз, ўшаерга тушганман,— деди оқроқдан келган семиз хотин.

— Булар Вакила аямни зиёрат қилгани келишган, Онахон ўргилай,— деди Холнисо.

— Зиёрат?

Онахон ҳам, қизлари ҳам хотинларга тикилиб қолишди. Қишлоқи хотинларнинг ҳаммаси юзи офтобда куйган, пешоналари, бурунларининг учлари бекордан-бекорга терлаб турар эди. Уларнинг ҳаммаси ҳархил. Орада бир чуваккинаси худди Қумрига ўхшаш хунук, лекин кўз қарашлари танишдай, меҳрли, илиқ эди. Башорат бир новчасини Абдисаматга ўхшатди: бурни учли, эгилиб тушган, қиррабурун. Яна, иккитаси худди опасингилдай — бир-бирига жуда ўхшарди, сочлари ҳам майин, силлиқ ялтираб турипти. Бешинчиси — энг кексаси — жуссалироқ, семиз, кенг бўз кўйлак кийган, ўзини эркинроқ тутар, муомалаларига қараганда буларнинг

ичида жўравошиси бўлса керак. Онахоннинг саволига шу кампир жавоб берди.

— Зиёрат деб, болам, бир кўргимиз бор... Ниятига етган хотин экан, Ленин отамизни кўрган эмиш. Икки оғиз табарруқ сўзини эшитсак деган эдик.

— Жуда яхши, жуда яхши қилибсизлар, Жўраҳон сизларни кўриб хурсанд бўлади. У ўзи ҳам қишлоқларга бориб-келиб туради, кўрмаган экансиз-да?

— Энди болам, бизнинг қишлоғимиз, мана Холнисо айтиб бергандир, худонинг қўл силтаб ташлаган бир бурчагида. Тоғу тош ошиб ким ҳам борарди. Ўзимиз келақолдик. Келганимизга шундай шукур қилдикки, мана ҳамқишлоғимиз Холнисохоннинг ажойиб-ғаройиб ҳикояларини эшитдик. Хотин кишига буқадар иззат-ҳурмат...:

Кўча эшиқдан югура-елиб Ҳожияхон кирди, у паранжисини йўл-йўлакай иргитиб ташлаб, қизчаларнинг осилганига эътибор бермай ҳовлиқиб сўради:

— Жўраҳон опам келадиларми?

... Бу вақт, қиём пайти, самоварчи Марайимчаққон пилдиратиб сув сепиб ташлаган салқин Бўзчигузарда эркин қадам ташлаб Жўраҳон келарди. У томигача битиб қолган ўйинчоқдай кўркам мактаб биносига, узоқдан кўмкўк бўлиб кўриниб турган хотин-қизлар магазинига тикилиб қараб ўтди. Чойхона ёнига келганда ҳам илгаригидай четдан айланиб ўтмади, ёнгинасидан, рўмолчаси блан елпиниб, бемалол ўтди, унга сўридан кимлардир ҳурмат блан салом ҳам берди.

Найманча ва унинг одамлари Жўраҳоннинг кўз ўнгида ўзгариб борарди. Бир вақтлар буер дин ва урф-одат икир-чикирига ўргимчак уясидай чирмаб ташланган, ғафлат ва қоронғиликда қолган, энг қолюқ маҳалла эди. Женотделга ишга келган кунлари Жўраҳон дастлаб буерга келишга ҳам, тўғриси айтганда, чўчиброқ юрарди. Кечқурунлар ҳовлиларда қолиб кетишга юраги дов бермаган пайтлари ҳам бўлган. Артель очишда худди шу маҳаллани асос қилиб мўлжаллагани тўғри бўлган экан. Мана энди буерлардан ўтса ўзгаришларни, одамларнинг илиқ муомалаларини кўриб кўнгли ўсади. Буерда энди унинг ўз маҳалласидай бўлиб қолди, буерда унинг қўлдошлари, Онахон, Ҳожияхон, Рузвон хола сингари кўмакчилари бор.

Лекин ҳали бу маҳаллада кўп иш борлигини Жўраҳон яхши биларди. Ўйламаган жойда, маҳалланинг кела-

жаги бирдан чарақлаб кетди. Тўқув фабрикаси, балки келажакда катта тўқимачилик комбинати ҳам шуерда бўлади. Буерда қаттиқ ишласа арзийди. Иш ҳали қийин бўлади, Онахон воқиаси буни аниқ кўрсатди. Шунинг учун ҳам буердаги ишни тобора кучайтириш керак. Онахон воқиасини текшириш кетаяпти, ваҳшийликнинг таги-томири блан қўпориб ташлашга фақат маҳаллада ишни яна ҳам кучайтириш блан ёрдам бериш мумкин. Хотин-қизнинг янгича турмуши жонланган сари ҳархил йиртқич ҳашарот ҳам қавагидан ўрмалаб чиқаверади, ўзини, ўзининг иш усулларини кўрсатиб қўяди. Ишни катта ҳуш-ёрлик блан, дадиллик блан, кенг миқ'ёсда давом этдириш керак.

Узоқдан паранжили хотин кўриниб, бесаранжомлик блан тўхтади-да, ялт этиб Онахонларнинг муюшига ўтиб кетди.

Ҳали вақт эрта эди. Ҳозир кунлар узун, қуёш ботгандан кейин ҳам анчагача қоронғи тушмай туради.

Жўрахон Онахонлар эшигининг тагига етганда кўракка баҳра берадиган салқин шабода юрди. Онахон пичоқ еган жойдан берироқда, йўл устида оппоқ қоғоз кўринди. Жўрахон унга э'тибор бермай ўтиб кетди. Ўтиб кетган эди қоғоз оёғига илиниб олдинга учиб тушди. Жўрахон унга эндигина тикилиб қаради: қоғоз оёқ босилмаган, тахи бузилмаган оппоқ, тўрт буклангану, қопқоқдай эчилиб турар эди. Жўрахон эгилиб қоғозни олди. Уни икки бармоқ орасида ушлаганича, очмасдан, ён-верига қаради. Найманчанинг кўчалари жимжит, гузаргача ҳечким йўқ, кечки салқин ҳавода сал қорайиб яйрай-бошлаган дарахт барглари билинар-билинимас қимирлаб, шитирлар эди. Жўрахон бу кимсасиз жимликда кўнглида бир ваҳима сизди, қўлидаги қоғоз сал титраб кетди. Уни бир нома'лум одам ушлатиб кетгандай, очгани юраги дов бермай, дам орқасига, дам қоғозга қарарди.

Жўрахон қоғозни икки қўли блан ушлаб секин очди. Қора қалам блан арабча ёзилган бир ярим сатр ёзув аввал аниқ кўринди, кейин кўздан йўқолди, кейин ҳарфлар ўйнаб кетиб, қопқора бўлиб чаплашиб кетди. Жўрахон кўз олди қоронғилашганидан, киприкларини бирпас чирт юмди. Кўз очганида ҳалиги ҳарфлар жойига тушган эди — ма'носи аниқ, қисқа бир жумла. Жўрахон ичини совуқ ялаб, хатнинг бутун даҳшатини энди аниглади. Юзи оппоқ оқарди, юраги музлаб кетди. Бўғица

лари бўшашиб, титраган қўлларидаги қоғоз жонланиб, питирлаб чиқиб кетаётгандай бўлди. Жўраhon ўзининг қаерда эканини, нима бўлганини зўр блан эслаб, ўзини қўлга олишга уринди, қоғозни ўнг қўлига олиб ғижимлаб олдинга юрди. Икки қадам қўйиши блан Онахоннинг қони тўкилган жойга кўзи тушди. Бу жойга у доим ваҳима блан тикилиб, четлаб айланиб ўтарди. Ҳозир оёқ босиб қўйиб, юраги ўйнаб кетди, ўзини дарров четга олди. Онахоннинг эшик турмини ушлаб, Найманчанинг кўчаларига яна бир тикилиб қаради, ҳаммаёқ боягидай жимжит, кимсасиз эди.

Жўраhon уйга гўё беҳуш кириб келди, оёқ остига қарамай шўшиб бориб айвоннинг устунига қўлини қўйди. Онахон, қизлари ва Ҳожия унинг кўзларида одатдаги таниш меҳрибонликни кўрмадилар. Унинг катта очилган кўзларида ўтли бир даҳшат бор эди. Жўраhon саломлашмади, ўтирган хотинларни гўё кўрмаётгандай, гарангсиган ҳолда юриб тўрға ўтди. Қайрилиб, уй тўла хотинларга қаради. Энди унинг докадай оппоқ юзи ҳаммага аниқ кўринди. Унинг ўзини тутиб олишга уринаётгани аниқ билиниб турарди. Юқорига чиқиб, суяниб ўтиргандан кейин, хотинларни эндигина кўргандай:

— Яхшимисизлар...— деди. Шу бир сўзга нафаси зўрға етди.

— Жўраhon!

— Жўраhon опа!

— Нима бўлди?

Хотинлар уни ўраб олдилар. Ҳожия бир томондан, Онахон бир қўлидан ушлаб юзига қарадилар. Жўраhon ҳечкимга қарамаганича панжаларидан ғижимланган қоғозни бўшатди, қоғоз Онахоннинг қўлига тушди. Онахон қоғознинг таҳини ёзиб чироққа солди ва шундаёқ, қоғоздан ёлқин чиққандек, бошини кўтариб кўзини юмди. Қоғозни Ҳожияга узатиб ўзи Жўраhonга ташланди.

— Опажон! Қўрқманг!

Уни бир нарсадан ҳимоя қилаётгандек кўкрагини гавдаси блан тўсди-да, олайиб кетган кўзлари блан эшикка тикилди.

Ҳожия хатни овоз чиқариб ўқиди:

— «Бу келишингда омон кетасан, иккинчи қайтиб қадам боссанг Найманчадан ўлигинг чиқади»...»

Хотинларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бири жойида ўтирганича анқайиб қолди, бири аланглаб паран-

жисини қидирди, бўржарли кампир Жўраҳоннинг олдига борди. Қизчалар оналарининг этагига ёпишдилар. Кимдир пичирлаб кўкрагига туфлади.

— Балон ногихондан сақла... Лоилоҳа. . .

— Ҳай, шу вақтда лоилоҳанг нимаси?!— жеркиб берди кампир, ўзи Жўраҳонни юпатабошлади:— Қизим, парвойингга келтирма, бунақангги хат ёзганнинг кўзига хасмол чиқсин, илоё. Сенинг азиз бошингга ҳечким кўл кўтараолмайди.

Жўраҳоннинг юзига қон югурди. Хотинларга бошқатдан бир-бир қараб чиқди.

— Сиз кимсиз, хола?

— Жўраҳон опа, булар узоқ қишлоқдан сизни кўргани келишган!— деди Ҳожия юзидаги қўрқувни яширишга уриниб.

Жўраҳон секин юриб ўртага келди. Хотинларнинг кўзларига қаради.

— Қани ўтиринглар бўлмаса, жуда яхши. Жуда яхши! Мен қўрққанним йўқ... Мен сизлар блан сра қўрқмайман. Келинглар, хуш келибсизлар, ўртоқлар!

Ҳечким ҳечнарсга демади. Ҳамма ҳамон Жўраҳонга ваҳима блан қараб турарди. Жўраҳон ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тинчитмоқчи бўлиб гап бошлаган эди, бу даҳшатли сукунат босиб келаверди. Ўзи гап тополмайди, бошқалар бўлса индамайди. Онахон ўзини қаёққа қўйишни билмай, ҳозир бир фалокат кириб келадигандай, дам эшикка боради, дам деразага.

— Утиринглар, Онахон ўтиринг... .

— Нима қилсак экан, опажон... мен... .

— Ҳечнима қилиш керак эмас, ўтиринглар.

— Қаёқдан тушди қўлингизга бу қоғоз?

— Эшигингизнинг тагидан, оёқ остидан топиб олдим.

— Яна ўшалар... .

Бошқалар ўзини ҳарқалай тутиб олган бўлса ҳам Онахон ҳамон тинчиёлмасди. У ёниб кетаётган пешонасини ушлар, Жўраҳоннинг олдига келар, эшикка чиқмоқчи бўлар, яна йиғлагудай бўлиб орқага қайтар эди. Ҳамиша унинг юрагини нотинч қилган нарса Жўраҳоннинг ҳаёти эди, бу ваҳимасини ҳечкимга айтмай, ҳар эслаганда юраги шув этиб, қўрқинчли ўйларини ичига ютиб юрарди. Мана энди фалокат кўзга кўришиб қолди... .

— Утиринг.

Онахон чўққа ўтиргандай ўтирди. Жўрахон униги бошини кўкрагига олди.

— Дод соламан, Жўрахон опа! Бу нима ўзи! Нима бўлаяпти! Қим! Нима керак унга!

— Оғир бўлинг, Онахон. Касалдан турган одам-сиз...— Жўрахон уни ўз синглисидай эркалаб бошини силади.

— Энди нима бўлади, опа?

— Нима бўлар эди, болам,— деди ҳалиги кампир. У буерда ҳаммадан ўзининг ёши улуғлигини кўриб, буларга далда бериш менинг вазифам, деб билди шекилли, зўр бериб бепарво гапиришга уринди:— Жўрахон қизим, бу маҳаллага келмай қўяқоладилар-да, худонинг ёруф дун'ёси кент...

— Йўқ, хола!— деди Жўрахон бу кайфиятга дарров зарба беришга ошиқиб.— Йўқ! Биз чекинадиган эмасмиз! Биз уларга хўп бўлади деб қуллуқ қилмаймиз! Бу— душман иши. Бу— халқ душманларининг иши. Улар сиз блан бизнинг эркин юришимизни кўролмайдилар! Биз уларга қарши тикка борамиз!

— Борамиз!— деди Ҳожия. У ўтли кўзлари блан Жўрахонга тикилган эди.— Мен бу хатни особотделга олиб бораман. Бу жаллодни топамиз. Онахон опамга ҳам пичоқ урган шу.

— У бир киши эмас, Ҳожияхон. Бу бир чиркин қора гуруҳ. Лекин мен қўрқмайман.

— Биз ҳам қўрқмаймиз!— деди Ҳожия.

— Лекин, ҳарҳолда, опа, сиз Найманчага келманг,— деди Онахон,— буердаги ишни ўзимиз қиламиз. Биз барибир сиз блан бирга бўламиз, биз барибир ўз ишимизни қиламиз.

— Гап менда эмас, гап ана шу ишда. Мен келмасам, эртага сизга ҳам худди шундай хат ташлашади. Сиз ҳам Найманчадан чиқиб кетишингиз керакми? Йўқ, биз ҳеч нарсани ўзгартирмаймиз. Илгаригидек, лекин яна ҳам кучлироқ иш олиб борамиз.

— Эртага артельда ҳам, клубда ҳам бутун хотинларни йиғиб воқиани айтиб берамиз,— деди Онахон,— токи бу қабихликни ҳамма билсин. Бутун халқ билсин, жаллод бекинадиган қавак тополмайдиган бўлсин.

— Бу гапингиз тўғри,— деди Жўрахон.— Айтгандай сизлар иш блан келиб, менинг ташвишим блан овора бўлиб қолдинглар, хўш, қишлоқда нима гап?

— Сизнинг ташвишингиз — бизнинг ташвишимиз, Вакила ая... Жўраҳон опа,— деди Холнисо,— булар сизнинг Ленин отамиз блан кўришганингизни билиб, атайлаб зиёратга келишган. Менинг ҳамқишлоқларим бўлишади.

— А-а? Бундоқ денглар. Зиёратга эмас, гаплашгани денг. А-ҳа, жуда яхши опажонларим. Мана кўриб турибсизлар...

— Вой, опа, мен одам чақирай... — деди Онахон ваҳимасини ҳамон босолмай,— милицияга хабар бердирайми?

— Йўқ, йўқ, саросимани қўйинг.

— Ахир қандай кетасиз?

— Биз ёнимизда милиция олиб юриб курашсак, чинакам катта кураш олиб бораолмаймиз. Биз милицияни эмас, халқни эргаштиришимиз керак. Милиция ўз ишини билади.

— Ахир хабардор қилиб қўйиш керак.

— Хабардор қиламиз, мана Ҳожия айтди-ку.

— Бўлмаса сизни вақтлироқ кузатиб қўяйлик. Қоронғи тушаяпти.

Ҳалиги кампир чора топиб бериб, яна далда бермоқчи бўлди:

— Мана битта паранжини ёпинасизу, чиқасиз кетасиз, паранжида ким таниб ўтирипти.

Жўраҳоннинг бу гапдан жаҳли чиқса ҳам ўзини бошишга ҳаракат қилди.

— Холажон! — деди у кампирдан кўзини олмай, ёнида дийдираб, анграйиб турган Башоратни кучоқлади.— Мен бу нарсани қайтиб ёпинадиган бўлиб ташлаган эмасман. Душман менинг юзимдан қуёш нуруни бир нафасга ҳам бекитаолмайди! Мен тирик эканман — қуёш, соф ҳаво меники, дўстларимнинг нурли чеҳралари кўз ўнгимда бўлади. Уларни мендан чиммат эмас, ўлим даҳшати ҳам тўсаолмайди.

Жўраҳон қизишиб юрагидагини жуда очиқ, кескин айтиб қўйганини пайқади, буларга ётиғи блан тушунтириб гапириш кераклигини сизди.

— Қани, ўтиринглар... Мана сизлар мени Ленин блан гаплашган хотин деб кўргани келибсизлар.— Жўраҳон тўрроққа ўтиб, Башоратнинг пастак ёзув столига ўтирди. Хотинлар ҳам унинг атрофини ўраб ўтирдилар.— Инсон боласи туғилиб ёруғ дунёга кўз очганида юра-

гидан нималар кечганини эслайолмайди. Мен мана шу блан тенг бир пайтни эслайман, у ҳаммавақт кўз олдимда, уни умрбод эсимдан чиқармайман. Мен юзимни биринчи марта Владимир Ильич Лениннинг олдида очганман. Мен паранжимни бошимдан олиб қуёшдан ҳам аввал улуг Лениннинг нурли юзини кўрганман. Мана тўрт йилдирки, мен бу ҳақда одамларга, сиздай дўстларимга юз марталаб ҳикоя қилгандирман, лекин бирор мартасида ҳам ўз ҳикоямдан қониққан эмасман, мен бу дамда юрагимда нималар бўлганини айтиб беролган эмасман, айтиб беролмайман ҳам, у дам бир бўлди-ўтди, энди уни тилимда эмас, дилимда ҳам худди ўзидай қилиб такрорлайолмайман. 1921 йил эди. Биз ўзбек, тожик, туркман хотинларидан етмиш киши бўлиб, Москвага катта йиғинга бордик. Биз блан кўришгани Ленин келади, дейишди. Мен паранжида эдим. Мен ўша кунгача ёруғ дун'ёга, қуёшга чиммат орқали қарашга рози бўлиб келган эдим, лекин Ленин юзига чиммат орқали қарашга... бўлмади, бутун вужудим устимдаги паранжини, юзимдаги чимматни ловуллатиб ёндириб юборадигандай кўринди. Қонимда, миямда, юрагимда худди ис'ён кўтарилди. Ленин ўзи келгунча чидадим... ўзи келиб ҳамма хотинлар қаторида менга ҳам кўришиш учун қўл узатганида ҳалиги ўт чиндан ловуллади. Ҳозир ҳам шуни кўп ўйлайман — ўшанда Ленин блан кўришишдан аввал қўлимни бошимга, паранжимга узатмаганимда ростдан ҳам ёниб кетармидим дейман. Ёнимасам ҳам виждоним бир умр азобда қоларди... Мен қўл беришдан аввал паранжимни бошимдан олдим, рўдапо латта бошимдан сирғилиб, ўша турган жойимнинг ўзига, оёғим остига тушди, мен уни нунтдим. Менинг кўзларим... Билмадим ўша вақтда кўзларим қандай бўлгандир, балки жуда чақнаб, кўрқинч бўлиб кетгандир... Кўзларим Лениннинг нурланиб турган меҳрибон юзига тушди. У жилмаяр эди, эҳтимол менинг қилиғимдан кулгандир, лекин у вақтда бу менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Илгари мен Ленинни қуёшга ўхшатишганини ўқиб, эшитиб юрар эдим. Йўқ, у қуёшга ўхшамас экан. Қуёшдан ловуллаб олов ёғилиб туради. Ленин бўлса ундай эмас, ундан нур ёғилмайди, уни кўрганингизда ўзингизнинг дилингиздан нур ёғилади... У қўлимни... мана шу қўлимни ушлади, — Жўраҳон, ўнг қўлига ўзи қараб қўйиб, уни кўкрагига, дук-дук уриб турган юрагининг устига қўйди.

Хотинлар ҳам унинг шу қўлида бирнима кўрмоқчи бўлгандай қарадилар.

— «Яхшимисиз» деди. «Раҳмат, азиз Владимир Ильич!..» дедим. Ҳозир ўша пайтни эслаганимда мен бу сўзларни жуда аниқ қилиб айтаман, дилимда такрорлайман, лекин ўша пайтда эплаб айтолмадим. У бошқа хотинларга қўл узатиб ёнимдан кетди, мен унга қараб интилдим. Оёғимга паранжим ўралашди. Шундагина ким эканлигим, шу пайтгача ким бўлганлигим эсимга тушди. Хаёлимга бир фикр келди — дун'ёда Лениндай одам бору, мен шу дун'ёдан юзимни чиммат блан бекитаманми? — дедим. Лениндай одам бутун улуғ умрини сарф қилиб биз учун шундай замонлар яратиб берадию, мен ўзимнинг порлоқ тақдиримдан қора чиммат ичига бекинаманми? Йўқ, мен паранжини қайтиб бошимга ололмадим. Унинг қаерларда қолиб кетганини кейин эслаб хўрлигим келди: балки бирортаси икки бармоғи блан жирканиб ушлаб, ахлатхонага олиб чиқиб ташлагандир. Ўша одам, ким бўлса ҳам, мени кечирсин — бу чиркин нарсани озод, ёруғ замонга мен судраб кирганман ахир. Улуғ Лениннинг муборак нафаси мени ундан халос қилди. Энди мен бу чиркин рўдапони бошимга бир нафас ёпинсам ҳам ўз қадримни, менга инсон деб қараганларни, менинг бахтим, ёруғ келажагим учун жон тикиб курашган миллионларни ҳақорат қилган бўламан. Биринчи марта юзимни очиб кўрганам — Ленин сиймоси шундай кўз олдимда турипти. Мен уни доим, мана ҳозир ҳам кўриб турибман. Мен ундан юзимни ўргимчак уясидай қора чиммат блан бекитайми? Хола! Сиз...

Хотинлар Жўрахонга қараб талпиндилар. Онахон ерда ўтирган жойидан унинг этагига бошини қўйиб белидан қучоқлади. Ҳожия орқада, йилтиллаб кетган кўзларини катта очиб, қаёққадир, эшик томонга тикилганича, бир қўлини Жўрахоннинг елкасига қўйиб, тикка турар эди.

— Мен, болам... кекса авом нарсаман, гапим кўнглиннга қаттиқ ботган бўлса...— деди кампир Жўрахоннинг кўзларига қараб, — азиз жонингга қасд қилган номард бор экан, ахир...

— Биз у номардлардан қўрқиб паранжига бекинмаймиз! — деди Ҳожия бирдан қаттиқ, ҳаяжонли овоз блан. — Паранжи бизни уларнинг қўлига боғлаб беради! Жўрахон опамнинг жонига қасд қилаолмайди. Унинг жони

битта эмас, биз — хотинлар, қизлар нечта бўлсак, Жўра-
хон опамнинг жонлари шунча!

Жўраҳон елкасига қўлини узатиб Ҳожиянинг қўлини
ушлади.

— Туринг, опа, мен сизни кузатиб қўяман,— деди
Онаҳон ўрnidан туриб,— ўртоқлар, сизлар ўтиратуричи-
лар, Жўраҳон ҳақида мен сизларга ўзим гапириб бера-
ман. Опа, буерда узоқ ўтиришингиз ярамайди. Қоронғи
тушди. Юринг.

Хотинлар ўринларидан турдилар. Жўраҳон суҳбатнинг
ноқулай вақтга тўғри келгани учун узр айтиб, қишлоққа
ўзи боришга ва'да берди. Хайрлашаркан, кампир эшик
тагида тўхташиб, Жўраҳоннинг пешонасидан ўпди-да, ёл-
ворган овоз блан гапирди:

— Мен лодон кампирнинг гапини айбга буюрма, қи-
зим. Онаҳоннинг гапига қулоқ сол, келма, келма Най-
манчага, жон қизим. . .

Жўраҳон индамади, қучоқлашиб хайрлашди-да, чиқиб
кетди.

Онаҳон икковлари кўчага чиққанларида ёнларида
Ҳожияни кўрдилар. Тўхтадилар.

— Ҳожия, сиз қаёққа?

— Сизлар блан!— деди Ҳожия кескин.

— Мен горкомгача кузатиб бораман,— деди Онаҳон.

— Мен ҳам!

— Ҳа, майли, паранжингизни ёпиниб чиқинг бўлма-
са. Биз кутиб турамыз.

— Йўқ!

Жўраҳон ҳам, Онаҳон ҳам ялт этиб унинг юзига қа-
радилар. Ҳожия кўкрагини олдинга бериб, тўғрига, Жў-
раҳон кетадиган йўлга, узоқларга қараб турарди.

— Йўқ!— деди у яна.— Мен. . . мен энди паранжи
ёпинмайман.

Унинг бу қарорга келганини Жўраҳон ичкаридаёқ сез-
ган эди, бу қувонч ҳозир уни яна ҳам дадил қилди, кўча-
га чиқиб манфур хатни топган жойи эсига тушиши блан
юрагини яна ўйнатабошлаган ҳадик энди бутунлай йў-
қолди.

Буни Онаҳон ҳам пайқади, у Ҳожияга қувончли кўзла-
ри блан тикилиб турдию, унинг ўрнига Жўраҳонни қу-
чоқлаб олди.

Улар қўл ушлашиб катта йўлга тушиб олдилар. Кўк-
ракларини кериб, дадил қадам қўйдилар.

Найманчанинг кўчалари тинч. Гира-шира қоронғида
уч жуфт оловли кўз ялтирар эди. . .

Ўн тўққизинчи боб

Узоқдан этикка ўхшаброқ келадиган уч-тўрт гектар чамасидаги бу ташландиқ ер жуда қадимдан бери сра ўзгармай шу аҳволда ётган бўлса ҳам, унинг тайинли номи йўқ эди. Эрман, какра, шўра, янтоқ босиб кетган бу майдон ҳар йили эрта баҳорда бир ғовлаб кўкарадида, саратон кирар-кирмай қовжираб, сапсариг, оёқ босиб бўлмайдиган қурғоқ тиканакзорга айланади. Буер четдан қараганда теп-текис, лекин бордию ўт оралаб ичкарисига кирадиган бўлсангиз паст-баланд, ўйдим-чуқур, шўр босган дўнгликлар, тепачалар, бекордан-бекорга ўпирилиб кетган ўпқонлар ҳам бор. Найманчага туташган томони қават-қават гўнгтепа, кўкиш, кунжара кули уюм-уюм бўлиб ётипти. Буерга Найманчанинг неча-неча йиллик ахлати чиқариб тўкилган. Гўнгтепанинг этагида, янги ахлат тўкилган жойда дайди итлар изғийди, тепасида пашша булути ғувиллаб, боғлаб қўйгандай, эрта-лабдан кечгача аримайди.

Буердан қиялаб кетган Найманча қинғир-қийшиқ гувала деворлари, ўт-ўлансиз катак-катак ҳовлилари, пастак лойсувоқ уйлар ва болохоналари блан худди ари уясидай кўринади. Унда энг баланд жойга-ўрнашган ҳаворанг гумбазли мачит блан Қудратиллахўжабойнинг кўмкўк чорбоғигина алоҳида ажралиб кўзга ташланади, бошқа жойлари ҳаммаси бирхил, ҳаммаёқ сурранг тупроқ, заиф одам қўли блан ё ҳужра, ё девор деб лой чаплангану, вақт уларни шафқатсиз нуратган, емирган. . .

«Этик»нинг «пошна»си тикка, баланд тепаликка бориб тақалган. Туппа-тузук бино бўйи келадиган бу яланғоч тепалик бир қарашда ястаниб ётган ҳайвонга ўхшайди, шунинг учун бўлса керак, уни илгаридан «Арслонтепа» деб атайдилар, эҳтимол, бир вақтлар чўзилиб ётган ёлдор арслонга ўхшагандиру, ҳозир уни шамол, ёмғир ялаб қайроқдай силлиқлаб ташлаган, одамлар ҳам уёқ-буёғини чўқилаб, қазиб-ўйиб унинг эски шаклини бузиб юборишган. Тепаликнинг бир четида кичкина эски пахса қўрғонча ҳам турипти, кимдир буерга хумдон қурмоқчи бўлиб, кейин ташлаб кетганга ўхшайди.

Ялангликни этикка ўхшатиб, ичкарисига бурчаги блан кириб турган нарса қадимий гўристон эди. Унинг шариги

чети кўринмайди — кун ботишга, пастликка тушиб кетган. Паст-баланд қабрлар орасида ярми емирилиб тушган меҳроб гумбазли Ҳазоршайх мозори қўққайиб турипти. Дахманинг икки томонига туғ-алам деб аталадиган, офтоб еб, ёмғир чиритиб юборган парча-парча латталар, супургига ўхшаш от ёллари бойлоглик узун ёғочлар қоқилган.

Мана шу манзарага эрталабки қуёшнииг қия нури тушганда, Найманчага кетадиган Қўштегирмон йўлидан, бўлажак фабрика қурилишининг раҳбарлари чиқиб келди. Пастликдан, энг аввал, солдатча этигини судраб, тўрт каржли янги дўппи кийган Эргаш кўринди. Унинг кетидан ялтироқ козирёкли фуражкасини қўлига олиб олган Ефим Данилович ва энг орқада, худди чарчагандай судралиб, кичкина жуссали инженер Добротворцев юриб келарди. Ташландиқ майдонга яқинлашганда улар бараварлашиб олдилар, дам Эргаш, дам Ефим Данилович қўллари блан узоқларни кўрсатиб гапирар, ба'зан тўхтаб, яна юрар, яна қўлларини силтаб гапирар эдилар. Сал ўтмай Арслонтепа ёнида, «Этик»нинг ҳаржой-ҳаржойида сепоя асбобларини кўтариб ер ўлчовчилар, ер тузучилар пайдо бўлишди.

Эргаш ҳаммаёқ кўринадиган бир тепароқ жойга чиқиб тўхтади. Надеждин блан инженер ҳам унинг ёнига чиқди. Улар қўлларини қошларига соявон қилиб, узоқларга қарадилар, яна олдинга юрдилар.

Улар бугун қурилиш участкасининг чегараларини аниқлаш, дастлабки ишларнинг ҳажмини белгилаш учун чиққан эдилар. Бу ошиғич чиқув Эргаш блан Добротворцев учун кутилмаган ҳол бўлди. Ефим Данилович бу ҳақда уларга кеча кечқурун тасодифан гапириб қолди.

Ўтган куни Ефим Данилович горкомга борган эди, вестибюльда хотинини учратиб қолди. «Соня!» деб чақирмаганида Софья Борисовна уни кўрмасдан чиқиб кетадиган эди. У паришон, кўзига ҳечнарсга кўринмагандай қаёққадир шошилар, юзидан қон қочган, лаблари қалтирар эди.

— Ефим, буёққа кел,— деди у йўлакда турган диван томонга имлаб ва ўзи шошиб бориб ўтирди. Енига Ефим ўтиргандан кейин ўзини босмоқчи бўлгандай қўлини кўкрагига қўйди:— Эшитдингми Ефим... нима қиламиз, менга қара, нима қиламиз?..

— Нима, нима гап ўзи, Соня?

Софья Борисовна дам қўрқув-ҳаяжон блан, дам даргазаб бўлиб гапирди, у Жўраҳоннинг олдида бўлганини, Жўраҳон Найманчада оёқ остидан ўлим блан таҳдид қилучи қорахат топиб олганини айтиб берди.

Ефим Данилович ўтирган жойида қотиб қолди, унинг юзи қорайиб кетди, оғир босиб тушган пахмоқ малла қошлари тагида кўзлари чўғланди.

— Ефим, тезда чорасини кўриш керак!— деди Софья эрига ялинган овоз блан.— Биз артельда, клубда, маҳаллада йиғилишлар ўтказишни, Найманчадаги ҳар хонадонда актив иш бошлашни мўлжалладик. Биз хотинларни ҳуш'ёрликка, душманни фош қилишга чақирамиз. Жўраҳонни ҳозирча у томонга юбормаймиз, ўзи қаршилиқ кўрсатаяптию, лекин у ҳозирча бормайтургани яхши... Сен... Сизлар нима қилаоласизлар, қани айт?

— Уша хат кимда экан?

— Хат тегишли жойга топширилди, у томондан бизнинг ҳимоямиз зўр, бу ўз йўли блан. Лекин биз ўзимиз, ҳарбиримиз бундан ма'лум хулоса чиқариб, аниқ жавоб беришимиз керак.

Ефим Данилович анчагача индамай ўтирди-да, бирдан туриб чап коридорга ўтиб кетди. Софья унинг Жўраҳоннинг ёнига кириб кетганини англади.

— Келинг, ўртоқ Надеждин, Софьяни кўрдингизми, ҳозир чиқиб кетган эди.

— Йй... йўқ, Жўраҳон. Мен уни кўрганим йўқ.

Жўраҳон тетик, хушчақчақ эди. У яслида кўрган кичкина Верочканинг қилиқларини гапириб бериб кулди, яна битта бўлмаса Софья икковларининг ўрталарингда талаш бўлиб қолади, деб ҳазиллашди. Ефим Данилович фикрида бутунлай бошқа гап бўлса ҳам, ҳамсуҳбатининг кайфиятига мослашишга уриниб кўрди. Ҳозир оёқ остидан топилган маш'ум хат тўғрисида гапиришнинг сра ўнқови йўқ эди. Ефим Данилович ундан гап очмади.

— Бир маслаҳат блан келдим, Жўраҳон,— деди у хатдан сра хабари йўқдай,— горком шунга нима деркин?

— Қани, қани, нима маслаҳат?

— Қурилишни... биринчи августда эмас, олдинроқ, ўнинчи июльдан бошлаб юборсак.

— Сиз тайёرمىсиз?

— Тайёрлик бўлаверади, тайёргарлик блан бир вақтда бошлаб юборадиган ишлар ҳам бор-ку. Биз халқни ҳаракатга солиб юборишимиз керак.

— Ефим Данилович, мен ҳам худди шуни ўйлаб турган эдим. Нима учун десангиз, қурилиш ҳақидаги гап дўстга ҳам, душманга ҳам бориб етди. Вақт ўтган сари маҳаллаларда турли гаплар, очиғи — тескари диний ташвиқот ҳам, иғво-фитналар ҳам кўпайиб кетаяпти. Мана Найманчада Ҳазоршайх мазори атрофида турли ваҳимали иғволар тарқалипти. Қолоқ аҳолининг бир қисми. . .

— Хабарим бор. Менингча, бизнинг ташвиқотимизнинг кучи — амалий ишда. Халқ ўз кўзи билан кўрсин, халқнинг илғор қисми бизнинг нима қилмоқчи бўлганимизни билади ва буни бошқаларга кўрсатади. Биз тантанали, қизғин, ғайратли, оммавий иш бошлаш билан ҳамма иғволарнинг йўлини тўсаоламиз. Бу билан биз фитначиларни ҳанг-манг қиламиз, қуролсизлантирамиз.

Жўраҳон Ефимга самимият ва миннатдорлик билан тикилиб қолди. . .

— Сиз. . : Софья Борисовнани кўрдингизми, Ефим Данилович?

— А?.. Кўрдим, лекин гап унда эмас, Жўраҳон. . :

— Тўғри! Гап унда эмас. Юринг, ўртоқ Мансуровнинг олдига кирамиз!— Жўраҳон стол устини дарров йиғиштирабошлади.

∴. Добротворцевнинг оёғи ёнидаги қовжираган какра тагидан шитир этиб, икки қарич келадиган калтакесак сакради. У нарироқдаги қора тош соясида ўликдай қотиб, жонсиз кўзлари билан Добротворцевга бирпас қараб турди-да, лип этиб тош тагида йўқ бўлди. Добротворцев безовта эди, у эски, ғижим шляпаси билан қуёшдан юзини тўсиб, узоқни унча кўрмайдиган кўзлари билан дам гўристон томонга, дам Арслонтепага тикилар эди. У олдинга ўтиб кетди, белдан келадиган ёввойи ўтти оралаб, ўйдим-чуқурлардан эҳтиёт бўлиб, қоқина-қоқина ичкарига юрди. Бир ўпқон ёнидан чиқиб қолиб тўхтади. Шимининг тор почасига ёпишган тўнғизтароқни териб ташлаб, орқасига қаради. Эргаш билан Ефим Данилович тақир бир тепаликда махорка тутатгани ўтиришган эди. Қайтиб уларнинг ёнига борди.

— Қалай, инженер?

— Худонинг охиратда дўзах қиламан деб сақлаб қўйган жойи бу,— ҳазиллашди Эргаш инженернинг терлаб, хуноб бўлиб кетганини кўриб.— Чекинг, инженер.

— Раҳмат,— инженер улар ёнига, тепаликка чиқиб, яна узоқларга тикилди. «Ҳа-а-а!» деди бошини тебратиб.

Улаф тинч қолдилар. Эргаш блан Ефим Данилович зўр бериб махорка тортишарди.

— Ишонганимиз — ҳашарчи аҳолининг ташаббуси...— деди инженер ҳамон майдонни кузатиб.— Лекин бу ташаббус, бу ла'нати жойни текислаб, қурилиш участкаси ҳолига келтиргунимизчаёқ ўчиб қолмаса дейман. Ҳали буни текислаш асосий ишимизга кирмайди...

Эргаш ер тагидан Надеждинга қараб қўйди. Ефим Данилович махорка қолдигини пошнаси блан эзиб, ўридан турди.

— Бунисини кейин кўрамиз. Қани, айланиб, дастлабки иш ҳажмини мўлжаллайлик-чи.

— Бу аҳволда ўша дастлабки ишдан нарига ўтаолишимизга кўзим етмайди,— деди инженер олдинга юриб.

Улар паст тушиб, баланд чиқиб, тиканак ўтзор ора-лаб юрдилар. Олдинда кетаётган инженер қуртлаб, сасиб кетган ит ўлигига дуч келиб, ноилж гўнгтепа томонга бурилди, уерда пашша галасига йўлиқиб, ўзини тошлоққа урди. Буердан гўристоннинг бутун чўтир юзаси очик кўринди. Кун қизимоқда, қизиган ердан, намтоб алафлардан бўғиқ, дим ҳаво кўтарилмоқда эди. Эргаш олдинда кетаётган инженердан кўзини олмас, унинг борган сари тажанг бўлаётганини сезиб турар эди.

— Ҳозирдан капалаги учди...— деди у паст овоз блан Ефим Даниловичга.

— Парво қилма, тажанг бўлдими — демак ишларш кўнглида бор.

— Э, кўнглида нима борлигини кўриб турибман! Халқ ташаббуси ҳақидаги гапини эшитдингизми?

— Халқ ташаббусининг нима эканини у қаёқдан билсин, кўрса билади-да!

— Қўйинг, Ефим Данилович, бу одам менга ёқинқи-рамаяпти. Қисқаси — первой сорт спецга дучор бўлдик. Бу ҳали бизга қимматга тушади.

— Ҳа, қимматга тушади,— деди Ефим Данилович ва қўйин чўнтагини титабошлади. Қичкина дафтарча олиб, бир нарсани тополмай узоқ варақлади.— Мана, сенга деб ёзиб олиб қўйган эдим.

Эргаш дафтарчани олиб, Ефим Данилович очиб берган бетига тикилди. Тўхтади. Дафтарчада бинафша сиеҳ

блан пухта қилиб русча ёзилган эди: «Не бояться «учения» коммунистов у буржуазных спецов... Не скупись платить «за науку»: за науку заплатить дорого не жалко, лишь бы ученье шло толком».

— Ҳа бу гапни дафтарга ёзмасдан, гапириб қўяқолсангиз бўлмасмиди?— деди Эргаш.

Ефим Данилович жилмайди.

— Буни дафтарчагина эмас, юрагингизга ёзиб қўйсангиз ҳам арзийди. Бу— Владимир Ильич Лениннинг сўзлари.

— А? Ленин?!

Эргаш яна тўхтаб, дафтарчага яна тикилди. Ёзувни яна қайта ўқиб чиқди.

— Э, бу жуда содда, лўнда гап-ку, Ефим Данилович, ростдан ҳам Лениннинг ўзи шунақа деб ёзганми?

— Соддалигидан ҳам, худди сен блан бизга хитоб қилиб ёзганини айтмайсанми.

— Ҳа-я...

Эргаш ёзувни яна ўқиди, кейин дафтарчадан кўзини олиб уни ёддан айтиб кўрди.

— Менга қара, начальник, икковимиз шу мақолани бир ўқиб чиқишимиз керак. Бу— бир. Иккинчидан, инженер Добротворцев сен айтгандай «первой сорт» эмас. Йўқ, йўқ, сен янглишасан, мана ҳали мен айтди дерсан. Сен унга муомалани ўзгартиришинг керак. Унинг чин кўнглидан биз блан ишлаш орзуси бор.

Инженер эллик қадамча нарида, бутун майдон кўринадиган бир тепаликда тўхтаб, уларни кутарди. Эргаш блан Ефим Данилович гапни бўлиб, қадамларини тезлатдилар, икковларининг ҳам оёқларида бир эллик чанг босган қўпол этик, дук-дук этиб тепаликка чиқиб бордилар. Буердан ташландиқ майдон ҳам, Найманча ҳам, гўнгтепалар ҳам, гўристон ва Арслонтепа ҳам, Қўштегирмон йўли ва ундан наридаги ўрикзор ҳам кафтдагидай яхлит кўриниб турарди.

— Нима дейсиз, инженер, ишни мана шу Арслонтепадан бошласак?— деди Ефим Данилович.— Динамит блан қўпориб, иккита комсомол бригадасини қўйиб қўйсак, ўн кунда кўтариб ташлашади.

Эргаш тушунмади.

— Нима-нима?— деди кўзини катта очиб.— Арслонтепага тегиб нима қиламиз, буёқда текис жой қуриб кетиптими, Ефим Данилович, нима деяпсиз?

— Қани текис жой?

— Ҳа мана!— деди Эргаш гўристон томонга қулочини ёзиб.

— Гўристон-ку бу!— деди Ефим Данилович.— Одамлар ётипти ахир буерда.

— Э одам-подами қоптими, даққи-юнусдан бери шу туриши туриш. Теп-текис жой туриб Арслонтепа дейсиз-а! Озмунча меҳнат керакми бунга?

— Йўқ, начальник, енгил ўйлаясиз,— деди Ефим Данилович калласини чайқаб. Эргаш унинг гапини бўлди.

— Мусулмонликка-ку сиздан кўра мен мусулмонроқман, Ефим Данилович. Лекин оппа-очиқ йўл туриб, худди шапкўрдай, пешонамни мана бу деворга урайми!— Эргаш тоғдай тикка, қаққайиб турган баҳайбат тепани кўрсатди.

— Бу девордан мана буниси қаттиқроқ эканини тушунтироқчман, начальник...

— Тушунаман. Нима демоқчи бўлганингизни билиб турибман,— Эргаш гап бермай қизишиб гапирди.— Мен тўда-тўда каллакесарларни генерал-пенераллари блан тумтарақай қувиб, чиққан қавагига тиқиб келган солдат бўлсаму, энди келиб-келиб маҳалладаги тўртта-бешта эчки соқол, қовоқ салладан чўчидимми! Қўйинг-э, Ефим Данилович, тўғри келмайди бу гапингиз. Қурилишга гўристондан қанча жой керак бўлса уч кунда тап-тақир қиламизу қўшамиз оламиз. Янги гўр йўқ бу томонда, ана бу бесўнақай алвастихона бўлса,— у Ҳазоршайх мазорини туртиб кўрсатди,— минг йил бўлган бу калтакесак уясига.

— Гап тўртта-бешта руҳонийда эмас... :

— Ҳа, атрофида бид'атга муккасидан кетган беш ўнга нодон, ивгогар-шилқим, каллакчи пештаҳамлариям бор. Нима, энди шуларга қуллуқ қилдикми, азбарои шолғом. Походларда силлам қуриган, жиғини эзаман, бошидан тегирмон тоши юргизаман, бир нарса десин-чи!..

— Сен унча қизишаверма, ўртоқ Султонов, буердаги ишни ҳамон фронт блан аралаштираяпсан. Мен бу ҳақда сенга бир вақт бошқа бир муносабат блан ҳам гапирган эдим шекилли. Одамларнинг миясида минг йиллардан бери томир ёзиб келган диний урф-одатни хаш-паш деб қўндоқ блан қувиб чиқариб бўлмайди. Биз коммунистлар оммага таянамиз, омманинг қудратига ишонамиз, лекин унинг кўнглини, кайфиятини чуқур тушуниб, аста, эҳтиёт блан тарбиялайбилишимиз ҳам керак. Ҳамма касални

ҳам шартта кесиб ташлаш блан даволайвермайдилар. Узоқ чидам блан даволанадиган касалликлар бўлади. Дўпписини ол деганда калласини олиб келаверсанг...

Эргаш тошга ўтириб, этик қўнжидан тунука қутисини олди.

Индамай қулоқ соларкан, ўзига маҳорка ўраб, қутичани Ефим Данилович томонга суриб қўйди. Булар ўртасидаги гапга берилиб кетиб, ўзининг хуноблигини ҳам унутган Добротворцев чўккалаб ўтириб, қутичани ўзига тортди-да, қовушмаган бармоқларини тупуклаб маҳорка ўрайбошлади...

..Қудратиллахўжа меҳмонхона деразасининг икки ромига икки қўлини тираб, ташқарига қараганча тикка турарди. Бирдан нимадир қаттиқ гумбурлаб, еру осмон титраб, меҳмонхона зилзиладагидай силкиниб кетди, дераза ойнаси қалтираб зирқиради. Ичкари ҳовлида Ҳожарбибининг ваҳима блан калима келтиргани эшитилди. Кейин қўрқинчли жимлик чўкди, бой ёқасини ушлаганича зилзиланинг яна тақрорланишини кутди.

— Оёқ босган заминингизни ўпиришаяпти, тақсир... :

Бамайлихотир, ерга қараб қуюқ овоз блан секин айтилган бу сўзлар Қудратиллахўжага «салоти жаноза» дегандек эшитилди. У қайрилиб қаради. Уйнинг қоронғи бурчагида юмшоқ курсига чўкиб, кўмирдай қопқора бўлиб Афғончойфуруш ўтирарди. У бойнинг ичидан ўтганини билиб турар, уни қош тагидан кузатар ва жойи-жойи блан тўрт оғиз ачитиб гўнғиллаб қўяр эди.

— Бу сафар ҳам гўл бўлманг, мусовидонгизни қилинг, борингизни тиллага чақингу фариштадеккина гоғиб бўлинг, тақсир, ҳа.

— Айтишга осон... :

— Наимхўжа эшончалик бўлолмайсизми?— деб гап қўшди қўл қовуштириб ўтирган Махсум.— Ўз жонининг қадрига етмаганини худо бандам демас экан. Дун'ён боумид, азим салласини тўқайга ташлаб, чой яшигида гужанак бўлиб ётганини ўз кўзи блан кўрганлар бор экан.

— А-а?

— Елғон гапирган етти мазхабда мусулмон эмас. Мана энди дориломон юртда яна бояги-бояги, кимсан Наимхўжа эшонмиш. Уерларда тиканнинг ҳадди борми азизларнинг пошнасига қадалса.

Қудратиллахўжа Наимхўжа эшонни бир савдогарнинг чой яшигига тушибми, бузоқ терисига ўралибми, Афғонистонга ўтиб кетган эмиш, деган гапни эшитган эди.

— Йўқ!— деди заҳар ютгандай ғижиниб.— Қудратиллахўжа қочмайди. Бир юмалоқ олтин бўлиб олиб, шўронинг бўғзига қирра тошдай қўндаланг тураман! Гадосини ҳам, пирини ҳам, қўрбошисини ҳам ишга соламан, мол бераман — жон оламан... Мени Шоҳимардонда кутаяптилар.

— Биламан, тақсир,— деди чойфуруш жонланиб.

— Биламан дедингизми?— деб сўради асабий жазавадан ҳансираган бой.

— Ҳа.

Қудратиллахўжа бошқа суриштирмади у, «чойфуруш»нинг ҳаммавақт ҳамма нарсадан хабардор бўлганига ажабланмай қўйган эди.

— Фақат мана бу падарбеҳабарнинг хархашасидан қўрқаман,— деб давом этди у ҳорғин, аянч оҳангда,— Чорбозордаги боғимни пуллашнинг учини чиқарганимдаёқ важоҳати бирхил бўлиб, тутуни осмонга чиқувди. Тиллага чақ дейсиз, бу ҳаромидан яшириб бир иш қилиб бўладими?

— Фарзандингиз, тақсир, уқдириб кўринг,— Афғончойфуруш шундай дедию, лекин унинг гап оҳангидаи, «Уқдиришнинг фойдаси йўқ» деган ма'но англашилиб турарди.

— Э тақсир, бу итваччага гап уқдириш тошга азон айтган блан баравар. Кеча гапириб кўрсам, онам раҳматликни ўсма-сурмасигача қўймай сўқди.

— Тарновини ҳўлланг, тақсир. Битта-яримта қаланғи-қасанғи қиз йўқ эканми. Эшакка шўра бўлмаса ётиб оладию, қуруқ сўз қулоққа ёқармиди?! Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, тақсир. Иннайкейин, тақсир, оталикни ҳам ишлатинг-да, тунов кун ичкарингизда завжай муҳтарамангизга оғзи шалоқлик қилгани қулоғимга чалинди. Сабри-тоқатингизга балли-е, мен бўлсам, тақсир, ўғлим-пўғлим деб ўтирмасдан тарс-турс қўйворардим.

..Худди шу маҳалда ҳовуз бўйидаги янги уйда, Нусратилла блан Наимийнинг суҳбати давом этарди. Нусратилла чопонига ўраниб, кўксини ёстиққа бериб чўзилган, Наимий эса сандиққа орқасини қўйиб, суякдастали ҳасасини ўйнар, бойваччанинг чўтир юзидаги ҳарбир

Ўзгаришни ер тагидан кузатиб, ингичка овози блан ҳар замонда гапириб қўяр эди.

— Ха-е-е, замонлара, замонлар... Сиз блан бизга келганда, акаси жонидан, на мусулмон мусулмон эмас, на ота вләне'мат. Ҳаммаси муртад, ҳа, ҳаммаси муртад!

— Сиз нолиб нима қиласиз, худо сизнинг пешона-нгизни сартарошнинг қайроғидай силлиқ қилиб қўйиптию, яна нима дейсиз?! Мана мен шўртумшуқни айтса-нгиз-чи!

— Мен ҳам отадан куйганларданман, акаси жонидан, лекин ўзимни эмас, сизни айтаяпман. Отангиз сизга қоладиган бор мулкни пулламоқчи. Бўш келмаслигингиз керак. Эр йигитнинг бош солгани — ўлгани. У «сендақа ўғлим йўқ» деса, сиз ҳам «сендақа отам йўқ» деёлмай-сизми? Э, бу замонда «ота-пота» деб турсангиз, акаси жонидан... Мана ҳали ҳам на хотин, на сариқ чақалик мол-мулк, на бир ҳунар, кимсан сўппайинг мулла мирқуруқ бўлиб ўтирибсиз. Э, мунақанги отанинг садағаси кетай... Сизга ачинаман, акаси жонидан...

— Ачинаман?!— Нусратилла сакраб туриб ўтирди, чопонини отиб ташлади.— Ҳали мен шунақанги биров ачинадиган бўлиб қолдимми! Мен-а? Мана буни менга нимага бериб қўйипти худоивалат!— У ўқрайиб ўрнидан турди-да, енгини шимариб, муштумини яниб Наимийнинг ёнига борди, кейин ёнидан пичоғини олди.— Мана буни нимага бериб қўйипти! А!

Наимий қути учиб орқага тисарилди.

— Ҳой-ҳой, акаси жонидан, бунинг ўрни бор-а. Пес бўлса ҳам, мохов бўлса ҳам ота — ота-я! Ота нарсага фарзандидан пичоқ эмас, икки дона тарсаки ҳам етади, ўрнини босади, ҳа. Мен сизни жуда ҳам аянчсиз деяётганим йўқ, ғайратингиз бор, худога шукур, бу ғайратинг ўрнини топсангиз ҳечкимдан кам бўлмайсиз.

— Ҳа, ҳа, акажон, ғайратимнинг ўрнини топиб беринг, нима қилай, айтинг, жон ака,— Нусратилла ҳўнграб йиғлаб юборди, кўзига олиб борган қўлидан пичоқ тушиб кетди.— Айтинг, нима қилай, мен отадан воз кечганман, акам ҳам, отам ҳам сизсиз. Ғайратим бор, белимда қувватим бор, ҳунарим йўқ, ака...

— Йигит ҳунардан эмас, ҳунар йигитдан ўргилсин, акаси жонидан. Мен сизга ота мулкни қайтариб берадиган, ғайратингизга муносиб ҳунар топиб беришга ҳаракат қиламан,— Наимий илжайди.— Э, қўйинг-э, кўз ёши

ярашмас экан, арслоннинг бошига рўмол ёпгандек, сра ҳам ярашмас экан-э, ҳи-ҳи-ҳи... Отангиз билиб қолиб зулмим ўтипти деб ўйламасин тагин, қўйинг, ота блан бўйлашиб қолган йигитсиз.

Нусратилланинг вазоҳати яна ўзгарди. Чўтирларий бўртиб, бир қизариб, бир қорайди. Деразадан ҳовлига, меҳмонхона томонга қаради. Афгончойфурушнинг чиқиб кетаётганини кўрди.

— Бу қораялоқ нима қилиб юрипти?

— Нима қиларди, савдо-сотиқдан бошқа нима иши бор бу мусофирнинг.

— Менга зулми ўтиб бўпти! Менга-я..:

Наимий унинг гапини бўлди, ёнига келиб пичирлади:

— Бир уришиб, аразлаб кўринг. Икки ҳафта йўқ бўлиб кетсангиз, чол нарса «вой болам, қаёқдасан»га тушиб қолади.

— Йўқ бўлиб кетаман, расвосини чиқариб йўқ бўламану, ялингунигача юзига қарамайман.

У жаҳл блан шошиб чиқиб кетди. Тўғри меҳмонхонага юрди. Наимий ҳам ҳассасини икки қўллаб ушлаб, майда кадам блан унинг орқасидан йўрғалади. Меҳмонхона эшиги тагига етганда жўрттага қаттиқ овоз блан ялинди:

— Ҳай, Нусратилла, ҳай Нусратилла, акаси, отанинг иззати худонинг ҳурмати-я!

У отанинг ша'нига улуғ-улуғ гаплар айтиб, жовраб бо-риб эшикни очганида ичкарида ота-боланинг бақириқ сўкишлари, шовқин-тўпалони эшитилди. Эшикни очиши блан нимадир гуп этиб оёғининг тагига тушди, унинг устига токчадан идиш-товоқ тўнтарилиб чилпарчин бўлди.

— Қўлингни торт, оқпадар!

— Қимни гадо қиласан!

— Сен ҳаромига совуртирадиган молим йўқ!

— Боғни кимга сотдинг!

— А?

— Қим ҳароми?

Наимий мовут шимига тўкилган қатиқми, қимизми, ишқилиб бир шалтоқни рўмолчаси блан арта-арта, эшикни орқаси блан очиб чиқиб кетди.

— Яхши эмас! Яхши эмас! Ҳай-ҳай, яхши эмас-а, азизлар...

Бу вақт Арслонтепада яна динамит портлади. Уй ва деразалар титраб кетди, остонага тупроқ қуюлди. Наимий бу гумбурлашни аввал ичкарида бўлди деб ўйлаган эди,

калима келтириб, кўкратига туфлаб ташқаридан кйриб келган Ҳожарбибини кўргач, эси жойига келди: Қўште-гирмон йўли блан гўристон орасида осмонни булутдай чанг тутган эди...

Йигирманчи боб

Опа-сингил етаклашиб темирйўлчилар посёлтасидан чиққанда қуёш ботган эди. Қуёш ботган эдию, унинг охири чўғлари қайроқтошдай қора-кўкиш рангдаги узунчоқ-узунчоқ булутларнинг пастки қиррасини ҳали ҳам ловуллашиб турарди. Бу булутлар уфққа чўзилиб ётгандай, тиккада эса осмон типтиниқ, у тобора қуюлиб, қорайиб бормоқда, ҳаво шуқадар мўлки, Турсуной осмонга чексиз денгизга қарагандай қаради, бу денгиз тўлқинини бутун вужуди блан ҳис этмоқчи бўлгандай, бошини орқага ташлаб кўкрагини кўтарди.

— Ҳадемай юлдузлар чарақлаб қолади!— деди у ҳозир кўк денгизда сузгани чиқадиган юлдузларга ҳаваси келгандай. Қониб-қониб, гўё бутун вужуди блан нафас олди.— Ашулани мана шунақа жойда айтсанг! Овозинг ҳамма-ҳамма жойга, ҳамма одамларга, осмонларга, юлдузларгача етиб борса, ҳаммаси мана шундай жимгина туриб тингласаю, сен кўкрагингни тўлатиб, овозингни худди тўлқиндай пастда-а-ан чиқариб келиб, ҳамманинг кўнглини қанотлантириб юборадиган қилиб янгротсанг!

Башорат унинг қўлидан ушлаганча, худди судрагандай, шошилтириб олдинроқда борарди. Турсуной бўлса у судраган сари оғирлигини солиб, осмонга, узоқ-узоқларга қараганча ўзидан-ўзи гапирарди. Башорат унинг катталарга ўхшаб хаёлларга берилганини кўриб, қадамни секинлатди, синглисининг соф ҳавода ёмғирдан кейинги қизил гулдай очилиб, барқ уриб турган юзига қаради. Энди унинг ҳалиги гаплари фақат болалик соддалиги эмас, балки орзу-ҳавас тўла кўнгилнинг болаларча самимий очилиши эканини англади. Башорат синглисининг ўз кўз ўнгида ўзгариб бораётганини сезарди. Бу ўсиш оддий бўй чўзилиши эмас, кўнгил ўсиши эди. Турсуной руҳан мураккаблашиб борарди, ба'зан,— мутлақо бола, ба'зан эса мана шундай, бошқалар сезмаган туйғулар унинг кўнгида барқ урар эди.

— Опа, ашула айтганимда пастдан қараб турдингми? Мен саҳнада сиқилиб, исиб кетгандай бўламан, айниқса ашула тамом бўлганида саҳнадан отилиб чиқиб кетгим келади. Абдисамат акам бўлса парданинг йиртигидан пичирлайди: бирпас тур, қарсак тугагунча туриш керак, салом бер, гулни ол, дейди нуқул. Мен бўлсам, иситмам чиқиб кетади.

— Сен бугун яхши айтдинг,— деди Башорат.

— Ростми, опа?

Улар жим қолдилар, етаклашган қўлларини арғум-чокдай силкиб, секинлаб юрдилар. Уфқдаги қизиллик жиндак, тасмадеккина бўлиб қолди. Ариқ бўйларидаги ялпиз япроқлари кечки салқинда оғирлашиб пастга эгилди. Турсуной йўлидан тўхтамай сал эгилиб йўл ёқасидаги сариг тугма гулни икки бармоқ орасига олиб, «қирт» этиб узди. Бирпасдан кейин шу тинчликда унинг юракдан тўлқинланиб келган, майин, лекин салмоқли, кучли овози янгради. Ашула аввал худди буерда эмас, аллақаёқда, олисларда бошлангандай эшитилди. Башорат беихтиёр узоқдаги қорайиб келаётган олмазор боққа тикилди. Гўё, ашула ўша шиғил пишган мевазорларга бориб, кечки салқин ҳаво блан хушбўй ҳидлар бошлаб, қайтиб келарди. Бу халқда кенг тарқалган ашула эди. Турсунойнинг товушида дам узоқларни тутган ингичка ва мунгли най овози, дам қуюқ, ширали тор сози эшитилди.

Башорат илгарилар Турсунойнинг овозида болаларча қўнғироқ шўхликдан бошқа нарсани сезмас эди. Одамларнинг, айниқса катталарнинг бу овоз ҳақида ҳаяжон блан гапиришлари уни ҳайрон қолдирарди. Башорат синглисига ҳечқачон бугунгидай «яхши айтдинг» деган эмас, мақтаса ҳам фақат гулдаста олганига, ё одамларнинг узоқ қарсак чалганига қувониб бир икки оғиз мақтов гап айтар эди-да, «бола нарсага ортиқчалик қилмасин» деб, жиддийроқ бўлишга тиришарди. Бугун у синглисининг «болалиги»ни ҳам унутиб, унинг овозига очикчасига тан берди, ҳозир соф ҳавода, кечки тинчликда айтган ашуласини эшитганда эса, бу овозга тан бериб қўяқолиш самимиятдан эмаслигини ҳис этди, завқига эрк берди:

— Яхши, Турсуной! Сен ҳозир саҳнадагидан ҳам яхшироқ айтдинг.

Турсуной жилмайди, индамади. У ҳозир жуда ҳам бахтли эди, кичкинагина қизил чувагининг тумшуғига

қараб, катта қызларга ўхшаб, қадамига бино қўйгандай, секин, тебраниб юрди.

— Сенга бир гап айтайми?

Башорат одатда оддийгина гап бўлса ҳам, Абдисамат ҳақида бўлса доим шундай сирли савол блан бошларди. Турсуной буни биларди.

— Айтақол, опа, Абдисамат акам ҳақидами?

Башорат ялт этиб қаради.

— Сен қаёқдан биласан?

— Йўқ, билмайман, ҳечам билмайман, опажон.

Башорат индамай қолди.

— Айтинг, опа.

— Ҳали, сен репетициядалигингда Софья опамнинг олдига ойим келдилар.

— Ойим?

— Ҳа, Москвага кетиш олдидан гаплашгани келдилар. Ойим кетганларида Ефим тоғам блан Софья опам иккаламиздан хабар олиб турадиган бўлишди. Ефим тоғам ойимга Москвага борганда нималар қилишни тушунтирдилар. Софья опам ҳам анча гапни ўргатдилар. Кейин Абдисамат... Абдисамат акам келди... Сени гапирди.

— Мени?

— Ойимга қараб рапорт берди: биз сизга комсомол номидан топшириқ берамиз, деди.

— Ойимга ҳам комсомол топшириқ берадимми?

— Ҳа, комсомол номидан топширамиз, деди, Тошкентга тушганингизда музика мактабига кирасиз, бизга иккита ўрин керак, деди, Тошкентда бўлмаса Москвадаги музика мактабига кирасиз, биз иккита талант тайёрладик, ўқишга юборамиз, деди.

— Талант нима, опа?

— Иккита талант, биттаси Галя экан, биттаси... сен.

— Вой, ўлай! Мени анави профессор бобо ҳам шунақа деган эди. Ўқишга мени юборишар эканми?

— Ҳа, ойим сизларга жой тайинлаб келадиган бўлди. Тошкентда бўлса Тошкентда, бўлмаса Москвада.

— Эргаш акам солган мактабда ўқимайманми, опа?

— Ўқийсан. Музика мактабига бу йил эмас, ойим фақат жойни билиб келадилар, яна йилга борасан. Абдисамат акам ойимга тайинлади. Турсунойнинг овозига эҳтиёт бўлинг, қадрланг, бу сизниг бахтингиз, деди. Совуқдан сақланг, Москвадан жун фуфайка олиб келинг, бу ҳам комсомол топшириғи, деди.

— Вой, опажон! — Турсуной опасини қучоқлаб олди, бўйнига осилиб йиқитаёзди, ўзининг қизил чувак кийган топтоза оёғи, тупроққа ботиб кетди.

— Вой жинни, вой жинни, тўхта! Юр ундан кўра, тезроқ борайлик, ойим эрталаб кетади, бугун охирги кеча, ҳали кетганида «ойи, ойи» деб гингшиб юрасан. Юр, охирги кечада кўриб қол.

— Мен ҳеч гингшимаيمان, соғиниб-соғиниб кутаман, ойим менга музика мактабидан жой олиб келади. Вой, опажон-эй, сен ҳам севинаяпсанми?

— Юр тезроқ, ойим кутиб ўтиргандир. Софья опамнинг чамадонларини олиб кетган эдилар, нарсаларини жойлаштириб берайлик. Кўп жинни бўлма, тезроқ юр.

Қоронғи тушиди. Улар етаклашиб тез-тез юрдилар. Башорат судрар, Турсуной юраги ҳовлиқиб ҳансираар эди. Рўпарада қоронғи бўшлиқ кўринди, йўл таниш эмас эди. Турсуной тўхтади.

— Опажон, қаёқдан чиқиб қолдик?

— Юр, юр! Тўғридан кесиб чиқамиз.

— Йўқ, опа, бу гўристон-ку! Мен буёқдан юрмайман.

— Жинни бўлдингми? Айланиб юриб қачон етамиз? Ойим отланиб, бизга қараб ўтирипти.

— Йўқ, опажон, айланиб борақолайлик.

— Қайсарлик қилма, юрагинг борми ўзи? Гўристон кўрмаганмисан, ўша ўзимизнинг Найманчанинг ёнидаги гўристон-да! Мана сўқмоқ йўл. Кўзингга қараб юр, қоқилиб кетма.

— Сағана тош...

Башорат унинг гапига қулоқ солмасдан, қўлидан етаклаб, йўрғалатиб кетди. Ёлғизоёқ йўл равон, илон изи бўлиб, қабрлар оралаб буралиб-буралиб кетган эди. Узоқда ҳечнарсга кўринмайди, тим қоронғи, фақат йўл ёқасидаги қабр дўнгликларигина қорайиб кўринарди. Башорат йўлни кўриб эмас, тахминлаб топиб борди. Оёқ остидаги майда тош-шағалнинг шитирлагани жимжит кечанинг аллақаёқларигача етиб борарди. Кундузлари буердан Найманча кафтдагидай кўриниб турарди, ҳозир эса йилт этган чироқ кўринмайди. Башорат ўша кундузги манзарани кўз олдига келтириб, Найманча қаёқда эканини тахминлар, синглисини дадил етаклаб борар эди. Турсуной ҳечнарсани кўрмас, юрагининг дукур-дукуридан бошқасини эшитмас, опасининг иссиқ қўлини сезар эди холос. У кўзини юмиб ҳам юриб кўрди, барибир ваҳимали қоронғилик

хаммаѐқни чулғаган, ундан қутилиб бўлмас эди. У бутун фикри-зикрини опасининг иссиқ қўлига берди, шунинг учунми, ўз қўлининг совиб, титраб кетаётганини сезди. Энди у бор кучи-иродасини бошидаги ҳунук ўйларни қувлашга қаратди. Уйламай деган сари фикрига тобора даҳшатлироқ нарсалар келарди. Ма'ракада кўргани Адолат, чалқанча чўзилиб ётган қийшиқ оғизли Манноп жинни кўз ўнгидан кетмайди, унинг гаплари қулоғига эшитилади. Башорат олдинда бир нарсадан хавотир олиб тўхтади. Турсунойнинг тўхташга тоқати йўқ, товуш чиқаришга ҳам кўрқар эди. Башорат юрагига далда бермоқчи бўлиб, қаттиқ йўталди-да, ўғил болалардай шўх бир куйда ҳуштак чалиб олдинга юрди. Йўл устидаги қора сояни Турсуной энди кўрди, қимир этмай турган соя, қабр дўнглигига ўхшамайди, баланд, худди қаққайиб ўтирган одамнинг ўзи, йўл устида ўтирипти... Турсунойнинг соч тублари қотиб, бошига мингта совуқ игна санчилгандай бўлди. Танаси жимиллашиб, яғринига совуқ тер чиқди. Башорат кўланкага тикка қараб борарди. Шарпа йўқолмади, қизлар яқинлашганларида унинг орқа томонида яна бошқаси, катта уйча келадиган қора булутдай кўланка пайдо бўлди. Турсунойнинг миясига «соб бўлдик!» деган фикр келгунча бўлмади, Башорат — «мозорга етдик», — деб юборди. Кўланканинг каттаси Ҳазоршайх мозори, кичиги унинг берироғида йўл четида говлаб ўсган қувоқ эди. Турсуной бироз енгил тортди, лекин мозор ёнидан ўтиш ваҳимаси уни яна қамраб олди. У сўқмоқнинг мозорнинг ёнгинасидан, ходалчага осилиб турган эски латта-путталарнинг тагидан ўтишини биларди. Башоратнинг етаклаган қўлини маҳкам қисди, иккинчи қўли блан унинг этагига ёпишди. Тун жуда тинч, Турсуной ўзларининг оёқ товушини, қуруқ ўтлар орасида қурт-қумурсқа шитирлаганини эшитади. Мозор унинг кўнглига яна алланималарни солди, Турсуной четга қарамасликка, ҳадеб хаёлига келаётган катта оғизли парихонотиннинг башарасини унутишга уринди...

Мозордан ўтдик деганда Башоратнинг худди қулоғининг тагида даҳшатли чинқириқ эшитилди. Овоз жимжит қора тун бағрини яшиндек тилиб, узоқларда янгради. Шуқадар қаттиқ янградик, Башоратнинг кўзларидан ўт чақнаб кетгандай бўлди. Бўшашиб, муздек бўлиб қучоғига тушган сингисини кўрганда Башорат атрофига қаради—ўт кўзида чақнаган эмас, ўт узоқдаги бир қабр устида милт-милт ялтирар эди... Башорат сингисининг юзини

пайпаслаб, ўша томонга яна қаради — ўт чиндан ҳам мил-тиллаб турарди. Вужудига қаёқдандир тенгсиз бир куч келди-да, Турсунойни кичкина боладай қучоқлаб кўтариб олдинга интилди, синглизининг оёғи ҳаракатсиз судралар эди. Башорат ҳеч нарсага қарамади, йўлни йўқотиб қўйди, қабрлардан ошиб, қувоқлар орасидан юрди. Қанча юрганини билмайди, оёғи бир кавакка кириб кетиб, синглизини маҳкам ушлаганича чўккалаб қолди, оёғини тортиди, ковуши кавакда қолиб кетди. Башорат яна олдинга интилди, бир жойга бориб бутунлай дармони қуриганини сезди, синглизини суяб, тўхтади. Улар пастга тушиб кетган эдилар, Башорат орқага қараганида на қабристон, на ўт кўринди. Башорат катта йўлга яқинлашиб қолганини пайқади, броқ ҳали унга етиш учун бирнеча қадамлик тиканзор бор эди. Шундай бўлса ҳам буер таниш, қўрқинч орқада қолди, Башорат ваҳимани енгандай бўлди. Энди Турсунойга қараш керак...

Башорат унинг юзига тикилди, ҳечнарса кўролмади, ё шуқадар қоронғи, ё кўзи тинган эди. Башорат унинг юзини пайпаслади — шаррос тер, совуқ тер...

— Турсуной... Турсуной!..

Шундай жимжитлик эдики, синглизини бирнарса деб жавоб берса юраги ёрилгудай эди, у ваҳима блан кутди. Уни яна чақаришга юраги дов бермади: бордию бутунлай жавоб бермаса, ўзи ҳам ўрнидан жилломай қолишига кўзи етди. Яна ҳалигидай даст кўтармоқчи бўлиб, сўнги кучини йиққан эди, қўлида Турсуной зир-зир титраб кетди.

— Ана аз... асроил!..

Башорат ҳалиги титроқни ўз баданида сезди. Қўлида синглизини ушлаганича йиқилди, яна турди, яна йиқилди... Неча марта йиқилиб турганини, синглизини кўтарибми, судрабми чиққанини билмайди,— ўзини йўл ёқасида кўрди. Оёғининг бир жойи қаттиқ ачишди, думоғига ялпиз ҳиди урилди. У ариқ бўйида ўтирарди.

— Турсуной, Турсуной... қўрқма, ҳечнарса йўқ... у суяк, суяк шунақа ўзидан-ўзи ёнади... .

Турсуной индамади. У ҳушсиз эди. Башорат уни бағрига босганича атрофига қаради. Негадир атроф ёришиб келмоқда эди. «Наҳотки тонг? Наҳотки ҳушсиз бўлиб туни блан ётган бўлсам?» деган фикр келди бошига. Бирпасдан кейин баланд терак орқасидан баркашдай ойнинг бир чети кўринди. «Йўғ-э, ҳали эрта. Кеча ой чиққанда

соат ўн эди. Ой чўқиш олдїдагї қоронғига дуч келган эканмиз». Башорат ойни тўсиб турган теракни таниди, бу Бўзчигузарда Норматпаранг ҳовлисидаги лайлак уя солган қари терак эди. «Хайрият яқин қолипти... Вой, ўлай, нима бўлди? Ойимга нима дейман! Нима деб бу йўлдан юрдим?!» У Турсунойни яна кўтаришга ҳаракат қилди.

— Турсуной!..

Синглиси индамади. Башорат уни бир қўлини бўйнидан, бир қўлини тақимидан олиб кўтарди. У ҳозир жуда ҳам оғир туюлди, Башорат уни шуергача кўтариб келолганига ҳайратда қолди. Синглисининг оёғида ҳечнарсая йўқ эди, буни кўриб Башорат ўзининг ҳам бир оёғида ковуши йўқлигини эслади. Ариқдан ўтиб анча юргандан кейин Турсунойнинг юзига ой нури тушди, бунга кўзи тушиб Башорат сўнгги дармонини ҳам йўқотди: синглисининг юзи ойдан ҳам оппоқ эди. Унинг кўзи юмуқ. Ариқдан сув олиб юзига сепиш Башоратнинг эсига энди келди. Қайтай деса узоқ, энди бор кучни йиғиб олдинга юриш керак эди. У, Турсунойни оёққа турғизиб, суяб, ўзини унинг гавдасининг тагига олди, бир амаллаб опичди. Энди юриш анча ўнғай эди. Башорат эгилганича тез юрди, ўзиданми, Турсунойданми шаррос тер чиқиб, таналари кўйлак аралаш ёпишиб кетганини сизди.

Рўпарада шарпа эшитилди. Ой ёруғида аниқ кўринди — бу одам эди. Хотин киши... .

— Ким?

— Ойи! Ойижон!

Онахон уларнинг олдига отилиб келди.

— Қизим! Нима бўлди?

— Турсуной... .

Онахон қизчасини кўтариб олди.

— Вой, шўрим, нима... Башорат... нима бўлди?

— Ойи, тезроқ юринг! Қўрқди... Гўристонда... Тезроқ юринг, сув... сув сепиш керак.

Башорат синглисини кўтарган ойисининг этагидан ушлаганича югурди, ўзининг оқсоқлаётганини, оёғининг қаеридир зирқираб оғриётганини энди сизди.

— Тезроқ, ойижон... .

Уйда Анзираткампир блан Ҳожия ўтирарди. Улар аҳволни кўриб питирлаб қолишди.

— Яна! — деб юборди Ҳожия.

У Турсунойни ўлик деб ўйлади, чироқда унинг юзи шуқадар оқ кўринди.

Онахон қизини хонтахта ёнидаги кўрпачага ётқизди. Хонтахтани четга олдилар. Башорат «Ойижон!» деб қичқириб сингисини қучоқлаб йиқилди. Онахон қизининг юзига сув пуркиди, Башоратни зўрға турғизиб олдилар, у ҳўнграб йиғлар эди.

— Ойижон, мен қилдим! Юрмайман деган эди! Мозордан ўтгандан кейин бир гўрнинг устида ўт кўринди, у қичқириб...— Башорат ўзини тутолмай ҳўнграб яна сингисига ташланди.

— Йиғлама, йиғлама қизим, қаттиқ кўрқипти, ўзига келиб қолади,— Онахон Турсунойнинг бошини этагига олди.— Турсуной, қизим...

Турсуной индамади, кўзини очмади. Юзи докадай оппоқ эди.

— Сув, яна сув беринглар.

Ҳожия пиёлада сув тутиб турарди. Сувни онага бериб ўзи қизининг кўкрагига қулоғини қўйди. Турсунойнинг юрак уришини эшитаман деганида қулоғига ваҳимали пичир-пичир эшитилди: Анзираткамбир бир четга чўккалаб олиб ҳадеб калима келтирар эди. Ҳожия шартта туриб унинг енгидан ушлади.

— Хола!— деди кўзида ғазаб блан.— Юринг! Чиқинг! Боланинг шунчалик кўрққани етмасмиди! Сиздақалардан чиққан бу! Юринг!— Ҳожия камбирни эшикка судради.

— Ҳожия, синглим...— деди Онахон нима қилишини билмасдан.

— Қиргизманг буни!— деди Ҳожия ва ўзи чопиб чиқиб кетди.

Уй жимжит бўлиб қолди. Башоратнинг ҳар замонда хўрсингани эшитиларди холос.

— Тур қизим, йиғлама, тур.

Башорат турган эди, худди оёғига игна санчилгандай бирдан чўкди:

— Вой...

Оёғини ёруққа тутган эди, худди бош бармоғининг тагида гугурт чўпидай келадиган тикан ёнламасига санчилиб турганини кўрди.

— Вой, ол дарров, болам...

— Қандоқ қилиб оламан...

— Анзират хола!— деб чақирди Онахон. Анзираткамбир кирди, унинг юзидан ваҳима сочилиб турарди.— Оёғидаги тиканни олиб ташланг, хола, буни қаранг, юриб келганини айтинг,

Башорат кўзини чирт юмиб турди. Азобли оғриқни сездию, ғиқ этмади. Оёғини латта блан боғлаб, оқсоқлаб юриб кўрди, сочларини тузатди. Турсунойга қаради, у ҳамон кўзини очмай ётарди.

— Ҳазоршайх пиримнинг мозор шарифлари..:

Анзират ярим овоз блан гап бошлаган эди, Онахон имо блан тўхтатди.

— Анзират хола, хизмат бўлмаса, уёқ-буёқни йиғиштириб, уйни сал саранжом қилиб қўйинг, Ҳожия бир бўлса докторга кетди..

— Жоним блан, болам..:

Кампир бирнималарни пичирлаб ишга киришди. Онахон блан Башорат Турсунойнинг юзига тикилиб, унинг кўз очишини кутар эдилар. Жимжитлик икковининг ҳам юрагини эзиб юборди. Онахон қизчасининг юзига чаккасини қўйиб ўтирарди, Башоратга у йиғлагандек кўринди.

— Ойижон.. у яхши бўлиб кетади. Сизнинг эшик тагида ётганингизни кўрганимда мен ҳам шундай ҳушимдан кетган эдим. Кўзим очилиб кетганини ўзим ҳам билмай қолганман.

Анзират эшик тагидаги оғир чемоданинги гирчиллатиб бир чеккароққа сурди. Башорат ойисининг эрталаб кетиши кераклигини эслади. Эсладию, нима десин? Ҳозир бу ҳақда гапириш керакми, йўқми? Турсуной кўзини очақолсаю, «ухланг, ойижон, ухлаб олинг» деса. Энди мана у тунни блан ухламай чиқади. У онасининг кўзларига қаради. Ухламаса майли, йиғламаса бўлди, ишқилиб. Башоратга бундан оғири йўқ.

Ташқарида кимнингдир келгани эшитилди. Башорат чўлоқланиб бориб эшик очган эди, остонада Жўраҳонга юзма-юз келди. У ҳансираб қолган, кўзларида ваҳима, сумкачасини тоқчага ташлаб, дарров Онахоннинг олдига келди.

Онахон қизининг бошини ёстиққа қўйиб ўрнидан турди-да, Жўраҳоннинг икки билагидан ушлади, юзига боқди.

— Опа! Нега келдингиз?— деб сўради кўзларида қўрқув блан.

Жўраҳон унга қулоқ солмай Турсунойнинг ёнига чўккалади. Онахон эшикдан кириб келган Ҳожияга ёпишди:

— Нега бундай қилдингиз, синглим? Бир оғиз маслаҳатлашсангиз бўлмасмиди!

Ҳожия ҳам жавоб бермасдан Турсуной томонга ин-

тилди. Жўраҳон паст овоз блан гапириб, воқинанинг қандай бўлганини, қанча вақт ўтганини, касалнинг нималар деганини суриштирди.

— Мен сизни докторга кетди деб ўтирибман,— деди Онаҳон Ҳожияга ўпка блан.— Жўраҳон, жонгинам, нега келдингиз? Бошимга тушгани етмасмиди. . .

Онаҳоннинг овози сал тўқилланиб кетган эди, Анзираткамбир пиқ этиб йиғлаб юборди.

— Жўраҳон болам, ўз жонингга қасд қилишинг яхши эмас, ўзимиз ҳам эплар эдик, бола нарса чўчигандир, қолаверса дўхтир бор.

— Ёуерда доктор блангина иш битмайди!— деди Жўраҳон.

Ҳожия сўз қўшди:

— Мен бошқа яна битта-яримтаси пичоқ урипtimi деб ўйлабман.

— Ҳа, шундай деб баҳолаш керак,— давом этди Жўраҳон,— бу ўша пичоқнинг иккинчи тури. Лекин бир кишига эмас, кўплар учун мўлжалланган пичоқ. Бу душманнинг энг ваҳший усулларидан бири. Тушундингизми, Онаҳон?

— Наҳотки. . .

— Ҳазоршайх мазорига боғлаб тўқилган жирканч иғволарнинг биринчи натижаси. Бу иғво бола ақлига қаттиқ асар қилган. Аслида бу иғво болаларча содда тушунчали қолоқ одамларни саросимага солиш, уларни бизга қарши қўйиш учун ифлос ният блан тўқилган.

Бу вақт синглисининг юзига тикилиб ўтирган Башорат «Ойи! Ойи!» деб шивирлади. Ҳамма Турсунойнинг ёнига чўккалаб, унинг юзига қаради. Қизнинг қиттак ранг кирабошлаган лаблари бир титраб, қимирлади. Ҳамма, нафасини ичига олиб, Турсунойнинг юзига тикилганча, унинг кўз очишини кутарди. Бу бир-икки дақиқада Башорат учун бирнеча соатлаб вақт ўтгандай бўлди, у синглисига қараб интилганда, кимдир елкасидан ушлаб қолди. Турсунойнинг киприги қилт этди, кейин жуда секинлик блан, оғир бир нарсадай жиндак кўтарилди. Турсуной кўзини очди.

Ҳамма ҳаракатга тушиб, қувонч блан бир-бирларига қараб олди, Башорат «Турсун!» деб юборгудай эди, кимдир кафти блан унинг оғзини тўсди. Ҳамма тинч эди, бу тинликда ҳамманинг ич-ичидаги қувонч, нафас олишлардами, ҳаракат ё кўз қарашлардами, ишқилиб, яққол би-

линиб турарди. Онахонга йўл бердилар, у қизининг юзига юзини яқин келтирди:

— Қизим... Мен ойингман.

Турсуной кўзини ҳали тўла очгани йўқ эди, узун киприклари хира кўзларини тўсиб турарди. Онанинг гапидан кейин у кипригини кўтара тушди.

— Қизим, ухлаб қолибсан. Турдингми? Мана Башор опанг... Мана Ҳожияхон опанг. Кўраяпсанми?

Турсуной индамади. Индамаса ҳам унинг кўз очгани учун бўлган хурсандлик уйни тўлдириб турарди. Онахон чой қошиқда қизига сув берди. Чекка-чеккада ярим овоз блан гаплар бошланди. Башорат ўзини қаёққа қўйишни билмас, опаларига кўрпача ёзиб, яхшилаб ўтиришларини илтимос қилар, синглисига қараб-қараб қўяр эди. Олдига бориб гапирай деса, онаси қўли блан йўлини тўсди. Турсуной энди кўзини тўла очган эди.

Жўрахоннинг ёнида ўтирган Ҳожия хотинларнинг эр-талабки сафаридан гап очди. Онахон уларга яқинлашди, шунда Башорат лип этиб синглиси ёнига ўтиб ўтирди.

— Онахон, вақтинча қолишингизга тўғри келади,— деди Жўрахон.

— Қандай?!

— Қизчани бу ҳолича ташлаб кетсангиз бўлмас... .

— Яхши бўлиб қолади,— деди Ҳожия.

— Яхши бўлиб қолади. Албатта яхши бўлади,— деди Жўрахон Турсунойга қараб қўйиб,— лекин Онахон ҳозирча унинг ёнида бўлиши керак. Мен борай, Софья Борисовнани кўриб, гаплашай.

— Майли, менинг ўрнимга хотинларга бош бўлиб Софья боратурсин, мен кечикиброқ борарман,— деди Онахон. Шундай дедию, Жўрахоннинг туриб кетаётганини кўргач, кўзлари катта очилди.— Вой тўхтанг... Жўрахон...

— Хотиржам бўлинг, Онахон, қизчага қаранг.

— Йўқ, йўқ!— Онахон унинг йўлини тўсди.— Азонда Софьяни шуерга чақирамиз. Сиз чиқманг. Барибир қўй-майман.

— Хотинлар азонлаб жўнаши керак ахир. Бундай кўрқоқ бўлманг.

— Йўқ. Мен ўртоқларнинг топширигини бажаришим керак. Ҳечқаёққа чиқмайсиз.

— Топшириқ?

— Ҳа, топшириқ.

Ҳожия эшикка отилди.

— Жўрахон опа, мен ҳозир!

У эшикни очдию, чиқиб кетолмади. Башорат синглисининг ёнидан сакраб туриб, қўрқинчли, паст овоз чиқариб, онасининг этагига ёпишди.

— Нима, қизим?

Башорат жавоб бермасдан даҳшатли кўзлари блан синглисига қаради. Ҳамма Турсунойнинг атрофига тўпланди. Қизча ҳамон илгаригидай ётар эди. Кўзи очиқ.

— Турсуной!— деди Онахон.

Қизи индамади.

— Қизим!

Турсуной индамади. Онахон унинг кўзларидаги ма'носизлик, ифодасиз хираликни энди пайқади.

— Турсуной! Ойингни танияпсанми?

Қиз индамади. Унинг хира, олайган, катта кўзларида ҳечқандай ма'но йўқ эди. Ҳамма жимжит, бирнимани кутиб унга тикилиб турди. Бу жимлик Башорат учун гўристонда синглиси қичқириб юборган пайтдаги қора тундан ҳам даҳшатлироқ туюлди. У чидаб туrolмади, Жўрахонга ташланиб қаттиқ йиғлаб юборди.

— У гапирмаяпти... у тилдан қолган, ойижон!

Жўрахон буни илгарироқ, «Онахон, сиз унинг ёнида бўлинг» деган вақтидаёқ кўнглига келтирган эди. Башорат ҳаммага даҳшатли ҳақиқатни очиб қўйди. Онахон қизчасини қучоқлаб ётиб, юракдан қаттиқ ўқсиб йиғлаб юборди. Ҳамма, биров билинтириб, биров билинтирмай, кўзига ёш олди. Турсуной ҳам буни сизди шекилли — бир сесканиб, дармонсиз қўлини ойисининг бошига қўйди, кўзларига ифода кирди, бу ифодага қараганда, у онасининг йиғлаганига гусса чекар эди.

— Турсуной!

Турсуной индамади.

— Қизим!

Турсунойнинг ғамгин кўзлари «йўқ» дегандай қараб турарди. «Йўқ!» Наҳотки унинг «Ойижон» дейдиган ширин тили... Наҳотки унинг кўнғироқ овози... Наҳотки энди бутунлай, умрбод...

Онахон ўрнидан туриб, пешонасини ушлаб гандираклади. Жўрахонга ўзини ташлади.

— Опажон! Нима учун бир менга буқадар азоб... Опажон!

Жўрахон унинг йиғидан титраган гавдасини кўксига босди. Ўзига қараб турган Ҳожия, Башорат ва Анзиратни

кўздан кечирди. Анзираткампир унинг назаридан дāҳшатга келгандек қаттиқ сесканиб, у томон интилди.

— Жўраҳон қизим, сенга бир гапим бор.

— Айтинг, хола.

Кампир Ҳоҗияга, кейин Онахонга қаради.

— Гапиринг, хола!

— Мен бир қариб-чуриган худоғўй нарсаман, болам. Лекин ҳозир, шарият паноҳларига ҳам қаҳрим келиб кетди. . .

Жўраҳон Турсунойга қараб олиб, кампирни ташқарига бошлади. Айвонда кампир Жўраҳонга Шопўлатдаллолнинг «оққияри»да парихонотининг гапирган гапларини, ўшаерда Салимбўзчининг ўғай қизи Адолат блан Турсуной йўлакда ўтириб Ҳазоршайх авлиёнинг тарихини тинглаганини, Турсунойнинг ўша кечаси қаттиқ қўрққанини, парихонотин хотинлар олдида фабрика қуручиларни қарғаганини сўзлаб берди.

Жўраҳон ортиқча гапириб ўтирмади. «Бу гапларнинг «оққияр»га нима дахли бор эди?» деб сўради холос. Кампир бунга жавоб беролмади.

Шундан кейин Жўраҳонни Онахон уйида олиб қололмади. Онахон блан Анзират кампир юракларини ҳовучлаганларича, Жўраҳон блан Ҳоҗия икковини кўча эшигигача кузатиб қўйишга мажбур бўлдилар.

Онахон уларнинг орқасидан узоқ қараб қолди. Кўнглида бир шумлик сизди, орқаларидан боришнинг иложи йўқ — Турсуной ёлғиз; уйда Анзираткампирни қолдиришга яна хавфсиради — у ўзининг пичир-пичир калима келтириши, дуолари блан болани баттар чўчитиши мумкин.

— Анзират хола, шундоққина бориб Назокатнинг эшигини қоқинг, Жўраҳон ёлғиз кетди, десангиз ўзи тушунди, дарров орқаларидан етиб борсин, янги шаҳар кўчасига олиб чиқиб қўйса бас.

Кампир йўлга тушди.

Онахон уйга қайтиб кириши блан уни Башорат кучоқлаб олди.

— Ойижон. . . Нима бўлади? У шундай қолармикин. . .

— Йиғлама қизим, йиғлама,— деди Онахон ўлкасини зўрға босиб.

Турсуной боягидай ётарди. Кўзи очик, лекин ҳечнарсани кўрмаётгандай, жонсиз ва хира эди.

Эртāsига Абдисамат, Галя ва вагон-ремонт заводи кўк-кўйлакчиларидан яна уч-тўртта қиз-йигит келди. Кўз-қовоғи шишиб, қизариб кетган, чап оёғини латта блан қўпол қилиб боғлаган Башорат уларни айвонда кутиб олди. Турсуной уйқуда эди, ичкарига кирмадилар. Башорат воқияни бошдан-оёқ айтиб берди.

— Фосфор!— деди Абдисамат.— Суякда фосфор бўлади, ўзидан-ўзи ёнади!

Бу вақт эшик тирқишидан ичкарига қараб турган Галя чўчигандай, пичирлаб гапни тўхтатди:

— Уйғонди...

Абдисамат жуда эҳтиётлик блан эшикни очиб ичкарига бошлади, йигитчалар, қизлар оёқ учида босиб кириб, Турсунойдан кўз олмай, унинг кроватидан бериоқда тўхтадилар. Ҳечким қимир этмади, ҳатто ҳечким нафас ҳам олмаётгандай, тинч эди. Турсуной уларга қарадио юзида ҳечқандай ўзгариш бўлмади, бошини ҳам, лабини ҳам қимирлатмади, фақат кўзининг қораси аста, бир ўртоғининг юзидан иккинчисиникига кўчиб, юриб турарди. У ўртоқларига узоқ қаради. Ҳечким бирор гап бошлашга жур'ат қилмади. Шунда Турсуной чап қўлини ёнидаги токчага чўзиб, қичкина, жилдсиз китобни олди-да, секин узатди. Ҳамма Абдисаматнинг қўлидаги китобга интилди—китоб Ҳамзанинг ашулалар тўплами бўлиб, кўккўйлакчилар севиб айтадиган «Ҳой ишчилар» ашуласи бор бетдан очиб букланган эди. Болалар Турсунойнинг кўз қарашидан «ашула айтинлар» деган ма'нони англашди. Ҳамма бир-бирига савол ва ҳайрат назари блан қараб олди. Шунда Абдисамат бирдан, одатдагидай, қўлини кўтарди: ашула секин янграб кетди.

Қизлар ва болалар ашулани сун'ийроқ айтар, кўзлари Турсунойда эди. Турсуной ашула бошланганини ҳис қилди, кўзи жонланди, бутун вужуди блан талпинди, бошини сал кўтариб, ашулани эшитишга уринди... Лекин бирдан икки кафтини қулоғига босиб, дармони қуригандай бошини ёстиққа ташлади. Унинг юзида шундай азоб белгиси бор эдики, шериклари ҳозир чинқириб юборади деб ўйлашди, фар'ёд унинг юрагидан тошиб келди, лекин овози чиқмади, овози ўрнига катта кўзларига тўлиб-тўлиб ёш келди... Қизлар унга қараб интилдилар...

— Эшитмаяпти...— деб пичирлади кимдир йиғлаб юборгудай бўлиб.

Абдисамат кўз қараши блан огоҳлантирди: «гап-сўз,

Йиғи бўлмасин!» Лекин ўзи ҳам фаҳмладики, Турсуной ҳечнарсани эшитмаяпти, овоз ва гапларга бефарқ. Шунда Абдисамат гапни ўзи бошлади: кеча кузатиб қўйиш эсига келмаганига афсус қилиб, пешонасига қайта-қайта урди. Кейин ўртоқларига қараб бунга жиддий тус берди.

— Бизда комсомолча дўстлик йўқ, бир-биримизга ғам-хўрлик йўқ. . .

— Бир оғиз ҳам гапирмадимми?— деб сўради Галя.

— Кеча ой энди чиққанда,— деди Башорат эслаб,— бир марта «ана азроил!» деб қичқирди, мана шу охириги сўзи бўлди. Ҳушига келгандан бери оғиз очгани йўқ. Тилдан қолган. . .

Абдисамат ўйланиб қолди. Юраги эзилиб ўртоғига пичирлаётган Галяга қовоғини солиб, тинчитди.

— Тўхта, у азроилни қаёқдан билади?

Башорат унга Анзираткампирнинг ма'рака ҳақидаги гапларини айтиб берди. «Жўрахон опам, бу ойимга урилган пичоқнинг иккинчи тури деб айтдилар» деди охирида.

— Аҳа! Вот масала. Ҳали бу фабрика қурилишига боғриб тақалади, дегин! Аҳа! Лекин мозор каламушлари овозра бўлади. Қурилишга биз ҳам алоқадормиз. Биронтаси халақит беришга уриниб кўрсин-чи! Қани, юринглар. Башорат, сизга комсомол топшириғи: Турсунойнинг соғлигига қаттиқ қараб, бизни хабардор қилиб турасиз!

— Хўп.

Абдисамат узун оёқлари блан катта-катта қадамлаб, қиз ва йигитларнинг олдига тушди.

Йигирма биринчи боб

Наимий капитан Эдгар Гладстоннинг хизматига ўтиб, қонли жиноятларга муккасидан кетганидан бери жони ҳалқумида эди. У ҳар минутда ўлим кутар, ўлим унинг ухлаб ётганида ҳам, кўчага чиққанида ҳам, ҳатто энг ишончли кишиси блан суҳбат қилиб ўтирганида ҳам жонига чангал солиши мумкин эди.

У, бундай доимий азобдан ба'зан жинни бўлиб қолгандай кўринади, мияси тошдай қотади, зеҳни ишдан тўхтайдди. Уйлаб қараса, ён-верида унга дўст ё хайрихоҳ бўлган биронта тирик жон қолмапти. Энди у ҳатто ўзидан ҳам хавфсирай бошлади — асаби қақшаб, пичоқ суягига та-

қалганда, бошидан ақл-хуши кетиб ўзини-ўзи бўғиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Маслакдошим, нажоткорим деб ишониб Эдгар Гладстонга ўзини, юртини, келажагини сотди, умрбод қутилиб бўлмайдиган жирканч жиноятларга бош қўшди, қўли қонга бўялди, ҳозир қанча-қанча ваҳшатли жиноятларни гарданига олган, лекин мана шунча ишини кўриб турган Эдгар Гладстон ҳар қадамда унинг ёнида ажал соясидай юради, қўлида пичоқ, бу қўрқинчли ўргимчак уни истаган нафасида, истаган жойида ўлдиртираолади.

Бугина эмас, уни маҳалладаги ҳарбир киши, ҳарбир бола ҳам ўлимга тутиб бериши мумкин. Бунинг учун бирор ножўя гапини, ё ҳаракатини, ёки кечалари қатнаган жойларини пайқаб қолишса бас. Уйда ёлғиз ўтириб қолса кимдир пойлаб тургандай туюлади, у ўзининг юзидаги ўзгаришлардан, кўчага чиққанида бировларнинг назаридан қўрқади. У илгариги Наимийни эслатадиган суякдастали ҳассани ҳам ташлаб юборди. Ва'зхонлик, насиҳаттўйликдан воз кечиб, ҳайбаракаллачиликка ўтди. Доим маҳалла аҳолисининг илғор қисми орасида бўлишга интилди, кўпчилик қаерга тўпланса ўшаерда пайдо бўлиб, халққа ма'қул тушган гапларнинг ҳаммасига «баракалла, тўғри!» деб гап қотиб турадиган бўлди.

Ҳозирги кунларда Найманча кўчалари ниҳоятда гавжум. Одам тўпланган жойдан кўпи йўқ. Наимий тўпдан-тўпга йўрғалаб, фабрика қурилиши ҳақидаги, умумхалқ ҳашари ҳақидаги гапларни жон-дили блан ма'қуллаб, қувончини қаёққа сиғдиришни билмай қолган кишидай бўлиб юради.

Бугун ҳам эрталаб кўчага чиқди. Чиқдию, кечаги воқиа сра кўз ўнгидан кетмади.

Кеча Наимий «чойфуруш»нинг эски шаҳардаги гадоё топмас ҳужраларидан бирида ўтирган эди, бирдан кўча эшиги тақиллаб қолди. Жонини ҳовучлаб ўтирган Наимий деразадан расво бир тиланчини кўриб кўнгли бироз жойига тушди. Жулдур-жулдур қўсқига ўраниб олган букур чол, ўзидай эгри, ғудур таёғига суяниб, қўлини чўзди, аянч овоз блан ёлвориб бир нарса тилади.

— Буёққа кир, худонинг шўрлик бандаси, кечадан қолган бир коса маставам бор, мана, ичиб ол,— деди «уй эгаси» қаттиқроқ овоз блан.

Бу овозга қўшни девордан бир пучуқ қизчанинг боши кўринди.

Тиланчи чол таёғини қўлтиғига олиб, тиз чўкди-да, қўлини дуога очди.

— Авлоди-аждоди, аркони-давлатлари, умаран-умуратлари, салтанати баравноқларини сарбало қилгай, омин оллоху акбар...

— Мана йўлакка ўтириб, салқинда ичиб ол,— деди уй эгаси ва гадойни йўлакка бошлади.

Броқ улар ичкарига кириб келишди. Наимий гадойга қараб қотиб қолди: устида увада латгалар, йиртиқ жойларини тикиш ўрнига боғлаб, тугиб қўйилган, чолнинг тиззаларигача кўриниб турипти. Гадой эшик тағидан жилмади. «Чойфуруш» уйга киргандан кейин жуда ўзгариб кетди, гадойдан ҳам аянчроқ ҳолга тушиб типирчилаб қолди.

— Наимий,— деди у гадойга қараб.

Чол индамади, «тийинчалик ишим йўқ» дегандай, Наимийга қарамади ҳам.

«Чойфуруш» гадойга билдирмасдан Наимийнинг орқасига тиззаси блан қаттиқ тепди. Наимий ўрнидан туриш керак эканини англади. Ранги ўчган ҳолда, гадойдан кўзини узмай ўрнидан турди.

— Полковник ўн тўққизинчи йилги «Бухоро тепкиси»ни сизга эслатиб қўйишни буюрди.

Чолнинг овози гўрдан чиққандай таҳдид блан гумбуради. У ҳамон остонадан жилмай турар, кўз қараши блан «чойфуруш»ни типирчилатар эди. Гладстон қалтироқ қўллари блан кичкина флакондан қимматбаҳо вино қуйиб чолга тутди.

— Еткизинг: афв ўтинаман жаноб полковникдан, уни ишларимдан хабардор қилинг.

— Тез!

Бу одамнинг келиши Гладстоннинг тақдири учун ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини Наимий ҳам сезиб турарди. Чолнинг «Тез!» деган буйруғи уни йўқ қилиб юборай деди. Гладстон гўлдираб қолди.

— Жаноб полковник инobatга олсинки...

— Қудратиллахўжадан бошланг!

— Шоҳимардон фанатиклари орасида. Уерга Қудратиллахўжадай қонсираган, пулдор, амалий иш биладиган одам зарур эди. Буерда Ҳазоршайх мозори атрофидаги муридларни жонлантиришни бўйнига олди. Найманчадаги Абдимажидхожи имом блан боғланди. Хабар бергаймиз. Бойнинг бир қисм тилласи Қулхўжапонсоннинг

Бойсундаги янги отрядини қуроллантириш учун сарфланди.

Гладстон тиз чўкмоқчи эди, «чол» таёғи блан туртди:

— Сиз эмас. Сиз у аблаҳни сўқимга боқаяпсиз.

— Еткизингки..:

— Бойвачча?!

— Бойвачча «оқпадар» бўлиб буерда қолди.

— Йигитликка!

— Хўп бўлади. Бошқа нарсага ярамайди. Ўзим ҳам шунга мўлжаллаганман.

— Турк фоҳишаси?!

— Йўқ қилинди. Ишини ма'лум даражада бажарди. Изига тушдилар ва мен... Шу қарорга келдим.

Наимийнинг тиззаси қалтираб кетди. «Парихонотин»-ни у ҳалигина учратган эди. Қачон йўқ қилинди?.. Наҳотки Гладстон бу одамни алдаётган бўлса?! Тирик одамни дабдурустан, йўқ қилинди, деб ўтирипти. Ҳозир Наимийни ҳам кўзига бақрайиб қараб туриб, «ма'лум даражада бажарди, йўқ қилинди» деб ҳукм чиқарса-я!.. Бундай бўлиши ҳам ҳечгап эмас. Наимий қимир этмасдан қотиб тураркан, ичидан ёниб портлаб кетаётгандай эди.

— Жўрахон?!— деди «гадой».

Наимийнинг юраги орқага тортиб боши айланиб кетди. Бу масала блан «шуғулланиш»ни Гладстон унга топширган эди. Наимий бор кучини тиззасига йиғиб, даҳшат ичида қалтираб тураркан, Гладстон жонига ора кирди:

— Катта шахс... Бу ташкилотимизнинг охириги операцияси бўлиши мумкин. У авом блан шуқадар боғланганки, ишонишингизни ўтинаман, даҳшат! Ҳа, даҳшат! Модомики, асосий миссиям фабрика қурилишини барбод бериш экан, бу хатарли операция блан бутун режани бузиб қўйиш хавфимиз бор.

— Аҳвол илгаригидай денг?

— Йўқ, мана бу қулингиз,— Гладстон Наимийни кўрсатди,— ба'зи таҳдид блан уни Найманчадан узоқлаштиришга муваффақ бўлди.

— Охирига етказинг.

Бу буйруқ Наимийга қаратилган эди. Гладстон Наимийнинг тили айланмай турганини кўриб, ўзи жавоб берди.

— Албатта...

— Рўйхат!— деди «гадой» қоғоз узатиб.

Гладстон уни икки қўллаб олди.

— Бунга у хотиннинг фамилияси киргизилмади. Биз у блан иш битган деб ҳисоблаймиз.

— Х... х... хў-ўп.

— «Катта шахс» эмиш. Полковник, менга сичқон ўлдирадиганлар керак эмас, деяпти. 10-нчи июль — қурилишга маҳаллалардан битта ҳам одам чиқмаслиги шарт! 19-нчи йилни эслаб туринг, Эдгар! Фойдаси тегади. Хайр.

У шартта қайрилиб ташқарига чиқди-да, ҳовли ўртасида тиз чўкди, қўлини осмонга чўзиб жоврай кетди.

— Аркони-давлатлари баравноқу сарбало...

У дарвозадан чиқиб кетгандан кейин «чойфуруш» эски креслога ўзини ташлаб, анчагача нафасини ростлади. Унинг башараси «бир ўлимдан қутилдим» деб турарди. «Гадой»нинг келишидан Наимий, бир чеккаси, хурсанд ҳам бўлди — у ўзига даҳшат солиб турган бу қора жаллодни аянч ҳолда кўрди, бу Наимийга тасалли берарди. «Сен аблаҳ ҳам ўлимтик итдай қалтирар экансан-ку!» деди у ичида.

Броқ Наимийнинг хурсандлиги узоққа бормади. Бирпасдан кейин Гладстон эски ҳолига қайтди. Исда қолган картошкадай қопқора, гўштдор бурнини рўмолча блан артиб ўрнидан турди, Наимийга қаради. Бу қарашдан Наимий дарров сезди: «У ҳозир аламини мендан олади» деб ўйлади.

— Мен бугун сизни бир ўлимдан сақлаб қолдим. Полковникнинг буйруғини такрорлаб ўтирмайман. Топшириқ аниқми?

Наимийнинг миясида бир гап чувалашди. «Топшириқни ма'лум даражада бажарганидан кейин, йўқ қилинди...» Мана ҳозир у ҳам топшириқни «ма'лум даражада» бажариши керак... «Ўлимдан сақлаб қолдим» дегани қайси ма'нода экан?..

— Тақсир, парихонотин ҳақидаги ахборотингизга тушунмадим. У бугун тирик эди?

— Ҳа, бугун тирик, — деди Гладстон «бугун» сўзига алоҳида урғу бериб, — бугун мана сиз ҳам тириксиз, тақсир. Бу — шунга ўхшаш бир гап.

.. Бу гапга мана бир кун бўлди. Наимий буни кеча кунни блан, бугун туни блан ўйлади. У ҳозир ҳам, гузар томон келаркан кечаги бутун бир воқиядан мана шу энг кейинги гапни қайта-қайта ўйларди. Наимий бу гапнинг асл ма'нисини тушунса ҳам, ундан бошқа бир ма'но чи-

қаришга, ўзига тасалли берадиганроқ бирор ма'носини топиш умидида уринар эди. Гузарга етиб, бир тўп хотинларнинг гурунгига қулоқ солганида Наимий бу гапнинг битта аниқ даҳшатли ҳақиқатдан бошқа ма'носи йўқ эканини чуқур англади.

Хотинлар магазин рўпарасида тўпланишган эди. Улар орасида кампирлар, жувонлар, ёш қизчалар бор, кўплари чимматларини кўтариб олишган, бир-бирларига гал бермай говур-ғувур гаплашар, баҳслашар эдилар. Бир четда бола кўтариб турган ўрта ёшлардаги, болали хотин шовқин солаётганларга бепарво қўл силтаб гапирди.

— Чиққан чиқаверсин. Мен чиқмайман ҳам демайман, бир чеккада қара-а-аб турай-чи, нима бўларкин.

— Сиз артельга ҳам, қара-а-аб турай-чи, деган эдингиз, эгачи, тўрт кун ўтмай бориб ётиб олдингиз-ку,— деди Анзираткампир унинг боласини қўлидан олиб.

— Бордим-ажаб қилдим. Артель гўристон бузиш эмас.

Анзират болани қайтариб бериб, энги блан бурнининг терини артди.

— Шу гапингизга бир чўпчак айтиб берадиган бўлдим, эгачи, хафа бўлмайсиз.

— Ҳа, ҳа, қани!— дейишди хотинлар.

— Бурун замонларда қушлар блан ҳайвонларнинг катта довлаши бўлганмиш. Кўршапалак чеккага чиқиб қўлини белига қўйиб тамоша қилипти. Қани ким енгаркин депти. Аввал ҳайвонлар енгипти. Шунда кўршапалак ҳайвонларнинг олдига борипти-да, тишини, қулогини, эмчакларини кўрсатиб, мен ҳайвонман, депти. Вақти келиб қушлар енгиб қолипти. Шунда кўршапалак қушларнинг олдига борипти-да қанотини кўрсатиб, мен қушман, депти. Шундай, ютган томонга ўтаверган экан, уни қушлар ҳам, ҳайвонлар ҳам ҳайдаб юборишипти. Кўршапалак ўшандан бери кавакларда яшириниб ётаркан, фақат кечалари учаркан...

Хотинлар шовқин солиб кулишди.

— Ана холос, кўршапалак бўлдингиз, Холбу.

— Боплади.

— Кўршапалак!

Нариги томонда паранжисини қўлтиқлаб олган бир гажакдор жувон ҳаммадан баландроқ овоз блан, дам зинага чиқиб, дам хотинлар ўртасига тушиб ҳадеб жоврарди.

— Азизларнинг қабри-я, қолаверса ўз ога-боболаримизнинг хоки! Қайнонам раҳматликни ўз қўлим блан шу гўристонга узатганман. Хотин бошим блан гўр бузгани чиқармишманми!

— Поки парвардигоро, ўзинг сақла, қандай замонлар келди. . .— деб уҳ тортди бир чўлоқ кампир.

— Ҳечқанақа гўр-пўр бузилмас экан, Арслонтепанинг ўрнига тушармиш фабрика.

— Барибир гўристон оёқости бўладими, ахир?

— Нимага оёқости бўларкан?

Ҳалиги гажакдор жувон икки қўлини ҳам, овозини ҳам, баланд кўтариб, ғала-ғовур шовқинни босиб тушди.

— Худога минг қатла шукур, кўзим, қулоғим бор, кўриб, эшитиб турибман. Гўристонни бузиб фабрикони қуриш кимдан чиқди? Онахондан чиқди! Азиз арвоҳларнинг қаҳри-ғазоби кимга тушаяпти? Онахонга! Худонинг берган куни бошида бир балои қазо! Ўзи ўлимдан қолди, худо раҳм қилди. Мана энди қизини дард чалипти. Ҳазоршайх пиримнинг мозорлари ёнидан беадаб қўшиқ айтиб ўтган экан, мана тилдан қолиб ётипти, ҳам! Эшитмадим деманглар!

— Парихонотиннинг айтганлари келаяпти, айланайлар,— деди чўлоқ кампир четроққа чиқиб,— лоҳавло, лоҳавло, бандангни имонидан бенасиб қилма. . .

— Елғон! Елғон!— деб қаттиқ қичқирди хотинлар орасида биров. Сал ўтмай унинг ғазабли овози ҳамма шовқинни тиндирди. Бу Анзираткампир эди, унинг жиккакки-на гавдаси зинанинг тепасида пайдо бўлди.— Елғон дейман, ҳай хотинлар! Тошхоннинг гапига ишонманглар, Онахон ҳечқанақа арвоҳ-парвоҳнинг ғазабига учрагани йўқ, унга шўро ҳукуматининг душманлари пичоқ уриб кетди. Унинг қизи Турсунойни ҳечқанақа дард чалгани йўқ, мана бу Тошхонга ўхшаганлар ўтакасини ёрди шўрликнинг. Болани қўрқитиб тилдан қолдирган парихонотин деган гўрсухта.

— Вой, шўрим!

— Товба, аста'фирилло! Нима деяпти?!

— Ҳай, кампир бўлмай. . . шу ёшга кириб. . .

— Бало-қазо Онахондан бери келмай қолди!

— Ҳа, шумлигига яраша!

Анзираткампир Тошхонга қараб қўлини пахса қилди:

— Ҳа, ҳар калимаси савоб, ҳар сўзида авлиёю анбиё, мана бу мозорни пирим-тирим қилиб, оғзидан кў-

пик сочган парихонотинингиз нима бўлди?! Онахон азиз арвоқлар қаҳрига учраган бўлса, у нимага учрапти? Ҳа, айтинг-чи?

— Нима бўпти? Нимага учрапти?

— Ит кунига тушиб ўлипти, ҳа!

Хотинлар нафасларини ичларига ютдилар. Ҳамма бир-бирига ҳайрат блан қараб жимжит бўлиб қолди. Наимий бу гурунгдан тезлаб ўтиб кетмоқчи эди, кейинги гапни эшитиб, бошига биров гувала блан ургандай, каловлаб қолди. У тўхташни ҳам, олдинга юришни ҳам билмасди. Қайрилиб қараса, хотин-қизлардан биронтаси бўздек оқарган юзини кўриб, бир нарса деб ўйлаши, гумонсираши мумкин. У қайрилиб қарамади. Кўз ўнги қоронғилашди, биров учрамаса бас, қоқиниб-нетиб кетмаса бас. Қадамим тезлаб, ё секинлаб қолгани йўқмикан, одатдаги юришим қандайроқ эди, деб ўйларди Наимий. Минг ҳаракат қилса ҳам қадам қўйиши ўзиникига сра ўхшамаётгандай туюларди. Миясида яна ўша гаплар чувалашди. «Топшириқни ма'лум даражада бажарди...», «Бугун мана сиз ҳам тириксиз, тақсир...» Эртага-чи?!

— Ит ўлими блан!— эшитилди орқадан. Анзираткам-пир ҳамон гапирарди:— Қаёқдаги, таги нома'лум келгинди экан. Отин ҳам, азайимхон ҳам эмас, фоҳиша эмиш! Ҳа!

— Вой, ўлмасам!

— Биров елкасидан пичоқ уриб кетипти! Ажаб бўпти! Шариатни масхарабозликка айлантириб, кўнгли тоза хотинларнинг устидан иғво қилиб, одамларнинг юрагига ваҳима солиб юрганнинг жаззаси, ҳа! Худойимга шукур, шунисига етказди, буёғини яна кўрармиз.

Наимий ҳамон орқасига қарамай борарди. Хотинлар тўпининг шов-шуви эшитилмай қолди. Наимийнинг ҳозир энг кўрққани одам эди. Бир эшикдан дик этиб чиққан жажжигина қизча: «Ассаломалайкум!» деб юборди.

Наимий итдан кўрққан гадойдай ўзини йўлкадан ариққа ташлаб юборишига сал қолди. Тўнғиллаб қизни ичидан сўкди. Яна йўлда давом этди. Одамдан қутилиб бўлармиди, яна аллақандай шов-шув эшитилди, Тўғрида, Қудратиллахўжабойнинг илгариги устахонаси ўрнида, баланд қизил дарвоза кўринди. Наимий, тилига келган бир нарсани пичирлаб, ёқасини ушлади. Кўзимга кўрина-яптими деб, қовоғини уқалаб қаради. Йўқ, чинакам дарвоза! Баланд, қизил дарвоза! Янги ёғочдан тикланган,

ҳаммаёғи алвон, шиор, кўмкўк барг ва гуллар блан чирмаб ташланган; тепасида икки ёш йигит, бирининг қўлида болға, бирининг қўлида портрет. Пастда ғуж-ғуж одам. Ҳаммаси ёшлар. Бола-чақа, қий-чув.

Наимий тушунди. Бу — бўлғуси қурилиш участкасига Найманчадан очилган йўлнинг боши эди. Собиқ бўзчилик устахонаси ҳовлисининг орқа томони очиб юборилган, дарвозадан тўғри қараганда динамит блан титиб ташланган Арслонтепа вайроналари яққол кўриниб турарди. Дарвозанинг тепасида, ярим доира бўлиб эгилиб тушган алвонга катта ҳарфлар блан «Хуш келибсиз!» деб ёзилган. Яна бир йигит дарвозага тирмашиб чиқаётир, пастда иккитаси бир-бирининг елкасига чиқиб узун алвоннинг учини унга узатишга уринмоқда. Кўчанинг бу четида турган қиз:

— Чапга! Чапга! Ҳа! Пастроқ!— деб қўлини силтаб, ҳадеб кичқирарди.

— Ҳорманг, муаллим!

Наимий бу товуш ўзига тегишли эканини англаб, «ҳорманг»ни аввал ўзи айтолмаганига ачинди. Унга қичқирган йигит дарвозанинг тепасида эди. Наимий унга илжайиб қаради.

— Боплабмизми?

— Ҳа, баракалла, комсомоллар, балли, балли!

Тепадаги Абдисамат эди. У «муаллим»нинг жавобига унча эʼтибор бермай, кўчанинг нариги четида турган Галяга қаради.

— Чапга дедингми? Мана! Энди-чи?

— Бўлди. Қоқаверинг! Э, йўқ, чапга, яна чапга!

Абдисамат бошчилигидаги завод комсомоллари шаҳардаги ҳашарчи ёцларнинг ташаббусчиси сифатида, қурилишга ялли чиқишга уч кун қолди деганда, бўлажак участкага кириш учун уч томондан шундай дарвозалар яшашга киришдилар. Бу иккинчиси эди. Комсомолларнинг кўплари дарвоза олдида йўл текислаш блан овора. Собиқ устахона ҳовлисидаги тақир жойда учта-тўрттаси алвонни ерга ёзиб олиб, тиш порошоги блан шиор ёзмоқда.

Абдисамат дарвозанинг бир ёнига юқоридан пастга қараб яна бир алвон туширди. Унда: «Халқ қурилиши қатнашчиларига алангали салом!» деб ёзилган эди.

— Муаллим, хатоси йўқми?

— Ҳа, баракалла. Қани, қани?

Наимий ростакамдан ҳарфма-ҳарф ўқиб чиқди. Битта хато топилганига ич-ичидан хурсанд бўлди. Бунақангги жойдан қуруқ ўтиб кетса бўлмасди, тўхтаб қуруқ тамоша қилиб туриш ҳам одамларнинг диққатини жалб қилиши мумкин. Мана энди эса у ишга араллашиб кетди.

— Мана бу мундоқ ёзилса тўғри бўлади,— у «халқ» сўзида янглиш ёзилган, саллага ўхшаш «ҳ» ҳарфи ўрнига нуқтали «х» ҳарфини бармоғи блан чизиб кўрсатди.

— Ҳа, баракалла, акаси жонидан, балли!

— Муаллим, хизмат бўлмаса, анави ёзилаётганларини ҳам кўриб беринг.

Наимий ерда чўзилиб ётиб шиор ёзаётганлар ёнига борди. Офтобда чала-ярим ёзилган шиорлар ётарди, «Фабрика қурилишига сен нима ҳисса қўшдинг?», «Қурилишга қатнашмаган битта ҳам...»

Наимийнинг кўзи тинди. Кечаги «гадой» кўз олдидан ўтди. Унинг даҳшатли овози қулоғига эшитилгандай бўлди: «10-нчи июльда қурилишга маҳаллалардан битта одам чиқмаслиги керак!»

— ...битта ҳам меҳнаткаш қолмасин!— деди Наимийнинг ёнида пайдо бўлган Абдисамат.— Буёғи шундай бўлади, муаллим. Қалай? Ия, ҳа, рангингиз... қочипти, тобингиз йўқми, муаллим?

— Ҳ. . . ҳа, юрак. . . юрагим касал, акаси жонидан, офтоб ярамайди, бошим айланади. . . шунақа. . .

— Вот, масала! Бўлмаса, борақолинг, муаллим, кечирасиз, биз билмабмиз. Уйингизга кириб, дам олинг. Ҳозир офтоб айни авжида-я, сизга сра бўлмайди.

— Ҳа, ҳа авжида. Балли, балли, комсомоллар. . .

Наимий чиндан ҳам юрагининг аллақаерида оғриқ сезди, чакка томирига гуп-гуп қон келди. У секин жўнаган эди, орқадан қудратли қўшиқ эшитилди:

Комсомол, олға бос,
Олға бос!
Комсомол, ўт юрак,
Ёш насл. . .

Наимий букчайиб кетиб борар, чаккасини ушлар, орқада ёшларнинг қудратли овози уни бу жойдан қувлаётгандай, тобора кучаяр эди. Наимийнинг боши баттар айланиб кўзига нимабалолар кўринабошлади. Аввал Абдисаматнинг қирра бурунли, олов кўзли юзи кўринди: «Рангингиз қочипти»... Кейин ўзининг рангсиз, сарғай-

ган, озғин юзи кўринди... Наимий... нечага кирдинг? 37. Оз, жуда оз! Наҳотки шугина бўлса! Наҳотки паймона тўлган бўлса? Қачон, ким қўлида?.. Кўз олдига ўлим келди. Қон... Улик... Қим? Турк жосусининг қонли мурдасими? Жўраҳонми? Узими? Қон... Улик... Қим?

Йигирма иккинчи боб

Унинчи июль.

Бугун бутун шаҳар ноғора садолари блан уйғонди. Эрта тонгданоқ кўчалар халқ блан тўлди. Сурнайларнинг чинқириғи, карнайларнинг «ваҳ-ваҳа-ваҳу-ва» деб жар солиши қулоқларни қоматга келтирар, қўшиқ, кулги, қий-қириқлар, болаларнинг қий-чуви, ҳаммаси бирга қўшилиб, маҳаллалар шаршарадай гувиллар эди. Тартибли колонналар, тўда-тўда одамлар бир томонга қараб оқмоқда, бугун қурилишдан сра хабари бўлмаган қари-қартанг ҳам кўчада, гузарда, майдонда, улар ҳам байрам кайфиятида кучли оқинга қўшилиб шу томонга силжимоқдалар, болалар лунжларини шишириб қамиш сурнай чалиб, байроқ, алвон, плакатлар кўтарган колонналар кетидан эргашадилар, кетмон, белкурак, замбил ортган араваларга осиладилар. Оломон бозорга кириб келганда, гўё ҳозир дўконларни сел ўпириб-супуриб кетадигандай, духоба дўппили аҳли раста дўкон оғзидан бошини чиқариб, ҳайрат блан тикилди. Халқ тўлқини бозорда ҳам, чойхоналарда ҳам, кўча-кўйда ва ҳовлиларда ҳам ҳечкимни қолдирмай забтига тортиб, бирга олиб кетарди.

Бугун эски шаҳар аҳолисининг деярлик ҳаммаси Найманчанинг Бўзчигузаридан ўтди. Қомсомоллар қурган қизил дарвозанинг тепасида одам бўйи келадиган «10» рақами унинг тагида «июль» деган сўз узоқлардан кўри-ниб турарди.

Қурилиш бошлиқлари етиб келганда, этикка ўхшаш, ўт босиб ётган ташландиқ жой ҳам, гўристоннинг қирғоқлари ҳам, ўпириб, талқон қилиб ташланган Арслонтепа атрофи ҳам лиқ тўла одам эди. Эргаш, Ефим Данилович, Жўраҳон учқови дарвоза ичкарасида алвон блан безатилган баланд вишка тепасида пайдо бўлдилар. Пастда халқ қайнар, гувлар эди. Кўк, қизил дурралар, алвон шиорлар, кетмон, кураклар, офтобда қорайган, мисдай бўлиб пишиган елкалар кўзни қамаштириб йилтиллайди.

Вишканинг тагида ўнлаб байроқлар гулхандай ёнади.

Вагон-ремонт заводи комсомол колоннасининг байроғи вишканинг қоқ белига чиқариб қоқилган, ундан пастроқ-да заррин попукларини ёзиб хотин-қизлар артелининг байроғи ҳилпирайди.

Жўрахон узоқларга қаради. Осмон тиниқ, олисда, ҳовур жимирлаган тепаликларда ҳам одамлар, қурилиш майдонига уч дарвозадан одам тинмай кириб турипти, ҳали қаёқлардадир, дарвозалардан ташқарида ҳам шўх қўшиқлар эшитилмоқда. Ана косиблар союзининг байроғи энди кўринди.

Майдоннинг ўрта бир ерида, ўтлар орасида инженер Добротворцев ёш десятниклар, прораблар қуршовида турипти. Ташкилот, корхона, муассасалардан келган қуручиларнинг бошлиқлари ўз десятникларини топиб, одамларни ҳаржой-ҳаржойга тўпламоқдалар. Буердан кичкинагина, букирроқ бўлиб кўринган инженер уларга, қоziқ қоқиб чизик тортилган катакларни кўрсатиб, шошиб, қўл силтаб команда беради.

Жўрахон хотинларни битта-битта таниб, жилмайиб, ўзича ҳар бирининг исмини атаб қўяди. Ҳамма шуерда! — Ўртоқ Султонов, холамга хат ёздингизми?

Эргаш бироз ийманиб турдию, ростини айтди:

— Бугун кечаси уйга ҳам боролганим йўқ, Жўрахон опа. Хабарингиз бор, Ефим Данилович блан горком бюросидан кечаси иккида қайтдик. Ундан кейин... янги идорамизга кириб... иш кўпайиб кетди, Жўрахон опа, ўзингиз биласиз, мана мунча халқни кутиб олиш... Бугун албатта ёзаман.

— Мен айтмасам эсингизга ҳам келмайди,— деди Жўрахон,— онани эсдан чиқариш керак эмас, начальник бўлсангиз ҳам...

— Шунча она ичида, Жўрахон опа...— Эргаш майдонни кўрсатди.

— Ҳа, оналар кўп. Оналар...— Жўрахон завқ блан майдонга қаради:— Қаранг, Эргашвой, ярми хотинлар, шундай эмасми?

Эргаш минбарнинг панжарасини бармоқлари блан қисиб, кўзлари чақнаб, халқни кузатарди.

— Сизга раҳмат, Жўрахон опа, бу сизнинг хизматингиз. Тоғни талқон қилади бу қудрат!

Майдоннинг гўристонга ёндош чеккасида ҳашарга келган қизил аскар қисмлари қаторлашиб турарди. Яқиндагина Эргаш ҳам шу сафларда эди. Оддий солдат эди. Эн-

ди эса мана шундай қудратли қўшинга командир, қурилиш бошлиғи.

Ҳадемай бу қудратли қўшин ҳаракатга киради. Бу номсиз гўнгтепанинг асрлардан қолган ахлат қатламлари, томир ёйган алафлар қўпориб ташланади, бугундан бошлаб бу жой гўристонга қўшни бўлган қўрқинчи, ўлакса, мараз босган, бадбўй гўнгтепа эмас, шонли халқ қурилиши участкаси! Мана ҳозир унга халқнинг оёғи тегди, мана ҳозир унга жон кирди!

Ефим Данилович, Эргаш ва Жўрахон бу баландликда дарвозалардан кириб келган ҳарбир байроқни, ҳарбир колоннани саломлаб, табриклаб кутиб олгандан кейин, пастга тушиб, илгаридан тайинланган ўз иш участкаларига кетдилар.

Ефим Данилович танаффус вақтларини белгилаш масаласида инженер олдига шошилди. Эргаш халққа иш қуроллари, от-улов етказиб бериш масаласида аравакашлар союзи, аравасозлар артели коллективлари томонига кетди. Жўрахон хотин-қизлар участкасига жўнади.

Ярим соат ўтар-ўтмай кенг майдон тепасида осмонни булутдай чанг тутди. Одамлар ғовур-ғувурига кетмон, курак, метин тақир-туқурлари қўшилди. Қаёқдадир отлар кишнайдди, одамлар чанг-тўзон орасида бақириб бир-бирларини чақирадилар. Тош-тупроқ қизиғи, ўт-алаф тутуни юзларга уради. Абдисамат бошлиқ комсомоллар тўхтаган участкада чарс-чурс аланга аралаш, қора, сассиқ тутун буралиб-буралиб осмонга кўтарилади. Қуёш қизитар, чанг тутун аралаш ҳаво ҳам, ер ҳам, тош ҳам чарсиллаб ёнаётгандай. Замбил кўтарган ёшлар тепаликлар ошиб йўрғалайди. Қуруқ чангалзор, қувоқзорларда, худди тирик нарсадай, орқасида қора кул қолдириб ўт-аланга юмалайди, янтоқларни ямлайди. Кўплар яланғоч бўлиб олган, қизиган таналарга ёпишган кул-тўзон тер блан оқиб тушмоқда. Ёввойи ўт ёнган ерларда тошликлар, дўнгликлар, жарликлар, ўпқонлар очилиб, бўлажак қурилиш майдонининг қадимги ҳунук башараси яланғочланиб қолмоқда.

Узун-узун тахталарнинг учини ерга судратиб келган олтита қўқонарава юкини тарақлатиб ташлаб, тоғдек бўлиб турган ахлат тепалиғи ёнига бориб тўхтади. Тахталар таламон бўлиб кетди — улардан тачка юрадиган йўллар ясадилар. Ҳазоршайх мозори орқасидаги жарликка қараб кетган бу тахта рельсдан оғир тачкасига тош

ортган Мамажон йўл бошлаб берди. Унинг кетидан ўн-тача катта-кичик, эски-янги, пишиқ-шалақ тачкалар, замбилгалтаклар қатор тизилиб, тахта устидан тақир-туқур юмалаб кетдилар.

Ахлат тепалигига бориб тўхтаган аравакашлар танг қотишди — бу тепаликка на кетмон ўтади, на паншаха — Лом! Лом! — дейишди.

Метин урганлар сассигига чидолмай орқага тисарилишди.

— Тош бўлиб кет-э!

— Қимматбаҳо харсанг дегин! — деди кулиб ёшгина, дўнг пешона аравакаш.

— Ут қўйсанг ёнмаса бу касофат!

— Фабрика баҳонаси блан маҳалланинг ҳавоси ҳам тозаланадиган бўлди! — деди лом кўтариб келган мўйсафид; у найманчалик бўлса керак, тошдай қотган бадбўй ахлат қатламига ғазаб блан лом урди. — Йўқот ланатини, туғилганимдан бери нафасимни бўғади бу бадбахт!

Жўрахон бу ҳангомага қулоқ солиб, кулиб ўтди. У одамларнинг ишидан ҳам кўра, хушчақчақ кайфиятидан хурсанд эди. Буерда одамлар, айниқса хотин-қизлар, бир-бирларини танийдилар, янги гаплар эшитадилар, биргалашиб ишлашга ўрганадилар, кўпчилик бўлиб меҳнат қилишнинг кучини англайдилар. Жўрахон бутун кучини, умрини бағишлаган иш кенг қулоч ёзиб энди авж олаётир, оналар, унинг севган дугоналари, опа-сингиллар энди мана бу қудратли меҳнат қўшинининг бир бўлаги! Бу қўшин сафида улар ўзларининг ким эканликларини тушунадилар.

Жўрахон етиб борганда юздан ортиқ хотин-қиз одам бўйи бўлиб ғовлаб ўсган, кўмкўк ёввойи ўтга ёпирилган эди. Улар бир ярим гектардан ортиқ тепалик ердаги чуқур томир ёзган супурги, янтоқ, мия, тўзғоқ, какраларини болта, теша блан қирқиб-қайириб, қўл блан юлиб, қучоқ-қучоқ қилиб узоқларга ташир эдилар.

Жўрахон, паранжисига қанор қопдай қилиб ўт-алаф туғиб елкасига кўтариб кетаётган хотиннинг орқасидан етиб борди.

— Ҳорманг!

Хотин юкини ташлаб юбориб орқасига қайрилди. Бу Қумри эди. Унинг юзи кирланиб, терлаб баттар хунуги чиқиб кетган. Ут ёпишиб кўмкўк бўлиб кетган қўлларини.

жўтариб, кўришгани қулоч очди. Ундан тер ва талх ўт ҳиди бурқиди. Уларнинг рўпарасида тўртта хотин бир-бирининг белидан ушлаб, саксовулдай чайир бўлиб тарвақайлаб ўстан бир туп сассиқ супургини томири блан суғуришга уринар эди. Улар супургини суғуролмадилар, иш қизиқчиликка айланиб кетди, хотинлар тўрттови ҳам бир-биридан шўх экан, какрани суғуришдан ҳам кўра бир-бирини қитиқлаш блан овора эди. Бир семиз жувон бешинчи бўлиб келиб, охиргисининг белидан қучоқлаб тортди. Шунда супурги томиридан узилиб, бешала хотин бараварига юмалашди. Қий-чув, кулги бўлиб кетди. Йиқилганлар ичида найманчалик Холнисо ҳам бор эди, у ўрнидан туриб этагини қоқаркан ҳаммадан баландроқ қаққаҳлаб куларди.

Қумри Жўрахоннинг ёнида жилмайиб тамоша қилиб турди-да, ўйланиб гапирди:

— Шу шўрликлар ҳам ўйин-кулгини билар экан-ку, Жўрахон синглим, шуларга ҳам ўйин-кулги ярашар экан-ку!

— Буларга меҳнатнинг ярашганини айтинг, Қумри келинойи, шулар бўлмаса бугунги тантана тантана бўлармиди! Бошлиқларинг ким?

— Вой, иш бошимиз Онахоннинг Башорати. Дўсатлик, ҳай дўсатлик қизим! Ана, ҳозир келади. Оғзи тўла билим бўпти, қиз ўтмагурнинг. «Сизга беш қудрат, сизга олти қудрат» деб ҳаммамизга улашиб бериб кетди.

— Сизга беш квадрат метрми?

— Йўқ, найманчаликсиз деб олти қудрат қилиб берди, қиз тушмагур. Онахон бояқиш кўролмади-да бутунги ма'ракамизни, боласига тикилиб ўтирганмиш..

Башорат етиб келди. У қаёқдаги эски этикни (дадасидан қолган бўлса керак) кийиб олипти. Қўлида каттакон қайчига ўхшаш саржин таёқ, диккайиб турган жамалаги тагидан ўтказиб қулоғига сариғ қалам қистириб олган, юмюмалоқ юзи терлаб, қизариб, кўпчиб кетган.

— Ҳа, десятник!— деб қувониб кўришди Жўрахон. Кейин жиддий сўради:— Турсуной тузукми?

— Уша-ўша, опажон. Ойим.. кечаси, мени ухлаб қолди деб, ёстиққа юзини қўйиб роса йиғлаб олди.— Башоратнинг овозида титроқ йиғи оҳанги эшитилди.— Абдисамат акамлар кечқурун хашарчиларга концерт қўйишар экан, Турсуной бўлганда эди..

Қумри кўзига ёш келишини билиб, ерда, паранжисида сочилиб ётган ўт-ўланга эгилди. Бу вақтда Башоратни бир эркак овози чақириб қолди.

— Эркаклар блан хотинлар орасида телефонман, опа-жон!— деди Башорат яна дарров очилиб. Югура кетди.

Жўраҳон унинг кетидан қараганича, Қумрининг елкасига қўлини қўйиб, тайинлади:

— Тушликда Опахоннинг ёнига кириб, бир соат, ярим соат ўтириб чиқинг. Кечқурун ўзим кираман.

— Хўп, Жўраҳон синглим, хўп.

Қумри Жўраҳоннинг кўнгли бузилганига хафа бўлиб, қўли ишга бормай, унинг орқасидан узоқ қараб қолди. Жўраҳон сочини орқасига осилтириб, кўк дуррасига бўшгина қилиб туккан, кўкраги бурмали, жигарранг батист кўйлак кийган, оёғида паст пошналли ботинка. У Анзираткампирининг олдига етиб бориб енгини шимарди, белкуракни олиб ажриқни қириштирабошлади.

— Чарчамаяпсизми, Анзират хола?

— Келинг, худога шукур, қизим... Вой, қўйинг, Жўраҳон болам, шунча тумонат одам ишлаб турганда сиз белкурак ушлаганингиз нимаси?..

— Гуноҳ бўладими, хола?

— Гуноҳ ўлсин, савоб иш бу, Жўраҳон, савоб иш! Найманчада шунча нуфуз, шунча йил яшаб мана шу пашша бозор—ўлакка мозорни йўқотиш биттасининг миясига келмапти-я!

— Бу ерлар фабрика саҳни—гулзор бўлади ҳали Анзират хола!

— Худога шукур, бу купларга етдик, унисига ҳам етказмоқсин, мени «Шукуркампир» деб мазак қилишади, яхшидан яхшига етказаверганидан кейин шукур қиламан-да, болам, етказмаса шукур дермидим.

— Илгарилар, «етказмаса» ҳам шукур қилганингиз қилган эди, хола.

— Ҳа, шундай эдим, болам, ёруғ дун'ёдан қўлни ювиб қўлтиққа урган вақтларим бўлган эди. Йўқ, энди юзга етказмаса шукур дейдиган анойи йўқ!—кулди кампир.—Айтгандай, сафарчилардан хат-хабар йўқми, сизга дуойи салом ёзишгандир?

— Ҳозирча йўқ.

— Рузвон ўлгурни соғиниб қолдим. Масковларда керилиб юрганмикин. Шу ўртоғимни бир хурсанд қилай, фабрикончи бўлиб келар экан, келишига фабрикани би-

тирсақ, «мана, ўртоқ, дейман, энди розимисиз?» — Анзи-раткамбир овозини пасайтирди.— Мен сизга айтсам, қиёматлик ўртоқмизу, мендан хафа бўлган жойи бор, бояқишнинг.

— Қиёматлик ўртоғингизни нега хафа қилиб қўювдингиз?

— Нафсанбирини айтсам, нодонлигимдан, қизим. Мен унга анови манжалақи парихонотиннинг гапини гапириб юрибман. Ана ўлдириб кетишипти — ажаб бўпти. Келгинди, бузуқ хотин экан, дейишди. Мен паққос ишондим. Нимага десангиз, Жўрахон,— у Жўрахоннинг қулоғига чўзилиб пичирлади:— нимага десангиз, анови Наимхўжа эшоннинг ўғли бор-ку, муаллим, оти Салимхўжа шекилли,— ўшаникидан қоқ ярим кечада чиқиб кетганини ўз кўзим блан кўрганман, ҳм... Ўша вақт, эшон ҳазратларини йўқлагани қанган бўлса керак, деб ўйлабман. Кимсан парихонотин эди-да, кимнинг хаёлига келипти дейсиз. Мана энди билсақ расвойи жаҳон бузуқ экан, айланай. Худоё ўзинг сақла... Яна шариятдан-тариқатдан гапирадим-я, яшшамагур! :

Жўрахоннинг авзойи ўзгариб кетди. У уёқ-буёққа аланглаб қолди. Қаёққадир шўшиб беш-олти қадам қўйдим, яна секинлади. Орқасига қайтмоқчи бўлган эди, кимдир чақирди, у жавоб бермади, паришон бўлиб кетаётганида Наимийнинг рўпарасидан чиқиб қолди.

Наимий енгини шимариб, белини арқон блан бўғиб олган, юзи шаррос тер, кўйлаги танасига чиппа ёпишиб кетган, метинни шундай урар эдики, буни кўриб атрофдагилар ҳам ғайратга кириб кетишган эди. Наимий бир дақиқа тўхтаб, пешона терини сидирди, Жўрахонни кўрмади. Яна жон-жаҳди блан ишга киришди. Унинг метини остидан тош-тупроқ сачрар, ўзи дам-бадам қуюқ чанг ичида қолиб кетар, лекин тўхтамас — ҳамон чинакам мардона ғайрат блан тепаликни титиб борар эди. Жўрахон уни зимдан кузатди-да, узоқ қараб туриб шубҳа туғдириб қўйишдан қўрқди шекилли, четга қайрилди. Четроқда дам олиб чилим тутатиб ўтирган, терлаб хансираган одамларга кўзи тушди. Қилтириқмахсумнинг ингичка овози қулоғига кирди.

Ориқлаб, ёш боладай кичкинагина бўлиб қолган қизил кўз Маҳсум махсисининг қўнжигга тўлиб қолган тупроқни қоқиб, ёнидагиларга хотин, садоқат, муҳаббат тўғрисида гапирар эди.

— Мен ўзим бўйдоқ ўтган бўлсам ҳам, мулла Қосимжон, ишқи-муҳаббатнинг қадрини ўбдан биламан. Эрдан садоқат лозим, хотиндан итоат, ҳа. Шу бўлмаса эри-хотин бўлган блан маза-матра бўлмайди.— Махсум махсусита туфлаб, енги блан ишқади.— Менинг юрак-бағримдан уриб, авжи жазава ишқ-муҳаббат блан олган хотиним тўйнинг иккинчи куни чимилдиқдан чиқиб қочиб кетган. Лекин мен хафа бўлмадим. Эрманми — садоқатим бор. Азбаройи садоқатим зўрлигидан бошқа хотинга уйланмадим. Хотиним ўзига насиб қилганини топди. Ҳали ҳам ҳар замонда бориб, бола-чақасини кўриб келиб тураман. Худога шукур, аҳди-садоқатимни бузганим йўқ, мулла Қосимжон, ҳа.

Жўраҳоннинг кўнгли айнийбошлади. Боши бироз айлангандай бўлиб, пешонасини ушлаганича ўтиб кетди. Ҳамон терга ботиб ишлаётган Наимийга қия қараб қўйиб, қадамини тезлатди. Уни яна чақирдилар. Чақирган Эргаш эди.

Эргаш Ефим Данилович ва инженер блан бирга ялангроқ, чанг тўзондан нари бир тепаликда туришар эди. Улар кеча ҳал бўлмаган масала устида, ҳашарчиларнинг тушлик танаффуси ва кечки дам олиши ҳақида баҳслашар эдилар.

Ефим Данилович танаффусни камида икки соат қилиш тарафдори эди. У, ҳозир халқ блан ишлашда, тепаликларни текислашдан ҳам кўра, одамларга баҳона блан уни-бунни айтиб олиш, қурилишнинг аҳамиятини тушунтириш, коллектив меҳнатнинг завқи ва шодлигини кўрсатиш зарур эканлигини уқдирар эди. Инженер неча минг кубометр тупроқ чиқаришни, яна бошқа ер ишларини ҳисоблаб, чиндан ҳам ваҳимали рақамларни ҳадеб такрорлаб, келган кучдан тўла ва унумли фойдаланиб олиш кераклигини да'во қиларди.

— Менга митингбозлик эмас, иш керак, ўртоқ Надеждин!— дер эди Добротворцев қизишиб.— Мен инженерман, қўлимда машинаю моторларим йўқ. Мендан иш талаб қилинади. Бу кучни эртага қаёқдан оламан?

— Ана, гап шунда, инженер! Мен эртамиз ҳақида, ундан ҳам кейинги кунларимиз, келажагимиз ҳақида ўйлаяпман. Халқ қурилиши биринчи кундан бошлаб омма учун тарбия мактаби бўлиши керак.

— Сиз эртани ўйлабсиз! Хўш, мана шунақангги минглаб текин куч кунда бўлади демоқчимисиз?

Эргашнинг қазаби қўзиб кетди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, инженер! Қанақа текин куч? Биз қул ишлатаётганимиз йўқ!

Эргаш Ефим Даниловичга ўпкалаб, олайиб қараб қўйди: «Айтмовдимми бу спец блан чиқишолмайман деб?».

— Эртага ҳам, индинга ҳам, ундан кейин ҳам худди мана шундай бўлади, инженер,— деди Ефим Данилович гўё хотиржам овози блан Эргашнинг партизанча дўқига пичинг қилгандек.— Бу озод меҳнатга уйғонган халқнинг ватанпарварлик ташаббуси.

— Ташаббус бир кун бўлади, икки кун бўлади..?

— Яна ўша эски ашула!— деди Эргаш тескари қараб.

Инженер Ефим Даниловичга гапиришда давом этарди.

— Ташаббус — бир ловуллаган олов.

— Ҳа, ҳа, олов!

— Олов ловуллайдю — ўчади.

— Учмайди!

Ефим Данилович астойдил гап бошламоқчи бўлиб, инженерга рўпара туриб оғиз жуфтлаган эди, Жўраҳон қўшилди.

— Вақт ғанимат, ўртоқлар, баҳс блан вақт ўтказмайлик. Мен ўртоқ Надеждиннинг гапини қувватлайман. Танаффус камида икки соат бўлиши керак.

Инженер «вақт ғанимат» деб туриб паққос икки соат иш вақтини танаффусга бераётган бу хотинга ҳайрон бўлиб қаради. Лекин Жўраҳоннинг гапи горкомнинг гапи эди. Баҳс тинди.

— Биз фақат қуручиларгина эмасмиз, ўртоқ Добротворцев. Биз тарбиячи ҳаммиз. Танаффусда биз қаттиқ ишлашимиз керак! Сиз ўзингиз ҳам бир гуруҳ аҳоли блан қурилиш ҳақида ширингина бир суҳбат ўтказинг.

— Мен?

— Ҳа, ҳаммамиз.

Инженер учун бу — ер ишидан кўра мушкулроқ вазифа эди. У танаффусгача қолган ярим соат ичида нуқул шу ҳақда ўйлади. Қўли бошқа ишга бормаиди, уёққа боради — ўйлайди, буёққа келади — ўйлайди, мияси торс ёрилиб кетай деди: нима дейиш керак? Қурилиш ҳақида! Уни қандай қилиб қуриш кераклигини айтиб бер деса-ку, инженер ярим соат эмас, икки кун ҳам гапириши мумкин.

Лекин бу халққа, саводсиз халққа қурилиш ҳақида нима ҳам дейди? У мясидаги бутун билганларини йиғштириб, бир-бирига чатиб кўрди. Хўш, яна нима? Совет ҳукумати озодлик берди, совет ҳукумати халқ учун фабрикалар қурапти... Э, буларнинг ҳаммаси эски гап. Қуруқ. Шўро бизнинг жонажон ҳукуратимиз, биз у учун қон тўкиб... Унинг бундай дейишга ҳаққи борми? Бу халқ ичидан, чиндан қон тўкканлар чиқиб: «Қачон?! Қаерда?!» деб қолса-чи, унда нима деяолади? Одамлар қон тўкаётганда у маслаксиз адвокатнинг нозли қизи блан чучмал даҳанаки жанг қилиб ётмаганмиди?.. Ҳозир бўлса унга халққа гап тушунтиришни топширишяпти. Улар Добротворцевнинг ҳали халқдан чўчиброқ турганини билишармикан? Билишади! Жўрахон блан Надеждиннинг билмаган нарсаси йўқ. Булар синашяпти, жўрттага қилишяпти. Ҳа, булар унга фабрика қуришдан ҳам қийинроқ иш борлигини шамма қилишяпти. Ҳақиқатан ҳам тўғри, бу фабрика қуришдан минг марта оғир... Тўхта-чи, у улар блан нима ҳақда тортишди? Тўғри қилдими? Бу минглаб халқ-ку бугун кутилмаганда ёпирилиб келди. Уни бундай қўзғатиш, унинг руҳини буқадар кўтариш осон бўлдимикан? Буни Добротворцев қилгани йўқ, лекин буни Жўрахонлар, Надеждинлар билгандир. Чиндан ҳам буни фақат ўшалар қилиши мумкин. Бу Добротворцевнинг қўлидан келмасди. Улар халқни ўша қонли революция йилларидан олдиноқ ўзларига эргаштириб келган одамлар. Улар бу ишнинг муҳимлигини, оғирлигини яхши биладилар. Улар ўзларига эргашган халқнинг қудратини ҳам яхши биладилар. Улар халқнинг дилидагини биладилар. «Олов ўчмайди!» деганида ҳам бир гап бор.

Ҳа, бунисини келажак кўрсатар. Лекин ҳозир нима қилиши керак? Добротворцев соатига қаради — танаффусга ўн беш минут қолган эди. У, қўйин дафтарини олиб бир синиқ тачкага омонат ўтирди.

Эргаш, Жўрахон, Ефим Данилович тепаликда ҳамон гаплашиб туришарди. Тош-тупроқ уюмларидан ошиб, одамларни оралаб, чанг-тутун ичида велосипедни судраб почтачи келарди.

У одамлардан бирнима сўради шекилли, қуручилар унга Эргашни кўрсатдилар.

— Уртоқ Султонов?— деди соқоли ўсиб кетган, шапкасини тескари кийиб олган почтачи.

— Мен бўламан,— деди Эргаш.

Почтачи дўмпайган сумкасини узоқ титкилаб, хат олиб узатди ва велосипедини машаққат блан судраб жўнаб қолди.

Ҳамманинг диққати хатда эди. Эргаш конвертга кўз югуртирди-да, пастки лабини тишлаб, хатни дарров чўнтагига солиб қўйди. Тикилиб турганларга нима дейишини билмай, қулоқлари қизариб кетди.

Соя қайтганда қуручилар дам олишга чиқдилар, ярим кунда титкиланиб, қиёфаси ўзгариб кетган катта майдон тепасида чанг босилди, қуручилар шовқин-сурон блан чекка-чеккага чиқиб ариқ бўйларига, дарахт таги, соя-салқин жойларга ёпирилдилар.

Эргаш қурилиш бошқармасига кетди. Идора Қудратиллаҳўжабойнинг Найманчадаги ҳовли-жойига ўрнашган эди. Бу жойни бой мол бўлишганда ўгли блан уришиб қолиб, Нусратиллага ташлаб кетган эди. Нусратилла эса, кутилмаганда, шўро ҳукуматига садоқатини кўрсатиш учун бўлса керак, ҳовли-жойни қурилишга «тақдим» этди. Маҳалла аҳолисининг тушунишига қараганда шундай эди. . .

Қандай бўлса бўлгандир, ишқилиб, Эргашнинг кўнглидагидай иш бўлди. Бойнинг уйлари, пишиқ, бирнеча хоналик, бемалол, ёруғ уйлар эди. Партячейкага, бош инженерга, бухгалтерияга, ҳаммасига алоҳида-алоҳида хоналар, бойнинг гулдеккина меҳмонхонаси эса «Начальник кабинети» бўлиб қолди. Кабинетлар ҳали жиҳозланмаган, штатлар ҳам йўқ ҳисоб, лекин доврўқ блан бошланиб кетган қурилишнинг арзирлик маркази — расмий идораси бор эди.

Эргаш томоқ қириб, ўз кабинетига кириб келди. Қуруқ стол орқасига ўтиб, ҳечким йўқлигидан фойдаланиб чўнтагидан конвертни олди. «Эргаш Султоновга» — таниш қўл. У Ҳожиянинг қўлини бир ҳарфиданоқ танир эди. Бундай хатни Эргаш фронтда вақтида шунақа бир чеккага чиқиб ҳаяжон блан очарди. Бундай ҳиссиётни кўпдан бери кечиргани йўқ, мана соғиниб хат кутиш, яширин ва ширин туйғу блан конверт йиртиш кунлари яна келди. Ҳожиянинг хатлари ўша вақтда ҳам худди мана шундай иш қизғин, оғир пайтларда келиб қолар ва ҳамавақт Эргашга туганмас куч бағишлар эди.

Эргаш хатни очди.

«Фабрика қурилишининг бошлиғи ўртоқ Эргаш Султоновга!»

Ия, бу қанақаси бўлди?

Эргаш шошиб хатнинг тагига — имзосига қаради: «Ҳожия». Қизиқ, бу қанақа расмият?

«Биз ҳаммамиз улуғ Москва шаҳрига эсон-омон етиб келдик...»

Ҳаммаси шунақа. «Биз-биз», наҳот бирор жойида «мен» демаган бўлса! Илгари унинг хатлари «азиз ва қадрдон Эргаш ака» деб бошланарди.

Эргаш қувонишини ҳам билмади, хафа бўлишини ҳам. Хатни тез-тез ўқий бошлади. Сарлавҳасндан бошқа бирор жойида «Қадрдон Эргаш ака» эмас, Эргашнинг номи ҳам йўқ эди, нуқул «уердаги хотинлар»у «буердаги хотинлар».

Эргаш хатнинг тепасида ўчириб ташланган бир сатрни ўқишга уринди. Деразага яқин келиб ўша сатрни ёруққа солиб кўраётган эди, Ефим Данилович кириб келди.

— Хўш?

— Ефим Данилович, мана бу хатни қаранг,— Эргаш хатни шошиб-пишиб ўқиб берди.

— Жуда соз! Жуда ҳам соз!

— Ҳа, яхши хат...— қўшилди Эргаш. Лекин унинг юзида ҳайрат ҳамон билиниб турарди.

— Ҳа, начальник, ё хатдан кўнглингиз тўлмадими?

— Йўғ-э, нега, жуда яхши хат... Ефим Данилович, мана бу ўчирилган жойини қаранг...

Ефим Данилович арабча хатни танимаса ҳам Эргашнинг кўнгли учун тикилиб-тикилиб қаради-да, кулиб қўйди:

— Ҳа, нима эди, жумласи ноқулайроқ чиққан бўлса ўчиргандир-да.

— Йўқ, ноқулай эмас, мана бунини қаранг.— Эргаш хатни ёруққа солиб, бармоғи блан туртди.— Мана, мана, бу «э» назаримда, «Э-Эргаш», мана буниси «а» мана буниси «к»га ўхшайди, ўхшайди, а? Демак, «Эргаш ака». Ёзгану-ўчирган.

— Ҳа... ҳа. Эргаш!— Ефим Данилович қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.— Вой начальниг-эй, вой жиннией!— Ефим Данилович яна қотиб кулди.— Тушунаман, тушунаман, солдат. Учирганини қидириб юрма, мана ўчирилмагани ундан кўра минг марта яхшироқ ахир!

— Сиз шундай деб ўйлайсизми, ростми Ефим тоға?

Ефим Даниловичнинг кўз олдида бир вақтлардаги ёш йигит: Эргаш пайдо бўлди. У вақтда мўйлови энди сабза урган бу йигит «Ефим тоға»сига бир отадай, бир устоздай қарар, нима деса чин кўнглидан ишонар, соддалик

блан «ростми, Ефим тоға?» деб сўрар эди. Ҳозир Ефим Данилович ўша йигитчани яна учратгандай бўлди, у ҳали ҳам бор экан, Ефим уни, йўқолиб кетди, қайтиб келмайди, жуда катта йўл босиб ўтилди, деб юрар эди. Мана у! Унинг ўша уятчанг ёшлиги юрагида экан!

— Эргаш!— деди Ефим Данилович унга қулочини очиб.

Эргаш ҳам уни астойдил қучоқлади.

— Вой жинни, вой жинни! Қари деб сийламайсан-а, белни синдирдинг-ку!

Улар маза қилиб кулишди. Эргаш яна хатга қаради.

— Учиргани биласанми нима?

— Нима?

— Кўпчилик номидан хат ёзаётганида ичидаги сирли туйғулари қайнаб чиқаверган, беихтиёр ёзиб қўйгану, кейин бир андишага бориб яна ўчирган. Қўрқма, юраги билиниб турипти, ҳар сатрида билиниб турипти. Иннай-кейин, билиб қўй — қиз бола мағрур бўлади, кўнглидагини ҳар қадамда сочиб ташлайвермайди. Ҳа, шоввоз, шунақа!

— Билдим, Ефим Данилович, шунақа, худди шунақа!

— Бу жуда яхши хат, дарров Жўраҳонга элтиб бериш керак, хотинларга етказсин.

Ефим Данилович чиқиб кетиши блан Жўраҳоннинг ўзи ҳам етиб келди.

— Мана, қуручи хотинларга хат!— деди Эргаш, дедию, хатни узатиб Жўраҳоннинг юзига тикилиб қолди.

Жўраҳоннинг юзида ташвиш, безовталиқ бор эди. Хатга кўз югуртирди-да, ташвишини билдирмасликка тирришиб:

— Жуда яхши, худди вақтида келипти. Зарур хат. . .

Эргаш унинг тоби йўқ деб ўйлади. Соғлигини сўрамоқчи бўлган эди, Жўраҳон паст овоз блан ўзи гапириб қолди:

— Ўртоқ Султонов, сиз ҳаммаҳаллангиз Наимийни биласизми?

— Муаллимними?

— Ҳа.

Эргаш ўйланиб қолди. Ёнимага керак бўлиб қолди-кин?

— Биламан. Я'ни сиз нимасини сўраяпсиз?

— Умуман унинг тўғрисида сиз нима биласиз?

• Эргаш Наимий ҳақида ҳаммага ма'лум бўлган гапларнигина айтиб бераолди. Жўрахон бундан қаноатланмади.

— Нима эди, Жўрахон опа?

— Ҳаммаҳаллангиз бўлгани учун сиздан сўрадим. Мен ганаффусдан кейин Онахоннинг олдига бориб, у блан гаплашиб кўрай, кейин зарур бўлса, айтаман.

— А, хўп... хўп. Лекин сиз бир нарсадан безовтага ўхшайсиз.

— Шунақами? Билинаяптими?— Жўрахон ўзини тегинроқ тутишга уришиб жилмайди.— Гапимиз шуерда қолсин,— деди у чиқиб кетаётиб.

Жўрахон хотинлар участкасига чиқди. Қумрининг уйдан олиб келган қора қумғони шарақлаб қайшамоқда эди. Хотинлар сояда ёйилиб ўтириб гангур-гунгур гаплашар, ба'зилари қуруқ нон кавшар, ба'зилари бола эмизар эдилар. Улардан сал нарида бир тўп эркаклар инженер Добротворцевнинг гапини тинглашарди. Хотинлардан ҳам кўплари ўтирган жойларидан секин силжиб гапга қулоқ солишар эди.

Добротворцев катта тош устида ўтирипти, бу жойлар ҳақида китобларда ўқиб билганининг ҳаммасини айтиб солмоқда. Буерлардан жуда узоқ замонларда турли халқларнинг карвон йўллари ўтганлиги, араблар босиб келганда қанча қон, қанча жон қурбон бўлгани, буерлардан яланғоч қулларни оёқларига кишан солиб сотгани ҳайдаб ўтишгани, кейин буерлардан Амир Темур лашкарлари қон тўкиб, каллалардан тоғлар ясаб ўтгани...

Жўрахон унинг бу гапларни ҳозирги қурилишга қандай қилиб олиб келиб боғлашини ўйлаб, бунга кўзи етмади. Ба'зи одамлар эснайбошлади, чет-четдан яқишлашиб келган хотинлар эса аста жойларига қайтдилар. Жўрахон инженердан узр сўраб халққа мурожаат қилди.

— Уртоқлар! Москвага кетган ҳамшаҳарларимиздан салом хат. Эшитаман деганлар яқинроқ келсин!

Хотинлар ёпирилиб келишди. Улар тортинмасликлари учун эркаклар чет-четга чиқиб, жой бердилар.

— Вой Рузвон қурмагур-эй, ахир мени эслапти-да, а?— деб Қумри энг олдинга бориб, эркаклар бор ҳам демай юзини очиброқ ўтирди.

Хотинлар буерда ўзларини эркин тутар эдилар — эркакларнинг ҳаммаси ўзимизнинг содда меҳнаткаш, қинғир-қийшиқ гап қиладиган одам йўқ деб, юзини бекитган-

лар ҳам номига — рўмолни юзларига қия тушириб, бемалол ўтираверишди.

Жўраҳон инженер ёнига, катта тош устига чиқди. Кўкраги бурмали кенг кўйлагининг этаги шабадада енгил қилпирар эди. Хотинлар уни бундай минбарда кўп марта кўрганлар, унинг гапи ҳаммавақт бир қувонч келтирар, у ҳаммавақт хотинларнинг худди кўнглидагини ифодалар эди, хотинлар уни севадилар, уни худди ўз виждонлари деб билардилар.

— «Фабрика қурилишининг бошлиғи ўртоқ Эргаш Султоновга! — ўқиди Жўраҳон бор овози блан. — Биз ҳаммамиз улуг Москва шаҳрига эсон-омон етиб келдик. Бизким, буердаги тўқимачилик комбинатига билим-ҳунар ўрганиш учун келган хотин-қизлардан барча ҳамшаҳарларимизга, фабрика қурилишида ишловчи барча хотин-қизларга алангали салом. Бу хатни олган кунни, сизнинг қурилиш участкасида тантана блан ишга киришган бўлишингизни билиб, кўпчилик бўлиб табрикнома ёзишга қарор қилдик. Бу фикр ҳурматли Софья Борисовнадан чиқди. Ушбу мактуб синглингиз Ҳожияхоннинг қўли блан ёзилгуси.

Биз буерда ўз шаҳримиз, ўз уйнимиздагидай яшаб турмоқдамиз. Ҳарбиримизни алоҳида алоҳида тўқучи мастер хотинлар оталиққа олишди. Биз улар блан биринчи кундан бошлаб опа-сингил тутиндик. Улар бизга ўз ётоқхоналаридан жой бердилар. Улар дастгоҳ ёнида ҳам, ётоқда ҳам, ошхонада ҳам, сайр-тамошада ҳам доим биз блан бирга бўладилар, уларнинг бизга кўрсатаётган меҳрибонликларини, ғамхўрликларини хатда ёзиб битириш қийин. Биз улардан ҳунар ўрганибгина қолмай, янгича турмуш қилишни ҳам ўрганмоқдамиз.

Улар бизнинг турмушимиз, курашимиз ҳақида кўп суриштирадилар. Биз Жўраҳон опа, Онахон опа ҳақида гапириб бердик. Улар «ичкари»дан қутилиб, фабрика қурилишига чиққан хотинларнинг турмушини билишга жуда қизиқадилар, «бизлардан уларга салом ёзинглар, хат юборишсин» деб илтимос қилишди.

Энди буердаги комбинатга келсак. Биз буердаги фабрикаларни, ажойиб машиналарни, меҳрибон кишиларни кўриб, ўзимизнинг бахт-толиимизни, келажагимизни кўргандай бўлдик. Комбинат бутун бир шаҳардай келади, савлатли корпуслар, рўпарасида гулзорлар, фонтанлар. Дастгоҳларни кўриб аввал бошимиз айланиб қолди, кейин

сал-пал сирини тушунабошлаганимиздан сўнг, билдйкки, бу машиналарни юргизиш қанча қийин бўлса ҳам, одамга итбаткор бўлар экан.)

Буердаги фабрикаларни кўрганимиздан бери бутун фикри-зикримиз сизларда. Қадрдон опа-сингиллар, қуручи ўртоқлар! Биз ўз шаҳаримизда ҳам шундай савлатли, чиройли фабрика бўлишига чин кўнгилдан ишониб, сизларнинг завқли меҳнатингизда муваффақиятлар тилаймиз. Фабрикани зарбдор сур'атлар блан қурунгиз, қадрдонлар! Бизга озодлик берган, асрлар бўйи поймол бўлган инсонлик қадримизни тиклаган, шавқли меҳнат ҳуқуқимизни берган, билим-ҳунар ўргатаётган жонажон шўро ҳукуматига шонли меҳнатимиз блан миннатдорлик билдирайлик! Биз ҳам ўз навбатимизда сиз қуручи ўртоқларга ва'да бериб айтамикки, ҳаммамиз буердаги меҳрибон опаримизнинг ёрдами блан қисқа муддатда ихтисосли чевар тўқучилар бўлиб қайтамиз! Сизлар блан бирга, халқимизга гул-гул нафис газламалар тўқиб кийгизамиз!»

Хатнинг охирида Жўраҳоннинг ўзига ҳамма хотинлардан қизгин салом айтилган, кейин... Турсуной учун консерватория қошидаги музика студиясида жой борлиги хабар қилинган эди. Жўраҳон буёғини ўқишни ма'қул кўрмади. Рўпарасида кўзини мўлтиллашиб ўтирган Башоратга пастдан қараб қўйиб, хатни чўнтагига солди.

— Мана шу, ўртоқлар!

Тинч майдонда бирдан портлагандай қарсак, шовшув кўтарилди.

Хотинлар бир-бирларини кучоқлашди.

— Яшасин масковчи хотин-қизларимиз!

— Уларга жавоб ёзиш керак!

— Тўғри!

— Гап блан эмас, иш блан жавоб бериш керак!

— Қани ишга, ўртоқлар!

Жўраҳон қўл кўтариб халойиқни тинчитди.

— Ўртоқлар, менинча, биз уларнинг чақириғини қабул қилиб, фабрикани зарбдор сур'атлар блан қуришга бутун кучимизни сарфлаймиз!

— Тўғри!— янгради майдон.

— Шу ҳақда уларга хат ёзишимиз керак.

— Жўраҳон ёзиб берсин, биз қўл қўямиз!

— Жўраҳоннинг ўзи боплайди, кўнглимиздагини билди.

— Онаҳон блан бирга ёзишсин!

— Тўғри, тўғри!..— яна шовқин кўтарилди.

Жўрахоннинг кулиб қараши унинг розилиги деб қабул қилинди, қарсак яна авж олди.

Добротворцев кафтларини қарсакка жуфтлаганича қотиб, тош устида кўйлаги ҳилпираб яшнаб турган Жўрахонга пастдан тикилиб турарди. «Оддий бир парча хатни ўқиб шунча халойиққа жон киргизди-қўйди» деб ҳайрат блан ўйлар эди у.

Майдоннинг нариги томонидаги тепаликда, Ефим Даниловичнинг атрофига бундан ҳам кўпроқ одам тўпланган эди. Уерда ҳам шундай жонланиш, дам-бадам қарсак янграйди. «Агар булар шуерда бўлса, халқ фабрикани тамом тикламагунча ишни бўшаштирмайди,— деб ўйлади инженер,— буларга дадил суянавериш керак. Броқ... буларнинг кучи нимада? Шунини мен ҳам тушуна олармиканман?..»

Халқ танаффусдан кейин эрталабкидан ҳам қизгинроқ, янада баланд руҳ блан ишга тушди.

Инженер бирдан чангиб, гувлаб кетган майдонга ўйчан қараб турганида орқасида Эргаш пайдо бўлди. Добротворцев қараган томонга, Арслонтепа тупроғини қийратаётган халққа тикилиб турди-да, инженернинг елкасига юмшоққина қилиб қўлини қўйди.

— Менинг гапимга хафа бўлдингизми, Сергей Львович? Ўзи учун ғайрат блан ишлаётган бу халқни «текин куч» деганингизда қулоғимга ҳақорат бўлиб эшитилди, қаттиқ гапириб юбордим шекилли.

Инженернинг кўзида чуқур самимийлик ҳам, жиндак узр сўраш ҳам, Эргашга нисбатан фахрли муҳаббат ҳам бор эди.

— Кечирасиз...— деди у. Бошқа ҳеч гап айтмади, ерга қараб бирпас турди-да, ўзининг прораб ва десятниклари олдига кетди.

Кеч кириб, қуёшнинг тапти қайтганда вагон-ремонт заводининг ёшлари Арслонтепадан қолган супадек жойга тахта тўшаб, «сахна» ясадилар, яшиқлардан зина қилдилар, икки стунга сим тортиб, завод клубидан келтирилган кўкиш пардани осдилар.

Буни кўрган қуручилар ўртасида: «Артист бўлар экан! Тамоша бўлар экан?» деган гап бирпасда тарқалди. Ўзининг «олти қудрат» ерини ҳаммадан олдин тозалаб бўлган Қумри Найманчага югуриб бориб, «артистга юринглар!» деб болаларини ҳам етақлаб келди. Қуручи-

лар иш асбобларини йиғиб, ариқ бўйларига, кўкаламзорларга ястаниб тамошани кутдилар. Қош қорайганда майдоннинг ҳар томон-ҳар томонида маш'алалар ёнди, «саҳна» атрофида эса ўнлаб маш'ала шундай ёруғ ёнар эдики, чирсиллаб ловуллагани узоқларгача эшитилар эди. Ҳавода керосин, латта иси анқиди. Одамлар бўшаган тачкаларни қўйиб, аллақаёқлардан тошлар юмалатиб келиб, саҳнани ўраб ўтирабошладилар, ўт-алафдан бўшаган жойлар, тупроқ уюмлари, тепаликлар лиқ тўла одам эди. Бола-чақа «саҳна»нинг зиналаригача чумолидай ёпишиб кетди. Узоқда, қоронғиликда одамнинг кети кўринмайди, лекин маш'ала ёлқинидан қизарган парда ҳамма томондан яллуғланиб кўриниб турарди.

Парда қатлаמידан, олов тўлқинидан қалқиб чиққандай, Абдисамат чиқиб келди. У баландликда турганидан яна ҳам новча кўринди, сочини ярқиратиб орқага тараган, устиди кўк кўйлак, қора шим. У ҳар сўзда тўхтаб, қаттиқ хитоб қилди:

— Шонли. Қуручиларга. Комсомолдан. Алангали. . .

Парда орқасидан кўпчиликнинг кучли овози чиқди:

— Салом!!!

Бутун майдон янграб кетди. Гўё шу овознинг тўлқинидан парда ҳам очилиб кетди.

Ярим доира шаклида терилган кўккўйлакчилар Абдисаматнинг қўл силташи блан хор бошладилар.

Яша шўро, яша шўро,
Сен яшайдирган замон.
Ишчи ўғли шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Ашулачиларнинг қуёшда қорайган юзлари маш'алаларнинг алангасида йилтиллаб эди. Уларнинг қувноқ, тетик, бирдам овози тун қўйнига ҳам, одамларнинг кўнглига ҳам етиб бориб, гўё сингиб кетар ва саҳнадан янги кучли овоз тўлқинлари бирин-бирин гувлаб яна кўтарилиб чиқар эди.

Доброгворцев бундай қўшиқни биринчи марта эшитиши. У энг яхши кўрган, энг чаққон, энг зеҳнли ҳисоблаган ёш десятниги Башоратнинг ёнида ўтириб, астойдил қулоқ солар, унинг назарида бу қўшиқ нимаси блаидир халқнинг кундузги меҳнатдаги ғайратини эслатар эди. Башорат ўз сингисининг мана шу кўккўйлакчиларга а'зо эканини, Турсуной блан юз берган фожиани сўзлаб берди. Инженер чин кўнглидан ачинди. У Онахонга сўз:

қасд қилишганини ҳам эшитган эди. Бу воқиалар ҳақида қаттиқ ўйлаб қолди. Ефим Данилович, Жўрахон эсига тушди. Уларнинг халқ блан кўпроқ суҳбатлаштиш зарурлиги ҳақидаги гаплари ёдига келди. Мана бу ҳозирги кўшиқ ҳам халқ блан суҳбат эди. Яхши суҳбат эди. Инженер халқнинг саҳнага томон талпиниб-талпиниб кўшиқ тинглаётганини кўрди. Инженер халқнинг яхши ашулага муносиб кучли қарсак блан жавоб берганини эшитди. Яхши халқ! Ҳаммаси яхши одамлар. Мана энг кичиги — десятник Собирова. У қандай ақлли, қандай софкўнгилли қиз! Унинг бегуноҳ ёш сингисини қасддан майиб қилибдилар, онасининг жонига қасд қилибдилар. Буларнинг нима гуноҳи бор экан? Қандай аблаҳ одамлар бор-а!

Саҳнада ноғора ўйин, Галянинг лапарни бошланди. У дам русча, дам ўзбекча қилиб, кулгили лапар айтар эди.

— Турсунойнинг дўсти!— деди Башорат ҳам ғурур, ҳам ма'юслик блан.

Добротворцев оталарча меҳр блан унинг сочили си-лаб қўйди.

Галя ўйинини тамом қилганда, одамлар қаттиқ қарсак чалиб уни яна чиқардилар. Галя узоқ ялинтириб ўтирма-масдан яна шўх чилдирма вазнига шундай енгил ўйнаб кетди. Бу гал у чиндан ҳам халқнинг завқини қитиқлади, унинг гир-гир айланиши орқадагиларни ўринларидан турғизиб юборди.

Мана ўйин тамом бўлади, мана тағин кучли қарсак овози портлаб кетади деб туришганда, саҳнанинг чеккасида Ефим Данилович пайдо бўлди. Унинг орқасидан Эргаш кўринди. Ефим Данилович ўртараққа келди. Галя айланаётган жойида таққа тўхтаб қолишга мажбур бўлди. Ефим Данилович секин қўл ҳаракати блан чилдирмачини тинчитди. Майдон тинч, гўё биронта жон эгаси йўқдай, фақат маш'алалар чирсиллаб ёнмоқда.

— Уртоқлар...— деди Ефим Данилович. Бу сўз гўё унинг юрак-бағрини куйдириб, тутун бўлиб оғзидан чиқди. Бу овоздан бир шумликни сезган катта майдон ҳамон нафас олмагандай турарди.

— Ҳозир... Шу соатда...— деди Ефим Данилович. У тили айланмай нафас йўлини тўсиб қолгандай, қийналди. У кўкрагини тўлатиб қийинлик блан нафас олди-да, фар'ёд аралаш товуш блан қичқирди:— Душман бизнинг Жўрахонимизни ўлдирган...

Унинг боши айландими — майдон чарх уриб кетди-ми — билолмади. Майдондагиларнинг нафаси ичига тушиб кетгандаги совуқ хунук товушни эшитганида кўзини очса, халқ жонсиздай тинч, тунги осмон майдон устида қора қузғундай қанот ёзган эди.

— Аблахлар! Жаллодлар! — деб аччиқ қичқирди бир даҳшатли овоз.

Бу — унинг орқасида турган Эргаш эди. Унинг ғазаб ичида, икки қўли блан сочини чангаллаб, бошини қуйи экканини Ефим Данилович қарамасданоқ билди. Майдон бирдан денгиз тўлқинидай олдинга интилди. Ғазабли шовқинда Ефим Данилович сўзларни англамас, лекин халқнинг нима демоқчи, нима билмоқчи эканини фаҳмлаган эди. Юзлаб қичқариқлар, юзлаб саволлар эшитилди. Нима савол бўлмасин жавоб бир — оғир мусибатли хунук ҳақиқат. Ефим Данилович гапириб одамларга бирор нарса эшитдиришдан ожиз эди, унинг овози ҳам бўғилганга ўхшади. У жим турганича бошидан фуражкасини секин олди, қўли билагидан қирқилгандай ёнига тушди. боши эгилди. Майдон яна жимжит бўлиб қолди. Юзлаб одамларнинг қуйи эгилган яланғоч бошларида чирс-чирс ёнган маш’алаларнинг хира алангаси йилтиллар эди.

Ярим минут тинчликдан кейин бир хотиннинг аччиқ фар’еди эшитилди, кейин йиғи, ғазабли қичқирик, говур-ғувур яна бошланди. Майдон чинакамига чарх уриб, тўлқинланиб, қора тун бағрига силжиди. Орада ўтли найзадай учқун сочиб маш’алалар борарди. Саҳнада ҳамон бошяланг турган Ефим Данилович барига ёпишиб ўксиётган Башоратни энди пайқади. У қизчани ердан кўтариб олди. Йиғи билмас кўзларига юрагидаги бутун мусибатни йиғиб, қизга тикилди.

Тантана блан бошланган кун даҳшатли аза блан туғади...

Йигирма учинчи боб

Деразадан қора тун мўралайди. Хона шуқадар жимжитки, стол устидаги ярқироқ абажурли лампанинг бир хилда зириллаб ёнгани баралла эшитилиб турипти. Кўк мовут ёпилган, болға шаклидаги катта столнинг икки ёнида икки киши ўтирипти. Биринчи — Ефим Данилович. Иккинчиси — кўз қараши шиддатли, манглайининг чап

томонида ўқ изи ялтираб, туғма қора, мағрур юзидан аллақандай сирли ёруғлик балқиб турган, ўттиз ёшлардаги бир йигит. У пухта ва ихчам ҳарбий кийимда. Опахон воқисидан кейин иккинчи кунни Ефим Данилович блан Найманчага борган йигит шу эди. У вақтда оддий қора костюм кийган, юзи-кўзи ҳам ҳозирдагига сра ўхшамас, кўпинча соддагина қулимсираброқ турадиган, қарашлари майин бир йигит бўлиб кўринган эди. Ўз идорасида Ефим Данилович уни биринчи кўриши, буерда у бутунлай бошқа одам эди, жилмайиш ва майинликдан асар ҳам йўқ, камгап, нуқул папирос чекиб, кўпроқ гап тинглашга мойил; ўзига ўхшаган жиддий, салобатли, тинч хонада дам-бадам уёқ-буёққа юриб қўяр яна тинглар, ҳар замонда бир кутилмаган савол блан гапни бўлиб турар эди.

— Нима учун у бунни келиб-келиб Султоновдан сўраган? Сиз қандай ўйлайсиз?

Ефим Данилович бирпас ўйлаб туриб жавоб берди.

— Султонов найманчалик, Наимий ҳам Найманчада туради. Менингча, бунинг сабаби фақат шу.— Ефим Данилович «сизнингча-чи?» дегандай қараб қолди.

Лекин йигит маслаҳатлашмас, ўз тахминларини айтмас, фақат сўрар ва тинглар эди. У индамагандан кейин Ефим Данилович давом этди.

— Афсуски, бошқа ҳечнарсга гапирмаган. Султоновнинг гапига қараганда, бу гапни сўраганида Жўраҳон қаттиқ ҳаяжонда бўлган.

Йигит қуюқ қошларини тушириб, папиросини тишлаганича бир нуқтага тикилиб қолдию, индамади.

— Қотиллар бу муҳим сирнинг марҳума блан кўмилиб кетганига қувонишаяпти десангиз-чи. . .— деди Ефим Данилович.

У айтадиганини айтиб бўлди. Йигит ҳамон индамас, ўйлар эди. Ефим Данилович охирида кўнглидагини дангал айтиб қўяқолди.

— Уни дарҳол олишингиз керак, ўртоқ Қаримов.

Йигит эндигина, жиндак ясамароқ бўлса ҳам, жилмайди.

— Ҳурматли ўртоқ Надеждин,— деди у,— буерда асосий гап Наимийда эмас. Бизга ёрдам беришни истасангиз, сиздан ўтиниб сўрайман, Наимийга муносабатни ўзгартирманлар. Унга ғазабингизни сал билдириб қўйсангиз, ишимизга қаттиқ халақит берган бўласиз. Ту-

шундінгизми? Жўраҳоннинг ҳалокати ҳаммамйзга ҳам оғир мусибат, лекин бу шундай катта қурбонки, биз унинг эвазига бир Наимийни олиш блан қаноатланаолмаймиз.

Ефим Данилович махорка халтасини ечиб, чекмай, яна тугиб қўйди.

— Наимийни яқиндан билишингиз керак эди-да.

— У бизнинг назоратимизда. Мама,— Қаримов олдидаги папкаши очди,— Наимий — 17-нчи йил — жадид, буржуа миллатчиси, 18-нчи йил — «Миллий иттиҳод»нинг а'зоси, шу блан бирга «коммунист», эски шаҳар «мусулмон ғазоти»нинг ташкилотчиси, 19-нчи йил — почта ходимлари орасидаги фитнанинг актив иштирокчиси 21-нчи йил — чисткада партиядан ўчган, 22-нчи йил — маориф ходимлари орасида Рисқулов оҳангидаги нутқ, хотин-қизлар клубида «сўллик» ифвогарлик нутқи... Қисқаси бизга таниш йўл: сиёсатбозликдан оддий аламзада бандитликка олиб келадиган ма'лум йўл. Демак, у ёлғиз эмас. Бандит йўлга ёлғиз чиқмайди. Наимий бизнинг илмоғимиз. Биз у блан жирканч чиён уясини юзага судраб чиқаришимиз керак.

— Мен тушундим, ўртоқ Қаримов. Раҳмат,— деди Ефим Данилович йигитга самимий ишонч ва ихлос блан қараб.

— Ма'лумотларингиз учун раҳмат. Бизга ёрдам беринг. Лекин эҳтиёт, ҳуш'ёрлик, жадаллик блан бирга ақлли совуққонлик! Эсдан чиқмасин.

— Хўп.

Улар қўл сиқшдилар. Қаримовнинг қўли темирдай қаттиқ, ғудур туюлди. Ефим Данилович бу қўлда шу қадар куч борлигини сра хаёлига келтирмаган эди.

Ефим Данилович кўчага чиққанда ҳаво салқин, тун ярмидан оққан эди. Кеча кечқурундан бери қақшаган асаблари сал енгил тортди. Лекин миясини яна турли азобли фикрлар чулғади: Софьяга нима деб ёзиш керак? Бутун фожиани очиқ ёзақолса — бу Софьяга нисбатан қўпол шафқатсизлик бўларди. Бундан ташқари, Софья буни билганда ичида сақлайоладими — уерда йигирмата хотин бор, бу уларнинг ишига қаттиқ та'сир қилиши мумкин. Ефим Данилович Софьяга одатдаги хатлардан ёзмоқчи бўлди, ичида тахминий жумлалар тузиб кўрди. «Азизим Соня! Биз ҳаммамиз соғ-саломат...» Ўўқ! Ёлғон. Бу ёлғонни Софья умрбод кечирмас...

Ҳали у Турсуной воқйасини ҳам билмайди. Ёлгон, сохталик бири-иккинчисини бошлаб келиб, тобора чуқурлашиб, тобора хунуклашиб борар экан. Яхшиси, бошданок тўғриси эиши керак эди. Энди у бу икки мусибатни биратўла қандай кўтаради? Ҳечнарса ёзмай кўяқолса-чи? Йўқ, Ефим Данилович кичкина Верочканинг соғлигидан хабар олмай тураолмайди.

У бир қарорга келолмади. Балки эрталаб бир фикр келар. Одамнинг ақли эрталаб кечқурунгидан кўра равшанроқ бўлади. Балки эрталаб бўладиган воқиаларнинг ўзи ҳам бир йўл топиб берар. . .

Ефим Данилович горком бинوسي томон қайрилди.

Йигирма тўртинчи боб

Найманчадан қурилиш участкасига кирадиган дарвоза ёнида одам кечагидан икки баравар кўп. Аммо бугун кечаги тантанали руҳ йўқ, хушчақчақ шовқин-сурон эшитилмайди, оломон селдай оқмайди, шодлик туйғуси блан тўлқинланмайди. Халқ момақалди роқ олдидан хўмрайган қора булутдай, салобатли сукутда. Баланд қизил дарвозанинг икки стунда иккита қора ҳошияли байроқ эгилиб турипти. Дарвозанинг ўнг ёнида кеча концерт учун ясалган ёғоч супа жойлашган. Супа устида — турли хатлар ёзилган қора, қизил ленталар, тонгда узилган тах-батах сарин гуллар орасида, бош томони баландроқ қилиб қўйилган тобут. Жўрахоннинг сарғиш юзи бу гуллар орасида худди тирикдай, лабларини сал очиб, юмуқ кўзлари блан халққа қараб ётипти. Гўё унинг айтадиган сўзи қолгану халқ уни жимжит туриб кутмоқда. Бу жимлик эмас, мусибат ва юрак аламининг маш'ум тантанаси эди. Жимлик заиф, кучсиз бўлади, бунда эса бутун вужудни исканжадай сиқадиغان куч, шиддатли ис'ён кучи бор.

Супанинг икки ёнида бошланг Мансуров, қовоғи қизариб, синиқиб қолган Башорат, унинг ёнида нотаниш бир рус хотин, камондай олдинга эгилган новча Абдисамат қимир этмай, бошларини қуйи солиб туришипти. Супанинг устида, тобутнинг бош томонида кумушдай оппоқ бошини қора рўмол блан ўраган кампир — Жўрахоннинг онаси ва Онахон ўтиришипти. Онахон беҳуш йиғлаётган онанинг бошини кўкрагига олиб, ёшсиз ма'юс кўзлари: блан Жўрахоннинг юзига тикилиб, бола юпатгандай,

сал тебраниб ўтирипти. Унинг бир тўтам софи рангсиз чеҳрасига тушиб қулоғи устидан қора тасмадай қайрилиб елкасига ташланган; кўк дурраси бўйнида.

Видо'лашгани келганлар жуда секин юриб, Жўрахондан кўз узмай супани айланиб ўтмоқдалар, супа усти ранг-баранг гулларга тўлиб бормоқда. Айланиб ўтганлар узоқ кетмай, тобут атрофида ярим доира бўлиб сукут сақлаб турган оломонга келиб қўшилмоқдалар. Хўмрайган, ялангбош эркаклар чекка-чеккада. Хотинлар ўртада, ба'зилар бир-бирларчининг кўксига бош қўйган, дам-бадам ўксик йиғи товуши эшитилади. Энг олдинда туни блан йиғлаб ўзини хароб қилиб юборган Қумри чимматсиз эски паранжисини бошига қийшиқ ёпиниб, Жўрахонга талпинар, ёш боладай хўнграр эди. Эркаклар орасида боласини етаклаб хўмрайиб турган қора соқол Мамажон — хотинига қараб турди-турди-да, одамларни ора-лаб секин у томон юрди. Қумрининг орқасида туриб, икки елкасидан ушлади, секин, майин ҳаракат блан ўзи томон бурди ва уни бир офатдан ҳимоя қилмоқчи бўлгандай аста кўкрагига босди. Кейин, ўпкаси тўлиб йиғлаган хотинини юпата-юпата четроққа бошлади.

Супанинг оёқ томонидаги бўш жойда Ефим Данилович блан Эргаш турарди. Ефим Данилович бир қўлида янги газетани гижимлаб олган, газетада Жўрахоннинг қора рамкага олинган расми кўринар эди. Эргаш супага қўйилаётган гул ва ёзувли ленталарни, ўрнидан қўзғалмай, бир қўли блан эҳтиётлаб, ерга тушганларини олиб олиб қўярди.

Видо'лашувчилар камайиб, Найманча кўчасига одам лиқ тўлганда, супа устидаги Онахон оёққа турди. Халқ жим эди. Онахон халқнинг ич-ичида ўсаётган кучли хасрат тўлқинини кўзи блан кўргандай бўлди, рўмолини тузатди, ёши қуриган кўзларини узоқларга тикди.

— Уртоқлар! Жонажон опа-сингиллар! — Онахон кўкрагини тўлатиб оғир нафас олди. — Қораюрак душманнинг маш'ум чангали севикли дўстимизни, меҳрибон спамизни, бизнинг қўрқмас Жўрахонимизни орамиздан юлиб олди. — Халқ тўлқинланиб кетди, хотинларнинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди. — Уни бизнинг озодлигимизни, бахтимизни, ўз эркимиз, ўз кучимиз блан янги турмуш қураётганимизни кўролмаган ёвуз душман ваҳшийларча ўлдирди. Жўрахон ўз опа-сингилларининг, ўтмишда мазлумларнинг мазлуми бўлган хотин-қизлар-

нинг инсонлик қадри учун, тенглиги, бахти учун курашга бутун умрини бағишлаган эди. Уни бизларни ёруғликка, меҳнатга ундагани учун ўлдирдилар, уни янги ёруғ замонга очиқ чехра блан қарашга жур'ат этгани учун, эскилик зулмати блан бирга паранжи-сочвонни улоқтириб ташлагани учун ўлдирдилар... Меҳрибон оналар, опасингиллар! Бурчак-бурчакда қон тўкаётган душман бу блан ўзининг талвасада жон бераётганини билдириб қўймоқда. У бизни ҳечнарсга блан чўчитаолмайди. Бизнинг буюк ҳимоячимиз бор — бизнинг энг муқаддас интилишларимизни, озодлигимизни, бахтимизни жонажон шўро ҳукумати ҳимоя қилиб турипти. Душман Жўраҳонни ўлдирди, лекин у бизнинг саодатимизни, юрагимизда қайнаб тошган жўшқин орзуларимизни ўлдираолмайди. Биз минглармиз, биз кучлимиз! Қадрдонимиз Жўраҳоннинг тобути ёнида унга қасам ичиб айтамызки, опажонимиз, биз сен бошлаган ишни ҳечнарсдан қўрқмай давом этдирамиз! Биз сен ўргатган йўлдан қайтмаймиз, сен севган озодликни, сен севган жонажон ҳукуратимизни жонутандан севамиз! Биз ичкари асоратини парчалаб чиқиб, юртимиз, халқимиз учун меҳнат қиламиз! Биз сен учун душмандан қасос оламиз! Биз фабрика қурамиз. Муҳташам фабрикамиз сенинг ша'нингга ўлмас ёдгорлик бўлади! Алвидо', жонажон дўстимиз, алвидо' бизнинг онамиз!..

Майдон димиқиб қолгандай бир тўлғанди. Бу ҳаракат, кучли тўлқиндай, Қумрини тобут ёнидаги бўш майдончага гўё суриб бориб чиқариб қўйди. Қумри бошига қийшиқ ёпинган паранжисини судраганича, кўз ёшидан кирланиб кетган юзини ва қора чайир қўлини баландга, Онахон томонга чўзди. Унинг йиғи аралаш, ғазабли товуши янгради:

— Онахон! Синглим! Кўзгинаси оқиб тушиб илоё ёруғ дун'ёни кўрмагурлар Жўраҳонни паранжи ташлагани учун ўлдирдилар дединг! Агар... агар шунақа бўладиган бўлса — мана! Мана мени ҳам ўлдирсин! Мана менинг ҳам очиқ юзимни кўриб кўзига қон тўлсин ўшаларнинг! Мана!!! — Қумри бошидаги паранжини икки қўллаб юлиб олиб, оёқостига ирғитди. Унинг оқ оралаган, сийрақ, калта сочлари тўзғиб қолди. Унинг ғазабли юзи ҳозир жуда ҳам хунук эди.— Мана!— деди у ва тупроқда ётган паранжисига туфлади-да гандираклаб чеккага чиқди.

Кўзининг пахтаси чиққан Мамажон «нима қилиб қўйдинг!» деб шивирладию, хотинини меҳр блан қучоғига олди.

— Опажон!— деган овоз эшитилди бу орада. Майдончада Холнисо пайдо бўлган эди. У тобут оёғида тиз чўкди.— Опажон! Сиз менга қиёматлик яхшилик қилгансиз. Мен нодон сизнинг бир маслаҳатингизни оёқости қилдим. Эшитинг... Эсиз! Энди сиз эшитмайсиз!— У ўрнидан турди:— Халойиқ, сиз эшитинг, у кечирмай ўтди, унинг учун сиз кечиринг! У мени қулликдан, Матқовулбойнинг хўрланган чўрилигидан қутқазганида «Энди озодсиз, юзингизни ёруғликка кўрсатинг!» деб оналик насиҳатини берган эди. Сиз гувоҳ бўлинг, мен уни рози қилмай видо'лашолмайман!— Холнисо паранжисини сочвони блан аралаштириб юмалоқлади-да, Қумрининг тупроққа қоришиб ётган паранжиси устига улоқтирди.— Туф!

Собиқ батрак баланд кўрагини кериб, кўз ёшдан қизарган чиройли юзи блан халққа мағрур қаради. У майдондан чиқиб кетмоқчи эди, бир хотин қучоғига отилди. Бу, бирда қишлоқи хотинларга бош бўлиб Онахонниқига келган, Бўржар даҳасидаги Этикдўз маҳаллали семиз кампир эди.

— Туфлаган туфугинг жойида қолсин, қизим!— деди у Холнисонинг пешонасидан ўпиб. Узи олдинга юрди, халққа қаради.— Жўраҳон менга Ленин ҳақида ҳикоя айтган. У паранжисини ташлаганида энг аввало Лениннинг нурли юзини кўрган экан. У кўзлар сўнди. Ана, у кўзлар юмуқ. Сингилларим, қизларим! Ленин юзидан нурланган шу чеҳрани биз охириги марта кўраяпмиз. Мен уни очиқ юз блан кўргим келади.— Унинг паранжиси оёқ остига тушди. Хотин уни босиб ўтиб, Жўраҳонга томон интилди.— Унинг азиз умри қисқа бўлди, лекин унинг толини баланд эди. Унинг толиидан бизга ҳам берсин.

Бу вақтда оломон томондан, хотиннинг бошидан ошиб, паранжи-сочвонлар учди.

— Ендирилсин!

— Мана! Ут қўйилсин!

— Ирғит!

Паранжилар блан бирга майдончага Назокат отилиб чиқди.

— Дўстларим! Менинг ана у ўтирган кумуш сочли муштипар онага бир оғиз гапим бор.— Назокат супада,

Онаҳоннинг оёғи ёнида букчайиб ўтирган кампирни —
Жўраҳоннинг онасини кўрсатди.

— Онажон! Ғам-ғусса чекманг. Жўраҳон бизнинг туғишган опамиз эди. Сиз бизнинг онамизсиз. Биз ҳам-мамиз сизнинг қизларингизмиз! Биз Жўраҳондай бўлишга, сизнинг қизларингиз бўлишга аҳд қиламиз!

Паранжилар ёғилди. Назокат ўзининг паранжиси қаёқда қолганини ҳам билмай оломон орасига кириб йўқолди. Эркаклар ва хотинлар қичқирарди:

— Ендирилсин!

— Совурилсин қора кафан!

Энг олдинга очиқ хотинлар тўпланиб қолди. Паранжиликлар орқада уймалашишар, ба'зилари эса битта-битта четга чиқар эди.

Абдисамаг кечаги маш'алалардан қолган керосин бакини тепиб ағдарди, керосин ёйилиб, паранжи уюмининг тагига оқди.

Супа ёнида яна кимдир қизишиб, ғазаб блан гапирар эди. Бу орада майдончада ўт ловуллади. Керосин ва бадбўй латта тутуни қорайиб буралиб осмонга чиқди. Сочвон қиллари чирсиллади, аланга тили аллақайёқдан учиб тушган яна уч-тўртта паранжини ямлаб кетди.

— Душманнинг кўзи куйсин! Биз озодлик йўлидан қайтмаймиз!— дер эди гапираётган одам.

Халқдаги эрталабки ҳасратли сукунат ғазаб алангасига айланган эди. Паранжи уюми дам ёлқинланиб, дам биқсиб ёнар, майдонда шов-шув тобора кучаяр, бирёқдан ба'зилар секин тўпдан чиқиб кетса, бирёқдан янги одамлар келиб қўшилар эди.

Ўрталикда Наимий пайдо бўлди. У, аччиқ тутун думоғига кириб, аввал узоқ йўталди. Кейин тутунни қўли блан ҳайдаб туриб чинқироқ овоз блан гап бошлади.

— Ўртоқлар! Она-сингиллар!— деди у Онаҳонга ўхшатиб.— Биз шўро ҳокимияти туфайлидан рўшнолик кўрдик. Паранжи балосидан дардинок чеҳрангизнинг кўрмоқ биз бўстони ма'рифат аҳлига хусусан оғирдир.

Ефим Данилович унинг гапига диққат ва қандайдир хавотир блан қулоқ соларкан, Эргаш эсига тушди. Ёнидаги Эргашга қайрилиб қаради. Худди ўйлаганидек, унинг кўзлари ўтдай чақнар, қирра бурнининг катаклари дам кенгайиб, дам тораяр, шафаси тез, юзидан ғазаб то-

мар эди. Ефим Данилович у томонга жй̄лди. Наимий кў-пириб давом этар эди.

— Биз паранжига ўт қўйдик. Гапимнинг даромадида шуни айттайинки, бу демак эскиликка ўт қўйдик демак. Ичи қора душманлар...

— Ҳа-а илоо-он!

Ефим Даниловичнинг қулоғи тагида янграган бу товуш Эргашнинг товуши эди. Эргаш оғир этиги блан гурс этиб олдинга ташланди. Ефим Данилович аввал уни ушлаб қололмади. Лекин иккинчи талпинишида унинг биллагидан шундай қаттиқ ушладики, Эргаш нотикқа етолмай орқасига қайрилди. Тишини тишига қўйганича Ефим Даниловичнинг кўзига қараркан, бўшашиб бироз шаштидан қайтди. Шовқин-тўполонда буни кўп одам пайқамади. Наимий ҳам пайқамади, ё пайқаган бўлса ҳам, билмаганга олди.

— Мухтасар гапнинг буромади шулким, яшасин шўро жукумати!

У ҳақиқатан ҳам гапини «мухтасар» қилди, шошиб минбардан тушиб, халқ ичида йўқолди.

Ефим Данилович безовта бўлиб қолди, ташвиш блан бир-икки марта Эргашга қараб қўйди-да, ўзининг мотамда эканини эслаб яна бошини эгиб жим қолди: «Пайқадими-йўқми?— деб ўйлади у.— Пайқаган бўлса ишнинг пачаваси чиқди. Эҳ, Эргаш, Эргаш!».»

Майдон тўла халқ тепасида, Жўрахоннинг тобути тепасида айланган аччиғ қора тутун гўё оғир мусибатнинг ўткир дамани қирқар, ёлқин тиллари эса душманнинг даҳшатли жиноятидан ҳайиққанларнинг ҳам юракларига дадиллик бағишлар эди. У гулхан эрталабки жимликда сезилган ис'ён-ғазаб кучининг баралла юзага чиққани эди. Халойиқ бироз жонланди, йиғилар тинди, кўнгилларни сиқиб турган тутун ёзилгандай бўлди. Бош устида тутун тарқалар, гўё тутун эмас, аста-секин ҳасрат тарқалар эди.

Лекин, мотам юриши бошланиб, халқ ўз қизини сўнги сафарга кузатгани тобут кўтариб йўлга чиққанда эрталабкидан ҳам оғирроқ сукут яна қўрғошиндай босиб тушиб, бошларни қуйи эгди.

Жўрахоннинг жасадини бўлажак фабрика корпуси рўпарасидаги фонтанли гулзор бўладиган жойга дафи қилдилар. Бу жойни инженер Добротворцев қурилиш плани бўйича тахминан белгилаб берди.

Йигирма бешинчи боб

Турсуной ҳамон тилсиз.

Унинг ҳамма жойи соғ-саломат, ба'зан ўридан туради, чала қолган дўпписини, игна-ипларини қўлга олади. Ақлли юз-кўз ифодалари блан ойисининг ҳасратларини ўртоқлашиб, ёнида ўтиради.

Индамай ўтиради. Иш блан банд бўлган бўлади. Лекин кўча-кўйга чиқмайди. Ойиси бирорёққа олиб чиқай деса ма'юс кўзларини пастга олиб, секин бошини қимирлатади: «Йўқ».

У ўзининг фожий ҳолатини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзидан секин-аста сўлиб, қуёш нури кўрмаган япроқдай қилтираб, заифлашиб, эти суягига ёпишиб бормоқда. У доим уйда, онасининг мунгли кўз қарашини доим кўриб туради, унга бир сўз айтиб юпатишга қодир эмас, бир товуш чиқариб ўз ҳасратини ёзаолмайди. Ба'зан дўппи гулига телбадай тикилиб туради-да, кўзларида чилп-чилп ёш мўлтиллайди, у товушсиз йиғлайди. Юрак бағри эзилган она буни кўрмаганликка солиб, бирор иш блан банддай, ташқарида ивирсиган бўлади. Аслида эса иш блан банд бўлмай, қизи кўрмаган бир бурчакда кўз ёшини қуритишга уринади. Онахон кўп хил йиғиларни бошидан кечирган, лекин боланинг бундай товушсиз юрак йиғисини сра кўтаролмайди. Нималарни ўйлаб йиғларкин нораста? Балки дўппи гулида яшил майсазорларни кўрар, балки қушлар яйраб ўйнаган соя-салқин боғларни эслар, балки шилдираб оққан тиниқ сувлар, ялпиз гуркираган анҳор қирғоқлари, серқуёш кенг далалар ёдига тушар, балки ўртоқлари, янграгиб қўшиқ айтган кунлари кўзи олдига келар...

Ба'зан Турсунойнинг ўртоқлари келишади. Лекин улар буерда узоқ ўтирмадилар, тез кетадилар. Онахон уларнинг кўнглидагини сезиб туради: улар Турсунойга ачинганликларини билдирмасликка уринадилар; улар Турсунойнинг олдида ўзларининг бахтиёр хушчақчақликларидан ийманадилар; улар Онахоннинг кўнглини бузиб қўйишдан, унинг йиғлаб юборишидан қўрқадилар. Башоратнинг ўзи ҳам кўпинча уйда бўлмасликка тиришади. Синглиси ёнида бирпас ўтирса Турсуной унга намлик кўзлари блан гўё «сен бахтлисан, мен нақадар бахтиқораман» деяётгандай туюлиб кетади. Бундай пайтда Башорат хушчақчақ бўлишни ҳам, хафаҳол ўтиришни

ҳам билмай қолади, синглисини бироз овутай деса — унга ачинганини билдириб қўяётгандай кўринади. Турсуноий ҳамма нарсани тушунади ахир.

Шундай қилиб, Турсуноий уйда кўпинча ойиси блан ёлғиз қолади. Онахон ҳали қурилишга бир марта ҳам чиқаолгани йўқ. Башорат ҳар куни ўшаерда. Унинг ҳар куни ишдан сўнг чарчаб-толиб бир кечалик гап топиб келиши Онахоннинг бирдан-бир юпанчи бўлиб қолди. Башорат қурилишдан уйга, уйдан қурилишдагиларга ҳамма янги гапларни ташир эди. Абдисамат, Галя ва бошқа шериклари ҳар куни Турсуноий ҳақидаги саволлари блан қарши олар эдилар. Уйда эса ойиси юз хил саволлар блан кутар эди.

Онахон Турсуноий блан бугун ҳам уйда ёлғиз. Турсуноий бугун аллақачон эсидан чиқиб, қайсидир бурчакда қолиб кетган эски қўғирчоғини топиб, унга жажжи кўйлак тикиш блан овора бўлди. Кўмкўк кўзли латта қўғирчоқнинг лўппи юзи олмадек қипқизил эди. Онахон уни Турсуноийнинг кўк томири бўртиб турган ингичка қўлида кўрганда қизининг юзи жуда сарғайиб кетганини пайқади. Турсуноий ҳамон қимирлар, ўзича тиришар, янги кўйлак кийган қўғирчоқни юзига яқин келтириб, рангсиз, юпқа лаблари блан жонсизгина жилмайиб қўяр эди. Қўғирчоқ кўк кўзини бақрайтирганича бир хилдаги сохта чиройи блан кулиб турипти. У қизчанинг жилмайишига жавоб бераолмайди. У тилсиз. Турсуноий-чи? У ҳам...

Онахоннинг миясига даҳшатли фикр санчилиб ўтди: «тирик мурда»...

— Йўқ! — деди у қичқириб, югуриб бориб қизини бағрига босди. Юзини юзига қўйиб, шивирлаб ёлворди:— Гапир, гапир, гапир... ойи дегин... ойи дегин ахир!

Турсуноий индамади. Лекин онасининг кўзига шундай қарадики, Онахон унинг «ойи» деган ширин, қўнғироқ товушини эшитгандай бўлди. Бунинг чинакам товуш эмас, фақат бир туйғу эканини билган Онахон ўпкасини босаолмади. Қизчани кроватга ётқизди-да, ўзи ёнига ўтириб, юзини четга олди. Турсуноий унинг бутун вужуди блан йиғлаётганини сезиб турар, ма'юс кўзларини шифтга тикиб ётар эди.

У онасининг бутун ҳасратларини тушунарди. Унинг нимага хурсанд, нимага хафа бўлганини кўз қарашиданоқ фаҳмлаб оларди. Турсуноийнинг мундоқ бўлганлиги, неча кунлаб қурилишга чиқолмай ўтириши, ниҳоят Жў-

рахоннинг ўлими — буларнинг ҳаммаси Онахонни саргайтириб юборди. Буни Турсуной яхши билиб турар, лекин онасининг қайғуларини енгиллатишга ёрдам беришдан ожиз эди, аксинча, мана шундай вақтларда, унинг қайғуси янада ошиб кетганига ўзи сабаб бўлганини кўриб ачинар, ич-ичидан қийналар, заиф ёш юраги эзилиб кетар эди. Ойисига айниқса Жўрахон фожиаси оғир бўлди. Турсуной буни ҳам фаҳмлаб турипти. Кеча мотам митингидан қайтиб келганида унга «Ойижон, йиғламанг» деб бир оғиз тасалли беручи сўзни шу қадар айтгиси келдики, ҳатто ёш ақлига «шу сўзни айтолсаму ўлсам рози эдим» деган фикр ҳам келиб кетди.

Кечадан бери уйга кўп одамлар келди. Ҳаммаси Жўрахонни эслашади, бу эса Онахонга оғир, у меҳмонлар олдида ўзини тетик тутса ҳам, улар кетгач ё қаттиқ хафа бўлиб қолади, ё беркиниб ўтириб йиғлайди. Турсуной бунинг ҳаммасини сезиб туради. Шунинг учун у шу кунларда уйга бировнинг келишини ҳам унча хоҳламай қолди. Турсуной сезиб туриптики, икки кундан бери ойисининг кўзларида Жўрахон ҳақидаги ўй. Биров келди дегунча — яраси янгиланади.

Онахон бугун ҳам танаффус вақтида Ефим Данилович, Қумри ё бошқа бирор таниши келиб қолишини кутарди. Броқ инженер Добротворцевнинг кириб келишини сра кутмаган эди.

Добротворцев иш кийимида эмас, янги кулрант костюм кийган, крахмалланган оқ ёқаси ингичка бўйнига кенглик қилиб турипти. Костюм ҳам, ёқа ҳам жуда қадимги, унинг семиз вақтларида тикдирилган бўлса керак, енгларининг тахидан бу кийимнинг нафталин ҳидини сингдириб аллақерда узоқ вақт ётгани билиниб турарди. Унинг ёнида, қуюқ қора соқолини бурчакли қилиб қирқтирган, юзлари қипқизил, ёш бўлса ҳам ўзини жуда савлатли қилиб кўрсатишга зўр бергани билиниб турган, торгина қора шимли, семириб желаётган қорнини оқ шойи кўйлак устидан энли камар блан тортиб боғлаган, ўрта бўйли, чиройликкина киши кириб келди. Онахон инженерга қўл бериб, ноганиш шеригини кўздан кечириб ҳам улгурмаган эди, Башорат шошиб кирди.

— Ойи, бу киши — бизнинг инженеримиз Сергей Львович...

— Биз Башорат блан бетоб қизчангиз ҳақида гап-лашган эдик, — деб гапни давом этдирди Добротвор-

цев,— бу киши менинг эски танишим — доктор Қарапетян. . .

Доктор оёғини жуфтлаб, ўзига жуда ярашган мулозимат блан қўл бериб саломлашди.

— Бу киши ҳозир шаҳарда махсус клиника йўқлигидан оддий врач бўлиб ишлайди, аслида невропатолог. Бу хилдаги касалликларни кўрган ва аминманки, яхши биледи. Бирор ёрдам бераолар деган умид блан мен илтимос қилган эдим, ҳар ихтисосинг ўз қўри бор дегандай, ошнам ўзи ҳам кўришга қизиқиб қолди. Доктор Қарапетян нодир мутахассислардан. У албатта бир маслаҳат бераолади.

Онахон шошиб қолиб, уларни қаерга ўтқазини ҳам билмай турганида, доктор ёқимли бир содаллик блан кулиб, унинг аҳволини енгиллатди:

— Инженернинг баъзан таърифни узунроқ ва ортиқчароқ қиладиган одатлари бор, хоним Онахон, мен беморни кўрақолсам деган эдим.

Онахон уни Турсунойнинг олдига олиб кирди. Саволларига жавоб қайтарди. Қизининг хулқларини, унинг бошидан кечган воқиани батафсил айтиб берди. Доктор бемор блан овора бўлганда Онахон супага чиқиб, Добротворцевнинг ёнида, четдан кузатиб турди.

— Мен сизнинг ҳақингизда кўп эшитган эдим,— деди инженер унга қарамасдан,— кеча мотам маросимида сўзингизни тингладим.

— Жўраҳонни эсимга солмасангиз бўларди.

— Сиз ўзингиз ҳам доим уни эсга солиб туражаксиз,— деди Добротворцев.— Сиз сўз қудратининг сирини биласиз. Сиз кеча қисқа сўзингиз блан халқни тарихий ишга қўзғатдингиз.

— Халқни Жўраҳон қўзғатди,— деди Онахон.— Жўраҳондай одамларнинг ўлими ҳам катта воқиаларга сабаб бўлади. Жўраҳоннинг номи бизни ҳали узоқ бошлаб боради.

Добротворцев бу ҳақда ўйламаган эди. У Онахоннинг чуқур ҳақиқатни очиб ташлаган гапини узоқ ўйлаб қолди. У «Жўраҳоннинг ўрнига сиз қолдингиз, энди хотинқизларни сиз бошлайсиз» деб айтмоқчи эди. Онахоннинг гапидан кейин бу гап ўринсиз ва ноқулай туюлди.

— Мен ҳам сизнинг тўғрингизда эшитганман, инженер,— деди Онахон.— Менга сизнинг тўғрингизда Ефим Данилович ҳам, ўртоқ Султонов ҳам гапириб берган.

— Ефим Данилович та'рифлаган бўлса — қўрқмайман. Лекин ўртоқ Султонов менинг характеристикамни роса келиштирган бўлса керак,— деди инженер кулиб.

— Эргаш сизга ёқинқирамайдими?

— Йўқ, асло ундай деб ўйлайкўрманг, Онахон.— Инженернинг гап оҳанги Онахонга, айниқса унинг номини атаганида, жуда ҳам ёқимли, эскидан таниш одамнинг самимий тозушидай содда эшитилди. Умуман инженер Онахонга биринчи гапиданоқ очиқ кўнгилли содда, чиндан самимий одам сифатида жуда ёқди.— Аксинча, ўртоқ Султонов одамнинг ичи-тошини Ефим Даниловиччалик тез тушунаолмаса ҳам, кўп нарсага кўзимни очди. У тўғри, дағалроқ йўлдан юрса ҳам, аслида Ефим Даниловичнинг ўзи. Мен уларнинг икковини ҳам яхши кўраман.

— Ҳарҳолда ўртоқ Султонов сизни унча яхши кўрмайди, шундайми?

— Эҳтимол. Бунга мен ўзим айбдорман. Лекин у мени керак одам деб биледи. Бу менинг катта ютуғим. Ҳа, менинг ким бўлганимни ва ҳозир ким бўлиб қолганимни билсангиз, бу чиндан ҳам менинг катта ютуғим. Мана мен энг кичкина десятигим Башоратни яхши кўриб қолдим. У ҳам мени яхши кўради. Бу ҳам менинг жуда катта ютуғим.

— Инженер...

— Онахон, сиз бунга тушунарсиз деб айтаятман.

— Тушунаман,— деди Онахон самимий кулиб.

— Сиз бунга албатта тушунарсиз.

— Начальник шуни тушуниб етмаяпти, шундайми?

Инженер ўйлаб турди-да, очиғини айтди:

— Сизлар, Онахон, мана Ефим Данилович, Мансуров, Жўрахон, сиз, ҳаммангиз одамнинг дилидагини кўриб тургандай гапирасизлар. Сиз ҳозир менинг кўнглимдагини қандай билдингиз?

— Соф, очиқ кўнгилли одамнинг дилидаги доим кўришиб туради.

— Раҳмат.— Добротворцев бироз жим қолиб, яна гапирди.— Ўртоқ Султоновнинг дангалчилиги, мен чиқиб келган дун'ёга бўлган очиқ, кучли нафрати мендай одамларга ўзини кўзгуда кўргандай кўриш учун ҳали жуда зарур. Бу икки хил хулқли икки киши, Ефим Данилович билан ўртоқ Султонов, менинг етакчиларим сифатида, бир-бирларини тўлдириб турадилар. Бирининг доно насиҳа-

тию, бирининг қўпол нўқиши, иккиси ҳам мен учун зарур экан. Уртоқ Султонов блан қаттиқ дўст бўлаолишимга ишонаман.

— Сиз жуда самимийсиз, Сергей Львович.

— Бетакаллуфроқ гапирган бўлсам кечирасиз.

— Йўқ, йўқ, асло. Узингиз очиқ бўлганингиз учун мен ҳам очиқ айтақолдим. Самимийликнинг ўзи камтарлик эмасми?

Доктор чиқиб келди.

— Хоним Онахон,— деди у савол назари блан қараб,— гўзал қизингизнинг сиҳати жуда яхши. Унинг сра ҳам гапирмаган бўлиши... мумкин эмас.

Онахон ҳайрон бўлди. Аввал, доктор шунчаки тасалли бермоқчи деб ўйлади. Кейин унинг сабрсизлик блан жавоб кутиб турганини кўриб:

— Бу нима деганингиз, доктор?— деб сўради.

— Унинг сра гапирмаган бўлиши мумкин эмас. У мутлақо соғ-саломат.

— Мен кечаю кундуз унинг ёнидаман, доктор... — Онахон севинишини ҳам, севинмаслигини ҳам билмай, секин қизи ёнига борди,— фақат кеча, Жўрашонни узатгани борганимда бир-икки соат ёлғиз қолди.— Онахон бу сўзларни қизнинг ёнига борганда паст овоз блан гапирди. Добротворцев блан доктор ҳам унинг кетидан бемор ёнига келдилар. Турсуной ориқлаганидан жуда катта бўлиб кетган қора кўзлари блан мунгли тикилиб ётар эди...

Доктор блан инженер эшик томон юрганларида, Онахон меҳмонлар борлигини энди эслагандай шошиб қолди.

— Вой, азизларим, доктор... Сергей Львович... Мен эсимни еб қўйдим шекилли... Кечиринглар... доктор, мен сизга қандай қилиб миннатдорлик...

— Йўқ, йўқ, хоним Онахон, докторнинг бунга сра даҳли йўқ. Доктор сифатида фақат шуни айтайки, Турсунойга осойишталик керак, касалнинг энди ҳечқандай хавфи йўқ. У албатта гапиради... Қўлингизни беринг, хоним Онахон, бундан кейин яхши таниш бўламиз.

Онахон уларга ҳайрлашиш учун эмас, юракдан миннатдорлик билдириш учун кўл берди, унинг қарашида «Майли, сизлар касалнинг тузалишига ҳечқандай ёрдам бермаган бўлсанглар ҳам, сизлар — жуда яхши, жуда меҳрибон, чинакам дўст одамсизлар!» деган ма'но барқуриб турарди. Юзида шундай ифода бор эдию, кетишаётганда уларга юрагидагини ифодалай оладиган тузук-

куруқ бирор сўз айтолмади, уларнинг кетидан телмуриб қараганича қолди. . .

Докторнинг гапидан кейин юрагининг аллақаерида, кул остидаги чўғдек, жиндек илиғлик сезган Онахон эр-талабгача кўзига уйқу олмай қизига тикилиб ўтирди. Унинг ҳар кунгидек бир хил ма'юс кўзини кўриб, «докторлар одатда доим шундай тасалли беришга уринади» деб ўйлади, қизининг бахтсиз тақдири учун бўлган илгариги дард-алам юзига қалқиб чиқди. Қизига тикилган кўзларида яна нам йилтиллади. Буни кўриб Турсунойнинг ҳам кўзи намланди. Она-бола кўз блан гаплашгандай узоқ тикилишдилар. Турсуной юз мускулларига зўр бериб лабларини очди.

— Ойи. . .

Онахоннинг кўзидан ёш томди, у бутун гавдаси блан қизининг устига ташлаб юборай деди. Қулоғида «ойи» деб шивирлаган овоз ҳамон турарди. Турсуной бу сўзни чиндан ҳам айтди, унинг овози чиқдими-йўқми — биллолмай қолди. лекин у оқиш лабларнинг таниш қимирлашини аниқ кўрди ва худди шу сўзни, «ойи» деган сўзни англади. Турсунойнинг биринчи тили чиқиб «ойи» деганида бундай бўлмаган эди. Она севинишини ҳам билмади, севинмаслигини ҳам. Ростми, ё кўзига кўриндими?

— Турсуной? Қизим. . .

Яна жимлик. Она-бола яна тикилишдилар. Турсунойнинг лаблари яна қимирлади.

— Ойи. . . Жўрахон опам. . .

Бу, шивирлашдан сал баландроқ, чинакам овоз, Турсунойнинг овози эди. Онахоннинг юраги қинидан чиқиб кетай деди. У бир қўли блан кўксини ушлаб, катта, юма-лоқ кўзларини қизидан олмади.

— Қизим!.. Жон болагинам!..

Турсуной ғамгин қараб турарди. Шунда унинг нима деганини эслади. «Жўрахон опа» деган заиф овоз қулоғида зинғиллар эди. Кечагина абадий видо'лашган, фожиаси кўз ўнгидан, азаси қулоғидан кетмаган дўстининг номи. . . Онахон ҳозир бу номни эшитиб қувонишни керак. . .

— Ўлди, болам, Жўрахон опанг ўлди. . .

Онахон қувонаолмади. Қизининг юзига юзини қўйиб ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. Турсуной кўк томирлари чиқиб турган оқиш қўлчалари блан унинг сочини силади.

Она секин бош кўтарди.

— Гапир, қизим, гапирдингми, жон қизгинам!..

— Ойи..

Она қизининг айтолмаган еўзини англади. Қизи «йиғламанг» демоқчи.

— Йиғламайман, қизим. Гапир... гапир. гапир, жон қизим.— Бошини қучоқлаб ўтқизди, ёстиқ блан суяб қўйди, рангпар юзларидан ўпди. Узининг юзидаги шодлик оловига айланган ёш томчиларини артди. Эшикдан кириб келган Башоратни кўриб телбадай қичқириб юборди.

— Гапирди! Қизим! Гапирди!..

Башоратнинг қўллари хамирли эди. У синглисига ташланганида онасининг қучоғига тушиб қолди.

— Гапирди, қизим! Турсуной гапирди!

— Турсуной!— деди Башорат онасининг қучоғидан чиқолмай синглисига интилиб.

Турсунойнинг юзига жиндек жилмайишга ўхшаган ҳазин илиғлик югурди.

— Турсуной!

— Опа...— шивирлади Турсуной.

Башорат унга интилса ҳам она уни синглисини қучоқлашга қўймади. Шунда у қўлдан чиқиб, қичқирганича ташқарига отилди.

— Гапирди! Гапирди! Турсуной гапирди!

Бу овоз ташқарида, қўшни ҳовлиларда, кейин узоқларда такрор-такрор янгради... .

Кун аллақачон қайтган эди. Мачит минорасининг узун сояси қинғир-қийшиқ чолдеворлар устидан синиб-букилиб узоқларга чўзилган. Раста бўм-бўш, дим, ифлос. Ялангликлардаги қовун пўчоқ уюмларига пашша ёпирилган, қассоб дўконида ари гинғиллайди.

Ефим Данилович янги шаҳар кўчасига кирганда, бир цемент зинага оёғини қўйиб этигини қоқди, фуражкасини олиб, рўмолча блан бўйнини, манглайини сидириб артди-да, тротуардан тезлаб кетди.

У Наимийнинг мотам митингидаги «нутқ»ини эслайди. «Биз бўстони ма'рифат аҳли...» Ла'натининг «нутқ»и безозор, қизил. Балки бу жон сақлаш учун сўзланган «нутқ»дир. Эргаш ишни чатоқ қилиб қўйди-да.

Уша дамдаёқ Ефим Даниловичнинг кўнгли безовта бўлган эди. У дафн маросимида ҳам халқ орасидан кўзи блан Наимийни қидирди. Наимий йўқ эди. Наҳотки Эргашнинг ҳаракатини пайқаб қочиб қолган бўлса? Қари-

мов нима деган эди? «Унга муносабатни ўзгартйрманглар...» Ефим Данилович буни яхши тушунган эдию, Эргашнинг хулқини билатуриб, унга бир оғиз шипшитиб қўймаганига энди қаттиқ ўқинди.

Уша воқиа бўлган куни Ефим Данилович «эртага қурилишга ишга чиқиб қолар» деб ўзини юпатди. Қурилишнинг биринчи кунни Наимийнинг қора тер тўкиб ишлаганини кўз олдига келтириб, тинчиди. Эрталаб қурилишга келганда энг аввал ҳамма участкаларни айланиб чиқди. Ҳечкимга ҳечнарсa демасдан, Наимийни қидирди. Наимий йўқ эди. Ефим Даниловичнинг кечаги безовталиги яна бошланди, соатлар ўтар, Ефим Данилович одамлар орасига тикилар, лекин Наимий ҳамон йўқ эди. Ефим Даниловичнинг ичида ари уяси тўзғиди, ўзини қаерга қўярини билмай қолди. Лекин бу ҳақда бировга бир оғиз индамади. Ўзини босиқ тутишга уринди.

Тоқати тоқ бўлиб кечгача кутди. Қўли бошқа ишга бормади. Бирини бирига улаб, кетма-кет махорка чекди. Наимий ҳамон йўқ эди. Энди ортиқ кутиш мумкин эмас, бўлганча бўлди, иш бузилди. Энди бирдан-бир йўл— Қаримовнинг олдига бориш, ҳамма гапни очикчасига айтиб бериш. «Э сендақа ёрдамчиларни!» дейди-да ўзи ҳам. Роса сўкади. Сўкиши ҳам майлию, илоннинг қўлдан чиқиб кетиш хавфи бор. Агар шундай бўладиган бўлса, Ефим Данилович ўзининг бу эпашанглигини ҳечқачон кечиролмайди.

Қаримов уни иссиқ кутиб олди.

— Хўш?

Ефим Данилович ёш боладай ҳовлиқиб воқияни бир бошдан гапирабошлади.

— Шундан кейин тўғри уйига борди,— деб Қаримов унинг ҳикоясини бўлди ва ўзи давом этдирди,— қош қорайганда вокзалга жўнади. Соат саккизу қирқдаги поездга чиқди...

— Тошкент поезди?!— деб юборди Ефим Данилович кўзларини катта очиб.— Қочди!— деди у яна, сочини чангаллаб.

Қаримов босиқ ва жиддий эди.

— Тошкентга бориб тушиди,— деди у бамайлихотир давом этиб.— Эҳ, чекистлар!— деди калласини қимирлатиб.

— Биздан-ку чекист чиқмайди, ўртоқ Қаримов, буёғи нима бўлди, қўлдан чиқдимми, а?

Каримов Ефим Даниловичнинг рўпарасига келиб икки билагидан ушлади-да, «содда экансиз» дегандай самимий жилмайди.

Йигирма олтинчи боб

Қурилиш коллективи шаҳарда бақувват ва серғовга ташкилотлардан бири бўлиб қолди. Шаҳар совети, женотдел сингари катта идоралардагина эмас, ҳатто оддий бир артель раисининг идорасида ҳам телефонда Эргашни овозидан танийдиган бўлиб қолдилар. Айниқса совнархозда Тожиев безор бўлди. Эргаш фабрика қурилиши учун ундан маҳаллий даромаднинг қарийб эллик фоизини ундириб, учта артель, битта устахонани бутун бошлиқ аппарати блан «тортиб» олган бўлса ҳам, Тожиевнинг қулоғи тинчимайди.

— Маблағ нима бўлди? Промбюро нима деяпти?!

Тожиев шу вақтгача бор меҳрини қўйган телефонни ҳам шу Эргаш туфайли жинидан ёмон кўриб қолди. Эргашнинг ўзини эса сра тушунмайди: дўстми, душманми? Гапига дурустроқ жавоб олса жуда қалин ошнадай ҳазиллашади: «Э бормисиз, азбаройи қўндоқ, шундай демайсизми, азбаройи шақилдоқ!» Бордию ишнинг сал «эртага» қолганини билса, ё нотайинроқ жавоб олса борми, тўрадан олиб тўрага солади: «Пўпанак босиб қолибсизлар! Борсам деразадан отвораман!» деб бақириб, трубкани тақ этиб қўйиб қўяди. Шунда Тожиев ё унинг ҳозир эшикни тарақ этиб очиб кириб келишини зир титраб кутади, ё тезроқ бирёққа чиқиб йўқолишнинг ҳаракати-га тушади.

Қурилиш контораси штатлар блан та'минланди. Қудратиллахўжавофурушнинг собиқ меҳмонхонаси ҳам, ичкари ҳовлиси ҳам артельлардан келтирилган эски-янги жиҳозлар блан тўлди. Нусратиллабойваччанинг ҳовуз бўйидаги келин тушадиган уйига бухгалтерия жойлашди, унда эртаю кеч счёт тугмаларининг шақир-шуқури тинмайди. Партячейка, инженер, бошлиқнинг кабинетларида кунига минг хил одам кирган-чиққан. Айвонларда, коридорларда, кабинетларда жиддий, ишчан суҳбатлар, ба'зан шовқинсурон, жанжаллар, кадрлар бўлимининг эшиги ёнида эса навбатнинг кети узилмайди. Қудратиллахўжанинг темир тамбали, оғир, ўймакор кўча эшиги бузилиб, катта дарвоза қурилган, ҳали дарвозанинг бир қаноти йўқ, бир қано-

тига эса парча-парча оқ, қизил, кўк қоғозлар ола-була қилиб ёпиштириб ташланган. Узоқдан қарасангиз унда нуқул катта ҳарфлар блан ёзилган «керак», «керак» деган сўзни ўқийсиз. Яқинроқ тикилиб қарасангиз ҳарбир «керак»нинг тепасида рўйхат: тошчилар, бетончилар, дурадгорлар, гиштчилар, қора ишчилар... «Кадрлар бўлимга мурожаат қилинсин!». Бу э'лонлар олдида турли касбдаги одамлар уймаланиб ётади, саводсизлари бир саводхон келгунча кутиб, офтоб демай, чанг демай тўпланиб говир-гувир қилгани қилган.

Бошлиқнинг деразасидан қаттиқ-қаттиқ овоз эшитилади:

— Ало! Ало! Э, бало!

Эргаш кабинетда бир ўзи. У деворга қоқилган туппа-тузук яшиқдай келадиган телефон ёнида эрталабдан бери тажанг. Тажанг бўлса ҳам ширингина тажанг. Телефон дастасини қўпол ҳаракат блан пешонасидан тер чиққунча айлантиради-да, жавоб ололмай қайнаб кетади. Лекин жаҳли жаҳлга ўхшамайди, шу дамдаёқ яна ҳуштак чалиб кабинетини айланади. Стол устида очиқ турган тунука қутисидан махоркани чимдиб олиб, йўғон қилиб ўрайди, яна телефон ёнига боради.

— Тамара! Тамара, сизмисиз? Азбаройи қоқиндиқ, бормисиз, қулоғингизни бурайвериб соқолим ўсиб кетди. А? Ало, город! Тамарахон! Ҳа энди сизга муҳаббатимиз кундан-кун ортаверади-да — Иваново-Возпесенскдан юкларимиз йўлга чиқаяпти, ҳа. А? Ҳа, ҳа бой куёвмиз-да, кўчларимиз, шунақа, беш поездга жой бўлиб, карвон-карвон бўлиб келади. Тамара, бизга яна Самара!

Трубкадан қувноқ кулги эшитилди, Эргаш ҳам роҳат қилиб кулди. У фабрика жиҳозлари йўлга чиққандан бери телефон станциясининг қизлари блан шунақа иноқ бўлиб қолган эди. Телефонистка Тамара унга станцияни улаб беролмай кечасидан бери овора. Эргаш ўн марталаб сўрагандир. Ҳар соатда «қулоғини бурайди». Бир мартасида шошганидан «Самара, бизга Тамара керак» деб тескари гапириб қўйиб, бўлди кулги, бўлди кулги. Шундан бери ўзи танимаган бу қиз телефонда тоза иноқлашиб кетди.

— А? Муҳаббатни айтасизми? Қўрилиш қизиган сари муҳаббатимиз қизийди-да, Тамарахон. Ҳали йўлларда цементимиз бор, станогимиз... А? Азбаройи хотин-қизга муҳаббатим зўрлигидан қураяпман-да фабрикаи. Сизгами? Худо хоҳласа, фабрика ишга тушгандан кейин, қулинг

ўргулсин капалак гул сарпинка нусха гўзламачанинг биринчи учтагина метри сизга. Белчасини нозиккина қилиб қўйлакча тикдириб оласиз! Оҳо, ҳа-ҳа-ҳа, шунақа катта қизмисиз ҳали? Билмабмиз, хўп бўлади, бош устига. Бўл-маса муҳаббатга тушунадиган қиз бўлиб қолибсиз, юрак-бағримизни кавоб қилманг, жон Тамарахон, энди Самарани тўғрилаворинг.

Эргаш станция блап гаплашди. Юклар, жуда секин келаяпти. Уларни қабул қилиб олишга ҳозирдан тайёрланиш керак эди. Станцияда ҳали яна икки вагон тахта, цемент, ойна, тунукалар ётипти. Эргашнинг Кураев деган бир уддабурро экспедитори бору, у ҳозирдан ёлғизлик қилиб қолаяпти. Енига кимни қўшиб бериш керак? Бақувватроқ, ёшроқ, энг муҳими — жиндак бўлса ҳам, хисоб-китоблардан хабари бор одам бўлгани тузук. Ким бор.

Эргаш бетончилар, ғиштчилар, тошчиларни бир-бир дилидан ўтказиб кўрди, янги қабул қилинганлар рўйхатини кўздан кечирди. Лекин тўғри келадиган биронта одам тополмади. Шунинг учун бу ишни кейинга қолдириб, қурилиш участкасига жўнади.

Бир томони Найманчага, бир томони гўристонга туташган катта майдон энди теп-текис, участкадаги бутун иш кафтдагидай кўриниб турарди. Арслонтепа ўрнида фабрика биносининг котловани қазилмоқда. Бутун майдонда энг аввал текис тахланган, баъзи жойларда эса эндигина ағдариб, сочиб ташлаган қипқизил пишиқ ғишт уюмлари кўзга ташланади, улар орқасида котловандан чиққан янги нам тупроқ тоғдай бўлиб турипти, атрофида мўр-малахдай одам. Майдоннинг катта йўл бўйлаб кетган чеккасига тахта, ёғоч қалаб ташланган. Тўрт ғилдиракли аравалардан қум, шағал ағдарилмоқда. Ҳаржой-ҳаржойга тахтадан омонат уйлар, устахоналар, бостирмалар қурилган. Уларнинг бирида ловуллаб олов ёнади, темирчилар қўра олдида терга ботиб болға уради, бирининг ёнида, белигача сапсариқ тасма-тасма пайраҳага кўмилиб кетган дурадгорлар ранда силтайди, улар ёнида иккита хотин катта бак атрофига қипиқ тўплаб ўт ёқмоқда. Бостирмаларда хирмондай оппоқ оҳак, булутдай кулранг цемент; сал шабадага тутун аралаш чанг кўтарилиб думоққа урилади. Аравалардан гумбирлаб тош-шағал ағдарилиши, янгроқ арра товуши, болға, босқонларнинг гул-гупи қулоқни битиради.

Эргаш булутдай чанг кўтарилаётган жойдан чиқиб қолди, буерда шағал ташиб, қум элашарди. Еғочга тираб қўйилган чорбурчак ғалвир ёнида Мамажон блан Қилтириқмахсум гап талашарди. Қора соқоли тўзондан оппоқ бўлиб кетган Мамажоннинг жиғи-бийрони чиққан, Қилтириқмахсум бўлса учли кекирдаги туллаган курканинг бўйнидай узун бўйнининг терисини йиртиб чиққудай бўлиб, қизил кўзларини чақчайтириб турар эди. Буердаги бутун чанг, бутун шовқин, шаррос тер — гўё ҳаммаси шуларнинг даҳанаки жангидан.

— Кеча тўпгача келмадинг — тўрт соат шамоёл эладим, бугун бўлса икки соатдан бери гап сотасан, вафо, муҳаббат эмиш. Кўйдим-ку сандақангги шерикдан! Кўса қилтирик!

— Сени ким ишбоши қилиб қўйди? Шўро даврида ишбоши бўлмайди. У замонлар ўтиб кетган!

— Мен ишбоши эмасман. Ишбошиликни сен келиштирардинг Қудратиллаҳужанинг ювиндисини ичиб.

— Оғзингга қараб гапир, ўттиз йил бой эшигида қул бўлганман. Ўттиз йиллик умримни зойи' кетказиб шундоқ оёғининг тагига ташладим. Қулларнинг таралла-бедод замони келди, тилим узун, нима дейсан, мен ҳурриятман!

— Э, сендақангги қулдан ана Нусратилланинг ўзи тузук, бойвачча бўлса ҳам одам экан, тоғдай қумни упадай элаб ташлади.

Нарироқда Нусратилла ишлар эди. Юзини чанг босиб, соқоллари ўсиб, чўтири билинмай кетган, бир қўлини яқтак енгдан чиқариб олиб, катта куракни тўлатиб-тўлатиб ғалвирга шағал ташламоқда.

— Бойваччага тенглаштирдингми ҳали мени?! Мени-я?!— деди Қилтирик, қизариб, тупук сочиб Мамажонга яқинлашди:— Тилингга ҳуш'ёр бўл, эй супурги, политинкага тортаман сени! Собиқ бир қулни бойваччага тенглаштириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди сенга шўро ҳукумати! Ҳа!

— Шўро ҳукумати ишда тамбаллик қилганнинг ўзини политинкага тортади.

— Ҳозир ҳуррият! Ишга чиқсам-чиқмасам майлим ўзимда. Зўрлик йўқ. У замонлар ўтиб кетган. Е ҳурриятга қаршимисан? Ҳа? Гапир!

Қилтириқмахсум «ҳечнарсга қилолмайсан» дегандай тиззасини кучоқлаб ўтириб олди. Лекин кимнингдир қў-

пол, бақувват қўли уни ёқасидан чангаллаб ўрнидан турғизди. Бу Эргаш эди.

— Ҳа, анархия! Сенга бунақанги хурриятни ким берди?

— Э ассаломуалайкум хўжайин,— деди Қилтириқ бошини ёқасининг ичига олиб, букчайиб, оёқ учида тураркан. Киприксиз қизил кўзларини пирпиратиб хунук илжайди.

Эргаш уни, меҳнатга бўйнинг ёр бермаса ҳозироқ бўшатиб қўяман, деб қаттиқ огоҳлантирди.

— «Хурриятинг» тўғрисида бўлса мен сен блан алоҳида гаплашаман!— деди у кетаётиб.

Қилтириқмахсум кекирдаги чиганокдай чиқиб, оғзи очилганича қолди.

Эргаш йўлида давом этди. Нарироқда тўхтаб Нусратилланинг ишини тамоша қилди.

Эргаш бундан бир ҳафта аввал, ишдан кейин конторадан чиқиб кетаётиб, ҳовуз бўйида бошини ушлаб ўтирган Нусратиллани учратган эди.

— Ҳа, бойвачча?— деди Эргаш унинг рўпарасида тўхтаб.

— Ҳақорат қилманг, Эргаш ака...— деди Нусратилла этигининг товони блан ер чизиб.

— Отанг қаёқда?

— Отам йўқ менинг!

Эргаш ўйлаб турди-да, чўккалаб ўтирди.

— Хўш, уй торлик қилмаяптими?

Нусратилла кўзини кўтариб қараб қўйди.

— Биз сиқиб қўймадикми деяпман?

— Уйни нима қиламан? Соб бўлган одамман мен,— гўнғиллади Нусратилла.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим, қўлимдан нима келади, Эргаш ака!

— Э, меҳнат қил, хумпар! Нима қилардим дейди-я!..

— Қўлимда ҳунарим йўқ, итти боласидай ташлаб кетди...

— Ҳунаринг бўлмаса билагингда кучинг бор, хумпар. Соб бўлган бўлсанг, меҳнат одам қилади, қизиқ экансанку, азбаройи шақилдоқ.

— Нима, меҳнат?— Нусратилла Эргашдан нажот топгандай бош кўтариб қаради.

— Ана, шағал таш. Майли, ойликка ҳам ўтказиб қўяй. Ўз туғилган жойинг. Ишда кўрсат ўзингни.

— Хўп, ишлайман, Эргаш ака,— деб ўрнидан турди Нусратилла.

... Ана ҳозир у ишляпти. Эргаш унга қараб туриб бир нарса эсига тушди.

— Қудратиллахўжаев! — деб чақирди у.

Нусратилла қуракни қумга суқиб, чанг ичидан чиқиб келди. Яктагининг осилган енгига кирланиб кетган юзини артди.

— Лаббай,— деди ҳансираб.

— Сен... хат-саводинг бор-а?

— Жиндак бор эди.

— Менга қара,— деди Эргаш ўйлаб туриб, у узоқдан кимнидир қидирди,— сен бу ишингни йиғиштир-да, экспедиторга қараш.

— Бу нима деганингиз?— Нусратилла қўлини чўтир юзига соябон қилиб Эргашга қаради.

— Вокзалда қурилиш материалларимиз бор. От-улов Кураевнинг қўлида. Юкчилар вокзалда. Вот. Ташишни тезлатинглар. Тушунарлими? Счёт, тилхатларни пухта қилинглар, ҳарбир қоғозни яхши текшириб қўл қўйинглар. Билмаганингни Кураевдан сўраб ол, бўптими?

— Бўпти,— деди Нусратиллахўжа яктак енгини кийиб. Кейин резинка ичакнинг игнадай тешигидан тирсиллаб чиқаётган оппоқ хлорли сувда юз-қўлини ювди-да, экспедитор Кураевни қидириб кетди.

Бостирма стунига осилган рельс парчасининг таниш жаранг-журунги бутун қурилиш майдонини тўлатиб янгради. Қуёш майдон устидаги тўзонли, дим ҳавони роса қизитмоқда. Қурилишда шовқин-сурон бироз пасайди. Қотловандаги тачкачилар, ер қазучилар асбобларини ташлаб сувга, сояга қараб қимирладилар. Уйдек-уйдек қилиб тахлаб ташланган гиштларнинг соясида хотин-қизлар тўпланиб ўтиришди.

Темирчилар ёнида Эргаш блан гаплашиб турган Ефим Данилович узоқда мис чойнак кўтариб шаталоқ отиб чопаётган Абдисаматни чақириб, завод аҳволларидан суриштирди.

— Янгиликми, Ефим Данилович? Янгилик десангиз, шундай янгилик борки, гапириб беролмайман, Эргаш ака блан бориб кўрмасанглар сра бўлмайдиган. Вот масала!

— Сен гапириб берақол.

— Гапириб эмас, тасвирлаб бериш керак. Бўлмаса бўлмайди.

— Ҳа, тасвирлаб берақол, бўлмаса,— деди Ефим Данилович жилмайиб.

— Ия, тўхта, Ефим Данилович!— Абдисамат қошни чимириб эгила тушди-да, унинг юзига пастдан қийшайиб қаради:— Қариб қолибсизми, нима бало!— деди жиддий ва Ефим Даниловичнинг офтобда қорайиб кетган юзига шундай синчиклаб қарадики, Эргаш ҳам қайрилиб тикилиб қолди.

— Тўхта, сен гапни чалғитма, қани гапир,— деди Ефим Данилович махоркадан сарғайган мўйловини силаб.

— Ефим Данилович, ўзингиз бир боринг, ўлай агар, бир кунда яшариб келасиз!

— Аввал тасвирингни қилавер-чи.

— Мана, мундоқ... — деди Абдисамат қулочини ёзиб,— минг йиллик чинор... Буёғи олчазор, буёғи шарақа-шуруқ тиниқ сой... Муз! Тўғри тоғдан келади. Дарахт тағларида беседка... Биласизми, мундоқ беседка, чирмовиқ гул ўсиб тепасини соявон қилиб ўраб олган. Вот масала. Соё бўйида сапсариқ тилладек қум. Қизлар, кечирасиз, ярим яланғоч бўлиб, бошига зонтик тутиб ётади. Чинор тагида кўмкук клеёнка тўшалган қатор столлар, ўчоқ бошидан жиз-биз... думба ёғида қовурилаётган сабзи-пиёзнинг ҳиди пақ этиб думоғингизга уради.— Абдисамат ҳавони ҳидлагандай, бурнини жийириб, лабини қимтиб қўйди.— Ҳм... А! Я'ни бифштекс гамбургский. Нарироқда, брезент палаталарда, оқ чойшап ёпилган юмшоқ сим кроватлар сизнинг қоринни қаппайтириб келишингизни кутиб турипти. Палатанинг ичидан ўтган ариққа оёқни чайиб, бир ярим соат дангасаликни бўйинга олиб, мундоқ чўзиласиз... Ҳа, чўзилмасангиз бўлмайди, бир заҳар-заққум доктор хотин борки, чақиб олади. «Виговор!» деб қичқириб туради. Вот масала.

— Тўхта-тўхта, сен нимани гапираяпсан ўзинг?

— Курортни гапираяпти-ку, бунинг заводга нима алоқаси бор?— деди Эргаш.

— Заводники-да! Вот масала! Кўкбулоқда заводнинг дом отдихи очилди.

— Э-ҳа!..

— Бундоқ дегин!

Ефим Данилович блан Эргаш бир-бирларига қараб олишди.

— Кўкбулоқда-я? Ишчилар учун-а?

— Ана, кўрдингми, начальник,— деди Ефим Данилович,— сиз блан бизнинг танаффусда шўрва ичадиган ошхонамиз ҳам йўқ...

Эргаш хаёл суриб атрофга қаради. Қуручилар уёқбуёқда ағанаган, қумғон осган, уст-бошининг чангини қоққан...

— Да...

Абдисамат чойнак қоққоғини тиқирлатиб, кетишга шошилди.

— Тўхта,— деди Ефим Данилович унинг орқасидан юриб.

Улар ёнма-ён кетдилар. Эргаш бошини қашиганича бир жойда қотиб қолди.

— Сен Башорат блан гаплашдингми?— деди Ефим Данилович Абдисаматнинг елкасига қўлини қўйиб кетаётиб.

— Нимани, Ефим Данилович?

— Қурилишда ёшлар кўп, биз Башоратни комсоргликка мўлжаллаяпмиз. Яқинда сиз ҳашарчилар биздан бутунлай кетасизлар, унгача шу масалада бизга ёрдам бер. Бизда ячейка бўлиши керак. Башорат блан шаҳар комсомол комитетига боринглар, ёшлар блан гаплашинглар.

— Хўп бўлади, ўртоқ Надеждин. Биз... хўп.

— Бор, чойдан қуруқ қолма.— Ефим Данилович унинг елкасига шаппатилади.

Абдисамат узун оёқларини чўзиб-чўзиб ташлаб, мис чойнагини шарақлатганича, қайноқ сув улашиладиган бак томонга югурди. Унинг ингичка шўх овози узоқдан эшитилди:

— Кети ким? Яна «қайнасин»ми? Вот масала!

Ғишт соясида, хотинлар орасида ўтирган Онахон Ефим Даниловични кўргач ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди. Қурилишда асосий ишлар бошлангандан кейин, ихтисосли ишчилар олиниб, ҳашарчилар оз қолган эди. Улар — кўпроқ найманчалик хотинлар бўлиб, ҳечким таклиф қилмаса ҳам ҳар куни чиқиб, ғишт тахлашишар, чой қайнатишар, иш қилиб ўзларига яраша иш топишар эди.

Онахон артельда раислигини қилар, лекин буердаги хотинлар ёнига ҳар куни бир келмай қолмас эди. Ҳаммаҳаллалари унга ўрганиб қолишган, у бўлғуси фабрика ҳақида, Жўраҳон ҳақида гапирар, Москвадагилардан келган хатларни ўқиб берар, кечқурунлари бўлса хотинлар блан бирга кўккўйлақчиларнинг тамошаларини кўрар эди.

Онахон Ефим Даниловичга, одатдагидек, хотинлар ўр-тасида бўлган гапларни айтиб берди. Хотинлар, қурилиш-да ошхона очилса эркакларимизга ўзимиз овқат тайёр-лаймиз, дейиштипти. . . Энг чечан жувонларни ҳозирдан пазандаликка сайлаштипти. Кейин, Жўраҳоннинг қабри ёнига гулзор қиламиз, деган гапни қўзғашпти.

— Ундан кейин. . . — деди Онахон жиддий, ўйланиб-роқ, — улар мендан партия ҳақида сўрашди, Ефим Дани-лович.

— Партия ҳақида?

— Ҳа. Эртами-индин мен уларга шу ҳақда билга-нимни айтиб берсам, майлими?

Улар идора томонга қараб юрдилар. Ефим Данилович йўл-йўлакай қўйин дафтарчасига бирнимани ёзиб олди. Кейин, ўзининг йўл устида чекмаслик одатига хилоф ра-вишда, халтачасидан сўнги ўрам махоркасини қоқиб чекди.

— Бизнинг артелимизга горкомдан келган йигит бу ҳақда жуда яхши гапирган эди, — деди Онахон, — лекин уни буерга чақириш. . .

— Чақираверамиз. Нега чақирмас эканмиз?

— Ефим Данилович. . . мен ва'да бериб қўйдим. Жуда ўзим гапириббергим келаяпти. Мен. . . Майли, аввал сиз-га айтиб берай, нималар гапиришимни. Йўқ деманг:

— Ундай бўлса жуда яхши. Жуда яхши. Ҳатто мен эркакларни ҳам чақириб, сизга кўпроқ одам тўплаб бери-шим мумкин. Жуда яхши.

Онахон қувониб, унинг қўлини икки кафтига олиб сиқ-ди. Раҳмат айтди. «Мен жон-дилим блан, яхши, жуда ях-ши гапириб бераман, мана кўрасиз» деб турарди унинг кўзлари.

Онахон Жўраҳоннинг ўлимидан кейин ўзининг партия-га ўтмоқчи экани ҳақида Ефим Даниловичга тез-тез гапирадиган бўлди. Артельда партия ташкилоти йўқ эди. Шунинг учун Ефим Данилович унга қурилиш ташкило-тига ариза беришни маслаҳат қилиб, ўзи тавсиянома ёзишга ва'да берган эди.

— Сиз аризани нима қилдингиз, ёздингизми? — деб сўради Ефим Данилович идора эшигига етгач.

— Мени оладими, Ефим Данилович? Ростингизни ай-тинг, акамсиз-ку.

— Олиш-олмаслик мажлисининг иши. Менинг фикрим-ни сўрасангиз — мен кафолатни ёзиб қўйганман.

— Нима деб ёздигиз, Ефим Данилович? Менинг ҳақимда нима ҳам ёзиш мумкин?

Ефим Данилович столи ёнига ўтирди. Жилмайиб Онахонга дивандан жой кўрсатди.

Кабинет қоронғироқ эди. Ҳовлига қараган деразадан тунги осмондай қорамтир-кўк ҳовуз жимирлаб кўриниб турипти.

— Мен сизни, худога шукур, 1917 йилдан бери билман, ёзадиган гап етарли.

— Уша вақтларни ҳам ёздигизми ҳали, Ефим Данилович?

— Йўқ, у вақтларни таржиман ҳолингизда айтиб берсангиз бўлади.

Онахон мажлисни кўз олдига келтирди. У кўп мажлисларда бўлган, лекин бу — партия мажлиси. У тикка туради. Партия қаршисида тикка туради. У партияга ўзи ҳақида гапириб бериши керак... Жўраҳон бўлганда бундай пайтларда унга ёрдам берарди. Жўраҳон бор жойда у дадил гапирар, ўзини кучли сезар эди...

— Ефим Данилович...

Ефим Данилович Онахоннинг кўзларидан унинг ҳозир нималар ўйлаганини тахминан пайқайди. Секин туриб келиб диванга, унинг ёнига ўтирди. Онахон уни чиндан ўз акасидай, энг соф кўнгилли, энг меҳрибон устозидай севарди. Мана шу кунга етгунча шу одам блан доим ёнмаён бўлди, бу одам энг оғир кунларда у блан бирга бўлди, дадил ишларга бошлади, ҳамиша қўллаб-қўлтиқлади, болаларини тарбиялашга ёрдам берди, ўзини кўп нарсага ўргатди. Бу одам унинг ўйларини, орзуларини билади, у — Онахон кирмоқчи бўлган улуғ партиянинг вакили.

Онахон ўз елкасида унинг иссиқ кафтини сезди. Унинг тўққиз йилдан бери таниш бўлган овози ҳозир Онахон учун янгича, ҳарвақтдагидай маслаҳат оҳангида эмас, ўз тенгининг сафдошларча талабидай эшитилди:

— Партия сизни ўз сафига қабул қилади. Жўраҳоннинг ўлими партия учун оғир йўқотиш. Унинг ўрнини бошишни партия сиздан кутади. Сиздан талаб қилади...

Йигирма еттинчи боб

Кузнинг биринчи ёмғири қаттиқ келди. Осмон эрта-лабга бориб қовоғини сал очган бўлдию, лекин ҳаво ҳамон нам эди, уфқдан кўтарилиб келган булутлар шимол

томонга оқиб яна бир жойга тўпланабошлади. Қурилиш участкасида ҳали ўтиришмаган янги тупроқ, шундоқ балчиққа айланиб, оёқ босиб бўлмас эди, котлован сувга тўлган, лойқа сув юзида сариқ барглар сузиб юрар эди.

Бугун деярлик иш бўлмади. Қуручилардан беш-ўн киши чиқиб котлованни сувдан, лойдан тозаладилар, оҳақ, цемент омборлари, бостирмалар ёнига тўпланган кўлмак сувларни қуритдилар, тошиб кетган ариқларни тозалаб изга солдилар. Тахта ва ғишлар устига у-бу ёпдилар.

Кечадан бери станциядан ускуналар, тўқув-йигирув станоклари ташиб келинмоқда эди. Бугун кўп киши шунга сафарбар бўлди. Эргашнинг ўзи эрталабданоқ товар станциясининг эстакадасида пайдо бўлди. Кураев блан Нусратилла юк ортдириб жўнатиш блан овора. Қурилиш қарамоғида фақат битта юк машина блан «Фордзон» деб аталадиган битта юкчи трактор бўлиб, асосий юк от блан ташилар эди. Шалоқ «Фордзон» иш бермади, кечаёқ кўп-рикка тикилиб, икки-уч марта «гуп-гуп» қилди-да, пис этиб ўчиб қолди. Унинг юки ҳам ёғочдан ясалган ченага ўхшаш нарсада от блан судратиб олиб келинмоқда.

Тахта-ёғоч блан михлаб, сим блан ўраб ташланган катта, узунчоқ огир станок кўпол, «чена»да қоядай тиккайиб турипти. Уч от уни пишқириб, тийғаниб, жонжаҳдлари блан тиришиб базўр силжитмоқда. Уртадаги от устида Қилтириқмахсум кичкинагина бўлиб чўққайиб ўтирипти, у тол хивични силтаб, дағдаға қилади, оқ кўпикка ботган отларнинг сағриси ни навбатма-навбат ачитади, орқасига, ёнига аланглаб, чинқириб сўкинади. Юк ёнида соқолигача лой сачраган Мамажон, юзлари азобдан буришиб кетган пакана Норматпаранг тиззадан лой кечиб ивирсийдилар. Улар «чена» тагига навбатма-навбат хода ташлайдилар. Бири ташлаган хода қирсиллаб юмалаб, эзилиб, лойга буланиб, «чена»нинг орқасидан чиқиб келганда, иккинчиси уни кўтариб олиб, олдинга, отларнинг оёғи остига элтиб солади. Орқада лой йўл шудгордай қорайиб, отларнинг тийғонишидан, ходаларнинг судралишидан, одамларнинг ивирсишидан, тескари-қийшиқ, ўйдим-чуқур излар қолиб борар эди. Бу хилда юк бир чақиримни икки-уч соатда зўрға босар, қурилишгача бўлган уч ярим чақирим йўл эса бемалол кечгача етар эди.

Махсум жиккаккина жуссасини дам у отнинг устига, дам бу отнинг устига олиб, жониворларни шафқатсиз савалар, тўхтаган жойдан силжиганда отлар текис олол-

маса, оғир юк ходаларни қирсйлллатиб, симлар таранг бўлиб кетар, станок ёнида кичкинагина кўринган Мамажон блан Нормат бундай пайтда кўрқиб ўзларини четга ташлар эдилар. Жаҳллари чиқиб улар ҳам аламларини отлардан олар эдилар. Баданидан буғ кўтарилган отлар ба'зан мункиб кетиб чўккалаб қолса, Махсум, қизил кўзлари қинидан чиқиб кетгудай бўлиб бақирар, от ёлига тирмашар эди.

Осмоннинг қовоғи солиқ. Темир йўлга тўташиб кетган қишлоқ чеккасида ёмғирда шалтиратган сариқ жўхори-поядан бир тўда қишлоқи болалар чиқиб келди. Ҳаммасининг кўйлак-иштони ҳўл, қўлларида кунгабоқарнинг нимта-нимта палласи, оғизларига семичка пўчоқ ёпишиб кетган. Сал ўтмай хотинлар, чоллар пайдо бўлди. Улар ҳайбатли юк, азоб еган, лойга ботган йўловчиларга ҳайрат блан тикилардилар.

Тепаликка чиқишда отлар тақа-тақ тўхтаб қолди. Қоядай кўнқайиб турган оғир юк қийшайиб, борган сари лойга чўкар, отлар типирчилаб орқага тисарилар эди.

Юк юриб кетаётганда девор бўйига сиқилишиб дам ҳайрат, дам ваҳима блан тикилиб турган болалар, юк тўхтагандан кейин чуғурлашиб яқин келишди. Дадилроқлари, ҳайқиброқ бўлса ҳам қўлларини узоқдан чўзиб, бармоқларини станокнинг биқинига тегизиб кўрдилар.

— Ҳожиматларнинг ола ҳўкизидай келар-а? Ё каттароқмикин?

— Нима экан ўзи?

— Завод экан,— деди кунгабоқардай япалоқ юзини сариқ сепкил босган бола,— кечаям биттасини судраб ўтишди. Яхлит темирдан экан.

— Билағонлик қилма, сариғмошак, ҳўкиздай келади-ган шунча темирни ер кўтарадимми?

— Унданам катта темирлар бор.

— Ернинг тагида-да!

— Чуғур-чуғур қилиб ўймалашган болаларнинг ўртасидан ёриб чиқиб иккита чол яқинлашди.

— Уралашма, ҳой! — деб қичқирди бири, таёғини кўтариб болаларни қувди.

Чоллар Мамажонга учи «чена» тагида қолиб кетган ходани суғуриб олишга ёрдам беришди. Қийшайиб кетаётган юк ўрнига тушди. Чоллар болаларниқидан қолишмайдиган ҳайрат ва қизиқиш блан юкни тамоша қилдилар.

— Ё қудратингдан, ерга чўкиб кетаман дейдй-я,—
мош-гурунч соқолли чол яланғоч кўкрагига сачраган лой-
ни артиб, сўради:— Нима ўзи бу, ўртоқ?

— Ватер бу, оғайни,— деди Мамажон.

— Ҳа, ботир деганича бор, исми жисмига муносиб экан.

Чолларнинг бири поҳол қалпоқ кийган сариқ соқолли бужчайганроқ рус эди.

— Ватер деганинг ўзбекчамй, шерик?

— Йўқ, ўрисча.

— Йў-ўқ,— деди чол юкни айланиб қараб,— русчада бунақанги сўз бўлмайди.

— Нимага бўлмас экан. Масков юбораяпти буни бизга,— деди Мамажон ғурур блан.

— Нима ўзи бу, ўртоқ?..— яна сўради кўкси очиқ чол.

Мамажон оёғини кериб, лой қўлларини белига қўйдй-да, станокка қаради.

— Бу қиёмат машина.

— Нима қилади?

— Ип йигиради.

— Ҳа-ҳим... Яхлит темирдан қилиптики, ўзи йигириб ўзи тўқийдиган мурватлари бўлса керак-а?

— Ҳмм...— деди қалпоқли чол ҳам ияғини ушлаб,— узоқдан жониворларнинг кучанганини кўриб бутхонанинг қўнғироғини судрашаяпти шекилли, дебман. Ёшлнгимда, шунақа, бир маҳал, қишлоғимиздан губерния шаҳарига бутхона қўнғироғини олиб ўтишганини эс-эс биламан. Бир юз бир пуду олти қадоқ экан, дейишган эди ўзини ҳам... Беш жуфт от, шу, тортиб келаяпти, десангиз... Ҳар қишлоқда мужик зоти қаршисига чиқиб ибодат қилади... Бизнинг қишлоқнинг ўзигача ҳам, икки ҳафта йўл юрипти-я...

— Оббо, отахон-эй, зап топдингиз-да, бутхонанинг қўнғироғи эмиш-а!— деди Мамажон отлар ёнида ивирсиб.— Фабриканинг ичига ўрнатилади бу. Бир ўзи кунига йигирма бешта даройи дўконнинг ишини қилади.

— Маҳовотдир-э, ё қудратингда-ан...— деди кўкраги очиқ чол ятак ёқасини ушлаб.— Ана у Найманчага ташаётган фабриконники денг ҳали?— Чол егини шимарабошлади.— Бўлмаса, қани, Егор!

— Қани, ҳа!— қалпоқли чол ҳам таёғини ташлаб қаддини ростлади.

Қилтириқмахсум хивичини ҳавода ҳуштак чалдириб отларга ёпишди. Болалар қий-чувлашиб унга ёрдам бердилар. Мамажон, Нормат, иккала чол орқадан итаришди.

— Ҳа-ҳа! Ҳа-ҳо!

Отлар текис тортмас эди, учинчи тирмашишдагина юкни жойидан жилдиришди. «Чена»нинг орқасидан ходалар ситилиб чиқди, балчиқ сачради.

— Ҳой қаёққа? Отнинг бошини бур! Ҳой!— Қалпоқли чол олдинга югурди.

Қилтириқ унга этибор бермай отларни қамчилар эди.

— Ҳой, буёққа дейман! Уёқдан олиб ўтолмайсан, йўл чатоқ!

— Бор, жўхорингни қўри... чол!— деди оғзини шалоқ қилиб Қилтириқ.— Кечагидай кўприкка тиқилиб туни блан ётгани тобим йўқ.

— Кўприк тузатилган, ҳой, тўхтат!

— Кўприк тузатилган!

— Қаёққа?!

Кеча қишлоқ чеккасидаги кўприкни ўпириб, анҳорга чўккан оғир юкни кечаси блан зўрға қутқазиб олиб кетишган эди. Эрталаб кўприк бошқатдан қилинди, энди ҳарқандай оғир юк блан бемалол ўтса бўларди. Лекин Қилтириқмахсум атрофдагиларнинг ваҳимали шовқин-суронига қулоқ солмай, отларни ўнг томонга ҳайдади. Мамажон воқиага тушунганича юк билқиллаган балчиқ йўлнинг қия жойига етиб қолган эди. Махсум отларни зўр бериб ҳайдамоқда, юк қийшайиброқ юмшоқ лойдан енгил сирганиб борар эди. Қияликдан ўтгунча чоллар ана юмалайди-мана юмалайди деб ёқаларини ушлаб тўхтаб туришди. Йўқ, юк ўтиб олди. Текис жойга чиқиб илгаригидан ҳам равонроқ силжиб кетди. Мамажон блан Нормат ходаларини йиғиштириб орқада қолишди.

— Қойил, жиккаккина бўлса ҳам мард йигит экан!— деди чол, калласини сарак-сарак қилиб турган шеригига:— Шундай қияликдан ўтиб олди-я!..

Шериги бу гапга қўшилмади. У Қилтириқнинг «жўхорингни қўри» деганидаёқ хафа бўлган ва уни ўзича «ичи-қора одам экан» деб баҳолаган эди, унинг мардлигига ишонмади.

— Таваккал қилаяпти бу бола! Бу йўлдан қуруқ сравани олиб ўтиш ҳам маҳол... Ана! Ана! Қийшайди. Югур!

Юк айни жарлик ёқасига борганда ёнламасига сирғанабошлади. Ҳозир агар отлар тоймасдан тез, жуда тез олиб ўтса бўлгани. Бўлмаса...

— Ҳой тезла, чуҳла! Чуҳла дейман, Қилтириқ!

Мамажон оёқларини лойдан зўрға суғуриб югурар, ҳансираб бақирар эди. Бир вақт, юкнинг ёнига етиб борганида, бир нарса қасир-қусур этди. Маҳсум худди бошининг тепасидан бирнимани ушламоқчи бўлгандай қўлини осмонга чўзди-да, от устидан ўзини ташлади. «Чена» жарликка қараб ағанаган, ватер каж бўлиб кетган, симларни тирс-тирс узиб, жарнинг қизил тупроғини ўпириб пастга юмаламоқда эди. «Чена» осилиб қолди, отларнинг иккитаси гуп этиб йиқилмаганда, уччала жониворни ҳам паққос судраб тушиб кетадиган экан.

Маҳсум отлардан анча нарида балчиқда ётарди. Узилган симнинг бир учи унинг қўли аралаш сонига келиб теккан экан, қимир этолмай қолипти. Ҳамма Маҳсумнинг тепасига келиб уни кўтаришга уринса, Егор қалпоғини олиб, жарликка, икки тош орасига тиқилиб ётган станокка қараб калласини қимирлатар, танглайини тақиллатар эди.

Маҳсумни майсага кўтариб олиб чиқишди, унинг рангида қон йўқ, қўл-оёғини қимирлатолмас эди. Шимини ечиб қарашди: узилган симнинг зарб блан силтанган учи иккала сонини куйдиргандай кўмкўк қилиб ўйиб кирипти, брезент шими бўлмаганда оёғини шартта узиб ташларкан.

Мамажон ёнидан пичоқ олиб айилларни қирқиб, отларни турғизди.

Егор бобо емирилиб ётган жарликка қараб ҳамон ачинар эди:

— Энди тамом деявер. Чиқариб олиб бўлармиди бу жаҳаннамдан?! Аттанг-а... аттанг...

Орқадан шовқин-сурон блан икки от-уловда юк етиб келди.

Фалокат юз берган жойга одам тўпланди. Эргаш оёғида солдатча этик бўлганидан ёпишқоқ балчиқни писанд қилмас, катта-катта қадам ташлаб ҳаммадан олдинда келар эди. У жар ёқасида осилиб қолган бўш «чена»ни кўриб, юраги орқасига тортиб, тўхтади. У блан бирга ҳамма тўхтади. Пастга қарадилар.

Эргаш майсада тўпланиб турганлар ёнига қараб юрди. Мамажонга юзма-юз келди. Улар индамай тикилишиб қолдилар. Эргаш унинг безрайиб туришидан сабр-тоқати

тугаган эди, асаби чақнаб кетай деганида, майсада инграб чалқанча ётган Махсумга кўзи тушди. Мамажонга ғазабли сўзини айтолмади, ўша томонга юрди. Яраддор оёқларини қимирлатаолмаса ҳам, бутун гавдаси блан уёқдан-буёққа тўлганиб, оғир инграр эди.

— Қаери, оғирми? Хавфлими?— деб сўради Эргаш Мамажондан.

— Оғир, ўртоқ Султонов.

Эргашнинг ёнида чўтир юзи хунук кўкариб, кўзларй олайиб Нусратилла турарди.

— Отни мин, чоп!— деди Эргаш унга.

Нусратилла эшитмадими, тушунмадими:

— А? — деди оғзини очиб.

Эргаш унинг ёнида буйруққа тушуниб турган бошқа бир йигитга имлаб юборди.

— Доктор! Извош!

Ярим минутдан кейин ҳалиги йигит, яйдоқ от устиди ўқдай учиб ўтди. Туёқ дупурига қайрилиб қараган Нусратилланинг юзига лой чапланди...

«Оқпадар» бўлган Нусратиллахўжа отаси ташлаб қочган ҳовлини, Наимийнинг маслаҳати блан, қурилишга тақдим қилиб, «отаси боқмаган замонга боқди». Лекин кўп вақт ўтмай, билагадаги кучига муносиб касб топиб беришга ва'да қилган Наимий уни Чорбозорда Машраб байтларини куйлаб тебраниб ўтирадиган бир маддоҳга қўшиб, эзгу сафарга фатво берди. Кундузи ҳечнарсга кўрмайдиган маддоҳ уч кеча йўл бошлаб, уни Сулаймон пайғамбар оёқ босган Уш тоғларидан олиб ўтди. Қулхўжапонсод Нусратиллани илгаридан танигандек «хуш кўрдик, бойвачча» деб кутиб олди. Понсод, худди Наимий айтгандек, Нусратилла блан бирга бирнеча кун гўшт еб, қимиз ичишдию, лекин кейин «йигитлари» орасига қўшиб қўйди.

Қулхўжапонсод етмишга яқин «йигити» блан бу ўнгирда бир ойдан бери ниманидир кутиб ётарди. Нусратиллахўжа бу тирикчиликни тушунмади, бўри юрмайдиган бу жарликларда ўлакса теручи дайди итдай еб-ичиб, қўрқиб-пусиб, ойлаб бекор ётиш унга дастлабки кунлардаёқ ма'нисиз туюлган эди. «Йигитлар» орасига кирганда эса у ўз тақдирининг бутун даҳшатини яққол кўрди. «Йигитлар» кундузлари куни блан офтобда ётиб бит боқар эдилар. Улар буни асосий машғулотлари деб билгандай, эрталаб-

даноқ астойдил тайёрлик блан киришар эдилар. Улар кунига икки марта от гўшти пишириб, бит ўлдирган қонли тирноқлари блан чангаллаб суяк ғажир эдилар. Кунни блан ағанаб ётиб, кечалари ухлашмас, гапдан жанжал чиқариб бир-бирларини бўғизлаб қўйишар, буни билган понсод чиқиб яна биронтасини отиб ташлар, у чодирига кириб кетгандан кейин яна хотинбозлик, фахш ҳақида, понсоднинг ўзини бўғизлаш ҳақида бир-биридан ифлос, бир-биридан даҳшатли гаплар бамайлихотир давом этар эди. Нусратилла келиб қўшилган куннёқ у ҳақда «Понсоднинг боласи» деган гап тарқалди. Битни тош устига териб бешотарнинг қўндоғи блан эзадиган қўпол гавдали, пўрдоқ, юзига бўжама тошган, ифлос бир «йигит» иккинчи куннёқ Нусратилланинг башарасига қараб гапирди.

— Понсоддан бизга тузук бола қолармиди, чўтир экан.

Шунда соқол-мўйлови ўсган етмишга яқин исқирт башара, бойваччага мойли кўзлар блан қаради. Наимий айтган «Жанговар мусулмон лашкарлари» шу эди. Тормор этилган катта бир босқинчи отряддан қолган бу оч қашқир тўдаси ғорда беркиниб ётиб қаердандир нажот кутарди. Нусратилла буларга эмас, ўз жонига умид қўйишга ҳам қўрқиб қолди.

Бир кун кечаси, юзига бўжама тошган пўрдоқни бўғизлади-да, таваккал қилиб қочди...

Капитан Эдгар Гладстон Нусратиллахўжанинг шаҳарга қайтиб келгани ҳақидаги даҳшатли хабарни эшитган бўлса ҳам беркиниб ётган уйдан чиқмади: Наимийнинг қамоққа олинган кунлари эди. Бу орада Нусратилла қурилишга «ишга кириб» шағал элаб юрди. Гладстон буни эшитганда яна бир карра жонидан умид уздию, бир кун, икки кун ўтиб, ҳатто бир ҳафта ўтиб, кутилган ҳалокатдан ҳамон дарак бўлмаганида, бу гал ҳам тирик қолдим деган фикрга келди. Энди ҳаракат қилиш керак эди. Бу кунларда кўчага чиқиш хавfli, лекин мана бу «гўшт»нинг (Гладстон Нусратиллабойваччани шундай деб атар эди) одамлар орасида юриши Наимий воқисидан ҳам хавfliроқ. Унда на мақсад бор, на ақл. Унинг оғзига дарров латта тиқиш керак.

«Афғончойфуруш» ярим кечада Нусратилланинг ҳужрасида пайдо бўлди. Бойвачча отасининг бу ошнасини кўпдан бери кўрмаган, унутаёзган эди. Бошини боғлаб ётган жойидан сакраб турди. Чироқ пилигини кўтарди. Уша

шиша кўзлар, тўтун чиқаётгандек ич-ичидан қорайиб турган, кул рангидаги сур башара. . .

— Келдинг, Муҳаммадсаид ака. . .

— Ҳорманг, бойвачча.

Нусратилла кўйлакчан ҳолича чопонини елкасига елвагай ташлаб ўтирди. «Чойфуруш» индамасдан уни кузатар, юзига, кўзига тикилар эди.

— Меҳнатга кўникаяпсизми?

Нусратилла унга қараб қўйдию, кўзини дарров пастга олди. Жавоб бермади. Меҳмон ҳам узоқ индамай, уни синчиклаб кузатди. Шу хилда анча жимликдан кейин, Нусратилла тўнининг бари блан юзини тўсди-да, пиқиллаб йиглаб юборди.

— Нега келдингиз? Отам қани? . .

«Чойфуруш» жавоб бермади. Чопонининг узун енгини тортиб, қўлини чўзиб, чироқнинг пилигини пасайтирди. Кейин жавоб ўрнига савол берди.

— Мақсадингиз нима? Буерга нима учун қайтиб келдингиз?

Нусратилла бошини кўтарди. «Сиз биласизми?» дегандай савол назари блан қаради, уни бошдан-оёқ яна кўздан кечирди. Уни «Жанговар мусулмон лашкарига» Наимий юборган эди. У қайтиб келишида Наимийдан бунинг учун ўч олишга қасд қилган эди. Ҳозир Наимийга нисбатан бўлган бутун қаҳри-ғазоби бу одамга қаратилди. «Сенлар мени биргаллашиб алдагансан! Отам блан жиққа-мушт қилдирган ҳам сенлар!» деди ичида. Ўрнидан турди. Ғазаб блан кифт қоқиб елкасидан тушиб қетаётган чопонини ўнглаб олди.

— Мен мақсадимни ўзим биламан. Сиз нега келдингиз? . . — Меҳмон унинг дўқини писанд қилмай бамайлихотир, индамай туравергандан кейин, Нусратилла кўзини пастга олди-да, секин қўшиб қўйди:— Чиқиб кетинг. . .

— Собир мастеровойнинг қизини олмоқчи бўлиб келдингизми?

— Оламан.

— Шўро ҳукуматига ҳалол меҳнат қилиш йўли блан?

— Нима қилсам, йўлини ўзим биламан.— Бу сафар Нусратилла меҳмоннинг кўзига қараб туриб, таҳдид блан айтди:— Чиқиб кетинг!

«Чойфуруш» ўрнидан турди. У кулранг узун чопонда, юмшоқ маҳсида, Нусратилладан кичикроқ кўринар эди. Кескин қайрилиб эшик томонга юрди. Нусратилла куза-

тиб қўймоқчи бўлиб ўрнидан жилган эди, меҳмон эшикни тамбалаб қайтиб келди, яна жойига бемалол ўтирди. Унинг товуши гўрдан чиққандай эшитилди:

— Найманча кўчасида Онахоннинг қонини ҳар кунни босиб ўтасиз... Буни мендан бошқа ҳечким билмайди.

Нусратилланинг бутун вужуди жимирлаб кетди. А'зойибадани бўшашиб, шилқ этиб ўтирди, боши қуйи эгилиб тушди.

Анчадан кейин йиғламсираган титроқ товуши эшитилди.

— Мендан сизга нима керак? Ўз ишингизга боринг. Мен сизни танайман. Сиз ҳам тинч тирикчилигингизни қилинг, мен ҳам, Муҳаммадсаид ака... Мен соб бўлган одамман, мен дун'ёда ҳамма нарсадан маҳрумман, бахти қораман, буерга қайтиб келишдан хаёлим бу дун'ёда бирдан-бир, сўнгги умидим — душманларимдан ўч олиш, ўша қизнинг бағрига етиш... Мен омад излаб келдим... Муҳаммадсаид ака, сизга нима ёмонлигим тегди, мени тинч қўйинг, мен ҳам сизни танайман... Кетинг.

— Кўз ёши... йиғлайсиз, асабингиз қайнаб, талвасада бахтингизни сўкасиз, қиморга тикасиз, пичоқ қайрайсиз, одам сўясиз... Аммо у бўлса заиф бир нарса, япроқдай қалтираб, ҳамон туради! Куч! Бир куч суяйди уни. Сиз уни ҳечнарсга қилолмайсиз. Бир вақтлар бўлса гижимлаб қўйингизга солардингиз. Қани ўша мардлингиз, қани замонангиз, эсиз йигит?!

— Сизга нима керак? Мақсадингиз нима?

— Ана ўшани суяб турган кучнинг томирини қирқаман. Сиз менга ёрдам берасиз... Бўзарманг. Мен сизга оғир қонли жиноятингиздан қочиб қутилишнинг бирдан-бир йўлини таклиф қилаяпман. Заҳарни заҳар кесади...

— Яна одам ўлдиришми?..

— Барибир қўлингиз қонли.

Нусратилла боши эгилганича, тиззасида ётган жунли бесўнақай қўлларига қараб қолди. «Яхши!» деди пичирлаб. Баданига совуқ тер чиқди. Нафаси бўғилгандай, тоқатсизлик блан тўлганиб қўйди.

— Оғир. Биламан,— деди меҳмон.— Босмачига большевиклар орасида яшаш енгил эмаслигини тушунганингизга қойилман. Қурилишда ким бўлиб ишлаяпсиз?

Нусратилла индамади. У бўғилиб кетаётгандай бўлди. Бу қора даҳшат тезроқ чиқиб кетсаю, тезроқ ўзи ёлғиз

қолса... Нусратилланнинг миясида ҳозир шундан бошқа ўй йўқ эди.

— Индамайсиз? Яхши. Сиз учун ҳозир гапириш чиндан ҳам хавфли. Яхшиси иш қилиш керак. Ҳалол меҳнатни давом этдинг. Вокзалдан станоклар эсон-омон етиб келса мен ёнингизга яна келаман, ўртоқ экспедитор, етиб келмаса — мени кўрмайсиз.

«Чойфуруш» эшикка қараб юрди. Бойвачча индамади. Индаса у, яна тўхтаб қолиши мумкин, тезроқ чиқиб кетсин, тезроқ, нима бўлса бўлар...»

Меҳмон қандай келган бўлса, худди шундай, беҳосдан ғойиб бўлди. Нусратилла унинг оёқ товушига қулоқ солиб бир жойда узоқ қотиб турди. Дук-дук этган — оёқ товуши эмас, ўзининг юрак тегиши эди. Бирдан, бутун бадани ҳўл эканини сизди. Турган жойидан ағдарилиб, боши блан ёстиққа шўнғиди. Юраги гуп-гуп этар, чаккасида қон ўйнар, бадани қизир эди, анчагача юзтубан бўлиб ётди, ҳамма нарсани унутишга уринди.

Секин бошини кўтарди. Токчада чироқ милт-милт ёнарди. Ташқарида қора тун. Нусратилла ҳозиргина меҳмон ўтирган курсига қаради... Курси бўш. Йўқ! Утирипти! Нусратилла ваҳима блан яна тикилиб қаради. «Чойфуруш», тунда қояга қўниб ухлаётган қузғундай, қопқора бўлиб чиндан ҳам ўтирар эди.

— Мен жавоб кутаяпман...— деди у паст, йўғон овоз блан.

Нусратилла ёстиққа таянган тирсаги титраб дармонсизланиб кетаётганини сизди.

— Кетинг...— деди у даҳшат ичида шивирлаб.

Бу «жавоб» эди. Гладстон ҳам, у чиқиб кетгандан кейин Нусратилланинг ўзи ҳам бунинг «хўп» деган жавоб эканини тушунди.

Нусратилла эшикни тамбалаб, кигйга чўзилди. У ухладими, кечаси блан ўйлаб босинқираб чиқдимиди— билмайди, кун ёришиб, контора ҳовлисида шовқин-сурон блан шошиб-пишиб одамлар юрган вақтда кўзини очди. Боши қовоқдай шишган, худди ичига ари қамалгандай ғувиллаб, чатнаб оғрир эди. У хаёлини тутишга уринди. Кечаги қора қузғун кўз олдида гавдаланди, яна хавотир блан у ўтирган курсига қараб қўйди. У йўқ. Уй ёруғ. Нусратилла хаёлининг учини энди топди. Бир нарса аниқ эди: бу одам уни ўзига маҳкам михлаб кетди... Ундан қутилиш қийин. У соядай ҳар қадамда ёнингда пайдо бўлиши

мумкин, нома'лум, маккор, кучли, даҳшатли. Ҷзи ҳечнарс
са қилмайди, лекин истаган ишини қилдиради.

Нусратилла ўйлаб ўтириб, бу одамга ҳасади келиб
кетди. Дун'ёда шундай одамлар бўлади — қандай сирли
кучига ишонади, ўзи деярлик ҳечнарс қилмайди, икки
гап блан, хоҳлаган ишини бажаради. Дўнгпешона Қул-
матқора ҳам шундай эди. .: Онда-сонда бир ошиқ отар,
лекин қўлга туширган одамани минг оҳангта солар, унинг
жони блан ўйнашар эди. . . Шундай одамлар бўлар
экан.

У сочини юлиб, ўзига зувала берган ота-онасини сў-
киб ўтираркан, бир нарса эсига тушди. Тўхта, унинг ўзи-
дан заифроқ одам йўқми? Қилтириқ ҳезалак-чи? У худди
бировларнинг жиноятини сотиб олиш учун туғилган мах-
луқ эмасми? Чойфурушнинг Башоратларни суяб турган
кучнинг томирини қирқиш нияти, агар кечагидай тунги
даҳшатлари бўлмаса, аслида чакки ният эмас! Қилтириқ-
махсум блан иккаласининг орасида туриб, унга осонгина
ёрдам берсам бўлмайдимми?

Қилтириқнинг уйига, худди мана бу қузғундай, ярим
кечада кириб борсам, ҳезнинг жонини қўлга олиб олсам...
Тўхта, Қилтириқнинг уникидай, жинояти борми? . .

Қилтириқмахсумнинг Нусратилланикидай қонли жи-
нояти бўлмаса, бу унинг кўнглида бирор ёруғ жойи бор-
лигидан эмас, ҳашаротча заифлигидан эди. Нусратилла-
нинг сирли гапидан бўлғуси жиноятнинг ҳидини сезиб,
иштаҳаси очилди.

У, хўжайинининг ўғлини кўришдан бир хурсанд бўл-
са, унинг «Махсум ака, бир гап бор» деб сирли гап бош-
лашидан юраги ёрилай деди: бир юмалаб ит бўлсаю,
думини лапанглатиб, бойваччанинг оёқларига сурканса.

— Менинг жоним хавф остида,— деди унга Нусра-
тилла.

— Айтинг, ака, менинг ҳам жоним минг хавф остида
қолсин. Сизга тик қарагани қайси кўзнинг ҳадди бор
экан.

— Айтсам, енгил тортардим, лекин сизга ишонсам бў-
ладими?

— Товонингизга ботган тиконни тилим блан сўриб
катта қилган Махсумакангиз эмасманми! Сир сақла
десангиз — гўрнинг ўзиман, ҳа, гўрман. Иш буюрсангиз
бурунгидай, гаҳ десангиз — отган ўқингизман, мўйлоқ
қилаверинг.

.. Мана ҳозир Нусратилла Қилтириқмахсумнинг ҳўл майсада оғриқдан тўлганиб ётганини кўраркан, унинг шу сўзларини эсларди. Фалокат.. Оғриқ азобига чидолмай алаmidан ҳамма гапни айтиб қўйса-я? Станок жарга юмалаганда сим узилиб бу махлуқнинг сонига тегишини ким хаёлига келтирипти. Тегипти, қилтириқдай бўйнига тегақолмайдими — узилиб қўяқоларди. Йўқ, бу мунақангги азоби учун мендан ўч олиши мумкин. Уладиган бўлса, албатта сўнгги гапи шу бўлади.

Нусратилланинг калласига бир фикр келди.

— Мен уни отда касалхонага олиб борақолай?

— Йўқ,— деди Эргаш,— ҳозир извош келади.

«О, фалокат, бу калламдаги фикримни пайқаган бўлса-я!» деб ўйлади Нусратилла. Оқариб кетган, лоё чап-ланган юзини четга олиб, Эргашнинг ёнидан нарироққа кетди..

Йигирма саккизинчи боб

Бугунги ёпиқ мажлис навбатдан ташқари, шошйлинч равишда, кечаси соат ўн бирга чақирилди. Қурилиш партия ячейкаси ҳали шуқадар оз сонли эдики, унинг а'золари ялпи мажлис пайтларида ҳам секретарь Ефим Надеждиннинг чоғроққина кабинетини зўрға тўлатиб ўтирардилар. Баландроқ турсин деб иккита қалин папка устига қўйилган чироқ шишасининг думалоқ қорнини қорайтириб, деразалардан мўралаган қора тун блан олишгандай, дам уёнга, дам буёнга авж олиб, кучаниб, чирсиллаб ёнар эди. Девордаги катта рамадан ўртоқ Сталиннинг шинель кийиб тушган сурати столга энгашгандай қараб турарди.

Коммунистларнинг юзлари жиддий, мажлис одатдагидай сершовқин эмас, гап кам, ба'зан безовта қимирлашдан курсилар ғирчиллаб, йўтал товуши эшитилади, холос. Хонани қуюқ тутун қоплаган. Одамлар ўйлар ва чекар эдилар.

Иккита яшикка скамейкадай қилиб қўйилган, смола ҳиди келиб турган, рандаланмаган тахта устида бетон қоручи йигит блан ғишт теручи Матвей ўтириб олишган, улар Эргашнинг тунука қутисидан бармоқдай қилиб ўраб олиб роса тутатишарди. Эргаш ўз кабинетидан бир вақтлар Қудратиллахўжа меҳмонхонасида оренбургли савдогар меҳмонлар ўтирадиган чармли креслони олиб чиқиб ўтирган эди. Софья Борисовна қадимий катта сиёҳдон-

нинг ёнига ўтириб олиб, қарор ёзар, йлгарйги эгар-жаб-дук артелининг раиси, ҳозир қурилишда бухгалтер бўлиб ишлайдиган мўйловдор Ориф партизан мажлисга раис, Ефим Данилович эса, тутун ичида, чироқда юзи йилтиллаб паст овоз блан, лекин қизгин-қизгин гапирар эди.

Унинг гапи стол чеккасида курсида ўтирган Онахон ҳақида. Утирганлар, ҳаммаси, Онахонни энди кўраётгандай, унга ҳайрат ва ҳаяжон блан тикилган, Онахон эса Ефим Данилович гапирган сари бу кўзларни аниқроқ, яқинроқ кўрмоқда эди. Бу кўзлар унга ичидан ёлқинлашиб келаётган аллақандай оловли ҳаяжонни бироз бошишга ёрдам берардилар.

Онахон ёпиқ партия мажлисида биринчи қатнашиши. Бу кунни кўпдан кутган бўлса ҳам, унинг бундай бўлишини ўйлаган эмасди. Уни партиёга қабул қилиш масаласи бугунги мажлисга тасодифан қўйилди. Онахон ҳамма ҳужжатларини тахт қилиб, астойдил тайёрланиб юрар эдию, бундай тез, бугунги мажлисдаёқ бирдан қўйилишини ўзи ҳам, бошқалар ҳам ўйламаган эди.

Бунга шундай бир воқиа сабаб бўлди.

Шу бугун, кундуз соат бешларда Онахон хотин-қизлар клубидан қайтиб келганида, уйда Ефим Даниловични учратди. Ефим Данилович Турсуной блан китобни очмасдан ше'р сатрини ўқишдан топишмоқ ўйнаб ўтирар, одатдагидай хушчақчақ кўринар эдию, лекин Онахон унинг юз-кўзидан аллақандай безовталиқни дарров пайқаб олди. У Онахонни кўрибоқ кўзидаги ташвишли ҳаяжонни дарров билдириб қўйди.

— Ефим Данилович...— деди Онахон саломлашиш ўрнига бесабр савол назари блан тикилиб.

Ефим Данилович хотиржам бўлишга уриниб, одатдагидай саломлашди. Лекин: «Ҳаяллаб қолдингиз...» — дейиш блан Онахоннинг гумонини яна оширди. Шубҳасиз бир гап бор эди. Онахон Турсунойни бирёққа чиқариб юбориш чорасини қидирди.

— Қизим, чиқ-чи, битта чой қўйиб юбор.

— Ефим тоғам ичмайман дедилар, сра-сра унамадилар,— деди Турсуной нолиб.

Ефим Данилович Онахоннинг «тадбирини» тушуниб, чой ичишга кўнди, Турсуной чопиб бориб, шотидан томга, тарашага чиқиб кетди.

— Нима гап, Ефим Данилович?— сўради бетоқат Онахон.— Бирор янгилик борми?

Ефим Данилович Онахоннинг юзйга бир қараб олди. Уй типч, оқшом тинлигини сезгап чигирткалар чириллай-бошлаган эди.

— Капитан Каримов ҳузурда бўлдим. Бир... қаландар қўлга тушипти.

— Ким экан?

— Зоги-ватани нотайин. Ёнида ҳечқандай ҳужжат йўқ. Лекин увадасидан рўйхат чиқипти.

— Рўйхат...

— Ҳа, рўйхат. Сиз блан бизнинг номларимиз ёзилган рўйхат.

Онахон деразага қараб олиб, яқинроқ силжиб ўтирди. Ефим Данилович тушунтириб берди: капитан Каримов Жўрахонни ўлдирган ва бошқа катта жиноятларни зиммасига олган бандитлар гуруҳининг изига тушипти. Унинг мўлжалича, рўйхат — янги фабрика қурилиши атрофидаги халқ ва хотин-қизлар ҳаракатининг «бошини қирқиб ташлаш» режаси экан.

— Рўйхатда кимлар бор? Ўзингиз кўрдингизми? — деб сўради Онахон.

— Ҳа. Биричи — Жўрахон...

— Жўрахон?

— Ҳа, кўриб турибсизки, режа амалга ошабошлаган. Кейин... Надеждин Е. Д...

Онахон бўйнидан рўмолини ечиб ташлади.

— Кейин, Султонов Э. ва сиз Онахон.

Онахон ўз номини, Ефим Данилович ўйлаганча эмас, аксинча, хотиржам кутиб олди. Ефим Данилович саросима қилмаслик, тинч, босиқлик ва ақл блан иш кўриш ҳақидаги насиҳатларини ҳам айтмай қўяқолди. Бунинг ҳожати йўқ эди. Онахон салмоқ блан, хотиржам ўрнидан турди, шиддат ва ғазаб блан чимирилган қоши остида кўзлари илгаригидан ҳам қорайиб, кўмирдай йилтиллади. Икки қўлини пальтосининг қийғоч чўнтагига солиб, уч қадам нарироққа, ерга тикилди. Ефим Данилович аниқ пайқадимики, у ўзи ҳақида ўйлаётгани йўқ.

— Капитан биздан бирор ёрдам сўрамадими?

— Маслаҳат берди.

— Хўш?

— Коммунистларни йиғиб гаплашиш керак. Мен бугун навбатдан ташқари ёпиқ мажлис чақирдим.

— Епиқ... — Онахон шу сўзни беихтиёр айтдию, ўзи нима демоқчи бўлганини аниқлайолмай тўхтаб қолди.

Ефим Данилович давом этди?

— Биз қурилишда ҳам, маҳаллаларда ҳам, хотин-қизлар орасида ҳам, ҳамма жойда, ваҳима солмасдан, осойишта, ақл блан, лекин кучли, тинимсиз иш олиб боришимиз, ҳуш'ёрликни, ҳамма нарсадан ҳам аввал ҳуш'ёрликни оширишимиз керак.

Онахон бу гапларни ўзига партия ячейкасининг топшириғи деб қабул қилди, ўзининг кўрган маҳаллаларини, кўрган-таниган одамларини, хотин-қизларни, эртанги ишларини кўз олдига келтирди. Лекин негадир юраги ғаш эди, нимадир етишмагандай эди. Рўйхат... Жуда ҳам оз, тахминий ма'лумот... Бу жаллодлар тўдаси ҳақида яна бирор шарпа-ишорани билишнинг иложи йўқмикан?

— Қуруқ рўйхатнинг ўзи эканми? Унда бошқа ҳеч нарса ёзилмаптими?

— Рўйхат... Номларнинг ҳарбирининг рўпарасига «коммунист» деб ёзилгаи.

Рўйхатдагиларнинг номлари Онахоннинг миясидан яна бир марта яшин тезлигида ўтиб кетди.

— Мен... мени-чи... нима депти?— тез сўради у беихтиёр.

— Ҳа, айтгандай, сизга савол аломати қўйипти,— деб жавоб қилди Ефим Данилович, бунга унча аҳамият бермай. Лекин Онахон ҳалиги тезлик блан қайта сўради:

— Савол аломати?..

Улар иккаласи ҳам жим қолишди. Ефим Данилович даҳшатли хабарни айтганида кутган саросимани энди кўрди: Онахон бирдан ўзгариб кетди, юзи сал оқариб, юзидаги аллақайси томирлар асабий тортилди, унинг қалтирагани сезилди. Ўзини босиш учун, ўрнига ўтирди ва хотиржамроқ бўлишга уриниб, ўзи ҳозир ўйлаётган гапдан четроқ саволни берди:

— Нима қиламиз, Ефим Данилович, мен нима қилишим керак?

У, гапини айтиб бўлгандан кейингина, бу саволнинг ҳозир чиндан ҳам ўринли эканини англади, унга йўл-йўриқ керак эди, эртадан бошлаб қаерда қандай иш қилиши керак,— у, Ефим Даниловичдан аниқ топшириқ кутди.

— Сизга менинг маслаҳатим, шахсан капитан Қаримовнинг ҳам маслаҳати: шу кечаю кундузда ўзингизни эҳ,

тиёт қйлинг... Ҳар эҳтимолга қарши... кеч соат еттидан кейин кўп ҳам кўчага чиқмаслик...

Онахон бирдан қалтираб ўрндан туриб кетди:

— Ефим Данилович...

— Оғир бўлинг. Утиринг. Биламан — бу сизга оғир. Лекин кураш осон бўлмайди. Биз қўрқмаймиз, лекин мушудан чиққан бандитнинг пичоғига кўксимизни тугиб беришимиздан фойда йўқ. Фаросат ва идрок блан, керак бўлганда сал тисарилиб, кейин ҳамла қилабилиш керак. Сизни беркиниб олинг деяётганим йўқ. Кўпга бормайди, капитан яқин кунда катта янгиллик бўлади деб ва'да берди. Унгача... ҳарбиримиз... ўзимизга ҳам ҳуш'ёр бўлсак ёмон бўлмайди.

— Тўғри, Ефим Данилович. Лекин, йўқ... :

— Менга қаранг, — сўзни бўлди Ефим Данилович, — мен... Мен сизга буюраман! Тушундингизми! — Ефим Данилович ўрндан туриб, шиддатли қиёфага кирди. — Биз иш учун ҳам, одамлар учун ҳам, бир-биримиз учун ҳам жавобгармиз. Сиз учун мен ҳам жавобгарман. Уйлаб кўринг. Узингизни босиб, шошилмай, астойдил ўйлаб кўринг. Эртага кундузи менинг олдимга кириңг, иш тўғри-сида гаплашамиз.

— Хўп...

Ефим Данилович кетишга шошиларкан, яна бир марта та'кидлаб қўйди:

— Капитан Қаримовнинг айтганини эсда тутинг.

Онахон «хўп» дедию, Ефим Данилович чиқиб кетгандан кейин, «йўқ, йўқ!» деб дод солишдан ўзини зўрға тутиб қолди, бу фар'ёд унинг бутун вужудидан тошиб чиқаётгандай эди. Кўз ўнги бирдан қоронғилашди, деразалар тақа-тақ ёпилиб, эшик ва дарвозага оғир, зангли занжир шарақлаб тушгандай бўлди. Ҳаво етишмай, бўғилиб, югуриб ташқарига чиққанида ботаётган қуёшнинг чўғдай қизил нурлари юзига урилди, чопиб келган Турсуной қурумли қўллари блан унинг белидан қучоқлаб олди.

— Ойи, Ефим тоғам чой ичмай кетдилар. Ойи... :

Онахон қуёшдан кўзини олмай қизининг бошини силади. Бирдан нимадир эсига тушиб, қўлидаги соатга қаради: 7. Етти! Бу рақам циферблатдаги бошқа рақамлардан кўра аниқроқ бўлиб кўзига урилди. Онахон кўкрагини кериб бирдан олдинга интилди, югуриб бориб кўча эшигини итарди, эшик тарақлаб очилиб кетди. Ўзи-

нйнг эшикни буқадар қаттиқ итарганини энди фаҳмлаган Онахон эшик тамбасини ушлаб кўчага тикилиб бироз турди-да, ҳушига келгандай, босиқ ҳаракат блан секин ёпиб қўйди. Енида ҳайрон бўлиб турган қизчасини бирдан кучоқлаб олди, унинг қизил галстукли кўкрагини пешонаси блан «сузиб» қитиқлади, қиз кулиб юборди, она ҳам у блан чақчақлашиб кулишди.

Турсуной дастурхон ёзиб, чойга ўтиргандан кейин ҳам кула-кула, ойисидан сўради.

— Ойи, нимага унақа қилдингиз, югуриб чиқсангиз, репетиция қилаяпсиз деб ўйлабман. Бизнинг мактабимизда ҳаваскорлар кружоги...

Онахон хушчақчақ бўлиб кўринишни эпломлади, Ефим Данилович кетгандаги ҳолатига қайтди, хаёлга чўмди, қизининг гапи қулоғига кирмай қолди.

«Савол аломати!» — негадир бирдан ёдига келган нарса шу бўлди. «Жаллодлар! Менинг коммунист бўлмаганимдан жиндак кўнглинг тинч экан-да ҳали! Ҳали мени ўзининг энг даҳшатли душманларинг қаторида санамас экансан-да?! Талвасали кўнглингга тасалли бўлибман-да?! Йўқ! Қора қурумдай кўнглингнинг жиндак бўлса ҳам тинчишига қўймайман! Мени энг даҳшатли душманларинг қаторида кўриб, қонли кўзинг оқиб тушадди! Илонлар!»

— Ойи, чойингиз муздак бўлиб қолди-я...

... Бу вақт Ефим Данилович уйида кечки мажлисга тайёрланаётган эди. Эридан бугунги хабарларни эшитган Софья Борисовна унга халақит бераётганини ҳам унутиб, атрофида парвона, дам у ёнига, дам бу ёнига ўтиб ўтирар эди.

— Мен ҳаммадан ҳам Онахондан хавотир олаяпман.

— Хавотир олишнинг кераги йўқ, Софья, ишлаш керак. Мана бугун мажлисда нима дейсан, шуни ўйла, тайёрлан.

— Кечир...— деди Софья халақит бераётганини фаҳмлаб. Лекин бирпасдан кейин бунга яна унутди.

— Уч-тўрт кунга қолмай ҳаммаси битта-битта қўлга тушади-ку, лекин... Мен бугун мажлисдан кейин Онахонникида қоламан.

— Хўп.

— Сен... Сен Эргашни бошлаб келақол.

— И-я, турган-битганинг ваҳима-ку, нима бало, жан-дармлар даврида эмаслигингни унутиб қўйдингми?... Ҳа-

лиги қақаони жуда боплаган экансан, Софья, оғзымдан тами кетмаяпти, яна бир стакангина бўлса олиб кел, ин-найкейин, ҳадеб халақит бераверма, ҳали туфлингнинг пошнасини қоқиб беришим ҳам бор.

— Аҳвол жиддий бўлганини айтаман-да.

— Ҳа, масала жиддийликка жиддий, шунинг учун мажлисга яхшироқ тайёрланишим керак.

Софья Борисовна ўрнидан турди, кухняга чиқиш ўрнига эрининг бошига қўлини қўйди.

— Энди кечаси сра уйқум келмайди. . .

— Ҳой, менга қара, сен ростдан ваҳимага тушибсан шекилли?

— Ефим. . .

— Нима?

— Жонинг қилнинг устида турган экан-а, ўйлаяпсанми?

Ефим Данилович қаламини қўйиб, хотинининг юмшоқ, иссиқ қўлларини ушлади.

— Менга қара, 16-нчи йили, сургундан қочиб келганимда сенинг уйингнинг поли тагида ўша кунигина туғилган мушук болалари ёнида ўтирганимда. . . Эсингда борми, шундоқ тепамда тўртта жандарму, улар қарши-сида сен. . . Ушанда қандоқ турганингни оёқ товушингдан сезиб ўтирдим, дадил овозингдан билдим, «Йўқ! Унақа одамни танитаймиз!» деб жавоб бердинг. Эсингдами? Ушанда ўлимга ҳукм қилинган қочқиннинг жони қилдан ҳам нозикроқ нарсанинг устида эди шекилли, унда сен буқадар саросимага тушмаган эдинг-ку?

— У вақт. . . акамни отдилар, отам сургунда ўлди. . . Ушанда ўлимни кўравериб дийдам қотиб қолган эканми. . . Энди бўлса ҳаёт шундай ширинки. . . Йўқ, у вақт бошқа эди, энди бўлса йўқ, йўқ, сра. . .

Софья Ефимнинг бошини кўкрагига қўйиб, икки-учта оқ оралаган сочини бармоқлари билан таради.

— Энди бўлса, йўқ, йўқ, сра. . .— деди Ефим Данилович гапни ҳазилга айлантириб, хахолаб кулди-да, хотинини бир қучиб, яна қақаони эсга солди.

Софья Борисовна кухняга чиқди, йўлак қоронғи эди, йўлакнинг панжарали деразасида қопқора тун мўралаб турипти, Софья унга тикилиб қараб ўтди.

Шу вақт эшик тақиллади. Софья индамасдан оёқ учида эри ёнига қайтиб кирди. . .

— Ефим. . .

— Эшик тақиллаяпти, оч,— деди Ефим Данилович
ншдан бош кўтармай.

Софья қайтишга мажбур бўлди. Лекин эшикни оча-
қолмади, аввал бориб қулоқ солди, яна тақиллаганда
«ким» деб сўради.

Бу вақт Ефим Данилович ўзи чиқиб эшикни очди.

— Онахон?!

Ефим Даниловичнинг товуши ўпка ва койиш оҳанги-
да қаттиқ янгради. У соатига қараб, Онахонни бу қил-
миши учун уришмоқчи бўлиб турган эди, ёруққа кирган-
дан кейин меҳмоннинг қипқизил юзини, ҳаяжонли кўзла-
рини кўриб, «бирор воқиа юз бермадимикин?» деб ўйлаб
қолди.

— Яхшимисизлар!— деди Онахон ҳансираб рўмолини
ечар экан.

Шунда Ефим Данилович ҳечқандай воқиа юз берма-
ганини англаб, койийбошлади.

— Менинг гапим ўтмай қолипти-да, Онахон. Мен яқи-
нингизман, лекин мен ташкилот номидан гапирган эдим
сизга...

— Дарров уришма, Ефим,— деди Софья ўртоғининг
тарафини олиб,— уйда ёлғиз хавотир олган бўлса-чи?..

— Йўқ,— деди Онахон дарров,— йўқ, Софья Бори-
совна, азизим, кечирасиз, Ефим Данилович мен сизнинг
гапингизга... умримда биринчи марта қулоқ солмадим.
Ефим Данилович, мен... Мени ўз сафингизга олинг...
Душман мени сизнинг қаторингизга ёзипти, лекин у мени
бу қаторда заифроғи деб ўйламасин. Мен унга қарши
сизлар билан барабар бораман, Ефим Данилович, сизнинг
қаторингизда бўламан... Мени партияга олинглар!

Ефим Данилович хаёлига келган бўлса ҳам, ўзи яхши
ўйлаб кўрмаган бу гапни эшитиб бироз шошиб қолди.

— Мен... Олмаймиз деганим йўқ, мен тавсия бер-
ганман.

— Ҳа, бергансиз. Шу бугунги мажлисга қўйсангиз,
Ефим Данилович, шу бугунги мажлисга...-

— Аҳа,— деди Ефим Данилович бошини қашиб.

Онахон ҳам, Софья Борисовна ҳам унга тикилган эди...

... Кеч соат 11 да улар учовлари биргалашиб қури-
лишга чиқиб келдилар.

Мана ҳозир Онахон умрида биринчи марта ёпиқ пар-
тия мажлисида ўтирипти. Ефим Данилович шу воқияни
батасфил гапириб бераркан, коммунистлар Онахонга

ҳаяжон бляп тикилар, уни ўз сафларига аллақачон кирган жанговар ўртоқларидай ҳис қилар, уни тобора яқинроқ таниётгандай бўлар эдилар.

Ефим Данилович қабулни биричи масала қилиб қўйишни таклиф этди ва Опахоннинг аризасини, кейин тавсияномаларни ўқиб эшитдирди. Мажлис расмий тус олди. Онахонга, таржимайи ҳолини айтиб беришни илтимос қилдилар.

Онахон қизил алвси ёпилган стол ёнида тикка турди. Илгаридан кўриб, гаплашиб, бирга ишлашиб юрган бу ўртоқлари қаршисида уни бирдан салобат босди, Ефим Даниловичнинг ҳикоясидан кейин мажлисдагиларда пайдо бўлган жонланиш ҳали босилмаган эди, ҳамманинг кўзи Онахонда. У ўрнидан турганидан кейинги оғир, ҳаяжонли жимликда фикрини дарров тўплаб олаолмади. У таржимайи ҳолини айтиб бериш кераклигини биларди, лекин буни жуда осон иш, деб тайёрлик даврида ортиқча эътибор бермаган экан. Мана ҳозир анча вақт ўтиб кетгандай бўлди, лекин Онахон сўзини бошлайолмаяпти. Нимадан бошлаш керак...

Онахоннинг таржимайи ҳоли нима бўларди. Буни ҳамма билади. Бу — минг йиллик таҳқир-уқубат, минг йиллик даҳшат ва хўрлик. Туғилиб ёруғ дунёга кўз очганида у энг аввал ўз ота-онасининг порозилик блан хираланган юзини кўрди: «Қиз...» дедилар унинг туғилганидан афсусланиб ва бахтсиз чўрилик тақдирини олдиндан кўргандай. «Зайфа» деб ном қўйдилар. Зайфани аввал «эзту» китоб ёзган пайғамбарлар ҳақорат қилди, ўзининг онадан туғилганини, она сутини эмиб одам бўлганини унутган валилар, алломалар ҳақорат қилди, улар унинг бир умр тутқун бўлиши ҳақида ва ўлганидан кейин ҳам эркаклардан кўра бир қарич чуқурроқ лаҳадга кўмилиши ҳақида қонушлар ёздилар. Кейин ибн Қутайба бинни бир бало деган бир келгинди аллақабдаги араб саҳроларидан унга от думидан тўқилган қора қафас кўтариб келди. Мадина вайронасидан ўрмалаб чиққан қора қурт афъюн солиб, унинг идрок чироғини сўндирди. Кўзидан нурни, ҳаётдан қуёшни, қалбидан туйғуларни, эрк-иродани суғуриб олиб, уни ўша қора қафасга қамадилар. Қафас тутқун қуш блан бирга гоҳ зеби-зийнат учун, гоҳ хўрлик-захмаг учун қўлдан-қўлга сотилди.

«Зайфа» эс-ҳуши кирганда аввал мудҳиш қонунларни таниди: «Сочи узун — ақли қисқа», «Ўғли йўқнинг ўрни

йўқ, қйзи йўқнинг дарди йўқ». Юрагида бахтсиз ва қадрсиз умрининг мунгли қўшиқлари яралди:

Ера юрган кўчаларни супурай сочим блан,
Чанги чиқса сув сепай кўзимдаги ёшим блан. . .

У, қалбида ёшликнинг ширин туйғулари туғилганда ма'юс бир умид блан шу қўшиқни куйларкан, кўчадан пулдор Нусратиллабойваччаларнинг уятсиз хирс блан айтилган маст-алас ялласи шанғиллади:

Шафтоли хоши ларзан
Марғилонда қиз. . . арзон. . .

«Заифа»нинг баҳоси арзон бўлди, баҳори ҳазон бўлди, юзи за'фарон бўлди. У — оқсоч. Сочи блан ёр юрган кўчаларни эмас, нотаниш, зolim эрнинг ўчоқбошисини супурди; сочи супурги, қўллари косов: «Чанги чиқса сув сепгали» кўзида ёш қолмади, кундошликнинг аччиқ йиғисидан кўзда ёши қуриб соб бўлди. У тақдирга тан бериб, бадбахтлигини пешонасидан кўрди. Бахти йўқ, бўлган эмас ва сра бўлмасдай эди.

Бу дун'ёда бормикин бағри бутун. . .

Онахон буларни гапирмади. Буни ҳамма биледи. Ўз сафларига биринчи ўзбек аёлини қабул қилаётган коммунистлар бунинг ҳаммасини кўз олдларига келтириб туриптилар. Онахон ўйлаб турди-турди-да, тилига шу сўз келди:

— Бир минг тўққиз юз ўн еттинчи йил. . . — ва шу дамдаёқ, таржимайи ҳолни туғилган йилдан айтиш кераклиги эсига тушиб, шартга гапириб кетди:— Менинг туғилган йилим шу — бир минг тўққиз юз ўн еттинчи йил! Шу йили дун'ёда менинг тўғримда, менинг инсон эканлигим, менинг бахтим ҳақида қайғиручи одам борлигини эшитдим, кейин менинг уйимга сиз кириб келдингиз, Ефим Данилович, ўша менинг йўқолиб, унутилиб кетган бахтим ҳақида ўйлаган, гапирган киши—сиз эдингиз...— Онахон жиндек ёшланиб йилтиллаган кўзини ўтирганларнинг бош устидан, узоққа тикди, стул суянчиғига илиб қўйилган рўмолининг учини сал титраган бармоқлари блан ёшимлаб давом этди:— Бахт бор, бахт йўқ эмас, унинг учун курашиш керак, унинг учун ўзимиз курашамиз, уни ўзимиз қўлга киргизамиз, сизнинг шогирдингиз Собиржон менга ўша вақт шундай деган эди. У, мана шу бахт учун курашда менинг кўз ўнгимда жон берди. Ефим Данилович, сизнинг ҳаёт йўлингиз, эримнинг ва муалли-

мам Жўрахоннинг кўз ўнгимда юз берган ҳалокати менга бахтнинг қанчалик улуғ нарса эканини, унинг қадрини, унинг учун кураш қанчалик муқаддас эканини кўрсатди. Мен шаҳаримизнинг тепасида ҳилпираган биринчи қизил байроқни отасининг жасади устида йиғлаб турган қизчамнинг ёшли кўзларида кўргашман. Ана шунда у байроқнинг алангаси менинг оналик кўнглимга ўрнашиб қолди. У менинг қалбимни ёритди, у менинг ақлимни равшан қилди, у менинг йўлимга нур сочди. У советлар байроғи, большевиклар байроғи эди... Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, мен ҳали ўзим ҳеч иш қилганим йўқ, мен кўрдим, ўргандим, мени етакладилар, йўлимни ёритдилар, бахтимни, эркимни олиб бердилар, ўзлигимни танитдилар. Бунинг ҳаммасини рус ўртоқларим, коммунист ўртоқларим, большевиклар партияси қилди. Мен-чи, мен ўзим нима қилишим керак? Мен миннатдорлигимни қандай билдиришим керак. Мен кўп ўйладим. Ўйлаб шу қарорга келдимки, мен курашишим керак. Коммунист ўртоқларим курашган ғоялар учун курашишим керак. Янги, бахтли турмушимизнинг ҳар қандай душманларига қарши курашишим керак. Мен бу курашда сизлар билан бирга бўлишни истайман. Сизлардан ўрганишни, сизлардай бўлишни истайман. Орзум шу.

Онахон аввал гап бошлолмай қийналиб туриб, кейин шундай гапириб кетганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Ҳамманинг қимир этмай қулоқ солганини, ҳамманинг кўзи фақат ўзида эканини эндигина, гап тугаб чуқур жимлик чўккандагина сездим. У чин юрагидан, охиrhoқда эса ҳаяжони анча босилиб, жуда эркин гапирди. Унинг гапи таржимаий ҳолга унча ўшшамаганини ҳечким хаёлига ҳам келтирмади, буердагилар Онахоннинг ҳаёт йўлини яхши билар, унинг партия сафига муносиб эканини, қаторга яна бир чин сафдош кириб келаётганини кўнгилдан қаноат билан ҳис этар эдилар.

Онахон ҳамон тикка турар, ўтирганларнинг ҳаммаси ўзига хайрихоҳ эканини сезгандай бўлар эди.

— Қимда савол бор? — деди раис.

Анчагача ҳечким индамади. Ефим Данилович ва Онахон айтган гапларнинг таъсири ҳали мажлисни қандайдир ҳаяжонли бир тинликда тутарди. Раис «қимда савол бор?» деб одатдаги мажлис руҳини эсга солганда, одамлар бирпасдан кейингина ўринларидан қимирлаб, бир тўлқинланиб қўйдилар. Қимдир «чирс» этиб махоркаси-

ни тутатди, бош устида тутун яна тўлғанди. Савол йўқдай эди, лекин Эргаш юмшоқ креслонинг пружинасини ғирчиллатиб ўрнидан турди-да, томоқ қирди. У ўзи заводида партияга ўтаётганида жуда кўп саволлар тушган эди, ба'зиларига жавоб беришда қийналиб ҳам қолган эди. У саволлар ўшандан бери унинг ёдидан чиқмайди. У саволлар унинг кейинчалик жуда кўп нарсани ўқишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам у партияга ўтаётган одамга албатта ба'зи сиёсий саволларни бериб кўриш керак, ҳатто жиндак имтиҳон ҳам қилиб кўриш керак деган фикрда эди. У бирвақт ўзи лўндагина жавоб беролмай, қийналиб қолган саволини берди:

— Сиз партия а'зоси бўлганингизда бу шарафли номни қандай оқламоқчисиз?

Онахон бироз ўйлаб, саволни уққандан кейин, икки қўлини ёнига тушириб, қоматини ростлади, бошини кўтарди.

— Уртоқ Ленин биздан кетаётиб, бизга партия а'зоси деган буюк номни юксак тутиш ва беғубор сақлашни васият қилган эди!..

Онахон ўртоқ Сталиннинг Советларнинг II с'езидаги нутқини кечагина қайта ўқиган эди, бу қасам сўзлари юрагига қаттиқ ўрнашиб қолган экан, уни сўзма-сўз ёддан айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қараса мажлисдаги коммунистлар ҳаммаси бирдан ўринларидан туриб кетипти. Буларнинг кўпи Ленин чақириғининг коммунистлари эди. Мусибатли, изғирин январь куни ҳали уларнинг хотирасида янги; улуғ Сталиннинг муқаддас қасами ҳали қулоқларда худди кечагидай янгради. Ёфим Даниловичнинг назарида, коммунистлар бирдан кўпайиб кетгандай бўлди, кабинет жуда тордай кўриниб кетди, эшикни, деразаларни тўсиб тикка турганларнинг гўё охири — чеки йўқ эди. Онахон ҳаяжондан ўзини зўрға тутиб, сўзларни дона-дона қилиб айтишга ҳаракат қиларди, бу сўзларни ҳамманинг кўзидан ўқиётгандек давом этди:

— Уртоқ Ленин биздан кетаётиб, бизга партиямиз бирлигини кўз қорачўғидай сақлашни васият қилган эди!..

Бирдан ҳамманинг секин, салобатли бирдам овози гувиллади:

— Сенга қасам'ёд қилиб айтаманки, ўртоқ Ленин, биз бу васиятингни шараф блан бажарамиз!

Бу йўғон, паст овоз хира ёритилган тор уйнинг шифтидан, полидан, бутун деворларидан чиққандай тўлқинланди, дераза ойналарини зириллатди. . .

Ташқари ойдин эди. Зангори, нурли чамбар блан ўралиб Найманча тепасида мисбаркашдай ярақлаб турган тўлин ой майдонлар, деворлар ва томларга сутдай оқ нурини тўкар эди. Ҳечқаерда чироқ кўринмайди, фақат қурилиш партия ячейкаси идорасининг деразасида қизғиш чироқ милтиллайди. Янгидан туғилаётган Найманчанинг бу сўнмас юрагида ҳаёт қайнар, унда коммунистларнинг салобат блан гувиллаган қасам товуши шу юракдаги энг муқаддас туйғуларнинг тўлқинланиши эди.

Мажлис узоқ давом этди. Мажлисадагилар кечаси соат бирларга боргандагина қизгин суҳбатда гуриллаб чиқиб келдилар; Онахон ўртада, у салқин куз кечасида бироз жунжикиб, шошиб рўмолини ўрашга уринар, навбатма-навбат табриклаб хайрлашаётган ўртоқларига қўл бериб улгуролмас эди.

Ефим Данилович блан Эргаш Онахон блан Софья Борисовнани ўртага олиб, қўлтиқлашиб кетдилар. Онахон Ефим блан Софьянинг ўртасида, соф, салқин ҳаводан ўпкасини тўлатиб-тўлатиб нафас олиб, кўкрагини баланд кўтариб борар, ҳали ёниб турган узунчоққина юзи кумуш ой нурида қувонч блан шулаланар эди.

Йигирма тўққизинчи боб

— Чух! Ҳаром ўлгур!

Қорни катта, ўзи кичкинагина жийрон от, қуёшнинг сўнги нурида қовурғаларини жездай йилтиллашиб, бошини тинимсиз силкиб бир текисда секин қадамлаб борар эди. Йўл пасти-баланд, тўрт ғилдирак тўрт ёққа қийшонглайди, катта яшикка ўхшаш арава эски, шалоқ бўлса ҳам, эгиладю синмайди дегандек, йўлнинг ўнқир-чўнқирда тарқалиб кетгудек бўлиб қийшаяди, минг оҳангда ғирчиллайдю, лекин асли пишиқ экан шекилли, лим тўла кулранг цементни тўкмай-сочмай ҳамон олдинга силжитади.

Араванинг олдинги чап бурчагида оёғини осилтириб Нусратилла ўтирипти. У бугун вокзалдаги цементни тўққиз аравага ортиб қурилишга жўнатди, ҳисоб-китобни қилиб, охирги қолган-қутган цементни ўзи ортиб келмоқда. Олдинги авалар етиб боргандир, Нусратилла эса

ялқов жийронни чуҳлагани ҳавсаласи бўлмайд кечга қолиб кетди. Барибир эмасми — етиб боради-да.

Нусратиллага умуман ҳамма нарса барибир. У ба'зан мутлақо бепарво бўлиб, хаёлга толадию, ўзининг нима ўйлаётганини ўзи билмайди, унинг фикри мана бу хачирчалиш биядан ҳам баттар ялқов бўлиб қолган эди, гоҳо «миям ишляптими, йўқми» деб ўзига ўзи савол бериб қўяди. У қовжираган жўхориюяларга, кузнинг хазонрезги нафасидан ўзидан-ўзи пилдираб тўкилаётган баргларга бетайин, бепарво назар ташлаб бормоқда. Қуёшнинг сўнги совуқ нурида сапсариқ бўлиб, жиндак шивирлаб турган кузак манзараси унга жон бераётган одамнинг за'фарон юзидай кўринади. Оқшом тинч, узоқдан, фабрика қурилишидан тарақ-туруқ товуш янграйди. Нусратиллага бу, гўё мана шу ўйлаётган за'фарон юзли одамга қаёқдадир тобут ясашаётгандай туюлади.

Нусратилла ўз кўнглида ўкинчми, аламми, умидми — нима борлигини аниқлайолмайди. Тилига келганини аллақандай ҳазин куйда гўнғиллайди:

Қарғалар учса-а-а қаранглар Марғилонни йўлига...
Ҳанда-алак бўйликкинам...

Умарялли эсига тушди. Зап даврлар бор эди-я... Турдиматчўталнинг гўлаҳхонасида ётиб олиб қизларнинг та'рифига тушиб қолса, оғзининг сувлари келиб кетарди. Башоратни та'рифлагани-чи... Уша вақтда Нусратилла Умаряллига ғайирлик қилиб, ғазабини сочар экану, лекин ҳозир унинг Башоратга берган та'рифларини соғиниб-соғиниб эслагиси келади. «Юзида етмиш қават парда бўлсаю, бирини кўтариб қўйсанг, ҳовлингда чироқ ёқмай қирқ кеча базмингни қилаверасан» дер эди шумтака. Боплаган экан лекин та'рифини, бекорга жаҳли чиқар экан ўшанда. Лекин-чи... Лекин ҳозир унга мингта Умаряллинг та'риф топиб бўпти. Шундоқ бўлганки... ваҳ-ваҳ-ваҳ... йўғ-э, хотин зоти мундоқ бўлмайди! Уҳҳ...

Нусратилла икки қўлини бошининг орқасига қўйиб цементга чалқанча ётди, қорайиб келаётган осмонга ўзича илжайиб қаради.

Ҳандала-а-ак бўйликкинам...

Шу вақт ёнида бир нарса гурс этди. Нусратилла ашулани бўғзида қолиб, дик этиб туриб ўтирди, эгилиб ғилдиракка қараганида, елкасига кимдир қўлини қўйди. Нусратилла ёнида «Чойфуруш»нинг илжайиб ўтирганини кўриб, кўзларининг пахтаси чиқиб кетди. «Чойфуруш» худди ил-

гаридан шуерда келаётгандек, бемалол, Нусратилланинг ўзига ўхшаб оёқларини осилтириб ўтирарди. «Нима бало, осмондан тушдими фалокат!» деб ўйлади Нусратилла, атрофига аланглади.

— Муҳаммадсаид ака! Қаёқдан чиқиб қолдингиз?

— Хавотир олманг.

Нусратилла титраб, орқа-олдига аланглашдан ўзини тиёлмаса ҳам, сир бермади.

— Хавотир олаётганим йўқ...

«Чойфуруш» бемалол ўтириб, тебраниб, жилмайиб борар эди. У, бойваччага бутун жуда бошқача соддароқ, думоғи чоғ эски танишдай яқин кўринди.

— Зап ширин хаёл суриб кетаётган экансиз,— деди «Чойфуруш». Унинг товушидан Нусратиллани жуда яқин олиб гапиргани билиниб турарди.— Йигитликнинг хаёллари зап ширин бўлади-да. Мен ҳам йигитлигимда шу қизлар деб не-не савдоларни бошимдан кечирганман. Садағанг кетайларнинг ўзидан ҳам дарди-хаёли ширин бўлади. Қалай, бағрига етай дедингизми?

Нусратилла отни беозоргина чухлаб, жилмайди, бада ни эриб кетаётгандай туюлди, ҳамма нарсани унутди.

— Шу денг, Муҳаммадсаид ака, ўзи ҳам шундоқ бўптики шу топда, қўйинг, бағрини гапирасиз, бир чақиримдан ўзини кўрсам бодим кўзгайдую...— Нусратилла борган сари ёйилиб гапирарди.— Кеча ўспирин болаларни, қизларни тўплаб ва'з айтаётганини кўриб қолдим, десангиз... агар-чи, эркакларга юзини очиб гапираётганини кўрмасам, фаришта эканлигига паққос ишониб қўяқолардим. Йўғ-э, Муҳаммадсаид ака, хотин зоти бундоқ бўлмас, мана ҳозир ҳам кўз олдимда турипти, товус бўлиб кет-э, белингдан!

— Ҳа, хаёли ширин-ку, азоби ёмон-да, ука, ўспиринларга ва'з айтади дедингиз-а? Ушалардан биттаси илиб кетмаслигига имонингиз комилми?

Нусратилла чуқур нафас олиб, уҳ тортди.

— Йўқ-да... эҳҳа... илгариги замонлар бўлсаю, қани энди!

— Илгаригиси қўлдан чиқди. Лекин эртагиси ўзимизнинг қўлимизда.

Бу гапда Нусратилла ўзига ғамхўрлик, меҳрибонлик садосини эшитди. Унинг назарида ҳозир фақат ўзи ҳақида, ўзининг уйланиш дарди ҳақида гап борар эди. Унинг бу мавзу'да дардлашадиган бошқа одами йўқ. Шунинг

учун ҳам, кечагина сирли, даҳшатли кўринган «Чойфуруш» унга яккаю ягона меҳрибон бўлиб гавдаланди.

— Бошингизга тушган маломатни юзингиздан билиб турибман — насибангиз сиздан кун сайин узоқлашаяпти,— деди «Чойфуруш»,— сизга кўмаклашишни ўзимнинг оталик бурчим эканини биламан.

Нусратилла унга умид блан тижилди. «Чойфуруш» ички белбоғини ечиб олиб, ундан бирнеча кичкина қора шиша чиқарди. Шишачаларнинг ҳарбири алоҳида қоғозга ўралган эди.

— Қўйнингизга солинг. Бу, дам солинган дорилар. Малагингизни ағ'ёрдан совутиб, ўзингизга иситиб берадиган дори.

Нусратилла ҳайрат блан қараб турди, «гап»га тушунди, «дори»ларни қўйнига солабошлади, «Чойфуруш» унга ёрдам берди.

— Цементингиз келиб бўлдим,— деб сўради у бирдан.

Улар бир вақт ватер станогни ағанаган жарликка яқинлашиб келар эдилар. От ялқовлик блан думини силкиб-силкиб юрар эди. «Чойфуруш», «ҳа» деган жавоб олгандан кейин орқасига қараб қўйиб, давом этди:

— Утган сафарги топшириқни чала бажардингиз. Лекин Махсумдай ишончли одамни ишга тортаолганингиз учун, кечираман. У синовдан ўтди. Улар ҳолда ҳам шарпангизни билдирмади. Ёу яхши. Лекин қарз бўйнингизда.

Нусратилланинг қўйнидаги шишалар оловланиб кўкрагини куйдираётгандай эди. Қўлини кўкрагига қўйганча, сўради:

— Буларнинг «ирими» қандоқ, дорини нима қиламан?

— Бетон қориладиган ҳар идишга биттасини синдираасиз.

Нусратилланинг қора чўтир юзи ситилган бақадай бадбуруш бўлиб кетди. Оғзидан оққан сўлагини ҳам ютолмай:

— Жуда соз!. — деб ғазаб блан гап бошлаган эди, «Чойфуруш» унинг қўлидан тизгинни тортиб олди: от йўл четидаги ўтга бўйнини чўзиб, сал бўлмаса аравани ағдарай деган эди.

— У қизни шундайича ололмайсиз, билиб қўйинг. Унинг томири чуқур, пишиқ. Фабрикани пойдевори блан қўпорганингиздагина унинг томири қирқилади, ўшанда вайронани титиб пайпасласангиз, гишт, тупроқ орасидан

олтин тангадай ялт этиб чиқади-да, панжаңгиз орасида кўрасиз. Инженер Добротворцевни дидлаб кўринг. Уни мажбур қилиб ишлатишаяпти. Қуручилар унга ишонмайдилар. У ҳам зимдан сизга кўмакдош... Қўрдингизми — сиз ёлғиз эмассиз. Лекин ҳуш'ёр бўлинг. У Қилтириқмахсум эмас. Аввал бундай қилинг. Сал қалтис жойингиз бўлса айбни инженерга тўнкаш учун аввалдан йўлни танлаб қўйинг. Жанжал чиқса оломон сиз тарафда бўлади. У оломоннинг ўзига ишонмаганини қаттиқ сезсин. Кейин гаплашиб кўрасиз.

«Афғончойфуруш» лип этиб пастга тушди. Нусратилланинг жавобини ҳам эшитмади. Хайр ҳам демади. Қишлоқнинг дала кўприги ёнидан бошланадиган чанг кўчасига кириб, кўздан йўқолди. Нусратилла унга қараганича, кўзини пирпиратиб қолди.

Унинг юзида қўрқувми, ғазабми, — ишқилиб бир хиралик, ғашлик пайдо бўлди, кўриниб туриптики, у қандайдир бетоқат туйғудан қийналар, лекин ялқов ақли дарров кўмакка келақолмас эди.

Қош қорайди. От йўл бўйидаги ўтларнинг бошини «қирт-қирт» узиб, пишқириб, секин юрар, арава ғилдираклари чуқурликларга бирин-кетин «ғирч-ғирч» этиб тушиб-тушиб чиқар эди.

«Олтин тангадай... — деди Нусратилла ниҳоят ўзича. Қоронғиликка тикилиб, арава ғирчига гавдасини тебратиб кетаберди. — Бу мени шу танга учун юрипти деб ўйлайди чоғи. Овора бўласан. Ота мулкимни, даври-давронимни қайтиб қўлимга киритмагунча, Эргаш гадоларнинг кунини қуритмагунча унақангги «олтин тангалар» менга татимайди...» — Кўкрагига қўлини тегизиб кўрди. Бироз енгил тортди.

— Чух, ҳароми!..

Мана станок юмалаган қизил жарлик. Тўғрига, янги кўприкка қараб кетган йўл текис, ўннга, жарлик бўйлаб кетган қия йўл эса ўйдим-чуқур, ўша станок ағанаган лойгарчиликдан бери у йўлдан ҳечким юрмаган эди. Лойдаги туёқ ва оёқ излари шундайича қотиб қолган, «цена» ва ходалар ўйган чуқурликлар, станок бурчаги блан ўпириб тушиб кетган жой узоқдан қорайиб кўринар, ҳаммаёққа аста-секин қоронғи тушиб келар эди. Ана Қилтириқмахсум типирчилаган майса ҳам қорайиб турипти. Нусратилла бу жойларга кўз тикиб, алланималарни даҳшат блан ўйлади...

Арава янги кўприкни гумбурлатиб, равонгина ўтиб кетганда ўнг ёндан товуш эшитилди.

— Ҳорманг, экспедитор!

Нусратилланинг эси чиқиб кетди. Қоронғи эди, дарров танийолмади.

— Цементни ташиб бўлдингларми?

— Э-э, ўртоқ Надеждин, қаёқдан келаяпсиз, қани чиқиб олинг. Дрррр!..

Ефим Данилович араванинг ўқига оёқ қўйиб чаққонгина чиқиб олди.

— Ташиб бўлдик. Мана охиргиси.

— Чухласангиз-чи, пиёда юрган тузук эмасми бундан.

— Чух, жонивор!

Ефим Данилович бир оёғини буклаб ўтириб, олдинга тикилди. Узоқда ҳечнарсга кўринмас, лекин шаҳардан, қурилишдан ҳархил овозлар эшитилиб турар эди. Ефим Данилович камгап эди. У ўйга чўмди. Нусратиллани негадир қалтироқ тутди. Бу одамнинг жимлиги унинг кўнглига даҳшат солабошлади. «Қаёқдан пайдо бўлди? Пойлаб келган бўлса-я?» Нусратилла «Чойфуруш»нинг «лип» этиб ғойиб бўлганини энди тушунди.

— Станциядан келаяпсизми?

— Ҳа,— деди Ефим Данилович қисқа қилиб.

Улар бир-бирларига тескари ўтирар эдилар. Ефим Данилович экспедиторнинг саволларига «ҳа», ё «йўқ» деб қисқа-қисқа жавоб бериб, ҳамон хаёл суриб борарди. Похол қалпоқли Егор чол унинг кўз ўнгидан ҳамон кетмайди. Содда, лекин доно чол. Ефим Данилович унинг сўзларини эслайди: «Кўнгил — кўздай гап, ўғлим. Гоҳо у кўз кўрмагани ҳам кўрабилади. Кўнглинда қиттак хиралик бўлса кўзингга чўп тушгандай безовта бўласан киши. Кўнглинга хиралик тушиптими, ойнадек ойдин бўлмагунча тинчима». Қизиғи шуки, бу чол, одамга бу қадар меҳрибон чол, Қилтириқмахсумни бир кўришдаёқ нега буқадар ёмон кўриб қолипти? Ефим Данилович унга Махсумнинг ўлар ҳолда касалхонада ётганини айтганида, чол: «Чиён чўққа тушганда ўз нишини ўзига санчиб ўлади» деб жавоб берди.

Ефим Данилович станок воқиясидан кейин шубҳага тушиб, бугун ўша воқиа бўлган жойга борган эди. У, аввал, воқияни ўз кўзи блан кўрган қишлоқи болалар блан гаплашди. Кунгабоқардай япалоқ юзини сариқ сепкил босган бола унга «хўкиздай келадиган темир завод»ни

узундан-узоқ та'риф қилиб, унинг қизил жарга қандоқ гумбирлаб қулаганини юз, қўл ҳаракатлари блан ҳикоя қилиб берди. Кейин «Ишонмасангиз Егор бобо блан Мадали отадан сўранг» деб, чолларнинг уйини кўрсатиб қўйди. Мадали ота — ўша кунни Егор чол блан бирга жў-хорипоядан чиқиб келган кўкси очиқ чол эди. Ефим Данилович уларнинг икковини ҳам учратди. Улар қўшни экан. Чоллар бир-бирларига жуда ўшар эдилар. Уларнинг гапи Ефим Даниловичнинг кўнглидаги шубҳани яна оширди. Кўпроқ Егор бобо гапирди, Мадали ота бўлса унинг гапини мақуллаб турди.

— Ҳамма гап ўша қизил кўзда, — деди Егор бобо.

— Ҳа-ҳа, — деб мақуллади Мадали ота, — кўзи бежо эди ланатининг.

— Йўл буёқда, дедик, кўприк тузатилган, дедик, ҳой тўхта, дедик, йўқ, шунга қарамай чуқларди-да.

— Ёнидагилар-чи?

— Улар чена тагига хода тиқиш блан овора бўлди. Жар ёқасига келиб қолганини пайқашмади ҳам.

Кейин, юк қулаган жарлик ёнига бирга чиқдилар. Чоллар бир-бирининг гапини бўлиб, бўлган воқияни батафсил тушунтиришди, супурги соқол Мамажоннинг этиги лойга ботиб, пайтавасини йиғиштиролмай қолганларигача ҳикоя қилишди. Улар қайтиб кириб Мадали чолнинг супасида чой ичишди. Ефим Даниловични янги фабрика ҳақида гапиртиришди. Егор чол меҳмонга ўзи тўқиган похол қалпоқдан тақдим қилди.

— Кўнглинг сезган нарсага лоқайд қарама, ўғлим, тагига ет, — деди Егор хайрлашаётиб.

...Ефим Данилович аравада мудрагандай тебраниб, ўй суриб борар эди. Нусратилла томоқ қириб, отни чуқлаб, унинг елкасига қараб-қараб қўярди. Миясига бир фикр келгандай қўйнига секин қўл солди. Хитой қоғозга ўралган шишачаларга бармоғи тегди, тани жимирлаб кетди: «кўрган бўлсаю, ҳозир таппа-ташлаб, бўйнимдан бўғса...» деб ўйлади. Белидаги пичоқнинг қинини пайпаслаб қўйди.

— Чуқ, жонивор!

Олдинда чироқлар кўринди. Йўл гўристонни айланиб ўтиб қурилиш майдонидан чиқар эди. Ефим Данилович Жўрахоннинг қабри ёнида сакраб тушди-да «раҳмат» деб, қоронғиликка кириб йўқолди. От одатдаги йўлдан цемент омборига қараб бурилди.

Нусратилла цементни омборга туширганидан кейин тўғри конторага, инженер Добротворцевнинг олдига кирди. Инженернинг кабинети устахонага ўхшарди. Тўрт-бешта қия стол, ҳарбирининг тепасида лампа-чироқ, чертёж асбоблари, полда елим шишалари, қоғоз қийқимлари, қия столлардан иккитасида икки йигит бош кўтармай ишлаб ўтирипти. Инженер ўзининг катта столи ёнида бир тахта картонни қоғоз қалпоқли чироққа солиб чертёж ўқимоқда. Эгилиб қоғозга тикилганида силлиқ қирилган боши чироқда йилтиларди. Нусратилланинг оёқ товушини эшитгач, кўзойнагини олиб столга қўйди-да, бошини кўтарди.

«Уни қуручилар ёмон кўради. У сенга зимдан кўмакдош...» — эслади Нусратиллахўжа унинг ориқ юзига тикилиб. Чиндан ҳам у буердаги одамлардан биронтасига ўхшамайди, серташвиш, кўпинча ўйчан, нимагадир бош қотириб юргани-юрган. Нусратилла унинг чеҳраси очилган пайтини кўрган эмас. Қурилишга келганидан бери баттар ориқлаб кетди. Уни мажбур қилиб ишлатишаяпти, унинг кўнглида аламли норозилик қайнаб ётган бўлса керак...

— Цементни ташиб бўлдик, текшириб оласизми?

— Нимасини текшираман? Тайёр жадвал блан танлаб олганмиз-ку? — деди инженер ҳайрон бўлиб.

— Ҳар эҳтимолга қарши. Ҳаммага ҳам ишонавериш бўлмайди,— деди Нусратилла ва инженерга пастдан ўзича ма'нодор қараб қўйди.

Инженер унинг ғалати қарашига тушунмади.

— Бу нима деганингиз?

Нусратилла гап тополмади. Қия стол ёнида ўтирган йигитлардан бири хит бўлиб ўрнидан турди-да, Нусратиллага қаради, кейин «бема'ни гап блан ишга халақит бераяпсан» дегандай, кескин бурилди-да, бориб деразани очиб юборди. Нусратиллага худди: «ҳавони айнитиб юбординг» дегандай бўлди. Ташқаридан муздек тунги ҳаво кириб хонани тўлдирди.

Нусратилла буердагиларнинг тажанг кайфиятини сезгач, гапни юмшатишга шошилди.

— Текшириб олинадими, девдим-да, нозик нарса, нам ёқмас экан, шамоллаб қолиши бор. Ҳай, майли, ихтиёрингиз.

У, инженернинг ҳамон ҳайрон бўлиб турганини кўриб илжайди.

— Кечаси блан ишлайсизлар дейман, меникига киринг, инженер, чой қилиб берай... ё шуерга дамлаб кирайми?

Инженер анча тикилиб тургандан кейингина «рахмат» деди.

Нусратилла уйига чиқиб кетди. «Эпполмайман, забон йўқ» деб ўйлади у уст-бошини ечиб ирғитиб, «Чойфуруш»нинг ўзи бўлса болайди бунақа ишни. Ётиб, «Чойфуруш»нинг биринчи келган кечасини ўйлаб кетди. Ташқарида бирнима тижир этди. Нусратилла, юраги шув этиб, ўрнидан турди-да ташқарига чиқди. Эшикни очиши блан кучуги оёғига ёпишди. Нусратилла ўзини ташлаб юборай деди. Кучукни жон-жаҳди блан шундай аёвсиз тепдики, жониворнинг вангиллагани қоронғи кечада бутун маҳаллани янгротиб юборди. Ташқарида ҳеч гап йўқ эди. Нусратиллаҳўжа кириб ётди. Ит бечора аллақаяқларда оқсоқлаб югуриб ҳамон вангиллар эди.

Ўттизинчи боб

— Одам ўз кучини ишда билади!

Онахон «женотдел»ликка тайинланган куни Ефим Данилович унинг қўлини сиқиб шундай деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, кўз қўрқоқ — қўл ботир экан. Агар Онахоннинг зиммасидаги мас’ул ишларни унинг ўзига санаб, гапириб берсалар, эҳтимол у ваҳимага тушиб қолар эди. Санаб ваҳима қилиб ўтирмасдан шартта енг шимариб ишга тушиб кетилаверса-чи, ҳаммаси бажарилаверар экан, ҳаммасига куч етаверар экан. Жўрахондай одам бажариб келган кўп тармоқли, нозик, оғир иш — женотделдаги ишнинг ўзиёқ Онахонга дастлаб шундай салобатли кўриндики, у «ўзимни йўқотиб қўяман», «эпполмай қоламан» деб, кечалари ухлаёлмай чиқди. Тонг-азонда туриб идорага кетар, қоронғи тушгандагина, куни блан кетмон чопган одамдай чарчаб қайтиб келар эди. Унинг ишини енгиллатиб бермадилар, қайтага, иш устига иш қўшилди, шундай ишларки, бир-биридан мураккаб, бир-биридан янги; шундай ишларки, «эплайолармикинман» деб ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ, дарҳол бажаришга киришиб кетиш керак. Онахон ўзининг кучи, қобилияти ҳақидаги ҳархил мубҳам, гумонли ўйларни йиғиштириб қўйди, унинг вақти йўқ эди, иш ҳақида ўйлаш керак эди. Шундай қилиб, иш ўзига тортиб кетди, ўзи ўргатди, ўзи куч ва қобилият туғдирабошлади.

Манā эңдй, Қудратиллахўжанйнг йлгариги тўқув-йиги-рув устахонаси ўрнида фабрика қурилишининг ўқув-ишлабчиқариш комбинатини очиш керак. Бунинг қанақа иш эканлигини Онахон сра билмас, хаёлига ҳам келмаган эди. Горком бюросида бу ишни бирдан Онахонга топшириб қолдилар. Софья Борисовнанинг телеграммаси ҳам горкомга — Онахоннинг номига келди. Онахон янги бир қайноқ ишнинг ўртасига тушди-қолди.

«Мастер Пармузин Ҳожия уччовимиз йўлга тайёрланаяпмиз, ўқув-ишлабчиқариш комбинатининг аҳволини хабар қилинг ўпаман Софья».

Устахонага дарров бориш керак. Софьяга комбинатнинг ишга тушиш муддатини аниқ хабар қилиш керак. Комбинатда ўқийдиганлар аниқланган: десятниклар курсини битирган комсомоллар йигирув-тўқув ускуналарини монтаж қилишни ўрганадилар,— буларнинг раҳбари, демак — мастер Пармузин. Хотин-қизлар артелининг а'золари бутунича комбинатга кўчириб келтирилади, улар банкброш, ватер ва тўқув станокларида ишлашни ўрганадилар,— буларнинг раҳбари — Ҳожия. Буерда ўқиган хотин-қизлар оддий тўқучи бўладилар, Трехгоркада ўқиётганлар мастер бўлиб келадилар. Софья Борисовна ҳозирча комбинатда бошлиқ, кейин фабрикада бош мастер...

Женотделнинг режаси шундай — аниқ. Бу жиҳатдан ҳал бўлмаган масала йўқ. Броқ, мана, эски устахонанинг биносини комбинатга яроқли ҳолга келтириш, унга Иваново-Вознесенскдан келган машиналардан бирнечтасини вақтинча жойлаш... Бу ишлар ҳозир қурилишдаги кучлар ёрдами блан бошланиб кетгану, лекин муддати ҳали ноаниқ. Софьяга телеграмма берганда эса, худди мана шу нарса керак. Ишнинг бир чеккаси бўшаштириб қўйилган экан, телеграмма адолатли танқиддай бўлди. Энди асосий иш комбинатда бўлиши керак,— Онахон шундай қарорга келди.

Телеграммани сумкачасига солди-да, вестибюльда кабинетининг калитини постовой милиционер ёнидаги столга қўйиб, кўчага чиқди. Унинг узун, қалин сочи кўк дурра блан қўшиб, бошининг орқасига турмакланган, бу унинг юзини яна ҳам узунчоқроқ, иягини яна ҳам учлироқ қилиб кўрсатар эди. Қора бахмал камзули белини сиқиб, охорли қарға шойи кўйлагининг этагини ҳурпайтириб турарди. У илгаригидай ориққина бўлса ҳам, юзида бир

вақтдаги нимранглик йўқ, бироз қорайган, жилмайганда жуда ярашиб тушадиган, ўрта ёшдаги хотинларга хос енгилча ажин кўз ёнидан чеҳрасига қараб нурдай таралган эди.

Онахоннинг тиғиз, ташвишли ишларī кундалик ҳархил қувончлар блан аралашиб, унга кўп завқ бағишлар эди. Қувончлар блан ёнма-ён бўлган бу ташвишларнинг завқини у кўпдан тотиган. Бу — турмуш эди, унинг янгича турмуши эди. Мана қўлтиғида, сумкача ичида Софьянинг телеграммаси. Унда букуннинг ва келгусининг катта ишлари ҳақида ёзилган, охирида эса — «ўпаман». . . Бу сўз ҳам ўша иш ҳақидаги сўзлар орасига қўшилиб, бошқача катта бир ма'но касб қилипти. Шу сўз бўлмаса телеграмма чиндан ҳам чала, бир нарсаси етишмагандай кўринар эди. Бу ҳам — ишга алоқадор сўз, ахир Онахонни бу кунларга етказган — унинг Софья блан дўстлиги эмасми? Шундай бўлгандан кейин, бу дўстлик ҳар қадамда, ҳар ишда ўзини кўрсатиши табиий-да. Бу дўстлик катта, жиддий, ҳаётий ишлардан ажратиб бўлмайдиган бўлиб, Онахон турмушининг мазмунига киришиб кетган.

Онахоннинг ҳали шу бугун ҳам катта бир қувончи бор: у бугун ўзининг энг меҳрибон кишиси — Ефим Даниловичнинг чин юракдан қувонганини кўради.

Ефим Данилович Онахон блан кўришганда Софья ҳақида, уни соғинганлиги ҳақида очикдан-очик гапирмас эдию, Верочкасини тилга олганида унинг дилидаги нозик орзиқиш туйғусини Онахон ўзининг оналик қалби блан сезарди. Ефим Данилович блан Софьядай одамлар бир-бирларини соғинмасликлари мумкинми? Улар соғиниш ҳиссини бошқалардан кўра оғирроқ кечирадилар, лекин буни бировга билдирмайдилар. Буни Онахон Ефимни дастлаб таниган, ҳали Софьяни кўрмаган вақтларидаёқ пайқаган эди.

Онахон ҳозир Ефим Даниловичнинг Софьянинг йўлга тайёрланаётгани ҳақидаги телеграммасини кўриб қанчалик севинишини кўз олдига келтирди ва бундан ўзи ҳам севиниб кетди. «Буни бир қутилмаган вақтда қўлига тутқизаман. Ҳа, ҳали фабриканинг пойдеворига биринчи гишт қўйиш муносабати блан митинг бўлади, ўшанда бераман — шодлигига шодлик қўшилсин!» — деб ўйлаб қўйди Онахон.

Собиқ Қудратиллахўжовофуруш устахонасининг кенг ҳовлиси катта-кичик яшиқлар, қутилар, тахта блан мих-

лаб ташланган станоклар, машина қисмлари блан лиқ тўла. Кўчириб келтириладиётган фабриканинг ускуналари шугерга жойлаштирилган эди.

Устахонанинг томи очиб ташланган, кўча томонга деразалар очилган, янги ромлар қўйилган. Буерда қурилишнинг Башорат бошлиқ ёшлари, комсомоллар хўжайинлик қилмоқда. Улар қурилиш участкасидан ғишт, цемент ташиб, бинони қайта қурмоқдалар. Уртадаги йўлак олиб ташланиб, илгариги устахонанинг икки «цехи» катта залга айлантирилмоқда. Полда, бирнеча жойга станок пойдевори формаларига бетон қуймоқдалар. Бу залга ўқиш-ўрганиш учун ленточний машина, банкброш ва тўкув станогини ўрнатилиши керак.

Қурилишнинг комсомоллар оталигидаги бу «филиали»да иш бироз секин бормоқда эди. Чунки буерда жуда сёрташвиш одамлар ишлар эдилар: комсомолларга асосий ишдан бошқа жуда кўп қўшимча вазибаларни бажаришга тўғри келарди. Ёишт теришда «устаси фаранг» деб ном чиқарган Ҳафиз деган пакана, пучуқ, тажанг йигит ба'зан ўзларини асосий қуручи деб ҳисоблашмаганига жаҳли чиқиб, Башоратга дўқ ҳам қилади:

— Ефим Данилович, Ефим Данилович дейсан! Нима, Ефим Данилович худоми? Шиор ёз, газета чиқар, концерт қўй. . . Нима, биз қуручи эмасмизми!

Башорат буерда десятниклар курсини бирга битирган дўстларига, комсомолларга таянар эди. Бу десятниклар қурилишда ер ишлари битгандан кейин, шу комбинатда монтажчиликка ўқишлари керак. Шунинг учун улар «филиал»да серғайрат ташаббусчи эдилар. Энг зеҳнли ёш десятник Башоратни буерга бошлиқ қилиб қўйишни инженер Добротворцев таклиф қилди. Комсомол ячейкасининг секретари Башоратнинг кандидатурасига Ефим Данилович ҳам қарши чиқмади. Инженер буерда ҳар кун келиб, ишни кўрар, Башоратга кўрсатмалар бериб кетар эди. Башорат фақат инженер буюрган ишларнигина бажарар эди. Лекин пухта бажарар эди. Ёшлар уни ҳурмат қилар, гапига яхши қулоқ солар эдилар. Шунинг учун Добротворцев уни «филиалнинг кичик инженери» деса, Ефим Данилович «филиалнинг кичик секретари» деб атар эди.

Бугун уларнинг олдига вагон-ремонт заводи комсомол ячейкасининг секретари Абдисамат, қизлар билим юрти комсомол ячейкасининг секретари Ғайникамол, улар блан

яна бирнеча қизлар, йигитлар келишди. Келишдйю, бошқалар блан бирга устахонанинг йўлак деворини бузишга эмас, бошқа ишга киришишди, Башоратни ҳам, яна бирнеча комсомолларни ҳам ишдан чалғитишди.

— Минбарни безатиш керак, вот масала!— деди Абдисамат ҳовлиқиб.

— Янами? Яна Ефим Данилович буюргандир-а?— деди Ҳафиз қўлида андава блан келиб.

— Нима бало, митингдан хабарларингиз йўқми?— деб сўради Абдисамат ҳаммага савол назари блан қараб.— Ефим Данилович эмас, бутун шаҳар келади! Фабрика пойдеворига тантана блан биринчи ғишт қўйилади. Қани шиор, қани плакат? Вот масала!

Абдисаматнинг гапи буерда Башоратнинг гапидан ҳам обрўлироқ эди. У кўп вақт горкомкомсомол номидан келиб, муҳим топшириқларни бажаради, у жуда кўп комсомол ячейкаларида мажлислар ўтказган. Уни танимаган ёшлар жуда кам эди.

Устахонада ола-тўполон бўлиб кетди. Башорат контролага бориб, алвон, қоғоз, бўёқ, елим, линейкалар олиб келди, қизлар ўз боғларига, ўз ҳовлиларига гулга югуришди, Ҳафизни қўл ювишига ҳам қўймасдан магазинга, тиш порошогига югуртиришди.

Онахон дарвозадан кириб келганда ёшлар катта яшик устидаги брезентни текис жойга, қуёшга ёйиб олиб, бировлари алвонга шиор ёзмоқда, ба'зилари портрет ромларини гул ва яшил барглар блан безатмоқда, Абдисамат блан Башорат эса улар тепасида туриб, Ефим Данилович танлаб қоғозга ёзиб берган шиорларни ўқимоқда, қайсинини қайси алвонга ёзиб, қайси жойга осиш тўғрисида маслаҳатлашмоқда эдилар.

Башорат онасини кўриб:

— Ойижон!— деб югуриб бориб, уни қучоқлади. Кейин шу ондаёқ ўзининг буерда бошлиқ эканини эслаб, уялиб кетди, ўртоқларига қараб олди-да, жиддий туриб гапирди:— Биз митингга тайёрланаяпмиз...

— Келинг, Онахон опа.

— Салом!

— Яхшимисиз!

Башоратнинг сўзи бу товушлар ичида эшитилмай кетди. Онахон ёшлар блан саломлашиб, уларнинг ишларини кўриб ма'қуллагандан кейин, Башорат блан устахонанинг ичкарисига кирди. Бир вақтлар унинг даройи дўкони тур-

ган бурчакка кўчага очилган катта деразадан қуёш тушиб турарди, уерда станок пойдеворига бетон қуйиш учун темирдан катак-катак қилиб ясалган форма тайёр эди. Онахон тепага қаради. Сарик, ёғлиқ қоғоз блан тўсилган тепатуйнук ўрнига типтиниқ осмон кўринди — том очиб ташланган эди. Онахоннинг бу «цех»да Қилтириқмахсумнинг қизил кўзларидан юзини беркитиб, тепатуйнукдан тушган совуқ, хира, сарик қуёш нурига зор бўлиб, ёғоч дастгоҳ устида букчайиб ўтиргани қачон эди? Яқинда! Броқ ўн йиллар ўтиб кетганга ўхшайди. Мана шақилдоқ чалинганда паранжи уюми талаш бўладиган қоронғи, зах йўлак... Онахон унинг фишт полига тикилиб туриб қизига гапирди:

— Мана бу йўлакни албатта очиб ташланглар...

Башорат онасининг юзига қаради.

— Ойи...

— Ҳа, қизим?— Унинг ўйчан юзида ёқимли кулги пайдо бўлди. Қизининг елкасига қўлини қўйиб ўзига тортиди.— Цемент етарлими, қизим?

— Ҳа,— деди Башорат, рапорт бергандай тез гапирди:— экспедитор ўртоқ Кураев ўзи ташитиб берди. Фиштни ўзимиз ташиб олдик. Бугун митинг бўлгани учун...

Онахон қизига жилмайиб қараб турарди. Ҳозиргина ёш боладай «Ойижон» деб бўйнига осилган қизча, ҳозир мас'ул бир одам сифатида горком вакилига рапорт бермоқда. «Чиндан ҳам биз бутунлай, бошқача яшайбошладик» деб ўйлади Онахон, ўйладию яна ишдан гапирди.

— Қурилишдан ихтисосли бинокорлар сўраш керак.

— Нима, комсомолларнинг кучига ишонмаяпсизми?

— Ишонаман, лекин комбинатни пухта ва тез жиҳозлаб, ишга тушириш керак. Мана!— Онахон сумкасидан Софья Борисовнанинг телеграммасини олиб берди.

Башорат телеграммани ўқиб чиқди-да, кўкрагига босиб:

— Ойижон!— деб қичқириб юборди.— Мен ҳозир! У югуриб ташқарига чиқди.

— Ўртоқлар! Ўртоқлар!— деган овози эшитилди унинг.

Онахон ҳовлига чиққанда ёшлар Башоратни ўраб олишган, бўлгуси устозларнинг, мастер Пармузиннинг номини тилга олиб шовқин солишар, қувонишар эди. Онахон қизининг гапига қулоқ солди.

— Биз эртадан бошлаб бошқача ишлаймиз. Бизга қурилишдан мутахассислар келади!

Онахон ҳайрон бўлди, унинг энг қийин деб ҳисоблаган иши қурилишдан ихтисосли ишчилар олиш эди. Бунга қурилиш бошлиқлари осонгина унаб қўяқолмаслигини билар эди, чунки қурилишда ундай ишчилар етишмайди. Қизи бўлса болаларга ва'да бериб қўйди. Бу нима қилгани? Уйламай-нетмай...

Башорат ўтдай ёниб онасининг олдига келди. Бир нима демоқчи эди, онаси гапини бўлди:

— Ихтисосли ишчилар келади деб қўйдингми? Бу унчалик осон эмас, қизим.

— Буми, ойи, бу осон!

— Қандай «осон»?

— Ойи, мана шу телеграммани менга ўн минутга бериб турунг.

Онахон унинг қувончи ичига сиғмай типирчилаб турганидан «ҳозир Ефим Даниловичдан суюнчи олгани югурмоқчи, ишни унутди, бола-да, бола...» деб ўйлади.

— Қани, сен аввал гапир, қандай «осон»?

— Саккиз минутга бериб турунг, ойи, майли, етти минутга!— деб ялинди Башорат телеграммани кўкрагига босиб.

— Ефим Даниловичга мен уни ўзим бераман,— деди Онахон қўлини чўзиб.

— Майли, мен Эргаш акамни унатиб олай, кейин берасиз.

— Нимага унатасан?

— Ихтисосли ишчилардан беришга. Мен аввал «суюнчи» деб унатиб олиб, иннайкейин телеграммани кўрсатаман. У суюнганидан уч эмас, беш уста ҳам бериб юборади! Ойи, хўпми?

Онахон телеграммада Ҳожиянинг ҳам номи борлигини эслаб, қизининг қувлигига энди тушунди. Кулгисини тиёлмай, қизининг елкасига қоқаман деганда, Башорат учди-кетди, дарвозада унинг қизил қўйлагининг этаги ёлқиндай кўриниб қолди, холос.

Онахон митинг бошлангунча Қумриникига кириб чиқмоқчи бўлди. Ҳозир Найманча хотин-қизларининг «жўрабоши»си Қумри эди. Бу ўздан-ўзи шундай бўлиб қолди. Артельда, хотин-қизлар клубида, қурилишда Онахон у блан учрашаркан қўшниси Қумри келиноий блан гаплашгандай эмас, Найманчанинг вакили блан гаплашгандай расмий, талабчан муомала қиладиган бўлди. Унга гоҳо бирор хотиннинг ҳовлисига бориб аҳволдан хабар

олишни, гоҳ бирор оила жанжални текшириб келишни буюрар эди. Қумри женотделнинг вакили сифатида эмас, маҳалланинг катта ёшли, кўпни кўрган хотинларидан бири сифатида, Жўраҳон ва Онахон изидан борган обрўли, артельчи, очиқ хотинлардан бўлиши сифати блан бундай топшириқларни пухта бажариб келар эди. Ҳозир Онахон унга янги топшириқ бермоқчи бўлиб кирди. Найманча хотин-қизлари орасида Жўраҳоннинг қабри атрофини гулзор қилиш ҳақидаги гап анчадан бери бор эди. Эрта куз — бунга жуда қулай пайт. Қумри шуни уюштириб юборсин.

Қумри ҳовлисидаги тут тагида кичик ўғилчасини эмаль тоғорада чўмилтираётган экан. У Онахонни кўриб, этагини липасидан чиқарди-да, совунли қўлларини ёзиб кўришгани қулоч очди. Унинг кенг ёноқли юзидаги илгари туғма деб ҳисобланган доғлар битиб кетган, тўлишиб, ажинлари камайган, қулоқ ортидаги кумушдай оқ аралаш сочи, ишчан, жонли, қизғиш-қора чехрасига ҳусн бўлиб тушган эди. Онахон унинг чехрасида оналарга хос илиқ бир чирой борлигини илгари пайқаманган эканми, ё бу чирой энди пайдо бўлдими — ишқилиб ҳозир унинг «Қумрихунук» дейдиган жойи йўқ эди. Онахон бир вақтлар ўзи ҳам уни шу лақаб блан атаганини эслаб, ўз виждони олдида ўзини ўнғайсиз сизди.

Қумрининг иккала ўғли ҳам яланғоч, каттаси тут тагида навбат кутиб тикка турар, кичиги бўлса қуёш иурида ранго-ранг жимирлаган кўпикни ўйнаб, тоғорада ўтирар эди. У қувониб, типирчилаб, акасининг юзига сув сачратар, акаси кўзига совун кўпиги кириб ачиштира са ҳам жаҳли чиқмай, укасининг жингалак сочини ишқаб кўпиртирар, буни бир ўйин деб завқланганиданми ё укасига меҳрибонлигиданми, ишқилиб, машғулотига астойдил берилган эди.

Онахон болаларга ҳавас блан қараб жилмайди. Онанинг ўзи ҳам болаларига ҳаваси келиб кетди.

— Байрамга чиқамиз деб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти. Қаёқдан ҳам эшитақолипти булар,— деди Қумри болаларини койиб. Аслида бу койиш койиш эмас, қувонч эканлиги билиниб турарди. Озода ва ясанган ўғилчаларини етаклаб тантанали митингга чиқиш болалардан ҳам кўра Қумрининг ўз кўнглида бир ҳавас эди.

— Бутун шаҳар билганда булар нега билмас экан,— деди Онахон болаларни кўзи блан эркалаб. Ўзи эса ўй-

лади: «Шаҳарда катта тарихий воқиалар бўлганда, бу болаларгина эмас, Қумрининг ўзи ҳам, менинг ўзим ҳам ичкарида ҳечнарсадан беҳабар ўтирган вақтларимиз бор эди. Энди буюк воқиалардан хабардоргина бўлиб қолмай, уларнинг иштирокчисимиз, катта воқиаларнинг ташкилотчиси ўзимиз». Онахон қий-чув қилиб сув сачратиб ўйнаётган болаларга яна қаради. Бир вақт бўйра блан тўсилган айвоңда кир, ифлос оч бўлишларига қарамай қоринлари дўмпайган, ингичка бўйинли, эгри оёқли шу болаларнинг кўзларини мўлтиллашиб турганини эслади. «Исқирт бўл-маса етим бўладими?» Ким ҳам айтган эди-да шу гапни? Қумри бундан эсдан чиқармаган бўлса керак, она бўладию бундай гапни эсдан чиқарадими. Лекин ҳозир Онахон бу гапни ким айтганлигини Қумридан сўрашга ботинмади.

Қумри унинг бу ўйларини пайқагандай, Анзираткам-пирнинг номини тилга олиб қолди.

— Уйига бордингизми?— деб сўради Онахон.

— Бордиму... ўзи келмай қўйди. Камгап, қовоғи солиқ.

— Сизгами?

— Назаримда..: менга эмас, ўзига. Ичида ўзини қойиёпти. «Юз ўғирди деб ўйлай кўрманглар, ҳаммангларни ўз синглимдай яхши кўраман, дейди, лекин мени энди қўяқолинглар, эллик тўққиз йилдан бери паранжидаман, паранжида ўтақолай, оз қолди» дейди.

Онахоннинг кўзлари ўйчанланди.

— Эллик тўққиз йил...— деди у паст овоз блан, ўзига ўзи гапиргандай.— Чиндан ҳам унга қийин. Хотин кишининг пешонасига ёзилгани шу экан деб, 70 йил яшаган одам. Эллик тўққиз йилда қоронғилик эмас, ҳарқандай заҳар ҳам одамнинг суяк-суягига ўтиб кетиши мумкин... Лекин айтмадингизми: қолгани оз бўлса ҳам ўша эллик тўққиз йилдан минг марта афзал, ёруғ, минг марта қадрли, завқли, бахтли! Айтмадингизми...

— Айтдим. Оз қолди, худо сабр-тоқат берса ёруғликни у дун'ёда кўрарман, дейди.

— Сабр-тоқат? Демак у бетоқат. Демак очилиш кўнглида бору, ўзини зўрлаб, тийиб турипти. Тоқати тугаган, худодан кутади. Тўхтаб туринг, Қумри келинойи, худо тоқат бергунча, биз унинг кўнглига кириб борамиз. Унинг кўнгли биз томонда. Қаёқдаги хаёллар блан ақли кўнглини босиб турипти. Унинг тили блан эмас, дили блан гаплашиш керак.

— Рузвон қурғур бўлганда гаплашар эди, у уста эди.

— Сиз унга паранжи ҳақида кўп ҳам гапирманг, майли. Лекин ўзингиз борган жойдан қолдирманг. Мажлисга ҳам, митингга ҳам, байрам-тантанага ҳам бирга олиб чиқишга урининг. Унга гапиришдан кўра ҳам кўпроқ кўрсатиш керак. Одам умридаги эллик тўққиз йиллик зулматни икки оғиз насиҳат блан кўтариб ташлаб бўлмайди.

— Эллик тўққиз йил... — деди Қумри ҳам ўйлашиб. — Сиз нечага кирдингиз, Онахон?

— 37 га. Сиз-чи, Қумри келинойи?

Қумри уҳ тортиб жавоб берди:

— Йилим маймун, мучалим тўрт айланди. Мен ҳам, ўйлаб қарасам, эллик йил от думини ҳидлаган эканман. — Қумри Онахонга яқин келиб кўзига қаради, қўлларидан ушлади. — Толининг баланд, синглим, кўз тегмасин. Биз илгарироқ туғилиб қолган эканмиз-да.

Онахон уни қучоқлади, кўзларини катта очиб узоққа қаради.

— Бундан кейингилар-чи, Қумри келинойи!

— Қизларинг! Башоратинг! Турсунойинг! Туғиладиган пайтни зап танлаб, мўлжалига уришган экан, омон бўлгурлар.

— Сизнинг ҳам ўғилларингиз бор, Қумри келинойи.

Қумри болаларига қаради.

— Қиз кўрмаганимни умримда бирдан-бир қувонч деб билар эдим, энди ачинаман.

— Мен аксинча... — Онахон тут тагига бориб ўтирди.

Қумри совқотган боласини илиқ сув блан ювинтиришда давом этди. Тиниқ сув боланинг юмшоқ қора танидан маржондек юмалаб-юмалаб, оқ эмаль тоғоранинг четидан сачрар эди. Онахон ўйчан давом этди:

— Қараб турсак, у вақтлар бизга замоннинг ўзигина эмас, ҳамма нарса, кун ҳам, борингки ўзимизнинг ўй-тушунчаларимиз ҳам тескари бўлган экан, Қумри келинойи. Мен қиз кўрганимга ўқинар эдим, қайсиниси қайсибир бўйни йўғоннинг эшигида чўри бўлади шўрликлар, деб ўйлар эдим. Қарабсизки, ҳамма нарса ўнгидан келди-қўйди, замон ҳам бизга боқди, кун ҳам, толиимиз ҳам...

Қумри ёш келиндай шўхлик блан, устидан сув оқиб турган дўндиқ боласини типирчилатиб кўтариб, супага ёстиқ устига ёйилган чойшапга олиб бориб ўтқазди. Сув-

да роҳатланган боланинг қора тани қордай оппоқ чойшапта яна ҳам тимқора бўлиб ялтирарди...

Онахон ҳовлидаги ўзгаришларга разм солди. Илгари қурғаб ётган ҳовли юзаси энди қопқора сурмадай қилиб чопиб ташланган, ўргадан янги ариқ олинган эди. Ариқ бўйидаги соя жойда бирнеча туп кўчат томирида нам тупроғи блан ерда ётипти.

— Нима кўчат, Қумри келиноғи, нашватими?

— Йўқ, гул.

— Вой, гул ҳам шунақа дарахтга ўхшаган бўладими?

— Бўлар экан, Онахон. Серин дер экан отини. Ҳаворанг бўлар экан гули, дарахтдай кўчат қилиб қўйсанг ҳар йили эрта баҳордан гуллайверар экан. Баргини айтмай-сизми, тиниқ, қуюқ, чанг олмас экан. Поччангиз буни рус отахониникидан олиб келди. Икки йилча бурун, стансадаги рус отахонимнинг уйида аломат гул ўсади, деб, бир та'рифни қилган эди. Тунов куни эсимга тушиб, қўярда қўймай опкелтирдим. Ўзи ҳам ҳориб-чарчаб, хансираб зўрға кўтариб келипти. Ҳаммол ҳам юкдан чарчар экан, деб кулсам, жаҳли чиқди бояқишнинг. Чарчаб турганида, оғзим қурғурдан беҳос чиқиб кетган экан. Кейин гапимга пушаймон бўлдим. Қарасам гапим айил ботипги чол бечорага. «Ҳамма Мамажонбетончи десаю, сен ҳали ҳам ҳаммол деб масхара қиласан, «Мамажонҳаммол» йўқ, ўлган!» деб ғудағайлаб берди.

Онахон блан Қумри кулишди.

— Чолингиз ҳам яшариб кетипти, сиз орзу қилган қизингизни ҳам кўрасиз, келиноғи,— деди Онахон тегишиб.

— Вой, шўрим,— Қумри хахолаб кулиб юборди. Унинг «шўрим» деганидан шўр эмас, шундай қувноқлик янградик, афтидан, Қумри яна қиз кўришига умиди йўқ эмас эди.— Бизнинг шу кунимиз ҳам осмондан оёқ узатиб тушган бахтдай текин, синглим, Мана сизни айтсам бўлак гап. Сиз ҳали...

Қумри гапини бўлди. Бу гап тўғри келармикан деган андишага бориб, жим қолди. Онахон сал қизариб, ерга қараб турарди.

— Мен бефаросатни койима, Онахон синглим... Собижонингни ўз укамдай билардим. Саккиз йил эмас, саксон йил ўтса ҳам кўнглингдан чиқмаслигига ишонаман... Лекин гоҳо сенга қараб-қараб тураману... ёш,

ақли-фаросатда тенги йўқ, ҳусни, қомати расо, соғлом, олмадеккина жувон...

— Қумри келинойи! Гапирманг, йўқ, бас қилинг бу гапни...

Улар жим бўлиб қолдилар. Бу жимлик Онахонга ўзи ҳақидаги ҳозирги гапнинг аҳамиятини ошириб юбораётгандай туюлди. Шунинг учун у гапни дарров бошқаёққа буришга шошилди. Кўзи кўчатларга тушиб яна шу ҳақда гап бошлади.

— Мана шундоқ дарвозадан кираверишга ўтқазсанглар ҳовлини очвораркан. Мамажон акамларга айтинг, шунақа қилсинлар.

— Вой, у кишиникимиди бу? Узимники!— деди Қумри.— Узларини ака деб, эчкиларини така деб зўрға опкелтирдим. Жўраҳоннинг қабри ёнидаги гулзорнинг беш бурчагига бешта, санаб қўйганман-а, Онахон, айланай!

— Шунақами?!— деди Онахон кўзларини катта очиб. Кўчатлар ёнига бориб, баргларига тикилиб қаради, бирини тикка қўйиб бўйини чамалади.— Ҳар йили гулларкан денг? Жуда яхши! Жуда яхши, Қумри келинойи!

— Инженер кўрсатган жойни беш бурчак қилиб чошиб, ариқ ҳам ўтказиб қўйдик. Хотинлар кузда тутадиган гуллардан олиб келишадиган бўлишди. Бугун байрам экан, эртадан бошлаб экамиз.

Онахон Қумрини қучоқлаб, бироз ма'юс завқ блан гапирди:

— Яхши, опажон! Биз уни гуллар блан чулғаймиз! У сра сўлмайдиган гуллар ичнда, ҳаммавақт тирикдай, кўз олдимизда туради...

Бу вақт қурилиш майдони томонидан духовой оркестрнинг Октябрь байрамида чаладиган маршга ўхшаш тантанали садоси эшитилди.

— Болаларни кийинтиринг,— деди Онахон.

Қундуз соат иккида фабрика қурилиши майдони одам блан тўла эди. Қурилиш участкасига келадиган кўчаларга тикилиб қолган оломон шаҳар меҳнаткашларининг, ишчи, ўқучи, хизматчиларнинг колонналарига зўрға йўл очиб бермоқда, колонналар уч дарвозадан оқиб кирар эди. Дарвозалар уларни катта ҳарфлар блан ҳайқириб турган шиорлар блан кутиб олар эди. Найманчанинг томлари, деворларининг устлари хотин-қиз, бола-чақа блан тўлиб, узоқдан олачипор бўлиб кўринар эди.

Котлованнинг нариги томонида тахтадан, пастаккина, сахнадай кенг қилиб ишланган минбар. Унинг икки томонида барча колонналарнинг байроқлари тўпланган кичкина майдончалар гулхандай ёлқинланар эди. Шу икки гулхан ўртасидаги минбарнинг тепасида гул ва ямшиил барглар блан безатилган икки катта портрет — Ленин, Сталин. Минбарнинг ўзи ҳам шундай сарин барглар ва гуллар блан чамбарак қилиб ўралган, унда турган одамлар худди гулзор ичида тургандай кўринар эди.

Бир томонда минбар, бир томонда қудратли товуш блан гувиллаб турган халқ, ўртада эса катта чуқур котлован. Унинг атрофига қозиқлар қоқилиб, офтобда ипакдай оқариб кўринган янги арқон блан ихота қилинган. Икки чеккасига тоғдай тупроқ чиқарилган бўлса ҳам, бугун котлованнинг атрофи ва бутун майдон ёғ томса ялагудек озода, тантанали бир руҳда ясатилган эди.

Майдон тўлқинланар, гувлар, узоқ-яқинда қўшиқлар, музыка, сурнай товушлари ҳали тинмаган эди. Онахон тигиз майдонни оралаб ўтиб, минбар томонга қайрилди. Минбардагилар қуёшдан кўзлари қамашиб, сон-саноқсиз халққа қарашар, бир-бирларига нималарнидир гапирар эдилар. Уерда шаҳарнинг партия, совет ва жамоат ташкилотларидан вакиллар бор эди. Онахон Мансуровнинг ёнида пайдо бўлди. Мансуров блан Ефим Данилович уни ўртага олиб ниманидир узоқ тушунтирдилар, Онахоннинг юзида қувончли ҳаяжон сезилди. У «хўп» дегандай бош силкиди-да, бир чеккароққа туриб, халққа қаради. У Добротворцевнинг ёнида туриб қолган экан, қайрилиб қараса инженер нозик илтифот блан, сал эгилатушиб қўл узатиб турипти, улар қуюқ кўришдилар ва гаплашиб қолдилар.

Мансуров соатини Ефим Даниловичга кўрсатиб, бошини баланд кўтариб узоқларга қаради-да, бир қўлини кўтарди. Майдонда шовқин ва қўшиқлар тинди. Шаҳар ижроия комитетининг раиси меҳнаткашларга мурожаат қилди. У ҳар сўзини алоҳида-алоҳида айтиб, майдоннинг дам у томонига, дам бу томонига қарар, овози борича қичқириб сўзлар эди. Кенг майдонда овоз узилиб-узилиб эшитилар, узоқдагиларга ба'зан сўзлар англашилмай қолар, шундай бўлса ҳам халқ нотиқнинг юзидан ҳамма гапни тўла англагандай, тинч туриб қулоқ солар эди.

— Кўҳна қабристонга ёндош бўлган, ёввойи ўт-алаф, ахлат босиб ётган бу ташландиқ ернинг ўлик жимлигини

узоқ йиллардан бери ҳечким бузаолган эмас эди,— деди у ҳар сўзида чуқур нафас олиб.— Жонажон Совет ҳукуматининг қарори блан, большевикларнинг иродаси блан, улуғ оғамиз рус халқининг қардошларча ёрдами блан шаҳаримиз меҳнаткашларининг озод, завқли меҳнати блан бугун буерда республикамизда социлистик тўқимачилик саноатининг тўнғичи йигирув-тўқув фабрикаси пойдеворига биринчи ғишт қўйилади!

Мансуров кучли янграган қарсақлар остида шаҳар ижроия комитети номидан, шаҳар партия комитети номидан шаҳар меҳнаткашларининг тантанали митингини очди.

«Интернационал» куйи қарсақларни босиб, бирпасда тинч майдонда ҳукмрон овозга айланди. Бу овоз бутун майдондан кўтарилиб чиққандай янграр, гўё унинг қудратини ифодалар эди. Ҳечким қимир этмас, фақат минбар ёнидаги котлован тупроғи орқасида новча Абдисаматнинг чўп тутган қўли куйга ҳамоҳанг равишда силкинарди.

Шаҳар меҳнаткашлари номидан вагон-ремонт заводининг кекса ишчиси Пахомич сўзлади. Эргаш қуручилар номидан сўзлаган жавоб нутқида қурилишнинг дастлабки ишларини бажаришга ғайрат блан ёрдам берганлари учун шаҳар меҳнаткашларига раҳмат айтди ва қуручилар коллективининг янги корхонани тез сур'атлар блан қуриб битиришига ишонч билдирди.

Кейин партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қурилишга асос солиш ҳақидаги актни шу минбарнинг ўзида имзоладилар. Актни Ефим Данилович ўқиб берди. Унда шундай дейилган эди:

«1925 йил, 29-нчи август.

Бугун ушбу жойда шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари шаҳар меҳнаткашлари блан бирликда жумҳуриятимизда биринчи тўқув-йигирув фабрикасининг пойдеворига ғишт қўйиш маросимини ўтказди.

Тўқув-йигирув фабрикасининг қурилиши ўтмишда эзилган миллатларнинг, чунончи ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатишга қаратилган ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг амалий натижасидир. Марказий Россиядан кўчириб келтирилган бу корхона улуғ рус халқининг қардош миллатларга ғамхўрлиги ва улуғ халқлар дўстлигининг моддий ифодасидир. Бу

фабрика, ҳукумат томонидан хомаш'ё базасига бевосита яқин жойларда қурилиши мўжалланган қатор янги социалистик корхоналарнинг тўнғичидир. У халқимизни юқори сифатли газлама блан та'минлабгина қолмай, миллий пролетариатнинг кадрларини тайёрловчи ўчоқ ҳам бўлади, республикамизда ёш ишчи синфининг сафларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Фабрика минглаб ўзбек хотин-қизларини «ичкари» ва паранжи асоратидан озод қилиб, уларни жамоат-ишлабчиқариш ишларига жалб этишда катта роль ўйнайжак».

Акт, имзолангандан кейин, инженер Добротворцевнинг қўлига ўтди. У ҳужжатни найча қилиб ўраб, темир қувурча ичига солди. Унинг ёнида чўғдай қизитилган чўкич ва омбир ушлаган, комбинезон кийган ёш ишчи пайдо бўлди. У қувурни қўлига олиб бир нафасда учини пайвандлаб бекитди. Олдинга Онахон чиқди. Унга оқ фартук кийдирдилар.

Онахон ёш ишчининг қўлидан темир ховури чиқиб турган қувурни, иккинчи қўлига эса Добротворцев ушлаб турган болғани олди. Халқ тўла кенг майдонда тантанали сукут ҳукм сурмоқда, фақат икки ёндаги байроқларгина енгил ҳилпираб турар эди. Онахон тахта зинадан салмоқ блан юриб котлован шурфига тушабошлади. Эргаш блан Ефим Данилович унинг орқасидан юрдилар. Шурф ёнида қўл тегса жаранглаб кетгудай қуруқ, қизғиш, озода, пишиқ ғиштлар ва бир пақир қорилган цемент турарди. Онахон эгилиб, қувурча ва биринчи ғиштнинг ўрнини мўлжаллади. Унинг ёнида Ефим Данилович ғишт, Эргаш эса андавада цемент ушлаб турарди. Онахон жим турган халққа қаради. Унинг юрагидан тўлқинланиб келган сўзларнинг ҳаяжони кўзларида билиниб турарди.

— Уртоқлар! Мен шу тантанали жимликка келгусида мана шу жойда қад кўтарадиган салобатли, чиройли корпусларни, фабрикамизнинг равон, хиёбонли йўлларини, кўп қаватли ёруғ уйларни, кумуш фонтан атрофидаги гулзорларни, бахтли, қувноқ тўкучи опа-сингилларимни кўз олдимга келтирдим. Фабриканинг пойдеворига биринчи ғишти мана шундай келажакни орзу қилган жасур ўртоғимиз Жўраҳон қўйиши керак эди.— Онахон котлован рўпарасидан, халқ ҳурмат блан четланиб, ярим доира қилиб ўраб турган қабрга қаради.— Келажакимизнинг ҳозир кўз олдимизга келиб турган мана шу бутун гўзаллиги қаҳрамон дўстимизга абадий ёдгорлик бўлсин!

Жимжит турган майдонда бирдан қарсақ гумбурлаб кетди. Онахон ғиштни ва цементли андавани қўлига олиб эгиларкан, кўзидан бир томчи ёш юмалаб тушди. У цементни чаққонлик блан тўкиб, ёйди-да, биринчи ғиштни авайлаб қўйди, болға блан тиқ-тиқ этиб урди. Кейин иккинчисини, учинчисини. . . Темир қувурча ғишлар орасида қолди. Онахон цементни андава блан текислаб, бошини кўтарганда қарсақ ҳамон давом этарди. У минбарга қайтиб чиқиб халққа қаради-да, қарсаққа қўшилди. Тантанали олқишлар яна ҳам кучайиб узоқ давом этди.

Митингдан кейин халқ сайли бошланиб кетди. Қўшиқ, ноғора базм, музыка авж олди. Майдоннинг бирнеча жойида халқ доира бўлиб олган эди. Доираларда ёшларнинг шўх оёқ ўйинидан чанг кўтарилди. Абдисаматнинг оркестри майдонни янгратар, карнай-сурнай, ноғора товушларини босиб тушар эди.

Ҳали ҳам ҳаяжондан тушмаган Онахон минбар зинаси ёнида Ефим Даниловичга Софьянинг телеграммасини берди-да, ўзи қаёққадир йўқолиб кетди.

Эргаш блан Ефим Данилович раҳбарларни, меҳмонларни кузатиб қўйгандан кейин майдон чеккасидаги бир дарахт тагида туриб халқ сайлини тамоша қилдилар.

Эргашнинг кўз қарашлари жонли, ҳарнарсаса қаҳқаҳлаб кулар, узоқдан эшитилган қўшиқларга жўр бўлиб, аҳ'ён-аҳ'ёнда хиргойи қилиб қўяр эди. У Ефим Даниловични ўйин-кулги бўлаётган давралардан биронтасига судрамоқчи бўлди. Ефим Данилович начальникнинг бугун бирдан бу қадар шод ва шўх бўлиб қолганига, бу шодлиги ҳақида ўзи сра гапирмаётганига ҳайрон бўлиб қарадию, жойидан жилмади. Бу орада рўпарадаги тўпда ўйинга тушаётган Галя қўлини белига қўйиб, тапир-тупур ер тепганича Ефим Данилович блан Эргаш томон юрди. Унинг икки ўрим сочи кўкрагига тушган, яланғоч тиззалари калта кўк юбкасини кўтариб-кўтариб ташлар эди. Бир оҳангда қарсақ чалиб турган доира ҳам раққоса блан бирга ёппасига бошлиқлар томонга аста жилиб келаверди. Галя Эргаш ва Ефим Даниловичнинг рўпарасида тўхтаб қизил чувак кийган чиройли оёқлари блан текис ерни ноғора вазнида дўпирлатди. Доирадагилар энди Галяга эмас, бошлиқларнинг ўртага чиқишини талаб қилиб қарсақ чалар эдилар. Галянинг ноғора чертгандай аниқ, пухта дупур-дупурига бирдан қўпол этикнинг гуп-гупи қўшилди, майдон чангиб кетди, оёқ остларига шағаллар учди. Урта-

га Ефим Данилович чиққан эди. У чўккалаб туриб шўх йигитлардай мўйловини силаб, йўрғалаб кетди. Қарсак, қувноқ қийқириқлар тобора кучаяр, Ефим Данилович қўпол этигининг қўнжига уриб-уриб қўяр, пошнасидаги нағал йилт-йилт этар эди. Уйин билмаган Эргаш ҳам сатанг-намо шох ташлаб доирани айланиб кетди, шовқин яна авж олди. Нарироқдаги доиралар бузилиб, одамлар шу тўпга ёпирилдилар. Броқ, Ефим Данилович тез чарчаб қолиб четга тисарилди. У чиққандан кейин Эргашнинг ўйини вазнга тушмай қолиб, у ҳам ўзини четга урақолди. Доирага қизлар чиқди.

Ефим Данилович блан Эргаш «қутилдикми» дегандай кула-кула четроқдан тамоша қилабошладилар.

— Ефим Данилович,— деди Эргаш даврага бўйинни чўзиб қараганича,— бугун жуда хурсанд кўринасизми?

Ефим Данилович ҳансираганича қошини чимириб, Эргашнинг юзига тикилди.

— Тўхта-тўхта... ўзинг-чи?!

— Ҳа, менга нима бўпти? Кундагидайман.

Даврадагилар яна Ефим Даниловичга «осилдилар». Уйинчилар унинг рўпарасига келиб оёқ тепишар, қарсак кучаяр, ундан-бундан ҳазил-мазах товушлар эшитилар эди.

— Уйнаб қолинг, Ефим Данилович!

— Эртами-индин Софья Борисовна келиб қолиб жинглигини тортиб қўяди.

Кулги кўтарилди. Ефим Даниловичнинг ўзи ҳам маза қилиб кулди.

У ўйнамоқчи эмаслигини билдириб, Эргашга гапини давом этдирди. Доирада масхарабозроқ ўйинчи чиқиб қолиб, халқ буларни унутиб қўйди.

— Ҳар кундагидайман, дегин?! Бекор айтибсан, солдат. Билиб турибсан-ку, иккаламизнинг ҳам шодлигимиз мана бундан,— Ефим Данилович телеграммани кўрсатди.— Нега ичингдаги қувончни кўпчиликдан яширишга уринасан?

— Менинг шахсий қувончимнинг кўпчиликка нима қизиғи, нима дахли бор, Ефим Данилович.

— Ия, мана бу телеграммани кўргандан кейин суюнчисига қурилишнинг тўртта устасини УПКга бериб юбордингиз, бу ҳам шахсий қувончингизнинг кўпчилик ишига дахли йўқлигиданми?

Эргаш ҳайрон бўлди.

— Дарров қаёқдан билдингиз, Ефим Данилович?
— Биламиз-да, шунақа! Шодликни яшириб бўлмайди.
— Усталарни бериб нотўғри қилибманми, Ефим Данилович?

— Тўғри қилибсан, менинг назаримда. Лекин Ҳожиянинг келаётганидан қувонганини нега яширасан, нега гапирмайсан? Ҳой жинни, гапир, баралла гапиравер, ҳамма эшитсин. Сенинг қувончинг халқнинг руҳини завқлантирмайди деб ўйласанг бекор қиласан!

— Ефим Данилович!.. — Эргаш ҳозир бу ажойиб одамни оловли қучоғига олишга тайёр эди.— Ефим Данилович..

— Оғзингнинг танобини торт, начальник,— деди Ефим Данилович уни секин бирёққа бошлаб. Улар қўлтиқлашиб, анчагача жим юрдилар.— Менга қара,— деб яна гап бошлади Ефим,— сен турмушимизда ажойиб бир янгиликнинг нишонасини сезаяпсанми? Шахсий деб ўйлаган нарсаларимиз — ҳам шахсий, ҳам умумий; умумий деб ўйлаган нарсаларимиз — ҳам умумий, ҳам шахсий бўлиб кетапти. Я’ни чамбарчас! Фаҳмлаяпсанми..

— Тўхтанг, ё сиз аралаштириб юбордингиз, ё мен фалсафага йўғроқман. Нима, нима дедингиз?

— Мана, фабриканинг муваффақиятли қурилиши Ҳожия блан икковингизга ҳам бахт-а, шундайми, иккинчи томондан, Ҳожия блан сенинг севгинг, тотув ва яқдил бўлишинг эса фабриканинг муваффақиятли қурилишига ёрдам беради. Хўп дегин, шунақами?

— Шунақа, шунақа, Ефим Данилович. Лекин Софья Борисовна блан сизнинг қувончингиз ҳам...

— Ҳа-да! Ҳаммамиз! Айтаяпман-ку, я’ни чамбарчас.

— Ҳа, ҳаммаси аралаш-қуралаш.

— Йўқ, аралаш-қуралаш эмас, қонуний, мана худди Абдисаматнинг оркестридагидай. Бирёқда, қарасангиз — бас, я’ни карнай — гуп-гуп деб турипти, бир томонда ингичка флейта, я’ни най товуши. Узоқдан эшитсангиз ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, чиройли, қулоққа ёқадиган оҳанг янграйди.

— Тўғри, Ефим Данилович, «аралаш-қуралаш» деганим чакки, айтаяпман-ку, фалсафага йўғроқман деб.

Ефим Данилович ўйланиброқ, муштини қисиб силтаб, ўзича гапирди:

— Фалсафа ҳам эмас бу.. бу турмуш.. янги турмуш.. Айтганча, фалсафа деганинг ҳам тўғри, буни китоб

қилиб ёзса бўладӣ, я'ни таҳлил қилиб. Мен шундай гапларни кўп ўйлаб юраман.

— Ефим Данилович, сиз ёзсангиз ҳам ажойиб китоб ёзар эдингиз-да!

— Мана айтайлик, Жўрахоннинг ўлими. Бир шахснинг ўлими. Илгари бўлса онаси, қариндошлари аза тутиб қўяқоларди. Ҳозир-чи, йўқ! Бу бир шахснинг ўлими эмас, бу бутун халқ мусибати. Шу блан бирга, у паранжи ташлашни оммавий тусга киритиб юборди... Онахоннинг бугунги гапини эшитдингми! Халқнинг дилидагини айтди...

Улар идорага етгунча Онахон тўғрисида гаплашиб бордилар. Идорада уларни инженер, прораблар, усталар қуршаб олди. Гап эртаги иш ҳақида эди. Эртадан фабриканинг пойдевори кўтарилабошлайди. Тайёргарликни яна бир кўриб чиқиш керак эди. Кечқурун бўладиган партия мажлисида ҳам масала шу.

Ефим Данилович ўз кабинетига кириб, мажлисга тайёрланабошлаганда, Эргаш яна кириб келди.

— Ефим Данилович,— деди у паст овоз блан.— Махсум касалхонадан чиқиши блан ишини судга ошираман. Мен аниқ қарорга келдим.

— Мен ҳам. Лекин ўртоқ Қаримов, касалхонадан чиққунча катта бир янгилик бўлади, деб ва'да қилди. Шовқин солмай туринглар, деб тайинлади.

— Қанақа янгилик?

— Билмайман. Лекин менга аниқки, Махсум касалхонада ҳам назорат остида. «Докторлар» назорати...

Эргаш чаккасини қашлаб қолди.

Ефим Данилович анча нарса биларди, у шуни ҳам билардики, қўлга тушган бир «дарвеш»нинг қора чаноғидан чиққан хат Найманча кўчасида Жўрахоннинг оёғи остидан топилган хатга мос тушипти. Иккови ҳам бир кишининг қўли блан ёзилган экан... Лекин Ефим Данилович бу ҳақда гапирмади — Қаримов унга чекистликнинг бу қонунини тушунтирмаганида ҳам, ўзи яхши биларди.

Ўттиз биринчи боб

Қурилиш майдонининг саҳни ҳар куни ўзгарар эди. Кеча юрган йўлдан бугун юриб бўлмайди — ё тиканли сим блан тўсилган, ё бир ускуна ўрнатилиб, бошқа томондан айланма сўқмоқ тушиб қолган бўлади. Кеча тупроқ уюлиб

ётган жойда бугун янги кўтлован пайдо бўлипти, унинг тубидаги одамлар пак-пакана бўлиб кўринади.

Ҳозир бутун иш асосий корпуснинг пойдевори тикланаётган жойда. Кечаги катта котлован ўрнини қирқиб ташланган чакалакзордай арматура симлари қоплаган. Бетон қорадиган машинанинг тинмай айланган барабанидан суюқ бетон шовуллаб оқади, тош майдалайдиган машинанинг ёқимсиз фарч-ғурчи асабларга тегади. Темир плиталар ва тахталар устидан шағал, қум, цемент солтинган тачкалар гумбирлаб бир томонга ўтса, суюқ бетон солинган тачкалар билқиллаб иккинчи томонга ғизиллайди. Бу тахта йўллар дам чуқурликка тушиб, дам тепалнкка чиқиб, илон изи бўлиб кетган; юк кўтарадиган чиғриқ-блокларнинг арқонларида қорнига хамирдай цемент ёпишиб қотиб қолган, бочка сингари катта ёғоч пақирлар салмоқ блан гоҳ пастга тушади, гоҳ юқорига чиқади.

Ба'зан саҳна, ба'зан минбар вазифасини ўтайдиган кенг сўри ҳозир чойхонага ҳам, қизил бурчакка ҳам ўхшайдиган дам олиш жойига айлантирилган. Сўрининг тўрт стунига қизил, қора тахталар, э'лонлар, қуёшда ранги ўчган плакат ва деворий газеталар қоқиб ташланган. Марайимчаққон Бўзчигузардаги самоварни шуерга кўчириб чиққану, самоварда сув кунни блан ўзидан-ўзи қайнаб тамом бўлади — терлаб пишган бетончи, арматурачи, ғиштчи ва ер қазучилар иссиқ чойга лаб куйдириб, ё уни совутаман деб вақт ўтказиб ўтиргандан кўра, сўри ёнидаги бакдан муздек водопровод сувидан роса қониб ичишни афзал кўрадилар. Бакнинг қулоғига занжир блан боғланган кружка кунни блан шалдир-шулдур қўлдан қўлга ўтгани-ўтган. Марайимчаққон самоварга бир пақир сув қуйса, бакка уч пақир қуйишга мажбур бўлади.

Буерда Марайимчаққон бир вақтлар чала мулла отасидан ўрганиб тугатолмай қолган саводини ҳам расо қилиб олди. Бекорчиликда, эски деворий газеталарга соатлаб тикилиб, биронта кичик хабарни ҳижжалаб бошдан охир ўқиб чиқар, қизиқ гапларга ўзидай-ўзи қотиб кулар эди.

— Вой жинқарчалар-эй! Вой типратикони тушмагур-э,— деб куларди у.— Отангга балли!

— Ҳа, нима, шайтон блан қитиқлашаяпсанми, Чаққон?— деб сўрашарди сув ичгани келганлар. Марайим такрор-такрор ўқийвериб ёд бўлиб кетган хабарнинг ҳар сўзини бармоғи блан туртиб, кула-кула ўқиб берарди.

— «Чучунмаган эр. Шўро давринда хотйн-қйзлар эрлар блан тенг бўлиб, бетончи Нормат Қурбон ўғли. . .— Марайим тушунтириб ҳам ўтади: — я'нингким ўзимизнинг найманчалик Норматпаранг, хўш. . . Қурбон ўғли ишчи синфининг бир нафар а'зоси бўлиш баробаринда хусусан ўз хотини бўлмиш Назокатни артель корхонасида ишлаш баробаринда УПКда Назокатнинг ўқишига қарама-қаршидир. Масалан, унинг ўқимайсан деб, унсурча гапирганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Типратикон».

— Бунинг куладиган жойи йўғ-у.

— Ия, ўзимизнинг Норматпарангни уриптию, нимага куладиган жойи бўлмас экан.— Марайим яна қотиб-қотиб кулади.— Қотирипти қурғурлар парангни!

Бугун одамлар шундай тўпланиб турганда водопровод қувурлари орқасидан қўлида бир тахта картон кўтарган Башорат чиқиб келди.

Марайимчаққон одатдагидай хушомадгўйлик блан югуриб бориб, унинг қўлидан картонни олди-да болға блан миҳ топиб чиқди.

— Қаерга, қаерга қоқамиз, ўртоқ Собирова? — деди у стунларга қараб. Марайим Башорат келганда унинг буердаги ишларига ёрдам бериш учун ҳозиржавоблик блан типирчилаб турарди.

— Лаббай, ўртоқ Собирова? Шуергами, хўп бўлади!— У ҳаш-паш дегунча стунга тирмашиб чиқиб, картонни эски деворий газетанинг устига миҳлаб тушди. Одамлар анқайиб қолишди: қизил аэроплан. Поезд — филдирагидан буғ чиқиб кетаяпти. От — ёғочдан қилингандай жонсиз, унинг ҳам бурун катагидан буғ чиқиб турипти. Шалпанг қулоқ эшак — буниси роса ўхшапти, чинакам қайсар эшак,— лекин негадир уни яшилга бўяшипти. Ямяшил эшак. . . Тошбақа ўхшамапти — устидаги ғадир-будури бўлмаса тўнкарилган қозон экан деб кетаверса бўладиган. Қозон тагидан тарвақайлаб оёқлари чиқиб турипти — боши бўлса бир қарашда одам, бир қарашда аллақандэй махлуқнинг бошига ўхшайди. От устида шапкасини қинғир кийган ёш бола, эшак устида супурги соқол чол, тошбақа устида кўзларини бақрайтирган яна биров ўтирипти. Булар арматурачи, бетончи ва ер қазучиларнинг бригадирлари эди. Аввал одамга ўхшаш бу башаралардан Марайим ҳам ҳечкимни танимади. Лекин эшак мингanning соқолига узоқ тикилиб туриб «пиқ» этиб кулиб юборди.

— Вой, Мамажон ака-ку! Ўлай агар худди ўзи! Ҳа-ҳа-ҳа!

Мамажон орқароқда турарди.

— Шайтонлама, Чаққон! — деди эшакдан кўзини узмай яқинлашиб.

Марайим яна кулди. Мамажонни, расмдан, бошқалар ҳам таниди.

— Иўл бўлсин, Мамажон ака! Қуюшқон томонларга халачўпни ниқтанг, қисталоқ, тезроқ юради.— Марайим бошқаларни ҳам кулдириб юборди.

Мамажон индамас, ўзига тикилиб, беихтиёр соқолини ушлаб қўярди. Одамларга бир қараб олди-да яна тахтага тикилди.

— Ҳай, қизим, бу нима масхарабозлик?

— Иш сур'атини кўрсатади бу, Мамажон ака,— деди Башорат четдан туриб.

— Иш сур'ати? : Тошбақада ўтирган ким?

— Ер қазучилар бригадаси. Ўртоқ Ҳосилов.

— Мамасидиқми?

— Ўхшайди.

— Худди ўзи!

— Мамасидиқми? — деди яна Мамажон аввал ясама-роқ жилмайиб.— Иҳи, иҳи, не, ҳа... ўзи, худди ўзи,— кейин икки сонига уриб кулиб юборди,— вой Мамасидиғ-эй, ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

Мамасидиқ «полвон» лақабли, қипқизил, баланд бўйли, мўйловдор киши эди. У расмда сра ўхшамаса ҳам ўхшативоришди, кулиб оғиз очиришмади.

— Рос жойни топибсиз, полвон, кўрпа-тўшакни олиб олмаган экансиз-да!

— Мўйлов қани, мўйлов?

— Мўйловми, тошбақанинг думими? Ҳа-ҳа-ҳа!

— Отда ким, қизим, отда? — деб сўради Мамажон.

Отда арматурачилар бригадасининг бошлиғи Василий деган йигит эди. Мамажон уни таниб, дарров жиддий бўлди.

— Бу қандоқ бўлди, қизим, нега у отда бўладию, мен... эшакда.

— Сизга эшак тузук! — деди орқадагилар кулиб.

Башорат Василий бригадасининг иши бу ҳафтада 75 процент бажарилганини, унинг бошқа бригадалардан олдинда бораётганини тушунтирди.

— Тўхта, қизим, бу шундай тураверадими энди? Ол-

диндан бир оғиз айтсанг-ку... Мана бу поезд бўш кетаяпти шекилли, а, қизим?

— Ҳа, аэроплан ҳам бўш,— деди Башорат.

Яна ғовир-ғувур бўлиб кетди.

— Поездни мўлжаллаяпти чол.

— Аэропланни чоғлаяпти.

— Василийга айтсангиз мингаштириб олади.

— Шовқин солма- Ҳой, қизим. бордию бетонни жадаллатиб юборсак, буни бошқатдан ҳам қилаверасизларми?

— Ҳар ҳафтада янгилаб тураминиз, процентига қараб.

— Ҳар куни 45 куба бетон қуйсак отга тўғри келадими?

— Эшакнинг бели синади, ҳой!

— Яғир эшакка миндирганларинг жуда бўлмапти-е, соқоли кўксига тушиб турган одамни-я...— деб ачитди кимдир.

— Шовқин солма! Келгуси сафар аэроплангаёқ қўнқайиб олмасам шу қилганингга.— Мамажоннинг жаҳли чиқди.— Қани, бетончилар! — деди тўпдан чиқиб кетаётиб, бетончилар унга эргашишди.

Одам тўпланганидан фойдаланмоқчи бўлиб Марайим уч-тўрт чойнакни дамлаган эди, бетончилар кетидан ҳамма тарқалди-кетди. Супа ҳам бўшади, бак ҳам, самовар бўлса вақир-вуқир қайнар, сув буғ бўлиб осмонга совурилди эди.

Марайим чойни ўзи ичди, Башоратга узатди.

— Қойил қилибсиз лекин, ўртоқ Собирова.

— Ҳали янги деворий газетани кўрасиз, сиз ҳам борсиз.

Марайим кулишини ҳам, кулмаслигини ҳам билмай, оғзини очдию, кулгиси йиғига ўхшаш хунук чиқди.

— Йўғ-э, ҳазиллашманг, ўртоқ Собирова, нҳи-иҳи...— унга яна чой узатди.

Мусобақа тахтаси ёнига одамлар келиб-кешиб турар, булар супанинг иккинчи чеккасида ўтириб гаплашишар эди.

— Ҳазил эмас, — деди Башорат кулиб.— «Бир чойнак чой, бир дона бекорчи ҳақида» деган ашула чиқаяпти.

Марайим бу сарлавҳани такрорлаб дам кўзларини пир-пиратар, дам ҳазилга йўймоқчи бўлиб кулар эди.

Бу маҳал сўрининг нариги томонидан бўш қопни елкасига ташлаб Нусратиллаҳўжа ўтиб қолди.

— Чой ичинг, экспедитор.

Башорат қайрилиб қарадио сесканиб кетди. Бойвачанинг кўзида қўрқинч бир нарса кўргандай, юраги орқага тортди. Нусратилла шундай қарадики, Башорат ўрnidан туриб кетди, пиёла қўлидан тушиб синай деди. Кўзини кўтарганда Нусратилла йўқ, у қувурларнинг орқасига ўтиб кетиб қолган эди. Башорат ўзининг оқариб кетганини сезди, чакка томирларида қон гуп-гуп тепарди. У эркак кишининг ўзига бундай қараганини кўрмаган эди. Бу қарашда сирли таҳдид, ёввойи ҳирс, аллақандай мулойим ма'нисизлик бор эди, шундай кўзи тушиши блан қизнинг юрагига ўқдай келиб тегди. Кўнглига ваҳима тушди. Шошиб пиёлани қўйдию, Нусратилла кетган тарафга қарашга қўрқиб, ҳимоя излагандай, одамлар ишлаётган томонга шошди. Марайимчаққон пиёлани ушлаб анқайганича қолди. Башорат шошиб, қоқина-қоқина кетиб борарди. У одамлар ёнига бордию, буерга нима учун келганини билмай ўтиб кетди. У бировни қидиргандай эди. Тахталардан ошиб ўтар, илиниб этагини йиртган тиконли симларга э'тибор бермас, йўлнинг қаёқда қолганини эслайолмай, ҳамон қаёққадир юрар эди. Юрган сари ваҳимаси ошар, тунда биров қувлагандай, қўзига ҳеч нарса кўринмас эди. Контора эшигига етгандан кейин бироз тўхтаб, уёқ-буёққа аланглади: «Йўқ, уйга бориш керак». Лаблари бирнимани пичирлади: — «Уйга Ойим...»

Ойиси нима учун эсига тушганини ҳам ақли блан англаб ололгани йўқ. Лекин уйга қараб юрди. Тез юрди. Бу нома'лум ваҳимадан фақат ойиси қутқазадигандек, тезроқ бориб, ойисининг қучоғига ташланса ҳаммаси эсдан чиқадигандек эди.

Уз уйига хавотир блан кириб борди. Турсуной дарс тайёрлаб ўтирар эди.

— Опа, муаллимим, қишда тўртинчига ўтказаман, деди, янаги йил ашула мактабига бораманми?

Бу гап Башоратнинг қулоғига кирмади. У жовдираган кўзлари блан ойисини қидирарди.

Онахон уйда йўқ эди. Башоратнинг ваҳимаси яна ошиб кетди. Югурсамикан?

— Софья опам ёзган мактабга-чи, опа... :

Башорат ҳамон ўйларди: «Югурсамми? Бориб нима дейман?» Башорат у кўз қарашни тушунтириб беришдан ожиз, ваҳимаси кўнглида бору, тилида сўзи йўқ эди. «Қўрқинчли қаради!» Нимаси қўрқинч? «Ёмон қаради!»

Ёмон! Ёмон қараш... Бир вақт ким сўраган эди? Сенга ҳечким ёмон қараганми?» Ҳа, ҳа ойиси сўраган эди, баҳорда. Ойиси касал эди у вақтда. Ойиси касал эди...

— Опажон! Мунча оқариб кетибсиз? Қўрқингизми?

Башорат икки қўли блан юзини ушлади. Онасининг ҳам армани докторнинг ҳам «Турсунойни жиндак бўлса ҳам қўрқитиш мумкин эмас» дегани эсига тушди. Дадил бўлишга уринди.

— Йўқ, нимадан қўрқардим. Мен сра қўрқмайман,— деди у сингисининг ёнига келиб. Қўрқмаганлигига ишонтириш учун кулди, ёнига ўтирди.

— Дарс тайёрлаяпсанми?

— Мен қишда тўртинчига ўтаман. Баҳорда мактабимни битираман... Сиз қўрқибсиз опа, рангингизни қараиг.

— Нимадан қўрқаман, югуриб келганимга шунақадир. Қани, дарсинг...

У Турсунойнинг дафтарини олиб варақладию, кўзи ҳечнарсани кўрмади. «Ростдан ҳам нимадан қўрқаман? Қараса қарапти-да. Балки кўзи шунақадир».

Унинг кўзлари Турсунойнинг катак дафтарга донадон қилиб ёзган сўзларини кўрабошлади. «Аҳмад бозорга борди...» Башоратнинг эси жойига келди. «Бировнинг қарашидан қўрқиб юрибман-а, маст-паст бўлса керак» деб ўйлади у. Ўздан ўзи уялиб кетди. «Яхши ҳам ойимга бормаганим. Ўша азобли кунларни эсига солиб, бекор хафа қиларканман».

Унинг ойиси шу кунларда ҳам ўз ишидан, ҳам бошқаларнинг ишларидан жуда хурсанд, келганида ҳам, кетганида ҳам жуда сергап, қувноқ, катта ишлар ҳақида, қизларининг бахти ҳақида кўп гапирар эди. Башорат ўша кунларни, Жўраҳонни, Турсунойнинг тилдан қолган вақтларини унинг эсига солиб қўйишдан жуда сақланар эди, у ойисининг қувончини бузишни сра истамас эди. Яхши бўлди — уйда йўқ экан. Башорат бу гапни бошқа ҳечкимга ҳам айтгани йўқ. Бу ҳам яхши бўлди. Энди ўйласа айтишга арзийдиган гап ҳам эмас экан. Бойвачча балки Башоратни отасининг устахонасида илгари кўргандиру, ҳозир танитгандай бўлиб шунчаки тикилиб қарагандир.

Башорат шундай деб қўйдию, лекин ҳамон хаёлини бошқаёққа бураолмасди. Бирпас унутса ҳам, яна шу ўй қайтиб келаверди. Эртасига ҳам Нусратилланинг ўша қараши эсига тушди, лекин энди бунинг унча ваҳимаси йўқ эди.

Ўттиз иккинчи боб

Ғажиб ташланган икки тилим қовун пўчоғи. Бири остонада, лой этик пошнаси блан эзилгани эса кўрпа устида суви чиқиб ётипти. Кўрпа тагидаги ифлос кигизнинг чети қайрилиб оёқ артилган. Хонтахта ёнида юмалаган арақ шишасининг қоғозли биқини кўриниб турипти. Бўш тоқчада чанг босган чойнак блан бир пой этик, қоziқда пи-чоқнинг қини.

Нусратиллахўжа бойвачча чироқни ёқди-да, ўзининг бор-йўғини маст-аласт кўзларидан кечиргач, этик-чопонини ечмай кўрпага чўзилди, сўлагини болишга арди.

Кейинги кунларда у мастликдан сал айниса, куппа-кундузи ҳам, даҳшатли туш кўриб босинқираётгандай бўлаверди. Уйда ҳам, одам орасида юрса ҳам моховдек ёлғиз, бировларнинг гапига аралашса қовушмагандек. Ҳар куни у кўрадиган одамлар худди телбадай хурсанд, ўйнайди-кулади, ишлайди-кулади. Нимасига хурсанд — Нусратилланинг ақлига сра сиғмайди, кўрадио заҳар-заққум ютади.

Нусратилла бу одамларни, умуман одам зотини ёмон кўриб қолди. У ўзининг тушкунликда, тубанликда эканини англарди, одамлар эса бунга ўчакишгандай қувонишади. Нимасига қувонади? Булар ким ўзи? Мана, Султонбўзчининг ўғли Эргаш. . . Қим у? Гадо! Бир ялангоёқ! Бир умр белбоққа ёлчимаган бўзчининг боласи. Ҳали ҳам эшакдай ишлайди, бошида ўша моғор босган дўпписи. Хўп, «начальник» дейишади, ҳа, нима, фабрикани ўзига қураяптими? Нимасига хурсанд?

Мана кеча Москвадан Рисолшилпиқнинг қизи Ҳожияни кутиб олишди. Ҳаммаси хурсанд, гул кўтариб чиқишти. Қиз беҳаё бўлса ҳам зап очилиб кетипти лекин. Халиги Эргаш. . . Ҳамманинг кўз олдида қизни қучоқлаб ўтирипти. Кулади тағин. Одамлар бўлса бақрайиб қараяб туриштипти, кулишади. Бу ким ўзи? Куппа-кундузи бегона қизни қучоқлашга ким ҳуқуқ берган унга? Бу дадилликни ким берди гадога? Нима учун одамлар унинг юзига қора куя суркаб тошбўрон қилиш ўрнига, илжайиб тамоша қилишади? Қим ўзи у? Нимага унинг кўчада қиз болани қучоқлашга ҳадди сиғадую, Нусратилла ичини бирор одам зотига ёраолмайди?

Нусратилла Эргашга ғайирлиги келиб юрарди. Кеча ўша воқиядан кейин ичи куйиб, эзилди, иложи бўлган-

да пичоқлаб ташлашдан ҳа̄м тоймасди. Йўқ, Нусратилла уни ёмон кўради, бу одамларнинг ҳаммасида алами, ўчи бор. Ғазаби юзига, кўзига қалқаётганини сезиб турипти. Худди пичоқни яланғочлаб чиқиб, дуч келганини қонга булаб, бир кўкрак тўлатиб нафас олишга қасд қилган кезлари ҳам йўқ эмас. Шундай ўйлайдию, бирпасдан кейин бўшашиб, ўзи даҳшатга келади. Агар арақ бўлмаса борми, нақ ёрилиб кетарди.

«Арақ, арақ, арақ! Бошқа ҳечнарс керак эмас!» деб шивирлади у ёстиққа юзини босиб. Ухламоқчи бўлди. Кўз олдида ҳечнарсани тушуниб бўлмайдиган жаҳаннамдай даҳшат-қоронғилик, ўт-олов, қон, мурда, яна алланималар пайдо бўлди, бирвақт ҳаммаси аралашиб, бир исқирт башарага айланди. Сулаймон тоғидаги ғорда кечаси бўғизлаб қочгани бесўнақай пўрдоқ, Қулхўжапонсоннинг битлиқи йигити. Уша! Ой ёруғида унинг бўжама босган башараси кўкариб, оғзидан кўпик келгани Нусратилланинг эсида. Уша. Нусратилла у блан олишди, ўлдирди.

Бошини кўтариб, панжаларида ғижимланиб турган болишга тикилди. Болиш ҳўл эди. Қонми? Йўқ, шилимшиқ... ифлос, думоғига бадбўй ҳид гуп этиб урди, кўнглини лоҳас қилди.

Нусратилла болишни отиб ташлаб, кўрпадан четроққа, мертик коса турган бурчакка эмаклади, пўстакдан жун илашган икки бармоғини томоғига суқди...

Бирпасдан кейин у елкасида илиқ нафас сезди. Утган кун кўча муюшида кўнгли лоҳас бўлиб чўккалаганида ҳам шундай бўлган эди — қулоғига теккан иссиқ нафасни сезиб қайрилиб қараганида ўзининг лайча итига кўзи тушган эди... Итни-ку кечаёқ ўлдириб ҳовузга ташлади, бу яна ким бўлди?

Нусратилла итнинг ўлганини эслаб, «йўқол» дейиш учун жуфтлаган оғзини дўмпайтирганича қолди — ёнида «Афғончайфуруш» эгилиб турарди.

Ухласа тушидан, ухламаса даҳшатли ёлғизликдан қўрқиб турган Нусратилла ҳозир бу одамнинг келганидан хурсанд бўлиб, ҳатто ҳовузга юз-қўлини ҳам ювиб кирди.

«Чойфуруш» юзини қора шишадай ярқиратиб одатдаги курсисида ўтирар эди. У Нусратилланинг бундай аҳволини биринчи марта кўриши эмас, бу «гўшт»нинг ишга яроқсиз, ҳатто иш учун хавфли бўлиб қолганига бутун ишончи яна ортди.

— Янами?— деди у.

Нусратилла унинг арақ ичмасликни буюргаини эслади. Тиззасини кучоқлаб кигизга ўтирди.

— Мен соб бўлган одамман, Муҳаммадсаид ака, мени шу малҳамдан ҳам бенасиб қилманг.

— Мен айтганни қилдингизми?

— Қилдим.

«Чойфуруш» сун'ий илжайиб унинг биллагидан ушлади.

— Бўлмаса нега соб бўлар экансиз, оламшумул иш қилаётган одамсиз.

Нусратилла бош кўтариб қаради, кўзлар — кўзларга тушди.

— Улар қуришаяпти,— деди Нусратилла умидсиз титроқ товуш блан.

— Қураверишсин,— деб кулди «Чойфуруш»,— қураверишсин. Бириңчи станок юриши бланоқ фабриканинг деворлари пойдеворидан нураб емирилабошлаганда кўради.

Нусратилла ўтирган жойидан силжиб унинг оёғи тагига келди. Ёлборган кўзлари блан пастдан юқорига, «Чойфуруш»нинг қўпол иягига қаради. Титроқ қўлини унинг тиззасига қўйди.

— Емириладими? — деди у.— Емириладими, Муҳаммадсаид ака?— деб шивирлаб, яна такрорлади.— Менга қаранг... мен... мен қилаяпман шу ишни. Мен! Муҳаммадсаид ака! Сиз менинг отамсиз! Мен соб бўлган, заиф, ҳашаротдан баттар, мол-мулксиз, умидсиз, бадбахт, аянч нарса эдим. Сиз мени йўқдан бор қилдингиз. Сиз менга ақл ўргатдингиз, куч бердингиз, Муҳаммаддон ака, мен мурда эдим — сиз жон киргиздингиз..

Нусратилла ваҳший кўзларини йилтиратиб, титраб, шивирлаб, ёлборган йиғи товуши блан гапирар эди. «Чойфуруш» унинг гапини эшитмагандай, ўз ўйи блан бўлиб, бепарво ўтирарди. Бойваччанинг йиғи овози кулгига айланди. У ақлидан озган одамдай, шивирлаб, бутун гавдаси блан силкиниб кулар эди. «Чойфуруш» унга шубҳа ва таҳдид блан қаради.

— Қўйинг, кулиб олай, кулгим қистаб кетаяпти. Муҳаммадсаид ака, улар қуришаяпти, қуришаяпти! Кечаю кундуз қора терга ботиб, ҳайвондай ишлашаяпти! Ҳиқ-ҳиқ-ҳиқ-ҳиқ... Уларнинг ишидан энди завқ қилаяпман. Ишла, қулдай, эшакдай заҳмат чекишга, азобга яратил-

гансан таги паст ялангоёқлар! Ишла! Тиклаган иморатинг букчайган, яғир елкангга емирилиб тушганда яйраб куламан, тамоша қиламан. Мени ким деяпсанлар, тупроқ ялатганман, тупроқ ялатаман сен пасткаш қулларни! . . . Муҳаммадсаид ака, мен ёмон кўраман бу одамларни. Мен мол-мулкдан, ота-онадан, хотиндан, бутун роҳатимдап махрум бўлдим, мен ўч оламан булардан. Муҳаммадсаид ака, менинг қўлимни ушламанг, ўтим ёрилади. Қўйиб беринг ўзимга. . . — Нусратилла пиёлага арақ қуйиб кўтариб юборди. — Қўлимни ушламанг, ўтим ёрилади.

«Чойфуруш» унинг на ёлбориши, на кулиши, на йиғлаши, на жиғи-бийрони чиқиб титраб гапиришига эʼтибор берди. Бойвачча шунча бўзариб, тўлғаниб гапирса ҳам «меҳмон»нинг юзида қиттак ўзгариш бўлмади. Унинг бошида бутунлай бошқа хаёл эди.

— Қизга бирор гап гапирдингизми? — деб сўради у.

— Йўқ. Сўяман, сўяман дедим — сўяман. Хилватда самоварчи Мараймчаққоннинг қўлидан чой ичиб ўтирганини кўрдим. Брезент иштон кийиб инженер ўриснинг ёнида юради. — Нусратилла бошини икки қўли блан мушглаб сочини юлди, тишини тишига босиб, ит ириллагандагидай овоз чиқариб йиғлади.

— Кимнинг қўлида эканингизни ўйланг, — деди «Чойфуруш» паст, қуюқ товуш блан.

— Йўқ, бу менинг ишим. Мени тиёлмайсиз.

— Бу менинг ишим.

— Йўқ!

— Бас.

— Йўқ!

«Чойфуруш» бойваччани бу хилда босиш қийинлигини англади, шовқин бўлишидан кўрқди.

— Менга қаранг, — деди у мулоимлик блан, — астойдил ошиқ бунақа қилмайди. Ниятингиз шу қизми? Бўлди, менга қўйиб беринг.

Нусратилла юмшади, оғзининг четидаги ифлос кўпикни кафти блан артди.

— Нима қиласиз?

— Уни кўрқитиш керак.

— Нима блан!

— Улим блан.

Бойваччанинг маст-аласт кўзлари пирпиради.

— Кимнинг ўлими?

— Сизнинг ўлимингиз блан.

Бойвачча дик этиб ўрнидан турди. Гандйраклади. Чўтир юзини чап қўли блан ишқаб кўрди. Ит ўлиги ташланган ҳовузда билмасдан юз ювиб қўйгани қаёқдандир ҳозир эсига тушди. Унинг миясида ҳозир шуни эсга солган бир нуқтагина ишлар, қолган жойи кесакдай қотган эди.

— Ме-ме-менинг... ўлимим?!

— Содда экансиз...— деди «Чойфуруш» жилмайиб.— Ошиқ фидокор кўринса хотин-қизнинг эс-хуши оғади, шуни билмайсизми! Дардингда ўз жонимга қасд қилсам, гуноҳга қоласан, деб ваҳимага солинг. Ҳали у сизнинг олижаноб муҳаббатингизни билмайди. Шундай билдирингки... ўлимга тайёрман денг...

— Ҳа-ҳа... Тайёрман...— деди бойвачча қулоқларига ишонқирамай. Оғзини очиб анчагача қараб қолди. Кейин «меҳмон»нинг чиндан меҳри-оқибат кўрсатаётганига гумони қолмади.— Отамсиз... ёрдам беринг... унга қандай қилиб гапираман?..

— Хат блан билдиринг. Ишқ сирлироқ кўринса та'сирли бўлади, эсини оғдириб қўяди, қараб турарсиз.

— Ҳа-ҳа... хат...

— Утиринг, ёзинг.

— Ҳа-ҳа...— Нусратиллахўжанинг оғзи ҳамон очиқ эди, у қалам-қоғоз олиб хонтахта ёнига чўккалади.

— Шундай ёзингки, жони ҳалқумига келиб, эшигингизни шартта очиб кириб қучоғингизга отилсин.

— Ҳа-ҳа...

— Ёзинг: «Менким Нусратиллахўжа Қудратиллахўжа ўғли ишқи-муҳаббат дардида ўз жонимга қасд қилдим...»

Бойваччанинг сержун қўли титрар, ҳарфлар қалам учидан ситилиб чиқар эди. «Чойфуруш» қоғозга тепадан қараб қўйиб давом этди:

— «Менинг ўлимимга сиздан бўлак ҳечким айбдор эмас».

— А!

— Ҳа-ҳа, ёзинг.

— «Ўлимимга»?

— Қизиқ экансиз, шунақа демаса кўрқадими, «ўламан» деб ёзган блан ўлиб қоласизми?

— Ҳа-ҳа...

Нусратилла терлаб-пишиб ёзиб бўлди.

— Опкелинг, шу ўринда ҳам бир оталик қилиб қўяй. Ўзим олиб бориб, секин қўлига бераман.

— Ҳа-ҳа...— деди Нусратилла оғзи очиқ ҳолича,—

отамсиз. . . шундай қилинг, Муҳаммадсаид ака. Кечқурун беринг, кечаси келсин, ҳа.

— Эшигингизни ланг очиб кириб келади.

— Ҳа-ҳа. . .— Нусратилланинг кўзлари ёввойи ҳирс блан тўлиб олайди.— Ҳозир тун-а. . . эртага кечгача. . . май, ли, кечгача кутаман. . . қандай қилиб бўлса ҳам кутаман.

«Чойфуруш» хатни буклаб қўйин чўнтагига солди. Унинг юзи борган сари қораяр, ўзи тинч ўтирган бўлса ҳам кўзига қон тўлмоқда эди. Нусратилла ҳозир ҳечнарсани кўрмас, эшикка қарар, телбадай кулар эди.

— Ланг очиб кириб келади. . . қҳи. . . қҳи, емирилади. . . емирилади! Менинг қувватим. . .— Бирдан устига шифт емирилиб тушаётгандай, тепага қаради. Юзидаги кулги муздай қотиб қолди, чўтир башараси қийшайиб кетди.

— Менга қаранг, бу. . . емирилганда мени. . .

— Шуниси бор,— деди «Чойфуруш» гўнғиллаб.

— Бу хавфли. Улар албатта мени тутади. Қўрқинч. . .

«Чойфуруш» лабини қимтиб, ма'нодор товуш блан гапирди:

— Сизни бу қўрқинчдан ўзим халос қиламан.

Нусратилла тиз чўкди. Титроқ панжалари блан «Чойфуруш»нинг кўкрагига тармашди. Тили галдиради:

— Отамсиз, ўлгунча сизни дейман. Мурда эдим, жон бердингиз. . .

Ташқарида қора тун. Тун кигиз блан маҳкам тўсилган деразадан мўралайолмаса ҳам, жимжитликда унинг тубсиз қоронғулиги сезилиб турарди. Ҳовузга оқиб тушаётган ариқнинг бир хилда шилдирагани эшитиларди. Енгил шамол ўтди, хазон тўкилди. Токчада хира ёнаётган шамчи-роқ ташқарида эсган шамолни сезгандек пирпиради. Заиф шу'ласи эшикнинг қора темир занжирида йилтиллади. . .

Эртасига қурилиш конторасида одатдаги серташвиш меҳнаг куни жуда вақтли бошланди. Инженер Добро-творцевнинг кеча қуручилар мажлисида сўзлаган нутқи ҳаммаи безовта қилиб қўйган эди. Инженер қишқи совуқ тушгунча, кўп деганда ноябрьнинг ярмига бориб бетон ишлари тамомланмаса — қурилиш баҳоргача тўхтаб қолиши мумкинлигини гапирди. Қаттиқ аёзлар бошланиб кетгандан кейин бетон қотмас экан, цемент жисмларни маҳкам жипслантириш хусусиятини йўқотар экан. Иш ҳали кўп, бунинг устига, куз ҳалитдан қишга уланиб кет-ман деб хавф солиб турипти.

Бугун эрталабки совуқ инженернинг ташвишли гапани ҳамманинг эсига солди. Сарғиш барг блан қопланган дарахтлар ўзидан ўзи шитирлаб, тиниқ ҳовуз бети жимирлаб узоқларда кезган хазонрез шамолдан дарак бериб турарди.

Бетончилар айвонда тўпланиб, овқат талонига навбатга туришган эди. Мамажон ака ҳовлиқиб келиб навбатни тўс-тўполон қилиб юборди.

— Бригадаларга олиб бориб тарқатсин!— деб қичқирди у.

— Қим?

— Кассирнинг ўзи!

Кассир букироқдан келган, баҳмал дўппили, озғин бир чол эди. У «туяга янтоқ керак бўлса бўйнини чўзади» деб, участкага боришдан бош тортди. Ўлгидай ўжар экан, Мамажон нима деса бўйнига олиб тураверди: «Ҳа, оёғимга хасмол чиққан!», «Ҳа, тўраман! Тўра бўлганда қандай!»

Мамажон уни бошлиқ олдига судраб кирмоқчи эди, бошқа бир шов-шув кўтарилиб қолди.

— Уртоқлар! Уртоқлар!..— деган ваҳимали товуш эшитилди одамлар орасида. Бу экспедитор Қураев эди. Унинг рангида ранг қолмаган, иккала қўли блан қаёқнидир кўрсатар, яҳудийча талаффуз блан тожикча-ўзбекча аралаш-қуралаш қилиб ҳовлиқиб бир нарсани гапирар, гапига тушуниб бўлмас эди.— Ана! Уерга... марги одам... Бо оҳакка юборай деб келиб эдим... хобга деб ўйлабман. Хобга эмас... ана уерга...

Унинг гапидан ҳам кўра, қинидан чиқиб кетай деган кўзлари, қўл ҳаракатлари диққатни тортар эди, ишчилар унинг гапига тушунишмади. Экспедитор қирра бурунли, қопқора бароқ қошли, ювош, ҳечқачон қаттиқ гапирмайдиган, ишда ҳам унча шошилмайдиган, ҳовлиқишни эса сра билмайдиган оғир, босиқ йигит эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳозирги аҳволини кўриб, одатдагидан ташқари бир ҳодиса юз берганини ҳамма тушунди.

Қураев одамларни эргаштириб, ҳовуз ёнидан айланиб ўтди. Нусратилланинг ҳужраси контора ҳовлисидан тахта девор блан ажратилган бўлиб, ҳовуз икки томонга ҳам очиқ эди. Ҳужра эшигининг тагини хазон, ахлат, қовунпўчоқ босиб кетган. Эшик қия очиқ, уй ичи қоронғи эди, Қураев блан олдинда бораётган Мамажоннинг думоғига қора чироқ дуди яна аллақандай бадбўй ҳидлар гуп этиб урилди.

Шовқин-суронга конторадагилар, қўшни ховлидагилар югуриб чиқишди. Қўчадан ўтаётганлар ҳовлини тўлдиришди. Ҳовуз четидан ўтадиган тор йўлга одам тикилиб кетди, кимдир оёғи тойиб ҳовузга ҳам тушиб кетай деди, лекин унга ҳечким қарамади, ҳамма бир-бирини итариб-тистариб ҳужрага интилар эди.

Деразадан кигиз олиб ташланди, ичкарига ёруғ тушди, лекин ҳужра тўла одам, ғовир-ғувур, ҳечнарсани тушуниб бўлмас эди. Эшикка, деразага ёпирилган одамлар бетоқат қичқиришарди:

— Нима бўпти?

— Нима гап?

Ичкаридагилар жим бўлиб қолди, шовқин ташқарида авж олар эди.

— Нима гап?

— Ҳой, гапир.

— Қим ўлипти?

— Улипти?

— Нусратилла бойваччанинг уйи-ку бу!

— Ҳа, шунақа!

Бирпас ичкаридаги жимликка қулоқ солишди, эшикда Мамажоннинг серсоқол, ваҳимали юзи кўринди.

— Гапир!— дейишди унга.

— Бойвачча пичоғланипти,— деди Мамажон ярим товуш блан.

— А?! — деди ҳамма бирдан, нафаслар ичга тушиб кетди.

Деразадан товуш чиқди:

— Ўзини-ўзи ўлдирипти. Мана хат...

Одамлар ўртасидан ёриб Эргаш кириб келди. Ичкаридагилар унга йўл бердилар. Эргаш оғир этигини кўтаролмагандай остонадан бир қадам қўйганича, кўзларини катта очиб, ерга тикилиб, қотиб қолди.

Намат устида бойвачча чалқанча ётарди, сарғиш чўтир юзида заҳарли бир нафрат белгиси музлаб қолган, тиши пастки лабига ботиб кетган, ўнг қўли кўрпа устида ётган пичоқ дастасига тегиб турипти, чап қўли енгидан чиқиб кетган, илоннинг қорнидай оқ, совуқ билагида қон юқи қотиб қолган. . .

Эргашнинг қўлига кимдир бир парча хат берди.

— Хонтахта устида ётган экан.

Ҳамма жим бўлди. Эргаш аввал бир карра ичида, кейин овоз чиқариб ўқиди.

— «Менким Нусратиллахўжа Қудратиллахўжа ўгли ишқи-муҳаббат дардида ўз жонимга қасд қилдим. Менинг ўлимимга сиздан бўлак ҳечким айбдор эмас...»

Халойиқ гув этиб кетди.

— Ишқи-муҳаббат?

— «Сиздан бўлак»?

— Нима экан?

— Ҳечгап эмас экан,— деди Мамажон бамайлихотир орқасига қайтиб.— Ишқ-муҳаббат эмиш. Ажаб бўпти...

— «Сиздан бўлак» дегани нима дегани? Қим?

— Худо билади.

— Йўқ, тўхта, ким бўлиши мумкин?

Бу вақт ёнидагиларни туртиб-суриб, йўлида ҳечкимни, ҳечнарсани кўрмаган сўқирдай, қўлини олдинга чўзиб, силтаб, одамлар орасидан Башорат чиқиб кетди. Унинг юзи докадай оқарган, оёғи қаёққа босганини билмас эди.

— Ҳай, кўзингга қара...

— Оёқни босдинг!

Башорат тўхтамади ҳам, қарамади ҳам. Одамлар унга, ўликдан қўрқипти, деб тикилиб қолишди.

— Қўрқипти, бола фақир...— деди Мамажон ҳам уни кузатиб.

Шундан кейин одамлар қизни унутдилар. Хужра эшиги ёнида ғовир-ғувур давом этарди.

Башорат дарвозадан чиқди. Кўчада ҳечким йўқ эди. Қиз аввал қурилиш участкасига томон юрди. Кейин эса югуриб орқасига қайтди-да, уйига қараб чопди. Одамлар орасида, тикилинчда дурраси бўйнига тушиб, сочлари тўзғиб кетган эди, у буни пайқамади ҳам. Катта чўнтакли кўк шими оғир, югуришга ноқулай, оёғи дам ариққа, дам тиззадан тупроққа ботиб кетар эди.

Уйга етай деганда у бирдан секинлаб қолди. Қўлини юрагига қўйиб, ниманидир ўйлади. Кўнглида ўша кунги ваҳима яна қўзғаган эди, самовар ёнида олайиб қараган бойваччанинг чўтир башараси кўз олдига келди. Энди буни ўша кунгидай бировга айтмай қолиш мумкин эмас эди, ваҳима унинг бутун вужудини титратди.

Башорат негадир яна орқага қайтди. Бир ҳовлидан ошиб қурилиш участкасига чиқди. У Ефим Даниловични қидирар эди. Бойваччанинг «ўз-ўзини ўлдиргани» ҳақидаги гап қурилишга ҳам етиб келипти. Одамлар дам ҳайрон бўлиб, дам мазах блан нуқул шу ҳақда гапиришарди.

Башоратнинг ваҳимаси яна ошиб кетди, у негадир одамлардан ўзини четга тортди. Ефим Даниловични тополмай яна уйга югурди.

— Вой, нима бўлди, қизим?— деди Онахон Башоратнинг хансираб, оқариб кетганини кўриб. Уни қучоғига олди.— Гапир!

Башоратнинг лаби лабига қовушмас, вужуди титрар эди.

— Нусратиллахўжа бойвачча... ўзини ўзи ўлдирипти.

— Эшитдим, қизим, ҳа нима бўпти? Шунга шунча ваҳимами?

— Хат қолдирипти...

— Эшитдим. Ажаб бўпти. Қудратиллахўжабойнинг ўғли эканку, туппа-тузук одам бўлса ҳам, ўз-ўзини ўлдирипти деса парвойимга келмайди, ўлмай ўлсин. Шундай вақтда ўз-ўзини ўлдирган одам, одамми!

Башорат ўзгармади, у ҳамон оппоқ, ҳамон титрар, кўзида ҳамон нома'лум бир ваҳима бор эди.

— Сенга нима бўлди, қизим?

— Ойижон мен сизга бир нарсани айтмаган эдим.

— Қачон? Нимани? Қизим!

— Тўрт-беш кун аввал... Чойхона ёнида у менга ғалати... ғалати қилиб қаради, мен қўрқиб уйга —сизнинг олдингизга югурдим. Сиз ишда экансиз...кейин... кейин айтмай қўяқолган эдим... энди нима бўлади...

— Нима «нима бўлади»?

— У хат қолдирипти...

Онахон жим қолди, унинг қўллари бўшашиб Башоратни қучоғидан қўйиб юборди. Уйчан, ташвишли кўзларини четга олди.

— Ойи... касал вақтингизда мендан сўраганингиз эсингиздами?

Онахон индамади. У буни Башорат сўрамасдан олдиноқ эслаган эди.

— Ойи, нимага сўраган эдингиз?

— Тўхта! Тўхта! Қизим!..— Онахон қаёққадир четга қараганича, Башоратни бағрига тортди, кейин уни елкасидан ушлаб йўлга бурди-да, қадам қўйди, қизини қўлтиғига олиб кўчага бошлади.

— Ойи...

— Тўхта, қизим. Юр-чи.

Онахон қадамини тезлатди, Башорат онасининг юрак тешишини эшитиб, елкасини унинг тез-тез кўтарилиб ту-

шаётган иссиқ кўкрагидан ажратмай, баравар қадамлаб борарди.

Улар контора ҳовлисига кирганларида қуручилар йўқ, Эргаш ҳам йўқ, ҳаммаси ишга кетган, лекин ҳовуз атрофида беш-олтита бекорчи ҳамон ўша ҳодиса ҳақида гурунглашар эди.

Идора айвонида пайдо бўлган Ефим Данилович Онахонни чақириб қолди.

— Ефим Данилович! Сизни қидириб келаётган эдик,— деди Онахон нафасини зўрға босиб.— Эшитдингизми?

Ҳа, мен қишлоқда, Қизилжарда эдим, келсам шунақа ҳодиса...

— Узини ўзи ўлдириптимиз?— деб сўради Онахон.

— Йўқ!— деди Ефим Данилович дарров ва қисқа қилиб.

Онахон савол назари блан тикилиб қолди.

— Йўқ. Ундай эмас,— деди яна Ефим.

Онахон орқа-олдига қараб олди.

— Ефим Данилович, бизнинг сизга муҳим гапимиз бор.

Ефим Данилович бир Башоратга, бир Онахонга қараб, уларнинг юзидаги ҳаяжонни энди пайқади. Шошиб қолди.

— Қани, буёққа киринглари-чи.

Кескин бурилиб, она-болани ўз кабинетига бошлади, партиячейка кабинетига қўшни хоналарда ҳам, айвонда ҳам ҳечким йўқ эди. . .

Бугун қурилишда одам кундагидан икки-уч марта кўп эди. Кеча Ефим Данилович қуручиларнинг умумий мажлисидан кейин шаҳар партия комитетига бориб, бутун аҳволни маълум қилди, инженер Добротворцевнинг совуқ тушгунча бетон ишларини тамомлаш ҳақидаги таклифини ўртоқлар блан муҳокама қилди. Қуручилар мажлисида кўтарилган бу масала шаҳардаги ҳамма корхоналарда акс-садо топди — партия ячейкалари қурилишга ёрдам бериш учун якшанбаликлар уюштиришни талаб қилдилар, энг яхши коммунист ва комсомолларни, ихтисосли ишчиларни сафарбар этдилар.

Ҳашарчиларнинг кўпчилиги ер қазучилар эди. Лекин бетончилар ҳам анча-мунча топилди. Бетончилар бригадири Мамажон ака бутун бир участка бошлиғи бўлиб қолди — у бугун қирқдан ошиқ кишига ишбоши эди.

У бугун этаги тиззасидан пастга тушиб турадиган узун яктаги устидан уч қат қийиқ боғлаб, мўйловни ҳам

қайириброқ буратан, гавдаси ҳам қандайдир басавлат ва бақувватроқ кўринар эди. Бак олдига сув ичгани келганида қуёшда ранги ўчиб кетган шаллангүлоқ яшил эшак устидаги ўз суратига ер тагидан қараб ўтди. Қизил аэроплан ҳам ҳамон булутга тумшуғини суқиб турарди.

Мамажон ака фабрика корпусининг тикланаётган девори тепасига буралиб чиқадиган омонат тахта зинапояда Добротворцевни учратди.

— Бугун олтмиш, бригадир!— деди Добротворцев, самимий жилмайиб кўришаркан.

— Олтмиш?

— Ҳа, ҳа! Бугунги кучингизга қараганда, менинча, олтмиш кубометрдан кам эмас. Ёзиб қўяман.

Мамажон ака соқолининг учини тутамлаб, бошини сал қийшайтди-да, ўйланиб қолди. Кейин белбоғидан шишасини олиб, нос отди. Лабини чўччайтириб яна ўйлади.

— Ёзишга ёзиб қўйингу, кўрамиз, инженер афандим.

Мамажон ака Добротворцевни бойнинг ўғли деб эшитган эди, шунинг учун уни «ўртоқ» дейиши ёпишиб тушмайдиганга ўхшади.

— Йўқ, «кўрамиз»ингиз бўлмайди. Норма — қат'ий,— деди Добротворцев,— бундан кейин шундай қат'ий норма блан ишлаймиз, Олтмиш! Гап тамом.

— Аниқ ёзиб қўйиш керак денг? Ундай бўлса...— Мамажон ака устки лабини тишлаб яна ўйлади,— ундай бўлса етмиш бешни ёзиб туринг-а, яна кўрамиз. Ҳа, айтгандай «кўрамиз»и бўлмайди дедингизми, ҳай майли, аниқ ёзинг, етмиш беш куба.

Инженер хўмрайиб бригадирни бошдан оёқ кузатиб чиқди, кейин бирдан очилиб кулди-да, қўлини берди.

— Ўртоқ Мамажон!— деди у унинг қўлини маҳкам сиқиб.

Мамажон ака унинг «ўртоқ» сўзига ургу берганини сезди. Унинг назарида, инженер яшариб, чиройли бўлиб кетди.

— Носдан олинг, Мамажон ака,— деди Добротворцев бирдан хумориси тутган кашандадай.

Мамажон ака шошиб нос шишасини уч белбоғининг қатидан зўрға топди ва ўнг қўлини кўксига қўйиб узатди. Добротворцев қўллари келишмай, талқон егандагидай қилиб нос отди. Нос жонивор тил тагига тушиш ўрнига, тилига, лабига, тишларига сочилди.

— Демак, етмиш беш! — деди йнженер ва нос шишани узатди.— Раҳмат.

— Етмиш беш, ўртоқ.

Улар кулиб турган кўзлари блан тикилишиб яна кўл беришдилар. Добротворцев бригадирнинг пақанагина бақувват гавдасини салмоқлаб кўргандай, орқасидан кузатиб қолди.

У юқорига чиққандан кейин, тинимсиз қайнаб турган қурилиш майдонига, ажойиб манзарани тасвир этучи суратга тикилгандай қараб қолди. Буерда бутун участка яхлит кўриниб турар эди. Бирнеча жойда пойдеворлар тикланиб қолган. Асосий корпуснинг девори кўтарилмоқда. Пастда станок, машина ўрнатиладиган плиталарга бетон ётқизилмоқда. Одам жимир-жимир. Майдон ҳаракатда. Жон кирди, қудрат! Халқ.

Кечагина бу майдон кўнгилсиз, ишлар анча сустр эди, одамларда бугунгидай завқ, ғайрат кўринмасди. Инженернинг ўзи ҳам қандайдир ожизлик ва гумон аралаш бир ногайин туйғу блан, кўнгли сра очилмай, ичини бирнарс таталагандай бўлиб юрар эди.

Мана бугун бутунлай бўлак гап. Унинг миясига мажлисда гапириш фикри келган пайт — чиндан ҳам бахтли бир дақиқа экан! Гапирмаса нима бўларди? Ҳалиги нотаин туйғуни кўнглида оғир тошдай олиб юраверса нима бўларди? Кўнгил сезганни, каллангдаги фикрни ҳаммиша халққа очиб гапириш керак экан. Ҳарқандай мушкулинг ҳақида халқ блан гаплаш экан. Халқ блан самимий бўл экан. Мана, Мамажон... ахир тушунитику инженернинг гапини! Тушунганда қандай!

Эҳ, Мамажон! Содда бўлса ҳам, ўзининг кучига ишонганини қара! Халқнинг ўзи!

Добротворцевнинг миясига тўсатдан бир фикр келди. Тўхта, бу — аста-секин халқ блан гаплашабошлагани эмасми? Кеча мажлис гапини диққат блан эшитди. Тушунди, мақул топди. Мамажон-чи? У орқали халқнинг ўзи блан гаплашди шекилли? Қўл беришди. Нос чекишди. Атайлаб эмас, шундай, тўғри келиб қолди. «Ўртоқ» деди. Бировлар айтгани учун эмас, ўзи, чин кўнглидан айтди.

Добротворцев Ефим Данилович, Онахон ҳақида ўйлаганда, уларнинг халқ блан самимий гаплашабилиши, оммани катта ишларга бошлайолишига ҳайратда қолар, бунинг сирини тушунгиси келар эди. Мана энди қараса,

ўзи ҳам халқнинг кўнглидагини топабиладиган бўлиб қолипти. Бугунги якшанбаликка, бир чеккаси, унинг кечаги ташвишли нутқи сабаб бўлмадими? Мана халқ ёрдамга келди. Демак у ҳам халқни қўзғатабилади. У ўз кўнглидаги ташвишни гапирган эди, демак, бу халқнинг кўнглидаги бўлиб чиқипти. Демак, у халқ блан бирга.

Инженер пастга, чумоли уясидай тинмай жимирлаган майдонга, жон-тани блан тиришиб меҳнат қилаётган одамларга қарайди, ҳарбирига, таниб олмоқчи бўлгандай тикилади. Ана бир ғилдиракли, бетон тўла тачка билқиллаб бормоқда, уни темир тахтадан равон ғилдирашиб бораётган одам худди Мамажонга ўхшайди. Ҳа, жуда ҳам ўхшайди. Яқиндагина Мамажон ҳам тачка ғилдираатар эди. Ҳозир у участка бошлиғи. Қанийкин ўзи? Қўримайди.

Инженернинг кўзлари Мамажонни қидиради. Уни кўриш ҳозир нимага керак, шартми?— Добротворцев бунни ўйлагани йўқ, у шунчаки кўргиси келиб, кўзлари блан зўр бериб қидираяпти, топса нима қиларди — «ана Мамажон» деб кўярди, шу холос. Бундай қараганда, шунинг учун бировни шунча зўр бериб қидириш — бема'ни вақт ўтказишдан бошқа нарса эмас. Лекин вақтни жуда қадрлайдиган инженер Добротворцев ҳозир уни ичида бир марта «ана Мамажон!» деб қўйиш учун астойдил қидираяпти...

— Олов ловуллаяптими?

Добротворцев таяниб турган ёғочдан қўлини олмасдан орқасига қайрилиб қаради. Гапирган — Эргаш эди. У, бу саволи блан меҳнат манзарасига хаёлчан завқ блан қараб турган инженерга унинг халқ ёрдами ҳақида бир вақтлар айтган фикрини эслатмоқчи бўлди. У «эсингизда борми» дегандай жилмайиб қараб турди. Инженер ўйчан кўзлари блан кулди.

— Ловуллаяпти!

— Учмайди.

— Учмайди! — деди инженер, биратўласи бутун майдонни илғаб олмоқчидай яна пастга тикилди.

Эргаш ҳам зинанинг тахта тўсиғига таяниб, у қараган томонга кўз солди. Чиғириқ ғирчиллаб, бир арава келадиган ғишт салмоқ блан юқорига кўтарилар, омонат қаркасда турганлар ғиштни қўлма-қўл ошириб, усталар қўл остига етказар эдилар.

Корпуснинг деворлари, бир жойи паст, бир жойи ба-

ланд, босқич-босқич бўлиб, бир-бирини қувлаб, соат сайин ўсар, кўтарилар эди.

— Фарзанд кўрганмисиз, Сергей Львович?

Добротворцев бу кутилмаган саволга ҳайрон бўлиб бир қайрилиб қарадию, секин, бироз ҳазин товуш блан жавоб берди:

— Йўқ.

— Мен ҳам.

— Сиз ҳали ёшсиз.

— Лекин шу кунларда... кўнглимда бир нарса ўсаяпти, Сергей Львович, тахминан, оталар шундай туйғуни кечирса керак. Мана, фарзанд туғилади-а, ота унга бэр меҳрини бағишлайди. Қувонади, қараб кўзи тўймайди, берган азобини ширин туяди, ардоқлайди. Бир вақт қарайдики, бола илгаригидан кўра каттароқ бўлиб қопти, бир кун зехн солса яна бир қарич ўсипти. Кунма-кун, ойма-ой... зинама-зина ўсаверади. Ота ба'зан ўтириб буни завқ блан ўйлайди албатта, «ўсаяпти» деб қўяди ичиди қувониб. Шунда, унинг кўнглидаги бахтли оталик туйғусини тасаввур қилиб кўринг...

— Бундай туйғуни мен ҳам биламан. Уни мен яқинда танидим,— деди инженер Эргашнинг қўлига қўлини қўйиб.— Мен ҳам ба'зан мана бу пойдеворларга, корпусларга шундай қараб тураманми, ўша сиз айтган отадек, «ўсаяпти» деб қўяман, ичимда эмас, овоз чиқариб айтаман.

— Кўз олдимизда ўсаяпти.— Эргаш бу гапни айтаркан бутун нафасини бўшатди ва соф ҳавога тўймаётгандай ёқасини ечди-да, узоқ индамай қолди.

— Бир гап айтаман, Эргаш,— деб инженер жимликни бузди. У, Эргашни ғайри расмий, соддагина қилиб, ўз исми блан биринчи марта аташи эди.— Менда Ўрта Осиёга келиш фикри инженерлик касбимни унуттиш фикри блан бирга туғилган эди. Мен қуриш, яратиш орзум алам-изтиробда куйди, тамом бўлди деб ҳисоблаб, уни тамоман ерга қўмиш мақсадида буерга келган эдим. Бу бахтсиз орзуни фақат шуерда унутиш мумкин деб ўйлардим. Чунки буерда ҳеч қандай йирик қурилиш бўлмаган ва унинг бундан кейин ҳам бўлмаслигига ишончим комил эди. Ҳатто шундай ривоятлар ҳам эшитганман, масалан, мусулмонлар иморат қурадиган бўлса, гўё ҳар ғиштни қўйишдан аввал бир дуо ўқир эмиш... ҳа, эшитганман шунақасини... Шундай қи-

либ, мен буерни ўзимнинг бадбахт касбимни унутиш учун бирдан-бир қулай жой деб келганман. Мен ўз вата-нида четэл концессионерлари учун фабрика қурадиган инженерларни масхаралаб, буерда тинчгина пусиб ётаман деб ўйлаганман. Энди қарасам нақадар бачкана ўйлар, нақадар ашаддий обивательлик! Нақадар гўдаклик! Ўз юртимизда ўз пулимиз, ўз кучимиз, ўз халқимиз блан қуриш, яратиш имконияти менинг кўз олдимда янги бир жаҳондай, бир му'жизадай очилди. Мен ҳозир ҳатто буерда, ўзим ла'натлаган орзуларимни кўмгани келган еримда ҳам, орзуларимнинг янгидан куртак очиб, яна ҳам жўш уриб, жанот ёзганини кўриб турибман. Ҳали бригадир Мамажон бугун 75 кубометр бетон қуйишга ва'да бериб кетди. Бу мусулмонлар қур'он сурасини ҳар ғишт ётқизганда эмас, фабрика битганда ҳам эсга олмайдиганга ўхшайдилар.—Добротворцев роҳат қилиб кулди.— Ғишт ётқизишдан, бетон қуйишда рекорд қўя оладиган одамларни мусулмон деб, қуришга, яратишга қобилиятсиз деб жирканч тухмат тўқиганларнинг мақсади нима экан? Мендайларнинг миясини чалғитиш бўлса керак...

— Ва мендақаларни қул қилиш.

Эргашнинг очиқ ёқаси тагида пишғиқ ғиштдай қизғиш, бақувват бўйни кўриниб турар эди. У эски ҳарбий гимнастёркаси устидан энли камарини таранг тортиб боғлаган, оёқларини кериб, баландликдан кенг майдонга боқиб, мағрур ва жиддий турар эди.

Нарироқда, қизғиш девор бўйлаб чирмашган каркас тепасида, Матвей блан Нормат ишларди. Матвейнинг фартуғи сартарошнинг қайишидай ярқираб кетган, қўлида ялтироқ чўкич; у ғишт узатиб турган Норматни, ҳам чаққон ҳаракатлари блан, ҳам тинимсиз гапи блан шошилтиради. Ғишт цементга чип этиб ёпишгач, чўкичи блан аста уриб қўяди-да, бундан завқи келиб кетиб яна гап бошлайди:

— Нормат оғайни, бу ғишт дегани худди жонли нарасадай бўлади. Болғача блан тик этиб урганингда, у ўзининг яхши-ёмонлигини, қандай жойлашганини ўзи айтиб беради.

— Гувалани хўп терганмизу, девор олишнинг ҳам бунақа ҳузурли борлигини билмаган эканмиз, биродар,— дейди Нормат. У Матвейнинг ғишт бурчагини чўкич блан сал уриб қандай учирганига ҳавас блан қараб туради.

— Гиштни қўлга олганингда унинг муздаққийна сил-
йиқ юзасини, ўткир қирраларини бармоқларинг блан се-
засан киши, ҳузури шунда,— дерди Матвей.

У ишдан тинмай гапирар, Нормат унинг гишт оғирли-
гини кўзи блан чамалаб билгани, чўкич остидаги жа-
рангига бировнинг гапини тинглагандагидай қулоқ сол-
ганини пайқар ва бундан жуда завқ қилар, ба'зан эса
аграйиб қолар эди. Гишт унга кун сайин ажойиб чирой-
ли, шериги айтгандек, чинакам жонли нарсайдай, Матвей-
нинг иши эса сан'атдай кўринар эди.

Бу вақт корпуснинг орқа томонида аллақандай шов-
шув кўтарилди. У томоннинг девори ҳали пойдевордан
жиндек кўтарилган, шунча паст эдики, ерда тўпланиб го-
вир-ғувур қилаётган одамларнинг бошлари бемалол кў-
риниб турарди. Одамлар кимнидир чақиришар, бақири-
шар, дарғазаб сўкишлар эшитилар эди. Қимдир катта
челакдаги бетонни жаҳл блан тепиб ағдарди. Тепадаги-
лар тахта зинадан тапир-тупур югуришди, усталар девор-
га отланган еридан тап-тап ерга ташлашди. Чиғриқлар
«ғиқ» этиб тўхтади, қандайдир асбоблар, пақирлар, чў-
кичлар тушиб кетди, каркаснинг тахтаси ағдарилди.
Одамлар ўртасида новча Абдисаматнинг оҳакка бўялган
қинғир шапкаси кўринар, ғалаён уни уёқдан-буёққа сил-
житиб, дам бир четга чиқариб, дам яна ўртага олар эди.

Заводдан бирнеча ишчи блан бирга ёрдамга келган
Абдисамат эрталабдан бери шўхлик ва ҳазиломиз қўшиқ-
лари, иморат пайрав аскияси блан ҳаммани кулдириб,
юқорига гишт ташиди; чиғриқ арқонига осилиб цемент
пақирни блан бирга пастга тушар, узоқдан отилган гишт-
ни эпчиллик блан илиб олишда кекса ме'морлар блан
бахслашар, гишт кўтариб зинадан дам олмай чиқишга
бас бойлашар, хуллас одамларни хафа қилиш эмас, зе-
риктириб қўйиш нияти ҳам йўқ эди.

Броқ... Туш пайти, қуручилар бирпас махорка тутат-
гани ўтирганда, Абдисамат, айланма зинадан тушиб
ўтиргунча шуердан тикка ерга ташлаб қўяқолмайманми
деди-да, турган жойидан деворга тирмашиб пастга ту-
шабошлади. Қорни блан сирғаниб, гуп этиб ичкарига
тушган эди, бошига шувуллаб тупроқ тўкилди, қўли тек-
кан гишт жараглаб қимирлади. Абдисамат тушган жойи-
дан жилмай деворга қараб қолди. Девор ерга чўккудай
зил, басавлат, қалин, қизғиш эди. «Буерда тупроқ нима
қилади» деб ўйлади Абдисамат елкаларини қоқиб. Ҳали-

ги фиштни ушлаб кўрди, фишт осонлик блан жойидан кўчиб чиқди. Ёнидаги иккинчисини ушлаб кўрса, у ҳам кўчадиган, бошқалари ҳам қимиллаб турипти. Абдисамат ерга қаради, оёқ тагидан кесақка ўхшаш бир нарсани кўлига олди; цемент. . . фиштнинг бурчагига куйилиб қотган, изи турипти. Абдисамат уни кўзига яқинроқ келтирди, қаттиқроқ ушлаган эди — уқаланиб кетди. Оёқ остидан бошқасини олиб кўрса,— у ҳам шунақа. Кўзлари олайиб деворга яна қаради, икки кўли блан итариб кўрди: мустақкам. Фиштлар орасидан оқиб сариқ сумалакдай қотиб қолган цементга кўл тегизса осонгина кўчиб чиқди, кесақдай уқаланди. Қотмаган экан деса, қуруқ. Ваҳимага тушиб қолди. «Вот масала!»

— Мамажон ака!— деб қичқириб юборди.

Тикка қизғиш деворлардан акс-садо келдию, жавоб эшитилмади. Абдисамат ердан каттароқ цемент парчасини олиб ташқарига чолди.

— Мамажон ака! Қани, Мамажон ака?

— Ҳов қироатхонанинг ёнида «эшакда» кетаётувди,— деб ҳазиллашди биттаси, мусобақа тахтасини кўрсатиб.

Бундай ҳазилларни дарров илиб оладиган Абдисамат жиддий, уёқ-буёққа аланглар, афтидан, ҳазил-пазилга тоби йўқ эди.

— Мамажон ака! — деб қаттиқ қичқирди у.

Мамажон унинг худди оёғининг тагида нос отиб ўтирган эди, сакраб туриб қулоғига бармоғини тикди.

— Э, бемаҳал қичқирган хўроздан ҳам ошириб юбординг-ку, ука! Нима дейсан?

— Мамажон ака!

Абдисамат ҳансираб, бошқа ҳечнарсa деёлмай, кесақдай цемент парчасини узатди.

Ҳамма бу унинг навбатдаги ҳазили деб, кулиб юборишга тайёр турарди. Броқ Абдисамат чинакам ваҳимада, Мамажоннинг дам кўзига, дам кўлига қараб, ниманидир кутарди.

— Нима бу?— деб сўради Мамажон.

— Цемент! Уқаланиб кетаяпти!

Мамажон синдириб кўрди, цемент чиндан ҳам ўқаланиб, кўлидан шувиллаб тўкилди.

— Нима? Қаердан олдинг?

— Ана буёқда, девор. . .— Абдисамат узун кўли блан корпуснинг ичкарасини курсатди, ўша томонга бошлаб югурди.

Мамажон унга эргашди, бошқа куручилар ҳам ҳайрон бўлиб ўринларидан турдилар.

Сал ўтмай ичкарида ҳам, ташқарида ҳам деворлар бўйида тартибсиз ола-тўполон, шовқин-сурон бошланди. Бировлар тепага югурди, биров ғиштни кўчириб, цемент парчаларини оёғи блан тепиб кўрди, девор бўйлаб югуриб айланишди. Ҳамма қичқириб гапирар, ваҳимали товушлар эшитилар, ҳечким бир-бирини эшитмас эди.

— Бутун девор шунақа!

— Мана буёқ ҳам! Сра ёпишмапти!

— Цемент эмас, тупроқ!

— Қотмагандир!

— 24 кун бўлди!

— Иш расво!

Биров ҳовлиқмасликка чақирар, халқни тинчитмоқчи бўлар, биров дарғазаб бўлиб сўкинара эди. «Инженер қани?», «Тоғиб кел! Чақир!», «Зарарқунандалик!» деган товушлар эшитилганда Добротворцев блан Эргаш етиб келди. Улар иккови иккиёқдан деворни айланиб кўриб чиқдилар. Мамажон ака инженернинг қўлига цемент парчасини тутқазди.

Добротворцев баландлик бир жойда, тупроқ уюми устида тўхтаган эди. У цементга тикилганича индамай қолди. Ҳамманинг кўзи унда эди. Узоқ жимлик ҳукм сурди. Добротворцевнинг юзидан ранг қочди. Оғир жимликка тоқат қилиб туrolмадилар.

— Бу нима деган гап! Бизни нимага ишлатишадпти, масхарабозлик!— деб қичқирди кимдир.

Бунинг кетидан шовқин портлаб кетди.

— Қим текширган дементни?

— Инженер қаёқда эди?

— Бизни алдашипти! Масхарага ишлатишадпти.

— Зарарқунандалик!

— Шундайлигича ҳукумат комиссиясига топшириб юборганимизда нима бўларди?!

— Шармандалик!

— Текшириш керак. Текширилсин!

— Инженер жавобгар!

Қурилишнинг бошқа участкаларидан ҳам одамлар етиб келди. Уларнинг юзи чанг, елжаларида кетмон, бел, лойли қўлларидан пақир, арқон... Ҳаммаси тикилишиб шовқиндан бир гап тушунишга шошар эди. Бир четда, хотинлар орасида Онахон кўринди. У паришон кўзлари-

ни Добротворцевдан узмас, олдинга юрмоқчи бўлар, лекин йўл тополмас эди. Добротворцев асабий ғалаён ўрта-сида, баланд жойда турар, Онахоннинг назарида, у на гапиришга сўз, на қочиб кетишга йўл тополмагандай аянч бир ҳолда безрайиб қотган эди. Одамлар қичқирар, Онахон эса ўзича ҳадеб: «Наҳотки?.. Наҳот...» деб шивирлар эди.

Эргаш халқни тинчитиб Добротворцевнинг рўпарасида тўхтади. «Қимсан?» дегандай, ғазаб аралаш ҳайрат блан юзига тикилди. Оломон ичидан Мамажон ўртага чиқди. У паришон, дам бошлиққа, дам инженерга қарар, уларнинг жим туришидан сабр-тоқати тугаб, бақириб юборгудай асабий эди, лекин у ўзини босиб, кексаларга хос оғир, қуюқ, лекин таҳдидли бир товуш блан сўради.

— Инженер ҳозир айтсин, цементни текшириб олганми, йўқми?

Ҳамма яна жим бўлиб Добротворцевга қаради. Инженер қўлидаги цемент парчасига тикилганича турар, пешонасига тер томчилари қалққан, индамас эди.

У цементни текширган, унинг қотиш хусусиятини бирқанча вақт кузатган. Броқ ҳозир бунга айтишдан нима фойда. Жиноий факт, мана, кафтида турипти... Нима дейиши мумкин? Корпуснинг пойдевордан тепадаги цемент блан ишланган қисмида бирқанча жойи мана шундай... жиноий равишда ҳалокатга маҳкум этилган...

— Эҳ, Сергей Львович! — деди Эргаш тишини тишига босиб, паст овоз блан.— Мен сизга ўз виждонимга ишонгандай ишонган эдим...

Бу вақт Добротворцев унга шундай ҳайрат блан қарадики, Эргаш гапини йўқотиб қўйди.

Яна шовқин кўтарилди.

— Биз буерда кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қора терга ботиб ишлаймиз!

— Биз азоб чекамиз! Буёқда бўлса...

Оломон ичида энг қаттиқ чинқирган Қилтириқмахсум эди:

— Мен жонимни аямай ишлаганман, ўлимдан қолдим! Бутун азобларимиз бекор экан, ла'нат бундай ишга! — У одамларни туртиб-суриб олдинга чиқиб келди. Унинг кетидан яна бирнечалар сиқилишиб келишарди.

— Зараркунанда! — деди Махсум инженерга тикка қараб.

Шовқин авж олган сари, одамлар Добротворцев томонга силжиб келаверди.

— Текшириш керак, билмасдан бақирининг нима кераги бор, — деди кимдир.

Қилтириқмахсум гапирган одамга қизил кўзлари блан ўқрайди-да, яна инженерга қараб интилди.

— Нимасини текширади. Мана! Спец! Буржуй! Ун-сур! Буёққа туш! Ишчи синфининг оёғига болта уришни кўрсатиб қўяйлик! — Махсум жон-жаҳди блан силтаниб олдинга отилди.

Унинг орқасидан шовқин-сурон блан оломон ёпирилди. Онахон ҳаяжонда, бошлар тепасидан бўйнини чўзиб қарар, гапирган одамларни кўраолмас эди; уларни танимади, лекин ғазабли сўзлар қулоғига аниқ-аниқ эшитилди. У юзини икки қўли блан тўсдию, кескин қайрилиб, қаёққадир шошилди, оломонни ёриб зўрға четга чиқиб олди ва орқасига қарамай тез юриб кетди. Воқиа блан банд бўлган хотинлар унинг ғойиб бўлганини пайқамадилар.

Эргаш аланглаб қолди. Гапирай деса халқ эшитмас эди, у қўпол ҳаракат блан бир ҳатлаб, инженер блан оломон ўртасида пайдо бўлди. Нафаси тез, кўзларида ваҳима; бўзарган инженерни орқасига олиб, қулоч ёзди-да, кўкраги блан оломонни тўсди. Олдинда келётган Махсумнинг башарасига тикилди.

— Қайт! Анархия!

— Зараркунанда спецни кўкрагинг блан тўс, начальник!

Эргаш унга шундай қарадики, бу назарни ҳамма пайқади, шов-шув бироз тинди.

— Қайт!

Қилтириқ питирлаб, кичкинагина жуссасини орқага олди, одамлар тисарилди.

— Нега индамайди инженер?

— Индайолмайди-да, ҳа!

Мамажон аканинг салмоқли товуши халқни яна бироз тинчитди:

— Инженер гапирсин, ўртоқ Султонов.

— Гапиради! — Эргаш Добротворцевни ҳамон тошбўрондан ҳимоя қилгандай кўкраги блан тўсиб турарди.

Добротворцев унинг елкасига секин қўлини тегизди. Эргаш йўл берди. Инженер терлаб, оқариб кетган юзини халққа қаратиб, бирпас жим тургач:

— Уртоқлар...— деди, унинг товуши одамлар кутгандай қалтироқ ёлбориш овози эмас, дадил, босиқ эди.

— Қаттиқроқ!

— Уртоқлар! Мен цементни текшириб олганман, унинг қотиш хусусиятини ҳам ҳар куни текшириб турганман.— Унинг товуши шов-шув ичида кўмилиб кетди.

— Ана!

— Текширган, демак ўзи жавобгар!

— Бердисини айтгунча уриб ўлдирасан шекилли, Қилтириқ

— Қасддан қилган!

— Санамай саккиз дема.

— Жим, ўртоқлар! Жим дейман!

Одамларни тинчитиш қийин эди, Добротворцев Эргаш блан Мамажонга қараб гапирди:

— Гангрена эмас, деярлиқ совуқ ёки ёгингарчилик бўлгани йўқ.

Мамажон дам ялиниш, дам ғазаб аралаш товуш блан асабий гапирар, инженер блан бошлиқнинг гапини ҳарзамонда бўлиб турарди:

— Бу нима ахир, нима деган гап, ўртоқ Султонов, инженер!.. Биз..

— Сабр қилинг,— деди Эргаш.

Добротворцев давом этди.

— Аралаштирилган модда, афтидан, кейинроқ, бино ишга тушгандан кейин та'сир қилиши мўлжалланган.

Эргаш аввал тушунмади. Шовқин солаётганларга жаҳли чиқиб қичқирди. Кейин инженерга яқинроқ келди:

— Модда? Нима, қасддан қилинган демоқчимисиз?

— Ҳа, менинча, қасддан ва қаттиқ ўйлаб қилинган жиноят. Цементга унинг ёпиштиручи, жипслаштиручи моддаларини кучсизлантирадиган қандайдир состав қўшилган. Назаримда, иш вақтида, цемент қорилаётган вақтда... Ҳаммасига эмас, ола-була, мана юринг кўрайлик.

Унинг «юринг» деганини, бошлиқни қаёққадир бошламоқчи бўлганини кўриб, воқиядан қаттиқ ғазабланган одамлар яна нотинчланди. Қилтириқмаҳсум бақирқиши бошлаб берди:

— Ҳа? Инженер нимага жавоб бермайди? Қаёққа қочмоқчи?

Қилтириқ яна олдинга чиқиб келди. Қипқизил кўзларини бақрайтириб, дам халққа, дам Эргашга қарар, ир-

ғиб чиққан кекирдагини чўзиб, томирлари бўртиб чиққунча қичқирай эди:

— У ҳийла қураяпти, бошқаларга тўнкамоқчи! Ишчи синфини алдайолмайсан! Спец! Буржуй! Тушсин буёққа, унсур! Начальник ҳимоя қилса политинкага тортамыз! Халойиқ!

У кучала егандай қутуриб-қизариб, енги шимариглиқ ингичка билагини силтаб Добротворцев турган тепаликка чиқабошлади. Унга бу жирканч жиноятдан ғазабланиб, нима қилишини билмаган, ўзини йўқотиб қўйган ба'зи қуручилар ҳам эргашди, шовқин-сурон гўё Қилтириқнинг гапларини қувватлар эди. Эргаш яна ўртага турди. Бу сафар унинг важоҳати шундай эдики, одамлар, ҳозир Қилтириқни кўтариб, ғижимлаб юборади, деб ўйлашди. Брок Эргаш гапини айтолмади, баджаҳл бир қиёфада турганича тўхтаб қолди: ён тарафдан Ефим Данилович чиқиб келди, шапкаси қўлида, юз-кўз ифодалари хотиржам, лекин жиддий эди. Халқ унинг воқиядан хабардор эканини қаёфасидан билди ва ундан гап кутди. Ғалаён тинчиди: ҳозир ячейка тапиради, қани нима дер экан?

Ефим Данилович худди гапирадиган бир қиёфада туриб халққа қарадию, гапирмади. Бунинг ўрнига, орқадан қора костюм, фуражка кийган оддийгина бир йигит пайдо бўлди. У одамлар орасидан ҳечкимни туртмай, ҳурмат ва эҳтиёт блан юриб келди-да, Қилтириқмахсумнинг ёнида тўхтади.

— Қамаш керак, қўпоручини!— деб қичқирди Махсум, Ефим Даниловичга Добротворцевни кўрсатиб.— Қамаш керак!

Бу вақт Қилтириқмахсум ёнгинасида секин, хотиржам овоз эшитди:

— Сиз қамоққа олиндингиз!

Махсум кўзларини чилпиллатиб ҳалиги йигитга қаради. Қулоғимга эшитилди шекилли, деб ўйлади-да, Ефим Даниловичга қараб яна бирнима деб қичқирмоқчи бўлди, лекин ҳалиги товуш яна такрорланди:

— Мен блан юринг.

Махсум қотди. Юпқа лаблари қалтирадию, гап чиқмади.

— А!.. Ме... бе...

Бу гап эмас, ёввойи чинқиритиш эди. У тилдан қолди.

Ўттиз учинчи боб

«Наҳот... Наҳотки».

Онахоннинг қуруқ лаблари блан шивирлаб айтган бу ҳаяжонли сўзлари унинг ҳозир шошилиш суратда ёзиши керак бўлган доклад тезисларига алоқаси йўқ эди. Умрида биринчи марта қалам ушлагандай, қўли юришмас, бармоқлари қовушмас, қалтирар эди. Турсуной дарс тайёрлайдиган, тагига ғишт қўйиб баланд кўтарилган, эски курсидан ясалган столча кичиклик қилар, Онахон қулайроқ ўтирай деб асабий қимирлаган сари, ғирчиллаб ғашига тегар эди. Доклади — индинга. Хотин-қизлар клубида эски газета қоғозига тиниққина сиёҳ блан катта, кўпол қилиб ёзилган э'лон кечаёқ осилган эди: «Доклад—Шўро ҳукумати хотин-қизларга нима берди».

Нима берди?.. Онахон кечадан бери ўйлаб, тезисни саккиз модда қилиб, миясида пишитиб олган эди. Ҳозир эса ҳа деганда қоғозга тушавермади.

Ниҳоят у қаламни қўйиб қўйди, қоғозни ғижимлаб, терлаган кафтини артди.

Добротворцев... Наҳотки Онахон шуқадар янглишган бўлса? «Одамларни сезгирлик блан тўғри баҳолайбилишга ўрганиш керак. Одамларни танийбилиш керак» — бу Ефим Даниловичнинг сўзлари. Ахир унинг ўзи ҳам инженер ҳақида яхши фикрда эди-ку? Броқ... балки у зимдан синаб юргандир. У одамларга ишонади ҳам, узоқ синайди ҳам. Онахон-чи? Ишонди-қўйди. Яхши, соф кўнгил киши экан деб завқ блан мақтаб юрди. Бировларга мақтабгина қолмади, ўз кўнглида унга бундан ҳам каттароқ баҳо берди. У ҳақда, унинг меҳрибонлиги, ақли, дўстлиги ҳақида гапиришидан ҳам кўра ўйлаши кўпроқ бўлиб қолди, бу ўйлар унга ёқар, ба'зан беихтиёр, тўсатдан хаёлига келар эди. Онахон буни илгарилар билмаган экан. Билмаган, ё бировларга билдирмасликка, ҳатто ўзидан ҳам яширишга уринган; ҳозиргина хаёлига келди. Мана шу топда ҳам уни ўйлаяпман, деб ўзини қўлга туширди у; буқадар енгилтаклик! Буқадар берилиб кетиш! Еш боладек. . .

(Нима бўлса бўлар. Қим бўлса бўлгандир. Кўнглида жирканч ният бўлган бўлса, мана энди жазосини тортади. Онахон нима, Онахон унга бошқалардан кўра яқинроқми-ди? Воқиага бошқалар қандай қараса у ҳам шундай қараши керак. Қани, ишга!

Онахон қаламни олди. «А» ҳарфини ёзиб, якка қавс тортди.

Лекин буни фақат қўли қилди. Шунча қувласа ҳам миясининг аллақаерида тирмашиб қолган ўша ўй яна бутун диққатини банд қилди... Турсунойга доктор Қарапетянни олиб келганида нима деган эди? «Мен сизнинг ҳақингизда кўп эшитганман», «Сиз сўз қудратининг сирини биласиз». Яна нимадир гапирди. Ҳа, ўзи ҳақида гапирди. Гапирди-да. «Онахон, сиз буни тушунарсиз, деб ўйлайман» деди. Бу сўзлар ўша вақтдан бери Онахоннинг юрагида эди. Наҳотки, наҳотки шу сўзлар қора кўнгил блан айтилган бўлса? Ундай бўлса, бу сўзлар нақадар жирканч! Одамнинг қўйнига илон бўлиб кирадиган сўзлар! Добротворцев — қўпурочи... ашаддий душман. Онахон, сен бўлсанг нуқул унинг фазилатлари ҳақида ўйлайсан! Дарвоқи, унинг қандай ёмон томонлари бор эди? «Томонлари» эмиш, қўпурочи бўладию, «томонлари» қолиптими? Жирканч! Газанда!

Онахон, юрагини бир нарса санчгандай, кўзини юмиб, бошини орқага ташлади. Кўз тагида дард белгилари, ажинлар кўринди.

Газанда? Ахир ўша келганида, минбарда қўл сиқиб кўришганида унинг кўз қарашлари шуқадар самимий, шуқадар равшан эди-ку! Ахир севикли қизи Турсуной унинг пой-қадами блан тилга кирмаганмиди? Унинг сўзлари ўша куни Онахонга чинакам тасалли бермаганмиди? Роса уч ой азобда, тилсиз, тирик мурда бўлиб ётган Турсуной биринчи марта «ойи» деганида, юраги ёрилиб кетгудай қувонган Онахон, Сергей Львовични эслаб, кўнгида аллақандай ҳаяжонли бир ҳис туймаганмиди? Бу нима эди? Бу — шунчаки «инженер яхши одам экан» деган фикрнинг туғилиши эди. Бу фикр туғилдию кўнгилга ўрнашди. Кейин Онахон бу фикрни кенгайтиргиси келди, ҳар кўрганда инженернинг яхши фазилатларини зимдан излади, кўп вақтини қурилишда ўтказишга уринди, қурилиш ёнида ўқув-ишлабчиқариш комбинатини ташкил қилишни топширганларида бу нотаниш, оғир ишни қувонч блан бошлади, бунга балки Сергей Львовични кўриб туриш қувончи ҳам қўшилгандир. Онахон бу ҳақда ўзига иқдор бўлишга ҳечвақт ботинган эмас, йўқ, йўқ, бу муҳаббат эмас эди. Онахоннинг муҳаббати Собиржон блан бирга дафн этилган, муҳаббат сўзи унга фақат Собиржонни, Башорат блан Турсунойнинг севикли отасини эслатади,

Онахон Собиржонсиз муҳаббат ҳақида ўйлашга ҳам кўрқади, лекин, ҳарҳолда, Сергей Львович бор жойда Онахонга яхши эди. Энди эса бирдан. . .

Ҳожия кириб келди. Онахон пайқамади.

Энди эса бирдан алғов-далғов, даҳшат, Добротворцев зараркунанда, Онахон енгилтак!.. Йўқ, Онахон ўз мавқияга путур етишидан кўрқаётгани йўқ. Гап бунда эмас. Гап шундаки, у Добротворцевга ҳамон ишонгиси келади. Добротворцев ундай одам бўлиши мумкин эмас. У ҳозир қаердайкин? Нима бўлди экан?

Онахон нима учун ҳали одамлар ичидан чиқиб кетди? Нима учун воқиага тикка қарашга юраги дов бермади? Иродаси етмадими? Инженернинг чиндан яхши одам эканлигига ишончи комил бўлса, нима учун уни ҳимоя қилмади? Ёки, унинг яхши одам эканлигига тўла ишончи бўлмаса, нима учун воқияни дарров аниқлашга ёрдам бермади.

Ҳа, Онахон ҳали хом экан. Бунинг ҳаммасини Ефим Данилович билса, ҳозир роса сўкарди. «Принцип! Қатъият! Ирода! Ишонч!» деб қичқирарди. Онахон Ефим Даниловичнинг маслаҳат ва танбиҳларини эшитганда ҳаммавақт ақли бирдан равшанлашганини сезарди. Ҳозир у бугунги бутун ўйларини унга айтиб беришга қарор қилиб, ўрнидан турди.

— Ҳожия! Нима қилиб турибсан?

Ҳожия бармоғини тишлаб, йиғлагудек бўлиб остонада турарди.

— Мен у блан уришиб қолдим, Онахон опа. . . — деди у ерга қараб, — уришдим, пушаймон бўлиб, роса ўйладим. Кейин, ҳаммасини айтиб бераман деб сизнинг олдингизга келдим. Сизга айтсам кўнглим енгил тортади.

— Ким блан? Нимага уришдинг? Қани, ўтир.

— Эргаш акам блан. . . Энди нима бўлади, Онахон опа?

Ҳожия чиндан йиғлаб юборгудай гапирди. Ўзиданми, бировданми — қаттиқ жаҳли чиққан эди. У, ўтириб бармоғи блан бурнининг ёнини сидирди. Унинг бу «бад-жаҳл»лиги Онахонга жуда ширин туюлиб кетди — «Эргаш блан уришган эмиш! Бу «уришиш» яширин муҳаббат аралаш ғалати бир ширин зардабозликдан иборат бўлган бўлса керак». Онахон меҳрли кўзлари блан жилмайди.

— Нима бўлиб уришдинглар?

— У киши менга ҳалитдан... ўз нималаридай қара-
яптилар...— Ҳожия буни жаҳл блан гапирди, кейин Она-
хоннинг «нималари»ни тушунмаганини кўриб, пастга
қаради-да, секин қўшиб қўйди:— хотинларидай..:

— Нима қилди?

— Танқид қилсам, «Шу гапни келиб-келиб сен гапир-
дингми?» дедилар. «Нима учун «келиб-келиб» бўлар
экан, нима, мен одамларнинг нушхўртиманми? Нимага
мен «келиб-келиб» бўламан дедим. Ўзингиз «келиб-келиб»-
сиз» дедим.— Ҳожиянинг товуши яна товланди:— Энди
нима бўлади, Онахон опа?

— Нима деб танқид қилдинг?

— «Яқинда Москвадан тўқучи хотинлар қайтиб кела-
ди дедим, қани фабрикангиз» дедим! «Кўрмайсанми, Ҳо-
жия, қурилишда қандай хунук воқиалар бўлиб ўтди» де-
ди. «Қурилишдаги хунук воқиаларга ким жавобгар?»
дедим. «Қурилишнинг бошлиғи ким?» дедим. «Қаёқда
эдингиз?» дедим..

Онахон кўзларини катта очиб, секин Ҳожияга яқинла-
шиб келарди. Чеккасидаги қон томири тепар, гўё: «Ким
жавобгар? Ким жавобгар?» деб лўқиллар эди. Ҳожия
уни кўриб гапидан тўхтаб қолди.

— Қаерда гапирдингиз шуни, қайси мажлисда?

— Мажлисда эмас... шомдан кейин боғ орқасидаги
олхўри тагида учраш..: тасодифан кўришиб қолган
эдик,— Ҳожия, ўз ўйича яхши топилган «тасодифан» сў-
зини тез ва алоҳида урғу блан айтди. Бу ёлгон сўзнинг
ямоқ экани билиниб турарди.

Онахон жилмайишга мажбур бўлди.

Оббо, Ҳожия-ей, ҳали сен шунақамисан! Кўришгани
орзиқиб келган йигитга ҳам шунақа гап гапирадими қиз
деган?

Онахон бирдан ўзининг бояги хаёлларини эслади. Ўз
виждони олдида қизариб кетди. «Мен-чи? Мен нималар-
ни ўйладим? Қурилишдаги шундай ҳалокатли воқиа қо-
либ, мени фақат Добротворцев ҳақидаги ўйлар банд
қилди. Эргаш бу қизнинг севгани, Добротворцев менга
ким? Уят! Уят!»

Ҳожия уни бир маслаҳат қидираяпти деб ўйлади.
Онахон индамас эди.

— Ахир хотинлар бизни фабрика, цехлар, станоклар
кутаяпти, деб келишади. Фабрика корпуслари уларнинг
тушларига кираяпти ҳозир. Буерда бўлса мунақанги аҳ-

вол. Начальник буни ўйлаши керакми ахир? Қим айбдор? Шармандалик-ку!

— Йўқ! Шармандалик эмас!

Онахон блан Ҳожия ялт этиб орқаларига қарадилар: остонада Ефим Данилович турарди.

— Йўқ, шармандалик эмас! — деб такрорлади у, Ҳожияга қараб секин юриб келаркан, сўзларини қадамга мослаб битта-битта та'кидлаб гапирди: — Биз шарқда биринчи фабрикани қураяпмиз. Фабрика қуриш — фабрика биносининг ўзини шифиллатиб қуриб жетаверишдан иборат эмас, уни бундай тушуниш керак: биз фабрика блан бирга янги турмушимизни қураяпмиз, ишчи синфининг сафларини тўлдираяпмиз, ўз ҳужрасининг томини суваш, ўз қорни учун бир бурда нон топишдан бошқа дарди бўлмаган одамлар тақдирини умумхалқ манфаати блан боғлаяпмиз, уларни социалистик ишлабчиқаришга келтираяпмиз. Онгини, тушунчасини, руҳини қайта қураяпмиз, хотин-қизларни озодликка, ёруғликка, меҳнатга, илмга бошлаяпмиз. Фабрика қуриш блан биз аламзада душманнинг асабига тегаяпмиз, уни яширинган қавагидан ўрмалаб чиқишга мажбур қилаяпмиз. Уни талваса устида қўлга тушириб фош қилаяпмиз. Бу — кураш бу! Кураш эса қурбонсиз бўлмайди. Тўғри, биз катта қурбонлар бердик. Лекин биз, Совет ҳукуматининг ёрдами блан, йўлимизни тозалаяпмиз. Бугун жирканч газандаларнинг катта бир уяси титиб ташланди. Онахон, сизга пичоқ қайраган жаллодлар, Жўраҳоннинг қотиллари, бўлғуси фабрикамиз учун шум ҳалокат тайёрлаганлар қўлга тушди.

— Ефим Данилович!

— Ефим тоға! Ким, кимлар экан?

— Наимхўжа эшоннинг ўғли Салимхўжа Наимий! Қудратиллаҳўжавофурушнинг ювиндихўри Қилтириқмахсум!..

Онахон оғзини очиб, киприқларини пирпиратиб яна кимнингдир номини кутди. Ефим гапини тўхтатганда икки титроқ қўли сочини чангаллашга тайёр ҳолда, кўтарилганча қолди. «Яна?» деб сўрар эди унинг кўзлари.

— Қурилишимиз атрофида, Найманчада мана шулар иш кўрган.

— Демак... демак... — Онахон югуриб келиб Ефимнинг кўзларига тикилди, — демак Махсум! Демак инженер Добротворцевда айб йўқ?! — Онахон буни беихтиёр айтиб юборди. У, икки қўли блан бошини ушлаб қуйи эг-

ди. Бироз боши айланди. У кўнглидагини ошкора қилиб қўйганини пайқади-да, бўлганича-бўлди дегандай, Ефимнинг кўкрагига бош қўйди.

Ефим Ҳожияга қия қараб олиб, ўзини ҳечнарсга билмаганга солди.

— Сергей Львович бизнинг қадрли дўстимиз! Душман, халқда унга шубҳа туғдириш учун, махсус режа блан иш кўрган. Аммо халқ тиллани сайқалидан танийди.

Онахон боштини кўтарди. Унинг кўзларидаги илиғлик бир пастда ғазаб ўтига айланди.

— Нусратиллахўжа!.. Илон боласи — илон, мен унинг товушини энди танидим... Ҳали-ҳали қулоғимда: «Сенга ҳам эмас, менга ҳам...» Уша! Ушанинг товуши! Аттанг, аттанг... ўшанда ақлим қаёқда эди! Бу товушни ўшанда танийолганимда, балки Жўраҳон... оҳ, мен нима қилиб қўйдим!!!

— Ҳа... Лекин, Онахон, қотилнинг ўша маш'ум сўзи қулоғингизда қолиб, уни ўша вақт айтиб бераолганингиз ҳам катта ёрдам берди.

— Қандай?— деб сўради Ҳожия.

— Гап шундаки, бу газандаларнинг ишига инглиз жосусларининг бизнинг шаҳаримиздаги уяси бошчилик қилган. Улар энг жирканч йўллар блан иш кўрганлар, ҳарқанақа маслаксиз, одам чиқиндиларини ишга солганлар. Қудратиллахўжанинг арзандаси энг расво, одамлик қиёфасини йўқотган қиморбоз, мия ўрнига пичоқ ишлатадиган бир махлуқ, босмачи бўлган. У бир... қизга кўзи тушиб, унга эришиш умидидан маҳрум бўлганидан, қизни ўлдириш пайига тушган. Онахонни йўқ қилиш ниятида юрган жосус, йиртқич бойваччанинг пичоғи тагига... Онахонни тўғри қилган.

— Башорат! Қизим! Болагинам... онанг сени даҳшатли ўлимдан сақлаб қолипти, қизим!

Башорат уйда йўқ эди. Ҳожия аланглаб олиб, сўради:

— Башорат?

— Ҳа, ўша қиз Башорат бўлган,— деди Ефим,— офарин, комсомол қиз! У катта чигални ечиб берди. Бойваччанинг ўлиmidан бирнеча кун олдин унинг ёмон тикилганини пайқаб қолган экан. Унинг бу ҳақдаги гапи ҳамма нарсани равшан қилди-қўйди. Каримов ҳам Башоратингизга қараб: «Шу гапни тўрт ойдан бери қидирап эдим», деди, елкасига қоқди.

— Демак, Жўраҳонни ҳам шулар. :-

— Шубҳасиз.

— Ла'нат! Ла'нат! — қичқирди Онахон, асабийлик билан уёқ-буёққа юриб. — Умри бўйи Найманчамизнинг қонини сўрган илоннинг боласи ҳам бизнинг қонимизга беланиб ўлипти-да. Жаллод!

— Уни ким ўлдирипти? — деб сўради Ҳожия.

Ефим ўйлаб, жилмайиброқ жавоб берди.

— Менинг бир Егор деган ошнам бор, доно чол. Ушанинг бир гапи эсимда: «Чиён ўтга тушса ўз заҳарли найзасини ўзига санчади». Инглиз жосуслари дўппи тор келганда бундай чиқиндиларни ўз вазифасини бажарганидан кейин ўзлари ўлдириб келганлар. Мен Қилтириқмахсумнинг изига тушиб, уларни қўрқитиб қўйган эканман. Шунинг учун аввал, Нусратиллахўжани, кейин Махсумни йўқ қилиш мўлжалланган. Йўқ, биз сўнггисини, жиноятларнинг жонли далили сифатида сақлаб қолаолдик. У ҳозир иш берапти. У бугуноқ Наимийга, кейин «Афғончойфуруш»га юзма-юз қилинди.

— Афғончойфуруш?

— Бу — эски, ашаддий жосус Эдгар Гладстон, инглиз.

— Қўлга тушдимми?

— Ундан катгаси, полковниги ҳам қўлга тушди.

— Наимий нима иш қилган?

— Наимий сиёсатбоз миллатчидан бандитга айланган сотқин. У бизни инглизларга сотиб қочмоқчи бўлган. Ватанфуруш, «чойфуруш», одамкуш. :- ишқилиб, пес моховни қоронғида топган. Демак, кўриб турибсизки, Ҳожияхон, бу фабрикагина эмас, бутун юртимизнинг тақдири билан боғлиқ масалалар. Инглиз жаллодлар Ўзбекистонни Советлар Россиясидан ажратиб олиш, ҳаммамизни кул қилиш ниятида; буерда ишчи синфининг мустақкамланиши, фабрикалар қурилиши, Жўраҳон, Онахондай, Эргашдай одамларнинг ўсиб чиқиши эса уларнинг бу ниятини пучга чиқараяпти. Масала мана шундай, Ҳожия! Масалани шундай кенг тушуниш керак.

Онахон бир нарсани эслагандай, столча ёнига бориб, қоғозига бир нарсаларни тез-тез ёзиб олди.

— Онахон, биз сизга халақит бердик. Борайлик, юринг, Ҳожияхон, — деди Ефим.

— Йўқ, сиз менга ҳарвақтдагидай ҳозир ҳам катта ёрдам бердингиз, Ефим Данилович, докладимнинг тези-

сини ёзаётган эдим.— Онахон ўрнидан туриб, Ефимга яқин келди, унинг ота чиройидай қадрдон, эски таниш юзига намли кўзлари блан тикилди.

— Ефим Данилович, кечқурун уйда бўласизларми?

— Ҳа.

— Софья ҳамми?

— Ҳа.

— Верочка ҳам албатта уйда. Мен бугун қизларим блан сизларникига бораман. Бирвақтлардагидай оилавий ўтиришларимизни жуда соғиндим.

— Аҳа,— деди Ефим бошини қашиб,— ундай бўлса мен эртaroқ боришим керак экан, Софьяга пирог заказ қилиб қўйиш керак.

Икковлари ҳам кулишди.

— Тўхтаг, Софьяга буни айтмаймиз, «каттакон меҳмонлар келади» деймиз, буёғини сир сақлаймиз.

— Йўқ, йўқ, ундай қилсангиз бормайман.

— Тўхтаг, роса қизиқ бўлади. Учоқ бошини соғиндим деяган эди, бир терлаб-пишсин. Лоп этиб Турсуной блан Башорат кириб борганда қарайдики, «каттакон меҳмонлар» ўзининг қизчалари.

— Йўқ, Ефим Данилович.

— Йўқ, йўқ, гап тамом. Шундай қиламиз! Юринг Хожия, қани комбинатингизга бир борайлик. Онахон блан Софья хотинларнинг ўқишини жуда мақтаб юборишди. Ўз кўзим блан кўрай, жуда ҳам ўшанақамикан.

— Энди яхши ўқиймиз, Ефим тоға, энди ишлаймиз! — деди Хожия минбарда гапиргандай тантана блан.

— Яхши, лекин энди бизга ҳечким халақит бермайди, деб ўйламанг. Душман тамом тугагани йўқ. Кураш давом этади. Буни унутманг.

Ефим Данилович Хожияни бошлаб, олиб чиқиб кетди. Онахон қараб қолди:

«Кураш давом этади!..»

Кўп ишлари борлиги эсига тушди. Назокатнинг олди-га кириши керак. Албатта, бугун кириш керак. Эри Нормат ака уни тагин паранжи ёпинишга мажбур қилипти. Нима гап? Нормат бунчалик ёмон одам эмас эди-ку...»

Ўттиз тўртинчи боб

Деворий газетада «Бир чойнак чой, бир дона бекорчи ҳақида» деган ҳажв чиққандан бери, Марайимчаққон ҳам чойхўрларни кутиб қўл қовуштириб ўтиришдан анди-

ша қиладиган бўлди. У чой сотишни вақтййча бирёққа йиғиштириб қўйиб, самоварни қурилишда ҳаммани ўзига тортадиган, «чўғдеккина қилиб» безатиш пайига тушди. Бу фикрни унга Башорат шама қилган эди. «Шундай қилсангиз шиорлар ёздириб бераман, портретлар топиб келтираман» деган эди. Марайим ўйлаб қараса — арзийдиган иш. Уша кунйёқ гузардан чойхонанинг гиламларини ҳам орқалаб келди. Қурилиш конторасидан стол-стул, тахта-ёғоч, алвон ва плакатлар сўраб олди. Бир ҳафта югуриб-елиб, чойхонани бежиримгина, салқин, озода, роҳат қилиб дам оладиган жойга айлантирди. Энди тушликда буерга ишчилар ёпирилиб келар, чой ичар, дам олар эдилар.

Айниқса бугун Марайимнинг зап омади келди, «чаққон»лигини чиндан ҳам беармон ишлатадиган бўлди.

Туш пайти буерга беш-ўнта қуручи келиб ёнбошлаб, чойни майдалаб, уёқдан-буёқдан гаплашиб ўтиришган эди, яқинда ўтган поезддан тушиб келаётган Ефим Данилович ўтиб қолди. У бир кечаю кундуз вагонда юриб чарчаб келган бўлса ҳам, қувноқ шовқин-сурон блан саломлашган қуручиларни кўзи қиймай, уларнинг таклифи блан чойхонада тўхтади. Сафаргагина олиб юрадиган катта портфели блан фуражқасини сўрига қўйди-да, наридан-бери юз-қўлини ювиб, ишчилар ёнига чиқиб ўтирди.

Пойтахт хабарларига жуда қизиққан қуручилар унга яқин-яқин силжиб ўтирдилар, сал ўтмай, ошхонадан чиққан ишчилар ҳам битта-битта етиб келишди. Сўрилар тўлиб кетди. Уёқдан-буёққа мокидай йўрғалаган Марайимнинг юзи терлаган сари очилар, у, ўзига хос мулозимат блан хизмат қилар, ҳар замонда ҳозиржавоблик блан:

— А лаббай! Мана ҳозир! — деган қувноқ товуши эшитилар эди.

— Самарқандда нима гаплар, Данилич, қани гапир!

— Гап кўп. Эртагаёқ мажлис чақириб алоҳида гаплашамиз,— деди Ефим Данилович.

Лекин қуручиларга ба'зи қувончли хабарларни ҳозирдан айтиб берди. Марказқўм бюросида фабрика қурилиши масаласи алоҳида кўрилганлигини сўзлади. Уртоқ Сталин томонида Ўзбекистон қурилишларидан хабар олиш учун юборилган москвали вакилнинг фабрика қурилишига жуда қизиққанини, у блан бўлган суҳбатни гапириб берди.

Сўрининг ўртароғида алоҳида бўлиб ўтирган Матвей, Мамажон, Нормат учови бу гапларни тинглаб, оғир бир иш қилаётгандай терлаб-пишиб, босиб-босиб чой ичар эдилар.

— Эшитдингми, адаш,— деди Матвей сариқ мўйлови-ни бош бармоғи блан ростлаб,— биздан Марказқўм ҳам кўз-қулоқ бўлиб турипти.

— Сталин юборган вакилни айтмайсизми, адаш, ҳали Москвага бориб унга ҳам гапириб берса-я?

— Шак-шубҳа қилмайсан, албатта гапиради! Лекин ишимиз. . .

Мамажон ўйлаб туриб, пешонасига бир урди.

— Ҳ-ҳа! Мамажон! Хомкалла! — деди у бошини икки қўли орасига олиб.— Қилтириқ даюс ёнгинамда юрди-я! Қурка бўйнидан шундоқ бўғизлабгина қўяқолмайманми ўша вақтда!

Нарироқда Ефим Даниловичнинг суҳбати давом этарди.

— Хўш, ундан кейин нима бўлди, Данилич!

— Шундан кейин. . .— Ефим Данилович пиёлани уза-таётиб кўзи блан кимнидир қидириб қолди,— шундан кейин, Мамажон борми? Мамажон ака! Шуердамисиз?

— Лаббай!

— Кейин сизни сўраб қолишди,— деди Ефим.

— А?

Мамажоннинг қути учиб кетди. Оғзидаги нонини чайнамай ютиб юборди-да, қайрилиб, чўккалаб ўтирди.

— Мени? Нимага. . . Мени?

— Бетончилар борми, дейишди. Бор, дедим. Сизни айтдим. Илгари ким бўлган, дейишди. Бетончиликни қаерда, кимдан ўрганган, дейишди. . .

Мамажоннинг кўзлари пирпираб, соқоли тарвақайлаб кетди.

— Қаерда сўрашди буни?

— Марказқўмда.

Мамажон «ҳазил экан» деган фикрга келиб, илжаймоқчи бўлди, лекин Ефим Данилович жиддий давом этмоқда эди:

— Илгари ҳаммол бўлган, дедим. Бетончиликни шу қурилишда, адаши Матвейдан ўрганди, дедим.

Иккала чол бир-бирларига қараб олишди.

— Мени аралаштириб нима қилардинг, Данилич,— гўнғиллади Матвей.

— Мен кўп одамларимизни гапириб бердим. Сизни, Мамажон ака, роса суриштиришди.

— Ким?

— Ҳалиги вакил.

Мамажон ўрнидан туриб Ефимнинг ёнига келиб чўқди. Унинг юзи, кўзи, бутун вужуди саволдан иборат эди.

— Бу, Данилич, қандай бўлди... Мен... қанақа... нимага...

— Мен билганимни гапириб бердим. Сизнинг икки ўғлингиз бор-а? Каттаси тўққиздами?

— Ҳа... ҳа.

— Тўғри айтибман. Каттаси ўқийдими, деб сўради. Яхши билмас эканман, ўйлаб туриб тахминан, «йўқ» дедим. Нега дейишди, жавоб беролмадим.

— Буни ўша... ўртоқ Сталиндан келган вакил... :

— Ҳа, ўша сўради.

— Чой-пой ичаётганларингдадир?

— Йўқ, бюрода. Бюронинг ўзида.

Мамажон атрофига аланглади. Ҳамма шериклари ҳам худди ўзидай ҳайратда оғзини очиб, унга қараб туришарди.

Мамажон яна Ефимга тикилди.

— Данилич, бу... нимага бўлса экан-а?

— Қизиққан-да, адаш, нима дейсан, ўртоқ Сталин юборган одам бўлса, масала равшан,— деди Матвей.

— Нима равшан? — сўради Мамажон, ҳамон гаранг бўлиб.

— Ахир кечаги ҳаммол бугун фабрика қураётган бўлсанг. Қизиққан, қизиққан. Мен биламан. Ленин шунақа эди.

Мамажоннинг шошиб қолган ақли ҳамон гапнинг тагига етолмасди. Жилмайиб турган Ефим Данилович бир қўли блан унинг елкасидан босиб ўтқазди.

— Матвей ота тўғри айтди, Мамажон ака,— деди у,— вакил Москвага қайтгандан кейин ўртоқ Сталин албатта, сиздайларнинг тирикчилигини, кайфиятини, бола-чақасини суриштиради. Уларнинг келажаги қанақа, ўзлари фабрика қуришаётган экан — болалари ким бўлади, уларга гамхўрлик борми, уй ичи, турмуш қаёққа қараб бораяпти — вакил, ўртоқ Сталин мана шуларни сўраб қолишини билади-да. Лекин мен қаттиқ хижолатда қолдим — шуерда туриб билмас эканман, ўғлингиз нима учун мактабга қатнамайди?

Мамажон аячадан кейингина эсини йиғиб олиб, тили зўрға гапга келдию, ўшанда ҳам саволга жавоб беролмади.

— Данилич, сизнинг ўзингизча... у мени ўртоқ Сталинга...

— Албатта, гапириб беради. Лекин мен ўғлингизнинг нима учун ўқимаётганини айтиб беролмадим, Мамажон ака.

— Мен... мен ўзим ҳам айтиб беролмайман, Данилич.

Ба'зилар кулиб юборди.

— Илгарилар ўқиб, ё бола ўқитиб юрган одам бўлмасак... — Мамажоннинг атрофдаги кулгиларга, гапларга қулоқ солгулик ҳоли йўқ эди, ҳозирги туриши, бу суҳбат, бу гаплар тушими-ўнгими эканини ўйларди, холос.

— Буерда, мана шундай пайтда, гапнинг лўндасини айтиб қўяқолиш керак, адаш,— деб гапга аралашди Матвей чойга пул чиқазаркан,— нима учун сен шундай пайтда ҳам Даниличга кўнглингни ёрмайсан, айт: ўғлим ўгай бўлгани учун мактабга берганим йўқ дегин, ўзимники бўлса ўқитардим дегин.

Ғовир-ғувур бошланди.

— Тўғри-да.

— Хатонинг бор экан, шартга айт.

— Чакки қилибман дегин.

— Эскилик сарқитига чувалашиб қолганман дегин,— қўшиб қўйди Матвей.

Бош эгиб қолган Мамажон блан, ўйланиб ўтирган Ефимгина жим эди. Ҳамма, ўртоқ Сталин ҳақида, вакил, бюро ҳақида, мактаб ва бола-чақаси ҳақида бир-бирига гап ма'қуллаб, ўзича мулоҳаза қиларди.

— Вакилнинг тутган жойини қаранг-а!

— Худди Мамажон акани билгандек... Нозик жойдан ушлапти.

Ефим Данилович Мамажонга чой узатди. Мамажон пиёлачи индамай олди-да, қўлида ушлаганича, қулоғига ҳеч гап кирмаётгандай, бир четга тикилиб ўтираверди.

У Ефимнинг айтганларини яна бир эслади, бюрони, вакилни кўз олдига келтиришга уринди. Воқиа бирдан равшанлашгандай, ҳамма гапга энди тушунгандай бўлди. Юмюмалоқ, қопқора ўғилчаси кўз олдига келиб туриб олди. Ҳаркун ишга ўтганида гузардаги мактаб ҳовлисидан эшитиладиган хушчақчақ шов-шув, болаларнинг

қий-чувлари қулоғида янгради. Мактаб дарвозаси тепа-сидаги катта портрет, доҳининг меҳрибон жилмайиб ту-риши кўз ўнгида гавдаланди. «Келажаги қандай, болала-ри ким бўлади...»

Мамажон кўзини ердан олмаган ҳолда, ўзидан-ўзи сал жилмайди, чармдай қотган бармоқлари блан соқо-лини тутамлаб қўйди. Ер тагидан қия боққан Ефим Данилович унинг кўзлари йилтираб намланганини пай-қади.

Энди ҳамма жим бўлиб қолган эди. Ефим Данилович Мамажондагидай ўйчанлик ҳолатини кўпларда кўрди. «Уларнинг ҳарбири блан чин кўнгилдан гаплашадиган қанча гап бор! Жуда кам суҳбатлашамиз. Одамларимиз-ни билмаймиз» деб ўйлади у.

Орқа томондан Эргаш етиб келди. Танаффус вақти тугаб қолган эди, қулоқ солса, одамлар аллақандай «ўгай бола», кимларнингдир «эскиликка муккасидан кет-гани» ҳақида лақиллашиб ўтиришипти.

— Ҳа, нима қилиб ўтирибсизлар? Бетончилар бугун неча куба берди? Мамажон ака қани? — деб қичқирди Эргаш, сўрилар орасига кириб келиши блан.

Ўзи ҳақида, қурилизётган фабрика ва келажак ҳақида, болалари ҳақида ширин хаёлга кетган Мамажонга бу то-вуш негадир совуқроқ эшитилди. Қуручилар «суҳбатни бузди-я» дегандай ҳафсаласизгина, ўринларидан қўзғала-бошладилар. Саломга ҳам алиқ олмай «Неча куба?» деб қичқирган Эргашни кўргач Ефимнинг миясига ёқимсиз бир фикр муздек келиб урилди: «Қуруқ амалдор бўлиб кетаяпти, қаердан ўрганаяпти буни?»

Эргаш ўртада Ефим Данилович ўтирганини кўриб, саволига жавоб талаб қилишни ҳам унутиб, у томонга шошди. Ҳовлиқиб келиб кўришакетди.

— Ефим Данилович! Сафар қовул! Қачон келдингиз?

— Ҳозир поезддан тушиб турганим,— деди Ефим Эр-гашнинг қувонган кўзларидан бир нарса қидиргандай ти-килиб.

Эргаш ҳозир жуда хурсанд кўринса ҳам, ичига чўкиб-роқ турган ҳорғин кўзларидан, ориқлаб, янада қорайиб кетган юзидан унинг куни ҳам, туни ҳам нотинч экани аён эди. Қурилишдаги фалокатли воқиядан кейин у ав-вал саросимада қолди, ўзини қаёққа қўйишни, нима қи-лишни билмай юрди, кўп кечаларни тўлғониб, махорка тутатиб, уйқусиз ўтказди. Кейин-кейин, мажлисларда

қуручїларнинг Ғазабли сўзларини, Ефим Даниловичнинг вазминлик блан берган маслаҳатларини эшитиб, эс-ҳушини йиғди: душмандан ўч олиш учун қурилишни яна янги куч блан давом этдириш, халқ ғайратининг янги, енгилмас тўлқинини қўзғаш керак эди.

Лекин Эргаш буни қандай қилиш кераклигини ҳали аниқ билмасди. Бу орада Ефим Данилович Самарқандга кетиб қолди. Эргаш бир ҳафтадан бери Ефим Даниловични бир нажотдай кутар эди.

— Э, шундай сафардан келиб... чойхонага тушганингизни қаранг...— деди у Ефимнинг портфелини қўлтиғига олиб.

Қуручилар тарқаб кетишди. Улар суҳбат тугаганига бироз хафа бўлган бўлсалар ҳам, юзларида жонлилик ва ғайрат блан ишга отландилар. Ефим уларга бир-бир қараб қолди.

— Қани юринг, тезроқ гапирсангиз-чи, нима гаплар?— ҳовлиқиб давом этди Эргаш.

— Мен гапирдим, гапириб бердим.

— Кимга?

— Мана, халққа.

Ефим Эргашнинг юз ифодаларини зимдан кузатди, унинг юзида: «Шундай муҳим гапни аввал қурилиш бошлиғига доклад қилмай, чойхонада гапирибсиз-да...» деган фикр билиниб турардию, лекин Эргаш буни очиқ гапирмади. Ефим Даниловични идорага қистади.

— Йўқ, Эргаш, мен жиндак дам олишим керак, уйга борай,— деди Ефим ўйчан туриб.

— Ҳа, майли уйга, лекин мен бирга бораман. Гапнингизни ҳозир эшитмасам паққос ёрилиб кетаман-а.

Улар тош йўлга чиқиб, темир йўл районига қараб жўнадилар.

Ефим Данилович ниҳоятда чарчаган эди. У вагонда ҳам ухлагани йўқ, янги вазифалар ҳақидаги ўйлар ҳам уни кўп толиқтирган эди, бунинг устига ҳозир чойхонада миясига келган фикр... :

Лекин Ефим Данилович йўлда Эргаш блан қувноқ гаплашиб кетди. Сафарини бутун тафсилоти блан гапириб берди.

— Бюро қаттиқ қарор қабул қилди,— деди у майдачуйда таассуротлар тугагандан кейин.— Қурилишимизда тубдан ўзгариш ясаш ҳақида.

— Роса савалашди денг?

— Ҳа. Униси ҳам бўлди... гаплашамиз. Лекин, мен сенга айтсам, қоқиниб йиқилай деган жойимизда, шундоқ кўтариб оёққа қўйишди, ҳа Москва вакили шу бир ой ичида Иваново Серпухов тўқимачиларидан тажрибали қуручи, монтажчилардан яна ўттиз киши юборишга ва'да қилди. Ленинграддаги Степан Халтурин номидаги фабрика қурилишимизни оталиққа олмоқчи экан, автомашина, юк кўтарадиган кран, яна бошқа техника асбоблари юбораяпти. Мана ленинградчиларнинг хати.

Эргаш хатни олдию, очиб ўқиш ўрнига Ефимнинг йўлини тўсиб, тўхтади.

— Ҳали шунча гапни ичингизга сиғдириб чойхонада ўтирибман денг? Қойилман-э юрагингизга, Ефим Данилович!— Эргаш уни қучоқлаб кўтариб, гир айлантирди.

— Тўхта, тўхта, Эргаш. . .

Ефимнинг чиройи очилмади.

— Чарчабсиз, Ефим Данилович, юришг.— Эргаш уни қўлтиқлаб олиб кетди. Уйга етгунча хатни қайта-қайта ўқиб сра тийилолмай нуқул ўзи гапирди. Унинг сўзлари хитоблардан иборат эди.

— Қойилман, Ефим Данилович! Мана энди,— деди кафтларини ишқалаб,— баҳорга фабрика тайёр деяверинг! Кранни айтмайсизми! Нондай зарур эди-я, билишганини қаранг! Раҳмат-э, раҳмат! Шу дейман, Ефим Данилович, одамнинг асили — Москва блан Ленинград халқи бўлар экан-да! Қурилишни тугатсак, худо хоҳласа, ўзим бир бораман. «Раҳмат оғалар!» деб ўз оғзим блан айтиш учун, ҳа, мана шу иккита сўзни айтиш учун атайлаб борса арзийди! Нима дедингиз, Ефим Данилович, бораман азбаройи шифо, бораман?

Ефим Данилович бош силкиб ма'қулладую, индамади: «Ҳамон ўзини гапирди: «Ўзим! Ўзим!» Ефим Данилович Эргашдаги бу иллатни илгаридан сезиб юрардию, бунинг бугунгидек ғашига текканини сезмаган эди.

Улар етиб борганда Сафья Борисовна ишдан келиб, эндигина чойга уринган экан. У қурумли қўллари ни ёйиб эрига лаби блан чўзилди. Эргашнинг келганига ҳам жуда хурсанд бўлди. Олхўридан қилган вареньеларинию, янги йилга сақлаб қўйган виносинию,— топган-тутганини олиб, стол тузади. Қорни катта, эски сариқ самовар ҳам меҳмон келганига қувонгандай шовқин-сурон блан ховур бурқиб келиб столга дик этиб ўтирди.

Чой олдида аввал одаддаги гаплар бўлди. Ефим сафари ҳақида, Самарқанд ҳақида сўзлаб берди. Софьяга қурилишда бўладиган янгиликларни айтди. Вино борлиги учун, чой ичилмади. Шундан хафа бўлгандай, самовар ҳам ҳовуридан тушиб, мунгли куй бошлади.

Толиққан Эргаш бир рюмка винодан кейиноқ бўшашиб, кам гап бўлиб қолди, бош эгиб ўйга толди.

— Нимани ўйлаб қолдингиз, начальник, олсангизчи,— деди Софья вино қуйиб.

Эргаш бошини кўтарди.

— Нимани ўйлашимни ҳам билмай қолдим, Софья Борисовна... :

— Сенинг... тобинг жойидами ўзи?— деб сўради Ефим тикилиб.

Эргаш юз-кўзини ишқалаб, қаддини ростлади.

— Жойида, Ефим Данилович... : ростини айтсам, ухлаганим йўқ. Лекин гап бунда эмас, ҳозир ўйланиб қолганимки, Ефим Данилович, бу дейман, бизнинг дардимиз, армонимизни Москвада ҳам, Ленинградда ҳам, Ивановода ҳам, Серпуховда ҳам одамлар юрагидан сезиб турар эканда-а? Шу кичкина бир қурилишимиздаги воқиядан улар бутун вужуди блан қалқиб тушишганга ўхшайди... ҳалиги, бамисоли, болам қоқинмасмикин деб кузатиб бораётган онадай... Машина, у-бу юборишгина эмас, ўзлари келишаётган бўлса...

— Бу гапларинг тўғри,— деди Ефим Эргашнинг тунука қутисини очиб махорка ўраркан,— бу — таянса бўладиган, асосли, бақувват ёрдам. Лекин биз ёрдамни баҳолаш блан бирга, ўз ишларимиз ҳақида ўйлашимиз керак.

— Ҳа, айтгандай, Ефим Данилович, сиз бюродаги гапларнинг аввалги қисмини айтганингиз йўғ-а ҳали?

— Тутатмасанг-чи, Ефим,— деди Софья,— шуерда ҳам мажлис қиладиган бўлдинглар шекилли-да.

— Йўқ, сен сабр қил, Софья Борисовна. Гап шундаки, Эргаш, ҳамма буюк ишларни халқ, коллектив қилади. Коллективни қудратли мураккаб бир механизм деб тасаввур қилайлик. Бордию, мана шу механизмни бошқаручи киши ундаги ҳарбир винтчани яхши билмай туриб, унинг қадрига етмай туриб, роса эҳтиёт қилмай туриб, ўзи «мен-мен» деб минг кўкрагига урса ҳамки, механизмни бошқараолмайди. Буюк ишларни ким қиляпти? Масалан, фабрикани ким қурапти? Ана шу, шовқин-сурон-

сиз, «мен» деб кўрагига урмай, жон чекиб ишлаётган, кўпинча ҳечким танимайдиган, оддий, меҳнаткаш одам! Улар жуда кўп, улар камтар, қудратли. Бордию раҳбар мана шу одамларни танимаса, уларга таянмаса, ишонч, эҳтиёт, меҳр блан ёндошмаса, уларга кўнгили бермаса, ишонч қўймаса... ўзидан бошқа ҳечкимни кўрмай, «ҳамма ишни мен қиляпман» деб ўйласа. «Мен! Мен!» деб кўрагига урса... бу — жуда хавфли, ҳатто ҳалокатли.

— Бюрода шундай дейишдимми?

— Худди шундай дейишгани йўғу, лекин мен ўзим шундай хулоса чиқараяпман. Хўш... шундай қилиб, раҳбар оммадан ажралиб қолса, манманлик қобилига ўралиб, зарарли обивательга айланади демоқчиман.

— Бу... сиз кимни айтаяпсиз, Ефим Данилович? — хавотир олиб сўради Эргаш, бир қошини кўтариб Ефимга қараркан.

— Йўқ, мен шунчаки, назарий жиҳатдан...

— Ефим... бошқа бирор нарсани гапирсанглар бўлмайдими, — деди Софья Эргашга тепадан қараб, негадир ялингансимон.

— Йўқ, Софья Борисовна, сиз сабр қилинг, мен тахминан фаҳмляпман, гап тагида гап бор, — Эргаш столдан папирос олиб бармоғи блан эзди, папирос ёрилиб кетди, Эргаш уни кулдонга ташлаб, махоркага уриндию, яна ўрамай, қутини ёпиб қўйди. — Сиз шу «назарий гап» га мисол қилиб... мени айтмоқчисиз... :

— Мен ҳали мисол келтирганим йўқ, — деди Ефим, — лекин агар мисол қидириш зарур бўлса, узоққа бормасак ҳам бўлади.

— Демак, мен... :

— Мен сени ҳечнарсга деганим йўқ, аммо сен ҳам шу ҳақда ўйлаб кўрсанг зиён қилмайди... :

Эргаш ўннга қаради, чапга қаради, катта, қўпол қўлини столдан олдию, уни қаёққа қўйишини билмади; худди қўли ортиқчалик қилгандай, қаерга қўйса ҳам ўнғайсиздай туюларди. Кейин яна тунука қутисини очиб, асабий титраган бармоқлари блан махорка ўради. Софья дам эрига, дам Эргашга қарар, винодан кейин мутлақо ўринсиз эканини билатуриб икковини ҳам зўр бериб варенье ейишга қистар эди.

— Ефим Данилович, мен... — деди Эргаш бошини кўтармай, — менинг ким эканимни биласиз, мен халқнинг

ўзيمان-ку, халқнинг йч-йчидан чиққан одамман... Халқдан ажралиб қаёққа борардим... Гапингиз қизиқ...

— Хато бўлиши мумкин. Ишлаган одам ба'зан хато ҳам қилади. Лекин ана шу хатони ҳархил гаплар... тўғриси — бахоналар блан оқлашга уриниш, уни очик иқрор қилмаслик тўппа-тўғри ҳалокатга олиб боради. Мен эртага халққа ўз хатоларимни сўзлаб бериб, шуни қандай қилиб тузатиш ҳақида ундан маслаҳат сўрамоқчиман.

Эргаш бошини кўтариб, ялт этиб Ефимга қаради.

— Ефим Данилович... сиз... сиз ҳам... :

— Қурилишда юз берган аҳволга бир раҳбар сифатида мен ҳам айбдорман. Биз халқ блан бирдам, яқдил бўлганимизда душман минглаб кўздан қочиб қутилолмас эди. Хатомиз шуки, биз коллективни менсимадик. Қани айт, коллективимиздаги одамларни яхши биламизми, кимнинг кўнглида нима орзу, миясида нима ўй, оиласида нима аҳвол, нима кайфият, унга нима халақит бераяпти, нима етишмайди — биламизми? Йўқ!

Ефим Данилович столни секин муштлаб ўрнидан туриб кетди. Эргаш бош кўтармай ўтирарди. «Ўзини айблаган бўлиб, нуқул мени савалаяпти» деб ўйларди у. Унғайсиз жимлик жуда чўзилиб кетгандан кейин Эргаш секин гапирди:

— Мен нима қилишим керак, Ефим Данилович?

Эргаш яна ўзи ҳақида гап бошлагани учун Ефимнинг жаҳли чиқди. Унга тикилиб қаради-да, стол ёнига келиб ўтирди.

— Халққа... назоратчи, приказчик сингари эмас, бир дўст сингари ёндашиш керак — аввало у блан саломлашишни ўрганиш керак — алифбеси бу!

— Ефим! — Софья Борисовна эрига ўпкали назар солди, нима қилишини билмай, шошиб-пишиб яна вино қуя бошлади. — Айтмадимми, мажлис қиласизлар ҳозир деб, ҳар гапнинг жойи бор, келинлар ичиб қўяйлик шуни.

Ефим Данилович рюмкани олди. Эргашнинг рюмкасига уриштирди-да, ичиб юборди. Эргаш ҳам беихтиёр кўтардию, қийналиб, машаққат блан ичди.

Софья Борисовна ясамароқ хушчақчақлик блан гапни бошқаёққа буришга уринди. Ҳожиядан гапирди, Верочканинг шўхлигидан зорланган бўлди, вареньеси унча яхши чиқмаганини гапирди, Ефимдан яна Самарканд янгиликларини суриштирди. Лекин гап сра қовушмасди. Эр-

гаш чойни ҳар гал совутиб, ҳафсаласизлик блан хўплар, Ефимнинг сўнги гаплари қулоғининг тагидан кетмас, лекин Эргаш у мавзу'га қайтишга жур'ат қилмас эди.

— Дам олинг, Ефим Данилович, йўлдан чарчаб келгансиз,— деди у ўрнидан туриб.

Уни эри-хотин кузатиб қўйдилар. Уй жимжит бўлиб қолди. Ташқарида, узоқлардан вагонларнинг тарақлагани эшитиларди.

— Нега бундай қилдинг, Ефим?— деди Софья Борисовна ялинган товуш блан.

— Емон қилдимми?

— Хафа қилдинг. Юрак-бағрига ўтиб кетди гапинг.

— Утдими ишқилиб? Жуда яхши.

— Бераҳмсан.

Ефим гўё сочининг оқини сидириб ташламоқчи бўлгандай, ўзининг бошини силади-да, хотинининг икки тирсагидан ушлади. Жилмайиб секин гапирди:

— Яхши кўраман, Софья. Улай агар, ўз ўғлимдай яхши кўраман. Менинг муҳаббатимни биласан-ку, ҳечқачон чучук-чучмал бўлган эмас. . .

Ўттиз бешинчи боб

Куз қаттиқ келди. Қор ҳидини уфуриб елган шамол дарахт шоҳларини яланғочлаб кетди. Бадқовоқ осмон уч кундан бери ё қор, ё совуқ ёмғир бўлиб ташлайман деб ваҳима солиб турипти. Бир чеккаси булут бўлгани ҳам тузук. Аёз бўлса, кечалари ер қотиб, қувурлар музлаб, сув қийинчилиги туғдирар, кундузлари эса тайғоқ балчиқ шошиб қолган қуручиларни бемажол қилар эди.

Қурилишда партия группасининг таклифи блан тунги смена ташкил қилинди. Конторада шнурлари дераза ромларини чалакам-чатти тешиб киргизилиб, шифт ва деворларга омонат осилган 25 шамли электр чироқлар эрта-тонггача чўғдай бўлиб хира ёнади.

Добротворцев келганда ярим кеча эди. Эргашнинг кабинети тамаки тутуни блан тўла. Эшик очиқ. Коридорда, рўпарадаги прораблар хонасида шовқин-сурон, одамлар, соя, қоронғилик, тутун. Бухгалтерия дарчаси ёнида счёт, путевка, квитанция, тилхат тутган юкчилар, аравакашлар, тижқилишишади. Эшик ёнидаги сув тўла тунука бакнинг қулоғига занжир блан боғланган қўпол кружка қўлдан-қўлга ўтиб жангир-жунгур қилади.

Эргашнинг кабинетигаги столларда қалин ҳисоб-ки-тоб дафтарлари, жадваллар, акт ва буйруқ папкалари тахлаб ташланган.

Қатта, ғаладонли столда ўша эски сиёҳдон. Стол устига сарғайиб, сиёҳ тўкилиб кетган газеталар ёзиғлиқ. Эргашнинг бир қўлида телефон трубкаси, бир қўлида қалам. Кўзлари уйқусизликдан қизариб, киртайган, соқол босган юзи баджаҳл, қошлари асабий чимирилади. Трубкага бақиради-да, бутун конторага эшитиларли қилиб қаттиқ аксиради — уни уч кундан бери тумов қийнади.

— Қаттигроқ! Қим деяпман?.. Аҳа-а-пшу!.. А?— лия ҳадеб узиларди, трубкада ҳечнарсга тушиниб бўлмайдиган олағовур, бегона овозлар келиб қўшилар, кимдир зўр бериб аллақандай рақамларни айтар, биров «центральный»ни талаб қилар, биров аллақандай қум ҳақида имиллаб гаплашар эди. Эргаш қалами билан столни уриб бақирди.— Ҳей, менга қара, қум! Кураевмисан? Трубкани қўйиб қўй! Аҳа-а-а-пшу!.. Қим дейман? Э, дард! А? Начальник гапираяпти. Йўқ, фабрика! Султонов! Эҳа, сизмисиз, Ажсан Ажсанич! Мен яна бетономешалка тўғрисида. Бир ҳафта? Э, ундан кўра мени сўйиб қўяқолинг... Сўйинг дейман, аҳа-а-пшу... Ало! Ало!

Эргаш Тошкентдаги бир заводнинг директори Александр Александровични яна зўрга топди, сўради, ялинди, ёлворди, қўпол гапирди, бўлмади. Трубкани тарақ этиб қўйди-да, қизариб кетган бурнига рўмолчасини босди, кўзига аччиқ ёш тўлар, боши зинғиллар эди. У, рўпарадаги курсида икки қўлини тиззасига қўйиб тирсагини кериб ўтирган инженерни энди кўрди.

— Яна «йўқ»ми?— деди қовоғи солиқ инженер.

— Бир ҳафта, Сергей Львович. Бир ҳафтадан кейин бетономешалкангиз иккита бўлади.

— Бир ҳафта — айтишга осон. Ўзи бир ҳафта вақтимиз борми-йўқми... Ҳавони кўраяпсиз.

Эргаш ўрнидан турди. Унинг юзи қорайиб, бурни арчилгандай қизариб кетган. Эргаш бу оғир саросимали кунларда, кеча-кундуз асабий ишда, яшин урган дарахтдай, гўё куйиб кетган эди.

— Сиз яна ўша гапни бошладингизми?— деди у шафқатсиз қараб.— Буюраман! Машинани кечаю кундуз ишлатинг. Гап тамом!

Добротворцев бетон-цемент ишларининг совуқ тушгунча тугашига кўзи етмаганини бошдаёқ айтган эди. У

кечалари ўтириб иш ҳажмини ҳисоблаб кўрсатди, рақамлар блан исбот қилди. Начальник блан инженер ўртасида уч кундан бери шу жанжал эди.

— Ҳа, яна ўша гап,— деди Добротворцев,— иш ҳажми икки барабар ошди, вақт икки барабар қисқарди. Совуқ тушаяпти. Ишчи кучи етишмайди.

— Нима демоқчисиз? Йиғиштириб қўйиб, баҳорни кутайликми?

— Билмайман. . .

— Йўқ, билишингиз керак. Бу аҳволга ўзимиз жавобгармиз. Сиз йўл қўйдингиз, мен йўл қўйдим. Хатомизни ўзимиз тузатишимиз керак. Қурамыз, тугатамыз, гап татом! Икки смена. . .

— Икки смена, икки смена. . .— гапни бўлди Добротворцев,— бир ярим ойлик меҳнати куйган ишчиларнинг тунда эмас, кундузи ҳам ҳафсала блан ишлашига кўзим етмайди.

— Халқ ишлайди. Илгаригидан яхши ишлайди. Ҳа. . . ундан кейин, халқ ҳақида. . . ўйлаброқ гапирилсин, инженер.

— Ўйлаб гапираяпман. Қуручилар бир марта алданди, алам қилади, қуручиларнинг қаттиқ хўрлиги келгани билиниб турипти. Масалан, Нормат ҳар куни ярим смена ишлаб кетиб қолаяпти.

— Нормат?! Ҳали сиз шунинг кайфиятини гапираяпсизми? Ҳали сиз шунга эргашмоқчимисиз? Ковушини тўғрилаб қўяман мен унинг шу бугуноқ! Саботажчи!— Эргаш асабий бир ҳолда, титраган қўллари блан қороз қидириб қолди.

— Секинроқ, ўзи шуерда.

— Секинингиз нимаси! Бас, тўрт томони қибла! Қани ўзи?— Эргаш, ўзининг товушидан боши чатнаб кетиб, пешонасини ушлаб қолди.

— Ефим Данилович чақирган экан. Ана чиқиб келишяпти.

Деразада шарпа кўринди. Ташқарида совуқ шамол хазонни супуриб ҳовузга совурмоқда, дарахтларнинг яланғоч шоҳлари ҳуштак чалмоқда. Эргаш дераза ёнига келганда уч марта қаттиқ аксирди.

— Саломат бўлинг!— деди Ефим Данилович эшикдан кириб келаркан.

— Тағин нима дейди бу саботажчи?— деб сўради Эргаш.

Ефим Данилович кулимсираб жавоб берди.

— Қурилишимиз худога ҳам унча ёқинқирамаса керак-да. Намозхонларни ўзимизга оғдириб қўйибмиз. Лекин бу ўртоқ худосига ихлосмандроқ экан, иш унинг намозига ҳалақит бериб қўйипти.

— Намоз? Ҳали бу киши намозхон бўлиб қолиптиларми? Азбаройи шақилдоқ! Агар кўкнорининг намози қабул бўладиган бўлса, менинг тумовдан аксирганим ҳам савоб экан-да.

Добротворцев блан Ефим кулишди, лекин Эргаш жиддий, баджаҳл эди.

— Ҳайдавораман! Халқнинг миясини ачитмасин. Тамом. Э, анархия!

— Йўқ...— Ефим Данилович кабинетнинг у бошидан-бу бошига бир бориб келди.— Унинг ишини, ҳар ҳолда, намоздан бўш вақтларга тўғрилаш керак. Мен ва'да бердим.

— Ҳазилнинг вақти эмас, Ефим Данилович. Мана инженернинг гапини эшитинг. Буёғини ўзим тўғрилайман.

— Йўқ, ҳазил эмас.

— Ия, ҳали қурилишнинг графигини сўфининг азони-га, Норматпарангнинг бешвақт намозига қараб тузасан денг!

— Унчалик эмас,— деди Ефим кулиб,— лекин Нормат намоз ўқимоқчи экан, қўйиб беринг-чи, кўрамиз.

— Йиғиштиринг шу машмашани. Буерда қурилиш ҳақида гап кетаяпти.

Ефим Данилович бирдан қошини чимириб Эргашга тикка қараганича, унинг яқинига келди:

— Машмаша денг? Биз одам ҳақида гаплашяпмиз, начальник! Одамлар ҳақида!

— Халқ мендан фабрика кутаяпти, Норматпарангнинг кафилини олганим йўқ. Намози зарур бўлса, пажалиста, ўқийверсин, ҳайдавораман!

— У ишлайман, деяпти.

— Йўқ, ё намозини ўқисин, ё ишласин.

— Намоз ўқигани учун ишдан бўшатиб бўлмайди.

— Бўлади, мен бўшатаман, тамом!

— Босигроқ гапиришингизни илтимос қиламан.

— Ўзим олганман, ўзим бўшатаман.

— Босигроқ гапирсангиз.

— Босигроқ, босигроқ! Нима босигроқ? Бўлганим шу!

Битта кўкнорī намозхонни деб менга танбиҳ берасиз. Мен начальникманми, нимаман...

Ефим Данилович ўзига Эргашнинг бундай қўпол гапирганини биринчи эшитиши эди. Бу унга жуда хуш туюлди. Жаҳли чиқди, хафа бўлди. Лекин Эргашнинг ҳозирги оғир шароит блан боғлиқ бўлган кайфиятини, уйқусизлик ва чарчаганликдан қулоғига гап кирмайдиган даражада асабий эканини ҳисобга олди. Бундай муомаладан норози эканини кўз қараши блангина билдирди. Буни Эргашнинг ўзи ҳам фаҳмладию, жим қолди. Анча жимликдан кейин Ефим Данилович ўтириб, хотиржам овоз блан, уёқ-буёққа юриб турган Эргашни ёнига таклиф қилди. Унинг бу хилдаги овози Эргашга таниш эди, бу овоз одатда Эргашни ҳарқандай ҳолатда ҳам итоат блан гапга қулоқ солишга мажбур этар эди.

Эргаш ўтиргандан кейин Ефим Данилович унинг ҳорғин юзига кўз сузиб қаради.

— Менга қара, Эргаш, бурнинг осилиб, қулогингдан сўй кўришиб қолипти, ака. Асабингга эҳтиёт бўлсанг бўларди...

— Ишни кўриб турибсиз...

— Иш! Гап ишда эмас. Узингни ўтдан олиб сувга солганинг — одамларга ишонмаганингдан, одамларни билмаганингдан, ҳамма ишни ўзим қиламан деганингдан. Ҳолдан тойиб қоласан...

— Қурилиш...

— Мен сенга тўртинчи марта гапираяпман: қурилиш — одамлар. Одамлар блан ишлаш, уларни ўрганиш, ўргатиш, улардан ўрганиш, уларни ишлатабилиш керак.

— Сиз яна Норматни гапираяпсиз. Биладан мен уни, Қилтириқнинг ҳиди келаяпти ундан...

— Ана, ана! Ана энди қўлга тушдинг, ҳид масаласига келганда-чи, сен Қилтириқнинг ҳидини ҳам билмаган эдинг, Норматни ҳам билмайсан. Ҳа!

Бу вақт ташқаридаги шовқин-сурон гапни бўлди. Эшик тарақ этиб очилиб, Мамажон пайдо бўлди. Унинг кўзлари косасидан чиққан, узун яктагининг этаги ва соқоллари лой, бир этаги ивиган, ичи жилқ-жилқ сув; нафаси оғзига тиқилган, ҳансираган, эшик ёғочини ушлаб зўрға тўхтади.

— Сув!

Ўринларидан сакраб турган Эргаш блан инженер иккови ҳам стол устидаги сопол хумчага ташландилар. Би-

ри қўйди, бири пиёлада сув тутди. Мамājон ичиб, ярмини тўкди-да, яна:

— Сув!— деди.

— Нима сув? Нима бўлди?

— Гапирсангиз-чи!

Ефим Данилович Мамажоннинг елкасидан ушлаб ҳўл, лой уст-бошига қаради.

— Сув келмай қолди, начальник! Сув!

— Қаёқдан? Қаёққа?

— Волопроводдан! Бетонмешалкага!

Эргаш қўлидаги ниманидир тарақ этиб ташлаб кборди, Мамажоннинг ёнига отилиб келди.

— Сув келмай қолди! Машина тўхтаб ётипти!— деди Мамажон яна.

Добротворцев шапкасини босиб кийиб, қоронгиликка, ташқарига ўзини урди.

— Ҳовлиқманглар, қани хотиржамроқ гапиринг, Мамажон ака, нима бўлди?

— Расво бўлди! Тақа-тақ! Қоқдик, урдик, тозаладик, югурдик, ярим соат ўтди,— йўқ, сув йўқ, келмаяпти, та-мом!

— Қувурлар бутунми?

— Гап шунда-да. Бутун!

— Машина бутунми!

— Машина отдек!

Бу вақтда Эргаш қўпол, баджаҳл ҳаракат блан телефонни бурамоқда эди. Телефон қутиси фанер девор блан бирга қалдир-қулдир силкинади, Эргашнинг тиканакдек соқол босган қора юзи асабий тортишар, телефон ҳа деганда жавоб бермас эди.

— Ҳовлиқманглар, инженер кетди.

— Инженер сув ясаб берармиди? Ҳамма нарса жойида, сув йўқ! Сув!— Мамажон брезент қўлқопи блан пешонасини сидирди, ўтиришга жой қидиргандай аланглади. Ефим Данилович унга курси қўйиб берди. Мамажон ўтириш ўрнига курсини четга олиб қўйди-да, олдинроққа келди, ғийт-ғийт ғирчиллаб, жиринглаб айланаётган телефон дастасига, Эргашнинг чакагига ёпишиб кетгандай қорайиб турган трубкага тикилди.— Оёқ-қўлимиздан ипсиз боғлади-қўйди! Тунги сменада кўнгилдагидай ишлаб бўлмайти деганлар блан уришиб, жеркиб берган эдим. Мана энди уларнинг дегани-деган! Мен нима деган одам бўлдим... Бир соат, йигирма қўл...

— Водопровод! Водопровод!— деб бақирди Эргаш. Телефон трубканинг мембранаси тариллаб берди. Эргаш трубкани қулоғига босдию, чаккасини ушлаб, кўзини чирт юмди, сал гандираклади.— Водопровод! Қим бу? Дежурний! А? Дежурний қани? Уйғотинг, авария! А? Сув йўқ, фабрика қурилиши гапираяпти! Сув бор? Бошни қотирма, уйғот! А? Йўқ ахир, йўқ! Йўқ! Йўқ!.. Кимсан, фамилиянг? Бюрократ!.. Ало, ало, менга қара!— Эргаш трубкани тарақ этиб илди.— Анархия!— У деворга суяниб чаккасини ушлаб, кўзини юмди, яна очди, бошини бир силкиди-да, стол ғаладонини беркитиб ташқарига шошилди.

Ефим Данилович унинг қаттиқ иситмадан мажолсизланганини пайқади.

— Эргаш! Эргаш! — деб қичқириб қолди у орқасидан.

Кабинет ҳам, коридор ҳам бирпасда тинди-қолди. Ташқарида қора тун. Деразадан идорага ёндаштириб қурилабошлаган иморатнинг тахта-ходалари кўринарди, холос. Ефим Данилович секин келиб телефон дастасига қўлини қўйди-да, салмоқ блан буради.

— Қим? Навбатчи врач керак. Салом. Фабрика қурилиши конторасидан Надеждин гапираяпти.— Ефим Данилович шим чўнтагидан оғир, қопқоқли соатини олиб бош бармоғи блан «чиқ» этиб очди.— Бизга тахминан соат 4 га врач юбораоласизми? Кўп раҳмат, ҳа-ҳа, Найманчада. . .

У қизил, катак шарфини ўради-да, участкага кетди.

Изғирин куз шамоли узоқлардан аллақандай узуқ-узуқ товушларни олиб келар, участкадаги тўсиқ, бостирма, омбор бурчакларига осилган чўғдай қизариб хира ёнаётган лампочкалар лип-лип ўчиб-ёнар, силкинар эди. Бетонмешалка ўрнашган жойда чархтошда болта чархлангандагидай тинимсиз вишиллолчи одатдаги нам шағал товуши тинган, уерда бесаранжом одамлар, шарпалар, соялар ивирсийди.

Машина атрофига бетончилар, тачкачилар, қум эловчилар тўпланган. Эргаш одамларни тирсағи блан туртибсуриб машина олдига келди. Ёш моторист йигит унга иш жойини бўшатиб берди. Эргаш ричагни олдинга сурди, орқага сурди, шағал тушар, қум тушар, цемент тушар,— сув йўқ эди.

— Инженер қани?

— Кувурларни текшираяпти!

Эргаш қизил юлдузнинг ўрни билиниб турган эски шлёмини камарига буклаб қистирди-да, машинанинг тепасидаги бакка тирмашиб чиқди, унга бошини суқиб қаради.

— Торт-чи!

Моторист ричагни тортди, катта барабан шағал-қумни ғирчиллатиб секин айланди — сув йўқ эди. Эргаш бакни мушти блан, темир ключ блан уриб кўрди, тепасида осилиб турган лампани яқинроқ тортиб, сув ўлчагичга тикилди, яна бакка бошини суқди — бак ичида ғижиниб сўкинган товуши гумбирлаб эшитилди.

— Водопроводда авария!

— Ким айтди?

— Бўлмаса нима?

— Билсанг тапир.

— Хуллас, шарманда қилди.

— Начайлик! Начайлик!

Узоқдан, қўлига тошфанор ушлаган Мамажоннинг полиздаги қўриқчидай сояси кўринди. У қўл-оёғини ёйиб, ҳўл этигини шалоплатиб югуриб келарди.

— Водопроводчи керак! Водопроводчи! Буёққа!— унинг овози кечани янграптиб, шамол блан қулоқлар тагидан ўтиб кетди.

Одамлар тош уюмларини шарақлатиб, тунука, тахта уюмларидан ошиб, қоронғилиқда йилтиллаган тошфанор томонга югурдилар. Буни кўрган Мамажон орқасига қайтди, у ҳам югурди.

Дарвозадан ташқарида, янги шаҳарга кетадиган тош кўчанинг муюшида майдонни сув босган. Қоронғида тиззадан сув ичида Добротворцев турар эди. Тошфанорнинг нури тушганда инженернинг бир оғир нарсани суяб тургани кўринди. Бу қудуқнинг чўян қопқоғи эди. Кўлмакни шалоплатиб сув сачратиб Эргаш югуриб келди.

— Водопроводчи керак! Вентиль чиқиб кетганга ўхшайди,— деди Добротворцев.

— Шу вақтда водопроводчини қаёқдан топаман?

Мамажон фанорни ёнидаги бировга ушлатиб, этигини, пахталигини ечиб иргитди.

— Эрталабгача кутадиган хумпар йўқ! Қани, мана шуердами қудуғи?

Инженер қопқоқни четга ғилдиратиб, шалоп эткизиб сувга ташлади.

— Тўхтанг, сиз тушунмайсиз... Тополмайсиз ҳам. Қлючни олиб келдингизми?

— Мана!

Моторист йигит сапчиб чиқди. У ялангоёқ, тап-тайёр эди.

— Йўқ, тўхтанг, инженер! Менга беринг, сиз тушунтириб туринг, мен сиз айтганни қилавераман.

Йигит сув қайнаб чиқиб турган қудуқни оёғи блан пайпаслаб топди, инженер блан Эргаш унинг икки қўлтигидан ушлаб туширдилар. Йигит кўкрагидан сувга чўкди.

— Мана, оёғим тегди, биқирлаб ётипти!

Бу вақт кимдир Эргашнинг орқа томонидан келиб белидан кучоқлади-да, четга судради. Бу Ефим Данилович эди, у Эргашни қўярда-қўймай қуруғликка бошлаб чиқди.

— Бола! Ёш бола!— деди у одамларга эшитдирмай.— Иссиғи қирқ даражаю тиззадан сувда! Раҳбар!

— Водопроводчи топиш керак, Ефим Данилович.

— Водопровод! Олдингда бутун бир фабрикани қуриб ҳукуматга топшириш турипти. Қани, ҳозир конторага бор, врач қараб ўтирипти.

— Врач?

— Бор, бор! Мен ҳозир водопроводчига одам юбораман. Ҳўмрайма, ё касал бўлиб ётиб олиб, ишнинг энг қизғин вақтида бу машаққатнинг баридан биратўласи қутилмоқчимисан?

Бу гапдан кейин Эргаш секин қайрилиб йўлга тушди. Шамол ёндан урар, йўл ўйдим-чуқур, қоронғида тиканли симлар оёққа ўралишар эди. Эргаш бир ғиштга, кейин бир қоziққа кетма-кет қоқилди. Пешонасидан тер чиқиб кетди, у ўзининг дармонсизлигини энди сизди. Тани ўтдай ёнар, боши қўрғошиндай зил, тарс ёрилиб кетгудай оғрир эди. Роса калтаклаб ташланган одамдай, а'зойи бадани қайишиб, бўғинлари бўшашди, оёғи оғирлашди, нафасининг тезлашиб кетаётганини сезиб бир жойда тўхтади. «Ҳозир борсам врач албатта касаллик қоғози ёзиб беради-да, ётқизади. Бирнеча кунга, балки бирнеча ҳафтага. Режим, дори, парҳиз...» деб ўйлади ичида..

— Йўқ, мунақаси кетмайди!— деди товуш чиқариб.

У, врачга кўринмай секин уйга бораман-да, бир кунярим кун ётиб, дармон тўплагандан кейин чиқиб келавераман, деган қарорга келди. Орқа-олдига қараб олиб, секин гузарга — уйига томон бурилди.

Осмон аллақаеридан ёришабошлаган, кимлингдир ҳовлисида жўжахўроз чираниб қичқирарди. Эргаш ҳозир қай вақт эканини аниқлашга уринар, лекин аниқлайолмас эди...

Тсигда Ҳожия ҳўл сочиқ ушлаб, Эргаш ётган кровать тепасида ивирсир экан, Ефим Данилович блан врач кириб келди.

— Кечирасиз... водопровод... мен сизга қаттиқ гапирдим... намоз... Мамажон... ҳўл экан, ҳўл, ҳўл...

Врач қулоқ солди: Эргаш алаҳларди...

Эргаш кўз очиши блан, ёнида, курсида ўтирган докторни кўрди. «Ана, соқчини ҳам қўйиб қўйишипти» деб ўйлади у.

Унинг бутун а'зойи бадани терлаган, чакка томирида қси гуп-гуп урар эди. Доктор унинг кўрпасини тузатиб, дам шишадаги дорини, дам қоғоздаги порошокни кўрсатиб, режим, парҳиз тўғрисида анча гапирди. Лекин бу гаплар Эргашнинг қулоғига кирмас, у «соқчи»нинг тезроқ кетишини кутар эди.

Доктор чиқиб кетгандан кейин, кўрпани тепиб ташлаб турмоқчи бўлди, лекин тураолмади, бутун бадани мажақлаб ташлангандек оғрир эди, сал қўзғашти блан боши айланиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Эргаш яна ётишга мажбур бўлди.

Қурилишда нима гап экан? Бетномешалка ишга тушиб кетдими?..

Мана ҳозир қайноқ, серташвиш иш куни бошланди, Ленинграддан, Серпуховдан одамлар келиши ҳақида ҳаммаёқда дув гап, одамлар шошқалоқ, иш қизгин, руҳ баланд... Эргаш бўлса буерда ётипти. Ленинграддек жойдан шу қурилиш деб одамлар келсаю, қурилиш бошлиғи уларни қулоч ёзиб кутиш ўрнига оёғини узатиб ётса.

Эргашнинг баданидан яна тер чиқиб кетди. У бутун кучини йиғиб яна бошини кўтарди. Бу сафар у боши айланганига ҳам, кўзи тинганига ҳам қарамай, кийина бошлади. Дорилар ёнида турган пиёладаги сувни титраб ичди-да, чиқиб кетди.

Эрталабки салқин кўтарилмаган эди, Эргаш ўзини анча энгил сезди. «Мени ётқизиб қўярмиш-а!» деб ўйлади у ва қадамни тезлатди. Мамажоннинг ҳовлиси ёнидан ўтаётганида болта товуши эшитилиб қолди. Бу қанақаси бўлди?

Эргаш эшикни очиб ҳовлига қаради.

— Мамажон ака!

— Лаббай.

Айвонда уст-боши оҳакка бўялган, белини арқон блан боғлаб олган Мамажон кўринди, у болтасини қўйиб, Эргашга пешвоз чиқди.

— Раингингиз қочипти, ўртоқ Султонов. . .— деду у қўл узатиб.

— Қаёққа қочади! Нега ишга чиқмадингиз?

— Ҳозир келдим, машинани ишга тушириб юбордик. . .

— Машинани сўраётганим йўқ, нима қилаяпсиз иш вақтида? Уй оқлаяпсиз, кўриб турибман. Начальник ётиб қолди, энди уй-уйига, така-тўйига, урра, шунақами?

Мамажон чиндан ҳам уй оқлаётган эди. У уйдаги ҳамма анжомни айвоннинг нариги бошидаги хужрага кўчириб чиқарган, катта уйнинг дераза ромини янгилаб, ичини оқлайбошлаган эди. Эргаш буни кўриб жаҳли чиқиб кетди, Мамажонга сўз бермади.

— Шу қурилишни деб одамлар неча минг чақирим жойдан бутун асбоб-ускунасини поездга ортиб, уй-жойини, бола-чақасини ташлаб келаяпти. Биз бўлсак қурилишни шу аҳволда ташлаб қўйиб, ўз хужрамизни оқлаш блан, икир-чикиримиз блан. . . Э, б-бригадир. . .— Эргаш бўғинлари бўшашиб кетаётганини сезди.

— Мен фақат бир соатга. . . ўртоқ Султонов, мен ўрнимга мотористни қўйиб келдим, у менинг йўқлигимни билдирмайди, ҳадемай етиб бораман. . .

— Ҳозир қурилишни бир соатга ташлаб кетиб бўлмайди, тушунаяпсизми?— деди Эргаш қичқириб.— Агар ҳамма ўз уйим-ўлан тўшагим деб, қурилишни ташлаб кетаверса. . . Ор-номус қани, Мамажон ака, ахир шу хужрангиз фабрикадан афзалми! Ўзингизники-да, а?

— Мен ҳозир ғириллаб етиб бораман, ўртоқ Султонов,— деди Мамажон белидан арқонни ечиб,— гапнинг пўст калласини айтсам, ука, менга жуда алам қилди. Ахир Норматпаранг блан Мадумарямоқчидан менинг қаерим кам, ўзинг айт, ука! Ленинграддан келадиган ўша азиз меҳмонлар Нормат блан Мадумарникига тушармишу, бизникига тушмасмиш. Мана ўзингиз бундоқ кириб қаранг, меҳмон кутишга арзийди десангиз — ихтиёрингиз. Данилич бўлса, болангиз бор дейди, уйингиз тор дейди, э бола-чақа нима, ана хужра, кўчаман-чиқаман, жой тор бўлса ҳам юрагимиз кенг бўлса бас-да. . .

Эргаш айвонга чиқди. Оқланган хужрага кўз солдию,

хаёли бошқаёққа кетиб қолди. Ефим Данилович келгандан кейин бўлган мажлисда меҳмонларга вақтинча тураржой тайёрлаш ҳақида масала кўтарилган эди. Халқ меҳмонларни Найманчанинг ўзида жойлаштиришга қарор қилди. Лекин маҳалладаги ортиқча уй ва ҳужраларни ҳисобга олиш пайтида, Мамажоннинг эшигини ҳечким қоқмади.

«Гап буёқда денг. :— Алам қилган экан чолга» деб ўйлади Эргаш Мамажонни энди кўраётгандай тикилиб.

— Ҳали меҳмон кутиш тараддусидаман денг?..

Эргаш дарров эслади: ўзининг ўрнидан туриб чиқишига ҳам шу ташвиш сабаб бўлган эди-ку?

У ҳозир Мамажоннинг кўнглидагини суриштирмай дўқ қилганидан ўнғайсизланди, уни ноҳақ ранжитганини сизди.

— Мен ҳозир ғириллаб етиб бораман,— деди Мамажон.

— Менга қаранг, Мамажон ака...— пешонасига тер чиққанини, нафаси тезлашганини сизди, Мамажоннинг елкасидан ушлаб кўзига қаради,— майли, ҳужрани яса-тиб бўлиб, иннайкейин боринг.— Эргаш эшикка қайриларкан, сал гандираклади.

Унинг кейинги гапига ҳайрон бўлган Мамажон буни пайқамади ҳам. Эргаш эшикни ушлаб тўхтади-да, қайрилди.

— Мамажон ака...:

Мамажон тез етиб борди.

— Тобингиз йўқ чамамда, Эргашвой...— деди хавотирда.

— Мамажон ака, катта ўғлингиз мактабга қатнаятими?

— Ҳа,— деди баттар ҳайрон бўлган Мамажон.

Эргаш ўзини тетик тутишга уришиб «яхши» деб чиқиб кетди. Хаёлига узуқ-узуқ фикрлар келди, қулоғида янгради: «Одамларимизнинг кўнглида нима ўй — биламизми...», «Халққа ишониш, ундан ўрганиш керак», «Қуруқ назоратчидай эмас, бир дўстдай...» Кўз ўнгида кулиб турган, таниш юз пайдо бўлди. Бу Ефим Данилович эди. Кейин Мамажоннинг серсоқол юзи кўринди. Эргаш бир қўли блан деворни ушлаб, оёкин юриб борар, боши чатнаб оғрир эди. Бирдан негадир эсига тушди: «Мамажон аканинг олдига кириб борганимда салом бердимми, йўқми?» Ҳозир ҳамма нарсани шу ҳал қиладигандай, Эргаш

зўр бериб эслашга уринарди: «Саломлашдимиз, йўқми?» Эслолмади, ўзи айтган ҳамма гапларни эсладию, шуни эслолмади. Боши айланиб, кўз олди яна қоронғилашди, оёқ бўғинлари бўшашиди. Иситмаси чиқабошлади.

Эргаш идорага ҳам, қурилишга ҳам боролмади, уйга қараб жўнади. «Башорат келса, Мамажон акани бир чақриб гаплашаман» деб ўйлади у.

Ўттиз олтинчи боб

Онахон бугун ишдан жуда чарчаб қайтган бўлса ҳам, кўнгли шод. У, эрталабдан бери Тунукасозлар маҳалласида эди, ҳар кирган ҳовлисида атрофига хотин-халаж тўпланаверди. Қурилаётган фабриканинг овозаси кенг тарқалганини, ҳарбир хонадонга, ҳарбир хотин-қизга етиб борганини ўйламаган ҳам экан, бугун ҳатто ўзининг «Онахон!» деган таниқли номи ҳам асосан шу фабрика туфайли хотин-қиз тилига тушиб кетганини аниқ фаҳмлади. Бугун у фабрика ҳақида, Москвада ўқиётганлар ҳақида ўнлаб саволларга жавоб қайтарди, бу маҳалла хотинларидан бир гуруҳини ўқув-ишлабчиқариш комбинатига олиб келиб тамоша қилдиришга ваъда берди.

Хуллас, у ниҳоятда хурсанд эди. Чарчаганига қарамай, келибоқ уй ишига тутинди. Ҳозир уй иши кўпроқ Турсунойнинг зиммасида эди. Башорат ойисидан ҳам ишчанроқ бўлиб қолган, кўк комбинезонини кийиб эрталаб чиқиб кетганича кун ботганда кириб келади, вақтлироқ келса сингисининг ҳисоб масалаларини ечишга қарашадию, бошқа ҳечнарсга қилаолмайди. У ҳисобга чечан эди, Турсунойнинг гапи блан айтганда, «ҳарқанақа масалани ёнғоқдай чақиб ташлайди». Еш десятникларни монтажчиликка ўргатаётган мастер Пармузин Башоратнинг тўқув машиналарини тарқатиш ва йиғишдаги қобилияти ҳақида Онахонга гапирган эди, Онахон буни ҳечкимга айтмаган бўлса ҳам, ўшандан бери Башоратга бошқача қарайбошлади: уйда уни икир-чикир ишлар блан банд қилмайди, гапларини катталарнинг гапига қулоқ солгандай диққат блан тинглайди, баъзан ҳатто маслаҳат ҳам сўрайди. Башорат мустақил, катта қиз бўлиб қолганини ўзи ҳам сезиб, уйда ўтадиган вақтини катта, қизғин, ишчан ҳаётининг бир қисмигига деб қарайбошлади. Шўхликлари камайди, гаплари ўзгарди, катта қизлардай астойдил ювиниб-тараниб, ўзига бино қўйиб юрадиган бўлди. Бўй етган қизларга сирдош; кеча Ҳожия:

«Эргаш акамнинг товлари йўқ, бир хабар олиб келсангчи» деганида Башорат буни дарров тушунди: Эргаш уйда ёлғиз, онаси Рузвон хола Москвада; Ҳожия хабар олиб туриптию, лекин ҳар куни, ҳадеб кираверса, эл орасида бўладиган ҳархил гап-сўздан ташқари, Ҳожиянинг қизлик гурурига ҳам унча тўғри келмайди. Бемордан хабар олиб туриш айб эмасу, ҳадеб кираверса Эргашнинг ҳам талтайиб кетиши бор, бошқалар ҳам «роса юрагидан урган экан» дейиши мумкин. Эргаш айниқса шу кунларда кечаю кундуз Ҳожиянинг ўйидаю, аммо қиз буни бошқаларга жуда ошқора қилишни истамайди. Бунинг ҳаммасини бир оғиз гапдан англаб олган Башорат Эргаш акасидан ҳар куни ишдан кейин бир хабар олишга жондиди блан рози бўлди. У ҳозир ҳам ўшаерда эди.

Онахон Эргашнинг соғлигини жуда билгиси келса ҳам, Башоратни кутиб ўтираолмади — у Назокатникига кириши керак эди. Апил-тапил чой ичди-да, қош қорайганда кўчага чиқди.

Куз оқшомининг қоронғусида Найманчадаги пасқам уйларнинг қамиш бўғотлари, тош аралаш гувала деворларнинг паст-баланд ўрқачлари кўланкадай хира кўринарди. Бўзчигузар тепасида, Норматпаранг ҳовлисидаги кекса бақатеракнинг яланғоч шохлари куз шамолига ҳуштак чалиб, шовуллаб турар, энг учида, «банги» лайлакдан қолган эски уя атрофида зағчалар қағиллашиб, тунга қўнсқ танлашар эди.

Гузарга яқинлашганда Онахон, «Мулла Нормат ҳо! Ҳо мулла Нормаҳамат!» деган ингичка қалтироқ овоз эшитди. Норматпаранг ҳовлисидан жавоб чиқмади, жимлик чўкди. Сал ўтмай терак тагидаги эшикдан Кўкмачининг имоми чиқиб кетди. Унинг чопонга ўралган букир гавдаси мачит минорасининг хароба чолдеворлар устига тушган эгри соясига ўхшарди. Сийраккина эчки соқоли буришган, узунчоқ юзини яна ҳам чўзинчоқ қилиб кўрсатар, жуда кекса одамдай инқиллаб юрса ҳам, бўйидан узун, соққа бошли, оғир, қора ҳасса блан каттакон салласини ташлаб юборса, туппа-гузук юриб кетадигандай тетиқ кўринар эди.

«Намозхон овлаб юрипти» деб ўйлади Онахон. Ефим Даниловичнинг Нормат блан Назокатга яқинроқ ёндашиш, бу оиланинг турмушига кириб бориб, унинг кайфиятини яхшироқ ўрганиш ҳақидаги гапиши эслади. Онахон паранжини Жўраҳоннинг тобути устига ташлаган

Назокатнинг яна паранжи ёпиниб олиб, ўтакетган тутуриқсизлик қилганини эшитгач қаттиқ хафа бўлган эди. Нусратиллахўжа воқиасидан кейин, Онахон, Қудратиллахўжабойга узоқ бўлса ҳам қариндош келадиган Назокат бу ишни хотинларнинг Жўраҳон тобути устида ичган муқаддас қасамларини масхаралаш учун ёмон ният блан атайлаб қилган деб ўйлаб, қаттиқ нафратланган эди. Ефим Данилович: «Чирик бид'атларни ўргумчак уясидай илаштирадиган ба'зи хонадонлар бўлади, ўшаларни ўрганиш керак, суҳбатлашиш керак» деганидан кейин Онахон ўйлаб қолди. Чиндан ҳам, Назокатни нафратлаш, зарда қилиб ундан қўл силташ блан иш битмас эди. Назокатнинг бу қилиғи бошқа хотинларни ҳам иккилантириб, гумонсиратиб қўйиши мумкин эди.

Онахон эшик қоқмасдан кириб борди.

Назокат молга терт қораётган экан. Кўйлагини липасидан чиқариб, енгини туширди-да, ёнламасига турганича бош эгиб қолди.

— Келинг...— деди шу туришича, секин. У илгарилар Онахон келганда оёғи куйган товукдай типирчилаб қолар, жонкуярлик блан кўрпача солар, лаби-лабига тегмай гапириб кутиб олар эди, ҳозир ундай қилмади, индамай бош эгиб, ёнламасига туришдан, изза бўлиб узр сўраган одамга ҳам ўхшар, бевақт меҳмондан норизо бўлиб, «нега келдинг?» деб турган одамга ҳам ўхшар эди. Онахон унинг кайфиятини дарров тушунаолмади.

— Домла почча нима қилиб юриптилар?— деб сўради Онахон.

— Нормат акангизни намозасрга айтгани келган бўлсалар керак...:

— Сўфининг азони қолиб, намозга уйма-уй юриб айтадиган бўлганларми?

— Йўқдир...— Назокат таваккал блан берган жавобидан уялиб кетди.— Йўллари шуёқдан бўлгани учун...:

Бу жавобдан Онахон «имомга тил тегизгиси йўқ...» деган хулоса чиқарди. Маҳаллада намозхоннинг путури кетиб, Кўкмачитнинг имоми тирикнинг дуосидан кўра кўпроқ ўликнинг жанозасини пойлайдиган бўлиб қолган эди. Қуни жанозага қолган имомнинг ҳарбир намозхоннинг «қадрига етиб», илгари на намозга, на бошқа бирон нарсага ихлоси бўлмаган, ҳаркимнинг гапига осонгина кўнадиган, табиати нотаъинроқ, тутуриқсизроқ Норматпангага ёпишиб олган бўлиши Онахонга тушунарли эди.

Назокат жим. Оёғини кериб, лорсиллаб, ҳадеб қовуш қайтараётган қашқа гавмуш «нима бало, иккови ҳам қо-тиб қолди» дагандай, ялқовлик блан бўйинини буриб қа-ради.

Назокат супа ёнига секин бориб кўрпачани тузатди.

— Утиринг...

Онахон ўтирди. Супа баланд айвоннинг рўпарасида эди, айвоннинг сирли стунларида шода қалампир, макка-жўхори осиглиқ, сут-қатиқ солинган сопол косалар, хур-мачалар... Онахоннинг кўзи стунлардан бирида осиглик турган янги қизил паранжигга тушди.

— Тинч-омон ўтирибсизларми, Нормат акам ишлаб туриптиларми?— деди Онахон.

Бу одатдаги гапнинг фақат сўз бошлаш учунгина айтилганини англаган Назокат ҳам бепарвогина «ҳа» деб жавоб қилди ва ўз навбатида у ҳам одатдагидай ҳол-аҳ-вол сўради.

Гап сра қовушмас эди. Шунинг учун Онахон асосий гапни дангал бошлайверди.

— Нима учун алангага жуда қулочкашлаб ирғитди-нгиз десам, сандиқда янгиси бор экан-да...— деб ачитди у, осиглиқ паранжигга имо қилиб.

Назокат сесканиб кетдию, индамади.

— Паранжини ўтга ёқишга ким мажбур қилган эди сизни?

Назокат ерга қараб тураверди.

— Ростингизни айтаверинг, Назокатхон, чин кўнгли-нгиздан ташламаганмидингиз?

Онахон жавобни узоқ кутди. У суҳбати сўроққа ўх-шаб кетаётганини ўзи билиб турар эди, унинг хонадон-лардаги суҳбатларидан биронтаси бундай бўлган эмас, лекин Назокат гапирмаса нима қилсин? У саволини яна такрорлаганида, Назокат секин, жур'атсиз, қалтироқ овоз блан гапирди:

— Чин кўнглимдан ташлаган эдим...

Онахоннинг кўзлари жонланиб кетди.

— Қани, ўтиринг... Нимага тикка турибсиз, ўтиринг.

Назокат чироқ ёқди ва худди супа йиқилиб кетадиган-дай, авайлаб, бир четига келиб ўтирди. Ўтирдию яна ин-дамай қолди. Қоронғи тушган эди. Бу бесабр жимлик ва қоронғиликда, жинчироқ пирпираган сари, таппи ёпиб ташланган баланд деворлар блан уч томондан ўраб олин-ган ҳовли юзи худди ерга чўкиб кетаётгандай эди.

— Нима қилиб қўйдингиз, Назокат,— деб секин, юракка етадиган ҳасратли товуш блан гап бошлади Онахон,— хотинлар жирканч ўтмишнинг сарқити деб тупроққа ташлаб, оёқлари блан топтаган ла'нати рўдақини сиз кўтариб яна елкангизга солдингизми?.. Бир туфлаган тупугингизни яна қайтиб олишга ким мажбур этди? Умри бино бўлиб қуёш нури блан соф ҳавони энди кўрган бечора хотинларнинг сизга эргашиб яна қора сочвон остига киришини чин кўнглингиздан истайсизми? Қудратиллахўжанинг туйнугидан қутилиб артельга борганингиз, ўз қўлингиз блан тўқилган атласнинг кооперативга чиққанидан қувонганларингиз, Жўраҳон жасади устида айтган сўзларингиз... наҳотки буларнинг бари ёлғон бўлса? Биз, биз ҳаммамиз сизга ишонган эдик, сизни ўз қаторимизда, деб билиб, хурсанд бўлган эдик. Биз учун, биз хотин-қизларнинг толи ичун азиз жонини қурбон қилган Жўраҳоннинг тобути ёнида юрагимиздан аламли фар'ёддай бўлиб чиққан қасамимизни оёқ-ости қилмассиз деб ўйлаган эдик... Сиз... Жўраҳонни ваҳшийларча ўлдирган қора юракларни хурсанд қилдингиз..

Ердан бошини кўтармай ўтирган Назокатнинг бутун вужудини титратиб кўзига ёш келди. Онахоннинг ярим ёлбориш оҳангидаги сўроқлари, аламли, ўпка, ҳатто бироз ғазаб аралаш хитоблари, айниқса Жўраҳон номи тилга олинганда, унинг юрак-бағрига бориб ботди. У, Онахоннинг бир келишини билар, лекин гапнинг бунчалик бўлишини ўйламаган эди.

— Нима қилиб қўйдингиз, Назокат, ким мажбур қилди? — деб сўради яна Онахон, унинг эгилган бошига аста қўлини қўйиб.

— Ҳечким... ўзим...— деди секин Назокат, бошини кўтармай ва яна жим қолди. Бошида Онахоннинг иссиқ кафтини сезгандан кейин кўзини ердан кўтариб, «нега мени қийнаёпсиз?» дегандай қаради.

— Гапиринг.

— ...

— Гапиринг, Назокат, мендан ҳечнарсани яширмаманг.

Назокат энди унга бир вақтлардагидай ихлос ва ишонч блан термулди.

— Нурияни... эшитдингизми...— деди у лаблари титраб.

Бу ном ўша кунларда катта-кичик ҳаммага ма'лум

эди. Бу ном оғизга олинганда биров ачїниш ва ҳайрат блан танглайини тақиллатса, биров аллақандай гуноҳдан қўрққандай юзини четга ўгирар, хотин-қизларнинг эса тани жимирлаб кетар эди.

Нурия ўз акаси томонидан қулоқ эшитиб кўз кўрмаган бир ваҳшийлик блан ўлдирилган наманганли қизнинг оти бўлиб, унинг воқiasi халқ орасида гапирилган сари даҳшатлироқ тус олар ва жуда кўп хил талқин қилинар эди. Тўғрироғи шу эдики, Ҳусниддин деган, инсон қиёфасини йўқотган бир фанатик жоҳил Самарқанддаги инпросга ўқишга кетмоқчи бўлган синглисини оғилхонада тириклай ерга кўмиб, тўрт кечаю тўрт кундуз даҳшатли азоб берган: қиз белигача тупроққа кўмилиб бир кун, кўксигача кўмилиб бир кун, бўйнигача кўмилиб яна бир кун сақланган. Жаллод тўртинчи кун дегандагина унинг кўкарган юзига ва қордай оқариб кетган бошига сўнги курак тупроқни ташлаб, ерни текислаб юборган экан...

Назокат тўсатдан Нурияни тилга олганида Онахон қаттиқ ҳайратда қолди. У Назокатнинг эри Норматдан бошқа ҳечкими йўқлигини биларди. Лекин Нормат...

— Нормат ака ҳақида бундай ўйлашингиз...

Назокатнинг қаттиқ сесканиб, ўрнидан қалқиб кетиши сўзни бўлди.

— Йўқ... йўқ,— деди Назокат қалтираб,— Нормат акангиз ундай эмас. Ундай эмас.

— Бўлмаса кимдан қўрқасиз?

— Одам бундай ишни ўз ихтиёри блан қилмас экан. Нимадир эс-ҳушини олиб қўяр эмиш-да, одам ўз қўллари нима иш қилганини ўзи билмай қолармиш. Ростдир, бўлмаса одам ўз туғишганига шундай ваҳшийлик қиладими? Уша Нурпянинг акаси ҳам асли яхши одам бўлган экан, кейин эсига келиб минг пушаймон, минг товбаи-тазарриқ қилганмиш; синглим деб қон-қон йиғлаб, ҳозир жинни бўлиб қолган дейишади...

Онахон индамай, ўйланиб қолди. У ҳозиргина югуриб келган одамдай, тез-тез нафас олар, катта очилган кўзлари йилтиллар эди.

— Шу тўғримми?— деб сўради Назокат.

— Жинни бўлганими?

— Ҳа.

— ... Тўғри.

— Ана.

— Тўғри,— деди яна Онахон,— лекин номард одам қотилликни эпласа ҳам, суд ҳукми блан отилган ўққа кўкрак тутиб беришни эплайолмайди. Отилиб кетишдан кўра, ўзини жинниликка солиб, мозор-шайх қозонидан обиёвгон ичучи девона бўлиб ўтишни афзал кўради.

— А?

— Ростингизни айтинг,— деди Онахон,— бу гапларни сизга ким гапирди?

— Менга эмас, Нормат акангизга, Абдимажидхожи имомнинг ўзлари гапириб бердилар. Яқинда Наманганда шу воқиаларни ўз кўзлари блан кўриб келиптилар.

«Худди ўйлаганимдай» деди Онахон ичида. Ў, ҳали кўча эшигини қоқиб кетган эчки соқол, букир имомни кўз олдига келтирди. Уни кейинги вақтда қаерларда кўрганини, юзи ва кўз қарашларини ўйлаб кетди.

— Нормат акангиз яхши одам...— деб ўз-ўзига гапирарди Назокат,— лекин худо ўзи гуноҳкор деб билган одамидан ҳарқалай бўлса ҳам ўч олар экан, ахир одам бирдан эс-ҳушини йўқотиб, қўли нима иш қилганини билмаса... Нормат акангиз ўзи ҳам ўзидан кўрқиб юрипти. Мен тасалли бермасам ким тасалли беради унга... Очилганимга индамайдию, икковимиз ҳам алланима фалокатдан кўрқамиз. Қоратоғдан келган хат...

Онахон хаёл блан бўлиб унинг гапини эшитмади. Унинг бутун ўйи имом блан банд эди. Мачит минорасининг қинғир-қийшиқ хароба деворлар устига тушган синиқ соясидай букир қора тавда ҳамон унинг кўз ўнгидан ўтиб борар, кўланкадай судралиб ҳовлиларга кирар, одамлар кўнглига ваҳима солар, оилалардаги тотуликни бузар, эски девор қавагидан чиққан ҳашаротдай ўрмалар эди.

— Имом сизникига нима учун келади?— деб сўради Онахон.

Назокат оқ кўнгиллик блан бир бошдан гапириб берди.

Авваллари Абдимажид имомнинг бу хонадон блан ҳечқанақа борди-келдиси йўқ эди. Норматпаранг ҳатто унинг салом-алигига ҳам кўпчилик қаторидагина «мушарраф» бўлар эди. Лекин ҳархил артельлар очилиб, қурилишлар бошланиб, Кўкмачитда намозхон камайгандан кейин, эсига тушиб қолгандагина онда-сонда бир хўжа-кўрсинга намозжумага бориб қоладиган Норматпаранг ҳам имомнинг назарига илиниб, саноққа кириб қолди.

Норматнинг ҳовлиси мачитнинг йўлида бўлгани учун Абдимажидхожи имом намозга бораётиб кўчадан «Мулла Нормоҳамат-хоё» деб йўқлаб ҳам ўтадиган бўлди. «Кексайиб қолдимми дейман, мулла Нормоҳамат, шу, ёлғизликка канглум сра дош бермай қолипти. Йўлда йўлдош яхши-да, садағаси кетай, кексайганда мусулмоннинг эрмаги суҳбати саҳоба экан...» дер эди у эшик тагида Норматни кутаркан. Шундай келишларда ба'зан ҳовлига кириб таҳорат янгилайдиган, ба'зан эса намозга эртароқ келиб қолиб, супада суҳбатлашиб ўтирадиган, бир пиёла-ярим пиёла чой ҳам ичадиган бўлди. Норматнинг назарида, у, кимсан имом бўлатуриб, анча фуқаропарвар, ширинкалом, дилхуш сдам чиқди. Шариат-тариқатдап гапирса бировнинг оғзини очириб қўядиган билими бор.

Бир куни у ҳечқандай важсиз кириб келиб қолди. Нормат курилишга янги ишга кирган кунлари бўлиб, намозжумага бормаган эди.

Абдимажидхожи имом бир қўлини чопонининг тагидан белига қўйганча, олдинга букчайиб, бармоқлари блан соқолининг учини тутамлаб, гапира-гапира қирди.

— Кеча бомдоддан бери бир шумлик канглумга чўкиб тарки ором этди, мулла Нормоҳамат, бугун сужудла ҳам зикри ҳушим шуёқда бўлди. . . — деди у чиндан нотинч бир қиёфада. Кейин тўхтаб, эчки соқолини диккайтириб тепага, кекса бақатеракнинг учига қаради: — Лайлак мурғи давлат эмас, аммо лекин мурғи жаннат, чароки, мафҳуми каломга назаран, мурғи имон.

— Қани тақсир, супага, кўрпачага ўтсинлар, — деди бу «ҳикматли» гапларга унча фаҳми етмаган Нормат қўлини кўксига қўйиб, — қани. . .

Имом супага ўтиб, оёғини йиғиб ўтирди-да, узундан узоқ минғиллаб фотиҳа ўқигач, яна теракка қаради.

— Ҳа, мурғи имон. Унинг бу азм теракдан аш'ён ихтиёр этгани бежиз эмас эди. Бу терак Ҳазоршайх пирининг парваришларида бўлган.

Нормат ҳовлисидаги қари бақатеракни энди кўраётгандай, унинг қурт еб чирийбошлаган оқиш пўстлоқли йўғон, ғудур гавдасига ҳайрат блан тикилди. Ажабо, шунча шуерда яшаб бу дарахтнинг бундай муқаддас нарса эканини билмаган экан. Тепасида чумчуқ чирқиллаши, қарға қағиллашидан безор бўлган Норматга энди унинг тинмай шовуллаши улуғвор, сирли туюлди.

— Алалхусӯс. . . — деди имом ғамгин товуш блан, чўзиб, — кўзим тушдиким, у аш'енини тарк этибди.

— Ҳа, ҳа, уясидан безди, тақсир, — деди шошиб Нормат, лекин имомнинг қиёфаси ва гап оҳангини кейинроқ фаҳмлаб қолиб, ташвишга тушиб қолди, дам имомга, дам теракка аланглади.

— Аломати мушкул, мулла Нормаҳамат, аломати гуноҳшумлик. . . Алоҳазал қиёс, мурғи имон учун бошимиздан, мулла Нормаҳамат, — имом изтиробда бош эгиб қолди.

Норматнинг кўнглида дам мудҳиш васваса, дам шум-хабар келтирган бойқушдай қопқора бўлиб супада ўтирган имомга нафрат кўланкаланарди. Имом васвасани ҳам, нафратни ҳам сезиб турарди, шунинг учун биринчисини оширишга, иккинчисини йўқотишга тиришди. У, Нормат ва унинг хотини Назокат иккаласи ҳам Наманган атрофидан эканини биларди, шунинг учун кўпроқ гапни, воқиаларни ўша Наманганга бағишлашга ҳаракат қилди. Наманганли бир чол блан кампирни ўз тоmidан лайлакни қандай қилиб безитгани, шундан кейин шу чолкампирнинг бутун хонадони қандай қуриб вайрон бўлгани ҳақида гапириб берди. Назокат Наманганни ёшлигида кўрган, лекин ўшандан бери бормаган, шунинг учун ҳам Наманган ҳақидаги ҳарқандай гапни соғинув ҳисси блан, қизиқиб тинглар эди. Чолкампир воқиаси ҳақидаги ҳикояни у айвоннинг стуни орқасида ўтириб эшитаркан, шаҳарнинг таниш кўчаларини эслашга уринарди, холос. Ҳикоянинг даҳшати унга Норматга етганчалик етиб бормади.

Нормат бутунлай ваҳимага тушган эди, у теракдан кўзини олмай қолди. Терак тагидаги ахлатларга, уйилиб ётган қуруқ таппиларга кўзи тушди, имом кетиши блан у ерни тозалаб супуриб қўйишни кўнглидан ўтказди.

Абдимажидҳожии имом суҳбатдошини бугунча етарли даражада ваҳимага сололганидан қаноатланиб, гапни соддалаштирди, энди бу мудҳиш гаплар ёнига, ўзини яқин, самимий одам эканини кўрсатадиган гаплар ҳам керак-да!

У ўзининг тағи-зоти наманганлик эканидан гап бошлади. Норматнинг, Назокатнинг қайси даҳа, қайси маҳаллалик эканини, Наманганнинг қайси қишлоқларида қандай уруғ-аймоқлари борлигини суриштирди. Бирдан, Назокатнинг бувиси блан ўзининг аммаси бир қишлоқдан экани аниқланиб қолди. Норматнинг ўлиб кетган

тоғаваччаси эса унинг жиян куёви блан аллақандай қариндош ҳам чиқиб қолди. Ишқилиб, йўниб-ясаб, ямаб-чатиб иккаласини ҳам туппа-тузук қон-қариндош қилиб олди-қўйди. Муомалалар «ҳамқишлоқ»чилик, «қариндош»чиликка ўтгандан кейин, имом буерда «кунда меҳмон» бўлиб олди.

Нормат ўтганда ҳам, кетганда ҳам теракка қарарди. У, имомнинг гапларини Назокатга яна ҳам ваҳималироқ қилиб гапириб берди, терак атрофини озода тутишни буюрди. Ўзининг умр бўйи қилган ишларини ўйлади, гуноҳларини санади. У теракдан бир фалокат кутарди. Икки кечагача уйқу ололмади, кўзини юмса теракнинг шовуллаши тўфон босиб келаётгандай кучаяверди. Кейин ётадиган сўрисини теракдан узоқроққа, ҳовлининг нариги бурчагига кўчириб олди. Иложи борича намозни канда қилмайдиган бўлди. Эски одати бўйича кўкноридан тариқча эзиб ичиб қолса, чумчуқ пир этиб учса ҳам назарида устига терак ағанаб кетаётгандай бўларди.

Бир куни Назокатнинг аммаси турадиган Қоратог қишлоғидан хат келди. Нормат хатни ўқиб беришни худди шу пайтда «Нормаҳамат-ҳо!» деб келиб қолган Абди-мажидҳожи имомдан илтимос қилди. Бундай важ топилганидан мамнун бўлган имом томоқни жуда келиштириб қириб, бир қўлига ҳассасини, бир қўлига ковушини ушлаганича майда қалам блан юриб кирди-да, чакмонининг узун енгини зўрға йиғиштириб супачага чордана қурди.

Хат, четига қизил чизиқ тортилган мойли қоғозга ёзилган эди. Хат бисмилло блан очилди. Нормат блан Назокат қоғознинг домла имомнинг ориқ ингичка бармоқларида шилдираганига қулоқ солиб, супа ёнида чўққайдилар. Имом кўзойнагини олиб, уни ёғи чиқяб йилтиллаб кетган бирнеча қават қора машина ип блан шалпанг қулоғига ўраб боғлади.

Имом хатни дам бурун тагига олиб келиб, кўзойнагининг остидан, дам пешонасига кўтариб кўзойнакнинг тепасидан қараб, аввал ичида ўқиди. Шунча машаққат блан тақилган кўзойнакнинг ўқишга фақат халақит бераётгани Норматга донишмандликнинг бир аломати бўлиб кўринса ҳам, Назокатга ғалати туюлди: ўқишга шунча халақит берар экан, нега тақади-я бу исқирт латта блан боғланган шишани?! Лекин Назокат ҳам бу ҳақда ортиқ ўйламади, унинг фикри-зикри хатда эди:

болалигидан бери кўрмаган меҳрибон аммаси соғ-саломатми, нималар ёздийкин, қорли чўққилар орасидаги жилға бўйида кўмкўк бўлиб чўзилган Қоратоғ ҳали ҳам ўшандай осойишта, чиройликмикин? У жойлар Назокатнинг болалик хотирасида сра эсдан чиқмайдиган ширин таассурот қолдирган эди. У жойларни, кекса аммасини ўйлаганида бу оқиш чанг босиб ётадиган диққина-фас Найманча кўзига ёмон кўриниб кетар, ёши бир жойга бориб қолган аммаси бехос дун'ёдан ўтиб, уни кўролмаб қолишидан кўрқар эди... Ахир биттаю битта жиян, кампирнинг бошқа ҳечкими йўқ. Шунча йилдан бери бир бориб кўрмаслик... Ба'зан Назокатга гўё қари аммаси ёлғизликдан ўлаётгандек, ўлим олдидан жиянини қарғайётгандек туюлар, вужудини кўрқув босар эди. Аммаси олдида ўзини гуноҳкор сезар, гўё унинг ўлимига сабаб бўлаётгандай эди.

Ҳозир имомнинг чиройи қочган серажин юзига тикиларкан, бирдан шу сезги кўнглини қопқоронғи қилди, даҳшат босди.

Хатни ичида ўқиб бўлган имом энди уни эгаларига баланд овоз блан ўқиб эшитдириш ўрнига, тўсатдан аянч бир тусга кирди-да, ўтирган жойидан қиблага бурилиб, икки қўлини фалакка узатди. Нормат блан Назокат гўё эсида ҳам йўқ, диккайган эчки соқолини титратиб кўрқинчли овоз чиқарди.

— Ё худовандайи кариийм! Қулли жаҳон уммати Муҳаммаднинг ҳазор тавбаи тазарриғини мақбул эт! Бағрингни тупроққа бос, бандаи ожиз, оллоҳ таолонинг раҳми-шафқати чексиз...

Имомнинг йиғи аралаш аччиғ товуши шуқадар аянч эдики, супада ўтирган Нормат ҳам, айвонда паноҳ кутиб турган Назокат ҳам қутлари учиб, уни ҳозир ўз соч-соқолини юлабошлайди, деб ўйлашди. Улар нима қилишларини билишмас эди, Нормат имомнинг ўзига ўхшаб қўлини кўкка узатиб ҳам кўрди, кейин шундай қилиш керакми-йўқми деган мулоҳазада, қўлини яна туширди-да, айвон томонга қараб олди, Назокат ҳам нима дейишни билмас, лекин унга бир нарса анеқ эдики, хатда қандайдир шумхабар бор...

Имом уларга қайрилиб гапирди:

— Гуноҳларимизнинг касофати, бандаий мўминлар... оллоҳ таолонинг қаҳри-ғазабидан қочиб кутилиб бўлмас! Даф'и фалоқат ўз кўлимизда.

— Нима гап, тақсир...— сўради ҳечшарса тушунмаган Нормат ботинмайроқ.

— Аммам нима ёзиптилар, домла почча? — деб сўради айвондан туриб Назокат ҳам.

Имом яна ҳалигидай, титроқ қўлларини фалакка узатиб, кимгадир ёлборгандай, ёввойи бир товуш блан йиғламсираб гапирди:

— Қоратоғда зилзила! .:

Имом ёнида чопонининг этагига ўралашиб ётган хатни олиб, даҳшатли хабарни ўқиб берди: тоғ оралигидаги Қоратоғ қишлоғида ер қимирлаб бирнеча эски уйларни хонавайрон қилипти, Назокатнинг қари аммаси том босиб қазо қилипти. Хат қишлоқ шўросидан Назокат номига, марҳуманинг рўзгор-анжомларини келиб олишни сўраб, ёзилган эди. Имом буёғини ўқимади, ўқиса ҳам Назокат эшитмас эди, у аза йиғисига тушган эди. Имом давом этди:

— Васият етти пуштга, гуноҳ етмиш пуштга раводур, мулла Нормаҳамат,— деди у соқолини селкилатиб,— худо ер қа'рига олган марҳуманинг жияни бўлмиш завжай муҳтарамангиз Назокатхон... ҳай, ҳай, юзини очиб, бад қилди, мункири осий бўлди, ўзлигини ҳамда қовми-ҳешни парвардигорнинг ғазабига. .:

— Йўқ! Йўқ! — деб қичқириб юборди турган жойидан Назокат ва яна бошини қўли орасига олиб хўнграб йиғлади. У нимага «Йўқ!» деб э'тироз билдирганини ўзи ҳам аниқ билмас эди, бу қичқариқ унинг ихтиёридан ташқари, юрагининг аллақайси теран бир жойидан кўтарилиб, даҳшат аралаш янграб кетди. Кекса аммасидан хабар олмай қўйиб, гўё унинг ёлғизликда ўлишига сабаб бўлаётганини даҳшат блан ҳис қилиб юрган Назокат имомнинг гапларига чидайолмади. Наҳотки... Наҳотки! Унинг паранжи ташлаганлиги шуқадар оғир гуноҳ бўлса — худо унинг ўзини қаҳри-ғазабига олақолмайди! .:

— Вой аммажоним, шўрликкинам. .:

Назокатнинг йиғиси орасида имомнинг тинмай минфиллаши эшитилар, унинг сўзлари Нормат учун ўзининг бутун ма'нисини йўқотиб, фақат жаноза оҳангидагина тобора қўрқув соладиган шум товуш бўлиб етиб келар эди.

— Замона шундай, мулла Нормаҳамат, гуноҳ бандасининг оёқ остида, Ҳазоршайх пиримнинг айтганлари

келмоқда: Исрофил сур тортиб маҳшар келур, ҳаркимса ўзлигини билсин, ўз савобию ўз гуноҳларини худовандан каримнинг мисқол тарозусига солсин...

...Назокат бу воқиаларни ҳикоя қиларкан Онахон «Парихонотин» деган турк жосусининг кирдикорларини фикридан кечирарди. Найманчада бўлиб ўтган бу воқиалар ҳаммаси бир-бирига келиб боғланарди. Яна ўша иғво, яна ўша Ҳазоршайх...

Супадаги чироқ кечки шабадада пирпираб ёнар, рўпарада гавмуш сигир эринчоқлиб блан тинмай ковуш қайтарар, кекса бақатерак тепасида чумчуқлар тишиб, фақат яланғоч аста шовуллаши эшитилар эди.

Онахоннинг кўзи дам секин, дам ҳаяжонланиб ҳикоя қилаётган Назокатнинг чироқ нурида товланган юзига тушди. Сўнгги бир ой ичида бу ёш жувон юзидан ранг қочган, қовоқлари, кўз тублари сарғиш тусга кириб, қошида бир вақтлар қўйилган ўсманинг юқи кўкариб турар эди. Паранжи... Паранжи унинг юзинигина эмас, қалбини ҳам сўлдириб юборипти. Унинг гапларида ҳам, товушида ҳам ҳадик, ҳазинлик, ожизлик сезилиб турарди.

— Шу гапларга ишондингизу, сочвонни бошга ташладингиз, уйда ўтириб ваҳима блан «гуноҳ»ларингизни санашга тушдингиз, шундайми?

— Йўқ, Онахон опа, жон опа, мен шу гапларимни сизга бориб айтмоқчи бўлиб юрган эдим. Мен ишонганим йўқ, кўрқдим...

— Нормат акаданми?

— Йўқ...— Назокат бирпас жим қолдию, бирдан Онахоннинг ёнига яна ҳам яқинроқ силжиб ўтирди. Афтидан, кўрқинчли бир гап айтмоқчи, Онахонга яқин, унинг елкасига елкасни тегизиб ўтириш унга шу гапни айтиш учун дадиллик берарди.

— Мана шу имом,— деди у пастроқ товуш блан,— ҳалиги қамалиб кетган Афғончойфуруш блан бордикелди қиларди. Ўша «афғон» Жўрахонни ўлдирганлардан экан, деган гапни эшитганимдан кейин шу соқолинг гўрда чиригурнинг товуши кўнглимга ваҳима соладиган бўлди.

— «Борди-келди»? Қандай борди-келди?

— Дўконига борар эди.

— Нима қилар эди?

— Гаплашар эди.

— Ҳа, у «чойфуруш» блан жуда кўп одамлар гаплашган-ку?

— Йўқ, у бошқача гаплашарди, бизга хушбўй чойини мақтардию, ўзи у блан бемаврит учрашиб алланималарни гаплашарди.

Онахон, гўё Назокат ҳозир қўлдан чиқиб кетадигандай, унга қайрилиб елкасидан ушлади, кўзига қаради.

— Қани-қани?— деди бесабр.

Чироқ шу ласида икки хотиннинг юзи, бурунлари бир-бирига тегар даража яқин, четдан қора силуэтдай кўринар, Назокатнинг товуши пичирлаб эшитилар эди:

— Ўз қулоғим блан эшитганман — одам ўлдириш тўғрисида гаплашишган. Бир кун азонда мана бу гавмушимга қовун пўчоқ тергани растага чиқдим. Чойфурушнинг дўкони орқасидаги кечқурундан қолган уюм пўчоқни пақиримга солаётсам, ичкаридан минғирлаган товуш эшитилди. Қарасам, шу соқолинг гўрда чиригурнинг товуши. Азонда-я, азонда! Растада ҳечким йўқ, дўкон ёпиқ.

— Нима дейишди, аниқ эшитдингизми?

— Аниқ эшитмадиму, ҳартугур... бу соқолинг лаҳадда чиригур одам ўлдириш ҳақида гапираяптию, ўшаерда ҳам «мусулмон, мусулмон» дейди тагин. Бир гапини аниқ эшитдим: «Ҳарқалай бир кофирнинг йўқ бўлгани дуруст деб эдим, ҳай майли, сиз айтганча бўлсин, зероки фазот бешаҳид бўлмас» деди. Шундан кейин бирнима тикирладю, мен пўчоқни ҳам қолдириб ўзимни четга олдим.

Онахоннинг кўзлари ёниб кетди. Ўрнидан турди. Унинг кўкраги тез-тез паст-баланд бўлиб турарди. Назокат унинг оқаринқираган юзини кўриб кўрқиб кетди, у ҳам сакраб туриб Онахонга тикилди. Онахоннинг ҳовлининг қоронғи бурчагига тикилган ҳаяжонли кўзларида даҳшатли бир ўй бор эди. У индамади.

Онахон кеча Найманчадаги воқиаларга гувоҳ сифатида сўроқда бўлган эди. Сўроқда у шу нарсани тушунди: инглиз жосуси Эдгар Гладстон бошчилик қилган жаллодлар, қўпоручилар тўдаси фабрика қурилишидаги зараркунандачиликдан кейин, бу ишнинг очилиб қолишининг олдини олиш учун, Қилтириқмахсумнинг изига тушган, Надеждинни йўқ қилмоқчи бўлишган, кейин бунга жур'ат қилолмай, унинг халқ ичидаги обрўсидан кўрқиб, қўпоручилик ишини амалда бажарган Нусратиллабойваччанинг ўзини ўлдириб қўяқолишган. Чунки, бу жиноятдан хабардор бўлган ишончсиз одам — фақат шу деб ўйлашган.

Ҳозир Онахон Назокатнинг сўзидан, дўкон йчида бўлган гапдаги «кофир» — Ефим Данилович, «мусулмон» эса Нусратиллаҳўжа эканини англади. Душманлар уларнинг икковидан бирини йўқ қилиш блан қурилишдаги жиноятни яшириб қолмоқчи бўлганлар ва осонроғи — бойваччани ўлдиришга қарор қилганлар.

Бу фикрлар ҳаммаси Онахоннинг зеҳнидан бир зумда ўтди ва бир даҳшатли фикр миясига яшиндай урилди: «Ефим Даниловичнинг жонига қасд қилган газандалардан бири тирик! Озодликда юрипти!»

— Ефим Данилович! — деб юборди Онахон овоз чиқариб. Унга тикилиб турган Назокатнинг назарида бу овоз Онахоннинг оғзида эмас, юзидан, олайган кўзларидан, бутун вужудидан чиқди.

— Ефим Даниловичнинг қотили тирик! .. — деди Онахон даҳшат ичида пичирлаб. У ўзининг шутопда қаерда эканини унутгандай алангларди, сумкасини қўлтиғига қовирғаси оғригунча маҳкам қисиб, эшикка қаради, жойида топтанди. — Назокат, — деди унга қарамай, — сиз менинг орқамдан қолманг, сиз менинг ёнимда бўлинг. Ҳозир бировни топиш қийин. Эшигингизни қулфланг. Ефим Данилович уйда. Бир нафасда анча воқиа бўлиши мумкин. Бир минутда. .. менга қаранг, уни шутопда ўлдиришлари мумкин. Унинг қотили ҳозир эшигингиз тагидан ўтиб кетди. .. Сиз ҳечкимга қараманг, ҳечкимга бир оғиз гап айтманг, фақат менинг орқамдан юринг. .. Кеч кирди. .. Лекин ҳозир, фақат ҳозир!

Масалани аниқ тушуниб етмаган Назокат, паранжиси бошида, Онахон ёнида тайёр эди.

— Ефим Даниловични шу минутда топиш керак. Тушундингизми. Уйимизни ўт олса ҳам қараманг, мени опа деганингиз рост бўлса. .. юринг, Назокат!

Нома'лум бир даҳшатдан ўзини йўқотган Назокатнинг титроқ товуши секин эшитилди:

— Юринг. ..

Ўттиз еттинчи боб

Чироқ ўчганда тун шундай қоронғи туюлдики, бир нарса кўраман деб урингандан кўра кўз юмиб юрган хавфсизроқ эди. Назокат Онахонни кўриб эмас, шарпасига эргашди. Совуқ куз кечаси унинг вужудига кириб олгандек, ич-ичидан қалтиратди, кейин эса бирдан бутун

танасини қизитиб юборди. У кўз олдйда тим қора тундан бошқа нарсани кўрмас, қулоғи зингиллар, бу зингиллаш гўё шу қора туннинг товуши эди.

Онахон кўчадан юрмай, аллақандай девори нураган ҳовли орқали йўл бошлади. Назокатнинг назарида, у шу қоронғиликда ҳамма нарсани равшан кўрар, гўё шунинг учун ҳам сра қоқинмай-суринмай, қушдай енгил учар эди. Назокат унинг шарпасини йўқотиб қўймаслик учун бутун кучини кўзига йиғди. Гўнг, пичан ҳиди келди, улар қандайдир молхона ёнидан, арава шотисининг тагидан ўтдилар, оёқ тагида похол шитирлади.

Назокат бу жойни энди таниди. Улар қурилиш бошланганда Найманча ёнидан ташиб тўкилган ахлат тепасидан чиқдилар, чапда, узоқда, фабрика қурилишининг тунги смена чироқлари милтиллар эди. «Ёруғлик бор эканку!» деди Назокат ичида. У энди Онахоннинг қизил дуррасини аниқ кўрар, ўзининг қаерда эканини билар, шунинг учун ҳам бироз енгил тортган эди.

Онахон бу йўлни илгаридан мўлжаллагандай ҳеч қаерда тўхтамай, иккиланмай, сўқмоқ ҳам танламай, елиб юришда давом этди. Уни бу қора тундан ҳам даҳшатлироқ бир куч ўқдай учуриб кетиб борарди. У ўзи бу ҳақда ўйлагани йўқ, унинг оёқлари ўзидан-ўзи енгиллашиб, ўзидан ўзи юриб бормоқда. Онахоннинг бутун фикри-зикри... кўз ўнгида шифтигача гулдор қоғоз ёпиштирилган иссиқ, ёруғ уй, стол устида қориндор самовар ашула айтаяпти, ёнида Софья Борисовна, Ефим Данилович, қўлида газета... Бордию бундай бўлмаса-чи? Ефим Данилович қурилишда йўқ эди — Онахон буни аниқ билади. Бордию бирор жойда... Бордию фалокат шу дақиқанинг ўзида юз бераётган бўлса... «Йўқ!» деб пичирлади Онахон ва яна бор кучи блан олдинга интилди. У ҳозир хаёл суриш, бирор нарсани ўйлаш учун ҳам вақтни аяр эди, бутун хаёл кучини ҳам оёғига берсаю, темир йўл райондаги ўша таниш баракнинг остонасида пайдо бўлса! Ефим Даниловични, қадрдон Ефим Даниловични тирик кўрса! Ефим Даниловичнинг тирик қолиши гўё унинг мана шу кўришига боғлиқ эди. Ер юзида унинг жаллоди юрипти, шуерда. Найманчада, Ефим Даниловичнинг ёнида ўралашиб юрипти. Унинг ким эканини ҳечким билмайди. Уни энг аввал Ефим Даниловичнинг ўзи таниши керак, у уни нима қилиш кераклигини ҳаммадан кўра яхши билади. Ефим Даниловичнинг олдига, тезроқ, Назокат!

Назокат паранжида терлаб-пишган, одам юрмаган тош. шағал сўқмоқ, этагига тикан, чангал илашиб қийналар, зўрға етиб юрар эди. Онахон бошлаган йўл — темир йўл райониға энг яқин йўл бўлиб, тўғри гўристон устидан ўтар эди. Онахон бошламаса Назокат бу йўлдан куппа-кундузи ҳам юришга ботинмасди, ҳозир эса, биринчи қабр дўнглигидан хатлаб ўтишда юраги шув этдию, дадил кетаётган Онахон орқасидан эргшиб юришга мажбур бўлди. Йўл пастлаб борарди, қурилишнинг милтиллаган чироқлари орқада қолди, тўғрида, пастликда яна ҳалигидай тим қора тун, гўристоннинг чети ҳали узоқ. Тун жимжит. Шундай жимжитки, шилдираган шағал товуши ҳар қадам ташлаганда бир арава тош ағдаргандай эшитилади. Бирдан шамол елиб ўтди, бу шамол пастдан, гўристон қоронғилигининг ичидан чиққан совуқликдай келиб юзга урилди. Шамолнинг шовуллашидан қаршида баландликми, иморатми борлиги билинди — Онахон блан Назокат бирдан эсладилар — Ҳазоршайх мозорининг вайронаси шуерда эди. «Буерда йўл текис, тезлаб кетамиз» деб ўйлади Онахон. Назокатни ваҳима босабошлади, у мозорни кўрмаса ҳам, унинг ўпирилган гумбазини, калта кесак, илон, чиён уялаган вайрона бурчагини, отнинг думидан, латтадан қилиб осилган туғ-аламларини, гўр ўпқонидай қорайиб, совуқ зах тупроқ ҳидини анқитиб турадиган хонақо эшигини кўз олдига келтирди. У, илгаригидай елиб кетаётган Онахоннинг камзул этагидан маҳкам ушлаб, кўзини чирт юмди, негадир сочвонини бошидан юзига тушириб олди.

Мозорга яқинлашиб келганларида тош шитирлади. Бироз секинлаб қулоқ солдилар.

— Калтакесак,— деди Онахон ва йўлда давом этди.

Яна шитирлади — бу сафар тошлар бир-бирига шундай қаттиқ урилдики, буерда одам борлигига, ҳечқандай шубҳа қолмади.

— Қани юринг!— деди Онахон ўзига ҳам, Назокатга ҳам далда бериб.

Олдинга юрдилар. Йўлда шарпа аниқ кўринди, бир эмас, икки, уч... тўрт...

Одамлар...

Улар эгилиб, югуриб, бир жойдан иккинчи жойга кўчишар, чўққайиб, қорайиб бир жойда қотишар эди. Онахон қўрқувни босишга ҳаракат қилар, Назокат эса ақли ишламай, қўрқувни унутган эди.

Юрдилар.

Улар мозор ёнида ҳам, рўпарада ҳам чўққайиб ўтирган қора шарқаларни аниқ кўрдилар. Онахон фаҳмладики, йўл тўсиқ эди. Қадамини секинлатди.

Қамзулнинг этагини кўтариб, астарига тикилган чўнтагига қўлини югуртирди. Чап қўли бирдан муздек бир нарсага тегди. Бу Назокатнинг қўли эди. Онахон уни сиқиб ушлади, ҳамроҳининг бутун вужуди титраб кетганини сезиб, уни бир қўли блан кучоқлаб ёнига тортди. Кўзи рўпарада, йўлда ўтирган қора сояларга михланган эди. Шу ҳолатда чорак минутча турдилар.

Бу нима бўлди? Кундузлари буёнда гўр тепасига азага келганлардан назир-ниёз тилайдиган қаландарлар, гадойлар ўтирарди. Наҳотки улар шуерда тунасалар? Яқинда Ҳазоршайхнинг шоҳимардонли бир муриди — «Ромчи эшон» деб аталган исмсиз бир зот буерда катта қозон қуриб, гадойлар, дарвешлар, қаландарлар ва жинчиларга шулон улашипти, деган гап тарқалган эди. Наҳотки яна шунақангги бирор «маросим» бўлган бўлса? Лекин булар тўсатдан қимирлаб қолиб, йўлни тўсиб ўтирганларидан, унақангги асойишта худоғўйларга ўхшамайди...

Онахон Назокат блан ёнма-ён, олдинга яна икки қадам ташлади. Шу пайт мозор томондан ер остидан чиққандай секин гумбирлаб йўғон овоз чиқди:

— Осий гумроҳ! Муқаддас даргоҳга тавба қил!

Назокат Онахонга маҳкам ёпишди, оғзи қурғаб, тили шишиб кетаётгандай бўлди, Онахон уни бир қўли блан кўксига маҳкам босдию, кейин секин четлатди, олдинга қараб қадам қўйди. Энди у бу қора сояларнинг зоҳидлик ридоси ёпинган қабиҳ одамлар эканини аниқ билди. Қўрқув вужудини қоплаб келар, лекин Онахон уни энгишга уринар эди.

— Саддақно вашариато, омин!— деди ҳалиги товуш.

— Омин!— такрорлади бирнеча овоз.

Онахон гандираклаб кетай деди, у кучсизланаётганини сезиб, икки оёғини эркакчасига кенг қўйиб, одамларни кўрмоқчи бўлгандай олдинга сал энгашди.

— Ўлиминг олдидан,— гумбирлади ҳалиги овоз,— тавба қил, сочи узун иблис, кўзларингга тупроқ тўлар, илигингни илонлар сўрар, етти дўзахга стун бўлгайсан, омин!

— Оми-ин!..

Бу ердагилар кўпчилиқ эканини ўйлашга бу сафар Онахоннинг ақли етди. Ғазаб вужудини титратган сари ҳуши равшанлашаборар эди. Ҳозир у ўзининг қай аҳволда эканини аниқ фаҳмлади: аҳвол жиддий эди. Лекин Онахон бир қарорга келиб улгурди: «Тавба қилиш эмас, ярим қадам орқага қайтмайман» деди тишини-тишга босиб. Бирдан хаёлига бир фикр келди: «Булар Ефим Даниловичнинг йўлини пойлаб ётишган!» Бу вақт қулоғининг ёнидан ҳуштак чалиб, тош учиб ўтди. Орқада қулоқни ёриб юборгудек чинқириқ овоз эшитилди. Товуш қора тунда шундай даҳшатли эшитилдики, Онахон бир дақиқа ҳечнарсга кўролмади қолди. Қараса — ёнида Назокат йўқ. . . йиқилдими деб ерга тикилди. Йўқ. Нарироқда бир нарса гурс этди. Ҳалиги товуш яна — бу гал бўшроқ — жаранглади. У Назокат эди. Онахон унинг йиқилиб-суриниб, оёқларига паранжиси, тош, тиканли ўтлар ўралишиб, орқага қочаётганини фаҳмлади.

— Назокат! Назокат!

Жавоб келмади. Бу маҳал бош устидан, оёғи ёнидан яна бирнеча тош физиллаб ўтди. Онахоннинг кўзига ҳечнарсга кўринмай қолди.

— Одамхўрлар! . . — деб қичқирди у ва олдинга отилди.

. . . Назокат тиканли, қуруқ чангалзор ичидан чиқиб қолди, девордай бўлиб тикка ўсган чангалга юзи блан бориб тақалиб, тўхтаб қолганида орқасида ўқ товуши эшитилди. . . «Нима бўлди? Туш. . . Туш. . .» Назокат ўзининг бошини, юзини, кўксини пайпаслаб кўрди. Бошида паранжи, кўкси дук-дук уриб турипти, юзи ҳўл. . . У, шу жойда қанча турганини билмайди, бир жойда турдими, юрдими, эмаклаб силжидими — буни ҳам билмайди. Бирдан кўзи узоқда милтиллаган чироққа тушганини билди, холос. Чироқ. . . бу қурилишнинг чироқлари эди. Яна аллақандай овозлар эшитилди, овозлар тобора яқинлашиб келар эди. Назокат бирнеча дақиқадан кейин тушунди: бу гўристонга ёпирилиб чиқиб келаётган қуручилар эди. Уларнинг ҳарқайсиси ҳарёққа, нималарнидир қичқириб, кимнидир чақириб, югуришар эди. Ба'зиларининг қўлларида тошфанор, таёқ, курак, болта. . .

Назокат ўзининг нима иш қилиб қўйганини шуерда пайқади. Унинг оёқлари қаёққадир юрар, боши ғувуллар, мияси ишламас эди. «Онахон. . . «Онахон» дер эди у худди алаҳлагандай пичирлаб, ўзи бўлса ҳамон қаёққадир юрарди. Бир девор ёнига етиб, уни қўллари блан пайпас-

лаб силжийбошлады. Девор қўлига йлиқ туюлди; илиқ, таниш, ўз маҳалласининг девори, шунча ёввойи товуш ва даҳшатлардан кейин шу гувала девор унинг ҳушини жойига келтиргандай бўлди. «Нима қилиб қўйдим! Она-хон нима бўлди? Мен.. уни ташлаб кетдим... уни...» Назокат деворга сирғаниб ўзидан-ўзи ўтириб қолди, гўё биров авайлаб ўтқазиб қўйгандай енгилгина, ўнғайгина ўтирди. «Уни ўлдирган бўлсалар...» даҳшат блан ўйлади у, «Нима қилиб ўтирибман!» Бирдан ўрнидан турмоқчи бўлганда, аллақайси томири узилгандай, гавдасини кўтаролмай яна ўтириб қолди. У яна интилди. Тиззаларида дармон йўқ эди. Деворга тирмашиб гавдасини тиклагач, кўзини юмиб бирпас турди-да, юриб кетди. У тез юриш кераклигини, дарров бирорта одамни кўриб воқиядан хабар бериш кераклигини биларди, лекин юраолмаса нима қилсин?.. Йўқ, эмаклаб, судралиб бўлса ҳам бориши керак... Ҳой, одамлар!

Ё унинг товуши чиқмайди, ё одам йўқ.

Назокат деворнинг раҳнасиз жойига етганда, кимники бўлса ҳам шу ҳовлига кираман, деразасини тақиллатаман, уйғотаман, деб ўйлади. Хайрият, уй эгаси ухламаган экан, ана шарпа эшитилаяпти. Назокат бирдан дадил бўлиб, ўзида куч сезд.

— Ҳай кимсиз, амаки! Тоға!

Жавоб келмади. «Эшитмади. Наҳотки овозим чиқмаётган бўлса?» Хазон шитирлади. Ҳай, бу Назокатлардан уч ҳовли беридаги Мاستон холаники-ку! Мана қайрағочи, ҳовуз! Уша! Девори қийшайиб ётипти!

Назокат ўз уйига яқин, қўшнилариликкига келиб қолганини билгач яна ҳам дадил бўлди, оёғига дармон кирди.

— Ҳай, кимсиз? Мастон хола! Марайим ака!

Жавоб келмади. Одам юргандек эди, нима бўлди? Ошиб ўтсамикан? Йўқ, одам бор, хазон шитирляяпти. Назокат бошини ичкарига суқиб яна тикилди... Қайрағоч тагида... Одам. Қора... Қопқора. Худди ҳалиги мазорнинг тагидагидек чўққайиб ўтирипти, қопқора, қимир этмайди. «Кўзимга кўринаяпти» деб ўйлади Назокат, баданига совуқ тер чиқди. Яна «Марайим ака» деб қичқирай деса, қўрқди. Девор бўйлаб ўтиб кетди. Деворнинг нарироқдаги қийиғига етгач, шунча қарамай ўтаман деса ҳам бўлмади, қаради. Қараса яна ўша қора шарпа эгилганича ўзини қайрағоч тагидан девор ёнига олди. Ҳаммаси ўша мазор ёнидагидек...

Назокатни яна даҳшат чулғаб олабошлāди. У бир нарса билмоқчи эканлигидан эмас, қаттиқ қўрққанидан беихтиёр қичқириб юборди.

— Ким?

Қичқирдию лаблари муздек бўлиб, сочларининг ҳарбир толаси тубига минглаб совуқ нина санчилди. Шундай бўлса ҳам, ўзининг товушидан ўзи дадилланиб кетди. Қўриниб туриптики, ҳалиги одам ундан беркинмоқчи.

— Ким?— деди яна Назокат.

Шу вақт у «гурс» этган товуш эшитди. Ҳалиги қопқора соя унинг ёнида пайдо бўлди. Назокат ўзининг қаёққадири йиқилиб кетаётганини, оёғи девор бўйидаги ариққа тийганиб тушганини сизди. Паранжиси бошидан сирганиб тушди. Паранжи нома'лум одамнинг қучоғида қолган эди. Назокат ариқдан чиқиб олиши блан белига ва билагига қаттиқ титроқ қўллар тирмашаётганини кўрди. Бирдан қаёқдандир куч пайдо бўлдию ўзини бир силтади.

— Дод!

Бу товуши блан Назокат икки-уч қадам нарига бориб тушган эди. Одам яна етиб келди.

— Товушингни чиқарма!— деди у хотиннинг қўлини қайириб.— Гўристонга ўз оёғинг блан келибсан!

Овоз эгаси қўли блан хотиннинг оғзини тўсишга зўр берарди. Назокатнинг сочи унинг бир қўлига тушиб қолди. Бу титроқ, лекин чандир қўл сочи хотиннинг бўйнидан айлантириб олишга уринарди. Назокат овоз чиқаролмаса ҳам эчки соқол Абдимажидҳожи имомни овозидан таниган эди, таниш одам блан олишув унга куч берди. Энди ундаги қўрқув чексиз ғазаб ўтига айланди. Имом! Мозорга қуручилар етиб боргандан кейин ҳамманг каламушдай ҳарёққа тирақайлагансан! Мен сени жиноят устида кўрдим. Энди сен мени тирик қўйишдан кўрқасан! Демак ўртада ўлим! Олишамиз!

Бу гаплар Назокатнинг бекик оғзидан чиқмадию, қоронғида чақнаган кўзларидан олов бўлиб чиқди. Имомнинг соқоли унинг қўлида эди. Соч-соқол юлишга келганда хотин-қизга тенг келолмайсан! Имом бўшашди, унинг бўйнига бандагидан илиниб, гавдасига паранжи ўралиб қолган қўл ҳаракатларига халақит берарди. Сочни қўйиб юборди. Назокат бор кучи блан бир умтилдию ўзини мушга урди.

— Дод! Дод!

Назокат жон-жаҳди блан қичқирса ҳам, ўлим чангалидан чиқиб чопаётган хотиннинг товуши заиф эди. Найманчада бирор кимса уйғониб кўчага чиқмади.

Уйда ўтирган Нормат ҳам суҳбатини бемалол давом этдирарди. У обрўйли меҳмон келганда «аллақайси қўшниларианикида қора тунгача гап сотиб ўтирган» хотинига жаҳли чиқса ҳам, меҳмонга буни билдирмай, чойни майдалаб қуйиб, сал жилмайиб ўтирганича гап тингларди.

— Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар, деган гап бор, Норматжон ака,— деди чордона қуриб ўтирган Ефим Данилович гапини яқунлагандай. Кейин пиёлани чертиб узатди-да, супадан тушди.

Нормат чойда пилдираб ўйнаган шамага тикилганича жилмайиб ўтираверди.

— Абдимажидхожи домла беғараз, бунинг устига — билимдон одам,— деди у меҳмоннинг гапига ҳамон қўшилмай,— бизга нимаси ҳам юқарди. Умринг борида савоб тўпла, гуноҳлардан ҳоли бўл, деб ўгит берса бериптида. Бизнинг мусулмончиликда бунинг айби йўқ.

— Мусулмончилигингиз ўз йўлига,— деди Ефим унинг чойини олиб.— Лекин, ҳозир шундай замон келдики, бахтни ҳам, тотуликни ҳам, мол-давлатни ҳам, борингки савобни ҳам,— мен савоб деб одамларга яхшилик қилишни тушунаман, агар тўғри бўлса,— ҳаммасини меҳнат келтиради.

— Тўғри, тўғри.

— Хўш, домлангиз сизга мана шу меҳнат тўғрисида бир оғиз бир нарс дедими?

Нормат индамай бош эгиб ўтирди.

— Йўқ,— деб ўзи жавоб берди Ефим Данилович.— Умрида меҳнат нима эканини билмаган одамнинг ўзининг савоби қанчалик экан? Шу одам савоб ҳақида гапирса ишондингизми?

— Шарият пешволарига илгаридан ишониб келганмиз.

— Алданиб келганмиз денг!

— Мени алдаб нимама ни олади, келади-кетади, одамнинг юзи иссиқ экан, икки оғиз ҳолисанлилло гап. . .

— У кўп нарсангизни, кўп қимматли нарсаларингизни алдаб олди,— деб гапни бўлди Ефим Данилович,— мана меҳнатга бўлган ҳавасингизни олди, хотинингиз Назокатнинг озодлигини. . .

Нормат меҳмонга ялт этиб қаради, совуган чойни суриб қўйиб, ўрнидан турди.

— Хотинимга у ҳам, мен ҳам бир нарса деганимиз йўқ, у ўзи... у ўзи...

Буёғига гап тополмай жим қолди. Ефим Данилович унга идорадан уйга келаётибоқ, «шу имом блан бордикелдини қўйинг» деган эди, ҳозир Нормат шунга унаб қўяқолсам бу гаплар бўлмас эди, деган фикрга келди.

— Энди, худогўй бир қария нарса, остонадан қайтариб бўлмас экан...

— Йўқ, йўқ, агар имомга чиндан ихлосингиз бўлса, менинг гапимга қараб дарров «воз кечдим шу одамдан» деганингиз бекор. Ихтиёр ўзингизда. Лекин мен айтиб қўяяпман... бир кун эмас бир кун ўзингиз қабиҳлигини билиб қоласиз, ўшанда остонадан қайтариш эмас, суриб чиқарасиз. У сизникига яхши ният блан қатнаётгани йўқ.

Нормат бу гапнинг чин ёки ҳазиллигини пайқаёлмай жилмайгансимон бир хунук илжайиш блан Ефим Даниловичнинг синовчан кўзларига қаради.

— Йў-ге, унчалик эмас, холис, беозор бир одам...:

Бу вақт ҳовли эшиги тарақ этиб очилиб, бир тавақаси сшиқ-мошиғидан учиб кетди. Хира чироқ ёруғида сочлари тўзган, энглари йиртиқ, оёғида бир ковуши йўқ, бир ковуши эса лойга ботган Назокат пайдо бўлди. Юзи оппоқ, ҳечнима кўрмагандай, олайган кўзлари блан телбадай тикилиб турар, лаблари титраб нималар деб қичқирмоқчи бўлар, лекин томоғи бўғилган, товуши чиқмас эди.

Нормат анчагача эсини йиғолмай, хотинини танимагандай оғзини очиб турди. Ефим Данилович бир четда эди, у Назокатни мутлақо танимасди, кўчада бўлган фавкул'одда бирор ҳодисадир, деб ўйлади.

Нормат катта калласи оғирлик қилгандай гандирак-лаб, қулочини очиб, «Назокат» деб хотинига интилганида, очиқ эшикдан аллақандай қопқора чопон ва бошига кулоҳ кийган Абдимажидхожи кириб келди. У тўрт оёқлаб келиб Назокатнинг оёғига йиқилди.

— Шарият йўлида... худовандои карим йўлида,—деб хансираб пичирлади у,— азизларим, мусулмонмиз, тилимиз бир, динимиз бир, қариндошмиз...

Назокат ақлдан озгандай хунук бир товуш чиқариб эрига ёпишди:

— Улдиради! Улдиради...:

— Бир худонинг, бир сизнинг қулингиз бўламан, тупроқ блан яксонман, мулла Нормоҳамат, дуонгиздан ўзгани тилимга олсам...

— Ўлдиради...— деди яна Назокат эрига қаттиқроқ ёпишиб...

Нормат уни ўзидан зўрға ажратиб, ерга ёпишиб ётган имомнинг яқинига қадам қўйди. Имом ҳўнграб унинг оёғига ёпишди, титраб юзини, кўзини унинг этигига суркай кетди.

— Сир шуерда қолсин, отамсиз, қиблагоҳимсиз, мулла Нормоҳамат... Назокат синглим...

— Ўлдирмоқчи бўлди, ушланг уни...— деди Назокат айвонга, стун орқасига қочиб,— мозорда... Онахонни тошбўрон қилишди...

— А!

Бу Ефим Даниловичнинг товуши эди. Бу товуш блан у бир сакраб эшик тагида пайдо бўлди. Бу товушни эшитиб шартта туриб қочмоқчи бўлган имом у блан юзма-юз келди ва Ефим Даниловичнинг енгилгина силташи блан яна тупроққа ёпишди.

— Сиз шуердамисиз? Биз сизни қидириб кетаётган эдик...

— Нормат ака!— деди Ефим Данилович.— Бу холис, беозор худогўйни маҳкам босиб турунг... беш минутда...

Ефим Данилович очиқ эшикдан қорайиб кўриниб турган кўча қоронғилигида бирпасда ғойиб бўлди.

Нормат тўрт оёқлаб чўккалаб турган имомни чиндан ҳам устидан босиб тушди: бир оёғини елкасидан ошириб, ёқасидан маҳкам бўғди...

Ўттиз саккизинчи боб

Эргаш Султонбўзчидан қолган ўша кўримсиз ҳужрада турар эди. Уни деярлик ўзгартирмаган ҳам эди. Аллақачон ўтинхонага айланган болохонанинг қинғир-қийшиқ синчлари, гуваласи тушиб қирчанғи отнинг қовурғасидай яланғочланиб, саналиб қолган; кўча эшиги томондан деворга эски симёғочдан тиргович қўйилган эди. Маҳалладагилар блан кўча-кўйда, самоварда унча ҳамсухбат бўлолмайдиган Эргашни унча ёқтирмайдиган ба'зи одамлар у ҳақда: «Отаси бўзчи бўлиб белбоққа ёлчимай ўтди, боласи бинокор бўлиб бўғотини кўтаролмай ўтади» дейишарди.

Эргашнинг эса хаёли бошқаёқда. Онаси билан келган бир хатдан кейин у ҳужранинг томини қайта ёпиш фикридан ҳам қайтди. Рузвон хола ўз хатида Москвадаги тўқув фабрикалари атрофига уч-тўрт қаватли турар-жой бинолари тушаётганини, ишчилар ҳозирдан бошлаб шу чиройли уйларга кўчиб чиқаётганини ёзган эди. Улар яқинда шундай янги уйлардан бирини бориб кўришипти. Хатда тўрт қаватли, кўпхонали турар-жой корпусининг барча фазилатлари, тутун чиқмайдиган қувур печкаларидан тортиб, ванналаригача тасвирланган эди. Ушандан бери Эргашнинг фикри-зикри шунда. У уйда ёлғиз ётаркан, қурилаётган фабрика атрофидаги майдоннинг бутун паст-баландини кўз олдига келтирар, унинг қаерига неча қаватли корпус тушса, қаеридан кўча ўтса яхши бўлади, эски Найманча ўрнига тушадиган тўрт қаватли бинонинг деразасидан қаралса шаҳарнинг қаерларигача кўринади,— мана шуларгача ўйлар эди.

У шифтга тикилиб ётиб, дам ўздан-ўзи жилмаяр, дам қовоғини солар, ба'зан эса бирдан ўридан турмоқчи бўлганида, ёнидаги дори шишалари билан тўла курсига кўзи тушиб, касаллигини эслар ва яна ётар эди. Докторнинг илгаригиси ҳам тузук эди, кейингиси, Ҳожия топиб келгани эса — тилла тишли хотин — Эргашни тўшакка ипсиз боғлади кетди. Яна бир ҳафта тўшакда қимирламай ётиши керак эмиш. Яна бир ҳафта!

Эргаш бунга ғирт бекорчилик деб ҳисоблаб, ўзининг бунга кўнганига қойил бўлди. Ҳаммани ўздай бетоқат деб ўйлаб, «бошқа биров бўлганда пақ этиб ёрилиб кетарди азбаройи шақилдоқ!» дея мақтаниб ҳам қўярди.

Тўқучилар шаҳарчаси ҳақидаги ўйлари ҳам ба'зан бекорчиликдан туғилган хом хаёлдай кўриниб, «кўкнори бўлиб кет-э, Эргашвой!» деб қўярди ўз-ўзига. Лекин у ўз хаёлида яратган чиройли лавҳаларидан ваз кечолмайди, ҳаёли беихтиёр яна ўша чиройли шаҳарчага кетиб қолади, уни тобора гўзал янги фазилатлар билан безайди.

Эргаш бу ҳақда Добротворцев билан гаплашиб кўришни мўлжаллаган эди. Башоратнинг хабар беришича, инженер кеча келадиган эди, лекин кеча инженер ўрнига, одамни гаранг қилиб қўядиган янги хабарлар келди. Утган куни кечаси мазор ёнида ва Норматпаранг уyiда бўлган воқиялар Эргашнинг иситмасини ошириб, ўридан турғизиб юборди. Тўсатдан Ефим Данилович келиб

қолмаганда, у ҳозир докторнинг қаттиқ буйруғига ҳам қарамай қурилишга чиқиб борадиган эди.

Ефим Данилович оёғини этикка суқаётган Эргашга, шўхлик қилиб қўйган боласига хўмрайган отадек, хўмрайиб қараб қўйди: «Ет!» Эргаш ўзини дарров кўрпанинг орасига олди ва кечаги ғалати хабарларнинг ҳаммасига изоҳ кутиб, жиддий тикилди.

Лекин Ефим Данилович, гўё ҳечқандай воқиа юз бермагандек, хотиржам, махорка тутунидан сарғайган мўйловининг учини одатдагидай тепага қайириб бураган, чеҳраси очиқ эди. У уй ичини кўздан кечирди. Уйда ёлғиз бўйдоқ касал ётганига қарамай, ҳамма нарса ўз жойида саранжом, озода, уддабурро қизнинг чевар, чаққон қўли билиниб турарди. Чинни косалар терилган тоқчаларга гулдор қоғоз ёпиштирилган («Москвадан келган!» деб ўйлади Ефим Данилович), кўрпа-кўрпачалар йиғилган таҳмон тепасига чиройли парда тутилган эди. Ефим Данилович дори шишалари турган курси четига ўртасидан очиб буклаб қўйилган китобни олиб варақлаган бўлди-да, уй ичига яна зимдангина кўз югуртирди. «Ҳожиянинг қўли!» деб ўйлади у ич-ичидан қувониб.

— Гапиринг, Ефим Данилович! — деди бетоқат Эргаш.

— Хўп,— деди Ефим Данилович унга кулимсираб қараб олгач. Кейин қандайдир бир сун'ий қиёфага кирди-да, рапорт бергандай, сра нафас олмай, ясама овоз блан тўхтовсиз тизакетди:— Фабрика қурилишида бетон ишлари муваффақиятли тугаб, синов муддатидан ўтди, ёрдамчи бинолар учун яна етти юз эллик минг пишиқ ғишт, икки вагон тунука ташиб келтирилди, асосий корпус тикланиши блан бирга ички ва ташқи пардозга усталар тушди, монтаж ишларини бошлашга тайёргарлик кетаяпти, эртадан...

— Ефим Данилович...

— Эртадан, яна ғишт, ойна, тунука, оҳак...

— Ефим Данилович...

— Ҳа,— деди Ефим Данилович гўё ўзини гапдан зўрға тўхтатиб. У, Эргаш гапни бўлмаса, шу тарзда, сра тўхтамай гапириб кетаверадигандай эди.— Ҳа? Еқмадими?

— Ғишт, тунукангиз нимаси, Ефим Данилович? Кечаги воқияни гапирсангиз-чи менга!

— Қанақа воқиа?

— Мозорда, Нормат аканикида...

— Ия, қурилишингизда тинчлик бўлса бўлди-да. Ҳали начальникни одамлар ҳақидаги гап ҳам қизиқтирадиган бўлганми? — деди Ефим Данилович мутлақо жиддий туриб. — Қачондан бери?

— Ефим Данилович...

— Йўғ-э, начальник одам-а? — деб яна тегажаклик қилди Ефим Данилович.

Эргаш ўзи касал бўлиб қолган кечаси конторада Ефим Даниловичга айтган сўзларини эслади. Ушанда ўзининг ўринсиз қаттиқ гапириб қўйганидан ҳозиргача пушаймон эдию, Ефим Даниловичнинг Нормат ҳақидаги бир оғиз гапни буқадар умумлаштириб, унга буқадар кенг ма'но беришни ўйламаган эди. «Ҳозир бу одам мени тоза боплайди!» деб ўйлади Эргаш. Лекин сир бергиси келмади.

— Кесатиб гапиришнинг вақти эмас, Ефим Данилович, ўша гап жаҳл устида бир бўлди-ўтди-да, — деди у ёстиқни биқинига тортиб.

— «Бўлди-ўтди» эмас, ҳаммамизнинг, айниқса сизга ўхшаш коммунистарнинг бу сабоқдан жиддий хулосалар чиқарадиган вақти аллақачон келди. Агар ҳаммамиз сизга ўхшаб: «Одамингни қўй, қурилишдан гапир!» дейдиган қуруқ, юраги ғишт блан, цемент блан қотиб кетган бошлиқлардан бўлсак нима бўлар эди, шуни кўз олдингизга келтираоласизми? Кеча қўлга тушган, беозор шарият муҳиблари деб аталган бандитлар Норматга ўхшаш қолақроқ одамларга қуртдай ёпишиб, уларни ўзларига оғдириб, бизга қарши қўярди. Биз, аслида меҳнаткаш, соф виждонли бўлган кўпгина Норматларимиздан ажралиб, ғишт ва тунукаларимиз блан қолаверардик. Бандитлар энг яхши одамларимизга зимдан пичоқ қайрашни давом этдиран эдилар. Шунақа, Эргашвой, халқдан ажралиб қолиш, одамлар блан ишлашга парвосиз қараш — коммунист учун ҳалокат. Мана, мен сизга шуни яна айтмоқчи эдим...

У анчагача индамай қолди. Бу вақтда Эргаш ўзини қаёққа қўйишни билмай, ёқасини бўшатди.

— Еш коммунист Онахондан намуна олинг! Одамларнинг қалбига кириб боришни ўрганаяпти, кечалари ҳам хонадонларда. У, қайтадан паранжи ёпиниб, қўрқоқлик блан «ичкари»га бекиниб, хотин-қизларга ёмон ибрат кўрсатаётган Назокатдан воз кечмади, қайтага унга

яқинроқ бўлишга интилди, чидам блан ишлади, унга ҳам, ўзига ҳам ишонди, ниҳоят унинг пок қалбини юзага чиқарди, унинг йўлини яхши томонга бурди. Назокатнинг ёрдами блан душманнинг яна бир жирканч уясини титиб ташлади. Найманчадаги Қўкмачитнинг имоми, келгинди жосусларга ёлланган тулки Абдимажидхожи, мозор атрофида, гадой, жинни, қаландар, мурид ниқобида ивирсиб юрган еттита йиртқич йўлбосар, қуручилар ёрдами блан особотделнинг темир панжасига тушди. Бордию, «у ёмон экан, бу ёмон экан» деб, одамлар блан ишлашдан, улар блан яқиндан танишиш ва самимий суҳбатлашишдан бош тортганида, Онахон бу ишни қилмаган бўларди.

Эргаш ўрнидан туриб ўтирган эди, у Ефим Даниловичнинг гапини тингларкан, пешонасидаги қалин-қалин қатламларни ичига кириб кетган кўзлари устига тушириб, бир нуқтага тикилган эди.

— Ана ғишту, мана тунука-а-а-а...— деди у чўзиб; анча жимликдан кейин ўз-ўзига гапиргандек, битта-битта гапирди:—«Биз янги фабрика қуручи бинокорларгина эмасмиз, биз янги турмуш қуручи халқнинг етакчиларимиз». Бир куни мажлисда шундай деган эдингиз, шу гапингизнинг мағзини энди чақаяпман. Уйла-аб турсам, Ефим Данилович, сиз нуқул, бир кун эмас бир кун бориб албатта эсланадиган гапларни гапирасиз. Гапирганингизда анчайин гапга ўхшайдию, лекин бир кун келиб эсга тушади-да, шундай асар қиладики! Ефим Данилович, ростимни айтай, ба'зан ўйлаб қоламан, бордию умрим сиздай одам блан боғланиб қолмаганида, мен нима деган одам бўлардим?

— Гап менда эмас,— деди Ефим Данилович қўлини енгил силтаб,— одам бўлганлигини бахтингдан кўр. Бахтинг шуки, меҳнаткашсан, ҳаётга қадам қўйишинг меҳнат шарафли ишга айланган бир даврга тўғри келди. Лекин мен катта ёшдаги бир ўртоғинг сифатида маслаҳат бераяпман: халқдан ажраб қолсанг, кейин ўзингдан кўр...

Эргаш аввал унинг кўзига тикилди, кейин бошини секин қуйи солиб, паст овоз блан деди:

— Раҳмат Ефим тоға...

Ефим Данилович унинг қилдай қаттиқ қора сочидан ушлаб, ҳазиллашиб силкиб қўйди.

— Тоға деганинг эсимдан чиқмайди. Уша вақтларни

хотирлаганимда бутун умр йўлинг эсимга тушади, ҳозирги мана шу йигит қиёфанг кўз олдимга келади. Шундай пайтларда сени гўё бошимдан оёғингача кўзимдан кечираман-да, яхши кўринганинг сари яна ҳам яхши бўлишингни истайман, унинг ундай, бунинг бундай деб, маслаҳат бергим келади.

Эргаш бир нарсани эслагандай унга кўзи блан жилмайиб қараб турди:

— Отам марҳум шунақа эдилар,— деди у ўйланиб,— ишга кетаётганимда (у вақтда даволзанга шогирд тушган эдим) олдиларига чақириб олиб, бошимдан оёғингача кузатиб чиқар эдилар, кейин дўконхонада савағич чангидан оқариб кетган соқолларини силаб, албатта бирор танбиҳ берар эдилар: «Белбоғингни сиқиброқ боғла!». Белбоғимни тузатганимдан кейин менга ҳавас блан яна бир тикилардилар-да, насиҳат қилардилар: «Бирортаси «Султонбўзчининг ўғли» деб пастига урмоқчи бўлса, ерга қарама, қайтага ғурур блан кўксингни кўтар!»

— Шунақа...— деди Ефим Данилович иягини силаб,— кексайганда одам насиҳатгўйроқ бўлиб қолади.

— Ефим Данилович...— деди Эргаш ўпкали товуш блан.

Ефим Данилович бунга э’тибор бермай давом этди:

— Мана бугун яна бир панд бериб, насиҳат қилмоқчи бўлиб келган эдим, тузук — иш ўнгланиб кетганга ўхшайди.— У атрофига қараб уйни яна кўздан кечирди.— Ҳожиянинг қўлини кўриб турибман. Жуда хурсанд бўлдим — ярашиб кетибсизлар. Аразлашганларингизни эшитиб, эзма чолдай тоза уришмоқчи бўлган эдим.

Эргаш ўзининг қизариб кетаётганини сизди. У Ҳожия блан ҳали ярашмаган эди, уйни безатган Ҳожия эмас, бу ерга кунда эрталаб келиб кетадиган Башорат эди. Ҳожиянинг келмаганига тўрт кун бўлди. Агар келиб қолса, Эргаш: «сенда ғурур бўлса, менда ҳам бор» дегандай тесқари қараб туриб олишга қарор бериб қўйган эди. Лекин ҳозир буни Ефим Даниловичга айтмади, айтаолмади. Ефим Данилович давом этди:

— Менга қара, Эргаш. Ҳожия блан сенинг муҳаббатингдай муҳаббат ҳали бўлган эмас. Бу халқнинг орзуси бўлиб эртақлардагина куйланар эди. Бу соф, икки тарафлама тенг, ифбатли, очиқ, мағрур, озод муҳаббат. Сизлар уни қадрлашларингиз керак. Биз куни кеча Софья Борисовна блан ярим кечагача шу ҳақда гаплаш-

дик. Яшириб нима қиламан, сизларнинг муҳаббатингиз ҳақида гаплашиб, чол-кампир бир-биримизни ёшлигимиздагидан ҳам кўра қаттиғроқ яхши кўриб қолдик. Сизларни халқ кузатиб турипти. Ҳавас блан кузатиб турипти. Сизлар халқнинг муҳаббат ҳақида куйлаган эртақларидаги орзулари ҳақиқатга айланганлигини кўрсатадиган одамларсиз. Муҳаббатларингизни бир-бирларингиздан ҳам, ўртоқларингиздан ҳам яширманглар, озод муҳаббатларингиз блан очик фахрланинглар, унинг юксак инсоний фазилат эканини кўрсатинглар, доғ тегизманглар, майда-чуйда араз, гина блан бачканалаштирманглар, ардоқланглар... Шундай қилишга арзийдиган муҳаббатларингиз борлигини билиб гапираятман.

Ефим Данилович охирги сўзини айтarkan, негадир шошиб қўл узатди, Эргашга жавоб сўз ҳам айтдирмади, «айтадиган гапингни биламан» дегандай, қўлини қисиб силтади-да, эшикка йўналди. Эргаш шошиб оёғини этикка суқмоқчи бўлган эди, Ефим Данилович эшик ёнида тўхтаб, бармоғини тикка қилди:

— Доктор блан гаплашдим. Соғлиги яхши деяпти, лекин... бир ҳафта! Эшитдингми? Бир ҳафта! Уйдан чиққанингни кўрсам хафа қиламан.

Ефим Данилович чиқиб кетди, Эргаш эшик ёпилгандан кейин қичирди:

— Хайр, Ефим Данилович, раҳмат...

Эргаш беихтиёр ётди. Қўллари беихтиёр ҳаракат блан кўрпани устига тортди. Шифтга тикилиб ётаркан, чуқур жимликда юрагининг гуп-гуп тегишини эшитди, ўзини худди боғлаб ташлангандай ҳис этди. Тани тобора қизиби, устида тошдай оғир туюлган кўрпани отиб ташлагиси келар, ўзини зўрға босиб ётар эди.

Бу одам нима бландир вужудига олов ёқиб, енгилмас бир ғайрат кўзғатди-да, яна устига гўё тош бостириб кетди: ёт, ён, лекин қимирлама!

Йўқ! Бу оғир кўрпани ҳам, бу оғир жимликни ҳам улоқтириб ташлаб, сакраб кўчага чиқиш керак. Кўрпани очиб, соф ҳавога, ёрқин қуёшга қулоч кериб, кўчага, ҳаётга, одамлар олдига етиб бориш керак. Қурилишга етиб бориш керак. Мамажон акага, инженер Добротворцевга, Онахонга... яна аллакимларга қўл бериш, уларнинг қўлларини сиқиш керак. Ҳожияни дарров излаб топиш керак. Ҳожия! Юзларинг мунча ёниб туришти? Мактаб

ҳовлисида қий-чув. Қимнинг овози? Турсуной ашула айтаяпти! Битаётган корпус тепасида фуражкасининг соябони блан юзини қуёшдан тўсиб ишлаётган ким? Монтажчилар бригадасининг бошлиғи — москвали Пармузин! Салом, мастер! Чиқиш керак! Бориш керак! Фабрика атрофида кеча хаёлидан ўтган, турар-жой корпуслари тушадиган, фонтанлар, асфальт йўллар, хиёбонлар тушадиган жойлардан ўз оёғи блан юриб ўтиши керак, тезроқ кўриши керак! Рўпарадан шошиб ким келаяпти? Қизил дуррали Онахон тўқучи хотинларни бошлаб келаяпти. Салом, ўртоқлар! Рузвон холами? Ойим соғ-саломат, Москвадан мастер бўлиб келаяпти. Улар йигирма киши! Салом, ўртоқлар! Салом қуручи, тўқучилар! Раҳмат сизларга! Қани начальник? Қани Эргаш...

Бу янгроқ, гуркираб турган ҳаёт ичида, шод, ишчан, шошган одамлар ичида Эргашни кимдир чақиргандай бўлди. Эргаш терлаб кетган эди. У чидаб ётолмади, кўрпани беихтиёр кўтариб ташлади. Гавдасини кўтариб, тинч хонага қараса, қулоғига чиндан ҳам товуш эшитилди. Эшик тақилламоқда эди...

Қулоқ солди. Эшик яна қаттиқроқ тақиллади. Эргаш бирдан ҳушига келгандай, эслади: Ҳожия! Ҳа, ҳа, ўша. Бошқа одам бўлиши мумкин эмас. Нега? Бошқа бўлсачи? Эргаш илгари уни эшик тақиллатишидан танирмиди? Йўқ. Лекин барибир, ҳозир Ҳожиядан бошқа киши келиши мумкин эмас. Эргаш негадир буни бутун вужудчи блан сезиб турипти.

Эргаш бунга шу қадар ишондики, эшикнинг эндиги тақиллаши Ҳожиянинг ўз овози бўлиб эшитилди.

— Ҳозир, бир минут! — деди Эргаш ва шошиб-пишиб этигини кийди. Чопонини елкасига елвагай ташлаб, тоқчада тикка турган кўзгуга биринчи марта қаради, қарадию кўзгуда ўзини кўрмади ҳам, беихтиёр: «Киринг» деб юборди.

Чиндан Ҳожия эди. У Москвада русча қилиб тиктирган атлас кўйлагини кийиб, бошига ҳаворанг дурра ўраган, ярим баланд пошналар туфли унинг дуркун гавдасини яна ҳам расо қилиб кўрсатар эди. Эргаш уни қарши олди, улар уйнинг ўртасида бир-бирларига жуда яқин келиб рўбарў тўхтадилар. Ҳожия иккала қўлини узатди, Эргаш унинг қўлларини иккала қўлига олди. Ҳожия, Эргашнинг назарида, шу уч-тўрт кун ичида шундай ўзгариб кетган эдики, унинг қизалоқ вақтларигина эмас,

ҳатто Москвадан келган кунлари ҳам Эргашга гўё тушдай эсланди. Эргаш ҳозир унинг олдида йигитлик ғурурини йўқотди. «Мен ҳам ғуруримни кўрсатай» деган аҳд эсига тушиб ўз виждони олдида ўзи уялди, Ҳожиянинг тикка қараб турган оловли кўзларидан кўзини олиб, бошини пастга эгди. Ҳожия унга ҳамон яқинроқ келар, унинг иссиқ нафаси Эргашнинг юзига уриб тургандай эди. Яқиндаги аразлашув ҳақида эслаш қизнинг хаёлида ҳам йўқ, у, юзи ёниб, Эргашдан гап кутарди.

— Келинг, Ҳожияхон...

— Нега ўрнингиздан турдингиз, Эргаш ака?

Ҳожия баланд кўксини Эргашнинг кўкрагига тегишиб, кўзлари блан унинг пастга қараган кўзларини излар эди. Эргаш саволга жавоб бермади. Ҳожия унинг юзига юзини тегизди.

— Сиз келганда ўрнимдан туриш эмас...

Эргаш турган ерида тиз чўкди. Пешонасини қизнинг қўлининг сиртига босди. Ҳожия бир қўли блан унинг бошини силадию, дарров эсига келиб: «Вой!» деб юборди. Кейин жарангли овоз блан қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, Эргашнинг қўлини қўйиб юбормай ёнгиналарида ёзиғлиқ турган кўрпачага чўккалади, кула-кула Эргашни ўтқазди, ўзи ҳам оёқларини йиғиб, унинг елкасига елкасини тегизиб ярим қайрилиб ўтирди. Шундагина Эргашнинг жиддий юзини кўриб, унинг тиз чўкиши ҳазил эмас, самимий ҳурмат блан узр сўраш эканини англади. Кулгидан тўхтади.

— Эргаш ака...

— Ҳожия, мен сизни жуда... жуда яхши кўраман.

Буни иккаласи ҳам аллақачон билар эдилар. Лекин бу сўзлар айтилмаган эди. Ҳожия бирдан сесканиб кетди. Улар тикилишдилар. Қиз бармоқлари блан секин унинг сочини тузатди.

— Мен буни эмас, соғлигингизни сўрамоқчи эдим...

— Мен соғман, Ҳожия, ўқдайман!

— Ундай бўлса, мен сизга бир нарса айтгани келдим.

Эргаш, ўша куни орамизда бўлиб ўтган гапни эслайди, деб ўйлади, узр сўраса жондиди блан афв этишга тайёр турди.

— Гапиринг, Ҳожия.

— Ҳали УПКнинг ҳовлисида мени Ҳолнисо опам ёнига чақириб олди. Бахтингдан ўргилай синглим, деди, Эргашгинанг... ҳа, шунақа деди, Эргашгинанг, деди, худди

ўртамиздаги ҳамма гапни очиқ билгандай, ғаразсиз, соф қувонч блан айтдики, мен сра уялмадим,— соғ-саломат бўлиб кетдим, деди.

«Ҳамма билади!» деди Эргаш ичида қувониб. У ўқув-ишлабчиқариш комбинатининг қуёшли ҳовлисини кўз олдига келтирди. Кўҳликкина, истараси иссиқ меҳрибон, ёш жувон Холнисонинг Ҳожияга «синглим» деган чоғи назарида гавдаланди. Эргаш уни биринчи марта судда кўрган эди.

— Соғайиб қолдилар, дедим,— гапида давом этди Ҳожия.— Кейин у мени ёнига ўтқазди. Синглим, сен менга қимматли ҳунар ўргатдинг, деди, уни мен учун Москвадан олиб келдинг, мен учун жон чекиб, куюниб ишладинг, деди, мен ҳечнарасада йўқ, ожиз нодон бир чўри эдим, мана ўзлигимни танидим, хат-саводим чиқди, машинада газлама тўқийдиган ҳунарманд ишчи бўлдим, кўпчилик ичига саноғда борман, кўпчиликка наф'им тегади, бунинг эвазига, синглим, мен сенга ҳечнараса беролмайман, бир яхши оналик насиҳатим бор холос, қулоқ солсанг...

Кейин Ҳожия Эргашга Холнисонинг ҳикоясини айтиб берди. У, бу меҳрибон, ақлли жувоннинг гул ёшлиги қандай сўлганлиги, инсонлик қадри, қизлик муҳаббати ҳақорат қилинганлиги, айни бир вақтда ҳам чўри, ҳам хотин, ҳам кундош бўлган бу шўрлик ёшликнинг сотилиб поймол этилганлиги ҳақидаги ҳикояни дам кўзига ёш олиб, дам ўк-сик ғазаб блан гапириб берди. Эргаш бу ҳикояни Матқовул дўкондорнинг судида эшитган бўлса ҳам, Ҳожиянинг гапини бўлмай, қулоқ солди. Ҳожия тилида бу фожиа унга яна ҳам кучли та'сир блан, янгича ма'но блан эшитилди. Ҳожия дам-бадам ёшини артиб сўзлар экан, Эргаш уни қандайдир даҳшатдан ҳимоя қилгиси келгандай, елкасидан ушлаб бағрига тортар, унга тикилиб қарашлари «Қимматлигим, олтиним, яшнаган гулим, биз бахтлимиз!» дегандай эди.

— Холнисо опам шу ҳикояларини айтиб бўлиб, насиҳат қилдилар...— деди Ҳожия ва бирдан ўзгариб кетди, йиғламсираган кўзлари блан бахтиёр жилмайди-да, пастга қаради. Эргашнинг кўрпага таянган, сал ориқлаб қолган, қўпол қўлини кафти блан силаб туриб гапирди:— Насиҳатлари шу эканки... Эргашгинангни севган бўлсанг... қаттиқ сев, дедилар. Бахтларингдан ўргилай, муҳаббатларингизни кўз-кўз қилсанглар арзийди, жамики олам кўрсин бахтларингни, бу бахтнинг қадрини ўдан

биладиган мен сингарилар сизларга ҳавас блан қараб сизларда ўз бахтини, ўз ёшлигини кўрсин, дедилар. Шундай гапирдиларки, мен сизга сра-сра айтиб беролмайман. Ўша ерданоқ югуриб олдингизга келдим...

Уларнинг бахтли, ўтли кўзлари учрашди. Узоқ тикилишиб жим турдилар.

— Ҳалиги гапингизни унутмайсизми?— пичирлади Ҳожия.— Яна бир айтинг...

Эргаш, жавоб ўрнига, катта қўллари блан қизнинг чиройли тўзиб турган сочи аралаш икки юзини ушлади-да, лабига лабини босди.

Кейин Эргаш унинг бошини кафтлари орасидан чиқармай, чўғдек ловуллаб турган юзига тикилди. Ҳожиянинг кўзлари юмуқ, узун киприклари қайрилиб, юзига соя солиб турарди.

— Ҳожия, икки кундан бери нималар ўйлаб ётганимни билмайсиз.

— Сиз нималар ўйлаганингизни менга сра айтмайсиз,— деди Ҳожия кўзини очмасдан, ўпкалаган товуш блан.

— Утган куни ойимдан хат келди.

Ҳожия, худди Рузвон холанинг ўзи кириб келгандай, чўчиб кўзини очди-да, апил-тапил сочларини тузатди.

— Рузвон хола... Ҳозир бўлсалар, олдиларида сизни... кучоқлаб-кучоқлаб олардим...— дедию, ўзи уялиб кетди.— Москвадалигимда сизни эсга олсам бирам қувонар эдиларки... Мен соғиниб қолдим Рузвон холамни. «Қизим» деганларида «лаббай, ойи!» дегим келарди.

— Энди келганларида «ойи» дейверинг.

Ҳожия бошини кўтармай, Эргашнинг елкасига кафти блан уриб ўйнади. Кейин гапни бурмоқчи бўлиб сўради:

— Нимани ўйловдингиз, яна айтмадингиз-а?

— Ҳозир айтаман. Ойим Москвадаги, фабрика шаҳарчасидаги кўп қаватли янги уйларни кириб тамоша қилиптилар.

— Битиптими ўша уйлар?

— Кўрганмидингиз? Ана, мени ўйлаганингизни айтмайсиз деб аччиғланасизу, ўзингиз... Москва ҳақида гапириб берганингиз йўқ. Мен кўрган эмасман.

— Биласизми, Эргаш ака, Москва ҳақида гапириб бериш... жуда қийин,— деди Ҳожия.— Москва, бу — кўп қаватли ҳашаматли уйларгина эмас, Москва — шаҳаргина эмас, биласизми, Москва... нима дейишимни билмайман, Москва, бу — одамларнинг энг яхши орзу-хаёллари...

— Одамларнинг энг яхши орзу-хаёллари!— такрорлади Эргаш. Ҳожиянинг сочини силади.— Жуда тўғри, Ҳожия. Сиз яхши айтдингиз... Бу жуда тўғри. Биз энг яхши орзу-хаёлларимизни Москвадан топамиз. Мен оймнинг хатидан кейин Найманчамизнинг келажигини, сиз блан икковимизнинг эртанги бахтли турмушимизни ўйладим. Найманчанинг бутун паст-баланди кўз ўнгимда. Бу жойда тўқучи ишчиларнинг чиройли шаҳарчаси пайдо бўлиши керак. Катта, обод сердарахт кўчаларда баланд ҳашаматли бинолар... Улардан бирида, ё иккинчи, ё тўртинчи қаватда деразасидан осмон кириб келгудай катта, кенг, ёруғ бир уй... бизники. Бизнинг уйимиз... ундан кунни блан қуёш аримайди, сирланган полларида шу'ла ўйнайди..:

— Нима, ким ўйнайди? — деб сўради Ҳожия ялт этиб қараб.

— Қуёш шу'ласи, ҳам... болалар.

— Қўйинг... Рузвон холамнинг гапини гапирасиз-а. Мана мен айтайми? Мен худди шунақа уйда бўлганман. Деразасидан-чи, деразасидан — фабрика, оппоқ мактаб биноти, кўмкўк лентадай асфальт кўча кўринади... Нарироқда, фонтанли скверда, гулзор йўлкаларидан оналар резинка филдиракли жажжигина аравачаларда оқ чойшапга ўралган лўппи юзли болаларини олиб юрадилар. Шунақа. Мен кўрганман. Рузвон холам ишдан кейин гулзорга чиқиб ўшанақа аравачаларни кампир хотинлардан сўраб олиб, филдиратиб юрар эдилар... «Худо хоҳласа неварагинамни мен ҳам шундай олиб юраман» деб... мени уялтирар эдилар...

— Гапиринг, Ҳожия, Москва ҳақида гапириш қийин дейсиз, ана гапирар экансиз-ку.

— Вой, Москва ҳақидамиди бу?

— Орзуларимиз ҳақида. Ўзингиз айтмадингизми, Москва бу — энг яхши орзу-хаёлларимиз деб.,

— Мен ҳали Москвада туғилган орзумни ҳечкимга айтганим йўқ.

— Менга айтасизми?

— Сизгагина айтаман. Йўқ, Софья опамга айтган эканман. Онахон опамга ҳам, Ефим Даниловичга ҳам айтаман.

— Айтинг.

— Мен Москвага ўқишга бораман. Рузвон холамларни кутиб олгандан кейин. Фабрика ишга тушгандан кейин.

Эргаш ўйланиб қолди.

— ...Тўйдан ҳам кейин, Ҳожия.

— ...

— Ҳўпми, Ҳожия? Мен сизни соғиниб кутаман. Мен буерда шаҳарча қураман. Мен бинокор бўлганимдан шу қадар хурсандманки!.. Мактаб қураман, кўп қаватли уйлар, асфальт кўчалар, гулзорлар... Аравачани ўзингиз олиб келасиз.

Улар кулиб юборишди. Ҳожия севгилисининг кўкрагига бошини қўйиб, завқ қилиб кулди. Уринларидан туриб қўл ушлашдилар. Эргаш ўйчан, жиддий бир ҳолатда, салмоқлаб, дона-дона қилиб гапирди.

— Иш кўп. Лекин ҳаммасини қиламиз.

Гўё шу ишларнинг ҳаммасини ҳозир, шу нафасдан бошлаб қилиш керакдай, ижкови ҳам ишчан қиёфага кирди. Ҳожия Эргашнинг ётадиган кроватини тузатди. Эргаш гимнастёркаси устидан солдат камарини боғлаб, пахталигини кийди.

Эргашнинг касаллиги, доктор белгилаб кетган постель режими ҳечқайсисининг эсига ҳам келмади. Улар кўчага чиққандан кейин ажралишдилар. Ҳожиянинг ўқув комбинатидаги танаффуси тутаган эди, у ўшаёққа шошди. Эргаш эса катта-катта қадам ташлаб қурилиш томонга жўнади.

Ҳаво совуқ; ер қотган, аллақандай, пастдан-юқорига, юқоридан-пастга урадиган ўйноқи шамол майда қор учқунларини қувлаб юрарди. Уйда узоқ ётиб, бу йил совуқ қорли ҳавога биринчи чиққаниданми, Эргаш ўткир қор совуғини бутун вужуди блан сизди — пахталигининг ёқа тугмасини ҳам солиб олди. Эргашнинг аллақачондан бери хаёлида гавдаланиб юрган фабрика корпуси узоқдан кўринди. Бошлиқ қурилиш майдонидаги ўзгаришларни дарров сизди, лекин тезда ҳисобини ололмади — шошиб қолди. Битмаган корпус тепасида узун алвон кўринди, уни шамол ҳилпиратар, шиорни ўқишнинг иложи йўқ эди. Эргаш бошқа ҳамма нарсани қўйиб, шиорни ўқишга зўр бериб, ўшанга тикилганича олдинга юрди. Ниҳоят у каттароқ қилиб ёзилган «8» рақамини таниди, кейин «Март» сўзини ҳам ўқигач, шиорнинг мазмунини тахминлаб билди. Эргаш касал бўлмасдан аввалоқ фабрикани 8 Март куни ишга тушириш ҳақида гап бор эди, энди бу — қуручиларнинг реал шиорига айланипти!

Брезент блан қопланган машиналар, станоклар ёнига етиши блан Эргашни одамлар ўраб олди. Ҳамма бирдан

шовқин солиб саломатлик сўради. «Ишга чиқдингизми энди?» деган саволларга Эргаш беихтиёр «ҳа» деб юборди. Қор учқунлаб турганига қарамай фуражканини, қўлқопларини белбоғига қистириб олган Пармузин шовқинсурон орасида, чаққонлик блан келиб кўришди.

— Монтаж, монтаж, ўртоқ Султонов, ҳозир бошқа ҳечнарсаса қарамайсиз! Яхши чиқиб қолибсиз, бўлмаса ўртоқ Добротворцев, ҳали монтажни кун тартибига қўйгани йўқ...

Кимнинг гапига қулоқ солишни билмай, дилдираб кетаётган Эргаш мастернинг гапини ўйлаб кўриш учун тўхтамоқчи эди, узоқдан Ефим Даниловични кўриб қолди.

— Мен ҳали бюллетеньдаман, мастер,— деди у ўзи ҳам кутмаган ҳолда. Лекин ростини айтолганидан ўзи яйраб кетди — Ефим Данилович олдида гўё виждони пок бўлди. Энди унинг ёнига бемалол борса бўлади. У Ефим Данилович блан «кун тартиби» ҳақида бироз гаплашиб, қурилишда уёқ-буёқни кўриб, бирор соатдан кейин уйга, «доктор буйруғини ўтагани» қайтиб кетишга қарор қилди.

Лекин Ефим Данилович қаёққадир йўқолиб кетди. Эргаш қурилишни айланиб юриб, янги бир тўпга дуч келди. Пармузин яна буерда ҳам пайдо бўлди, булар ҳаммаси монтажчилар эди. Улар бошлиқни корпуснинг ичкарасига бошлаб кирдилар. Пармузин уларни шовқин солмай навбат блан гапиришга ундар эди. Эргаш қараса, чинакам мажлиснинг ичидан чиқиб қолипти. Ҳадемай буерга инженер Добротворцев ҳам, Ефим Данилович ҳам етиб келди. Эргашнинг касаллиги ҳақида гап қаёқда дейсиз, буни ҳатто Ефим Даниловичнинг ўзи ҳам эсга олмади.

Кеч кириб, қоронғи тушабошлади.

Эргаш ҳамон қурилишда эди.

Ўттиз тўққизинчи боб

Шаҳар партия комитети хотин-қизлар бўлими мудирининг кабинети иккў деразаси дарахтзор ҳовлига қараган човроққина, шинам бир хона эди. Эшикдан ёзув столигача тўшалган гиламнусха қизил поёндозга эрталабхи қуёш нури тушиб турипти. Китоб этажеркасининг бурчагига қора бахмал пахталик блан тивит рўмол илинган.

Онаҳон ялтироқ полдан кичкина қоғоз парчасини эги-

либ олиб корзинкага ташлади-да, икки дераза орасида, Крупская портрети тагидаги креслосига келиб ўтирди. Ҳали шаҳар партия комитетида ҳам, шаҳар ижроия комитетида ҳам иш куни авж олганича йўқ, коридорлар жимжит, қўшни кабинетларда ҳам уборшица челагининг тақирлаганидан бошқа товуш эшитилмасди.

Онахон столга кўксини бериброқ ўтирдию, шу жимжитликдан бир сир тинглагандай, шула ўйнаб турган поёндознинг аллақайси бир нуқтасига қош остидан тикилиб, жим қолди. Унинг кенг манглайи биров чимирилган, узунчоққина оқиш юзида сабрсиз ва ҳаяжонли бир ўй кезарди. Тикилган сари кўз оқи зўрайиб, қорачиғи оловдай тезлашар, қарашлари ўткирлашаборар, у ичида қандайдир бир ёвуз блан олишаётгандек, ўрнидан қалқиб-қалқиб қўярди. Икки тирсагини кенг ёзиб, столнинг четини бармоқлари ботиб кетгудек маҳкам ушлади. Ўрнидан туриб кетишига сал қолганда, бирдан эсига келгандай, столдан орқага тисарилиброқ ўтирди, кўзини бир нуқтадан олмаган ҳолда, столда ётган янги газетага кафтини қўйди-да, шу тарзда газетани яқинроқ тортди ва сал титраган панжалари блан секин, жуда секин ва беихтиёр ёжимлади.

Онахон шу бугун эрталаб ишга отланаркан, қизи Башорат югуриб кириб келди, унинг эрталабки совуқдан ва ҳовлиққанидан қипқизил бўлиб пишиққан лўппи юзида тоқатсизлик билиниб турарди.

— Ойи, мана бугун нимани ўқиймиз!— деди ва қўлида ёзиқ газетани онасига тутди.

Онахоннинг газета саҳифасида қизил қалам блан белги қўйилган сарлавҳага дарров кўзи тушди. Ефим Данилович, комсомол-агитатор Башоратга ҳар куни эрталаб янги газетадан қурилишдаги ишчиларга нималарни ўқиб бериш кераклигини белгилаб берарди.

Мана ўша газета ҳозир Онахоннинг иш столи устида ёжимланиб ётипти. Онахон уни беихтиёр ёжимлаб қўйганини сезиб, кафти блан яна секин текислади. Кўзи ўша сарлавҳага яна тушди: «Ватанфуруш хоинлар қора курсида!» Хабарда четэл жосуслари бошчилигида қўпорчилик иши олиб борган катта бир қора гуруҳнинг фош қилинганлиги ва яқинда халқ суди олдида жавоб беражаги айтилган, халқ душманларининг жирканч қонхўрлик жиноятлари, номлари, яширин лақаблари санаб ўтилган, номларининг қаршисига — жосус, савдогар, миллатчи,

чайқовчи, жадид, руҳоний, босмачи, шахси нотайин, деган сўзлар ёзилган эди.

Онахон бир вақтлар ўз кўзи блан кўрган, гаплашган одамларининг номларига бир-бир тикилиб қаради: «Эдгар Гладстон (Афғончойфуруш)... Салимхўжа Наимхўжа эшон ўғли (Наимий)... Махсум Поччажонов (Қилтириқмасхум)... Абдимажидхожи Абдиқаюмхожи ўғли... яна аллақандай шахси нотайин қаландарлар, девоналар, муридлар...

Онахон бу одамларнинг башараларини кўз олдига келтириб, титраб ўрнидан турди. Ғазабдан оловланган кўзлари тўғрига, бир нуқтага тикилган эди. У ўзининг бу судга гувоҳ сифатида чақирилишини, жамоат қораловчиларидан бири бўлишини биларди. Бу қораюраклар туфайли кўрган бутун кулфатларини, нафратини, дўстларининг, халқнинг ғазабини тўла ифодалайдиган ўтли сўзлар қидирав, лекин юрагидан тошиб келган ғазаб тўлқини ва ҳаяжон фикрини бир жойга тўплаб олишига халақит берар эди. У ҳозир ўзини халқ тўла суд залида, минбарда ҳис қилди, одамларнинг хоинларга ўлим талаб қилиб тикилган кўзларини кўрди. Нима деб бошлаш керак...

Онахоннинг кўз ўнгида Жўраҳон гавдаланди. Жўраҳон!.. У бўлганда оташин сўзлари блан жирканч юракларни куйдириб юборарди. У бўлганда, халқнинг ғазабини бутун қудратли тўлқини блан қонхўр тўданинг устига ёғдирарди. У шундай гапирардики, Лондонда ҳам, Истамбулда ҳам, ҳечқаерда, ҳечким озод шарқ қизларини, бахтли ўзбек меҳнаткашларини қул қилиш ҳақида хаёл суришга ҳам ботинолмаётди қоларди. Шундай гапириш керак! Онахон шундай гапиради. Жўраҳон унга кўмакка келади. Ахир уни минбардан гапиришга Жўраҳон ўргатган эмасми? Дугоналарининг озодлигини ҳечнарсая қўрқмай ҳимоя қилишга ўргатган Жўраҳон эмасми?

Онахон, унинг хотин-қизлар озодлигининг душмани текинхўр Матқовул устидан бўлган суд минбарига гапирган пайтини кўз олдига келтирди. Шунда ўзининг бўш кабинетда, стол ёнида туриб титраб кетаётганини пайқайди. Жўраҳон минбарда шошилмас, ҳовлиқмас, салмоқ блан, халқнинг бутун диққат-эътиборини ўзига тортиб, дона-дона қилиб, лекин юракка етиб борадиган оташин сўзлар топиб гапирар эди.

Онахон ҳам шундай қилиши керак. Балки Жўраҳондан ҳам яхшироқ гапириши керак. Унинг олдида жиддий-

роқ вазифа турйпти. У Жўраҳондан кўра кўпроқ, яхшироқ та'лим олди, Ефим Даниловичдай, Софьядай муаллимлари, кураш тўла янги ҳаёт, ақлли, сафдош дўстлари унга кўп нарсани ўргатди. Жўраҳон бажаролмай қолган ишлар ҳам унинг зиммасида. Халқ ўзининг маҳкум этилган аламзада душманга айтадиган қат'ий, ҳаққоний сўзини Онахонга топширади, Онахон халқ ҳукмини айтиши керак.

Онахон дўстларини, найманчали опа-сингилларини кўз олдига келтириб турганида, у тикилган эшик очилиб, Қумри кириб келди.

— Қираверинг, кираверинг, эгачи,— деди у орқасига қараб.

Унинг кетидан Анзираткамбир кйриб, хўл ковушини остонага ечди. Қумри оқ рўмолини бошининг орқасига суриб, оқ оралаган сочларини, совуқдан кўкимтир рангга кирган қора юзини силади, тишсиз, кемшик даҳанини тинмай қимирлатиб жовраб кириб келди.

— Ташқарироқда ечсангиз бўлмасиди, ўргилай ойсин, сизга ақл ўргатавериб ўзимга қолмади-я, қорни қаранг, эриб хўл қилади-ку. Эсон-омонмисан, Онахон синглим, омон-эсонмисан, ўргилай. . .

— Келинглр,— деди Онахон кўришаркан, кўпроқ Анзиратга э'тибор қилиб,— келар экансиз-ку. Найманчадан ҳам чиқар кунингиз бор экан-а, қандай шамол учирди?

— Мен бошлаб келдим, айланай Онахон, мен,— жовради Қумри тинмай,— ўзингиз айтмабмидингиз — қаерга чиқсанг олиб юр шу кампирни деб. Мана. . .

— Во-ой, эгачи, нега сиз бошлаб келар экансиз, ўзим йўл билмайманми, сизни менга боғлаб қўйиптими? Ўзим келдим, Онахон болам, ҳа, ўзим.

— Ҳа, боғлаб қўйган-да, эгачи, ана Онахондан. . .

Жилмайиб турган Онахон бир қараш блан Қумрини гапдан тўхтатди. Анзиратни қўлтиғидан олиб, етаклаб келди-да, диванга ўтқазди.

— Эсон-омон юрибсизми, Анзират хола?

— Шукур, болам, шукур. . .

Қумри пиқир этиб кулиб юборди:

— Вой эгачи, ҳали йўлда: «Шукуркамбир» деган лақабдан ҳам қутилдим, демабмидингиз?

— Ҳа, қутилганимга шукур дейман-да, айланай. . .

Уччаласи бирдан кабинетни янгрлатиб, ёш қизлардай хахолаб кулишди.

Онахон яйраб кулаётган Анзиратнинг совуқдан иссиқ уйга киргач яшнаб кетган нурли юзига муҳаббат блан тикилиб, яқинда унинг уйида бўлиб ўтган суҳбатни эс-лади.

Кечаси мазорда бўлган воқиядан кейин эртаси куни Онахон Анзираткампирдан хабар олгани унинг уйига борган эди. Кампир уй йиғиштираётган экан, Онахонни иссиқ қарши олиб, дўсти Рузвонни соғинганидан гап очди.

— Масковдан хотинлар келишар экан, стансага мени ҳам олиб бор, болам. Рузвон ўлмагурни бир ўзим кутиб слай, алламабало бўлиб кетгандир. . .

— Ҳа,— деди Онахон ҳаяллаб,— Рузвон хола жуда ўзгариб кетган дейишади. Семириб, яшариб, очилиб. . . Рузвон хола сиздан икки ёш катта-а?

— Ҳа, салкам икки ёш катта. Яшариб кетипти дегин-а? Вой Рузвон ўлмагур-эй.

— Сиз ўртоғингизни нима блан кутиб оласиз?

— Нима блан? Гулдаста блан. . . Ҳа, сен айтмоқчисан-ки, у чучунган, билимдон бўлиб. . . Ҳа мен ҳам ишчи син-фи бўлдим-ку, болам, машинада бўз тўқийдиган бўлиб олдим, иннайкейин. . .

— Рузвон холам очилган,— деди Онахон ерга қараб туриб, секин.— Сиз уни паранжида кутиб оласизми?

Кампир нима жавоб беришни билмай узоқ жим қолди. Кейин очигини гапирди.

— Очилиш ҳаркимнинг ўз майли дегансан-ку, болам Онахон, худога шукур, шундоқ ҳам кўп қатори. . . юрар эканман, ҳечқиси йўғ-э, қийналсам ўзим қийналаман, бир-ровга зиёним тегмайди, шукур. . .

— Фабрика ишчиси бўладиган сиздек одам паранжи ёпиниб юрса. . . зиёни тегади-да, хола,— деди Онахон юм-шоққина.— Сизга қараб ибрат олишади.

— Бировга қараб нима қилади. Ҳарким нима қилса ўзига қилади. Ихтиёри. Мана Назокат ҳам қайта ёпиниб олипти-ку, биров индармиди, ўз майли-да.

— Назокат?! Назокат ўз ихтиёри блан ёпинган эмас.

— А?

Шунда Онахон унга кечасидаги воқияни гапириб берди. Гап Кўкмачитнинг имоми ҳақида бўлганидан кампир аввал ишонинқирамади. Кўзларини пирпиратиб, алла-нималарни шивирлади. Броқ шу пайт эшик бирдан очилиб бошланг Назокат кириб келди. Унинг нафаси ичига ту-шиб кетган, гўё Онахондан бошқа ҳечкимни, ҳечнарсани

кўзи кўрмаётгандек эди. У югуриб келиб Онахонни қучоқлади, «тирикмисиз» дегандай уёқ-буёғини пайпаслаб кўрди-да, бирдан шилқ этиб оёғига йиқилди. Онахоннинг оёғини қучоқлаб, титроқ қўли блан унинг этакларини юзига сурабошлади.

— Мен эсипастни кечиринг... Кечирасизми, Онахон опа? Кечирасизми? Мен кўрқиб ақлимни йўқотиб қўйган эканман, сизни ташлаб кетдим... Онахон опа, кечирмасангиз ҳам майли, мен хурсандман, фалокатингиз ариганига хурсандман, майли мени қарғанг, ҳаммага айтинг... Шунақа қилди денг... Мен... мен... Сиз менга шунча яхшилик қилдингиз, сиз бўлмаганингизда нималар бўларди, ҳаммасига мен сабабчи бўлган бўлардим. Сиз мени қутқаздингиз... мен бўлсам, сизни ўлимга ташлаб кетдим. Майли бу ишим учун менга ҳамма ла'нат десин, сиз ҳам ла'нат денг... Мен... мен хурсандман, Онахон опа...

Онахон «Туринг, туринг!» деб қистаб тортқилашига қарамай Назокат тинмай ёлбораверди, йиғлаб оёғига ёпишди. Кейин Онахон уни кўтариб турғазди. Кўз ёшини артиб, юпатди:

— Назокат, сиз жуда катта иш қилдингиз. Сиз энг кўрқинчли жаллодлар уясини титиб ташлашга ёрдам бердингиз.

— Тўппонча товуши чиққанда ҳушимдан кетдим. Сизни отишди деб тугал ишонган эдим. Ҳушимга келиб чангал орасида ётганимни пайқаганимда ҳам турмадим, энди туриб нима қиламан, шуерда ўлақолсам деб...

Онахон жилмайди.

— Улимдан сра гапирманг. Биз енгаямиз, Назокат, биз енгамиз!

— Отиб тегизишолмадими?

— Тўппончани мең отган эдим,— деди Онахон э'тиборсизгина.

—Вой, опажон!..

Назокат уни яна қучоқлади. У бахтиёр ва хурсанд, лекин йиғисини сра тўхтатолмас эди. Ранг-рўйи оқариб, оғзини очиб ўтирганича деворга суяниб қолган Анзираткампирни кўрибгина жиддий бўлди.

— Ҳа, холажон?

— Шукур, болам, шукур...— деди кампир беихтиёр шивирлаб ва қўлларини узатди. Назокат уни қўлтиқлаб турғизиши блан, кампир Онахон ёнига келиб кўзларига

тикилди, елкасини ушлаб пайпаслади.— Шукур, болам, тан-жонинг...

— Кимга «шукур», хола?— деб юборди Назокат қаттиқ овоз блан.— Бизга «худо дегин» деб ўргатадиганларнинг ўзи кечаси худони ҳам пичоқлаб кетадиган аблаҳлар экан-ку!

— Э, худо деганингда бўғзингга кўндаланг келгурлар... Туф, туф тавба, аста'фирилло... Ҳали Жўраҳонни ўлдирганлар ҳам шулар экан денг, болам?

— Ҳа, шундай, Анзират хола. Булар худони пичоқ қилиб қайраб олишган,— деди Онахон.

— Шунақа аҳволга тушганини билмаган худодан кўра тўнгат фаросатлироқ экан, хола,— деди Назокат.— Ташланг паранжингизни-е, қарғаса ўша худо қарғайдими!

Ҳожияга ўхшаб келаётган Назокатнинг бу гаплари Онахонга ёқдию, лекин кампирга бирдан айил ботмадими деган андиша блан, кулмади. Анзират бошини эгиб қолган эди. Онахон уни ҳозир ўз ҳолига қўйиш керак деб билиб, кетишга шошилди. Кампир уларни паришон бир ҳолда кузатиб қолди.

... Мана бугун, энди Анзират бутунлай бошқача эди. Унда паришонлик йўқ, юзлари тиниқ, кўз қарашларидан фикрлари ҳам жуда равшандай. Шунинг учун Онахон, унда бутунлай бошқа одамни кўргандай, завқ блан узоқ тикилиб қолди.

— Эртага ўртоғингизни кутиб олар эканмиз-да, хола?— деди Онахон ва кейин синов назари блан қараб:— Паранжини ташлаб келибсизми?— деб сўради.

— Вой, болам, бўлмаса-чи, Рузвон ўлмагур келса ка-лака қилмайдими? Буердаги гапларни эшитиб, шунча воқиалар бўлиб ўтипти, сен қайси кавакда ётувдинг, деб қолса, нима дейман? Тили заҳар эмасми ўлмагурнинг. Яшарипти дединг, қани кўрамиз, шундоқ поезддан тушиб келганида ойдай бўлиб рўпарасидан чиқайки, қанақангги қиз экан десин.

Кулишди.

— Вой, қиз бўлмай қолинг,— деди Қумри,— қиз деган ҳам гапни шунақа чўзадими, нимага келувдик ўзи, қариб-чуриганингиздан эсингиз қолмапти-да.

— Ҳа, айтгандай, иш блан келганмидинглар?— деди Онахон ўрнидан туриб столига ўтаркан.

— Иш блан!— деди Қумри.

Кейин иккаласи ҳам Онахоннинг столи ёнидаги курси-

ларга ўтиб ўтиришди, юзларига бирдан жиддий тус кирди. Бир нафас жимлик чўкди. Қумри оқ аралаш сочларини асабийроқ бир ҳаракат блан қулоғининг орқасига сидирди-да, қўлини қўйнига тикди.

— Газетани ўқиб эшитдингларми?

— Эшитдик,— деди Анзират, ва Қумри узатган қоғозга туртиб кўрсатди:— Мана шунга ҳаммамиз қўл кўтардик!

Онахон тўрт букланган қоғозни очиб, тез-тез кўз югуртирди, кўзини қоғоздан олмай ўрнидан турди.

— Мажлис бўлдимми?

— Ҳа,— деди Қумри,— мажлисда айтилган гаплар ҳаммаси бу қоғозга сиққани йўқ, шунинг учун иккаламизни юборишди, бир хатлик одам топиб берсангиз, биз ҳаммасини айтиб турсагу, келиштириб ёзса.

— Ҳа, ўндан бири ҳам сиққани йўқ,— қувватлади Анзират,— мажлис фабриканинг рўпарасидаги майдонда бўлди, газетани эшитиб хотинлар ўринларидан туриб кетишди: «Ўлим! Қушандаларга ўлим! Жўрахоннинг қотилларига ўлим!» деб қичқиришди. Жўрахоннинг қабри шундоқ ёнгинамизда турипти дегин, кўзимга худди сағанасидан тутун, фарёд кўтарилаётгандай бўлди, болам. Хотинларнинг товушига фабрика биноси шундай янградик, қабр шундай қалқиб кетгандай кўринди кўзимга, ўрнидан қимирлади шекилли бечора...— Кампир кўзидаги ёшни рўмолининг учи блан артди.

— «Биз найманчали хотин-қизлар,— деб ўқиди Онахон,— оздлгимизнинг душманлари, ватанфуруш хоинларнинг жирканч кирдикорларини билиб, қаттиқ ғазабга келдик. Улар бизнинг бахтли, озод меҳнат йўлига чиқшимизни кўролмадилар, фабрика қуришимизга тўсқинлик қилдилар, энг яхши етакчиларимизни зимдан ўлдириш йўлига кирдилар, бўйнимизга яна қуллик кишанини солмоқчи бўлдилар, иғво тарқатдилар, Онахоннинг жонига қасд қилдилар, севикли Жўрахонимизни ваҳшийларча пичоқлаб кетдилар. Биз шўро ҳукуматининг одил судидан бу қотилларга ўлим жазоси беришни талаб қиламиз!..»

— Талаб қиламиз!— деди Анзират йиғи аралаш нафратли товуш блан. Кейин унинг ёши артилган кўзи тиниқлашиб чарақлаб кетди.— Бу оз! Ҳожияхон бу қоғозга ҳаммасини ёзолган эмас, бизга бир ўткир мухбир топиб беринг, Онахон болам, газетага чиқадиган бўлса, айтадиган сўзимиз ичимизда қолмасин.

— Ҳа,— деди Қумрӣ,— хотинлар бизни вакил қилиб юборишди, мажлисдаги ҳамма гапни айтиб беринглар, дейишди. Бу талабномага кўп гап кирмаган. Ҳожияхон ўз гапини сра ҳам битмапти бу қоғозга. У шундоқ олов бўлиб гапирдики, ўтирганларнинг юраги зирқираб кетди... Турсуюйгинангни гапирди, Ҳамза Ҳакимзода қўшиқларини куйлаб қуёшли истиқболга пешвоз чиққан бахтли қизчанинг ширин овозини ўғирладилар, тилдан қолдирдилар, булбулнинг тилини қирқдилар, деди.

— Софьяхон-чи! Софьяхоннинг гапини газетага чиқармаса бўларканми!— деди Анзират.— Хотинларнинг нафаси ичига тушиб кетди: анави Қудратиллахўжанинг чўтир итваччаси, ўлиб кетди хароми, жойи дўзахда бўлсин, Башоратингизни орқаваратдан қиморга тиккан экан-да, лаҳадда чиригур! Ерга кўмилиб, тупроққа иснод бўлипти, мурдасини дайди итларга ташлаш керак эди...

Онахон столдаги қоғозга тикилиб ўтириб, ўзининг яқин бир йил ичида кўрганларини кўз ўнгидан ўтказди, кампирларнинг гапларидан вужуди титраб кетди. У ўрнидан қимирлаганида важоҳати шундай эдики, хотинлар, ортиқча гапириб қўйдикми, деб чўчиб кетишди. Лекин Онахон босиқ эди, у қўлини телефон трубкасига узатди.

— 63! Редакциями? Уртоқ Қаюмов керак эди... ўртоқ Қаюмов, саҳифангизга яна бир талабномани сигдириб юбораоласизми? Найманчали хотин-қизлар талаби. Янги фабрикамининг бўлғуси тўқучилари. А? Сарлавҳасими?— Онахон столда букланиб ётган катак қоғозни қўлига олди.— Сарлавҳаси: «Жўраҳоннинг қотилларига ўлим!». А? Бундай сарлавҳа бор? Ҳа, ҳа, хотин-қизлар клубида бўлган йиғилишни ки бўлса керак. Хўш? Заводдан? Йўқ, Найманчаникини босмасангиз бўлмайди. Клубниқининг сарлавҳасини бошқа қиламиз. Мен мажлисда бўлганман, ўзим ёрдам бераман. Ҳозир-чи, сизнинг олди-игизга найманчиларнинг вакиллари боради. Таҳрир қиладиган жойи бор, уларга ёрдам бериб юборинг. Хўп, кечроқ ўзингиз бир кирарсиз. Хайр,— Онахон Қумрига қаради.— Сизлар ҳозир, ҳов, почтахона муюшидаги газета идорасига боринглар, Қаюмов деган мухбир кутиб олади, хўпми?.. Иннайкейин, кечқурун ясаниброқ тайёр бўлиб туринглар, вокзалга чиқамиз. Москвадан тўқучи мастер хотинларимиз келади. Кутиб оламиз.

— Вой ўлай, Рузвон масковча ясаниб, жуда башанг бўлиб келса керак... Мен нима кийсам экан, болам?

— Очилганингиз — ясанганингиз, Анзират хола,— деди Онахон кулиб,— ойдек чарақлаб кўзини оласиз, кийингизга ҳам қарайолмай қолади.

— Вой Рузвон тушмагур-эй, жуда ҳам соғиниб кетдим-а, фабрикада ишласам, ўшанинг ёнгинасидаги машинага қўясан-да, Онахон, болам. Қудратиллахўжанинг дўконхонасида шунча йил ёнма-ён ишлаб Рузвон ўлмагурнинг шунчалик қадрини билмаган эканман.

— Рузвон хола блан бирга ишлайсизлар, у киши сизларга мастер бўлади,— деди Онахон кампирнинг рўмолини олиб бериб.

Хотинлар бетиним вайсаб, горком коридорида ҳам ўз уйларидагидай шовқинлаб гапиришдан тўхтамай, майда қадам блан тезлаб чиқиб кетдилар.

Хотинлар кетиши блан Онахонни шаҳар ижроия комитетининг раиси Мансуров чақирди.

Раис кабинетида улар мажлис столи ёнида қўл беришиб кўришдилар.

— Топган кандидатурангиз бўлмади,— деди Мансуров бирдан.

«Бўлмади»?

Онахон ҳайрон бўлиб, ўйлаб қолди. Бундан бирнеча кун аввал горкомда Онахонга аппаратда ишлаш учун актив қиз-жувонлардан бир кандидатура топишни таклиф қилишган эди. Онахон кўп ўйламай, дарров Ҳожияхоннинг номини айтди, бу ном ўшандаёқ секретарь столидаги календарь варағига тушди.

Мана энди эса бирдан: «Бўлмади!» Нима гап, тўғри келмадимми? Ешлик қилдимми? Унамадимми?

Онахон ҳозир ҳар нима гап бўлган бўлса ҳам, Ҳожияни ёқлашга, унинг горком аппаратида ишлаш учун муносиб кандидатура эканини исботлашга аҳд қилдию, аввал сўраб, аниқлаб олмоқчи бўлди:

— Кечирасиз, ўртоқ Мансуров, нима ишга эди ўзи? Мансуров бирдан, очиқ-ойдин жавоб берди:

— Сизнинг ўрнингизга.

«Қандай?», «Нега?», «Нима учун?»... Бу саволлар Онахоннинг бутун вужудидан тошиб келди, лекин у буни на кўз қарашидан, на гапидан билдиргиси келмади: гап ҳозир унинг ўзи ҳақида эмас, иш ҳақида эди.

— Ҳожияхон ёш бўлса ҳам...— деб гап бошлаган эди, Мансуров бўлди:

— Гап унда эмас. Унинг мўлжали бошқа экан —

Москвага ўқишга кетаман, деяпти. Биз унинг тилагини ма'қулладик. Ахир сизга инженер керак...

— Менга?

— Ҳа, сизга.

Мансуров Онахондан гап кутиб бўлса керак, бир нафас жим қолди, папирос тутатди, гугурт олиш учун столга энгашганида унинг қалин, тиниқ қора сочи таралиб тушди. Онахон ҳозир ўзи тушунмаган шунча гап турганда, унинг икки дона оқ соч толасига э'тибор қилганини сезиб, ўзига ҳайрон бўлди: «Нима бало, миям ишламай қолдими?»

— Сиз беҳабарга ўхшайсиз, тушунмай турибсиз шекилли, нега ўз ҳақингизда ҳечиярса сўрамайсиз?— деди Мансуров.

— Мен... гап менинг тўғримда эмас-ку... :

— Йўқ, гап сизнинг тўғрингизда. Сизни янги фабрикага директор қилиб тайинлаш фикримиз бор. Шунинг учун сизнинг ўрнингизни босадиган кандидатура тўғрисидаги гапдан бошладик. Сиз нима дейсиз? Аввал ўз тўғрингизда...

— Мен, ўртоқ Мансуров, агар партия лозим топса, янги фабрикага директор бўламан.

Мансуров унга қўл узатди.

— Шундай дейишингизга шубҳамиз бўлмагани учун, ўзингиз блан гаплашмасдан олдиноқ қат'ий фикрга келган эдик. Бунинг учун узр. Шарафли вазифангиз блан табриклайман, муваффақият тилайман!

Онахоннинг боши бироз айлангандай бўлди, янги фабриканинг кўркам қомати гир айланиб кўз олдига келди, жуда кўп, шод, бахтли хотин-қизларнинг, дугоналарининг, дўстларининг хушчақчақ овозлари гувиллаб эшитилди. Қулоғи тингандай бўлди. Мансуров қўлини қаттиқ сиқиб қўйиб юборгандан кейин, Онахон икки кафтини беихтиёр икки чаккасига босди, икки юзи чўғдай қизган эди. Раҳмат айтиш энди эсига келди.

— Раҳмат, ўртоқ Мансуров.

— Энди кандидатура ҳақида. Ҳожия кеча горком секретари блан суҳбатда бўлди. Олов, серғайрат, ақлли, ажойиб қиз! Уни бизга таништирганингиз яхши бўлди. Энди биз биламизки, яқин келажакда ўз инженерингиз тайин. Унинг интилишидан кўриниб турипти — албатта мақсадига эришади. «Москвада ишлаган фабрикамнинг бош инженерига ва'да бериб келганман, эрта баҳорда ке-

тамаи» дейди. Москвали инженер уни жойлаштириб, ўқишига ёрдам беришни ўз устига олипти, қаттиқ ишонтирипти. Билмадим.. у инженер..: ёш йигит бўлсами дейман? Қизнинг гапиришидан мен бир нарса пайқагандай бўлдим..

— Йўқ,— деди Онахон қат'ий қилиб,— ундай эмас. Мен яхши биламан.

У Эргаш блан Ҳожия ўртасидаги ўзининг ҳаваси келиб юрган катта муҳаббат тўғрисида гапириб бермоқчи эди, ўринсиз деб билди, айтган гапини яна ҳам қат'ийроқ қилиб такрорлаб қўяқолди:

— Ундай эмас, мен яхши биламан.

— Ундай бўлса тузук. Хўш, энди оизнинг ўрнингизни нима қиламиз?

— Ўйлаб кўриш учун менга муҳлат берсангиз.

— Жуда яхши! Жуда яхши.

Онахон чиқиб кетаётганида Мансуров тўхтатди:

— Кечирасиз, Онахон, кечқурун вокзалга чиқишимнинг иложи бўлмайди шекилли. Сиз чиқасиз-а? Жуда яхши. Бизнинг номимиздан ҳам ўзингиз. Яхшилаб кутиб олинглар. Кейинроқ мастерларимизни буерга чақириб алоҳида суҳбатлашармиз.

— Хўп, ўртоқ Мансуров.

Эпilog

..Қиш ойлари билинмай ўтиб кетди.

Кўчаларнинг кунгай томонида лой қуриб, ҳавасга юрадиган юмшоқ, қайроқдай йилтироқ сўқмоқ йўл тушди. Девор тағларида, пасқам жойлардагина қолган кичик-кичик қор парчаларининг ранги ўчиб, тагидан силқиган сув блан нураб тамом бўлмоқда. Анҳор ва ариқлар тўлиб лойқа сув келди, қирғоқлар, майдонлар, кўҳна деворлар тутагандай, эрталабдан бошлаб буғ кўтарилади. Яланғоч боғларга читтак келди, эрта баҳорда қорни қувиб етиб келган қушларнинг тумшугида хас, аллақайси дарах танасида қизилиштон эрталабдан заҳматли ишини бошлади: тақ-туқ, тақ-туқ..

Баҳор ёмғирининг ҳиди келиб турган илиқ ҳаво ҳамма нарсага жон киргизмоқда, новдаларга ҳаётбахш нам югуриб, оқиш куртаклар бўртабошлади, қуёш тапти ўтиб бўрсиллаган ерларда қурт-қумурсқа жонланди, ҳали нимжон, майин кўкатлар бош туртиб, томлар, қияликлар кўкимтир ранг блан қопланди.

Одам баҳор келишини ҳавонинг нафасидан, бутун вужуди блан сезади, қандайдир таниш, ёқимли бир қувонч туйғуси кўнгилни ўстириб, одам ўзини қушдай енгил, соғлом ва ғайратли ҳис қилади. Айниқса ўз ишларингдан, ҳаётдан мамнун бўлсанг, бу кунларда жаҳонда бор нарсани биратўла қучинг келади! Ҳаёт муҳаббати блан қанотлантиручи илк баҳорнинг латофатли бу кунларига севиқли хотин-қизларимизнинг, опа-сингилларимизнинг озодлик байрами бутун руҳи блан мос тушган!

Саккизинчи март эртасининг илиқ қуёши бутун нурини Найманчада қад кўтарган кўркам фабрика биносининг тепасида ҳилпираган қизил байроққа бағишлагандай эди. Дарвоза ва пештоқдаги алвон шнорлар, дераза ва томлардаги байроқчалар, байрам тараддудида шошиб-пишган қизлар бошидаги қизил дурралар, пионерлар бўйнидаги қизил бўйинбоғлар — ҳаммаси шу улуғвор ҳилпираган байроқнинг олов парчаларидай ярқиллайди.

— Биринчи баҳор байрамимиз бу йил Найманчада ўтадиган бўлди-да! — дер эди шаҳар халқи самимий қаноат туйғуси блан.

Ҳа, тантана аввало шуерда ўтади. Бугун қуручилар, шаҳар меҳнаткашлари озод келин ва қизларига шонли байрам совғасини топширадилар. Шарқ хотин-қизларининг биринчи катта социалистик меҳнат ўчоғи, Совет Ўзбекистониде келажаги порлоқ тўқув саноатининг тўнғич корхонаси бугун ишга тушади.

Фабрика корпусининг оқ-кўкиш қомати узоқдан тиниқ осмон блан қўшилиб кетгандай кўринади. Пештоқи олдида, худди шу рангдаги баланд девор ярим доира бўлиб қайрилиб келиб, рўпарадаги катта майдонни гўё қучиб турипти. Уроқдай қайрилган деворнинг энг ички, ўрта бир ерида, баландда, темир панжарали балкон, ҳозир уер — тантанали тусда чўғдай ясатилган минбар. Унинг икки ёнида, пастда, фабрикага кирадиган ва чиқадиган пропускхоналар, эшик, йўлак. Балкон-минбар рўпарасида, фабрика блан майдон орасида Жўрахон қабрининг мрамор сағанаси, унинг атрофида кузда экилган сирень кўчатларининг куртаклари бўртиб ётипти. Буердаги авжи баҳор кунларининг шавқли, чуқур ма'ноли гўзаллиги ҳозирдан кўз олдингизга келиб туради... Буерга бахтли, хушчақчақ, сершовқин қизлар келар, улар мана бу басавлат ҳаворанг бинодан танга роҳат берадиган ҳорғинлик блан чиқиб, қипқизил юзларини тиниқ фонтан сувида

чайқаб, шиймарылган чечан қўллари блан бир шингил сирень гулини қирс этиб синдириб олиб баланд кўкракларига қадарлар... Буерда фабрика гудоги блан қўшилиб меҳнат қўшиғи янграр, гуркираган сирень ҳидлара анқир, бу гуллар, оқшомларда камалакдай товланган шалолалари читга гул босучи иждокор рассом қизларга илҳом берар, янги кўркам, асл нусхалар яралар... Мармар сағана эса фабрикачи қизларга, опа ва оналарнинг қонли ва шонли йўлини эслатиб, саодатли умрнинг қадрига қадр қўшар...

Майдон Найманчага бориб туташган. Фабрика ўзининг очиқ, кенг манглай сингари пештоқи блан Найманчанинг паст-баланд кўкимтир томларига, пасқам лой кўчаларига худди келажакдай жилмайиб қараб турипти.

Эрталаб, буғ кўтарилиб турган, кенг, текис майдон байрамга ясанган халқ блан, янгроқ қўшиқ ва хушчақчақ шовқин-сурон блан тўлди.

Баланд минбарда, ҳилпираган қизил байроқ тагида, Онахон, Софья Борисовна, Эргаш, Ефим Данилович, Мансуров, Добротворцев пайдо бўлди. Олдинги сафда — савлатли кўриниши блан ўз тўпининг бошчиси эканлиги билиниб турган, қизил юзли Рузвон хола; байрам кийимида жуда ҳам дуркун бўлиб кетган, баланд кўкракли, кулча юзли Ҳожия; уст-бош ярашмайдиган, пак-пакана, тишсиз оғзини сра ёпмай жоврайдиган Қумри; янги атлас кўйлаги камзули тагидан ҳурпайиб турган чиройли жувон Холнисо; ўзи чуваккина, япалоқ юзли, кемшик Анзират ва бошқа очиқ хотинлар, қизлар бор, улар орасида ва орқада юзлаб паранжили аёллар, болалар, қизалоқлар; Мамажон ва Егор бошлиқ қуручилар, мастер Пармузин бошлиқ монтажчилар, найманчалилар, вагон-ремонт заводининг ишчилари,— ҳаммалари қуручиларни ва тўқучи хотин-қизларни табриклагани келишган. Найманча этакларида, байроқлар, портретлар, шиорлар орқасида сонсаноксиз оломон, аввало ола-чипор бўлиб, кейин — ундан ҳам нарироғи эса, булутдай қорайиб кўринарди.

Минбардагилар халқнинг тинчишини кутгандай эдилару, афтидан, аввало ўзлари тинчиёлмаётганга ўхшардилар. Бугун, шунча вақт бирга ишлашган қадрдонларнинг бирдан тарқалиб кетадиган кунидай, ажралиш кунидай эди. Гап кўп, ҳарким қадрдонларига ниманидир гапириб қолгиси келарди. Эргаш-у, балки умрида биринчи марта бўлса керак, янги қора костюм, эски, будённий-

ча шлѐми ўрнига янги яшил фуражка кийиб олган эди,— бир майдонга, бир фабрикага қаради-да Онахоннинг икки қўлини ушлади.

— Ростимни айтсам, Онахон опа, азбарои шифо, сизга топширворгани кўзим қиймаяпти. Қаранг, қоматини қаранг!

Улар иккови ҳам, тепасида байроқ ҳилпираб турган фабрика корпусига, орқароқда тиккайган трубаларга қарадилар. Эргаш фабрикани ўз қўли блан ясаб қўйгандек, суқ блан қаради-да, чуқур уҳ тортиб:

— Майли!— деди.— Лекин қуручилар коллективини ҳечкимга бермайман. Битта ушоғи четга тушмайди. Маҳкам, бир кишидай саранжом бўлиб қолдик, шундоқлиги-ча кўчамизу, бошқа бир қурилишга киришамиз! Биз шундай, доимий қуручилар армияси бўлиб қоламиз! Нима дедингиз, Сергей Львович?

Инженер Добротворцев ма'қуллади. Онахон унга ер тагидан қараб қўйди.

— Бирёққа кўчиб кетмасанглар ҳам...— деди у,— ўзимизда ҳам ҳали кўп қурилишлар бўлади. Назаримда, буерда комбинат бўлиши керак. Бутун бир шаҳар яратилиши керак.

— Шуердами, бошқа ердами, ишқилиб, қурилиш бўлса бас, қаерга юборса, «Становись!» дейману армияни бошлаб кетавераман.

— Бу ажойиб фикр!— деб гапга аралашди Ефим Данилович.— Одамларни ҳарсафар тарқатиб, яна йиғиб юргандан кўра, ихтисосли, доимий қуручилар коллективи бўлгани жуда ажойиб иш.

— Яхшию, бу ёшларнинг «кетаман-кетаман»и ёмон бўлар экан. .: деди Онахон кулиб.— Ҳожия ҳам кетаяпти.

— Ия, айтгандай, бу, тўй нима бўлади, тўй?— деди Ефим Данилович Эргашга қараб.— Йў-ўқ, биродар, бунақаси кетмайди. . .

Эргаш ҳозиргина завқ блан, баландпарвоз гапириб турганини ҳам унутиб, кўзини пастга олди, бармоғини қирсиллатди. Шунча қарамайман деса ҳам, пастда, қизил кўйлаги оловдай ёниб турган Ҳожияга беихтиёр қараб олди.

— Кўрамиз-да. . .

— Йў-ўқ, «кўрамиз-да»си нимаси, иш масаласида ҳамма режаларингиз аниғу, бунга келганда, «кўрамиз» эканми?

— Тўй... ўз йўли блан. Лекин кетаман, қаерда катта қурилиш бўлса ўшаёққа.

— Кетсангиз кетаверасиз,— деди Софья Борисовна эрининг орқа томонидан келиб белидан ушларкан,— лекин биз ўзимизга керак одамларни барибир олиб қоламиз, нима дедингиз, Онахон?

Онахон Добротворцевнинг ёнгинасида турган эди. Софьянинг гапни бошқалар оддий ҳазил деб тушунса ҳам, Онахон ўзини қаёққа қўйишини билмай қолди. Жавобга бир ҳазиломизроқ гап ҳам топилақолмади. Назарида ҳамма инженер блан иккаласига тижилгандай эди. Лекин қараса, гап бошқаёққа ўтиб кетиб, кулги, ҳазил давом этапти, ҳечким Онахонга, унинг аҳволига сра эʼтибор ҳам бераётгани йўқ. Шунда Онахон ичида ўзини койиди: «Ҳечкимнинг хаёлига келмаган гап учун, ҳатто ўзимнинг ҳам хаёлимда йўқ фикр учун ўнғайсизланиб ўтирганимни қара!» Лекин бирдан инженерга қараб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Худди шу пайт Добротворцевнинг товушини эшитиб чўчиб тушди, «ҳозир бир нарса деб ўтирса-я!» деган фикр миясидан чақмоқдай ўтиб кетди. Аммо инженернинг гапни бирпасдан кейин тушгунди, анчайин холис гап экан: Башоратни кўрдингизми, деяётган экан. Онахон пастга қаради. Башорат қирғий бурун новча Абдисаматнинг ёнида ююмалоқ бўлиб, онасига қараб кулиб турарди...

Майдонда халқ тинчиди.

Мансуров темир панжарага икки қўлини қўйиб, олдинга интилди, тўқув фабрикасининг ишга тушувига бағишланган митингни очиб, йиғилганларни хотин-қизларнинг халқаро озодлик куни — 8-нчи Март байрами блан қутлади. Қисқа нутқдан кейин янги фабриканинг директори Онахонга сўз берди.

Онахон бириас тўлқинланиб олган майдонга, узоқ-узоқларга тикилиб, нафасини ростлади-да, ҳарбир сўзни қаттиқ-қаттиқ, дона-дона айтиб, ҳаяжон блан бошлади:

— Уртоқлар! Қадрдон оналар, опа-сингиллар! Биз бу йил байрамимизни катта ғалаба блан кутиб олдик. Биринчи, катта, озод, социалистик меҳнат ўчоғимиз, янги тўқув фабрикаси бутун хусни-салобати блан рўпарангизда турипти. Ютуғимиз шундаки, биз асрлик қулликдан, қора ўтмишнинг чирик урф-одат анʼаналаридан, «ичкари» қафасидан халос бўлган, асосан найманчали собиқ заҳматкаш бўзчи аёллардан иборат ихтисосли тўқучилар

коллективга эгамиз, улар орқасидан шаҳаримизнинг юзлаб ва минглаб меҳнаткаш хотин-қизлари эргашмоқда, улар фабриканинг йўлида ўз бахтларини кўрмоқдалар, фабрикамиз ўтмишда заиф, ҳуқуқсиз чўри бўлган, бойларнинг, диннинг, қонунсиз қонунларнинг, чиркин урф-одатларнинг, солим эрларнинг, билимсизлик, қоронғиликнинг ночор қуллари бўлган, энди озод ва тенг ҳуқуқли минглаб хотин-қизларимизни ўз қучоғига, Ватанимиз шон-шарафи учун қувончли ва бахтиёр меҳнат қучоғига чорлайди. Азизларим! Бу барча ютуқларимиз учун бизга озодлик йўлини очиб берган жонажон шўро ҳуқуматидан, бизга кураш йўлини кўрсатган, ҳар қадамимизда қўллаб-қўлтиқлаган шонли большевиклар партиясидан бутун қалбимиздан миннатдоримиз! Шунисдан чиқармайликки, биздан кейинги яна ҳам бахтли авлодлар шунис билсинки, биз бу қувончли кунимизга осонлик блан етиб келмадик, биз қийин, қонли, лекин шарафли кураш йўлини босиб ўтдик, огир қурбонлар бердик. Халқимизнинг, озодлигимизнинг талвасага тушган, аламзада ёвуз душманлари биринчи қадамларимизни чалғитишга, йўлимизга ғов бўлишга, бизни ўлим ва қон блан қўрқитишга уриндилар. Улар қора ўтмишнинг занглаган занжирларини, қуллик кишанини яна бўйнимизга солиш учун ваҳшиёна жиноятлардан ҳам қайтмадилар. Лекин биз қалби озодлик қуёшидан нурланган меҳнаткаш хотин-қизлар бахтимиз учун кураш йўлида ҳечнарсдан қўрқмадик ва қўрқмаймиз! Чунки биз миллионларимиз, чунки қудратли шўро ҳуқуматининг адолатли қонунлари бизни ёқлайди, чунки янги, қувончли ва бахтли ҳаёт биз томонда, чунки бизни улуг коммунистлар партиясини бошлаб бормоқда. Бизнинг улуг рус халқидай қадрдон оғамиз бор! Бу кўркама фабриканини бизга сахий ва меҳрибон рус халқи берди, Москва берди!

Орада узоқ қарсақлар, узоқ қувончли шовқин бўлса ҳам, ўз навбати блан минбарга чиқиб келган Рузвон холанинг гапи Онахон нутқининг давомидай бўлиб эшитилди:

— Москва бизга бу чиройли фабриканинг бутун машиналари, бутун бойликлари блан бирга, қимматли илм ва ҳунар берди. Биз, Москвада ўқиб келган хотинлар, Москванинг она қучоғида меҳри товланган хотинлар, рус кишилариининг саҳоватини яна бир марта кўрдик, биз билимдон, оқ кўнгил, меҳр-шафқатли рус тўқучи қиз-жувонлари блан бир умрга қон-қариндош опа-сингилларимиз!

Рузвон хола Мансуровнинг орқасидан айланиб ўтиб, минбарнинг бу четига лапанглаб келди-да, Софья Борисовнани қучоқлади, хансираб, терлаб-пишган юзини унинг юзига босди. Қарсак тўлқини янгидан кўтарилди.

Хаяжонланган Софья Борисовна сўз олмасданоқ кенг майдонга мурожаат қилди:

— Азизларим! Фабрикамининг гўзал қомати бизнинг кўз ўнгимизда тикланди. Аммо фабрика блан бирга биз ўзимиз ҳам юксалдик. Биз фабрикамининг блан бирга, бир опа-сингиллардек ўсдик, улғайдик. Биз бугундан бошлаб меҳнаткаш халқимизни чиройли, нафис, ранг-баранг кийимлар блан ясантирамининг, халқимиз эса фабрикамининг гигант комбинатга айлантириб беради ва биз фабрикамининг блан бирга яна ҳам улғайиб, кўпайиб, шонли ишчи синфининг қудратли отрядига айланамининг!

Митинг қудратли, қувончли, шовқинли, каттакон самимий суҳбатга айланди. Сўзлар қарсакларга, қарсаклар оташин хитобларга уланиб кетди. Ба'зилар сўз олмасданоқ пастдан туриб қичқириб сўзлаб кетар, узоқлардан баланд овоз блан шиорлар ташланар, нотиқларнинг гапи «ура!» товушлари блан бўлинар эди.

Митинг тамом бўлгандан кейин, минбардагилар қарсаклар остида пастга тушишди. Онахон меҳмон кутаётган тўйбоши сингари, ўнг қўлдаги эшикни кенг очиб қўйди. Мансуров ичкарига йўл бошлади. Бир нафасда фабрика ҳовлиси лиқ тўлди. Буер майдонга қараганда торроқ, одам тиқилинч. Катта корпуснинг машина залига кирадиган икки табақали дарвоза ланг очик, дарвозанинг энламасига, бел бўйи баландликда қизил лента тортилган эди. Корпуснинг қирқ қатакли жуда катта, баланд, ёруғ деразаларидан ичкаридаги қатор тўқув станоклари кўринар эди. Ҳамма эшикка деразаларга интилди. Машина залида кўк комбинезон кийган хотинлар, қизлар кўринди. Икки қатор станоклар ўртасидаги тикка кенг йўлакнинг нариги бошида фабриканинг бош мастери Софья Борисовна пайдо бўлди. У тўқучиларнинг ўз станоклари ёнига бориб жойлашишини кузатар, кўз қараши блан гўё уларга команда берар эди. Эшикка яқин, энг бериги станокда Рузвон хола, ундан нарида — Ҳожия, кейин Қумри, Холнисо, Анзират, Назокат ва бошқалар ҳаммаси бирхилда, катта деразалардан қараб турган тиқилган осмондек кўмкўк кийимда, тантанали ва мағрур жимликда, станокларига кўз тикиб, шайланиб турар эдилар.

Онахон блан Мансуров ёнма-ён юриб қизил лента ёнига келдилар, уларнинг кетидан Ефим Данилович, Эргаш, инженер Добротворцев, қуручилар, хотинлар, халқ аста силжиб келди. Ҳамманинг кўзи Онахон блан Мансуровда эди. Онахон кўкрак чўнтагидан кичкина йилтироқ қайчини олиб Мансуровга берди. Мансуров енгини шимариб бир қадам олдинга чиқди-да, сал қалтираган қўлидаги қайчи блан қизил лентани қирқди. Лентанинг ерга тушган бир учи пайрахадай буралиб, ерда оловдай четга югуриб кетди. Мансуров лентанинг қўлида қолган бир учидан ярим газчасини қирқди-да, Онахон блан ўзининг ўртасида пайдо бўлган қизил бўйинбоғли кичкина Турсунойнинг сочига гул қилиб танғиб қўйди. Турсуной залда, йўлакнинг нариги бошида турган Софья Борисовнага қараб салют берди.

Бу ҳайбатли, тантанали жимликда Софья Борисовнанинг имоси блан, Ефим Данилович рубильникни босди. Машина зали бирдан ҳаракатга кирди, узоқдан, денгиз тўлқинидай биртекис шовқин аста кучайиб, тобора босиб келарди. Туқучилар ишга тушган ўз станокларини чаққон, қондали ҳаракатлар блан бошқарабошладилар. Онахон ва Мансуров, Ефим Данилович, улар кетидан бошқалар, секин ичкарига қадам қўйишди, ичкаридан Софья Борисовна уларга пешвоз чиқиб келди. Улар залнинг ўрта бир ерида учрашдилар. Софья Борисовна аввал директорга, Мансуровга, Эргашга қўл берди, кейин Ефим Данилович ва бошқалар блан бир-бир, қўл сиқиб кўришди. Энди уларнинг бир-бирларини қутлаш, табриклаш овозлари эшитилмас, буерда тўқув станокларининг вазндор товуши ҳукмрон эди...

Фабриканинг ишини бир соатча тамоша қилгандан кейин, Онахон ташқарига чиқди. Одамлар тарқаётган эди. Унинг қулоғидан станокларнинг бирхил шовуллаши ҳамон кетмас эди, энди бу товуш унга қуёшли баҳор эртасидай таниш туюлди, бу товуш таниш баҳор эртасининг завқли, ҳаётбахш шов-шувига, ҳаёт тўлқинига қўшилиб кетди. Ҳаво кўмкўк, узоқ-узоқларгача ғуборсиз, тип-тиниқ. Онахон шу тиниқ, ҳаяжонли баҳор эртасини умрбод ёдлаб қолишга урингандай, осмонга тикилди.::

— Ойи, фабрика 8-нчи Мартда ҳам ишлайдими?

Турсуной ойисининг ёнгинасида пайдо бўлди. Онахон унинг қизил лента тақилган сочини силаб, тиниқ осмон акс этиб турган, чарақлаган кўзларига қаради.